

ЎЗБЕКЎСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКЎСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКЎСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

УЧИНЧИ КИТОБ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКЎСТОН ТАРИХИ

«ЎЗБЕКЎСТОН РҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ТАҲРИРИЯТИ

ҲТ — 2000

Тузувчилар

Нарзулла ЖҰРАЕВ, Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ

Таҳрир ҳайъати

А. Азизхужаев (раис), Б. Аҳмедов, С. Камолов, А. Саъдуллаев,
Ф. Эргашев, О. Шарафилдинов, Н. Комилов.

Тақризчилар

А. Абдурасулов, Р. Жумасев, Н. Абдулизова, Т. Маликов,
К. Норматов, С. Олимов, А. Саидов, Х. Султонов, И. Эргашев,
О. Ҳусанов, И. Ғофуров, О. Файзуллаев.

Ўзбекистоннинг янги тарихи //Тузувчилар: Н.Жўраев, Т.Файзуллаев; Таҳрир ҳайъати: А.Азизхўжаев (Раис), Б.Аҳмедов, С.Камолов ва бошқ./ — Т. «Шарқ», 2000. — 560б.

Сарлавҳада: ЎзР Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази.
К.З. Мустақил Ўзбекистон тарихи.

1. Жўраев Н., тузувчи.

ББК 63.3(5У)+65.9(5У)

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Давлат ва жамият қурилиши академияси
«Шарқ» нашриёт-матбаа кўпирини
Бош таҳририяти, 2000

Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллиги яқунланаётган ўта масъулиятли, шу билан бирга ўта шарафли тарихий бир даврда яшайпмиз. Тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ҳаётида ҳам, одамлар турмушида ҳам кескин бурилиш ясалди. Турмуш тарзимиз ўзгарди. Тафаккуримиз, шууримиз тобора кенгайди. Энди бошқача яшаш зарурати, ҳаётга бошқача қараш эҳтиёжи туғилганини чуқурроқ англай бошладик ва, энг муҳими, уни турмуш тарзимизга айлантира бошладик.

Мустақиллик йиллари ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг тезкорлиги, воқеа ва ҳодисаларнинг шиддатлилиги, оламу одам тақдирига дахлдор бўлган дунёвий муаммолару серқирра ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган умумий қарашларимиздан тортиб, энг кичик, энг шахсий юмушларимизгача бўлган барча ҳодисаларни ўзида мужассам этди. Мудроқ босган туйғуларимизни жунбушга келтирди. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётга тийракроқ қарайдиган бўлдик, ўзлигимизни англай бошладик.

Табиийки, бундай ҳаётий зарурият барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори тарих фани олдига ҳам янги вазифалар кўяди. Тадқиқотчилар биринчи навбатда халқнинг истиқлолга эришиш йўлидаги фидойи меҳнатини, миллий мустақилликка эришиш йўллари ва воситаларини, миллий давлатчилик қурилишига доир тажрибани, истиқлолни мустаҳкамлашнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий омилларини ўрганиш ва миллий истиқлол мафкурасини яратиш каби бир қатор муҳим муаммоларни ҳар томонлама мушоҳада қилмоқлари лозим. Дарҳақиқат, ўрганишга, тадқиқ этишга, дастлабки илмий-назарий хулосаларни ўртага ташлашга асос бор.

2000 йил, 6 апрел куни Оқ саройда мамлакат Президенти бир гуруҳ олимлар, файласуфлар, тарихчилар ва мутахассислар билан учрашиб, миллий мафкура, миллий онг тараққиёти, унинг зарурати ҳақида гапирди.

«Тарихий хотирасиз келажак йўқ», — деган эди И. Каримов. Дарҳақиқат, тарих хотираси инсон тараққиётига кучли таъсир ўтказди, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Миллий онг, миллий тафаккур халқ тарихи, унинг ривожланиш босқичларини нечоғлик ўрганиш, ундан сабоқ чиқариш билан боғлиқ. Улуғ алломалар айтганидек, тарих инсонни истиқболга даъват этади. Улкан яратувчиларни рағбатлантиради. Зотан, унинг мураббийлик, тарбиячилик, йўналтирувчилик кучи худди ана шунда.

Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президенті ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» Марказини ташкил қилиш тўғрисида чиқарган Фармойиши катта тарихий ва сиёсий аҳамиятга эга. Қўлингиздаги «Мустақил Ўзбекистон тарихи» китоби ана шу хайрли йўлда қилинган дастлабки ишдир.

Китобда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришиши, янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотларнинг амалга оширилиши, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир тadbирлар, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш омиллари, маънавий-руҳий покланиш ва миллий кадриятларнинг тикланиши ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши каби масалалар кўриб чиқилади.

Хуллас, «Мустақил Ўзбекистон тарихи» китоби ана шу тарихий жараёнларни мумкин қадар тўлароқ қамраб олиш, уни жамлаш, маълум бир тартибга солиш, қолаверса, ана шу жараёнларни иложи борича кўпроқ ўрганиш орзу-истагида вужудга келди. Дарҳақиқат, мустақиллик даврида ўтган кунларимиз алоҳида ўрганишни, тadқиқ этишни, илмий ва назарий хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда. Бунинг ўзига хос асослари бор.

Биринчидан, истиқлол йилларида Ўзбекистон мустақил суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос нуфузга эга бўлди. У ўзининг катта ишлаб чиқариш имкониятлари, бой ақлий ва жисмоний салоҳияти, тенгсиз табиий бойликлари билан дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари диққатини тортди ва улар билан тенгма-тенг туриб ҳамкорлик қилиш қудратига эга эканлигини кўрсата олди.

Иккинчидан, энг оғир, машаққатли ва зиддиятли пайтларда, ўтиш даврининг ўзига хос мураккабликлари мавжуд бўлган бир вақтда мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорликнинг сақлаб турилиши мамлакат ҳуқумати сиёсатининг нақадар ҳаётий ва халқчил эканлигини кўрсатади. Айниқса, юздан ортиқ миллат ва элат яшаётган мамлакатда турли ақидалар ва ғоялар таъсирида бўлган аҳолининг талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида қондириш, уларнинг қарашларини бир нуқтада жамлаш алоҳида уддабуронликни ва қатъиятлиликни талаб этади. Ўзбекистон ҳуқумати худди ана шундай қатъиятни кўрсата билди.

Учинчидан, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, дунёвий давлат қуришнинг асоси бўлган қонун устиворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш тамойиллари вужудга келди. Туб ислохотларнинг Президент И. Каримов томонида ишлаб чиқилган машҳур беш тамойили истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ жаҳон ҳамжамиятида юқори баҳоланди ва тўла тан олинди.

Тўртинчидан, хорижий инвестицияни жалб этиш, чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу асосда мамлакат ишлаб чиқаришини тубдан ўзгартириш, уни жаҳоннинг энг илғор технологиялари билан қайта жиҳозлантириш йўли тutilди. Бу Ўзбекистоннинг жамиятни бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказишда барча ёш мустақил мамлакатлар ўртасида энг тўғри йўл танлаганини кўрсатди.

Бешинчидан, Ўзбекистон ҳукуматининг ислоҳчилик сиёсати бевосита халқ дунёқараши, унинг минг йиллар мобайнида шаклланган урф-одатлари, анъаналари билан уйғун ҳолда амалга оширила бошланди. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак», «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлиши керак» сингари шиорлар халқимизнинг орзу-истаги, умид ва интилишлари билан уйғун ҳолда дунёга келди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг том маънода маънавий тикланиш ва руҳий покланиш майдонига айланганлиги ана шу энг эзгу ниятлар асосида давлат сиёсати ва халқ орзу-умидларининг уйғунлиги натижасидир.

Маълумки, жамият тараққиётида шахснинг роли бениҳоя катта. Айниқса, ўтиш даврида давлат арбобининг, сиёсий етакчининг ўрни яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Чунки, бу пайтда ҳали маълум бир сиёсий тутум, сиёсий қатлам ва жамиятни йўналтирадиган оқим шаклланмаган, қарашлар бир ўзанга тушмаган, турли қарама-қаршилиқлар ва зиддиятлар мавжуд бўлган мураккаб бир вазият вужудга келади. Бундай пайтда халқ ўз келажагини асосан давлат раҳбарига қараб белгилайди. Узининг иймон-эътиқодини, тақдирини у билан боғлайди.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда мустақилликнинг ўтган даврида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ишлар бевосита давлат раҳбарининг шахсияти, унинг иш услуби, воқеа-ҳодисаларга ёндошиш усули билан боғланиб кетган. Хоҳлаймизми-йўқми, давлат арбобининг сиёсий қиёфаси ўтиш даврининг ноёб маҳсули сифатида тарих саҳифаларида Бош ислоҳотчи қиёфасида мустақкам ўрнашган бўлади. Демак, мустақиллик даври тарихини ўрганар эканмиз, бу жараён бевосита мамлакат Президенти И. Каримов фаолияти билан узвий боғланганлигини яққол кўрамиз ва уни саҳифаларга айнан кўчиришга интилдик. Тарихий ҳақиқат ҳам, ҳаётий ва илмий ҳақиқат ҳам шуни тақозо этади.

Шубҳасиз, юқорида тилга олинган масалаларни ўрганиш ва мушоҳада қилиш кишиларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёшларни тарихий анъаналарга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга кўмаклашади.

Китобни ёзиш жараёнида биз Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси, мамлакат ташқи ишлар ва ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Макро-иқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда бир қатор ташкилот ва муассасаларнинг жорий архивларидан, «Ўзбекистон Республикаси» энциклопедиясидан фойдаландик.

Китобни тайёрлашда бир қатор йирик олим ва мутахассислар ўз фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар. Жумладан, профессор О. Ҳусанов («Ҳуқуқий давлат изланишлари»), академик С. Камолов (III-боб, ҳаммуаллифликда), профессор Б. Қосимов («Қуролли Кучлар—Хавфсизлик таянчи») ва У Мингбоев ўз мақолалари билан иштирок этдилар. Шунингдек, иқтисод фанлари докторлари В. Голышев, Г Саидова материалларидан ҳам иқтисодий ислохотлар қисмида фойдаланилди. Биз бу муҳтарам муаллифларга, амалий ва маънавий кўмак берган барча мутахассисларга самимий миннатдорчилик изҳор этамиз.

Муаллифлар Нарзулла Жўраев ва Турсунбой Файзуллаев Сиз муҳтарам китобхонларнинг асар ҳақидаги таклиф, истак ва мулоҳазаларингизни миннатдорчилик билан қабул қиладилар. Бу таклифлар, шубҳасиз, китобни қайта ишлашга, уни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши

1-§. МУСТАҚИЛЛИК — ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ АЗАЛИЙ ОРЗУ-ИНТИЛИШИ

Мустақиллик азалдан инсониятнинг орзу-умидлари, армон ва изтиробларини ўзида мужассам этган. Дарҳақиқат, инсон табиатнинг гултожи сифатида ҳамиша озодлик ва ҳурриятга интилиб яшайди. У ҳамиша ҳар жиҳатдан ўзини эркин ҳис қилишга, таҳликасиз турмуш кечиришга эҳтиёж сезади. Шунинг учун ҳам кишилиқ тарихи турли даврларда Ер шарининг барча минтақаларида озодлик учун курашни, шаклан турлича, моҳиятан ўхшаш бўлган ҳурриятга интилиш ҳодисаларини кўп кўрган.

XX аср интиҳосида дунёнинг қарийб учдан бир қисмида мисли кўрилмаган ҳодисалар содир бўлди. Социализм деб аталган тоталитар тузум, коммунистик мафкура деб аталмиш зўравонлик ва тазйиққа асосланган мафкура таназулга учради. Жаҳонга, Ер юзига ҳокими мутлоқликни даъво этган СССР жамият сифатида ҳам, давлат сифатида ҳам жарга қулади. Унинг таркибига кирган иттифоқдош республикалар том маънодаги мустақил давлат мақомини олдилар.

Мустақилликка эришиш гоёси халқимизга азалдан мерос, шу мақсад халқимизга аждоқлар орқали минг йилликлар қаъридан бизгача етиб келмоқда.

Президент И. Каримов «Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати» номли рисоласида «Ўзбек миллати азалдан ўз фикр-зикри ўз истиқлоли учун курашиб яшаган. Бунга мозий гувоҳ. Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат, юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслаҳидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган тарих саҳифаларини кунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам, қарз ҳам фарз»¹, — деганда ана шу ҳолатни назарда тутлади. Халқимизнинг узоқ тарихи у ўз ўтмишида озодлик, истиқлол учун тинимсиз кураш олиб борганидан гувоҳлик беради.

Туркистон ўзининг кейинги бир ярим минг йиллик тарихида бор-йўғи 376 йил ҳур мамлакат рутбасида бўлган (Б. Аҳмедов). Бошқа пайтлар эса босқинчилар зулми остида кун кечирган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, Туркистон тарихий ривожланишнинг ҳамма босқичларида турли шаклда бўлинишларга, унинг халқи ўзгалар томонидан таҳқирланишга, камситилишларга дучор бўлган. Халқимизнинг грек, македониялик-

лар зулмига, араблар истилосига, мўғул-татар босқинчилигига, ва ниҳоят Чоризм мустамлакачилигига қарши олиб борган миллий-озодлик ҳаракатлари тарих саҳифаларида абадий қолган. Айни чоғда яқин тарихимизда, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг марказга тобелигига қарши, аниқроғи шу даврда Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши учун тарихий вазиятга қараб гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона, яширин тарзда олиб борган курашларини қатор манбалар орқали тобора чуқурроқ билиб бораёмиз. Бир сўз билан айтганда халқимиз азал-азалдан ўз фикри-зикри билан мустақил, озод, эркин яшаш учун тинимсиз интилган.

Ҳўш, мустақилликнинг ўзи нима? Истиқлол нималарга асосланади ва унинг мазмуни — моҳияти нималардан иборат?

Энг аввало шуни айтиш керакки, мустақиллик тенглик сари қўйилган биринчи қадам. Чунки, тенглик бўлмаган жойда кимдир кимгадир тобе бўлади. Мутелик бор жойда ҳукмронлик, ўзгалар ҳисобига яшаш каби иллатлар пайдо бўлади. Натижада биз сўнгги бир ярим аср мобайнида бошимиздан ўтказган мустамлакачилик дунёга келади. «Тенглик» сўзининг қудрати шундаки, у одамларнинг ўзаро муносабатларидан тортиб, мамлакатлараро муносабатларгача ҳамма нарсани меъёр-мезонга солади, турли камситишлар ёки ортиқча таъзим-тавозега чек қўяди.

Истиқлол — ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, бир-бирини қадрлаш асосида мамлакат фуқаролари ўзаро муносабатида ҳам, жаҳон давлатлари ўртасидаги алоқаларда ҳам ана шу умуминсоний қадриятларга таяниш, ана шу умумий мезонлар асосида яшаш демакдир.

Мустақиллик — жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ва ўз тақдирини билан боғлиқ бўлган истиқбол ҳақида ўйлашдир.

Истиқлол — эркин дунёқараш, эркин тафаккурга суяниб яшаш салоҳиятидир.

Мустақил яшашга, мустақил фикрлашга, ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз ҳаётини ўзи изга солишга қодир одам зиддиятларни осонлик билан енгади, дунёнинг шиддатли муаммолар бўрони қаршисида довдираб қолмайди. Ана шу оддий ҳаётий ҳақиқатни давлат мустақиллигига ҳам қиёслаш мумкин.

Мустақиллик мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини, у тақозо этадиган тўсиқлар ва зўравонликларни инкор этади. Айни пайтда мустақиллик жаҳон тараққиётининг илғор тажрибалари асосида ўз раънақининг ўзига хос тамойилларини ишлаб чиқиш билан бирга ягона замин, ягона макон тақдирини белгилашда ўзаро ҳамкорликнинг янги, сифат жиҳатидан юқори бўлган, умуминсоний манфаатларга мос келадиган андозаси асосида яшаш демакдир. Агар у ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, мамлакатлараро, давлатлараро ва минтақалараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муносабатларни қарор топтирмаса ўз қобиғи-

да қолиб кетиши, миллий маҳдудлик доирасидан чиқолмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг ана шу ҳаёт тажрибасидан ўтган тамойиллари ҳамма вақт долзарб бўлиб қолаверади. Чунки у доимий равишда ривожланиб, ўз-ўзини бойитиб, тақомиллаштириб, онг ва тафаккурни ўстириб борадиган воқелиқдир.

Мустақиллик — табиатан онгли яшаш, онгли муносабатни қарор топтириш мезони. Айни пайтда у ҳаракатларнинг, интилишлар ва қобилиятларнинг кучайишини тақозо этадиган ҳодиса. Бу айниқса собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мустақил мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Нима учун?

Тоталитар тузум даврида давлат мамлакат бошқарув тизимидан тортиб алоҳида-алоҳида шахсларнинг кундалик турмушига ва истиқболига дахлдор бўлган ҳар қандай катта-кичик масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олгани учун меҳнаткаш халқ моддий ва фикрий боқимандалик кайфиятига дучор бўлган эди. У фақат ишлаш ҳуқуқига эга эди, холос. Меҳнат деб аталган ҳиссиз машинанинг мурватига айланиб қолган эди. Эртдан-кечгача меҳнат қиласан, меҳнатингга яраша очдан ўлмасликка етадиган ҳаққингни оласан, тамом-вассалом. Бу — собиқ иттифоқда қонун кучига эга бўлган давлат сиёсати эди. Одамзот шунчаки ишлар, шунчаки умр кечирарди, холос. Тириклик деган буюк неъматнинг, ҳаёт деган олий тушунчанинг магзини чақишга ўзида рағбат ҳам, эҳтиёж ҳам сезмас эди. Бинобарин, ақл билан иш тутиш, воқеликни идрок қилиш, бунёд этиш, яратиш туйғулари бутунлай сўндирилган эди. Шунинг учун ҳам мамлакат тараққиёти сустрлашиб, одамлар турмуш даражаси пайсыйб борарди.

Донишмандлар айтганидек, ҳар қандай фаоллик тамойиллари ҳаракатлар эркинлигига замин яратиши, унга суяниши керак. Акс ҳолда боқимандалик иллатлари сурункали касалликка айланади. Демак, ҳар қандай хатти-ҳаракат, ҳар қандай интилиш ўз-ўзидан бунёдкорлик, яратувчилик руҳи билан йўғрилган бўлиши даркор. Ана шунда эркинлик самарасиз, фаолиятсиз ҳодисага айланмайди.

Собиқ иттифоқда ҳукм сурган қайта қуриш сиёсати унинг таркибига кирган иттифоқдош республикаларнинг мустақилликка чиқишига йўл қўймаслик мақсадида қилинган маккорона ҳаракат эди. Давлат тўнтаришига уриниш, зўравонлик ва тазйиқ ўтказиш сиёсатини чуқурлаштиришга интилиш бу жараённинг якуни бўлди. Мустақиллик имкониятларини олдиндан пайқаган, мамлакат ижтимоий сиёсий жараёнларининг боришини тўғри кузатиб, тўғри баҳолай билган Ўзбекистон иттифоқдошлари орасида биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилди. 1991 йил 31 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий йўлини тўла қонунлаш-

тириб берди. Бу тарихий ҳужжатда қуйидаги хулосалар илгари сурилган эди:

- «Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттифоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни эътиборга олиб,

- Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдири-ни ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,

- Ўзбекистон халқларининг тақдири учун бутун масъулият-ни англаб,

- шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг, мустақил давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузилмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб,

- миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъий назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносиб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қадр-қимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилиб,

- Мустақиллик Декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг ўз таркибидаги Қорақалпоғистон республикаси билан бирга, ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир. Ўзбекистон республикасининг бошқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир».

Ўзбекистон парламентининг бу баёноти ўзининг қонун кучи билангина эмас, сиёсий мантиғи, маънавий қудрати, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келиши ва энг муҳими миллат тақдирини ҳал этадиган тарихий қадрият эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳужжат СССРнинг 73 йиллик ҳаёти нақадар аянчли ва фожеали эканлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, бу мамлакатда инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама поймол этилганлигини, энди бу тузумда ортиқ яшаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турарди. Бироқ, мамлакат аҳолисининг аксарият қисми ва айрим миллий республикалар раҳбарияти онгига сингиб қолган тобелик ва мутъелик туйғулари кескин ҳаракат қилишга, ўз халқи манфаатини мардона туриб ҳимоя қилишга йўл қўймас эди. Аммо, ўша пайтда Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазият — Ўш, Фарғона, Қўқон, Гулистон, Паркент ва Бўқада юз берган машъум воқеалар, миллатлараро низоларнинг пайдо бўлгани, халқ ҳаётининг таҳликали тус олгани ортиқча кутиб туришни тақозо этмас эди. Жараёнларга ўз вақтида етарли баҳо бериб, зарур хулосага келиш керак эди. Шунинг учун ҳам Фарғона воқеалари бирмунча изга тушгач, мамлакат аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, турмуш шароитини ва

фаровонлигини ошириш борасида амалий чоралар кўрилди.
Жумладан:

— аҳолини қўшимча томорқалар билан таъминлаш, якка тартибда уй-жой қуришга кенг имкон бериш, шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, чорвачилик ва паррандачиликни тараққий топтириш;

— пенсиялар, талабалар ва ўқитувчиларнинг маошларини ошириш, оғир ижтимоий аҳвол натижасида камқонлик касалига учраган ҳомиладор аёлларга имтиёзли овқатланиш, бошланғич синф ўқувчиларига бепул озиқ-овқат ажратиш ва шунга ўхшаган бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг марказ билан ҳисоблашмай ҳал этилиши мамлакат аҳолисига қанчалик маъқул келса, иттифоқ раҳбариятида шунчалик норозилик туғдирар эди.

— Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириши қатор хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиши у ўз тараққиёт йўлини танлаб олганини кўрсатар эди.

Бу борада шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда бу масалаларнинг ҳаммаси мустақил равишда ҳал этила борибди, мавжуд муаммоларни ечишда иттифоқ идораларидан сезиларли равишда олдин борибди. Бу хусусда марказдагиларнинг бирортаси ҳам Ўзбекистонда амалга оширилган ишларни олқишлаб қабул қилмади. Москвадаги кароматгўйлар аксинча, гўё бу — Ўзбекистон Президентининг ўзбошимчалиги, буларнинг ҳаммаси иттифоқ кўрсатмаларига мувофиқ келмайди ёки уларга зид деб баҳо бера бошлашди.

Шундай бўлсада Ўзбекистон ҳукумати СССРда мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини бошқалардан кўра тезроқ англади ва муносиб баҳолади. Шунинг учун ҳам у қатъий ҳулосага келди. 1991 йилнинг 31 августида «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги қонун»ни қабул қилди ва ана шу қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг бундан кейин Ўзбекистон ССРни Ўзбекистон Республикаси деб аташ, 1 сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиш, Ўзбекистон Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу бевосита Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ҳуқуқий пойдевори эди.

Дарҳақиқат, биз ижтимоий-сиёсий жараёнлар одамлар ҳаётини кескин тарзда бир ўзандан иккинчи ўзанга буриб юборган. Ҳаётимиз бутунлай бошқача тус олган ва турмушимиз ўзгача мазмун касб этган мураккаб руҳий-маънавий ҳолатни бошдан

кечирдик. Натижада йиллар мобайнида қотиб қолган тушунчаларимиз ўзгармоқда ва мудраб қолган онгимиз уйғонмоқда.

Истиқлол туфайли «мустақиллик», «хуррият» деган сўзлар бутун жозибаси билан бирга беқиёс қудратини, буюк ўзгартирувчилик мўъжизасини кўрсата бошлади. У дунёқарашларимизни тубдан ўзгартириб, фикримиз, тафаккуримизни бойитмоқда. Воқеалар ривожини бутун моҳияти билан англашни, дунёга кенгроқ ва тийрақроқ назар билан қарашни, бу кўҳна оламда шўро тузумидан бошқа адолатли тузумлар ҳам борлигини, бошқача яшаш ҳам мумкин эканлигини, коммунистик мафкурадан бўлак ҳаёт лаззатини, инсон қадр қимматини ҳимоя қиладиган ғоялар ҳам мавжудлигини кўрсатиб берди. Зотан, истиқлолнинг буюк моҳияти, беқиёс қадрияти ана шунда. Мустанлақчиликнинг кишилик тарихида андуҳ ва кулфатлар ёғдирган беқиёс фожеаси — унинг инсонни мустақил фикрлашдек улкан иқтидоридан маҳрум этганида. Мустақиллик ана шу инсоний фожеанинг аччиқ мазмунини очиб берди.

Истиқлол бизга ўзлигимизни англатди. Ўзини англаш — оламни англаш, оламни тушуниш — одамни тушуниш, демакки, ҳаётнинг мазмунини идрок этишдир. Инсон ўзининг бутун моҳиятини, инсонлигини қанчалик чуқур тушунса, яшаш мазмун-моҳиятини ҳам шунчалик чуқур англайди.

Ўзлигини англаган киши оламнинг бутун ранг-баранглиги билан бирга ҳаёт мазмунини, ўзининг шунчаки тириклик ва мавжудлик белгиси эмас, аксинча, табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигини, шу аснода инсон қадр қимматини тобора теранроқ англай бошлайди. Маърифатга муҳтожлигига, хурфот ва жаҳолат ҳаёт кушандаси, манкуртлик — ўзлигини ва оламни унутиш эканлигига тобора кўпроқ ишонади. Демак, бевосита ички бир даъват ва илоҳий қувват билан маънавий етукликка, комилликка интилади. Бу — истиқлолнинг яна бир мўъжизаси.

Мустақилликнинг асосий қадриятларидан бири унинг ижтимоий, маънавий моҳияти бевосита омма фикрини уйғотишда, халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги хусусида қайғуриш ҳиссини кучайтиришдан иборат. Акс ҳолда туб ислохотларнинг умри қисқа, тақдири эса фожеа билан тугаши мумкин.

Биз тарихнинг айни бурилиш даврида яшамоқдамиз. Ана шу бурилиш нуқтасининг ўзиёқ тафаккуримизни, тор дунёқарашларимизни, ҳар томонлама чегаралаб қўйилган тушунчаларимизни ўзгартиришни тақозо этмоқда. Узоқ йиллар мобайнида бир қолипдаги ҳаётдан сўнг беихтиёр олис ўтмишни эслашга, уни ўрганишга, ўзлигимизни англашга кучли эҳтиёж туғилди. Ички бир табиий куч миллион-миллион кишилар қалбида мудраб ётган туйғуларни ҳаракатга келтириб юборди. Натижада одамларнинг ҳаётга муносабати ўзгариб, ўз тақдири

билан боғлиқ бўлган замин истиқболини ўйлашга зарурат сезмоқда.

Бутун борлигидан, маънавий бисотидан жудо қилинган халқ эркинлик туфайли катта ташналик билан ўз тарихини билишга интила бошлади. Бу борада минг йиллар давомида вужудга келган, халқимизнинг даҳолик кудратини, қувваи ҳофизасини, таъби назмини, қолаверса, маънавий-руҳий ҳолатини белгилаб берадиган халқ оғзаки ижодига шўро ҳукумати даврида онгли равишда юз берган муносабатнигина эслатиш жоиздир.

Сир эмас совет даврида асрлар мобайнида тилдан-тилга кўчиб, авлодлар давомийлиги ва ворисийлигини сақлашда олтин халқа бўлган афсоналар, ривоятлар, эртақлар, топишмоқлар ва латифалар зўравонлик билан йўқ қилинди. «Алпомиш», «Гўруғли», «Ҳасанхон», «Нурали», «Шерали» сингари дostonларга, миллий кўшиқ ва лапарлар гоъвий нуқтаи назардан зарарли деб топилди. Умуман, барча миллий-маданий ёдгорликлар сингари ўзбек халқ оғзаки ижодининг юксак намуналарига ҳам коммунистик мафкура нуқтаи назаридан қаралди ва ана шу ўлчов билан баҳо берилди, дейди куйиниб профессор М. Муродов.

Биргина мисол «Алпомиш» дostonида гўёки хонлар ва беклар шаънига ҳамду санолар ўқилармиш, босқинчилик ва зўравонлик ташвиқ қилинар эмиш, диний оҳанглар, илоҳий кучга ишониш, илоҳиятнинг мавжудлиги каби гоъялар тарғиб қилинар эмиш...

Маълумки, ўзбек халқ дostonларида диний оҳанглар, Аллоҳнинг мавжудлиги ва унинг иродаси хусусидаги талқинлар азалдан бўлган. Бироқ Коммунистик партиянинг даҳрийлик мафкураси дostonнинг ана шу жиҳатларига ёпишиб олиб, уни худосизлик ташвиқоти куролига айлантирмоқчи бўлди. Мазкур мафкуранинг ана шу қабиҳ гоъяси туфайли инсон қалбидаги ишонч, эътиқод туйғуси маҳв этилди. Табиийки, худодан қайтган одам ҳар қандай разолат ва қабоҳатдан қайтмайди. Худобахбарлик иймонсизлик ва диёнатсизликни келтириб чиқаради. Натижада на Ватанга, на миллатга, на ўтмиш, на истиқболга эътиқод қолади. Табиийки, эътиқодсизлик — хурофотга, хурофот жаҳолатга, жаҳолат эса ҳалоқатга олиб келади. Жаҳолат, нодонлик ҳукмрон бўлган жойда таназул чуқурлашади. Манқуртлик шаклидаги ёввойи ва ибтидоий ҳаёт вужудга келади. Совет тузумининг «улуғ мафкурачи»ларига айни шу нарса керак эди. Шунинг учун ҳам эзгулик ҳимоячиси сифатида халқимизнинг маънавий қахрамонига айланган Алпомиш образи атай бузиб танқид этилди. Аниқроғи, унга тухмат қилинди, таъна тошлари отилди.

Ўзбек халқ ижодиётининг одамларни инсоф ва диёнатга, имон ва эътиқодга, меҳнатсеварлик ва юртпарварликка, одобахлоқ ва маданиятга чорловчи асосий гоъяларидан фойдаланиш ўрнига улар ўтмишни идеаллаштиради, пирлар, азиз авлиёлар,

подшоҳлар, муқаддас қадамжолар, мақбаралару мадрасаларни улуглайди. Шу тариқа одамлар онгини эскилик сарқитлари билан заҳарлаб, улар эътиборини совет тузумидан четга тортади, деб қораланди. Халқ ижодиётининг кўплаб асарлари, масалан, машҳур халқ куйчиси Утар шоир Сафаров айтган «Ойпарча» достони қайта ишланиб, хоҳлаганча қисқартирилиб, қайчиланиб замонавийлаштирилганидан, ундаги асл ғоялар туширилиб қолдирилганидан кейингина нашр этилди. Утар шоир Сафаров ўғли Қорабахшига китобни ўқитиб ўқисан, бу мен айтган дoston эмас, деб йиғлаган экан.

30-йиллардаги қатағонда ўзбек халқининг энг истеъдодли намояндалари йўқ қилинди. Уларга турли айблар қўйилиб, ҳар хил баҳоналар билан қатл этилди. Бироқ, шўро тузумини мақтаб, «халқлар отаси»ни куйлаган айрим шоирларга ҳам кун берилмади. Сабаби, уларнинг беқиёс истеъдод эканлиги. Бир кун келиб барибир ўз халқига ён босишини олдиндан пайқаган қизил империячилар уларни ҳам отиб ташлади. Хусусан, Холёр Абдукарим ўғли халқимизнинг истеъдодли бахшиларидан бўлган. Филология фанлари доктори, профессор Малик Муродовнинг айтишича, «Холиёр Абдукарим ўғли «Амир қочди» достонини яратиб Шўро тузумини мадҳ этгани маълум. Бироқ барибир 1937 йилда қатл этилган. У ўлими олдиан дўмбрасини олиб бўзлаб куйлаганда ҳатто соқчилар ҳам: «Зўр экансан-ку, бахши, аммо иложимиз йўқ-да», деган эканлар. Ёхуд деҳқонobodлик Фармон бахши кулоқ қилинишини сезиб қолгач, гоҳ Сурхондарё, гоҳ Тожикистон, гоҳ Қашқадарёда қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул дарбадар бўлиб яшашга мажбур бўлди. Ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида дostonлар куйлаган Фармон бахшининг бебаҳо мероси ёзиб олинмади. Бедодлик шу даражага етдики, унга ўз қишлоғига келиб ўлишга ҳам рухсат беришмади, хоки ўзга жойларда қолиб кетди».

Бундай ҳодисалар қарийб 130 йиллик мустамлакачилик йилларида турли соҳаларла, турли шаклларла юз берган. Қатағонлар, маҳв этишлар, отиб ташлашлар халқ руҳиятини синдирди. Одамлар бу мислсиз қирғинлар натижасида бир умр таҳлика ва қўрқув билан яшади. Ана шу ҳадиксираш миллат ҳаётини заҳарлади. Турмуш лаззатини, яшаш завқини заққумга айлантди.

Жадидчилик ҳаракатининг фаоллари, маърифатпарварлар, халқимизнинг чин фарзандлари она юрт истиқлоли, миллат истиқболи йўлида тинимсиз курашдилар. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг фиғон ва дард тўла куйидаги сатрларига бефарқ қараб бўлмайди: «Хонимони хароб, бойкушларга ҳамдам, фарзандлари ҳайкалдек жонсиз, вайрона Туркистон! Йўқ, йўқ саҳни жонлик жаноза бирла тўлган буюк мазор! Унга ўлик кимсалар — мадфун зиндалар қўйилган. Бу тирик ўлиқлар эди. Туркистоннинг бу кунги ноқобил авлодларидир. Унинг аҳволига Ер ҳам, Осмон ҳам йиғлайди. У ҳам фақир, ҳам ҳақир.

Унинг аҳволи чиндан-да оғир. Бир тарафдан беҳад ёмон дардга гирифторлик, иккинчи томондан хорлик.

**Маризинг бир тарафдан, бир тарафдан хорсан — миллат,
Бадандан доимо қон олдурар беморсан — миллат!**

Унинг на тили, на қулоғи бор. У — сурат, девор! Мудҳиш хол!»

Бу сатрлар безовта юрак қони билан, миллат дардига дармон бўлиш илинжида тўкилган аччиқ кўз ёшлари билан ёзилмаган деб ким айтади? Мустамлакачилик дарди тобелик ва мутелик суяк-суягидан ўтиб кетган кишигина миллий озодлик, ҳуррият ва эркинлик хусусида ана шундай куйиб айтади, куйиб сўзлайди, ёниб куйлайди.

Улуғ бобокалонимиз Абдулла Авлоний «Маърифат — шижоатдир» деган эди. Дарҳақиқат маърифатли кишигина шижоатли бўлади. У ўзини ҳимоя қилишга, ўз қадр қимматини ўрнига қўйишга қодир бўлади. Афсуски чоризм ва ундан кейинги қизил империя даври бизни айни ана шу қалб шижоатидан, юрак даъватидан, дил чароғидан маҳрум этди, маърифатсизликка маҳкум қилди. Улкан олим, таниқли адиб ва йирик жамоат арбоби Абдурауф Фитрат истиқлол кунларини, ҳуррият дамларини орзиқиб кутди. Унинг умри фарёд ва алам билан ўтди:

«Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?»

Эй Темурларнинг, Ўғузларнинг оилаларининг шонли бешиклари! Қани учқидигинг юксак ўринлар? Қуллик чуқурларига недан тушдинг?!

Дунёни «урҳо»лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Нечун товушлари чиқмайди?

Ер тупроғини кўкларга учиратурғон тоғ гавдали ўғлонларинг қани?

Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган ботир туркларинг қани? Нечун чекиндилар? Нечук кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун қўйдилар? Нечун... нечун...нечун?

Гапир менга, эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди?

Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврупонинг улуғ хоқонларини сен юбормадингми? Эй, хоқонлар ўчоғи? Эй, қаҳрамонлар тўғойи! Қани у чақмоқ чопишли ботир хоқонларинг? Қани аввал- ўқ юришли отли бекларинг? Нечук «урҳо»лари эшитилмайдур?

Дунё халқини бўйсунтирган салтанатларинг нечун бузулди?

Инсонлик оламини қанотлари остида олган хоқонлигинг нечун кучи ўлди. Кучингми кетди? Кимсасизми қолди?

Йўқ...йўқ... Тангри ҳаққи учун, йўқ! Сен кучсиз эмассан, сен кимсасиз эмассан! Бугун Ер юзида саксон миллион боланг бор. Буларнинг томирларидаги қон Чингизларнинг, Темурларнинг қонидир.

Буларнинг кучлари сенинг кучингдир!

Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдур.»

Ва ниҳоят Мустақиллик ана шундай изтироблар, қон ютишлар исканжасида қолган халқимиз қалбига нур, умидларига қанот, дардларига малҳам бўлиб келди. Мустақилликнинг маънавий-ижтимоий мазмуни, унинг беқиёс моҳияти ана шунда. Мазкур хулосалардан келиб чиқиб Президент Ислом Каримов: «Мустақил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғидир. Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқро ҳамжамиятда муносиб ўринни эгаллаши — биз кўзлаётган олий мақсаддир», деганида том маънода бутун халқимизнинг орзу-умидини, мақсад ва интилишларини ифода этган эди.

Мустақилликнинг моҳияти, унинг тарихий аҳамияти миллий уйғониш ва миллий тикланиш жараёни билан боғлиқ. Халқимиз миллат сифатидаги беқиёс қадриятларини, асрлар мобайнида шаклланган маънавий-руҳий бойликларни қанчалик чуқур англаса, миллий уйғониш ҳисси шунчалик кучаяди. Қалбидан миллат, ватан, аждодлар олдидаги бурч туйғулари қанчалик чуқур жой олган бўлса, ўзлигини англашга, ўз миллий қадриятларини тиклашга шунчалик кўпроқ эҳтиёж сезади. Бундай одамда курашчанлик, ташаббускорлик, ўз-ўзини, демакки, миллатини ва ватанини ҳимоя қилиш қудрати беқиёс бўлади. Шунинг учун ҳам биз мустақиллик учун курашнинг бутун мазмун-моҳиятини шахс маънавий баркамоллиги, унинг ҳар томонлама етуқлиги билан боғлиқ ҳолда тушунмоғимиз керак. Ана шунда мустақилликнинг тараққиёт йўллари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, ғоявий-ахлоқий асослари мустаҳкам бўлади.

Миллий тикланиш, уйғониш ҳодисаси жуда кенг, мураккаб тарихий жараёндир. У халқимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олади. Иқтисодиёт, сиёсий фаолият, маънавият, илм-фан, тил, тарих, урф-одатлар, ҳунармандчилик, меъморчилик барча-барчасини инсон камолоти билан бевосита дахлдор барча масалаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Миллий тикланишга бирданига эришиб бўлмайди. Миллий тикланиш узоқ давом этадиган, кўп йилларни қамраб оладиган мураккаб жараён.

Биз ана шундай машаққатли ва шарафли жараённи бошдан кечирмоқдамиз. Бутун Ўзбекистон — улкан хонадонимиз ана шундай янгиланиш ва покланиш йўлидан бормоқда. Бизнинг руҳиятимиз, туйғуларимиз, энг нозик ҳиссиётларимиз тиниқлашмоқда, равшанлашмоқда, турли чангу губорлардан тозаланмоқда.

Истиқлол моҳияти, унинг миллат ва мамлакат тақдирида тутган ўрни, улуг аждодларимиз, бой ва ноёб тарихимиз ҳамда истиқболдаги вазифаларимиз хусусида гапирар экан. Президент Ислом Каримов буни мухтасар қилиб шундай тушунтиради: «Биз учун мустақиллик — энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун муўтабар шу ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эгаллик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкати кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтнинг кўришдир. Ҳар бир фуқаро учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир»³.

Биз бугун дунёни янги кўз билан кўриш, уни янгича тафаккур билан идрок қилиш жараёнлари ичра улғайиб бора-япмиз. Бугун барча йўқотилган қадриятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш, қадимий Туркистон анъаналарини тиклаш, ўз миллий қиёфаси билан жаҳон халқлари сафидан муносиб ўрин олишдек ғоят мураккаб ва машаққатли вазифалар қаршисида турибмиз. Зиммамизда йиллар давомида йўл қўйилган хатоликлар ва келажак олддаги қарздорликнинг улкан, залворли юки бор. Бироқ буюк аждодларимиз қолдирган меросни қайта тиклаш, ўзлигимизни, инсоний ҳис-туйғуларимизни, шаънимиз ва ориятимизни ҳимоя қилишга, уни ҳаминша баланд тутишга имконият тугилганининг ўзи барча машаққатлардан кўра ҳузурбахшроқдир. Ана шу имкониятнинг ўзиёқ кишига беқиёс куч-ғайрат, қудрат ва журъат бахш этади.

2-§. ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ.

XX асрнинг 90-йилларига келиб социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Шарқий Европа мамлакатларида қарийб ярим аср ҳукм сурган тоталитар давлат тузуми инқирозга юз тутиб, демократик тартиботлар қарор топа бошлади. Югославия Социалистик Федератив Республикаси парчаланиб, унинг ўрнида бир неча мустақил республика, Чехословакия

Социалистик Республикаси иккига бўлиниб, Чехия ва Словакия суверен давлатлари вужудга келди. Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси бирлашиб, немислар яшайдиган улкан ҳудудда социалистик тузум барбод этилди. Айни чоғда собиқ СССР парчаланиб унинг ўрнида мустақил тараққиёт йўлини танлаган 15 мамлакат ташкил топди.

Бошқача қилиб айтганда, бу даврга келиб кўпгина мамлакатларда мустақилликка эришиш масаласи дунёни кенг қамраб олган жараёнга айланди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ана шу оламшумул жараён таркибида юз берди. «Халқларнинг озодлик, мустақиллик, бахт-саодатга азалий интилиши, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму қарор қўладиги чуқур ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи кучдир»⁴, деган эди Ислом Абдуганиевич Каримов.

90-йилларнинг бошларига келиб Ўзбекистонда халқнинг ана шу азалий орзусини амалга ошириш кун тартибидаги бош масала бўлиб қолди.

Мамлакатда шундай вазият вужудга келдики, бир томондан: Зўравонликка асосланган, маъмурий буйруқбозликка ҳос бўлган марказлашган давлат сақланиб қоладими ёки демократик жараёнлар чуқурлашиши эвазига иттифоқдош республикалар суверенитети таъминланадими? — деган масала долзарб бўлиб қолди. Иккинчи томондан, ўша даврдаги СССР раҳбарияти мамлакат ичкарисидаги вазиятни тўғри баҳолай олмади, миллий республикаларда мустақилликка эришишга интилишнинг тобора кучайиб бораётганининг олдини ололмай қолди.

СССР Олий Совети ҳам, СССР Президенти ва Ҳукумати ҳам инқирозий ҳолатдан чиқишнинг йўлини топа олмай қолди. Хуллас, 90-йилларнинг бошларига келганда марказ ва иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, марказий ҳокимиятнинг обрўи пасайиб кетди. Сиёсий, иқтисодий ва ҳўжалик ҳаёти бошқарилмай қолди. Оқибатда турмушнинг барча соҳаларидаги салбий аҳволдан халқнинг кун сайин норозилиги ортиб, турмуш даражаси ёмонлаша бошлади. Ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми издан чиқди. Бу ҳол табиий равишда халқнинг кўзини очди, энди у эскича буйруқбозлик усулини қабул қила олмай қолди.

Қисқа қилиб айтганда, шу вақтга келиб республикалар суверенитетини ва инсон ҳуқуқларини поймол қилган тоталитар буйруқбозлик бошқарувининг истиқболсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсата бошлади.

Буни биргина собиқ СССРда халқ ҳўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказиш ҳамда Янги Иттифоқ Шартномаси тайёрлаш борасидаги натижасиз қадамларда ҳам кўрса бўлади.

Шуни айтиш керакки, собиқ Иттифоқда халқ ҳўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказиш масаласи 1987 йили халқ депутатла-

ри II съезди қарори ва иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратилган Ҳукумат Дастурида тилга олинган, у 1990 йил май ойида Олий Кенгаш III сессиясида муҳокама қилинган эди.

Халқ депутатлари Ҳукумат Дастурини муҳокама қилар эканлар, бозор иқтисодига ўтиш объектив зарурият, бундан бошқа йўл йўқ, деган хулосага келдилар. СССР Олий Совети III сессиясининг «Бошқариладиган бозор иқтисодига ўтиш ҳақида»ги қарориди бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил қилади, деб қайд этилди. Шу боис бу борадаги Ҳукумат Концепциясини депутатлар фикр-мулоҳазалари асосида қайта ишлаш ва 1990 йил I сентябрига тайёрлаш⁵ белгиланди.

Мамлакатда шу йўналишдаги амалий ишлар қизгин тус олди. 1990 йил 25 июлда СССР Президентлик Кенгашида Бош Министрнинг мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтказиш юзасидан қўшимча чоралар ҳақидаги ахбороти тингланди. 1990 йил 27 июли⁶ ва 30 августиди⁷ СССР Президентининг олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан иқтисодий ислохотлар мавзуидаги учрашуви бўлди.

6 августда эса мамлакат Президенти М.Горбачевнинг «Янги Иттифоқ Шартномасининг асоси сифатида бозор иқтисодиётига ўтишнинг Иттифоқ Дастури Концепциясини тайёрлаш ҳақида»⁸ Фармони эълон қилинди. Бу вазифани бажариш учун СССР ва РСФСР раҳбарлари томонидан С. Шаталин, Н. Пардаков, Л. Абалкин, Г. Явлинский, С. Алексеенко, В. Вавилов, А. Григорьев, М. Задорный, В. Мартынов, В. Машиц, А. Михайлов, Б. Федоров, Т. Яригина ва Е. Ясинлардан⁹ иборат комиссия тузилди. Комиссияга 1990 йил сентябридан кечикмасдан Ҳукумат Дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

1990 йил сентябри бошларида СССР Олий Кенгаши IV сессиясида Н.Рижков «Бошқариладиган бозор иқтисодига ўтишга тайёргарлик ва мамлакат халқ хўжалигида барқарорликни вужудга келтириш ҳақида»¹⁰ маъруза қилди. Унда депутатларнинг аввалги фикрлари инобатга олинган вариант ишлаб чиқилгани айтилса-да, сессия Ҳукумат Дастурини қабул қилмади. Бунинг муҳим сабаби депутатларда Ҳукуматга нисбатан ишонч йўқола борган эди. Айни чоғда Ҳукумат Дастури собиқ Иттифоқни сақлаб қолишни, шунингдек иқтисодиётни социалистик йўлдан ривожлантиришни кўзда тутар эди.

1990 йил II сентябрда РСФСР Олий Совети II сессияси С.Шаталиннинг «500 кун» Программасини қабул қилди. Унда куйидаги масалалар кўтарилган эди:

- Фуқароларни мулкка эгалик ҳуқуқини, иқтисодий мустақилликни, эркин истеъмол бозори ва унда эркин нарх;
- корхонанинг мустақил иқтисодий фаолият ҳуқуқини;
- иттифоқдош республикаларнинг мутлақ суверенитети;
- аҳоли турмуш даражасини пасайтирмасликни кўзда тутар эди.

СССР Олий Советининг 21 сентябрда бўлиб ўтган IV сессиясида бу Дастур ҳам қабул қилинмади. 1990 йил 24 сентябрда сессия «Халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари»ни муҳокама қилиб, Ҳукумат Дастури ва С.Шаталин Дастуридан иборат Ягона Дастур ишлаб чиқишга қарор қилди. 1990 йил, 18 октябрда сессия: «Бозор иқтисодиётига ўтиш жаҳон амалиётидан келиб чиққан зарурат, аммо у иқтисодиётнинг социалистик йўналишига зиён етказмайди»¹¹. — деб хулоса берди.

Демак, 80-йиллар охирига келиб, собиқ мамлакатда халқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўя бошлади ва унинг ҳуқуқий асосларини яратишни заруратга айлантди. Шундай бўлса-да, 1990—1991 йилларда иқтисодиёт орқага қараб кета бошлади ва халқнинг турмуш тарзи, шароити ёмонлаша борди. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тута бошлади.

Мутахассислар ана шундай тисарилиш ҳодисасини мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига учта йўналишдаги кучлар манфатлари тўқнашгани билан изоҳлайдилар. Жумладан:

Биринчи кучлар — Н.Рижков ва В.Павлов Дастури тарафдорлари. Улар собиқ СССРни сақлаб қолиш, халқ хўжалигини марказдан бошқариш, ҳуқуқни кўпроқ марказда тўплаш ниятида эдилар. Улар иқтисодиётни ривожлантиришда социалистик йўлдан воз кечмасликни талаб қилар эдилар.

Иккинчи кучлар — С.Шаталин гуруҳи аъзолари тарафдорлари. Улар СССРни тарқатиб юбориш, иттифоқдош республикалар ўрнида суверен, мустақил Давлатлар тузиш, чексиз хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, колхоз ва совхозларни тугатиб, фермер хўжаликлари тузишни кўзда тутдилар. Бу моҳиятан иқтисодий ривожланишнинг социалистик йўлидан воз кечишни билдирар эди.

Учинчи кучлар — бу М.Горбачев Дастурини қувватловчилар. Улар мураса йўлини қидириб, юқорида тилга олинган ҳар икки дастур йўналишларини уйғунлаштириш ва СССРни сақлаб қолиш, марказлашган маъмурий буйруқбозлик ҳокимиятини йўқотмаслик, «шоковая терапия» («фалаж қилиб даволаш») усулидан фойдаланиш гоёсини илгари сураар эди. Янги Иттифоқ Шартномасини тайёрлаш ҳам шу мақсадларга йўналтирилган эди. Жумладан, янги Иттифоқ Шартномасида мамлакат номини ҳам «Социалистик Республикалар Иттифоқи» деб эмас, «Мустақил Совет Республикалари», «Мустақил Давлатлар Иттифоқи» деб аташ тўғрисидаги таклифлар ҳам ўртага ташлана бошлади¹².

Шундай қилиб, собиқ СССР ижтимоий тараққиётида учта йўналиш — тоталитаризмга қайтиш, буржуача трансформация ва социалистик йўналишдаги демократик кучлар тўқнашиб қол-

ган эди. Табиийки, бу мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида таназзулни вужудга келтирган эди.

Ана шундай зиддиятли бир шаронгда Ўзбекистон раҳбарияти бу йўналишларнинг номақбул эканлигини аниқ-равшан кўрди ва республика халқ ҳўжалигини бозор иқтисодиётига ўтказишнинг ўзига хос йўлини мустақил тарзда ўзи белгилай бошлади. Аввало, «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепциясини»¹³ тайёрлашга киришилди. Концепция республика Давлат Режа қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия қўмиталари билан ҳамкорликда тайёрланди. Унга кўра, «Ўзбекистон халқ ҳўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий принциплари» ишлаб чиқилди ва у 1990 йил 17 октябрида умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди¹⁴.

1990 йил октябри охирида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши IV сессиясида бу масала юзасидан Ҳукуматнинг ҳисоботи эшитилди.

Олий Кенгаш сессияси «вужудга келган аҳволдан чиқишнинг йўлини... республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш асосида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жалаллаштиришдан иборат»¹⁵ деб ҳисоблади.

Шунинг учун ҳам сессия республика Ҳукумати Дастурини маъқуллади ва Ўзбекистон Министрлар Советига «Ўзбекистон ССР мулкига эғалик қилиш, уни тасарруф этиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари юзасидан республиканинг суверен ҳуқуқларини амалга оширишнинг самарали амал қилувчи механизмини яратиш бўйича асосланган таклифлар тайёрлаш, шунингдек, 1 июнгача Ўзбекистон Олий Советига иқтисодий тизим масалалари ва ер, ер ости ҳамда бошқа табиий бойликларни, ишлаб чиқариш корхоналарини Ўзбекистон ССР мулкига ўтказиш бўйича Ўзбекистон ССР Конституциясига киритиладиган ўзгаришлар тўғрисида Қонун лойиҳаси киритишни топширди»¹⁶.

Ҳукумат Дастурига кўра, қуйидагилар Ўзбекистон халқ ҳўжалигини соғломлаштириш ва бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишнинг асосий йўналишлари қилиб белгиланди:

мустақил давлат бўлмиш Ўзбекистон:

— бошқа республикалар билан мувофиқлаштирилган мустақил ижтимоий ва иқтисодий сиёсатни халқ ҳўжалигини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш соҳасида суверен ҳуқуқларини амалга оширади, ҳўжалик турмуши ва маданий турмушдаги миллий ўзига хослик сақланиб қолишини таъминлайди;

— бошқа республикалар билан ўз иқтисодий алоқаларини эквивалентлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида мустақил ҳал этади, бу алоқаларни мамлакатнинг яхлит халқ ҳўжалик комп-

лекси доирасида ўзаро шартномалар ва битимлар билан тартибга солади¹⁷;

— маҳаллий Советларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни кенг ривожлантириш, унинг мулкий ва молиявий негизини мустақамлаш ҳуқуқларига кафолат беради;

— ўз ихтиёрида бўлган ҳамма воситалар билан меҳнат жамоаларининг ва фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларини мустақамлашга кўмаклашади, шу ҳуқуқларнинг ҳар томонлама ҳимоя қилинишини таъминлайди.¹⁸

Шунингдек, ушбу ҳужжатда Ўзбекистон ССР иқтисодий мустақилигини кенгайтиришнинг бош мақсади иқтисодиётнинг жўшқин, юксак самарали, экологик жиҳатдан хатарсиз ривожланишини, аҳолининг ҳозирги замон турмуш стандартлари даражасидаги фаровонлигини, ижтимоий адолат ва ҳимояланишни таъминлайдиган янги хўжалик-ҳуқуқий шароитларни шакллантиришдан иборат қилиб белгиланди.

Айни вақтда Концепцияда мақсадга эришиш йўлидаги вазифаларни ҳал этиш, жумладан, республика билан Иттифокнинг ўзаро мажбуриятлари ва ўзаро масъулияти асосида Ўзбекистон ССР билан ССР Иттифоқининг ҳуқуқ доираси соҳаларини фарқлаб қўйиш;

— давлат мулкнинг ҳаддан ташқари марказлашувини ва бюрократик ташкил этилишини бартараф қилиш; мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ривожлантириш, бу шаклларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва мусобақалашувини таъминлаш;

— асосан, иқтисодий усуллар негизида республиканинг халқ хўжалиги давлат бошқарувига ўтиш, режалаштириш, молия-бюджет, банк тизимини сифат жиҳатидан ўзгартириш, меҳнат муносабатларини ва табиатдан фойдаланишни тартибга солиш;

— бозор механизмларини вужудга келтириш, товарлар, хизматлар, молия-кредит ресурсларига талаб ва таклифни тартибга соладиган нарх ва бошқа воситаларнинг аҳамиятини ошириш, Ўзбекистон ССРнинг ички, Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистон минтақа бозорини ривожлантириш;

— барча фуқароларнинг қобилиятларидан тўла-тўқис фойдаланиш имкониятларини бараварлаштириш, аҳолининг кам даромадли табақаларини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаларни муҳофаза қилиш, ёш авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш, маориф, фан, маданият ва санъатни ривожлантиришни таъминлайдиган ижтимоий кафолатларнинг таъсирчан тизимини вужудга келтириш;

— республика ташқи иқтисодий фаолияти механизмини сифат жиҳатдан ўзгартириш, шу жумладан, экспорт, импорт операциялари соҳасидаги ҳуқуқлар ва имкониятларни кенгайтириш;

— хорийжий сармоялар Ўзбекистон ССР иқтисодиётига инвестиция киритиши, чет эл сайёҳлигини ривожлантириш ва ҳоказо;

— республика ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув идораларининг ваколатлари ва масъулиятини ажратиб қўйиш, халқ депутатлари маҳаллий советларининг тўла ҳокимияти ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий кафолатларини таъминлаш;

— республикадаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солишда қатнашувчи демократик жамоат муассасалари истеъмолчилар жамиятлари, ишлаб чиқарувчилар уюшмалари, экология ва фан-техника жамиятлари, хайрия жамғармалари ва шу қабиларни вужудга келтиришга кўмаклашиш назарда тутилди.

Умуман, Ўзбекистон раҳбарияти СССР Ҳукуматига Ўзбекистоннинг шошилинч бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги кўрсатмасига эътироз билдириб, бу республика шароити учун бирданига тўғри келмаслигини ва бозор иқтисодиётига аввало аҳолини, биринчи навбатда, унинг кам таъминланган қатлами, ижтимоий кафолатлаб, сўнг ўтиш борасида Ўзбекистон ўзи мустақил ҳаракат қилишини маълум қилди.

1990 йил 29 августида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми «Иттифоқнинг янги шартномаси ва бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш программасининг асосий қоидалари ва йўл-йўриқларига нисбатан республиканинг туган ўрни тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб бу борада шошилмаслик жоизлигини яна бир бор таъкидлади. Олий Совет Президиуми Иттифоқнинг янги шартномасини тузиш ҳамда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш дастури бўйича тайёрланган таклифлар биринчи туркумини чуқур ўрганиб чиқиш ва муҳокама қилиш учун Ўзбекистон Олий Совети, Компартия Марказий Кўмитаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва бошқа ташкилотларга юборди¹⁹.

Кўрииб турибдики, янги Иттифоқ Шартнома лойиҳаси аввалги йиллардагидек дарҳол Ўзбекистон томонидан қувватланмади, бу ерда биринчи навбатда Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ҳимоя қилиниши назарда тутилди. Янги Иттифоқ Шартномасини: «У Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетига зарар етказмайдами?» — деган нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда имзолаш кўзда тутилди.

Шунга мувофиқ республика ҳукумати иқтисодий мустақилликни босқичма-босқич амалга оширишни назарда тутадиган муайян дастур ҳам ишлаб чиқди. Жумладан, унинг **биринчи босқичи** 1990—1992 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда эса 1990 йил алоҳида ўрин тутайди. Чунки бу йил танг аҳволни бартараф этишнинг негизлари бунёд этилиши керак эди.

Шу уч йил мобайнида янги хўжалик механизмининг барча асосий унсурлари узил-кесил ҳаракатга келиши, давлат бюджети камомадига, аҳолининг пул даромадлари ҳамда уни товар билан таъминлаш ўртасидаги номутаносибликка барҳам берилиши, пулнинг қадрсизланиши кучайиб боришини тўхтатиш,

мазкур босқичда халқ хўжалигининг барча тармоқларида мулк муносабатларини тубдан ўзгартириш, зарар кўриб ишлайдиган корхоналар зиммасига ўз ишини ўнглаб олиши вазифасини юклаш кўзда тутилди.

Иккинчи босқич 1993—1995 йилларни ўз ичига олиши мўлжалланди. Бу даврга келиб иқтисодийни соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилиши, ички истеъмол бозоридаги, пул муомаласи ва бюджетдаги камомадларга асосан барҳам берилиши, янги иқтисодий қонунлар жорий этилиши, яъни бозор муносабатларини меъёрий ривожлантириш учун амалда зарур иқтисодий шароитлар яратилиши, бу даврда давлат ихтиёрида бўлмаган секторнинг ҳиссаси ошиши кўзда тутилди.

Хуллас, Концепциядан маълум бўляптики, СССР марказий идораларидан фарқли ўлароқ, 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида Ўзбекистон дадиллик билан иқтисодий мустақиллик ва сиёсий суверенитетни қўлга киритиш учун амалий ҳаракат қила бошлади. Айтиш мумкин, бу даврда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги ва сиёсий суверенитетини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш учун ҳам конкрет чоралар кўрилди. Бу борада халқнинг хоҳиш иродаси ҳисобга олинди.

Масалан, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқининг Ўзбекистоннинг мустақиллик сари дадил қадам қўяётганлигини 1991 йил 17 мартдаги умумхалқ референдуми якунларида ҳам яққол кўриш мумкин. 1991 йил 20 февралда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг йиғилиши бўлиб, унда СССР Олий Кенгаши томонидан белгиланган референдумда овоз беришга мўлжалланган асосий бюллетень билан бирга «Ўзбекистон янгиланаётган Иттифоқ (Федерация) таркибида мустақил, тенг ҳуқуқли республика бўлиб қолишига розимисиз?» деган савол қўйилган қўшимча бюллетень киритишга қарор қилинди²⁰. Бюллетендаги ушбу матн ўзгартирилиши мумкин эмас, деб белгиланди.

Олий Кенгаш Раёсати вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига бўлажак референдумда Ўзбекистоннинг мустақил бўлишига муносабат билдирувчи ушбу бюллетень матни юзасидан меҳнаткашлар оммаси ўртасида тушунтириш олиб боришни топширди. Бу ишларга ҳуқуқшунослар, мутахассислар, зиёлилар вакилларини кенг жалб қилиш тавсия қилинди.

Референдум якуни шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг мустақил тенг ҳуқуқли республика сифатида янгиланган Иттифоқ (Федерация) таркибида бўлишига доир қўшимча бюллетень бўйича 9 миллион 215 минг 571 нафар киши ёки овоз берувчиларнинг — 93,9 фоизи овоз берди²¹.

Шундай қилиб, бу референдумда Ўзбекистон халқининг мутлақ кўпчилигида Ўзбекистонни мустақил республика сифатида кўриш хоҳиши борлигининг ўзиёқ республика раҳбариятининг бу борадаги дадил куч-гайратини қўллаб-қувватлаш ифодаси эди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда республиканинг давлат мустақиллигига доир мутлақо янги давлат рамзлари тайёрлаш ва қабул қилиш ишлари ҳам дадил бошлаб юборилди.

1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Олий Кенгаши «Ўзбекистоннинг давлат рамзлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияга амал қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгаш II сессиясида тузилган Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссиясига Ўзбекистон ССРнинг Янги Давлат байроғи, Герби ва Мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида Низомлар тайёрлаш топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларининг фикрларига таяниб иш кўрсин.

2. Бу борадаги таклифлар матбуотда эълон қилиниб, умумхалқ муҳокамаси уюштирилсин»²².

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган Қонунлар, Ўзбекистон Президентининг Фармонлари, ҳукумат қарорлари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар республиканинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил ривожланиш йўлига бевоқиф қаратила бошлади.

Ўзбекистоннинг ўз суверенитети учун кураши, аввало, жумҳуриятда қабул қилинган ҳар бир қонуннинг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан собиқ Иттифоқ қонунларидан тубдан фарқ қилишида, бундан ташқари, ҳар бир қонун аввалгидек Иттифоқ қонунига мослаштириб эмас, балки республика манфаати ифода этилганлиги билан ажралиб тура бошлади.

Масалан, 1989 йил 20 октябрда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш» тўғрисидаги масала махсус муҳокама этилди. Сессияда шу масала юзасидан республика Олий Совети Раиси доклад қилди. Маърузада Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Қонун давлат механизмининг ҳамма бўғинлари Олий Советга бўйсунганини назарда тутиши алоҳида таъкидланди. Республика Олий Советига энг олий назорат қилувчи идора сифатида Ўзбекистон ССРнинг юқори мансабдор шахсларини, шу жумладан, Олий Совет Раисини сайлаш, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисини, ҳукумат аъзолари ва бошқа раҳбар лавозимдаги кишиларни тасдиқлаш ёки тайинлаш ва зарур бўлганда уларни муддатидан олдин лавозимдан чақириб олиш ҳуқуқи берилди. Ҳукуматнинг бир йилда камида бир марта Олий Совет олдида ҳисоб бериши мажбурий қилиб қўйилди. Шунингдек, Олий Совет бюджетни назорат қилиш, министрлик ва идоралар ишини

текшириш, депутатлар сўровини муҳокама қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқадиган бўлди²³.

Конституцияга киритилган бу ўзгартиришлар республика давлат ҳокимиятининг олий идорасига мустақил давлат олий идорасига хос зарур ваколатларни берди. Айни чоқда бу ваколатлар унинг ижтимоий адолат принциплари бузилган ҳамма жойда зудлик билан уни тиклаши, жамият турмушида юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш имкониятини ҳам берди.

Қонун яна шуниси билан аҳамиятли эдики, Ўзбекистон ССР Олий Советини республиканинг Совет Федерациясида эркин, ҳар томонлама ривожланиши учун кафолат берадиган ваколатлар билан ҳам таъминлади. Илгари бу ваколатларнинг кўпчилиги фақат иттифоқ идораларининг ҳуқуқи ҳисобланар эди. Масалан, 102-моддала кўзда тутилган «мулкчилик муносабатларини, халқ хўжалигини ва социал-маданий қурилишни, бюджет-молия системасини, меҳнатга ҳақ тўлашни, нарх белгилашни, солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни, шунингдек бир қанча бошқа ижтимоий муносабатларни қонун йўли билан республикада тартибга солиш»²⁴ шулар жумласидандир.

Шунинг учун ҳам Конституцияга киритилган бу қўшимчалар депутатлар томонидан яқдиллик билан кутиб олинди. Жумладан, сессияда сўз олган Фаргона вилоятидаги «Риштон» совхозининг бригада бошлиғи, депутат Саодатхон Ёқубова «Ушбу сессияда муҳокама қилинаётган масала гоят муҳим бўлиб давлатни бошқаришда ошкоралик, демократия, инсон манфаатларини тўла ҳимоя қилиш, давлатнинг фуқаро олдидаги, фуқаронинг давлат олдидаги ҳуқуқий жавобгарликларини таъминлашга олиб келади»²⁵, — деб барча сессия қатнашчилари фикрини ифодалади. Шу боисдан сессияда Ўзбекистон Конституция (Ассий Қонун)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қабул қилинган Қонуннинг 101-моддасида «Ўзбекистон ССР Давлат ҳокимиятининг олий органи доимий ишлайдиган Ўзбекистон ССР Олий Совети бўлиб, у ўз фаолиятига қонун чиқариш, фармойиш бериш ва назорат қилиш вазифаларини амалга оширади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети «Ўзбекистон ССР ихтиёрига бериб қўйилган ҳар қандай масалани қараб чиқиш учун қабул қилиш ва ҳал этишга ҳақлидир», айна чоқда у миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорлар қабул қилади²⁶, — деб алоҳида таъкидлаб қўйилди.

Айтиш керакки, республика раҳбариятининг Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитетини таъминлашга қаратилган қатъий позицияси И.А.Каримов томонидан 1980 йиллар охиридан бошлаб бир неча марта кўндаланг қилиб қўйилди. Жумладан, У КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 20 сентябрида Москвада бўлиб ўтган Пленумида дадил тарзда: «Биз иттифоқ ва

республикаларнинг вазифаларини, бурчларини ва ўзаро мажбуриятларини аниқ-равшан белгилаб қўйиш, республикалар мустақиллигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш тарафдоримиз»²⁷, — деб таъкидлади. Орадан бир оз ўтгандан сўнг — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1990 йил 23 мартдаги Пленумида у Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришишнинг асосий йўллари кўрсатиб: «Сиёсий системани янгилаш масалаларини Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги муаммоларидан ажралган ҳолда қараш мумкин эмас. Бизда бундай мустақиллик учун шарт-шароит бор»²⁸, — деган фикрни билдиради.

Дарҳақиқат, 1980 йилларнинг охирларидан бошлаб республикада иқтисодий ва сиёсий суверенитет учун қадам-бақадам чора-тадбирлар кўрилди. Масалан, Ўзбекистон ССР Олий Совети 1989 йил 25 ноябрида бўлган «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1990 йилги Давлат плани тўғрисида»ги масалани муҳокама қилар экан, республиканинг иқтисодий мустақиллигига оид муҳим тадбирларни белгилади. «1990 йилга мўлжалланган план, — деб таъкидланади сессияда, — республиканинг ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципларига ўтиш арафасида унинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилган эди... Энг асосийси республиканинг шароити, ўзига хос хусусияти, анъанавий маросимлари ва манбаларидан келиб чиққан ҳолда территориал хўжалик ҳисобининг ўз концепциясини ишлаб чиқишдир»²⁹

Сессия 1990 йил плани бюджет лойиҳаларида ҳукуматнинг ўзлаштирилган капитал маблағлари социал эҳтиёжларга сарф қилинишини қонунан тўғри ва асосли деб ҳисоблади ва «республиканинг суверенитети айти шунда яққол кўринади»³⁰, — деб таъкидлади.

Сессияда республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган қуйидагича қарор қабул қилинди:

«1990 йилда совет ва хўжалик органлари, илмий муассасалар ишининг муҳим йўналиши республикани ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принципига ўтишга тайёрлаш юзасидан амалий тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу иш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг реал ресурсларини ҳамда амал қилиш имкониятлари — структурани тубдан такомиллаштириш ва унинг илмий-техникавий ҳамда ташкилий даражасини ошириш имкониятларини ҳар томонлама қараб чиқсин... амалга оширилаётган сиёсий система ислоҳотини, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда республиканинг иқтисодий суверенитетини кенгайтиришнинг асосий йўллари белгиласин»³¹.

1990 йил 23 мартда Ўзбекистон Компартияси Марказий

Комитетининг Пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон ССРнинг сиёсий суверенитети масалаларига оид муаммоларни таҳлил этишга ва концепцияларини ишлаб чиқишга жиддий эътибор берилди. Пленум янгиланаётган сиёсий тизимда республика Компартиясининг ўрни ва мавқеи, унинг давлат ҳокимияти идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабати принциплари тўғрисидаги масалаларини муҳокама қилиб, буй-руқбозликдан, маъмуриятчиликдан воз кечиш лозимлигини уқтирди. Шу билан бирга Пленум республика сиёсий тизими тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни ҳаёт тақозо қилаётганлигини кўрсатиб, реал ҳокимият Ўзбекистон Компартиясидан, унинг барча даражаларидаги комитетларидан халқ депутатлари Советларига берилиши билан боғлиқ барча қийинчиликларни енгиб ўтишлари лозимлигини таъкидлаб, юзага келган вазиятда Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш муҳим аҳамият касб этади»¹², — деб таъкидлади.

Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви масаласининг кўтарилиши шунчаки ССР Иттифоқи янги тартибига тақлид қилиш эмас, балки принципиал амалий ва тарихий ҳодиса бўлди. Республикада бошқарувнинг айна ана шундай шакли жорий этилиши, аввало, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, миллатлараро ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал қилиш жараёнини тезлаштиришга кўмаклашиш воситаси сифатида жорий қилинди. Энг муҳими шундан иборатки, Президент муассасасининг жорий этилиши — республика учун суверенитет ва давлатчиликда моҳият жиҳатидан янги босқичга ўтишни билдиради эди.

Алоҳида таъкидлаш керакки, айна шу пайтда кенг миқёсда тартиб ва интизомни, энг аввало, бошқарувнинг барча даражаларида ва жабҳаларида ижро механизмини қайта қуришни тезлаштириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш масаласи, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи барча давлат муассасаларини назорат қилиш ҳам катта аҳамият касб этмокда эди.

Ана шу объектив ҳолатни ҳисобга олиб, 1990 йил 24 мартда XII чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлди. Сессия Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентлик лавозимини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сессия яқдиллик билан Ислом Абдуғаниевич Қаримовни Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда Президент лавозимининг таъсис этилиши жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги учун кураш борасида қўйилган дадил қадамлардан дастлабкиси эди.

Чунки узоқ йиллар мобайнида йиғилиб қолган миллий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ривожланиш муаммолари бу вақтга келиб ниҳоятда кескин тус олган эди. Ҳаёт

республиканинг келажаги, халқ тақдири ва турмушининг, Ўзбекистон фуқаролари келажак авлодлари ҳаётининг тўқислиги, тинчлик, оёйишталик муаммоларини изчил ҳал этишни кўрсата бошлади. Ўзбекистон олдидаги мана шу долзарб муаммоларни ҳал этишда Президент лавозими кенг имконият очар эди.

Республиканинг биринчи Президенти И. А. Каримов сессияда «Бу катта ишонч учун ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман, мен буни, энг аввало, ўзбек халқи, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашлари, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар, жумҳуриятимизда яшовчи ҳамма миллат ва халқлар тақдири учун ўз зиммамга тушган улкан бурч ва жавобгарлик деб қабул қиламан. Ҳар бир гражданинг конституцион ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш йўлида катта масъулият деб тушунаман»³³, — деди.

Ўз фикрини давом эттириб, у Президент вазифасига тўхталиб: «Ўзбекистон Президенти сифатидаги ўзимнинг асосий вазифаларимни нимадан иборат деб биламан? Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш, шунингдек, «Президент бошқаруви»нинг муҳим вазифаларидан бири республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўзини-ўзи идора қилишга ўтишини таъминлашдир. Айни чоқда меҳнаткашларнинг, аҳолининг ҳамма табақалари фарвонлигини ошириш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш — республика давлат ҳокимияти органларидан, шахсан мендан, Ўзбекистон ССР Президентидан доимий эътибор талаб қиладиган вазифадир»³⁴. Шу тариқа Президент энг қийин ва қонли тўқнашувларни бошдан кечирган халқ олдида бутун масъулиятни очиқ-ойдин ўз зиммасига олди.

Шу билан бирга Президент ўз фаолиятининг марказида халқни маънавий юксалтириш, инсонни ахлоқий ва жисмоний такомилга эриштириш турганлигини ҳам алоҳида уқдирди.

Гап Ўзбекистон мустақиллиги ҳақида борганда, шубҳасиз, Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Мустақиллик Декларацияси»нинг ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхташ лозим. Зеро бу муҳим ҳужжат Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида қўйилган навбатдаги муҳим қадамлардан бири эди. Бу умумдавлат аҳамиятига эга бўлган Декларацияни қабул қилишда республика Олий Совети депутатлари фаоллик кўрсатдилар. Ўзбекистондаги тарихий шарт-шароит ва вазиятни ҳисобга олган 200 дан ортиқ депутат XII қақриқ республика Олий Советининг иккинчи сессияси (1990 йил 18 июнда) бошланишидаёқ мустақиллик Декларацияси қабул қилишни кун тартибига киритишни ва кечиктирмасдан шу сессияда уни қабул қилишни қатъий талаб этдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Раёсати аъзолари, комиссия

раислари ва муовинлари «Мустақиллик Декларацияси» хусусида фикрлашиб, депутатлар фикрини олиш ва сўнг уни сессияга олиб чиқиш лозим деб топдилар. 19 июнь куни 40 дан ортиқ депутат, доимий комиссияларнинг раислари, ҳуқуқшунослар тайёрлаган Декларация матнини батафсил кўриб чиқди. Натижада бу масала 20 июнь куни сессияда кун тартибига киритилди.

«Мустақиллик Декларацияси» депутатлар томонидан мода-мода, бандма-банд муҳокама қилинди, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаши, Декларация қондаси билан кафолатланиши қайта-қайта таъкидланди. Унда ўзбек халқининг асрлар давомида қўлга киритган давлат қурилиши ва маданий тараққиёт борасидаги бой тарихий тажрибаси ва анъаналари ҳисобга олинаши уқтирилди.

Натижада сессияда қабул қилинган «Мустақиллик Декларацияси» кириш қисмига қуйидагича ёзиб қўйилди:

«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қондаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади»³⁵.

Шунингдек, биринчи моддада: «Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақиллиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларни белгилашда ва барча ташқи муносабатларда танҳо ҳокимлигидир»³⁶, — деб белгилаб қўйилди. Сессия қабул қилган бу «Мустақиллик Декларацияси» халқимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Сурхондарё вилояти, Куйбишев сайлов округидан сайланган депутат И.Файзуллаев ўз ҳис-туйғуларини ифодалаб: «Халқимиз қарсак чалиб, жойимиздан туриб, бутун вужудимиз билан берилиб, Мустақиллик Декларациясини қабул қилдик. Бутун Ўзбекистон халқи кўриб турди. 70 йил давомида Ўзбекистон ишлаб топган маҳсулотларини, бор хом ашёсини ўзи емай бошқа республикаларга бериб келди. Энди мустақилликни қўлга киритаётганда... орқага қайтмаслик лозим»³⁷.

Шу кундан бошлаб республикада Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина борди.

Бу борада баъзи мисолларни келтириш ўринли. Жумладан, 1991 йил 22 июлида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Президиуми «Ўзбекистон ССР ҳудудида жойлашган Иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларини «Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиб, жумладан, унда «Ўзбекистон ССРнинг «Мустақиллик Декларацияси»га амал қилиб, бозор иқтисодиётига

ўтиш шароитида меҳнат жамоалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳўжалик мустақиллигини таъминлаш мақсадида республика ҳудудида жойлашган иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтади»³⁸, — деб қайд қилинди.

Шунингдек, ушбу қарорда «Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг Ўзбекистон ССР ҳуқуқий тобелигига ўтиши тартибини белгилаш вазифаси топширилди»³⁹.

Яна бир мисол: республика Олий Совети Президиуми «Чакана нархлар амалга оширилаётган бир даврда меҳнатни рағбатлантиришни кучайтириш ва меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон ССРнинг «Мустақиллик Декларацияси»га ҳамда Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисидаги қонунга мувофиқ «1991 йилги Иттифоқ бюджети» тўғрисидаги СССР Қонуни 8-моддасининг «корхоналар истеъмол фондини кўпайтиришни чеклашга оид қисми амал қилишини Ўзбекистон ҳудудида тўхтатиши» тўғрисида ҳам қарор қабул қилди. Шундай қилиб, 90-йилларнинг дастлабки даврларида Ўзбекистон ССР Президенти И.А.Каримов, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ва Ҳукумати Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий мустақиллиги, унинг миллий суверенитети учун дадил қадамлар қўйдилар. Бу халқ томонидан ҳам қониқиш билан кутиб олина бошлади. Масалан, Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институти 1991 йили февраль ойида Тошкент, Самарқанд, Фарғона шаҳарларида 10 та саноат корхонасида 400 ишчи билан социологик сўров ўтказди. Сўралганларнинг 67,8 фоизи мамлакатдаги иқтисодий аҳвол яхшиланмайди, деб, 72 фоздан ортиги эса ҳаётдан қониқмаётганини айтди. Ишчиларда собиқ Марказнинг социал-сиёсий тартиботларига ишонмаслик вужудга келди. Масалан: «Умумиттифоқ ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларига сизнинг муносабатингиз қандай?», — деб берилган саволга 4,5 фоиз киши: «Ўз умидимни умумиттифоқ давлат идоралари билан боғлайман», 32,5 фоиз ишчи эса: «Республика давлат органлари билан боғлайман»⁴⁰, — деб жавоб берди. Ушбу жавоблардан ҳам кўриниб турибдики, кишиларда умумиттифоқ идораларига эмас, балки республика давлат идораларига, табиийки, республиканинг мустақил ривожланишига ишончи тобора орта бошлади. И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII қақриқ олтинчи сессиясида жамиятда юз бераётган ўзгаришларни таърифлаб шундай фикр билдирган эди: «Мамлакатда бугун мавжуд бўлган кескин қарама-қаршилиқ вазияти бир кунда пайдо бўлгани йўқ. Ново-Огоревода Иттифоқ шартномаси устида иш олиб борилаётган бир пайтда СССР Олий Кенгашининг раҳбарлари позицияси маълум бўлди.

Улар ҳар хил сиёсий ниқоблар остида давлатни, марказий

бошқарувни эски ҳолича сақлаб қолишга, Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва имзолашда эса Иттифоқ Олий Кенгашига энг олий, яъни ҳал қилувчи ҳуқуқлар берилишига ҳаракат қилдилар. Жумҳуриятлар ўзлари хоҳлаган ваколатларини Иттифоққа эмас, балки Иттифоқ хоҳлаган ваколатларини жумҳуриятларга берар эмиш. Биз эса Иттифоқни фақат унинг таркибига кирувчи давлатларнинг тўлиқ мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги билан янгилаш мумкин деган фикрда қатъий турдик. Асосий келишмовчилик ана шундан иборат эди»⁴¹

Собиқ Марказни кучайтириш, ҳокимиятни яна марказда тўплаш тарафдорлари ўз мақсадларини амалга ошириш учун оммавий ахборот воситалари, сессия трибуналаридан кенг фойдаландилар. Масалан, академик В.Кудрявцев «Правда» газетасида «Суверенитет ҳақида Декларациялар ва Иттифоқ Шартномаси»⁴² деб номланган мақола билан чиқиб, Иттифоқни республикалар суверенитетини торайтириш ҳисобига янги Иттифоқ Шартномаси тузиш гоёсини илгари суради. Жумладан, унинг фикрича: «Марказ ихтиёрида мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни белгилаш, молия, банк, божхона системасини назорат қилиш ҳуқуқлари қолиши керак. Умумиттифоқ қонунлари республикалар қонунларидан устун турмоғи лозим»⁴³. Бу Ўзбекистонда вужудга келаётган сиёсий тамойилларга мос келмас эди. Ўзбекистоннинг етакчи олимлари В.Кудрявцевнинг миллий республикалар суверенитетини чеклаш гоёсига қарама-қарши мамлакатда миллий масалани ҳал қилишнинг уч оқилона йўли, яъни демократиялаштириш, децентрализация, деидеологизацияни амалга оширишни таклиф қилдилар⁴⁴.

Бироқ Марказни кучайтириш тарафдорлари бошқа усуллардан: намойишлар ўтказиш, митинглар ташкил қилиш, ҳатто, ғайри конституцион йўллар билан давлат тўнтариши қилиш билан бўлса-да, барча ҳуқуқни Марказда тўплаш, аввалги буйруқбозлик усулини қарор топтиришга ҳаракат қилавердилар.

1991 йил 19 — 21 августда Москвада давлат тўнтариши қилишга уриниб кўрилди. Уларнинг мақсадлари Иттифоқ худудида яшовчи барча халқларнинг мустақилликни қўлга киритишларига, ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишларига йўл қўймаслик эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, тўнтаришни уюштирган кишилар мамлакатда юз берган бошбошдоқлик ва парокандалик чўққисига чиққан бир пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишди. Аммо қайта қуриш йилларида кўзи очилган халқни энди эски тузум доирасига киритишга, унга эскича буйруқбозлик қилишга уриниш беҳуда эди. Бутун мамлакат учун фожиали бўлган ўша кунларда Ўзбекистон раҳбарияти корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари халқ сайлаган депутатлар, барча софдил кишилар, халқни матонат ва осойишталикка даъват қилдилар. Улар барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш, жумҳу-

рийят худудиди фавқуллода аҳвол жорий этилишига йўл қўймаслик, Конституцияга қарши давлат тўнтаришини қўллаб-қувватлаш йўлидаги ифвогарона ҳаракатларга учмаслик учун ўзларининг бутун имкониятларидан фойдаландилар.

Фаоллар билан учрашувларда, жумхуриятнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларация ва конституцион тузум қоидаларига риоя қилинажаси айтилди. Халққа Марказдан ҳар қандай кўрсатмалар, турли ваъдалар берилиши, дағдагалар қилинишига қарамай, республика ўз сиёсий йўлидан қайтмаслиги айтилди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Ҳиндистон сафаридан қайтган ҳаманоқ — 19 август куни кечқурун Тошкент шаҳрининг фаоллари билан учрашиб, қатъий тарзда Ўзбекистон нуқтаи назарини маълум қилди. Республика раҳбарияти: «Марказдан, ким бўлишидан қатъий назар, Қонунга хилоф кўрсатмаларни бажариш мумкин эмас»⁴⁵, — деб ҳисоблади. 20 августда Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарлари иштирокида қўшма мажлис бўлди. Унда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиш йўли ўзгармаслиги ҳақида Баёнот қабул қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов республика аҳолисига мурожаат билан чиқди. Ушбу мурожаатда Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиш йўли қатъий эканлигини яна бир бор алоҳида уқтирилди. Жумладан, унда «Ўзбекистон жумхурияти, унинг раҳбарияти қайта қуриш даврида ҳам ҳеч қачон бировнинг гапига кириб иш тутган эмас. Марказдан, бошқа баъзи бир жумхуриятлардан қандай қарорлар чиқмасин, ваъдалар берилмасин, ҳар қандай чақириклар, давлатлар, йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракатлар бўлмасин, биз ўзимиз танлаган йўлимиздан ва белгилаб олган мақсадимиздан қайтганимиз йўқ. Бу йўл бизнинг халқимиз тарихига, урф-одатларига, табиатимиз шарт-шароитларига, ҳуллас, халқимиз манфаатларига мос йўлди»⁴⁶, — деб қатъий таъкидланди. Шунингдек турли ижтимоий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги ихтилофларни ҳал этиш учун куч ишлатиш, энг аввало, ҳарбий куч ишлатиш очиқ-ойдин қораланди.

Ўзбекистон Президентининг Фармони билан Фавқуллода ҳолат давлат комитетининг ғайри конституциявий, ҳуқуққа қарши қарорлари ва бошқа кўрсатмалари ноқонуний деб эълон қилинди⁴⁷.

Ана шундай шароитда, яъни марказ ва республикалар ўртасидаги муносабатлар тобора таранглашиб, марказ бошқарув қобилиятини йўқотган, ҳар бир минтақа, ҳар бир жумхурият ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир шароитда тарихий вазиятни тўғри баҳолай билиш қобилиятига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Кенгаш сессиясини чақи-

риш ва унда Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақида Қонун қабул қилишни талаб қилди. Чунки ҳар бир миллий жумҳуриятнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллиги таъминлангандагина таназзулдан чиқиш мумкин эди. Бунинг учун ҳақиқий мустақиллик йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланиши, ҳар бир жумҳурият сўзда эмас, балки амалда тенглар орасида тенг бўлиши лозим эди.

Айни шу мақсадларни кўлаб, жумҳурият Олий Кенгашининг XII чақириқ навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 31 августда ўз ишини бошлади.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат деб эълон қилинишида мазкур сессия катта тарихий аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги тўғрисида»ги масалалар кун тартибига қўйилиб, қизғин муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Президент И.А.Каримов маърузаси тингланди. У ўз нутқида 1991 йил ўрталарида Марказий Ҳукумат олиб бораётган ички сиёсатни таҳлил қилди. 19 — 21 август кунлари Москва Фавқулодда ҳолат давлат комитети аъзоларининг одамлар бошига азоб-уқубатлар солишга, бутун-бутун халқларнинг озодлигини, жумҳуриятлар мустақиллигини яна қишланмоқчи бўлганликларини халққа рўйи-рост билдирди. Алғов-далғовли кунларда ҳам Ўзбекистоннинг ўз йўли ва мақсади борлиги, бу халқ манфаатига мос йўл эканлиги, қандай қилиб бўлмасин, ундан қайтмаслиги айтилди. Шунингдек маърузада мустақил давлатлар мақомига тўхталиб: «Бўлажак мустақил давлатлар... эркин, мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиб қолишлари, ўзларининг миллий давлат тузиш, ташқи бозорга чиқиш, ўзи маъқул топган барча мамлакатлар билан халқаро муносабат ўрнатиш, дипломатик ва консуллик алоқалари масалаларини мустақил ҳал этишлари керак. Яна таъкидлаб айтаман, бу ҳеч кимнинг буйругисиз ва аралашувисиз мустақил амалга оширилиши керак. Мана шу шароитга, сабабларга асосланиб, халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб, Олий Кенгаш диққатига фақат бир масалани қўймоқчиман: Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги Қонунни муҳокама этиш ва уни қабул қилишни тақлиф этаман. Бу қонунда қадимий ва янгиланаётган диёримизда истиқомат қилаётган барча кишиларнинг хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топган. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир»⁴⁸, — деган фикр билдирилди.

Олий Кенгаш депутатлари моддама-модда муҳокамадан сўнг Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар. Сўнгра Республика Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот қабул қилинди. Ўзбекистон ССРнинг номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Мустақиллик белгиланган кун 1 сентябрь 1991 йилдан бошлаб

миллий байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳақидаги бу ҳужжатлар ўзбек халқининг асрий орзуси рўёбга чиққанлигининг ҳуқуқий ифодаси бўлди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун гоят катта аҳамиятга эга бўлганлиги учун бу муҳим ҳужжат ҳақида батафсил тўхташ лозим. Мазкур қонун асосида Ўзбекистоннинг ҳуқуқий ҳолати тубдан ўзгарди. Ўз моҳиятига кўра бу ҳужжат республика учун вақтинча конституция ролини ҳам ўйнайдиган бўлди. 17 моддадан иборат бу қонун суверен Ўзбекистон Республикасининг асосий белгиларини аниқлаб берди.

1-моддада Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил демократик давлат деб эълон қилинади.

2-моддада Ўзбекистон Республикасининг халқи суверен эканлиги ва у республика давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби эканлиги ҳақида гапирилади.

3-моддада Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилаш қонуллаштирилди.

5-моддада Ўзбекистон Республикасида Конституция, унинг қонунлари устун эканлиги ва давлат идораларининг тизими, ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида кўрилганлиги ҳақида гапирилди.

8; 12; 14-моддалар Ўзбекистон мустақиллигининг иқтисодий асосларини изоҳлаб берди.

13; 14-моддаларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий алоқаларидаги мустақиллиги шарҳланди.

15-моддада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳолда республика фуқаролиги жорий этилиши, у фуқаролар, миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши, қайси динга мансублигидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқларга эгаллиги ва улар республика Конституцияси қонунлари ҳимоясида бўлишлари қонуллаштирилган.

16-моддада давлат рамзи бўлган герб, байроқ ва мадҳия ҳамда давлат тили ҳақида гапирилса, 17-моддада эса Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон билан муносабатлари хусусида сўз бориб, Ўзбекистон Қорақалпоғистоннинг ҳудудий яхлитлигини тан олиши ҳақида фикр юритилади, у Ўзбекистон таркибида эканлиги эътироф этилади (бу моддада Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ўзаро муносабатлари икки томонлама тенглик асосида таркиб топиши кераклиги қонуллаштирилган)⁴⁹. Шунингдек, бу моддада Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида чиқиб кетиши мумкинлиги ҳам эътироф этилган.

Бундай Қонуннинг қабул қилиниши Мустақиллик даврида

қўлга киритилган ютуқларнинг натижаси ҳисобланади. Бу эса ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий муносабатлар натижаси сифатида энг муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам, ушбу Қонунга Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1991 йил 30 сентябрь қарори билан Конституциявий мақом берилди. Жумладан, унда шундай дейилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонунига конституциявий мақом берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституция моддалари «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қоидаларига зид келган ҳолларда мазкур Қонунга амал қилинсин.

3. Конституция комиссияси тайёрланаётган «Республика Конституциясининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг қоидаларига амал қилинсин»⁵⁰.

Шу тариқа қонун тарзида ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган Ўзбекистон мустақиллиги барчанинг дилини қувончларга тўлдирди. Тошкентдаги Подъёмник ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, 21-сайлов округидан Ўзбекистон халқ депутаты Ботир Қосимов сессия якунида сўзга чиқиб, шундай деди:

«Яширмайман, мустақиллик ҳақида гап-сўз кўп эди-ку, лекин ишнинг амалий қисмига келганда силжиш йўқ эди. Ниҳоят республикамиз Олий давлат ҳокимияти жуда муҳим қонун, давлат мустақиллиги тўғрисида ҳужжатни қабул қилди. Энди мана шу ҳар биримизга қувонч ва ифтихор туйғуларини олиб келган қарорни амалда қувватлашимиз зарур»⁵¹.

Шу тариқа халқимизнинг узоқ йиллар курашиб, интилиб қўлга киритган мустақиллик эрки қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди.

3-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УМУМХАЛҚ ТОМОНИДАН МАЪҚУЛЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан кейинги тарихий вазият шундай эдики, энди давлат, халқ ўз тақдирини ўзи белгилайди, деб эълон қилиш етарли эмас эди. Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги билан боғлиқ қонулар тизимини яратиш зарур эди. Айни пайтда мустақиллик гоёсини ҳам фақат бир томонлама — ҳавойи ва юзаки талқин қилиб бўлмас эди. Бинобарин, эришилган мустақилликни собитқадамлик билан мустаҳкамлаш, бунинг учун изчил курашиш лозим эди.

Ўзбекистон эришган истиқдолни мустаҳкамлашда халқ томонидан унинг маъқулланишини ҳисобга олиб, мамлакатда референдум ўтказишга қарор қилинди. 1991 йили 18 ноябрида

Олий Кенгаш VIII сессияси Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.⁵² Шунга мувофиқ 29 декабрда: «Сиз Олий Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинишини маъқуллайсизми?» — мавзуида референдум ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Референдумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси 13 округ, 7 минг участка сайлов комиссияларини тузди. Улар жойларда референдум ўтказиш ҳақидаги Қонуннинг сўзиз бажарилишини таъминлаш борасида катта ташкилотчилик олиб бордилар. Умумхалқ референдумига 9 миллион 898 минг 707 киши қатнашди ёки сайлов рўйхатига киритилганларнинг 94,1 фоизи қатнашди. Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат деб эълон қилинишини ёқлаб 9 миллион 718 минг 155 киши ёки референдумда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди. Шунини айтиш керакки, референдум бутун республика ҳудудида қонун асосида ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик, фуқароларнинг юксак сиёсий активлиги билан ўтди. Буни референдумда АҚШ, Туркия, Малайзия ва бошқа мамлакатлардан келган бетараф кузатувчилар ҳам тасдиқладилар.

Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилиниши фақат мамлакат халқи эмас, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам қониқиш билан кутиб олинди. Буни мустақиллик кунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти номига келган табриклардан ҳам билса бўлади. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг ўша пайтдаги Президенти Жорж Буш И. Каримов номига юборган телеграммада шундай дейди:

«Қадрли жаноб Президент. СССР тарқатилгандан сўнг, Сизнинг мамлакатингизда юз берган тарихий ўзгаришлар муносабати билан шунини маълум қилиш менга қониқиш берадики, Америка Қўшма Штатлари Ҳукумати Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олди».

Шунингдек, Швеция Бош вазири Карл Билодт ўз телеграммасида:

«Швеция ҳукумати номидан Швеция ҳукумати Ўзбекистон Республикасини суверен ва мустақил давлат сифатида тан олиш ҳақида қарор қилганлигини маълум қилишдан бахтиёрман.

Шу муносабат билан Швеция ҳукумати номидан Ўзбекистон халқига эзгу ишларида муваффақиятлар тилайман»⁵³, — деган илқ истаклар билдиради.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган куннинг ўзидаёқ мустақил давлат айрим атрибутларини жорий қилиш юзасидан амалий чоралар кўрилди. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроги тўғрисида, республика гербининг нусхаси ва Давлат мадҳиясининг мусиқий баёни ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Унда Конституция комиссиясининг эксперт гуруҳига Давлат байрогининг вариантлари устида ишлашни давом эттириш, Олий Кенгашнинг тегишли қўмиталарига Конституция комиссияси ижодий гуруҳи билан ҳамкорликда Давлат

байроғи, мадҳияси ҳақида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, навбатдаги сессияга тақдим этиш топширилди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, ўзининг халқ-аро талаблар ва меъёрлар доирасида қиёфасини кўрсатмоғи, бунинг учун эса ўзининг бутун имкониятларини, ўзига хос жиҳатларини ифодаловчи давлат рамзларига эга бўлмоғи лозим эди. Одатда рамзлар шунчаки ранглар йигиндисидан иборат бўлган шакллар эмас, улар айтилиши ана шу давлатнинг ва шу мамлакат фуқароларининг ўзликдан келиб чиқмоғи, қолаверса, давлат сиёсатининг мазмун моҳиятини ўзида мужассам этмоғи керак.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ана шу муҳим сиёсий ҳодисага алоҳида эътибор билан қаради. Чунки жуда қисқа фурсатда ўз мустақиллигини қонун билан мустақкамлаб, унинг жаҳон ҳамжамиятида тан олиншини, шундай мамлакат борлиги эътироф этилишининг муҳим йўллари билан бири сифатида қаради. Бир қатор ёш мустақил мамлакатларда турли сиёсий қарашлар жазаватга келиб, фикрлар чувалашиб, «калаванинг учи топилмай қолган» бир пайтда Ўзбекистон ўзининг ҳар бир кунига ва олис истиқболга қатъий ишонч билан қаради. Шунинг учун ҳам у, энг аввало, давлат рамзларини қабул қилиб, дунёга кўз-кўз этиб, уни тан олдириш йўлидан борди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган VIII сессияси «Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида» қонун қабул қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар анъаналарига мос келадиган уларнинг туглари ифода этган гоёларни давом эттирадиган, улуг аждодларимизнинг ақида ва маслақларига мос келадиган, қарашларини давом эттирган ҳолда миллат табиати ва халқимиз руҳиятидан келиб чиқиб, унинг миллий ва маънавий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттирмоғи керак эди.

Байроқдаги ҳаворанг зангори осмон ва мусаффо сув рамзи. Мовий ранг — ложувард — шарқда азалдан қадрланган. Амур Темур ҳам ўз байроғига шу рангни танлаган.

Оқ ранг — тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш мустақил давлат йўлининг оқ ва беғубор бўлиши учун яхши ният ифодаси.

Қизил чизиқлар — бу ҳар бир тирик жоннинг қон томири, унда жўш уриб турган ҳаётнинг куч, тириклик рамзи.

Яшил ранг — Ўзбекистоннинг саховатли ва табаррук тупроғи, гўзал табиати тимсоли.

Ярим ой — ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналарига мос келади. Ярим ой ва юлдузлар мусаффо осмон ва тинчликнинг ифодасидир.

12 та юлдуз тасвири — қадимдан мукамаллик, баркамоллик тимсоли.

Хуллас мамлакатимиз давлат байроғи юртимизнинг ўтмиши, бутунги куни ва келажакнинг ёрқин рамзи бўлиб қолди.

1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби» тўғрисида қонун қабул қилинди. Давлат гербидаги ҳар бир белги чуқур маънога эга.

Герб марказидаги ҳумо қуши-бахт саодат ва эркесварлик рамзи.

Гербининг юқори қисмидаги саккиз қиррали юлдуз республикамизнинг собит ва барқарорлиги тимсоли сифатида тасвирланган.

Қуёш — давлатимизнинг йўли ҳамisha нурафшон бўлиши билдирилган яхши ният, аини пайтда у Ўзбекистоннинг ноёб иқлимга эга мамлакат, серқуёш ўлка эканлигини билдиради.

Бошоқ — ризқ-рўзимиз тимсоли, тўкин-сочинлик ифодаси.

Оппоқ пахта — Ўзбекистон донғини дунёга таратган бебаҳо бойлигимиз рамзи.

Бугдой ва пахта чаноқларини Давлат байроғи лента бўлиб ўраганлиги Ўзбекистонда яшаётган халқлар дўстлиги ва яқинлиги ифодаси ҳисобланади.

Герб рангли тасвирда бўлиб, ҳумо қуши кумуш рангда, қуёш, бошоқлар, пахта чаноғи ва «Ўзбекистон» деган ёзувлар тилла рангда, ғўза шоҳлари, барглари ва водийлар яшил рангда, тоғлар ҳаво рангида, чаноқдаги пахта, дарёлар, ярим ой ва юлдуз оқ рангда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирланган лента тўрт хил рангда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 10 декабрида бўлиб ўтган XI сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Сессияда шоир Абдулла Орипов ва бастакор Мутал Бурҳонов томонидан тайёрланган мадҳия варианты тасдиқланди.

Серқуёш ҳур ўлкам, элга бахт нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон.
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Н а қ о р а т:

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуг халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр.

Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлган кунданок дастлаб мустақилликка эришган Болтиқ бўйи республикалари билан тенг ҳуқуқли давлат сифатида муносабат ўрнатиш учун ҳаракат бошлади. 1991 йилнинг 30 сентябрида республика Олий Кенгаши Латвия, Литва ва Эстония республикалари мустақиллигини эътироф этиш тўғрисида қарор ва шу республикалар Олий Кенгашларига Мурожаатнома қабул қилди. Жумладан, Латвия Республикасининг Олий Кенгашини, бутун халқини Латвия тўла давлат мустақиллигига эришганлиги, у халқаро қўламда кенг танилганлиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги билан табриклади. Табрикномада, жумладан, шундай сўзлар битилган эди:

«Латвия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар анъанавий дўстлик руҳида бўлиб, хайрихоҳлик ва иккала республиканинг суверенитетини тан олиш принципларига асосланади. Мустақил Ўзбекистон бундан буён тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат асосида ҳар томонлама иқтисодий ва маданий алоқаларни сифат жиҳатидан янги даражада давом эттириш ниятида.

Латвия халқига мустақил демократик давлат қурилишида катта муваффақиятлар, бахт ва равақ тилаймиз».

Худди шу мазмундаги мурожаатномалар Литва ва Эстония Республикалари Олий Кенгашлари номига ҳам юборилди. Мустақиллик қўлга киритилган даврдан бошлаб Ўзбекистон тарихида мутлақо янги давр бошланди.

Ўзбекистон ўз суверенитетини қўлга киритгандан сўнг бу ҳақда республика ичкарасида ҳам, унинг ташқарисида ҳам айрим кишилар турлича қарашларни илгари сурдилар. Жумладан: «Ўзбекистон осонгина, курашсиз мустақил бўлиб олди», — деган фикрлар пайдо бўлди. Тўғри, 1991 йилнинг ўрталарига келиб собиқ СССРнинг емирилиши, Иттифоқ ҳукумати эса бошқарув жиловини қўлдан чиқариб юборганлиги туфайли мустақилликка эришиш учун қулай тарихий шарт-шароит пайдо бўлди. Бироқ, тарихий тажриба шуни исботладики, ўта мураккаб раҳбарлик сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири ҳал қилувчи қадамни тўғри белгилаш ва қатъий ҳаракат бошлашдан иборат.

Ўзбекистон раҳбарияти ана шундай донолик билан ҳаракат қилди, энг қулай пайтдан дадиллик билан фойдаланиб, республиканинг давлат мустақиллигини эълон қилди.

Мустақиллик бу инъом эмас, балки бутун халқнинг, миллионларнинг узоқ йиллик интилиши туфайли қўлга киритил-

ган тарихий курашнинг натижаси — буюк галаба. Зотан, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эга бўлганлиги буюк тарихий аҳамиятга эга воқеа ҳисобланади.

Биринчидан, шуни уқтириш лозимки, ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби, эгаси, хўжайини бўлиб қолди.

Иккинчидан, Ўзбекистон мустақиллиги республикада адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қуриш учун йўл очиб берди, ўз миллий давлатчилигини барпо қилишга имконият яратди.

Учинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзини танитиш, айни чоқда халқаро ҳуқуқ метёрлари асосида жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон янги, ёш мустақил давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Тўртинчидан, иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш учун имконият яратилди. Яъни жаҳон амалиёти исботлаган бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит барпо этди. Муллка муносабат тубдан ўзгариб, жамиятда янги мулкдорлар синфини шакллантириш учун имкон очилди.

Бешинчидан, мустақиллик халқнинг маънавий уйғониши учун тўла имконият яратди. Юрт тарихи, қадимий маданият тиклана бошлади. Халқнинг азалий урф-одатлари, маънавий қадриятлари унга қайтариб берилди. Динга муносабат мутлақо ижобий томонга ўзгарди.

Шундай қилиб, қўлга киритилган мустақиллик ўзбек халқи тарихида тамоман янги даврни бошлаб берди, миллий дунёқарашда янгича тафаккур шакллана борди. Халқ енгил нафас олиш имкониятига эга бўлди. У энди келажакка ишонч билан қарай бошлади. Ўз юртининг тўла хўжайини эканлигини, ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятини қўлга киритганлигини ҳис қила бошлади.

Бу буюк оламшумул ютуқ эди.

4-§. ИСЛОМ КАРИМОВ МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шакллана бошланди. Бошқарувнинг Президентлик шакли мазкур тизим ўзига ташкил этди.

1991 йил охирида Ўзбекистон ҳаётида том маънода улкан тарихий воқеа содир бўлди. 29 декабрда халқимиз узоқ йиллик мустамаलाқчиликдан сўнг том маънодаги мустақиллик рамзи сифатида биринчи бор умумхалқ хоҳиш иродаси билан мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлади. Ўзбекис-

тоннинг янги тарихи шу санадан бошланади, десак муболага бўлмайди.

Бу тарихий воқеа жуда катта меҳнат, сиёсий фаоллик, миллий яхлитлик, ғоялар ва мақсадлар муштараклиги маҳсули бўлди. Бу шарафли ишни Марказий сайлов комиссияси, 13 сайлов округи ва қарийб 7 мингта участка сайлов комиссияси амалга оширди. Асосий вазифа Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ҳақидаги қонунлар талабларини огишмай амалга ошириш — бир томондан миллионлаб фуқароларга ўз конституцион ҳуқуқидан фойдаланишга, хоҳиш-иродаларини эркин билдиришга, иккинчи томондан президентликка номзодларга уларнинг сайловолди курашида тенг шароит яратиб беришдан иборат эди.

Референдум ва сайловга тайёргарлик жараёнида Марказий сайлов комиссияси энг аввало сайловга доир барча ҳужжатларни марказлаштирилган ҳолда тайёрлаш ва жойларга ўз вақтида етказиш чораларини кўрди. Бу вазифа муваффақиятли ҳал этилди. Хусусан референдум ва Президент сайловига доир бюллетенлар барча сайловчиларга етадиган миқдорда — ўн бир миллион нусхада қилиб чоп этилди.

Президентликка номзодлар ҳар бирининг сайловолди дастурлари акс эттирилган 301 минг нусхадан иборат плакат, номзодлар ҳар бирининг 40 минг нусхадан сайловчиларга мурожаатномалари чоп этилди.

Марказий сайлов комиссияси сайловолди компаниясида номзодлар учун тенг шароит яратиш, уларга ўз сайловолди дастурларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилишга бир хил имкон яратиш масалаларига Президент сайлови ҳақидаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида эътибор берди.

Умумхалқ Президент сайловлари мамлакат тарихида илк бор ўтаётганини, сайловчиларимизда ҳали етарли тажриба ва кўникма йўқлигини инобатга олиб, бу тадбирни уюшқоқлик билан кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида фаоллар кенг кўламда жалб қилинди. Сайлов комиссиялари ишида 75 мингдан зиёд киши қатнашди. Сайлов комиссияларига ёрдам тариқасида Олий кенгаш ва маҳаллий кенгашлар депутатлари кенг фаолият кўрсатишди.

Ўзбекистон Республикаси сайловлари муқобиллик асосида ўтди. Олий лавозимга икки номзод — Ўзбекистон ХДП ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси номзоди И. А. Каримов ва «Эрк» Демократик партияси вакили Салой Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзоди кўйилди.

Сайловлар якунига кўра 8 миллион 514 минг 136 овоз ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи Ислам Каримов номзодини, 1 миллион 220 минг 474 сайловчи (12,3%) Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз берди.

Марказий сайлов комиссияси округ комиссиялари мажлис баёнларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президен-

ти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 35-моддасига асосан Ислом Абдуганиевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган деб ҳисоблашга қарор қилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, республиканинг барча ҳудудларида сайлов уюшқоқлик билан, қонунларга қатъий амал қилингани ҳолда сайловчиларнинг юксак фаоллигида ўтди. Сайлов пухта ташкил этилгани, сайловларнинг ўтказилиши ва унинг натижаларини ҳисоблаб чиқиш қонун асосида адолатли ташкил этилгани МДХ мамлакатлари, шунингдек АҚШ, Туркия ва Малайзиядан ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлардан келган бета-раф кузатувчилар томонидан эътироф этилди.

Сайловлар натижалари ўзбек халқининг мустақил тараққиёт ва ривожланишнинг ютуқларини И. А. Каримов шахси, унинг доно сиёсати, ташаббускорлиги ва фидойилиги билан боғлашининг яққол далили эди.

Ислом Абдуганиевич Каримов

Давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти. 1938 йилда Самарқандда тугилган. Урта Осиё политехника институти ва Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган. 1960 йилдан «Ташсельмаш» заводида аввал мастер ёрдамчиси, сунг мастер, технолог, 1961 йилдан В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор, 1966 йилдан Ўзбекистон Давлат план комитетида фан ва янги техникани жорий этиш бўлимининг бош мутахассислигидан республика Давлат план комитети раисининг биринчи уринбосаригача булган йўлни босиб ўтди. 1983 йилдан Ўзбекистон молия вазири, 1986 йилдан Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари — республика Давлат план комитетининг раиси. 1986 йил декабридан Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби. 1989 йил июнидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби. 1990 йил 24 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Президенти этиб сайланди. И. А. Каримов 1991 йил 29 декабрда биринчи бор муқобиллик асосда ўтказилган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ, у айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси ҳамдир. И. А. Каримов 1991 йил 31 августда Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. И. А. Каримов Ўзбекистонда давлат тузумини мустақамлашда, республиканинг ички ва ташқи сиёсатида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда жонбозлик курсатмоқда.

1995 йил 26 мартда умумхалқ овози (референдум) билан И.А.Каримовнинг Президентлик ваколати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилди. 2000 йил 9 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Муқобиллик ва демократик тамойиллар асосида ўтказилган ушбу сайловда сайловчиларнинг 91,90 фоизи Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлади ва Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ Ислом Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди.

И. А. Каримовнинг энг муҳим асарларни инглиз, француз, испан, немис, ҳинд, хитой, араб каби унлаб турли хорижий тилларга таржима қилиниб чет элларда бир неча бор нашр қилинган. Республикамизда эса И. А. Каримов асарларининг 7 жилдлик тўплами қуйидаги номларда нашр қилинган:

1-жилд. И. Каримов, «Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил;

2-жилд. И. Каримов, «Биздан озод ва обод Ватан қолсин», Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил;

3-жилд. И. Каримов, «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил;

4-жилд. И. Каримов, «Бунёдкорлик йўлидан», Тошкент, «Ўзбекистон», 1996 йил;

5-жилд. И. Каримов, «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби», Тошкент, «Ўзбекистон», 1997 йил;

6-жилд. И. Каримов, «Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида», Тошкент, «Ўзбекистон», 1998 йил.

7-жилд. И. Каримов, «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз», Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 йил.

И. А. Каримов Ўзбекистон Қаҳрамони (1994 й.), «Мустақиллик» (1996 й.), «Амир Темур» (1998 й.) орденлари соҳиби. И.А.Каримов халқро муносабатларни ривожлантиришдаги салмоқли ҳиссаси учун бир қатор хорижий давлатларнинг ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден ва медаллари билан мукофотланган. У Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги (1994 й.), нуфузли халқаро академияларнинг фахрий аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 5-бўлимнинг 19-бобида Ўзбекистон Республикаси Президенти мақоми белгилаб берилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзодлар сони чекланмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчиларнинг камида 50 фоизи қатнашган тақдирда сайлов ҳақиқий деб ҳисобланади. Умуман Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришда қатнашган сайловчилар овозларининг ярмидан кўпини олган номзод сайланган ҳисобланади. Президентни сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат қурилиши соҳасидаги тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида ваколати тугаши муносабати билан истеъ-

фога чиққан Президент умрбод Конституциявий суд аъзоси лавозимини эгаллаши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимни ижро этишга киришиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қасамёд қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституция томонидан давлат, ҳўжалик, ижтимоий-маданий қурилиш, халқаро муносабатлар соҳасида унга берилган ваколатларини амалга ошириш мақсадида Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Олий Мажлис тузган давлат тиббий комиссияси ҳулосаси билан тасдиқланган тақдирда ўн кун муддат ичида Олий Мажлиснинг фавқулодда йиғилишида депутатлар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.

Мамлакатимизда амалга ошириладиган туб ислохотларнинг натижасини, давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини, ҳаҳон тараққиётида қўшаётган муносиб ҳиссасини мамлакат фуқаролари ҳам хориждаги сиёсатдонлар ва давлат арбоблари ҳам тан олмоқдалар.

Тарихан гоят қисқа муддатда қўлга киритилган ютуқлар мазмун-моҳияти ва бутун қўлами билан бир неча ўн йилликларга тенг. Зотан, қисқа фурсатда жамиятни тубдан ўзгартириш, ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш турмушимизга демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Ана шу кенг миқёсли ислохотларни узлуксиз давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 26 мартда Президент И. Каримовнинг ваколатини 1997 йилдан 2000-йилгача узайтириш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятни такомиллаштириш, аҳоли дунёқараши ва тушунчаларини янги гоёлар билан бойитиш узоқ муддатли жараён. Ёки бошқача қилиб айтганда Ўзбекистоннинг янги асрдаги дастурий фаолиятидир. Ўтиш давридек ҳозирги мураккаб, зиддиятли, кенг миқёсли ислохотлар авж олган бир пайтда эса Давлат бошқарувидаги изчилликнинг сақлаб турилиши, бошланган оғир ва хайрли ишларни

бир меъёрда олиб бориш ва охирига етказиш жамият ҳаётида ҳам, фуқаролар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда Олий Мажлиснинг мамлакатда Президент ваколатини 2000-йилгача чўзиш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарори шу қарор асосида ўтказилган референдум катта сиёсий-ижтимоий аҳамият касб этди. Қолаверса, мазкур қарор ва унинг шарҳларида бошқа яна бир қатор ўта муҳим, ҳар бир фуқаро ҳаётига дахлдор масалалар аниқ кўрсатиб берилган.

Шу ерда китобхон эътиборини бир нарсага тортмоқчимиз. Ривожланган мамлакатларда (дейлик, Америка Кўшма Штатлари, Олмония, Фарангистон, Курия ва бошқалар) Президент алмашинуви ёки сайловлари ва бошқа сиёсий ҳодисалар оддий фуқаролар ёки умуман жамият ҳаётида кескин бурилишларга сабаб бўлмайди. Чунки, улар учун аниқ қонунлар асосида ўзларини ўзлари бошқариш ҳаёт тарзига айланиб қолган. Демак, амалдаги қонунлар бўйича фаолиятларини давом эттираверадилар. Президент эса жамият тараққиётининг умумий йўналишларини, давлат сиёсатининг асосий тамойилларини янги тарихий шароитларда, янги эҳтиёжлар нуқтаи назаридан бойитиб боради, холос.

Утиш даврида эса вазият бошқача — анча мураккаб. Ҳар қандай давлат сиёсатида, эндигина шаклланаётган бошқарув тизими ва қонунчиликда изчилликнинг сақлаб турилиши табиий ва самарали ҳодиса сифатида баҳоланади. Қолаверса, таъбир жоиз бўлса, халқ ибораси билан айтганда, «кечувда отлар алмашинмайди». Чунончи, қўшни мамлакатларда юз бераётган нохуш воқеалар бунга яққол мисол бўла олади. Масалан, шундоқ ҳам ижтимоий-сиёсий вазият чигал бўлган Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистонда давлат раҳбарлари уч марта, Украина, Белорусь, Молдова, Болтиқ бўйи мамлакатларида 2—3 мартадан алмашди. Ҳар қандай мамлакатда сиёсий барқарорлик мавжуд бўлган шароитдагина ишлаб чиқаришдаги мувозанат, иқтисодий ва ижтимоий, умуман ҳар томонлама барқарорлик тўла сақланиши мумкин.

2000 йил 11 январда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Нажмиддин Комилов бошқарди. Мажлис кун тартиби битта масалага — 2000 йил 9 январ кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига багишланди.

Мажлисда қайд этилганидек, 2000 йилнинг 9 январини мустақил Ўзбекистонимиз тарихида асрлар туташган пайтда содир бўлган, давлатимизнинг ХХI асрдаги ҳаётига ва тараққиётига жиддий таъсир кўрсатадиган муҳим сиёсий воқеа сифатида муҳрланиб қолади. Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти ҳозирги давлат бошлигининг раҳбарлиги остида ва ташаббусига қўра амалга ошириладиган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгариш-

ларни қўллаб-қувватлаган ҳолда Ислом Каримов номзоди учун овоз берди. Бўлиб ўтган сайловнинг аҳамияти унинг муқобиллик ва демократик тамойиллар асосида ўтганлигидадир. Сайловчиларга танлаш имконияти берилди ва улар ўз хоҳиш-иродасига биноан, ўзи танлаган номзод учун овоз берди. Шакшубҳасиз, бу ҳол жамиятимизда сиёсий фикрлар хилма хиллиги ва қарашларнинг турлича бўлиши учун катта туртки беради, давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг янада эркинлаштирилишига замин ҳозирлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси оқруг сайлов комиссияларидан келиб тушган баённомалар асосида шуни аниқладики, 9 январда бўлиб ўтган сайловда рўйхатга олинган 12 миллион 746 минг 903 сайловчидан, 12 миллион 123 минг 199 сайловчи иштирок этди. Бу эса рўйхатга олинган сайловчиларнинг умумий миқдорининг 95,10 фоизини ташкил этади. Фидокорлар миллий демократик партиясининг номзоди кўрсатилган Ислом Каримов учун 11 миллион 147 минг 621 сайловчи ёки сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Жалолов учун 505 минг 161 сайловчи ёки 4,17 фоиз сайловчи овоз берди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди. («Халқ сўзи», 2000 йил, 12 январь)

* * *

5-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кун тартибида жаҳон андозаларига мос келадиган давлат қуриш, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳада туб ислохотларни амалга ошириш, уларни қонун билан мустақамлайдиган ҳуқуқий тизимни вужудга келтириш вазифаси турар эди. Чунки собиқ социалистик тузумга хос ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар эндиликда республикада барпо қилинажак янги жамият манфаатларига мос келмас эди. Мулкчилик, мулкка эгаллик ва уни бошқариш, ишлаб чиқариш омиллари, бозор механизми, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини нормал изга солиш ана шундай жиддий янгилашниларни тақозо этар эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, жаҳонда ҳамма мамлакатбop ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тамойиллари, барча учун тавсия этиш лозим бўлган тайёр андозалари ҳеч қачон бўлмайди. Шу билан бирга ривожланишнинг маданий, маърифий, та-

рихий жиҳатдан асрлар мобайнида шаклланган анъаналари мавжуд бўлган Ўзбекистондай қадимий маконда ўзига хос йўл танлаш учун анча-мунча изланиш лозим эди. Бироқ вақтни бой бермай, тезкорлик билан иш тутиш лозим эди. Шунинг учун ҳам «мустақил Ўзбекистон туғилган кунидеъ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур эди.⁵⁴

Яна шуни таъкидлаш даркорки, Ўзбекистон, республика ўз мустақиллигини қўлга киритган пайтда мамлакат ичкарисида бўлгани каби унинг ташқарисида ҳам унга ишонмайдиган, шубҳа билан қарайдиганлар бор эди. Ҳатто собиқ марказдаги айрим кароматгўйлар Ўзбекистонга нисбатан «Ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар», «Сизлар муте, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, сизлар эса бажарасизлар, холос» деб шовинистларча ғарзгўйлик қилса, мамлакат ичкарисидаги айрим тоифалар ўртасида «Энди Ўзбекистон қандай йўлдан боради? Қандай жамият қуради? Марказсиз яшай оладими? Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик таъминланадими? — қабилдаги саволлар вужудга келган эди. Унга ҳар ким ўзича жавоб қидирав эди.

Табийки, ана шундай зиддиятли ва мураккаб бир пайтда Ўзбекистон учун ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш, янги жамият барпо қилиш учун ўз андозасини ишлаб чиқиш ғоят долзарб ва аҳамиятли эди. Ўз навбатида бундай вазифани уддалаш Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, одамлар ўртасида таркиб топган муносабатлар, уларнинг дунёқараши, жумладан, диний эътиқоди, руҳияти ва ҳуқуқатвор нормалари шуни тақозо этарди. Айни чоғда, Ўзбекистоннинг ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш андозасини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасини ўрганиш, уларнинг фойдали қисмини ўзлаштириш билан бирга Ўзбекистон халқининг турмуш тарзи ва анъаналарига ҳам таяниш лозим эди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки куниданоқ, «жаҳон ва ўзимизнинг амалиётимиздан олинган барча унумли тажрибани рад этмаган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт йўлини танлаб олишга киришди⁵⁵.

Албатта, мамлакат учун ҳаёт-мамот босқичи бўлган бир пайтда унинг янги жамиятга ўтиши билан боғлиқ вазифаларни бажариш давлат раҳбаридан янги шароитга мос бошқарув тизимини ишлаб чиқишни, жамиятнинг иқтисодий асосини вужудга келтиришни тақозо қилади. Аҳолининг барча тоифаларини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи гоёлар тизимини яратишни талаб этарди. Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли ана шу тарзда шаклланди. Мамлакат истиқлолининг ташаббускори ва раҳнамоси сифатида Президент И.А.Каримов ҳудди ана шундай пайтда ўзининг қатъий, илмий жиҳатдан асосли, ҳаётий жиҳатдан яшовчан ҳулосаларини ўртага ташлади.

Ҳали собиқ иттифоқ мавжуд бўлган даврда у республика раҳбарлигига келган вақтдан бошлаб республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий равишда янгиланишни, туб ўзгаришларни бошлаб юборган эди.

1990 йил март ойидаёқ собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви-нинг ташкил этилиши, гоаявий қарашлари, сиёсати янгиланаётган жамиятга мос бўлмаётган Ўзбекистон Компартиясини Халқ демократик партиясига айлантирилиши, ҳокимиятнинг аста-секин ва изчиллик билан партия идораларидан Президент, ҳуку-мат, маҳаллий идоралар қўлига ўтиши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, миллий қадриятларнинг тиклана бошлагани Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли шакллана-ётганини кўрсатар эди.

Ўзбекистон мустақил бўлгач, И. Каримовнинг республика раҳбари сифатида халқ олдидаги масъулияти яна ҳам ошди. У энди марказга боғлиқ бўлмаган ҳолда, бутун муаммоларни ўзи ҳал қилишга, ҳар қандай зиддиятларга юзма-юз туриб, фаолият кўрсатишга мажбур эди. Ана шундай қарама-қаршиликлар қур-шовида унинг катта сиёсатчи сифатидаги раҳбарлик маҳорати кун сайин шаклланиб, янги мазмун касб эта борди.

Ислом Абдуганиевич Каримов умумхалқ овоз бериши йўли билан мамлакат Президенти этиб сайланганиданоқ ўзининг бу-тун амалий фаолиятида халқ ва ватан манфаатини назарда ту-тиб фаолият кўрсатди. У Олий Кенгашнинг 1992 йил, 4 январ-да бўлиб ўтган навбатдан ташқари IX сессиясида шундай деган эди: «Менга қандай юксак масъулият юкланганини ҳис қилган ҳолда халқнинг муносиб турмуш кечирishi учун қандай йўллар танлаганимиз ҳақида баъзи фикрлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Халқ иқтисодийтни барқарорлаштириш учун қатъий ҳара-катлар қилишни кутяпти. Ўтмиш қолдиқлари халқ елкасига оғир юк бўлиб қолган. Энг муҳим вазифалардан бири халқнинг бахт-ли ҳаётини таъминлашдир. Президент шиддат билан кириб ке-лаётган бозор зарбаларига бардош берувчи, ёрдамга муҳтож ки-шиларни ўз ҳомийлигига олиши керак. Булар — кўпболали, кам таъминланган оилалар, ногиронлар...

Бундан кейин ҳам биз учун шу тамойил қатъий бўлиб қола-веради»

Президент Олий Кенгашнинг мазкур сессиясида Дастур аҳамиятига молик бўлган давлат сиёсатининг стратегиясини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Миллатлараро тинчликни таъ-минлаш, фуқароларга эркинлик бериш, жамиятда маънавий ян-гиланиш учун барча шароитлар яратиш лозимлигини, ёш авлод тарбиясига катта эътибор бериш кераклигини, ҳуқуқий давлат-да қонуни устивор бўлишини алоҳида таъкидлади.

Табиийки, ушбу қоидалар Ўзбекистон истиқлоли ва тарақ-қиётининг асосий йўлларини белгилаб бериш учун асос бўлиб хизмат қилди. Масалага ана шундай ёндашиш мустақиллик-

нинг илк кунлариданоқ аниқ тартиб-интизомга риоя қилиш, қонун устиворлигига интилиш мамлакатда энг мураккаб пайтларда барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлди.

Давлат Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, ўтмишдан, собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган тажрибадан сабоқ чиқарди. Айни чоқда 90-йиллар бошларида, яъни мустақил тараққиётнинг дастлабки йилида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқур таҳлил қилди. Шу асосда сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш — танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир, — деган хулосага келди.

Бош ислохотчи сифатида майдонга чиққан Давлат Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигини таъминлаш йўлларида ишлаб чиқишда аввало республикани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олди.

Маълумки, ўзбек халқи азалдан жамоа бўлиб, уюшиб яшашга одатланган, тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда бир-бирига кўмаклашган. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик, ўзгаларга ёрдам туйғуси ўзбек халқига тарихан хосдир.

Шунинг учун ҳам И. Каримов 1992 йил, 2 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида «Истиқлол йўллари ва муаммолари» мавзуда нутқ сўзлар экан, «Биз ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик. Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуш тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз,» — деди ва туб ислохотларни амалга ошириш борасида дастлабки тамойилини белгилаб берди.

Иккинчидан, республикадаги ўзига хос маънавий-руҳий вазиятдан келиб чиқиб иш тутилди. Чунки Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари йилдан-йилга ўсиб боровуви минтақа ҳисобланади. Ушбу омилнинг аҳамиятига эътибор берар экан Президент шундай деди: «Халқимизнинг 60 ва ҳатто уқдан кўпроқ фойзи қишлоқ жойларида истиқомат қилади ва уларнинг асосий қисми деҳқончилик соҳасида ишлайди. Ўзбек зоти борки, ўтирган жойини совуттиси келмайди. Бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга хуши йўқ. Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда худди шу вазиятни ҳам эътиборда тутиш керак.

Хулоса шуки, қишлоқ жойда ва район марказларида мавжуд бўлган ортиқча ишчи кучини шаҳарга олиб келиш шарт эмас, балки янги, ихчам, замонавий корхоналари қишлоқ жойларига, район марказларига амалга бориб қуришимиз зарур. Содда қилиб айтганда, одамларни ишхонага эмас, ишхонани одамларга яқинлаштириш лозим»⁵⁸.

Учинчидан, Ўзбекистон тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда республиканинг қулай жугрофий-сиёсий имкониятини ҳисобга олинди.

Дарҳақиқат, тарихан Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди жуда кўҳна савдо йўллари — Буюк ипак йўли туташган, магрибу машриқни бир-бирига боғлаб турган, турли қарашлардаги халқларни яқинлаштириб турган, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни кечган ҳудуддир. Ана шу бой, тарих синовларидан ўтган тажрибаларни давом эттириш, ундан самарали фойдаланиш йўли тўтилди. Демакки, минтақалараро алоқалар, дунёвий интеграцияни йўлга қўйишга киришилди.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида ижтимоий онг, ижтимоий психология масаласини ҳисобга олиш лозимлигини ҳам кўрсатиб берилди.

Чунки, шўролар даврида кишилар онгида ижтимоий тенглик тушунчаси, яъни яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган фикр шаклланиб, боқимандалик кайфиятига тушиб қолган, мулкка эгаллик туйғусидан узоқлашган эди. Бу албатта, кишиларнинг меҳнатга интилишини сўндирар, иш натижаси учун масъулиятини оширишга салбий таъсир кўрсатар эди. Уларда боқимандалик, текинхўрлик иллатларини чуқурлаштирар эди. Шунинг учун, бозор муносабатларига ўтишда одамлардаги мана шу кайфиятни эътиборга олиш керак, деб ҳисобланди. Ислохотлар даврида хусусийлаштириш жараёнининг чуқурлашиши, мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантириш сари дадил қадамлар қўйилиши мана шу омилдан келиб чиққан ҳулосадир.

Бешинчидан, Ҳукумат мустақил Ўзбекистон сиёсатини белгилашда ислом динига муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини қайта-қайта уқтирди ва дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди, бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда, айниқса, мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга — деб кўрсатади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини ҳимоя қилиш ва таъминлаш имконини берадиган бой моддий-маънавий ҳамда ишлаб чиқариш потенциалига ва кадрлар кудратига эга мамлакат эканлигидир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишда эди.

Ушбу ҳулосалар И.Каримов томонидан мунтазам тўлдирилиб, қадам-бақадам янги қоида ва йўл-йўриқлар билан бойитиб борилди. Хусусан, 1992 йил август ойи охирида Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги тантаналари арафасида Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номили Ўзбекистон истиқлолининг назарий асослари чуқур таҳлил этилган асари нашрдан чиқди. Ушбу рисола кенг жамоатчилик

томонидан маънавий ҳаётдаги янгилик ва қўлланма сифатида кутиб олинди. Унда Ўзбекистон истиқлолининг ҳам назарий, ҳам амалий муаммолари илмий жиҳатдан ўрганилиб, жамият сиёсий ривожининг, иқтисодий тараққиётининг, маънавий пок-ланишининг асосий йўл-йўриқлари янгича мушоҳада ва ёндо-шув билан кўрсатиб берилди.

Маълумки, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида жами-ятнинг бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиши ҳал этувчи бир неча ижтимоий муаммолар билан узвий боғлиқ.

Булар:

- давлатнинг ислоҳотларни ўтказишдаги бунёдкорлик роли;
- жамиятнинг моддий, маънавий ва ижтимоий имконият-ларини сафарбар этиш;
- ўрта ҳол синфни шакллантириш;
- халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш масала-ларидир.

Таъбир жоиз бўлса, бу омилларнинг босқичма-босқичлиги, уларнинг аҳамияти, шунингдек, улардан алоҳида, ҳар бирининг ва барчаси бир бутун бўлган ҳолатда берадиган самарадорлиги ҳар хил сабабларга боғлиқ.

Лекин, ўтиш даврининг энг муҳим омили, бу кучли давлат-ни барпо этишдир. Бундай давлатсиз (бу эса жаҳондаги кўпги-на мамлакатлар тажрибада тасдиқланган) мавжуд ижтимоий им-кониятларни сафарбар этиш ҳам, ўрта ҳол синфни шаклланти-риш ҳам, халқаро муносабатларда муваффақиятларга эришиш ҳам мумкин эмас.

И. Каримов тараққиётнинг Ўзбекистон учун мақбул йўли-ни ишлаб чиқар экан, аввало, мамлакатда яратилажак жамият қандай мазмун касб этишига эътибор берди ва унинг фикрича, Ўзбекистонда бунёд этиладиган жамият барча «изм»лардан ва у қандай номланишидан қатъи назар адолатли, халқчил, инсон-парвар жамият бўлмоғи лозим эди.

Шунинг учун ҳам, республика ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари пировард натижада чинакам мустақил Ўзбе-кистонда янги, адолатли жамият барпо этишга қаратилди. «Рес-публикада собитқадамлик билан халқчил, адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир, — деб ўқдиради Президент. Бу борадаги фикрини давом эттириб у «Ўзбекистон — келажиги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қондаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқаро-ларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган дав-латдир. Халқ давлат ҳокимиятнинг манбаидир»⁶¹, — деган қонда-ни илгари сурди. Бу мустақилликнинг бир йиллиги арафаси-даёқ қатъий қилиб ўртага ташланган давлат сиёсати эди. Шун-ингдек, янгиланган жамиятда яшовчи кишининг сиёсий, иқти-содий ва ижтимоий турмуш тарзини кафолатловчи йўллар ҳам кўрсатиб берилди.

Жумладан, сиёсий соҳада бу:

— халқ, ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ иштирок этиши лозимлигини;

— ҳокимият бўлинишининг жаҳон тан олган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилини жорий этиш асосида демократияни чуқурлаштириш ҳамда миллий давлатчилиқни барпо қилишни;

— жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан янгилашни;

— барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонуннинг устунлигини таъминлашни;

— бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг яқка ҳокимлигидан воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олишни;

— демократиянинг қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни шакллантиришни;

— Ўзбекистонда тугилиб, унинг заминида яшаётган, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъий назар республиканинг тенгҳуқуқлиги фуқароси бўлишга эришишни билдиради.

Иқтисодий соҳада эса бу:

— миллий бойликнинг кўпайишини таъминлайдиган барқарор, ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этишни;

— ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришни;

— мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилишини таъминлаш ва барча мулкчилик шаклларининг ҳуқуқий тенглигини қарор топдиришни;

— иқтисодиётни ўта марказлаштирмасдан корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, давлатнинг ҳўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечишни;

Ижтимоий ва маънавий соҳада бу:

— инсонпарварлик гояларига содиқликни, инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи сақланиб қолишини;

— маънавиятни қайта тиклашни;

— ўзбек тилини ривожлантиришни;

— ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топдиришни;

— ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари — кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан иқтисодий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлашни;

— одамларнинг истеъдод қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароит яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилишни бил-

диради, деб таъкидланди «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли китобда.

Президент И. Каримовнинг Ўзбекистонни ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг юқоридагидек дастурий қоидалари, мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиши, ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш тамойиллари, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий устиворликлари ва йўналишлари жаҳон тажрибасини янада ривожлантирди ва уларни янги қоидалар билан бойитди.

Президент янгиланаётган жамият мазмун-моҳиятини кўрсатиш билан бирга долзарб вазифа қилиб, энг аввало бозор иқтисодига ўтиш масаласини қўйди. Фақат иқтисодий бақувват давлатгина кучли бўлади ва у ҳар қандай ислохотларга қодир бўлади деган гоёни илгари сурди.

Шунинг учун ҳам И. Каримов «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида (1993 йил.) «Ўзбекистон ўзи учун танлаб олган йўл ижтимоий соҳага йўналтирилган, республиканинг манфаатларига, шарт-шароитлари ва хусусиятларига энг кўп даражада мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир.

Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолатлаши, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланиши, инсонни шахс сифатида маънавий ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин»⁶², — деб қатъий кўрсатиб берган эди.

И. Каримов мамлакатнинг дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнларини чуқур таҳлил қилиб, Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида қуйидаги бешта асосий қайдани ўртага ташлади:

Биринчидан, иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш керак.

Иккинчидан, ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиш лозим. У ислохотларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартишлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши шарт.

Учинчидан, қонун, қонунларга риоя этиш устивор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга огишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш.

Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиётини йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунлар талабларини ҳисобга олган ҳолда, яқин ўтмишимиздаги «инқилобий сакраш»ларсиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Ана шу муҳим қоидалар Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинди, янги жамиятга ўтиш даврининг негизини ташкил этди. Ўтган давр мобайнида бу қоидаларнинг амалга оширилиши республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини жорий этиш йўлидан изчил ҳаракат қилишни таъминлади.

Ўзбекистон ҳукуматининг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ҳақидаги тамойил вақт ўтгани сайин ўзининг ҳаётий қийматини, сиёсий кучини кўрсатди. Бинобарин, булар етакчи тамойиллар сифатида тан олинди. Чунки улар иқтисодий ислохотларнинг бутун ички мантигини, ривожланиш йўлини ва характерини белгилаб берди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши бир томондан, аввалдан мерос бўлиб қолган барча ижобий тажрибаларни чуқур ўзлаштириш имконини берди, иккинчи томондан эса ислоҳ қилишнинг асосий босқичларини аниқ ажратиб берди. Бу босқичларнинг ҳар бири учун конкрет мақсадларни, уларга эришиш воситаларини белгилаб олишга шароит яратди. Аниқроғи, бу тамойил «**янги уй қурмай туриб, эскисни бузмаслик**» ҳақидаги халқнинг доно фикрига асосланганини кўрсатади.

Хусусан, жаҳон жамоатчилиги томонидан атрофлича ўрганилаётган «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга доир бешта тамойил аҳамиятига яна бир бор тўхталади. Хусусан, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг Ўзбекистон учун нақадар афзалликларига алоҳида урғу беради. Жумладан, «**бир босқични тамомлагандан кейингина, зарур шарт-шароитларни яратиб, янги босқичга ўтиш мумкин, — дейди И. Каримов. Ҳар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтирибгина ислохотларни охиригача амалга ошира оламиз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга бўлган жамиятни қура оламиз.**

Ҳозир биз керакли ёндашувларни, зарур нш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттирдик.

Дастлабки якунларни чиқариш, навбатдаги босқичнинг вазифалари ва устивор йўналишларини белгилаш зарур»⁶³. Шунинг учун И. Каримов ушбу китобнинг иккинчи қисмида мамлакатни иқтисодий ривожлантириш борасидаги асосий вазифалар — хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштириш, макроиқтисодий барқарорликка эришиш, миллий валютани мустаҳкамлаш, ижтимоий кафо-

латлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш ва зифаларини белгилаб беради.

Жумладан, унинг фикрича, мазкур масаланинг устивор йўналишлари қуйидагича бўлмоғи лозим:

биринчидан, иқтисодий сиёсатда деҳқончиликка, умуман қишлоқ ҳаётига етакчи тармоқ сифатида қараш;

иккинчидан, миллий валютани жорий қилиш, унинг қадри-ни муттасил ошириб бориш;

учинчидан, мулкчиликнинг барча шакллариغا эрк бериш, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка йўл очиш, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, иқтисодни жонлаштириш учун корхоналарни хусусийлаштириш, бу жараёни тобора чуқурлаштириш;

бешинчидан, ўтиш маданияти ва қадриятларини тиклаш ишларини йўлга қўйиш ва бу борада изчил тadbирларни амалга ошириш мустақил Ўзбекистонда давлат мустақиллигини амалга оширишнинг жамият ривожининг ҳозирги босқичидаги устивор йўналишларидир.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган ёш миллий мустақил давлатлар тараққиётига доир ҳам назарий, ҳам амалий йўналишлар, илмий қоидалар, йўл-йўриқлар Ўзбекистон мустақил ривожланишининг беш йили давомида ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтди, бошқа мустақил ривожланиш йўлига кирган давлат сиёсатдонлари эътиборини тортди. Яқинда Австрияда «Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти» деб номланган теран таҳлил ва мазмунга эга китоб нашр қилинди.

Ушбу асарнинг муаллифлари доктор Левитин ва доктор Карлайл кўп йиллар Марказий Осиё республикаларида бўлган, минтақадаги сиёсий вазият ва иқтисодий ислохотларнинг боришини ўз кўзи билан кўрган, минтақанинг ўзига хос жиҳатларини анча-мунча ўрганган кишилардир. Шунинг учун муаллифлар ўз асарларида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар самарасига юксак баҳо берадилар.

«Тасаввуримча, — деб ёзади Л. Левитин — дунёда Ўзбекистон мисолида алоҳида цивилизациявий қиёфа кучайиши билан, ўзига хос цивилизациявий ўз-ўзини англашнинг ўсиши билан иш кўраётир»⁶⁴.

Ушбу муаллифларнинг фикрича, мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, инсоният тарихи йигирмадан ортиқ цивилизация ва бундан ҳам кўпроқ субцивилизацияларнинг шоҳиди бўлган экан. Улардан кўпчилиги ҳозирги дунёда ҳам амал қилаётир. Фарб, Ислом, конфуцийлик, япон-православсаян, Лотин Америкаси, Африка цивилизациялари шулар сирасига киради.

Европа ва Шимолий Америка, «Турк ва араб суперцивилизациялар ҳам бор. Фарб ва Шарқ: икки суперцивилизация са-налади»⁶⁵.

Кўриниб турибдики, Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни чуқур тадқиқ этиб, ҳар икки хорижий муаллиф «Ислом Каримов ўтиш даврининг объектив омилларини инобатга олиб, ўзбек халқи цивилизацияси хусусиятларидан келиб чиқиб иш тутди, ислохотлар ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Оқибатда бу ҳолни мустақил давлатлар тараққиёти учун хос бўлган ривожланишнинг «ўзбек модели» деган жаҳон тан олган йўлга олиб келди» деб баҳолайди.

6-§. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ. ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

а) Ҳуқуқий давлат изланишлари

Ҳар бир суверен давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири — унинг асосий Қонуни — Конституцияси ҳисобланади.

Тарихий ривожланиш кўрсатганидек ҳар қайси жамият келажакни кўзлаб яшайди ва унинг пойдеворини имкон қадар мустақамроқ қуришга ҳаракат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда истиқлол йилларида давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқ — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўлди.⁶⁶

Дарҳақиқат, Конституция тушунчасида давлатни бошқариш, мамлакат яхлитлигини таъминлаш, унинг мустақил давлат сифатида эътироф этилишининг асоси ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларини ривожлантириш йўл-йўриқлари тўла мужассамланган.

Туркистонда инқилобдан кейинги йилларда жаҳон тажрибаларига мувофиқ тарзда Конституциялар ишлаб чиқилди. Жумладан, Туркистон АССРнинг 1918, 1920 йилларда, Хоразм ва Бухоро Халқ Республикаларининг 1920—1921 йил, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1978 йилларда қабул қилинган Конституциялари шаклан республиканинг Асосий қонунлари эди. Лекин улар ўз мазмун-моҳиятига кўра ҳақиқий мустақил давлатнинг Асосий Қонуни эмас эди. Тўғрироғи улар аввал РСФСР, кейинчалик СССР Конституцияларининг миллий республикалар шароитига мувофиқлаштириб кўчирилган, ҳаётий кучга эга бўлмаган нусхаси эди. Шу нуқтаи назардан кўрсатиб ўтилган Асосий Қонунларни Ўзбекистон давлати мустақиллигини ҳуқуқий асословчи Конституция деб қараб бўлмасди.

Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш гоёси 1990 йил 20 июнда Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши билан бевосита боғлиқ. Мазкур Декларация қабул қилинган Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида бу ҳужжатдаги муҳим тамойиллар асосида давлатнинг янги Конституцияси ишлаб чиқилиши лозим деган хулосага келинди. Сессия Президенти

дент И. А. Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция комиссияни тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унинг таркибига депутатлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг вакиллари, давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг, корхоналар, хўжаликларнинг раҳбарлари, таниқли ҳуқуқшунослар, олимлар ва мутахассислар кирди. Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида Комиссия таркиби қисман янгиланди⁶⁷

Шуни алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистонда конституциявий аҳамиятга молик ислоҳотлар Конституциявий комиссия тузилишидан анча аввалроқ бошланган эди. Маълумки, 1990 йил 24 мартда республика Олий Кенгашнинг биринчи сессияси муҳим тарихий қарор қабул қилиб, Ўзбекистон Президенти лавозимини таъсис этган эди. Президентлик бошқарувининг жорий этилиши советлар ҳукмрон бўлган давлат бошқарув шаклига барҳам бериб, амалда давлатимизнинг президентлик республикаси шаклига ўтишини аниқларди. Президентлик институтининг киритилиши давлат ҳокимияти ваколатларининг янгича тақсимланишини тақозо этар эди. Шу муносабат билан ижроия-бошқарув ҳокимиятининг тизими такомиллаштирилди.

1990 йил 1 ноябрда «Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ, Президентлик ҳокимияти билан Республика Министрлар Совети қўшилиб, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. Ижроия ҳокимият Президент қўлида бирлаштирилди. У ҳам Ҳукумат раҳбари, ҳам давлат бошлиғи бўлиб қолди. Навбатдаги конституциявий ислоҳот қадами вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда давлат ҳокимиятининг вакиллик ҳамда ижроия идораларига раҳбарлик қилувчи ҳокимлар лавозимини таъсис этишдан иборат бўлди.

Ижтимоий-сиёсий тараққиётимизда ҳаётий эҳтиёж тарзида рўй бераётган реал ўзгаришлар ўз навбатида сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурни шакллантириб борди. Конституция лойиҳаси устида бевосита ишлашни фаоллаштиришга вазият етилгач, Конституциявий комиссия 1991 йил 12 апрелда И. А. Каримов раислигида ўзининг биринчи мажлисига тўпланди. Конституция лойиҳасини яратиш билан боғлиқ барча ташкилий ва ижодий жараённи мувофиқлаштириб бориш учун Конституциявий комиссия аъзолари ҳамда етакчи мутахассислар ва олимлардан иборат 32 кишилик ишчи гуруҳи ташкил этилди. Унинг таркибига қонун чиқарувчи идора, бир неча қўмиталарнинг раислари, вазирликлар, суд, прокуратура идораларининг раҳбарлари, Республика Президенти девони ва Олий Кенгаш идорасининг масъул ходимлари кирди. Шунингдек, Конституция лойиҳасининг мўлжалланаётган бўлимларини тайёрлаш учун 6 та кичик гуруҳлар ташкил этилди. Кичик гуруҳлар таркибига 50 нафар илмий ходим ва мутахассис жалб қилинди.⁶⁸

Конституциявий комиссия Раиси ишчи гуруҳ олдиға қуйидаги вазифаларни қўйди:

— конституциявий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси ўрғаниб чиқилсин,

— бошқа мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ва қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳисобга олинсин,

— кенг халқ оммаси дилига яқин ва тушунарли бўлган сиёсий-юридик ҳужжатлар яратилсин.

Мазкур топшириққа мувофиқ, АҚШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Испания, Португалия, Греция, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария, Литва давлатларининг конституциялари чуқур ўрганилди, қиёсий таҳлил этилди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи Россия Федерацияси, Белорусь, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон республикаларининг Асосий қонунлари ҳамда конституция лойиҳалари диққат билан кўриб чиқилди.

Юқорида келтирилган манбаларни таҳлил этиш асосида хорижий давлатлар конституциялари мазмуни ва тузилишини тавсифловчи каттагина ҳажмли қиёсий жадвал тайёрланди. Ушбу таҳлилий жадвални жаҳон конституцияшунослиги тажрибаси намуналари умумлашмаси сифатида Республикамиз Президенти ўрганиб чиқди.

Яна шунини ҳам айтиш керакки, ўзбек халқи аجدодларининг давлатчиликни мустақкамлаш йўлидаги ғоя ва фикрлари ҳам бўлажак Асосий Қонунга асос қилиб олинди. Жумладан, Амир Темурнинг «Темур тузуқлари»даги давлатни идора қилишга доир муҳим қоидалари ҳам эътиборга олинди.

Хусусан, Амир Темур умрининг охирида фарзандларига шундай васият қилган: *«мишлатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсулларни бойлар зулмига ташламанг, адолат ва озодлик дастуригиз, раҳбарингиз улсун...»*. Бу фикрлар ўша даврда давлат юритишнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Туронзамин хоқони учун асосий ғоя ҳисобланган адолат ва озодлик бугунги кунда ижтимоий адолатни ҳимоя қилишда асосий мезон ҳисобланмоқда.

Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини яратиш салмоқли назарий, концептуал заминга таянди. Конституциявий комиссия Раисининг топшириғи билан 1991 йил бошларидаёқ бўлгуси конституциянинг ғоявий мағзи, яъни концепцияси устида иш бошлаб юборилди. Натижада учта муқобил концепция яратилди. Республика Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси, Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг концепцияси ва Президент девони юридик бўлими тайёрлаган концепцияси. Ишчи гуруҳ мажлисида учинчи концепция асос учун қабул қилинди. У қолган

икки концепциянинг диққатга сазовор гоёлари билан бойитилиб, умумлашган, пухта, ягона гоёвий асос шаклига келтирилди. Конституциявий комиссия ва унинг Раиси томонидан маъқулланган ана шу концепция асосида бўлажак Конституция лойиҳасини яратишга киришилди.

Лойиҳанинг дастлабки варианты 1991 йил октябр-ноябрига таъёрлаб бўлинди. У муқаддима, олти бўлимга тақсим қилинган 158 моддадан иборат эди⁶⁰. Ушбу лойиҳа юзага келатган пайтда мамлакатимиз тарихида туб бурилиш юз берди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий Қонунни ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёнотини қабул қилди. Бу билан республика парламенти мустақил Ўзбекистон Республикаси, суверен давлат қарор топганлигини бутун дунёга эълон қилди. Қонунда халқ ҳокимиятчилиги, демократик давлатчилиқ, инсон ҳуқуқлари муқаддаслиги, қонун устиворлиги, ҳокимият бўлиниши, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги каби муҳим принциплар мустаҳкамланди. Ушбу илғор демократик гоё ва принциплар Конституция лойиҳаси мазмунига ҳам сингдирилди. Шунга қарамадан дастлабки лойиҳа ҳали муқаммаллик даражасидан анча йироқ эди. Янада жиддийроқ ва талабчанлик билан ишлаш лозим эди.

1992 йил баҳорида лойиҳанинг 149 моддадан иборат иккинчи варианты ишлаб чиқилди. Мамлакат Президенти иштирокида Конституциявий комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида Конституция лойиҳаси устида олиб борилган ишлар тўғрисидаги ахборот тингланди. Таъкидланишича, ишчи гуруҳ Ўзбекистон халқ депутатлари, меҳнат жамоалари раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда лойиҳанинг бешинчи кўринишини тайёрлади. Унда ўзбек халқининг тарихий, миллий ва маънавий хусусиятларини имкон қадар тўлароқ акс эттиришга ҳаракат қилинди. Қабул қилинган қарорда қуйидагилар белгиланди: Конституция лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ (комиссия) тузилсин (унинг таркиби 25 кишидан иборат бўлди). Унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

— ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш тажрибасини ҳар томонлама умумлаштириш ва уни Конституция лойиҳасида ҳисобга олиш;

— Ўзбекистоннинг демографик ва ижтимоий-сиёсий турмуш тарзи, унинг тараққиёти тажрибасини ҳамда депутатларнинг, турли ижтимоий гуруҳларнинг миллий-маданий марказларнинг мулоҳазалари ва таклифларини умумлаштириш;

— Конституциявий комиссия аъзоларидан тушган таклифларни кўриб чиқиш ва лойиҳага тегишли ўзгаришлар киритиш».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси пух-

та ишловлардан сўнг Конституциявий комиссия қарори билан 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқ оммаси Конституция лойиҳасини катта қизиқиш ва озод Ватан учун чексиз ифтихор туйғулари билан кутиб олди. Бу ўз-ўзидан тушунарли ҳолат. Зеро, давлатимизнинг келажаги, халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ, аниқроғи ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради ⁷⁰.

Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ниҳоятда кенг кўламли бўлиб, юксак ижодий кўтаринкилик ва ишчанлик кайфиятида ўтди. У жамиятимизда чинакам демократия қарор топишининг ёрқин намоёниши бўлди. Ўз руҳи ва мазмуни жиҳатидан муҳокама давлат ва жамият ҳаётининг ўта муҳим масалалари бўйича бутун халқнинг умумий суҳбатига айланиб кетди. Лойиҳанинг қизгин ҳамда манфаатли муҳокамаси халқимизнинг ўзи мустақил Ўзбекистон Асосий Қонунининг бевосита ижодкори бўлганлигини кўрсатади.

Умумхалқ муҳокамаси уч ой давом этди. Унда мамлакатда яшаётган турли миллат ва элатга мансуб бўлган барча катта ёшдаги аҳоли иштирок этди. Матбуотда, радио ва телевидение орқали, корхона, муассаса ҳамда ташкилотлардаги йиғилишларда, аудиторияларда қизгин муҳокама, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Лойиҳа Қорақалпоғистон Олий Кенгаши сессиясида, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги фаоллар йиғилишларида муҳокама этилди. Олий Кенгаш Раёсати, вилоят ҳокимликлари таклиф ва мулоҳазаларни мунтазам равишда умумлаштириб, якуний жадваллар тузиб, уларни Конституция комиссиясига юбориб турдилар.

Шу даврда Ўзбекистон Республикаси давлат-ҳуқуқий тажрибасида муҳим бир янгилик бўлди. Унинг мазмуни шундаки, Конституция комиссияси дастлаб белгилаган икки ярим ойлик муддат мобайнида (1992 йил 26 сентябрдан бошлаб) лойиҳа меҳнаткашлар таклифлари асосида қайта тузатилиб, 1992 йил 21 ноябрда муҳокамани давом эттириш учун яна иккинчи мартаба матбуотда эълон қилинди. Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент рўй берди — умумхалқ муҳокамаси икки босқичда амалга оширилди. Бу ҳол муҳокама иштирокчиларини сиёсий жиҳатдан фаолаштирувчи қудратли туртки бўлди. Унинг мақсади фуқароларга уларнинг муҳокамадаги жонбозлиги маҳсули ва самараларини аниқ кўрсатишдан иборат эди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида жами 6 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Фақатгина Конституцион комиссияга мингдан зиёд хатлар тушди. Уларда лойиҳанинг ихчам, лўнда, чуқур маъноли ва барчага тушунарлилигига ёрдам берувчи мулоҳазалар билдирилди. Таклиф ва мулоҳазалар Кон-

ституция лойиҳасининг ҳамма моддаларига дахлдор бўлиб, матннинг деярли ярмига тузатишлар қилинди. Лойиҳадаги 127 молладан 60 тасига тузатиш ва аниқликлар киритилди. Дастлабки вариантдан 4 та модда чиқарилиб, матнга бир неча янги модда киритилди.

Таклиф ва мулоҳазаларнинг аксарияти фуқароларнинг ҳуқуқий ва бурчлари, шахс дахлсизлиги, диннинг жамиятдаги ўрни ва роли, иқтисодий ҳуқуқлар, жумладан, мулк ҳуқуқи, бозор муносабатлари ва тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқий тартибот ва қонунийликнинг конституциявий асосларини мустақкамлашга қаратилган моддалар, боблар ва бўлимларга тааллуқли бўлди.

Масалан, Конституция лойиҳасининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деган бўлими бўйича 1978 та таклиф ва мулоҳазалар тушган. Шулардан Шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар, Сиёсий ҳуқуқлар, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари, фуқароларнинг бурчлари деган VII—XI бобларидаги 29 та модда юзасидан 1656 та таклиф ва мулоҳаза билдирилган. Булар ичида қизгин муҳокама ва мунозарага сабаб бўлган ўн битта моддани яъни инсоннинг яшаш ҳуқуқи, фуқаронинг айбсизлик презумпцияси, шахс дахлсизлиги, фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги, ҳар кимнинг исталган ахборотни олиши ва уни тарқатиш ҳуқуқи, дин эркинлиги ва диний ташкилотларнинг сиёсий мақоми, фуқароларнинг митинглар, йигилишлар ва намойишлар шаклида фаоллик кўрсатиш ҳуқуқи, мулкдор бўлиш ва мулкни мерос қолдириш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ва ишсизликдан муҳофаза этилиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти, Ватанни ҳимоя қилиш ва ҳарбий хизматни ўташ мажбурияти каби масалаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мазкур долзарб масалалар бўйича тушган таклифлар сони 1050 та бўлиб, улар Конституциявий комиссия номига келган таклифларнинг салкам 20% ини ташкил этди. Бу рақам VII—XI боблардаги моддаларга оид таклифлар миқдорига нисбатан эса 63% ташкил қилади.

Шундай қилиб, Конституция лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси Ўзбекистон халқининг иродасини бевосита аниқлаш, шунингдек муҳокама давомида тўпланган бой материални ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб, умумлаштириб, уни мужассам давлат иродаси тарзида Асосий Қонунда ифодалаш имконини берди.²¹ Конституция халқимизнинг сиёсий донолиги ва тафаккури маҳсули бўлди.

Умумхалқ муҳокамаси давом этаётган даврда ҳам Конституция комиссияси Раис лойиҳани такомиллаштиришга катта эътибор қаратди. Фуқаролар ва меҳнат жамоаларидан тушаётган таклиф-мулоҳазалар жамланиб, Раис эътиборига ҳавола этиб

турилди. Мамлакат Президенти Конституция лойиҳаси устида ишлар экан, унинг ортида миллионлаб кишиларнинг тақдири турганлигини қайта-қайта таъкидлади.

Президент ишлаган лойиҳалар нусхасидан айримларини мисол тариқасида келтирамиз:

Лойиҳанинг 1-моддасида «Ўзбекистон — демократик республика» деб ёзилган эди. Президент бунга аниқлик қиритиб, «суверен» сўзини қўшиб қўйган. Натижада бу модда «Ўзбекистон - суверен демократик республика» тарзида бўлди. Маълумки, суверенитет ҳар қандай давлатнинг муҳим белгисидир. Конституцияда бу жиҳатга урғу берилиши Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, Ўзбекистон энди илгаригидек иттифок давлатининг таркибида эмас. Иккинчи тарафдан, унинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қўшилганлиги мустақилликни ва давлат суверенитетини йўқотди, деган маънони англатмайди. Бу МДҲ шаклланаётган ва унинг атрофида турли қарама-қарши мулоҳазалар билдириляётган бир пайтда катта сиёсий аҳамиятга эга эди.

Дастлабки лойиҳанинг 7-моддаси, 2-қисми қуйидагича эди: «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Конституция... ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади». Президент ниҳоятда муҳим тузатиш қиритди. Яъни, республикада давлат ҳокимияти **халқ манфаатларини кўзлаб...** амалга оширилади. Бу билан Конституциянинг «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» (7-м., 1-қисм) деган қондаси билан юқорида келтирилган қондаси ўртасидаги мантиқий боғлиқлик кучайди.

Лойиҳанинг 17-моддаси, 2-қисмида қуйидаги меъёр мустаҳкамланган эди: «республика ўзининг суверен ҳуқуқларини бошқа давлатлар билан биргаликда амалга ошириши шарти асосида умумий фаровонлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро бирикмаларга кириши, иттифоклар тузиши ҳамда иттифоклардан, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро бирикмалардан чиқиши мумкин». Президент матндан «Ўзининг суверен ҳуқуқларини бошқа давлатлар билан биргаликда амалга ошириши» сўзларини чиқариб ташлади ва лойиҳанинг қуйидаги таҳририни баён қилди: «Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоклар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин».

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини мустаҳкамловчи қондалар алоҳида диққат-эътиборга молик бўлди. Бу масала даставвал лойиҳада қуйидагича эди: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси табиий, ажралмас, бузилмас ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Улар дахлсиз ва ҳеч ким судсиз улардан маҳрум этишда ва уларни чеклашга ҳақли эмас» (19-модда). Бир қарашда ҳаммаси халқаро ҳуқуқ мезонларига мувофиқдек кўринади. Аммо

Конституциявий комиссия Раиси бу моддани чиқариб ташлаб, уни 20-модданинг иккинчи жумласи охирига қўшишни таклиф этди. Натижада модда қуйидаги кўринишга эга бўлди: «...Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеklang қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

Кирилган тузатиш — ижодий тафаккур ва донишмандлик маҳсулидир. Унинг тўғрилиги лойиҳадаги 19-модда мазмунини қўшимча таҳлил этганда аён бўлади. Илгариги маънога кўра: шахснинг барча табиий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз деб танилиб, улар суд муҳофазасига даъвогарлик қилар эди. Мазкур норманинг юридик жиҳатдан ноаниқ ва бўшлиги кўриниб турибди. Аке ҳолда инсон ва фуқаронинг барча табиий ҳуқуқлари тўла рўйхатини қандай аниқлаш мумкин? Бу ноаниқлик шароитида ҳамма ҳуқуқ ва эркинликлар суд ҳимояси билан таъминланиши ақлга сиғадими? Албатта йўқ.

Конституция лойиҳасидаги «фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларидан ажралмасдир» — деган сўзларни Президент қуйидаги аниқ ифодалар билан алмаштирди: «**Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажардилар**» (Конституциянинг 47-моддаси). Энди бу меъёр ҳуқуқий жиҳатдан содда, тушунарли, лўнда ва аниқ кўринишга эга бўлди.

Конституциявий комиссия Раисининг ташаббуси билан лойиҳага шахснинг дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги моддалар киритилди. Конституциявий комиссиянинг 1992 йил 7 декабрда бўлиб ўтган мажлисида Президент Конституция лойиҳасининг хотин-қизлар билан эркалар тенг ҳуқуқли эканлиги ҳақидаги, шунингдек, маданий ёдгорликлар давлат томонидан муҳофаза қилиниши ҳақидаги моддалар билан тўлдиришни таклиф этди. Мазкур мажлис иштирокчиларидан бири президентлик бошқаруви шаклини мустақамлаш-ни, «Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши» деган бўлимни Ўзбекистон Республикаси Президенти тўғрисидаги боб билан бошлашни таклиф қилди. Конституциявий комиссия Раиси бунга эътироз билдириб: «Авалло Парламент ҳақидаги, сўнгра Президент ҳақидаги боб баён этилади. Конституциямизда биринчи навбатда халқ демократияси устиворлик қилиши лозим», деди.

1992 йил 8 декабрда 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессияси бўлди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш ҳақида»ги масала кўрилди. Бу хусусда Конституция комиссияси Раиси, Президент И. А. Каримов маъруза қилди. Ушбу маърузада сессия муҳокамасига ҳавола қилинган, Ўзбекистоннинг асосий Қонуни, республикада аввалги йилларда қабул қилган қонунлардан

фарқли ўлароқ, демократик йўл билан тайёрланган бўлиб, унда йиллар давомида синовдан ўтган умуминсоний қадриятлар ўз аксини топганлиги, у қўплаб тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаларини ўзига сингдирганлиги алоҳида уқтирилди. Шунинг учун ҳам мазкур Конституция ҳар қандай етакчи Мамлакатнинг Конституцияси билан баҳслаша олиши мумкин»⁷². — деб таъкидланди.

Сессияда депутатлар лойиҳага 80 га яқин ўзгариш, қўшимча ва аниқликлар киритдилар. Жумладан, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судларининг ваколат муддати ўн йилдан беш йилгача туширилди. Олий Кенгаш 84-моддани қуйидаги янги қисм билан тўлдирди: «Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили ҳисобот бериб турадилар». 78-модданинг 8-бандига эса янги жумла қўшилди: «Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикасининг бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш» ва ҳоказо⁷³.

Албатта, депутатлар таклифларининг рад этилганлари, лойиҳага қўшилмаганлари ҳам бўлди. Масалан, депутат В.А.Козлов Олий Мажлис икки палатадан иборат бўлишини таклиф этди. Бироқ, бу таклиф қабул қилинмади, тажрибада синалган бир палаталик тизим сақлаб қолинди.

Сабаби, Ўзбекистонда бундай анъана бўлмаганлиги ва шунингдек, мамлакатда халқлар ўртасида барқарорлик, миллатлараро муносабатлар, миллий тоғувлик йўлга қўйилгани билан ажралиб туради. Гап кўп поғонали парламент тузишда эмас, балки давлатнинг доно, пухта ўйланган миллий сиёсатида, асраш ва ривожлантириш зарур бўлган халқ анъаналарида эди. Шунинг учун Ўзбекистонда тузилажак парламент бир палатали деб лозим топилди.

Вилоятларда, шаҳарлар ва туманларда ҳокимлар ва судьяларни тайинлаш эмас, балки сайлаш тўғрисида ҳам таклифлар тушди. Судьяларни ва маҳаллий ҳокимият органларини сайлаш ҳақидаги қонун узоқ вақт ишлаб келди, аммо бу амалда ҳеч нарса бермади. Конституция комиссияси бошқа мамлакатлар тажрибасига суянган ҳолда ўзга йўлни танлади. Мансабдор шахсларнинг шахсий масъулиятини ошириш мақсадида уларни тайинлашга ва улардан зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришни талаб қилишга қодир бўлган тайинлаш тамойилини мақбул кўрди.

Соғлом, оқилона фикрлар айтилган кўплаб бошқа таклифлар ҳам тушди. Бироқ конституция характеридаги ҳужжатни қабул қилишда уларнинг барчасини инobatга олиш мумкин эмас эди. Шу боис баъзи таклифлар Олий Кенгашнинг қомителари ва комиссияларига ўрганиб чиқиш ва тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун юборилди. Хуллас, икки йил тайёргарлик, икки ярим ой умумхалқ муҳо-

камасидан сўнг Конституция лойиҳаси сессия тасдиғига ҳавола қилинди.

Баъзи депутатлар лойиҳанинг 58-моддасида касаба уюшмаларига аъзолик мажбурий равишда бўлиши ҳақидаги қоида мустақамлансин, деган таклифларни илгари сурдилар. Ушбу фикр ҳам қўллаб-қувватланмади. Чунки бу жамоат бирлашмаларининг ихтиёрийлик асосида тузилиши принципига зид эди.

Депутат М. Юсупов 118-модданинг 3-қисмида «вилоят, шаҳар ва туман прокурорлари тегишли маъмурий-худудий birlikнинг ҳокими билан келишилган ҳолда тайинландилар», деган қоида ёзилишини таклиф этди. Бу таклифга Олий Кенгаш депутатларининг кўпчилиги қўшилмади. Сабаби амалдаги қонунчилик ва тажрибага мувофиқ, прокуратура органлари яккаҳоқимлик тамойилик асосида тузилади ва фаолият юритади. Шу боис барча бўғиндаги прокурорлар Республика Бош Прокурори томонидан лавозимга тайинландилар. Бундан ташқари, прокуратура органлари худди судлар сингари маҳаллий ҳокимият органлари таъсири остида бўлиши мумкин эмас. Боз устига прокуратура тегишли худуддаги ҳокимлар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади.

Ноибларнинг бир қатор таклиф ва мулоҳазалари Конституция лойиҳасининг тахририни, услубий раванлигини баркамоллаштиришга кўмак берди.

Шундай қилиб, суверен демократик Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси қабул қилинди. Асосий Қомусимиз давлат мустақиллигимизнинг меваси, маҳсули сифатида дунёга келди ва ҳурлигимиз, озод-эркинлигимиз қалқони сифатида яшамоқда. Конституция келажаги буюк Ўзбекистоннинг қад ростлаши учун, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш учун мустақам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституциявий комиссиянинг Раиси И. А. Каримов Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида Конституция лойиҳаси юзасидан сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлади: **Хур Ўзбекистонимизнинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустақам пойдевор қуришдир... Конституциямиз асосий қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонуларга асос бўлиши муқаррар... Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафий, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга нитидик**⁷⁴.

Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг қиёфасини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик тамойилларини,

жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини, ҳамда, маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

Сессия иштирокчилари яқдиллик билан 6 бўлим, 128 моддалан иборат Конституцияни қабул қилдилар.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг тарихида биринчи марта халқро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларига, умуминсоний қадриятларнинг устиворлигига асосланган реал, туб маънодаги демократик Конституция яратилди ва кучга киритилди. Бу Конституция 1990 йил 20 июнда қабул қилинган «Мустақиллик Декларация»си ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини асослари тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган принциплар ва ғоялари ўзида тўла мужассамлаштирди. Уларни ривожлантирди. Конституция лойиҳаси ишлаб чиқилиши жараёнида ишчи гуруҳи БМТнинг халқро ҳуқуқий ҳужжатларига, айниқса 1984 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқларини умумий декларациясига, Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги Битимга, /1966/ Хельсинкида имзоланган Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг /ОБСЕ/ яқунловчи ҳужжатига асосланганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фақат миллий истиқлол, давлат мустақиллигига эришиш туфайли Ўзбекистон Республикасининг тамомила янги, инсон манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи чинакам демократик Конституциясини яратишдек улкан тарихий имконият вужудга келди. Ўзбекистон Республикаси XII чақириқ Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрдаги ўн биринчи сессияси томонидан Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилиниши мамлакат тарихида оламшумул воқеа эди.

б) Конституция сабоғи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчидан, шунини таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжатда ҳуқуқий ва сиёсий тафаккурнинг энг юксак ютуқларини, ҳозирги замон конституциявийлик илмини мужассам этгани, ўзбек халқи маданияти ва миллий анъаналарининг чуқур илдиэларига суянилганлиги ҳам Конституциянинг ўзига хос муҳим хусусиятидир.

Иккинчидан, ушбу ҳужжат, Ўзбекистон Республикасидаги аввалги ижтимоий-иқтисодий, давлат сиёсий тизимини амалда бошқа тизимга айланганини, тубдан янгиланиш рўй берганини конституциявий расмийлаштириш лозим эди. Масалан «социалистик» ўтмишдан, айни вақтда совет намунасидаги тизимдан ҳам воз кечган ҳолда Ижтимоий онг давлатлашиб кетган умумхалқ мулкчилигини» ижтимоий тараққиётига тўғаноқ сифатида инкор этиб, хусусий мулкни, иқтисодий эркинлик ва яқка тар-

тибдаги тадбиркорларни тан олди. Янги Конституция моҳиятининг ўзига хос томони ана шу омиллар билан белгиланади. Демак, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мазмунан янги, принципал сиёсий ҳужжатдир. Унда ижтимоий-сиёсий хусусияти, уни ривожлантиришнинг асосий ғоялари, республика ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишлари белгилаб берилди. Конституция жаҳоннинг сиёсий харитасида янги суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини қонуний тасдиқлаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юридик ҳужжат. Унинг қоидалари ҳамisha ҳукмронлик, биринчилик, таъсис кучига эгадир. Бошқа қонунларнинг ҳаммаси у ёки бу тарзда Конституциявий меъёрлар асосида яратилади, уни ривожлантиради ва рўёбга чиқаради. Унинг асосида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қудратли ахлоқий кучга эгадир. Унда аввало инсонпарварлик, адолат, ғоялари мустаҳкамлаб берилган. Конституциянинг «инсонга қаратилганлиги» хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Конституция мақсадининг чўққисида инсон, фуқаро, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари туради. «Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади»⁷⁵, — деб таъкидлади Республика Президенти И. А. Каримов Конституциянинг бир йиллигига бағишланган тантанали мажлисда.

Конституцияга асос қилиб олинган принциплар ўз моҳиятига кўра ҳуқуқий давлатнинг энг асосий талабларини акс эттиради. Тўғри, бундай принципларнинг айримлари — «суверенитет», «халқ ҳокимияти», «ижтимоий адолат», «қонунийлик» аввалги совет конституцияларида ҳам учрайди. Бироқ, янги Ўзбекистон Конституциясида бу принциплар, туб, асл маъно касб этган.

Давлат суверенитети принципи — республикада давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг муҳим принциpidир. Ҳокимият суверенитетининг мазмуни шундаки бунда ҳокимият бир томондан мамлакат ичида устунлик ва мустақилликка эга бўлса, иккинчи томондан ташқи сиёсат, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатда устунлик қилади, ўзи эркин, мустақил иш кўради.

Давлат суверенитетининг ички жиҳатлари мазмуни Конституциянинг I-бобида жуда аниқ очиб берилган. Чунончи, «Ўзбекистон суверен демократик республика»⁷⁶ эканлиги баён этилган, демакки, қонун билан мустаҳкамлаб берилган. Давлат ўз ҳудуди ва миллий бойликларига нисбатан энг олий ҳуқуққа эгадир. «Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир»⁷⁷, /3-модда/. Ўзбекистон Республикаси мустақил равишда ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимиятни ва бошқарув органларининг тизимини бел-

гилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади, республика Конституцияси ўз ҳудудида устунликка эга бўлган қонунлар қабул қилади.

Давлат суверенитетининг беистисно барча ижтимоий ҳокимият ваколатлари фақат конституцияга биноан тузилиб, амалда бўлган давлат институтларидагига тўла ва сўзсиз жамланишини тақозо қилади. Ана шу нуқтаи назардан 10-модда мантиқан жуда катта аҳамиятга эга. «Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Парламенти иш олиб бориши мумкин»⁷⁶. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини фақатгина Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ваколат берилган идоралар амалга ошириши ҳам назарда тутилган. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги тизимларини яратиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади» /7-модда/⁷⁹

Халқаро доирада Ўзбекистон Республикасининг устунлиги ва мустақамлиги унинг давлатлараро мулоқотларнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомига асосланади. Конституцияда Ўзбекистон давлатининг аломатлари қайд этилган бўлиб, улар давлатимиз халқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти эканлигини таъминлайди.

Ушбу Конституцияда халқ азалдан орзу қилган, ўз тақдирини ўзи белгилаши қондаси мукамал тарзда ўрин олган. Шу боис янги Конституция халқ ҳокимияти принципига асосланди ва уни мустақамлайди. Халқ ҳокимияти деган ибора бутун ҳокимият амалда ва юридик жиҳатдан халқники эканлигини англатади. Халқ ҳокимияти ўз вазифаларини ҳам бевосита, ҳам ўзи сайлаган давлат органлари орқали амалга оширади. Конституциянинг 7-моддасига мувофиқ халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир»⁸⁰. У халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилади.

Асосий Қонунда халқ ҳокимиятининг реал омиллари кўрсатиб берилган. Халқ сайлов йўли билан вакиллик ҳокимияти органларини тузади, мамлакат Президентини сайлайди, умум-халқ муҳокамаси ва референдуми орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришда, қарорлар /қонунлар/ қабул қилинишида иштирок этади /9-модда/⁸¹. Шу тарзда халқнинг суверен хоҳиш-иродаси, унинг ўз давлат ҳокимиятини рўёбга чиқариш усуллари конституциявий йўл билан мустақамланади. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки демократизм — янги Конституциянинг асосий принципи ҳисобланади. Чунки, халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий аънъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш янги демократик, адолатли жамият қуришда ўта муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Шу боис ҳам Конституциянинг муқаддимасида халқнинг демократия гоёларига, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатга садоқатли эканлиги расман эълон қилинган. «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»⁸², — деб баён этилган. 13-моддада «Конституцияда давлат халқнинг иродасини ифода этиши, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши таъкидланган. Умумхалқ муҳокамаси ва умумхалқ овоз бериши /референдум/ тартиботлари демократик воситалар ҳисобланади. Халқ қонун чиқарувчи органни шакллантиришда ва республика Президенти сайловида бевосита қатнашади»⁸³.

Шунингдек, Янги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти олий органларининг тузилиши, ҳокимиятлар тақсимланиши принципи ҳам асослаб берилган. Яъни Қонунда қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятининг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва мустақил равишда амал қилишининг ўта мақбул механизмлари мустаҳкамлаб берилган. Ҳокимиятнинг учта тармоғи ўртасида мувозанат сақлашнинг оқилона тизими яратилган. Чунончи, қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимияти эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг раҳбарлиги остида Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Суд ҳокимияти — Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргалликда республиканинг ягона тизимини ташкил этади. Олий Мажлис таркибида унинг нормал фаолиятини тартибга солидиган, ҳал этиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд у бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилса, Президент Конституциявий суд билан келишган ҳолда қабул қилган ўз қарори билан Олий Мажлисни тарқатиб юбориши мумкин /95-модда/»⁸⁴. Конституцион суд республика қонунлари ва Президентнинг Фармонлари Конституцияга қанчалик мос келишини аниқлайди. Унинг Конституцияда ўзига берилган ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари узил-кесил ҳисобланади ва бу қарорларнинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Конституцияда кучли ва лаёқатли ижроия ҳокимияти ривожлантирилган. Бир тизимдан бошқа тизимга ўтиш даврида кучли ижроия ҳокимияти зарурдир. Уни мустаҳкамлаш қонун чиқарувчи ҳокимият мавқеини пасайтириш ҳисобига юз бериши керак эмас. Президентга аввал берилган ваколатларни аниқлаш ва тўлдириш ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги мувозанатга риоя қилинган.

Чунончи Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ Президент Ўзбекистон Республикасида давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимиятнинг бошлиғидир. У айна бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг ҳам Раиси ҳисобланади. Президент ваколатлари

тўғрисидаги модда унинг ҳуқуқларини санаб ўтишда эмас, балки унинг зиммасига юксак масъулият юклашдан бошланади. Хусусан, Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳуқуқий яхлитлигини муҳофаза этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради /93-модданинг 1;2-қисмлари/⁸⁵.

Президент мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда республика номидан иш кўради, музокаралар олиб боради. Республиканинг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди. Президент давлат бошлиғи сифатида ҳокимият ва давлат бошқаруви олий органларининг ҳамжихатлигини таъминлайди. У ижроия ҳокимияти девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, вазирликларни, давлат қўмиталарини ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади. Бош Вазир, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларини, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини лавозимига тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлис тасдиғига киритади /93-модданинг 8-, 9-бандлари/⁸⁶.

Прокурорлик назорати ижроия ҳокимияти структурасига киритилди. Шу вақтга қадар прокурорлик назорати гўёки «Тўртинчи ҳокимият» бўлиб келар эди. Энди Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Президент Фармони билан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади, бу масала Олий Мажлис тасдиғига киритилди. Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар республика ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар /118-модда/⁸⁷.

Президентнинг вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судларининг судьяларини лавозимига тайинлаш ва лавозимидан озод этишга доир ваколатларини ўзига хос рағбатлантирувчи омил деб қараш мумкин. Бу эса уларга одил судловни, ҳукм чиқариш ва ҳал қилувчи қарорлар қабул қилишни давлат номидан амалга ошириш имконини беради. Энг муҳими шундаки, судьяларнинг ишини кўришдаги мустақиллиги ва эркинлиги Президент нуфузи билан мустаҳкамланади. Шу билан бирга тасдиқлаш керакки, на Президент, на давлат бошқарувининг бошқа органлари судларнинг ҳаракатдаги фаолиятларига аралашмайди. Ўзбекистоннинг суд ҳокимияти, — дейилади 106-моддада қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади»⁸⁸.

Президент мамлакат Қуролли Кучларнинг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Башарти, мамлакатга ҳужум қилинган тақдирда уруш ҳолати эълон қилиб, бу қарорини уч кеча-кундуз ичида Олий Мажлис тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Республикаси фаол ташқи сиёсат ўтказиш тарафдори эканлигини баён этилиши янги Конституциянинг бутунлай янги принципларидан биридир. Бунда Республиканинг ўз миллий давлат манфаатларининг устивор эканлигини белгиловчи омилидир. Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Конституцияда белгилаб берилган давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидаларига ва нормаларига асосланади/17-модда/⁸⁹.

Конституциянинг махсус боби /XXI-боб/ жойлардаги давлат ҳокимияти органларига бағишланган. Бу бобда ўзини-ўзи бошқариш принципларини мустаҳкамлаш билан бир қаторда маҳаллий ҳокимиятнинг бошлиги бўлган ҳоким тартиботи жорий этилади. Тегишли ҳуқуқлардаги маҳаллий вакиллик ҳокимияти — халқ Кенгашларига, шунингдек ижроия ҳокимиятига вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бошчилик қиладилар.

Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳрининг ҳокими Президент томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади, ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туманлар ҳокимлари тегишли юқори турувчи ҳокимлар томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан тасдиқланади /102-модда/⁹⁰.

Ҳоким ўз ваколатларини яқка бошчилик асосида амалга оширади ва ўзи раҳбарлик қилаётган идораларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгар бўлади. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда маҳаллий ҳокимият ўз-ўзини бошқариш жамоат органлари шаклида амалга оширилади. Фуқароларнинг йиғинлари бундай ўзини-ўзи бошқаришнинг органлари ҳисобланади. Фуқаролар икки ярим йил муддатга раис /оқсоқол/ ва унинг маслаҳатчиларини сайлайдилар. Ўзини-ўзи бошқаришнинг бундай шакли шаҳардаги маҳаллалар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда ҳам амалга оширилади /105-модда/⁹¹.

Бизнинг Конституциямизда биринчи марта Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятига доир махсус боб пайдо бўлди. Қонуний ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш манфаатларига асосланиб, Конституцияда прокуратура идораларининг мақоми ва ташкилий асосларига алоҳида эътибор берилган. Прокуратуранинг ягона марказлашган тизими республика Бош прокурори томонидан бошқарилади /119-120-моддалар/⁹².

Ўзбекистон Республикасининг молия ва кредитлари, мудофаа ва хавфсизлиги тўғрисидаги қоидаларнинг биринчи марта акс эттирилганлиги Конституцияда бизга тамойилга айланмаган бутунлай янги ҳодисадир.

Конституциянинг барқарорлигини ва узоқ муддат амал қилишни таъминлаш мақсадида Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Шундай қилиб, суверен Ўзбекистоннинг Конституцияси инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг демократик ҳужжати, инсонпарвар, ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг стратегик дастуридир. У улкан, сиёсий, юридик ва халқаро аҳамиятга эга ҳужжатдир.

Бугунги кунда Конституция жамиятимизга халқ манфаатлари йўлида ислоҳотларни давом эттириш учун шарт-шароит яратишга ҳуқуқий асослар яратди. У инсон ҳуқуқларини, барқарорликни ва ҳар бир оиланинг муносиб ҳаёт кечиришни, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига ишончли истиқболни белгилаб бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996 йил, 2-жилд, 92-бет.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура Т., «Ўзбекистон», 1996 йил, 1-жилд, 49-бет.
3. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996 йил, 2-жилд, 283—284-бетлар.
4. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли, «Ўзбекистон», Т., 1992, 3-бет.
5. «Правда» газетаси, 1990, 25 май.
6. «Правда» газетаси, 1990, 28 июль.
7. Уша газета, 1990, 2 сентябрь.
8. «Известия» газетаси, 1990, 7 август
9. Уша газета
10. Уша газета
11. «Известия» газетаси, 1990, 19 октябрь.
12. Акрамов З., Ш. Ишмухамедов. Ўзбекистан на пути к рынку, «Ўзбекистан», 1993, с. 54.
13. Ўзбекистон Олий Мажлиси, Иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси жорий архиви, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепцияси, 1990, 2-бет
14. Акрамов З., Ш. Ишмухамедов. Ўзбекистан на пути к рынку, «Ўзбекистан», Т., 1993, с.91.
15. Ўзбекистон Олий Мажлиси Иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида сақланаётган 5-папка. Ўзбекистон Олий Кенгаши IV сессияси қарори, 1990, 5-бет.
16. Уша жойда, 6-бет.
17. Ўзбекистон ССРнинг Иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепцияси, Т., 1990, 6-бет.
18. Уша жойда, 7-бет.
19. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Ахборотномаси, Т., 22—24 (1173)-сон, 1990, 7-бет.

20. Уша Ахборотнома, Т., 1991, 4 (1180)-сон, 4-бет.
21. Уша Ахборотнома, Т., 1991, 5 (1181)-сон, 7-8-бетлар.
22. Уша Ахборотнома, Т., 1991, 4 (1180)-сон, 25-бет.
23. Ўзбекистон Олий Советининг Мажлислари, Стеногр. ҳисобот, Т., 1990, 26-бет.
24. Уша жойда, 27-бет.
25. Уша жойда, 28-бет.
26. Уша жойда, 189-бет.
27. «Ўзбекистон Коммунисти», 1989, 11-сон, 17-бет.
28. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990, 24 март.
29. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Мажлислари. Стен. ҳисобот. 1989, 20-бет.
30. Уша жойда, 83-бет.
31. Уша жойда, 132-бет.
32. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990, 24 март.
33. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислари. XII қақирқ I сессия. Стен. ҳисобот, 1992, 35-бет.
34. Уша жойда.
35. Ўзбекистон Олий Кенгаши иккинчи сессияси мажлислари. Стен. ҳисобот, 1992, 229-бет.
36. Уша жойда, 211-бет.
37. Уша жойда, 218-бет.
38. ЎзССР Олий Кенгаши Ахборотномаси, 8 (1184)-сон, Т., 1991, 20-бет.
39. Уша жойда.
40. «Инсон ва сиёсат» журнали, 1991, 6-сон, 11-бет.
41. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1991, 1 сентябрь.
42. «Правда» газетаси, 1990, 11 август.
43. Уша газета.
44. Юсупов Э., Ҳидоятлов Г. Мардона қарор, келажакка дадил қадам керак. «Инсон ва сиёсат» журнали, 1991, 6-сон, 20-бет.
45. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1991, 30 август.
46. Ўзбекистон Президенти, ЎзКП МКнинг биринчи секретари И.А.Каримовнинг республика аҳолисига мурожаати, «Совет Ўзбекистони» газета си, 1991 йил, 21 август.
47. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1991 йил, 30 август.
48. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг нашри. Хабарнома, 1992 йил, 3-сон, 9-бет.
49. Ўзбекистон Республикаси Президенти идораси Хабарномаси. Т., 1992 йил, 3-сон, 3-бет.
50. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 11-сон (1187), Т., 1991 йил, 48-бет.
51. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони Хабарномаси, Т., 1992 йил, 3-сон, 11-бет.
52. «Ўзбекистонда Мустақил давлатининг тугилиши», Т., «Ўзбекистон», Тошкент ш., 1992 й., 11-бет.
53. «Ўзбекистон мустақил давлатнинг тугилиши», Т., «Ўзбекистон», 1992 й., 66-бет.

54. Каримов. И. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 4-бет.
55. Каримов. И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули, Т., «Ўзбекистон», 1992, 10-бет.
56. Пресс-бюллетень аппарата Президента, 1992, 5-сон, 6-бет.
57. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули, Т., «Ўзбекистон», 1992, 10-бет.
58. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Т., «Ўзбекистон», 1996, 12-бет.
59. Уша жойда, 15-бет.
60. Левитин Л., Карлайл Д. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти, Т., «Ўзбекистон», 1996, 56-бет.
61. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули, Т., «Ўзбекистон», 1992, 16-бет.
62. Каримов И. Биздан озод ва обод ватан қолсин, Т., «Ўзбекистон», 1994, 28-бет.
63. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида, Т., «Ўзбекистон», 1995, 14-бет.
64. Левитин Л., Карлайл Д. Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти, Т., «Ўзбекистон», 1996, 34-бет.
65. Уша жойда, 47-бет.
66. Каримов И. А. Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1993 йил, 6 май VII сессиясида сўзланган нутқ. Ўзбекистон Президенти девони. Хабарнома, 1993, 10-сон, 10-бет.
67. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992, 9-сон, 326 ва 327-моддалари.
68. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ. Т., «Ўзбекистон», 1995, 11-бет.
69. Уразаев Ш. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси қандай тайёрланди?, «Халқ сўзи» газетаси, 1992, 26 декабрь.
70. Каримов И. А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Т., «Ўзбекистон», 1992, 36-бет.
71. Уша жойда, 37-бет.
72. Каримов И. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. Т., «Шарқ», 1993, 7-бет.
73. Уразаев Ш. З. Конституция независимого Узбекистана. Т., 1993, 28-бет.
74. Каримов И. А. Ўзбекистон — келажаги буюк давлат, Т. «Ўзбекистон», 1992, 44-бет.
75. «Халқ сўзи» газетаси, 1993, 9 декабрь.
- 76-77. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон», Т., 1992, 9-бет.
- 78-79. Уша жойда, 10-бет.
- 80-81. Уша жойда, 10-бет.
- 82-83. Уша жойда, 11-бет.
- 84-85. Уша жойда, 30-бет.
- 86-87-88. Уша жойда, 36, 40-бет.
- 89-90-91-92. Уша жойда, 12, 35, 36, 41-бетлар.

Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотлар

**1-§. ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ДАВЛАТ ВАКИЛЛИК ОРГАНИ —
ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

Ўзбекистон тарихида биринчи марта бутунлай янги шароитларда сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар кенг қамровли янгилашишлар амалга оширилиши йирик тарихий ва ижтимоий ҳодиса. Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар бу ишларнинг энг муҳими ҳисобланади.

90-йиллар бошига келиб ёш мустақил давлатлардаги сиёсий вазият шундай эдики, улар олдида ижтимоий ривожланишнинг икки йўли турар эди. Биринчиси, халқ хўжалигини аввалгидек социалистик йўналишда ривожлантириш. Иккинчиси, тараққиётнинг социалистик ҳам, капиталистик ҳам эмас, балки жаҳон амалиёти синовидан ўтган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли, демократик жамият қуриш йўлидан бориш эди.

Маълум бўлдики, тузумнинг социалистик тараққиёт йўли совет жамияти мисолида мутлақо ўзини оқламади. У маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган бўлиб халқнинг ижодий, эркин меҳнатига қулай шароит яратмас эди. Иккинчиси эса ривожланган мамлакатлар синовида бардош берган, халқ турмушини яхшилашга қаратилган йўл эди. Ўзбекистон шунини танлади, шу йўлнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган ислоҳотларни амалга оширишга дадиллик билан киришди. Шу тариқа Ўзбекистон мустақил, ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлига кирди, бозор иқтисодиётига ўтиш, халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириш йўлини тутди. Президент И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида: «Янгилашган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши нисонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак», — деб кўрсатган эди. Айни чоғда сиёсий соҳада бу: «...Қонуни чикарувчи, юкро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш, жамиятнинг сиёсий тизимини давлат идораларининг тузилишини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва нисонпарвар қонунчиликни вужудга келтириши мумкин»¹ — деб таъ-

қидлаган эди. Ана шу йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар асосида мамлакатда муҳим ишлар амалга оширилди.

1990 йил 18 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги янги таркиби сайланди. У ўз фаолиятини бошлаган пайтда собиқ шўро тузумининг қонунлари амалда эди. Мустақил Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёти дастлаб ана шу қонунлар доирасида бошланди. Аини пайтда Олий Кенгаш Ўзбекистоннинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган янги қонунчилик тизимини вужудга келтириш йўлидан борди ва уни қадамбақадам шакллантира бошлади. 1990 — 1994 йилларда Олий Кенгаш 200 га яқин қонун, 500 дан зиёд² қарор қабул қилди, мамлакатимиз тарихида биринчи бор мамлакат Президентини сайлади, Мустақиллик Декларациясини қабул қилди, Олий Кенгашнинг Ўзбекистон Мустақиллиги ҳақидаги тарихий қонунларни, хусусан, Асосий қонун — Конституцияни қабул қилганлиги ҳам юртимиз тарихидаги улкан ҳодисалар ҳисобланади.

Олий Кенгаш шу ва шу каби бошқа қонун ҳужжатлари билан мамлакатда сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг кенг имкониятлари, аниқроғи, ҳуқуқий асосини яратиб берди.

Ижтимоий тараққиёт, мамлакатнинг ўзига хос ривожланиш йўлидан қатъий бориши, аввало, Ўзбекистонда Олий давлат ҳокимиятларини ташкил этишнинг янгича тамойилларини ишлаб чиқишни тақозо этарди. Маълумки, янги Конституциянинг V бўлими давлат ҳокимиятини ташкил қилиш тамойилларини ўз ичига олади. Шу бўлимнинг XVIII боби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантиришга бағишланган ва унинг 76-моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади»³. — деб мустаҳкамланди.

Ўзбекистонда Конституция талаблари асосида изчил равишда сиёсий ислоҳотлар амалга оширилди экан. 1993 йил 28 декабрида бўлиб ўтган мамлакат Олий Кенгашининг XIV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида» 1994 йил 22 сентябрда бўлиб ўтган XVI сессияда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида» қонун қабул қилинди. Булар демократик тамойилларга асосланган ҳокимият бўлинишининг энг халқчил ва замонавий шакллари ҳисобланади. Аини пайтда бу соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш зарурати борлигини ҳам кўрсатади.

Биринчидан, шу вақтга қадар Ўзбекистонда собиқ иттифоқ даврида қабул қилинган айрим қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳамон амалда эди, улардан бутунлай воз кечиш вақти етган. Чунки, мазмун ва моҳияти янгиланаётган давлат ва жамият учун мутлақо мос келмас ва ҳатто, янги жамият олдида турган туб мақсадларни амалга оширишга монелик қилар эди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ўз олдига адолатли ҳуқуқий демократик давлат қуриш, тараққиётнинг бозор иқтисодиётига

асосланган йўлидан бориш ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифасини мақсад қилиб қўйган эди. Бу борада ривожланган мамлакатлар, шунингдек, миллий озодлик ҳаракатлари орқали мустақилликка эришган ва тараққиёт йўлига кирган бошқа қатор давлатлар қонунчилик тажрибасидан фойдаланиш лозим эди.

Учинчидан, мустақил тараққиёт йўлида вужудга келаётган миллий-давлатчилик тизими ҳар қандай мафкуравий таъсирдан холи, халқнинг ўзига хос тарихий, ахлоқий-маънавий ва руҳий қадриятларига мос бўлмоғи лозим эди.

Бундай вазифани Конституцияда белгиланганидек, қонун чиқарувчи вакиллик ҳокимияти — Олий Мажлис уддаламоғи керак эди. Шунинг учун ҳам Олий Кенгаш XVI сессиясидан (1994 йил, сентябрь) сўнг Ўзбекистонда янги қонун чиқарувчи орган Олий Мажлисни шакллантириш учун амалий чоралар кўрила бошлади. Сессия қарорига мувофиқ 1994 йил 25 декабрида Олий Мажлисга, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар белгиланди.

Сайлов компаниясини муваффақиятли ўтказиш учун зарур шароитлар яратилди. Ўзбекистонда сайлов компанияси қонунчиликка қатъий риоя қилинган, ижтимоий барқарорлик ва осойишталик тўла сақланган ҳолда олиб борилди. Биргина мисол 1994 йил 14—15 ноябрида Тошкентда Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раисларининг уч кунлик семинари бўлиб ўтди. Семинар-кенгаш мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э.Х.Халилов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.Мардиев, Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ.Аҳмедов ва бошқаларнинг маърузалари бўлажак сайловларга алоҳида эътибор берилгани у мамлакат ҳаётида ҳам, фуқаролар ҳаётида ҳам улкан аҳамиятга молик янгиланишлар юз бераётганининг далили экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Э.Халилов, мамлакатда сайлов тизимини ислоҳ қилиш — демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги муҳим қадам мавзусида маъруза қилар экан, «Парламент сайланиши билан Ўзбекистон тарихида янги давр бошланади. Халқимиз Олий Мажлисдан иқтисодийтни тезроқ барқарорлаштиришга, тadbиркорлик эркинлигига, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига, жаҳон майдонида мустақил Ўзбекистон мавқеи юксалишига хизмат қиладиган қонунлар қабул қилинишини кутади»⁴, — деб таъкидлади.

Ўзбекистонда рўй бераётган демократик ўзгаришлар, хусусан кўп партиялиликка асосланган сайлов компанияси жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шу боис юқорида тилга олинган семинар-кенгашда Бирлашган Миллатлар Ташқилотининг Ўзбекистондаги вакили Халид Малик, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Ли Кларк,

Россия элчиси Ф.Ф.Сидорский, Туркия элчиси Эрдуган Айтун ва бошқалар иштирок этиб, сайловга тааллуқли қимматли тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Жумладан, Холид Малик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Оқруғ сайлов комиссиялари раислари билан семинар-кенгаш ишида учрашиш ўзи учун юқори мартаба эканини таъкидлади. У семинар-кенгашни тарихий сана — сайловлар олдида Ўзбекистонда демократик жамият барпо қилиш йўлида олдинга босилган қадам бўлади, деб баҳолади.

Сайловларни қонун талаблари асосида ўтказиш учун мамлакат бўйича 250 округ ва 7192 участка сайлов комиссияси тузилди. Улар таркибига меҳнат жамоаларида обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган, партиясиз бўлган муносиб кишилар киритилди. Сайловни кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказишни таъминлаш учун Қонунда белгиланган муддатларда тadbирлар белгиланди. 139 сайлов округида учтадан, 106 сайлов округида иккитадан номзод овозга қўйилди. Сайловда рўйхатга олинган 17 миллион 248 минг 464 сайловчининг 93,6 фоизи, яъни 10 миллион 526 минг 654 киши ўз конституцион ҳуқуқидан фойдаланди.

Вакиллик ҳокимияти органлари томонидан Олий Мажлис депутатларига 2 минг 850 номзод ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳри кенгашларининг, Қорақалпоғистон Жўқарги Кенгесининг депутатлигига салкам 2 минг номзод кўрсатилди.

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари шаҳар ва туман кенгашлари депутатлигига салкам 6 минг⁵, сиёсий партиялардан депутатликка жами 6 минг 110⁶, жумладан, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Халқ демократик партиясидан 247, «Ватан тараққиёти» партиясидан 146, ҳокимиятнинг вакиллик органларидан 250 номзод кўрсатилди⁷. Ҳамма жойда сайловлар қонун талабларига мувофиқ умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилди. 1994 йил 25 декабрида, 1995 йил 8 ҳамда 25 январда бўлиб ўтган сайловларда сайловчилар халқнинг муносиб фарзандлари учун яқдиллик билан овоз бердилар. Бу Олий Мажлис — янги Парламентни демократик йўл билан шакллантиришнинг мамлакатимиз тарихидаги илк тажрибаси бўлди.

1995 йил 23 февралда ўз ишини бошлаган янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Сессияда И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истикболининг асосий тамойиллари» тўғрисида кенг қамровли маъруза қилди.

«Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Ўзбекистон Парламенти — Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди»⁸, — деди Президент. Сессияда парламентчилик-

нинг демократик асосларини янада ривожлантиришга эътибор берилиб, раҳбарият кенгайтирилиб Раис ва тўрт кишидан иборат Раис ўринбосарлари сайланди. Э.Х.Халилов яқдиллик билан Олий Мажлис раиси, Б.И.Бугров, Б.А.Шодиева, А.Қ.Қосимовлар ҳам бир овоздан Раис ўринбосарлари қилиб сайландилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси вакили — Қорақалпоғистон Жўқарғи Кенгеси Раиси У.Аширбеков ҳам яқдиллик билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари қилиб сайланди» Қонунларни ишлаб чиқишнинг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Мандат Комиссияси ва 12 кўмита ташкил этилди.

Кўппартиялилик тамойили асосида ташкил топганлиги ва шу тамойил асосида фаолият кўрсатаётганлиги Олий Мажлиснинг жамият тараққиёти кейинги босқичидаги ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Биринчи сессияда Ўзбекистон парламенти ҳокимият вакиллик органларидан сайланган 120 кишидан иборат депутатлар блокини, 69 депутатдан таркиб топган Халқ демократик партияси фракциясини, 47 депутатни уюштирган «Адолат» социал-демократик партияси фракциясини, 14 депутат иштирокидаги «Ватан тараққиёти» партияси фракциясини рўйхатга олди.

Кўп партиялиликни қарор топтирар экан, Олий Мажлис парламентда барча масалалар турли блок ва фракцияларнинг ғоялари ҳамда фикрларини таққослаб кўриш негизида ҳал этилажати, сиёсий жиҳатдан ўзаро муросага келиб ишлаш эса тамойил бўлажати асосланди.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти жорий этилди.

«Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонун, Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги Низом ҳамда парламентнинг регламентига мувофиқ парламент ишини ташкил этиш учун Олий Мажлис Раиси раҳбарлигида Олий Мажлис Кенгаши тузилиб, унинг таркибига Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, кўмиталарнинг раислари, мандат комиссияси раиси, парламентдаги депутатлар блоки ва фракцияларнинг раҳбарлари кирди.

Олий Мажлис фаолиятини замон талаблари асосида ташкил қилишга йўналтирилган мана шу тадбирларнинг барчаси парламент ишини янада режали, ташкилий жиҳатдан пухта уюштириш имконини беради. Шунингдек, сессияларнинг кун тартибини Олий Мажлис Кенгаши мажлисларида олдиндан муҳокама қилиш, сессияларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳлари ташкил этиш тажрибаси кўмиталар ва комиссиялар фаолиятини янада аниқроқ уй-

ғунлаштириш ҳам қонунларни ишлаб чиқиш ишининг сифатини оширишга хизмат қилди.

Қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида амалда қўмиталарнинг бутун таркиби иштирок этади. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, уларга олимлар ва мутахассисларни кенгроқ жалб этиш халқаро тажрибаси ҳам қўлланмоқда.

Ўтган давр шуни кўрсатдики, Олий Мажлис қабул қилаётган қонунлар сифатини оширишда уларнинг лойиҳаларини олдиндан матбуотда чоп этиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш ижобий самара берди. Қонунлар лойиҳаларини депутатларга олдиндан юбориш тартиби жорий қилинди ҳамда уларнинг таклифлари ва фикр-мулоҳазалари ҳар бир қонунни узил-кесил ишлаб чиқиш чоғида албатта эътиборга олинадиган бўлди. Қонунлар лойиҳаларини назарий ва амалий жиҳатдан янада тeранроқ, пухтароқ ишлаб чиқиш мақсадида улар тегишли вазирликлар ва идоралар, концертлар, уюшмалар ва меҳнат жамоаларига юбориладиган бўлди. Халқаро ташкилотларнинг экспертизасидан ўтказиш йўлга қўйилди.

Сессия муҳокамасига киритиладиган барча қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Раиси ва унинг ўринбосарлари ҳузурида тегишли қўмиталар, Котибият бўлимлар раҳбарлари, ишчи гуруҳларининг аъзолари ва экспертлар иштирокида олдиндан синчковлик билан пухта ва атрофлича муҳокама этиш қонунчилик ишидаги мақбул жиҳат эканлигини кўрсатди. Ишнинг бу тарзда йўлга қўйилиши қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифатига ижобий таъсир эта бошлади.

Ана шундай тадбирлар натижасида Ўзбекистонни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги босқичига, юз бераётган янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари воқелигига, мамлакатни янада тараққий эттиришнинг барча ички ва ташқи вазифаларига монанд қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда депутатларнинг фаоллиги ва масъулияти кучайди.

Сессиялар ишида Ўзбекистон Президентининг бевосита иштироки, унинг қонунларни ишлаб чиқиш жараёнини янада такомиллаштиришга муттасил эътибор бериши Ўзбекистон парламенти фаолиятининг кўнгилдагидек бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумки, Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ биринчи сессиясида И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзусида кенг қамровли маъруза қилиб, унда республика босиб ўтган ўзгаришлар йўлини ҳар томонлама таҳлил этди ва «Ўзбекистон янги аср бошида» деган узоқ муддатга мўлжалланган Дастурни ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. Бундай Дастурнинг йўналишлари асослаб берилди. Президент кейинги сессиялардаги нутқларида жамият ривожига доир муҳим қондаларни янада чуқурлаштирди ва аниқлаштирди, янги маз-

мун билан бойитди. Жумладан, у Олий Мажлиснинг VI сессиясида «Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» мавзuida нутқ сўзлар экан: «Демократлаштириш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар ўтказиш жараёни узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини аниқ билиб олишимиз керак... Бутунги кунда гап, энг аввало, сиёсий ислохотларни чуқурлаштиришнинг вазифалари ва Дастури тўғрисида бориши керак»¹⁰, — деб таъкидлади. Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг навбатдаги вазифаси — қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ ҳолатга келтириш, деб ўқиди.

Ана шу кўрсатмалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг ҳамма органлари томонидан катта-катта чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан Олий Мажлис Кенгаши «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996—1999 йилларга мўлжалланган фаолият дастури» ва республика парламенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бунда белгиланган чора-тадбирлар Олий Мажлис фаолиятининг барча асосий йўналишларини қамраб олишга, қонунчиликни янги поғонага кўтаришга қаратилган.

Ўзбекистон парламентининг биринчи сессиясида таъсис этилган Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил институтининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига сўзсиз риоя этилишини, бу меъёрлар муқаррар амалга оширилишини таъминлашдан иборат қилиб кўрсатилди.

Вакил ҳузурида тузилган махсус комиссия, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий Марказ Президент нутқида айтиб ўтилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини, юксак ваколатларга эга бўлган яхлит тизимини вужудга келтиради. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти ҳозирга қадар халқаро амалиётни ўрганиш асосида ишлаб чиқилиб, — Олий Мажлис Кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият олиб бормоқда. Парламентнинг еттинчи сессиясида биринчи ўқишда киритилган ва маъқулланган «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси — Олий Мажлиснинг фаолият Дастурида мўлжалланган гоят муҳим ҳужжатлардан бири. У мамлакатда инсоннинг сиёсий, иқтисодий, экологик, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари пухта ҳимоя қилинишини таъминлайдиган институтнинг қонуний асосини шакллантиришга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг миллий тараққиёти ва унинг ривожланиш стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш Олий Мажлистан бу жараёни зарур қонунлар билан таъминлашни талаб этади. Шунга кўра Дастурда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар меъёрий ривож топишини, марказлаштирилган бошқарувга

аста-секин барҳам берилишини, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнда ва давлат ишларида бевосита қатнашишини таъминловчи қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси кўйилди.

Олий Мажлис ўзининг икки йилдан ортиқ фаолияти давомида еттига сессия ўтказди. Уларда 70 га яқин қонун ва 100 дан ортиқ қарор қабул қилди. Булар, шубҳасиз, жамиятимиз олдида турган вазифаларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда муҳим қадамлар бўлди. Умуман, қонунларни ишлаб чиқиш бевосита иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизини такомиллаштириш ва бозор муносабатларига ўтишни жадаллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, жамиятни маънавий янгилаш, миллий давлатчиликни мустақкамлашга қаратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 2000 йилга қадар узайтириш тўғрисида референдум ўтказиш юзасидан 1995 йил 23 февралда қабул қилинган қарор ва депутатларнинг референдумга тайёргарлик кўришдаги фаол иштироки мамлакатимиздаги барча ижтимоий кучларни жипслаштиришда алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур қарор меҳнат жамоалари ва аҳолининг истиқомат жойларида ўтказилган, олти миллиондан ортиқ фуқаро иштирок этган 22 мингдан ортиқ йиғилишда қизгин қўллаб-қувватланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Кейинги йилларда суд органлари тизимини янада такомиллаштириш масалалари ҳам парламентнинг доимий диққат марказида турибди. Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиб, Конституциявий суд Олий ва Олий ҳўжалик суди таркибларини сайлаб, республикада мустақкам суд тизимини вужудга келтириш жараёнини асосан ниҳоясига етказди.

Парламент мамлакатнинг давлат ва миллий хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга ҳам доимий эътибор бериб келмоқда. Шу маънода 1995 йили қабул қилинган ҳарбий доктрина давлатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини яна бир бор намоён этди. У Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ва жаҳон майдонидаги мавқеини оширди. Олий Мажлиснинг 1996 йил апрель ойида V сессияда «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунни қабул қилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди. Олий Мажлиснинг VII сессияси (1996 йил декабри)да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонун мамлакатимизнинг тинчликсевар бета-раф сиёсатини белгиловчи, Халқаро аҳамиятга молик бўлган муҳим ҳужжат ҳисобланади. У Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида мамлакатимиз тутаётган мустақил, одил йўлнинг ифодаси сифатида жаҳон афкор оммаси орасида катта эътироф этилди.

Олий мажлис томонидан Меҳнат кодекси (1995) ва Фуқаролик кодекси (1996) биринчи ва иккинчи қисмларининг қабул

қилиниши. Уни 1997 йил 1 мартдан кучга кириш ҳақида Олий Мажлис қарори қабул қилиниши — Ўзбекистоннинг демократия йўлидан янада олға бориши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қафолатлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда муҳим омил. Бу кодекслар — кишилар учун ҳаётий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган меҳнатга, мол-мулкка доир ва бошқа муаммоларнинг кенг доирасини қамраб олувчи мураккаб, кўп қиррали, жамлама қонун ҳужжатлар ҳисобланади. Бу Кодексларнинг марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари туради. Олий Мажлис қабул қилган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам шу мақсадга йўналтирилган.

Мазкур қонунларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ҳамда ишлаб чиқаришдаги кўп қиррали муносабатларда инсоннинг устуворлиги ҳуқуқ амалиётига сингдирилган. Қонунлар ҳокимиятнинг барча институтлари инсонни ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва қафолатлашдан иборат асосий мақсадга бўйсунishi тезисини амалда рўёбга чиқармоқда. Кўппартиявийлик жамиятимиз ҳаётида, парламентчиликнинг демократик асосларини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутаети.

Шу сабабли сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни тайёрланиб, Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 декабрида бўлган VII сессиясида қабул қилинди. Қонун жамиятимизда фаолият кўрсатаётган ҳамда келажакда тузилиши мумкин бўлган сиёсий партияларнинг ўрнини белгилаб, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиланаётган жамиятда тутган мавқеи, вазифалари ва ҳуқуқларини қафолатлайди.

Олий Мажлис томонидан «Кичик ва хусусий тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги (1995, декабрь), «Концессиялар тўғрисида» (1995, декабрь), «Эркин иқтисодий зоналар» (1996, апрель) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш йўлидаги жиддий тadbир бўлди. Мазкур ҳужжат, шунингдек, Олий Мажлиснинг «Айрим қорхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»ги қарори хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш кўламлигини кенгайттирди, бу жараёнга амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларига қарашли ўрта ва йирик қорхоналарни ҳам киритишни тезлаштирди, монопол ишлаб чиқариш ва ҳўжалик тузумларини майдалаштириш учун рақобатли бозор муҳитини яратиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни вужудга келтирди. Шу мақсадда «Мулк тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари ва чет эл-

лик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларга ўзгартиришлар киритилди. Умуман, масалга кенгроқ қараб шуни айтиш мумкинки, кейинги пайтда қабул қилинган қонунлар республика тақдири учун ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишга, шу жумладан, ўрта мулкдорларнинг кўп сонли қатламини вужудга келтиришга қаратилди.

Пул-кредит тизимини, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, пулнинг қадрсиланишини камайтириш, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш ва умуман олганда, иқтисодиётни юксалтириш учун энг муҳим шарт-шароитлар яратиш ҳамда аҳолининг барча қатламлари турмуш даражасини ошириш мақсадида Олий Мажлис томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Ўзгаришларнинг асоси қишлоқдаги ислоҳотларга ҳал қилувчи даражада боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, парламент «Ер тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиришлар киритди, «Ўсимликларнинг карантини тўғрисида»ги ва «Наслчилик тўғрисида»ги янги қонунларни қабул қилди.

Олий Мажлис кўмитаси Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорликда амалдаги қонун ҳужжатларини ижтимоий ривожланиш воқелигига ва иқтисодий ислоҳотларнинг эҳтиёжларига мувофиқлаштириш борасида аниқ мақсадга қаратилган катта ишларни амалга оширди.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жамиятнинг маънавий ва маданий ривожсиз тасаввур этиб бўлмайди. Буюк аждодлардан бизга асрлар оша етиб келган бебаҳо маънавий ахлоқий қадриятлар табиийки, маънавий меросни авайлаб-асраш, уни янада кўпайтириб, миллий ва умуминсоний маданиятнинг янги ютуқлари билан бойитишни тақозо этади.

Олий Мажлис «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритди, «Давлат тили ҳақида»ги қонунни (1995, декабрь) янги тарихда қабул қилди. Тил амалиётидаги мавжуд жараёнлар ва имкониятларни ҳисобга олиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини босқичма-босқич жорий этишни 2005 йилга бориб узил-кесил якунлашга қарор қилинди. Қонуннинг янги қоидалари давлат тилининг мақомини шак-шубҳасиз мустаҳкамлашга, республиканинг жаҳон коммуникация тизимига киришига, мамлакатнинг барча фуқаролари ўзбек тилини янада чуқур, пухта тайёргарлик кўрган ҳолда, аста-секин ва осойишталик билан эгаллаб олишларини таъминлашга, айни чоғда Ўзбекистонда ғуж бўлиб яшаётган бошқа миллатларнинг ўз тилларидан эркин фойдаланишига ҳам қаратилгандир.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг дастлабки одимлардан бошлабоқ ўз эшиклари бутун дунё учун очқлигини, жаҳон хўжалик муносабатларига тенг ҳуқуқли шерик сифатида кириш истагини, халқаро қатъият ва қоидаларни рўёбга чиқариш йўлидаги амалий ҳаракатларни кучайтиришини эълон қилди. 1995 йили парламент ўн саккиз шартнома ва битимни ратификация қилди. Ўзбекистоннинг йигирма беш конвенцияга қўшилиши ҳақидаги қарорлар қабул қилинди, «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонун чиқди. У мамлакатимизнинг халқаро шартномаларни тузиш, бажариш, бекор қилиш, тўхтатиб қўйиш ҳамда денонсация қилиш тартибини белгилайди.

Республика парламентининг фаолияти жаҳон ҳамжамиятида борган сари кенг қизиқиш уйғотмоқда. Олий Мажлис сессияларида дипломатия корпусларининг халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет эл ахборот воситаларининг Ўзбекистонда аккредитация қилинган журналистлари ҳозир бўлмоқдалар.

Кўриб чиқилаётган даврда Олий мажлисининг халқаро парламент ташкилотлари билан алоқалари кенгайди ва чуқурлашди. Ўзбекистон Миллий парламент гуруҳи тузилди, республиканинг Парламентлараро Иттифоқдаги, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Парламент Ассамблеясидаги ва Европарламент билан алоқалар бўйича парламент гуруҳларининг раҳбарлари тасдиқланди. Олий Мажлис ҳайъатлари Парламентлараро Иттифоқ 93- ва 94-конференцияларида иштирок этди.

Олий Мажлис Котибияти ва унинг бўлимлари иши Олий Мажлиснинг кенгаши, кўмиталари, комиссиялари фаолиятининг самарадорлигини оширишга, парламент сессияларини пухта ва ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишга муайян даражада хизмат қилди. Улар кўмиталар билан ҳамкорликда, олимлар, амалиётчиларни, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг экспертларини жалб қилиб, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва олдиндан ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Депутатларнинг кўмиталари, комиссиялари ва ишчи гуруҳларини зарур шарт-шароит, ахборот-маълумотнома тўғрисидаги материаллар билан таъминлашга ҳам катта эътибор берилаётир. Ҳар бир депутатга ҳужжатларни олдиндан, чуқур, шоммасдан ўрганиб чиқиш, ҳар бир моддани таҳлил этиш, малакали мутахассислардан маслаҳат олиш учун имкониятлар яратиб бериш чора-тадбирлари кўрилди.

Ходимларнинг билимлари кўламини кенгайтириш, парламент фаолияти юзасидан тажриба алмашиш юзасидан амалий чора-тадбирлар амалга оширилди. К.Аденауэр номли халқаро жамғарма билан ҳамкорликда парламент фаолиятининг долзарб муаммолари юзасидан туркум семинарлар дастури ишлаб чиқилди. «Олий Мажлис — мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига кириши даврида» мавзuida 1995 йил ноябрь ойида

амалий конференция ўтказилди. Парламент аъзолари учун шундай семинар ва конференциялар жаҳон банки билан ҳамкорликда ҳам ташкил қилинди.

Фуқароларнинг сўровларини кўриб чиқиш ҳамда фуқаролар қабулини ташкил этиш масалалари ҳам парламент ишида муҳим ўрин тутди. Биргина 1995 йилнинг ўзида Олий Мажлис раҳбарлари, кўмиталар раислари ва Котибият ходимлари томонидан икки ярим мингдан ортиқ фуқаро қабул қилинди. Олий Мажлис номига келган қарийб икки минг хат, ариза ва мурожаат кўриб чиқилди. Улар Олий Мажлис раҳбарлигида, кўмиталар ва Котибиятда ҳар тамонлама таҳлил этилди, таклиф ва мулоҳазалар норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳисобга олинди. Фуқаролар томонидан қўйилган асосли масалаларнинг аксарият қисми ижобий ҳал қилинди.

Шу тариқа, демократик йўл билан сайланган Олий Мажлис — янги парламент ўз фаолиятининг икки йили мобайнида қонун ишлаб чиқиш ва назорат қилиш фаолиятини изчиллик билан такомиллаштирди, ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларининг Ўзбекистон демократик ислоҳотлар йўлидан янада дадил олга боришида ўзаро ижобий ҳамкорлик олиб боришларига яқиндан фаол кўмаклашди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шу давр мобайнида ўз фаолияти давомида мазмун моҳияти билан аввалги Олий Кенгашдан бутунлай фарқ қилувчи олий вакиллик давлат органига айланиб борди. **Биринчи фарқ шундаки**, аввал кўрганимиздек, Олий Мажлисга сайлов кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Ҳар бир сайлов округида 2—3 номзод депутатлик учун курашди. Сайловчиларга амалда ана шу номзодлардан танлаб олиш ҳуқуқи берилди. Шундай кўппартиявийлик тамойили Олий Мажлис ишида ҳам жорий этилди.

Иккинчидан, Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловларни ташкил қилишда синфий ёндашув нодемократик тамойил сифатида рад этилди.

Аввалги сайловларда Олий Кенгашни шакллантириш жараёнида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёдиларининг ўрни ва сони олдиндан белгилаб қўйилар эди. Бунинг устига, Парламентда ва Маҳаллий Кенгашларда вазифаси бўйича албатта депутат бўлувчи ўринлар ҳам мавжуд эди. Кейинги сайловларда бундай ёндашувдан воз кечилди.

Олий Мажлис депутатлари турли партия ва ҳаракатларнинг вакилларидан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланди. Республика фуқаролари сайловларда, энг аввало, номзодларнинг ижтимоий келиб чиқишига эмас, аксинча, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатларига, энг муҳим дастурларининг мазмун-моҳиятига катта эътибор бердилар.

Учинчидан, Парламентнинг кучи депутатларнинг ўз сайловчилари билан кундалик муносабатида, яқин мулоқотида эканлигидан келиб чиқиб, Олий Мажлис сайловчилар билан узвий

алоқада бўлди. Аввалги Парламентда бу масалага унча эътибор берилмаган эди. Ҳаёт шунини кўрсатдики, сайловчилар Олий Мажлисида қандай қонунлар муҳокама қилинаётгани ва қабул этилаётганидан хабардор бўлиб туриши, депутат эса ҳаётнинг энг долзарб, қайноқ нуқталарида аҳоли билан бирга бўлиши керак. Шунинг учун ҳам муҳим давлат аҳамиятига эга масалалар муҳокама қилинаётганда Олий Мажлис депутатлари ўз сайловчилари ҳузурда бўлдилар. Масалан, 1996 йил 25 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши «Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги қарори тўғрисида»ги масалани кўриб, унга ўз муносабатини билдирди ва: «Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартда қабул қилган собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори муҳокамага лойиқ эмас», «Давлатлар устида турувчи ҳар қандай тузилмалар ташкил қилишни назарда тутадиган интеграция жараёни Ўзбекистон учун мақбул бўла олмайди»,— деб қарор қабул қилди.

Мана шундай ўта долзарб ва муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорини сайловчиларга тушунтириш учун ҳар бир депутат ўз округида бўлди, меҳнатқашлар билан учрашди, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Халқнинг Россия давлат Думаси қарорига муносабати шундай бўлдики, Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт йўлидан, доно Президенти И.Каримов раҳнамолигида дадил, собитқадамлик билан бормоқда, унинг мустақиллик йўлидаги ишларига ҳеч ким тўсиқ бўлмаслиги, бирон-бир ташқи ёки бошқа куч халақит бермаслиги керак.

Олий Мажлис фаолиятидаги мана шундай изчиллик, янгилик, шубҳасиз, халқнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш, демократик онгини юксалтириш имконини бера бошлади, ислохотларнинг изчил ва собитқадамлик билан амалга ошишига ҳамда жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қила борди.

Олий Мажлис фаолиятидаги муҳим йўналишлардан бири, яъни Давлат мукофотларини таъсис этиш бўлди. Маълумки, ҳар бир мустақил давлатнинг ўзига хос давлат рамзлари бўлганидек, унинг ўзига мос ҳукумат мукофотлари ҳам бўлиши лозим. Шунинг учун 1995 йил 22 декабрда биринчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 4-сессиясида «Давлат мукофотлари тўғрисида» қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра, республика фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали, давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланадиган бўлдилар. Айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси учун хизмат кўрсатган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин. Давлат мукофотлари Олий Мажлис томонидан таъсис этилади. Мукофотларга доир низомлар ва улар-

нинг тавсифлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Давлат мукофотлари билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти тақдирлайди. Давлат мукофотлари гувоҳномаларининг намуналари, мукофотларга тақдим этиш ва уларни топшириш тартиби ҳам Президент томонидан тасдиқланади.

Бир шахс айни бир орден, медаль ёки Фахрий ёрлик билан, қонда тарикасида, бир марта тақдирланади. Фахрий унвонлар такроран берилмайди.

Шахсларни вафотидан кейин ҳам давлат мукофотлари билан тақдирлаш мумкин. Фуқаролар навбатдаги мукофотга аввал мукофот билан тақдирланган вақтидан кейин камида 3 йил ўтганидан кейин тақдим этиладилар. Фавқулудда ҳолларда фуқаролар аввал тақдирланган вақтидан қатъи назар навбатдаги мукофотга тақдим этилади.

Давлат мукофотларининг нишонларини тақиб юриш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Мукофотлар билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар ҳамда пул мукофотини оладилар. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида Олий даражадаги мукофот сифатида 1995 йил, май ойида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» медали таъсис этилди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» медали суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовга берилди. Шунингдек кейинги йилларда Бўрон Рўзиев, А. Н. Панин, Эркин Алимўхамедов, Муяссар Темирова, Комилжон Мамажонов, Ойша Кўчқорова, Николай Кучерский, Иброҳим Файзуллаев, Содиқжон Абдурасулов, Мирумар Асадов, Парда Зиятов, Қобилжон Обидов, Абдулла Орипов, Жонсаид Турдиев, Анвар Курбонов, Дўстмурод Абдуллаев, Абдували Абдурахимов, Атахон Аламатов, Ғайбулло Рахмонов, Эркин Воҳидов, Мавлуда Исмадова, Мартия Рахматова, Саид Аҳмад (Хусанхўжаев Саид Аҳмад), Улуғбек Умаровлар «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирландилар.

Айни чоқда Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллик кўрсатган фуқаролар «Мустақиллик», «Амир Темур», «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати», I-II даражали «Соглом авлод учун», «Меҳнат шухрати», «Эл-юрт ҳурмати», I-II даражали «Шон-шараф» ва «Дўстлик» орденлари билан, «Жасорат» ва «Шухрат» медаллари билан мукофотланганидан бўлдилар.

Шунингдек мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон ифтихори», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими», «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвонлари ва «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони ҳам таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелидаги қарори билан Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фахрий унвонлари таъсис этилди:

- «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»,
 - «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»,
 - «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»,
 - «Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси»,
 - «Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»,
 - «Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»,
 - «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»,
 - «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»,
 - «Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»,
 - «Ўзбекистон Республикасида коммунал, маиший ва савдо соҳасида хизмат кўрсатган ходим»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган меъмор»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»,
 - «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»,
- Халқ хўжалигининг 22 соҳаси бўйича «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ходим», унвонлари таъсис этилди.
- Фан ва техника соҳасида Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикасининг Алишер Навоий, Абдулла Қодирий ва Камо-

лиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотларининг таъсис этилиши ва берилиши мазкур соҳалар ривожига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътиборнинг яққол намунасидир.

Бундан ташқари 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг адабиёт, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ҳамда жамоатчилик фаолиятидаги ютуқларини муносиб тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги махсус фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлида қабул қилинган «Байрам кунлари ҳақида»ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 21 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексини 131-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрам (дам олиш) кунлари деб белгиланди:

1 январь — Янги йил.

8 март — Халқаро Хотин-қизлар куни.

21 март — Наврўз байрами.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни.

1 сентябрь — Мустақиллик куни.

1 октябрь — Уқитувчилар ва мураббийлар куни.

8 декабрь — Конституция куни.

Рўза Ҳайити (Ийд ал-Фитр) — Диний байрамнинг биринчи куни.

Қурбон Ҳайити (Ийд ал-Адҳа) — Диний байрамнинг биринчи куни.

Кўп партиявийлик негизда 1994 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жамиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиш стратегиясидан келиб чиқиб, демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий базасини изчиллик билан мустақкамлай борди. Олий Мажлиснинг ўтган ўн тўрт сессиясида ўнта кодекс, 130 га яқин қонун, 460 дан ортиқ қарор қабул қилинди, амалдаги деярли барча қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиёти ўрганилди, қонунларга 200 дан ортиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни тезлаштириш тарафдори эканлигини тасдиқлаб, парламент 95 та халқаро битим ва шартномани ратификация қилди, 43 та халқаро конвенцияга қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Жиззах вилоятидаги Ульяновск шаҳрини Даштобод шаҳри деб қайта номлаш, Қарши, Қўқон, Маргилон, Фарғона ва Шахрисабз шаҳарларининг чегарасини кенгайтириш ва тасдиқлаш тўғрисида, Жиззах вилояти таркибида Янгиобод туманини ва Навоий шаҳри таркибида Кармана туманини тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Чақирик мобайнида Кенгашнинг 60 дан ортиқ мажлисини ва кўмиталар ҳамда комиссияларнинг 400 га яқин мажлисини ўтказдилар.

Чақирик мобайнида Олий Мажлиснинг халқаро алоқалари анчагина кенгайди. парламентларда делегацияларининг алмашинуви ўсди. Ўзбекистонга 200 дан ортиқ чет эл делегацияси, шу жумладан Австрия, Бельгия, Болгария, Буюк Британия, Россия, АҚШ, Туркия, Хитой, Швейцария, Япония ва бошқа қатор мамлакатларнинг делегациялари ташриф буюрди.

Ўзбекистон парламентида Германия, Туркия, Латвия, Покистон, Италия, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова ва Болгария давлатларининг бошлиқлари, Литва, Украина, Қозоғистон, Туркия ва Бельгия ҳукуматларининг раҳбарлари, Қирғизистон, Грузия, Латвия, Россия Федерацияси парламентларининг спикерлари, шунингдек Европа, Осиё, Африка ва Америка қитъаларининг 50 дан ортиқ мамлакатларидан таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари қабул қилинди.

Олий Мажлис депутатлари халқаро конференциялар, симпозиумлар ва семинарларда қатнашдилар, Олий Мажлис делегациялари 30 дан ортиқ мамлакат, шу жумладан Германия, Дания, Ҳиндистон, Польша, АҚШ, Франция, Швеция ва бошқа мамлакатларнинг парламентлари иши билан танишдилар.

Чақирик мобайнида парламентда фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан катта иш олиб борилди. Ҳисобот даврида Олий Мажлисга жами 18 мингдан ортиқ ариза ва шикоятлар тушди. Муурожаат этганларнинг аксарияти Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг аҳолисидир. Чақирик мобайнида эълон қилинган ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан 500 тадан 2000 га қадар таклиф келиб тушди ва улар ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқда амалга оширган улкан ишларини яқунлаб, шунини алоҳида қайд этиш лозимки, парламент депутатларининг куч-ғайратлари билан мамлакатда демократик давлатнинг пухта ҳуқуқий асоси яратилди. Жамиятни бошқаришнинг мамлакатда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролик тотувлигини таъминловчи янги тизими ана шу асосда қурилгандир.

1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутатлар сайланди. Сайланган депутатлардан Ўзбекистон Парламентининг янги таркиби шаклланди. Маълумки, Жаҳон миқёсида қарор топган халқаро андозаларга кўра, Парламентда ўрин олиш учун кураш олиб борган сиёсий партиялар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар сайловлардан сўнг мамлакатнинг қонун чиқарувчи олий органида ўз гоёлари ҳамда мақсадларини ифода этувчи ва ёқловчи депутатлик фракцияларини тuzадилар.

2000 йил 11 январ кuni бир қатор сиёсий партиялардан сайланган депутатлар ўз йигилишларини ўтказдилар.

Марказий сайлов комиссияси раиси Н. Комилов бошқариб борган бу йиғилишларда сиёсий партияларнинг Олий Мажлисидаги депутатлик фракцияларини тузиш ва уларнинг раҳбарларини сайлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўн бир кишидан иборат «Адолат» социал-демократик партияси фракциясига депутат Т. Даминов, йиғирма кишидан иборат «Ватан тараққиёти» партияси фракциясига депутат А. Турсунов, ўн кишидан иборат «Миллий тикланиш» партияси фракциясига депутат И. Фафуров, ўттиз тўрт кишидан иборат Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясига депутат Э. Норбўтаев раҳбар этиб сайланди.

2000 йил 11 февраль куни Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессияси бўлиб ўтди. 25—26-май кунлари бўлиб ўтган иккинчи сессияда «Ватан тараққиёти» МД партияси ва фидокорлар партияси фракциялари бирлаштирилиб, фракция раиси этиб А.Турсунов тасдиқланди.

2-§. МИЛЛИЙ ДАВЛАТ ТИЗИМИНИНГ БАРПО ҚИЛИНИШИ, БОШҚАРУВДА ЯНГИ УСУЛЛАРНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ

Инсоният тарихидан маълумки, ҳар қандай жамиятда давлат ва бошқарув, ўша давлат конституциясида кўзда тутилганидек, унинг туб мақсадларига мос бўлиши керак. Бунини Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ижтимоий ҳаёт ҳам тақозо қила бошлади.

1991 йил сентябрь ойидаёқ Президент И. Каримов: «Биз Ўзбекистон давлат миллий сиёсатининг аслида барча йўналишларини ва стратегиясини қамраб олувчи кенг қўламдаги ва истиқболга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқдик ва амалга ошира бошладик. Бу сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бошқаришнинг демократик шаклига, умуминсоний кадриятларига асосланувчи реал мустақил миллий давлатчиликни қарор топтириш», — деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Конституциясининг 89-моддасида шундай қайд қилинади: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади». Шу маънода ижроия ҳокимиятнинг олий идораларида ўтказилган ислохотлар муҳимдир.

Конституцияда кўзда тутилганидек, Ўзбекистон Республикаси ижроия ҳокимияти олий идоралари тизимига республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий ялтитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти лавозими пайдо бўлиши 1985 йил апрелида собиқ Иттифоқда бошланган қайта қуриш жараёнлари билан, айниқса, 1988—89 йиллардаёқ авж олиб кетган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар билан боғлиқ.

Шу йилларда «юқори»нинг кўрсатмаларига ўрганиб қолган марказий ва маҳаллий бошқарув идоралари қайта қуриш жараёнида аввалги маъмурий-буйруқбозлик иш услуби учун қаттиқ танқидга учради, улар янги шароитга мос иш услубини топишга қийналдилар. Натижада давлат ҳокимияти бирмунча кучсизланди. Белгиланган иқтисодий ва ижтимоий режалар тўлиқ бажарилмай қолаверди. Ишлаб чиқаришга давлат раҳбарлиги бўшашиб, халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси тобора пасая борди. Қонунлар ва ҳукумат ҳужжатларининг ижроси устидан назорат камайди. Хуллас, мамлакатда бошбошдоқлик хавфи орта бориб, давлат ҳокимиятини марказда ҳам, жойларда ҳам кучайтиришга жиддий эҳтиёж тугилди. 90-йиллар бошларида иқтисодий қийинчиликлар билан бир қаторда ижтимоий ва миллий муаммолар ҳам кучайди, бошқача қилиб айтганда «марказдан қочирма кучлар» фаоллашди, натижада қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятини бирлаштирувчи, уларнинг жамият учун нафани оширувчи янги институтга эҳтиёж тобора сезила борди»¹¹.

Бу эҳтиёж 1990 йил март ойида СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида атрофлича муҳокама қилинди ва СССР Конституциясига ССР Иттифоқи Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда унинг ваколатларини белгилаш ҳақида муайян ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ушанда баъзиларда ушбу лавозимнинг жорий этилиши якка шахснинг диктатурасини келтириб чиқариши мумкин, деган хавф ва чўчишлар ҳам мавжуд эди. Ҳатто, унга кўр-кўрона қарши чиққанлар ҳам бўлди. Масалан, ўша съездда халқ депутати Ю.Н.Афанасьев «Регионлараро депутатлар группасининг аъзолари президентлик лавозиминини жорий этилишига салбий муносабат билдирдилар ва съездда Президент сайланишига қатъий қарши чиқмоқдалар»¹², — деди.

Иттифоқ Конституциясига СССР Президентининг ҳуқуқий мақомини белгилаш юзасидан киритилган қоидаларда бу лавозимнинг демократик табиатини белгилаш юзасидан қатор кафолатлар ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан: Президентнинг халқ томонидан сайлаб қўйилиши, унинг кўпи билан икки муддатга сайланиши, қонун чиқарувчи идора назорати остида бўлиши ва вақти-вақти билан ички ҳамда ташқи аҳвол ҳақида унга ахборот бериб туриши, Президент ваколатларининг Конституция ва қонунлар билан аниқ белгиланиши, унинг қошида махсус кенгашнинг мавжуд бўлиши ва бошқалар кўзда тутилди¹³. Бу кафолатлар Президент якка ҳокимлигининг келиб чиқишига йўл қўймаслик учун муҳим воситалар бўлади, деб ҳисобланди. Албатта, собиқ мамлакатда президентлик лавозимининг

келиб чиқиши ҳақида баён этилган юқоридаги фикрлар Ўзбекистонда шу институтнинг вужудга келишига ҳам бевосита ва тўлиқ тааллуқли.

Маълумки, 1990 йил 24 мартда Ўзбекистон ССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (асосий қонуни)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Унга кўра республикада Президент лавозими таъсис қилинди. Бунда демократия жараёнларини янада ривожлантириш, сиёсий ўзгаришларни чуқурлаштириш, конституциявий тузумни, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, республика давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идораларининг ўзаро алоқасини такомиллаштириш кўзда тутилди. Шу муносабат билан республика Конституцияси республика Президенти ҳақидаги янги — 12-боб¹⁴ билан тўлдирилди.

Ушбу бобда Президентлик бошқаруви таъсис этилишига боғлиқ қуйидаги қоидалар белгиланди.

Дастлабки конституцион қоидада Президент фаолиятининг демократик таомиллари кўрсатиб берилди. Унинг ҳузурда Президентлик Кенгаши ишлайди. Кенгашнинг вазифаси давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини амалга ошириш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқишдан иборат эди. Кенгаш таркибига Вазирлар Кенгаши Раиси ҳам киради, унинг ишида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Олий Кенгашларининг Раислари ҳам қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Президент Республика Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш юзасидан фармонлар чиқаради. Ўзбекистонда янги жамият қуриш борасида тажрибалар орттирилиши билан Президентлик бошқаруви тобора такомиллаша боради. Жумладан, 1990—1992 йилларда Президентлик Ҳокимияти билан Вазирлар Кенгашининг ижроия бошқарув ҳокимияти қўшиб юборилиб Вазирлар Кенгаши Президент ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасига айлантирилди. 1990 йил 15 ноябрда Президент И. Каримов «Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида» Фармон чиқарди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимият тузилишини такомиллаштириш ҳамда «Ўзбекистон ССР Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш» тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунига биноан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тасдиқлансин»¹⁵.

Президентнинг ушбу фармони асосида халқ ҳўжалиги деҳқончилик саноати, халқ истеъмолчи моллари, қурилиш-нақлиёт, машинасозлик, ёқилғи-энергетика, умумиқтисодиёт, моддий-техника, маданият ишлари комплексларига ажратилиб, унинг раҳбарлари белгиланди ва улар Вазирлар Маҳкамаси таркибига киритилди. Президент аynи бир пайтда Вазирлар Маҳкамаси Раиси бўлиб қолди. Бу билан Президент ва Ҳукумат аппарати

бирлаштирилди. Шундай қилиб, Президент иккинчи босқичда республикада олий ижроия ва бошқарув ҳокимиятини амалга оширувчи олий мартабали шахсга айланди ва айни бир пайтда давлат бошлиғи ҳам ҳисобланди. Эндиликда у фақат фармонлар эмас, балки қарорлар ва фармойишлар ҳам қабул этадиган бўлди¹⁶.

Вице-Президент лавозими ҳам таъсис этилиб, у Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилувчи, унинг ишини уюштирувчи шахсга айланган эди. Бироқ иккинчи босқичда жорий этилган Вице-Президент лавозими ўзини оқламади. Шу боисдан 1992 йил 4 январдаги Қонун билан у тугатилиб, Ўзбекистон Республикасининг Бош Вазири лавозими таъсис этилди. У Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади, деб белгиланди. Президент айни пайтда Вазирлар Маҳкамасига Раис ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддаси биринчи қисмига қуйидаги қоида киритилди. «Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Бош Вазирдан, Бош Вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларидан, мамлакат вазирларидан, давлат кўмиталарининг раисларидан, йирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбарларидан иборат бўлади».

— Ўзбекистонда президентлик институтининг юзага келиши ва такомиллашувида 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун катта аҳамиятга эга бўлди. Унда фуқароларнинг шу соҳадаги сайлов ҳуқуқи, сайловни ўтказиш қатъиятлари ва тартиби, президентликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов яқунларини чиқариш тартиби каби ўта муҳим ҳуқуқий қоидалар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистонда президентлик бошқарувининг янада такомиллашувида «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки янги Асосий Қонунга мувофиқ, Президентнинг ҳуқуқий мақоми янада такомиллашди ва маълум даражада кенгайди. Чунончи, Президент лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевоcита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистонда муқим яшаган республика фуқароси сайланиши мумкин деб белгиланди¹⁷.

Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда сиёсий партияга аъзолигини тўхтатиб туради, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, деб кўрсатилди. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, Президент ваколатларининг бундай кенгайтирилиши Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигига эришуви тўғрисида содир бўлди. Янги Конституцияда белгилаб қўйилдики, Президент мустақил давлат раҳбари сифатида музокара-лар олиб боради ва республика шартномаларини имзолайди, уларнинг бажарилишини таъминлайди, ўз ҳузурдаги аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа халқаро ташкилотлар вакилларининг ишонч ва қақирув ёрлиқларини қабул қилади, вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини та-

йинлайди ва лавозимидан озод этади, ўз ваколатига берилган бошқа ички ва ташқи масалаларни ҳал қилади.

Аввало, шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда президентлик институти ўрнатилган дастлабки даврда вазирлар кенгаши ҳукумат сифатидаги ҳуқуқий мақомини ва ваколатларини сақлаб қолган эди. Чунончи, унинг 1990 йил 30 мартада Олий Кенгаш тасдиқлаган янги таркиби 41 киши, яъни Раис, Бош Вазир, унинг икки биринчи ўринбосари, тўрт ўринбосар, 19 вазир, 14 давлат қўмитаси раисидан иборат эди¹⁸. Республикада демократик жамият қуриш борасида бошқарув идоралари тобора тақомиллашиб борди. Жумладан, ҳукумат таркиби ҳам янги талаблар асосида шакллантирилди. 1995 йил 5 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II сессияси бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш масаласи кўрилди. Сессияда янги Вазирлар Маҳкамасининг 35 кишидан иборат янги таркиби сайланди¹⁹.

Шулардан 11 нафари — Вазирлар Маҳкамасининг раҳбарияти, яъни Бош Вазир ва унинг ўринбосарлари, 15 нафари — вазирлар ва 8 нафари давлат қўмиталарининг раислари эди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси лавозимига кўра Вазирлар Маҳкамасига кирди²⁰.

1990 йил мартада ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг биринчи сессиясида тасдиқланган Вазирлар Кенгашининг аввалги таркибига қараганда вазирликлар ва давлат қўмиталари раҳбарларидан иборат бўлган ҳукумат аъзоларининг умумий сони 10 кишига қисқарди.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги, иқтисодий соҳалардаги янги воқеаларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг таркиби жиддий равишда қайта тузилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи, фуқароларни ҳимоя қилувчи олий даражадаги ижроия ҳокимияти вужудга келтирилди, миллий давлатчиликда жаҳон тан олган ўзига хос тажриба тўпланди.

Кўриниб турибдики, айрим мухолиф кишиларнинг кучли ижроия ҳокимият диктатура ва зўравонликни келтириб чиқаради, ташаббусларни бўғади, эркин фикр ва ижодий гайратни сўндиради, деган даъволари асоссиз.

Маълумки, И. Каримов миллий давлатчиликни шакллантиришга доир барча нутқ ва рисоаларида кучли ижроия ҳокимиятининг жамиятда юз бераётган янгиланишлар, янгича тафаккур, ташаббус ва ислохотчилик фаолиятини ўтмиш иллатларидан, боқимандалик текинхўрлик касаллигидан асраш, қонуннинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш зарурати деб, ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам у «Озодлик» радиостанцияси муҳбири билан суҳбатда: «**Ҳар қандай қонун фақат ижро қилин-**

ган тақдирдагина қонунир. Қонуннинг амалда ишлаши учун эса унга ёрдамчи актлар тузиш, энг асосийси эса, уни ҳаётга татбиқ этиш керак. Чунки ҳаётимизда парокандалик, тушунмовчилик ва ҳатто, ушбу парокандалик ва хаосни қўллаб-қувватлаб, лойқалатилган сувдан ўз манфаатига мос кўп нарсаларни олишни кўзловчи жуда кўп кучлар мавжуд.

Энди сиз айтинг-чи, кучли бўлмаган ҳокимият қонунларнинг, баъзида унчалик оммалашмаган қонунларнинг ҳаётга татбиқ қилинишини таъминлаши мумкинми? Ахир, қонун хўжалик иқтисодий соҳасига татбиқ қилинишидан илгари одамларнинг онига етиб бориши шарт эмасми? Фақат ҳаётнинг ўзигина одамлар тафаккурини ўзгартириши мумкин. Биз бу босқични босиб ўтишимиз керак. Бундай даврда агар муҳим йўналишларни белгилаб берувчи, фуқароларни ҳимоя қилувчи, оддий одамлар ва уларнинг болаларини ҳимоя қилувчи, уларнинг энг муҳим кафолат-меҳнат кафолати билан таъминлайдиган кучли ҳокимият бўлмаса қанақасига инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш ҳақида гап бўлиши мумкин», — деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистоннинг мақсадлари ва устунлари

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида зиммасига қуйидаги мақсадлар ва устунликлар ҳақида мажбурият олди:

— инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш, маданиятларнинг хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, этник ва диний негиздаги бирон-бир зиддиятга йўл қўймаслик;

— тинчлик ва ўз фуқаролари хавфсизлиги манфаатларини, мамлакатда ижтимоий барқарорликни ҳар қандай бошқа: иқтисодий, мафкуравий, сиёсий манфаатлардан юқори қўйиш;

— одамнинг яшаш муҳити сифатида атроф муҳит ҳолатини сақлаш ва яхшилашга алоҳида аҳамият бериш. Мамлакат бундан кейин ҳам энг мушкул улкан экологик муаммоларидан бири — қуриб бораётган Орол денгизи муаммосини ҳал этишга катта миқдордаги маблағлар ажратаверади;

— фуқароларнинг эркин иқтисодий фаолияти, тadbиркорлик билан шуғулланишга, касб танлашга ва ўз меҳнати билан қатнашишга кафолатли конституцион ҳуқуқларни таъминлаш;

— аҳоли саломатлигини сақлаш, умумий урта таълимни таъминлаш, олий касб маълумотини оширишда фаол иштирок этиш, жамиятнинг таълимий ва интеллектуал потенциалини ошириш учун шароитлар яратиш;

— бозорга ўтиш даврида ва шундан кейинги даврларда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича олдиндан кўриладиган чоралар шаклидаги кучли ижтимоий сиёсатни таъминлаш;

— ўзбек халқининг фуқароларнинг ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органлари—маҳалла йигинларини жалб этиш шаклидаги одамларнинг бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатиши бўйича асрий анъаналарини тиклаш.

Айрим муҳолифларимиз Президент Ислом Каримовни яққаҳоқимликда, бошқарув идораларининг асосий бўғинларини

ўз ваколатига олганликда айблашарди ва далил сифатида унинг мамлакат Президенти ва айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳам эканлигини важ қилиб кўрсатишади.

Президентлик — республика бошқарувида энг муҳими — ҳокимият бўлинишини адолатли тарзда амалга ошириш имкони бор. Яъни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти бири-бирига дахлсиз ҳолда иш олиб боради. Президентлик — республика бошқарувида ижро ҳокимияти Президент қўлида бўлади. Бу усул имкониятларини дунё тан олган.

Ҳақли савол туғилади: нима учун Президент Ислон Каримов бошқарувнинг айни шу усулини танлади? Масаланинг икки жиҳати бор.

Биринчидан, Шарқда азалдан давлат демократияга қанчалик кенг имконият яратиб берган бўлмасин, кучли ҳокимият мавжуд бўлган. Энг улуг ва адолатпеша давлат бошлиғи қатъиятли, талабчан ва айни пайтда меҳр-мурувватли бўлиши билан ҳаммага ўрнак бўлган ва ҳамиша тинчлик, адолат ва ҳақиқатга хизмат қилган. Акс ҳолда ҳар қандай ҳокимият анархияга айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

Иккинчидан, бошқарувнинг парламентар — республика усулида Президент парламент йиғилишида унинг аъзолари томонидан сайланади. Президентлик — республика бошқарувида эса у умумхалқ сайлови йўли билан барча фуқароларнинг овоз бериши асосида сайланади. Бунда Президент ўз ваколатини парламентнинг санокли аъзоларидангина эмас, кенг халқ оммасидан олади. Қолаверса, бунинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва демократик мазмуни ҳам бор.

Умуман олганда, жамиятни бошқаришда давлат бошлиқларини сайлаш тартиби ҳам жуда катта аҳамият касб этади, — дейди бу борада жаҳон тажрибасини чуқур ўрганган ҳуқуқшунос олим профессор А.Азизхўжаев. — Парламентар — республика бошқаруви шаклидаги давлатда Президент парламент овози билан сайланади. Президентлик — Республика бошқаруви шаклидаги мамлакат президенти эса парламент иштирокисиз бевосита халқ томонидан сайланади, у ўз ваколатларини халқдан олган ҳисобланади. Ҳозирги замон давлатчилиги тажрибасига таяниб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, бошқарувнинг Президентлик — республика шакли давлат бошқарувининг энг мақбул шаклидир.

Дарҳақиқат, тарихий тажриба, ён атрофимизда юз бераётган турли хилдаги бўҳронлар, айрим мамлакатларда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг таҳликали тус олиши шундан далолат бермоқда.

Президент Ислон Каримов ишлаб чиққан машҳур беш тамойилнинг бири — ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи бўлиб қолиши зарурлигининг моҳияти шундай пайтда кўзга яққол ташланади. Ижро ҳокимияти билан давлатнинг жилови бир кишининг қўлида бўлган тақдирда ва уни парламент қонун билан ҳимоялаб турган бир шароитда мамлакатда соғлом ижти-

мой-сиёсий, маънавий-руҳий вазият барқарор бўлади. Демак, туб ислоҳотларнинг самарадорлиги, ҳар бир фуқаро ҳаёти ва истиқболи кафолатланган ҳисобланади.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги йилларда давлат бошқарувининг парламентар — республика ва монархия шакли ўрнатилган мамлакатларда ҳам ҳукумат — олий ижро идораси асосий ўринни эгалламоқда. Масалан, Олмония, Италия, Япония ва бошқа мамлакатларда ана шундай ҳодиса юз бермоқда.

Умуман олганда, Президент Ислом Каримов фаолиятидаги қатъийлик, қатъий интизом, юксак талабчанлик ва улкан маъсулиятни чуқур ҳис этиш ифодасидир. Буни «Комсомольская правда» газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида яққол кўриш мумкин. Жумладан, у «**Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан: эҳтимол менинг ҳаракатларимда авторитаризм иншоналари бордир. Аммо, мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян давларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳар ҳолда кучли ҳокимият зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тоғувлиги, тинчлиги ва барқарорлигини сақлаш учун шундай бўлиши зарур. Бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман**», дея ўз нуқтаи назарини очиқ-ойдин баён этган эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон давлатчилигида қатъий интизом бор. Уни назорат қилиб боровчи Конституциявий суд мавжуд. Дастлаб мамлакатда Конституциявий назорат қўмитаси ташкил этилди. Маълум муддат ўтгач бу қўмита Конституциявий судга айлантирилди. Чунки, назорат қўмитасининг мазмун-моҳиятида воқеа-ҳодисаларни кўздан кечириб қўйиш, уларга назар солиб туриш маъноси ётади. Судда эса қатъий талаб ва шафқатсиз ҳукм мавжуд. Бунда талаб ҳам, маъсулият ҳам ошади.

Ўзбекистон ҳукуматининг бошқарувчилик фаолиятидаги муҳим жиҳатлардан яна бири шундаки, у доимо босиб ўтилган йўлга назар солиб боради. Воқеа-ҳодисаларнинг боришини сергаклик билан кузатиб, ўз иш юритиш усулини ана шу таҳлиллар асосида бойитиб, такомиллаштириб боради. Ҳеч қачон маълум бир фикрга мутлақ ҳақиқат деб қарамайди. Уни доимий равишда кучайтириб, миқёсини кенгайтириб, эҳтиёж туғилса, янгилаб боради.

Жумладан, Конституциявий назорат қўмитасининг Конституциявий судга айлантирилиши ҳам ана шу изланиш жараёнининг маҳсулидир. Ижрония ҳокимияти ҳақида гапирганда яна шунини ҳам таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида илгариги маъмурий-буйруқбозлик тизимига хос бўлган халқ хўжалиги тармоқларини бошқарадиган аввалги вазирлик ва идоралар бекор қилинди. Улар бозор муносабатларига мувофиқ ҳолда корпорациялар, концернлар, ассоциациялар ва давлат тасарруфиди бўлмаган хўжалик юритувчи бошқа идораларга айлантирилди.

Бу ўринда умумдавлат аҳамиятига молик стратегик вазифаларни ҳал этиш, ривожланишнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш, ўзаро боғлиқ бўлган корхоналарнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун турдош тармоқларни йирик халқ ҳўжалиги комплексларига айлантириш тажрибасидан фойдаланилди. Шунинг учун ҳам янги ҳукумат таркибига Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва шу каби бошқа фаолияти асосан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлашга, кўп укладли иқтисодиётни ривожлантиришга, ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятни мувофиқлаштиришга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустақамлашга йўналтирилган вазирликлар ва давлат кўмиталари киритилди.

Албатта, бозор муносабатларига ўтиш даврида бошқарув тизимида бундай ислоҳотни тақозо этган ўзига хос омиллари бор эди.

Биринчидан, янги жамиятга ўтишда бошқарув тизимида жиддий бузилишларга йўл қўймасдан, МДҲга кирувчи айрим мамлакатларда бўлганидек, иқтисодиётни бошқаришнинг реал дастакларини қўлдан чиқариб юбормаслик керак эди. Чунки янги тузилаётган идоралар тажрибага ва бозор шароитларида ўзини-ўзи бошқариш механизмига эга эди.

Иккинчидан, ўтиш даврида етук бозор муносабатлари ва механизмлари ҳам узил-кесил шаклланмаган эди. Шунинг учун бозор муносабатлари таркиб топган ва бу йўналишда эндигина қадамлар ташлаётган мамлакатлардаги бошқарувни ташкил этишнинг турли тизимлари ўрганилди. Шу аснода бутун халқ ҳўжалигини, тармоқлар ва ҳудудларни бошқаришнинг энг мақбул ва ҳозирги шароитларга мос тузилмалари топилди. Бунинг моҳияти ишлаб чиқаришнинг марказлаштирилган тартибда режалаштириш ва ташкил этишдан молияни, моддий хомашё бойликларини давлат томонидан бошқариш тизимидан воз кечишни билдирар эди.

Яна шунини айтиш керакки, Ўзбекистондаги бошқарувни изчил, босқичма-босқич ташкил этиш модели кенг жамоатчилик томонидан маъқул деб ҳисобланди.

1991 йил 6 сентябрда республика мустақиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида Мудофаа ишлари вазирлиги тузилди²¹. Шў мақсадларни кўзлаб унинг таркибида 1992 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси миллий гвардияси бригадасини ҳам барпо этиш лозим топилди. 1992 йил июлидан у Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Мудофаа тизимидаги бундай ўзгартиришларнинг сабаби нимада?

Бунини шундай изоҳлаш мумкин: мамлакат мустақиллигининг дастлабки (фармон олтинчи кундаёқ эълон қилинди) кунлариданоқ унинг мудофаасини таъминлашга киришиш,

СССРнинг жазаваси тутган, ўзининг сўнгги нафасини олаётган бир пайтида унинг дунёни зир титратган қуролли кучлари таркибида аста-секинлик билан, шовқин кўтармасдан чиқиб олиш учун аввал Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этиш зарур эди. Чунки, Мудофаа вазирлиги идорасида аниқ мақсад ва қатъий ҳаракат мазмуни бор. Шунинг учун дастлаб шунчаки мудофаа ишлари билан шугулланувчи маҳкама тузилганини маълум қилиш, сўнг эса ҳақиқий мақсадга беҳавотир интилиш керак эди.

Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилганидан сўнг миллий гвардия бригадаси тузилди. Бу стратегик мақсадга эришиш йўлидаги тактика эди. Бир ҳовучгина санокли аскарлар бригадасини тузишдан ҳеч ким шубҳага бормас ва унга монъелик қилмас эди. Миллий гвардия, айтиш мумкинки, ҳар томонлама қуролланган, ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамланган миллий армиянинг дебочасидир.

Ана шундай мураккаб, зиддиятли ва ҳатто таҳликали бир шароитда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва унинг қуролли кучлари тизими вужудга келди.

Ўзбекистонда Адлия идораларининг мавқеи ва масъулиятини ошириш, алоҳида ҳуқуқий хизматни яхшилаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тadbирлари белгиланди. Вазирлик мамлакатда ҳуқуққа доир сиёсатни ўтказишда давлат идораларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, бошқа марказий идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ҳамда унинг фуқаролари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди²².

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожини билан шугулланувчи давлат идоралари тизимида тубдан ўзгаришлар қилинди. Мамлакатда 1990 йил декабрида Давлат режа қўмитаси Иқтисод комиссиясига айлантирилди. 1992 йилда шу комиссия негизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуринда республиканинг Тараққиёт истиқболини белгилаш қўмитаси ташкил этилди, унинг аввалги вазифалари янада кенгайтирилди²³. 1992 йил 5 августида эса ушбу қўмита ва статистика давлат қўмитаси негизда Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ва жойларда унинг тегишли идоралари барпо этилди.²⁴ Бу қўмита вазифаларига Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг устувор йўналишлари ва ташқи иқтисодий алоқалар стратегиясини ишлаб чиқиш, аҳоли моддий фаровонлигини ошириш ва уни ижтимоий муҳофаза этиш, ягона статистика сиёсатини ўтказиш кабилар киритилди.

1997 йилдан ушбу Қўмита Макроиқтисодиёт вазирлигига айлантирилди. Ўзбекистонда молия идораларини бошқариш ташкилий тузилмасини ва нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш тadbирлари белгиланди. Шу боисдан нархларга доир

давлат сиеъатини ўтказиш вазифалари Молия вазирлигига топширилиб, у Давлат нархлар қўмитаси билан бирлаштирилди²⁵.

Халқ хўжалигини хомашё, ёқилги ва бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлашга ҳам жиддий эътибор берилди. Бу соҳага раҳбарлик қилувчи идоралар такомиллаштирилди. 1991 йил февралда халқ хўжалигининг маъданий хомашё заҳираларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида геология соҳасидаги илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш ва бошқарув идоралари негизда Ўзбекистон ССР Давлат геология ва маъданий ресурслар қўмитаси ташкил этилиб, унинг ваколатлари белгиланди.

1992 йил май ойида нефть ва газ конларини ҳар томонлама ва самарали ўзлаштириш, халқ хўжалиги ва аҳолини газ, газ конденсати, нефть ҳамда уларни қайта ишлаш маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, нефть ва газ саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида шу соҳада мавжуд бўлган ишлаб чиқариш бирлашмалари асосида Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни — «Ўзбекнефтьгаз» ташкил этилди²⁶ ва унинг вазифалари тайин этилди.

Концернлар халқ хўжалигига давлат раҳбарлиги тизимидаги янги шакл эди. У саноат соҳасида бундан илгари ҳам барпо этилган эди. Бу Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиши, иттифоқ тобелигидаги саноат тармоқларининг ҳам республикага берилиши, бозор иқтисодиётга ўтилиши, маъмурий буйруқбозлик усулининг чеклана бориши билан боглиқ бўлди. Масалан, 1990 йил октябрида Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши саноат тармоқлари буйича ўзбек давлат концернларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди²⁷ Қарорга биноан, Ўзбекистон Давлат кимё саноати, металлургия саноати, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги ва автомобиль машинасозлиги, радио электроника (электро техника ва асбобсозлик билан бирга), пахта тозалаш саноати илмий-техникавий таъминлаш концернлари тузилди. Шунингдек маҳаллий саноат вазирлиги тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат «Маҳаллий саноат» корпорацияси ташкил этилди²⁸.

Президентнинг 1992 йил 27 октябрдаги Фармони билан ижара коллектив, ҳиссадорлик ташкилотларини ҳамда мулкчиликнинг бошқа шаклларига асосланган монтаж, ихтисослаштирилган қурилиш, созлаш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларини саноат ва нақлиёт корхоналарини ихтиёрни пайчилик асосида бирлаштирувчи «Ўзмонтаж махсус қурилиш» ишларни хўжалик ассоциацияси ташкил этилиб, шундай вазирлик эса тугатилди²⁹.

Ўзбекистон Республикаси Дон маҳсулотлари вазирлиги негизда Дон маҳсулотлари («Ўздонмаҳсулот») давлат концерни ташкил этилиб, унинг зиммасига халқ хўжалигини ва аҳолини овқатбop дон, ун ва нон, қандолат маҳсулотлари, омихта ем билан таъминлаш, нонвойхона, макарон тегирмонёрма ва омихта ем саноати корхоналари фаолиятини мувофиқлаштирувчи вазифалари юкланди³⁰.

Бозор муносабатларини жорий этиш жараёнида Ўзбекистонда деҳқончилик саноат комплекси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, республика ўрмон хўжалиги бошқарув ишини яхшилаш, миллий авиакомпанияни ташкил қилиш тўғрисида ҳам Фармонлар қабул қилиниб, уларда саноат, қишлоқ хўжалиги ва нақлийётга давлат раҳбарлигининг навбатдаги муаммолари ҳал этиб берилди. Масалан, Президентнинг 1990 йил 8 декабрида имзолаган Фармонида шундай дейилади: «Деҳқончилик-саноат комплексида давлат ва хўжалик бошқарув вазифаларини фарқлаб қўйишга оид аниқ талбирларни амалга ошириш, жамoa хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий мустақиллигини ривожлантириш, бозор муносабатларини жорий этиш учун шарт-шароит яратиш мақсадида қарор қиламан:

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги давлат кооператив кўмитаси кенгаши ва ҳайъатининг Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги давлат кооператив кўмитасини Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги жумҳурият вазирлигига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин»³¹. Шунингдек Пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат ҳиссадорлик ассоциацияси ҳам ташкил этилди³².

Халқ хўжалигини ривожлантиришда фан ва техниканинг аҳамияти катта. Шу сабабдан уларни раванқ топтириш, эришилган натижаларни амалиётга татбиқ этиш соҳасидаги ишларга ҳам жиддий эътибор берилди. Махсус Фармонлар билан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда эса Олий Аттестация Комиссияси (ОАК) ташкил қилинди. Мамлакат Фанлар академиясига ўзини-ўзи бошқарувчи мустақил ташкилот сифатидаги мақом берилди³³.

Иқтисодий ҳаётда бозор муносабатларига ўтиш аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини, давлат мустақиллигига эришиш эса миллий ва маданий қадриятлар аҳамиятини оширишни талаб этади. Шундай шароитда ижтимоий маданий қурилиш соҳасида давлат раҳбарлигини такомиллаштириш ҳам жиддий аҳамиятга эга. Чунончи, 1992 йил 5 майда аҳолига савдо хизматини тубдан яхшилаш, истеъмол бозорини кенгайтириш мақсадида республика савдо вазирлиги «Ўзбексавдо» Ўзбекистон давлат ҳиссадорлик уюшмасига айлантирилди³⁴.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ва бу соҳани бошқаришни яхшилаш долзарб масаладир. Ана шу мақсадларни назарда тутиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш давлат кооператив маркази ва унинг жойлардаги идоралари ўрнига маиший хизмат корхоналари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудий уюшмалари ташкил этилди ва уларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилди³⁵.

Оммавий ахборот воситалари ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси телевиде-

ние ва радио эшиттиришлари давлат қўмитаси 1992 йил январ ойидан Ўзбекистон давлат телерадио эшиттиришлар компаниясига айлантирилди. Маданият ва санъатни ривожлантириш ҳамда уларнинг маънавий ва ахлоқий тарбиядаги мавқеини ошириш мақсадида 1992 йил март ойида қабул этилган Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш ва унинг фаолиятини яхшилаш тадбирлари белгиланди. Шу вазирлик негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат кино компанияси ташкил қилинди. Хусусан, Маданият ишлари вазирлиги, миллий маданият соҳасида давлат сиёсатини амалда рўёбга чиқариш, халқ бой анъаналарини тиклаш ва уларни янада такомиллаштириш, мамлакат ижодий уюшмалари билан узвий ҳамкорликни мустақамлаш, халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш каби вазифаларни бажарадиган бўлди.

Республиканинг ташқи фаолияти масалалари бўйича шуғулланадиган идоралари тизими ҳам такомиллаштирилди. Жумладан, 1991 йил 7 сентябрида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил қилинди.

1992 йил 21 февралда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги тузилди, ўша йили 10 августда эса Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси барпо этилди, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари белгиланди. Ўзбекистон ҳудудида саёҳат соҳасидаги ягона сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга оширишни таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи бош идора сифатида «Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳам барпо этилди¹⁶.

1992 йил охири ва 1993 йил бошида ҳам бир неча марказий бошқарув идоралари ташкил этилди. Улар қаторига Ўзбекистон саноат ва ҳўжалик қурилиши давлат корпорацияси, Ўзбекистон автомобиль нақлиёти давлат ҳиссадорлик корпорацияси, Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат ҳиссадорлик концерни қабилар кирди.

Биз юқорида қисқача санаб ўтган марказий бошқарув идоралари тизимининг такомиллашуви ва айримларининг янгидан ташкил этилиши, шунингдек, Президентлик лавозимининг юзага келиши Вазирлар Маҳкамаси ҳуқуқий мақомининг ўзгариши, асосан, икки ҳолат билан изоҳланиши, яъни Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви ва унинг бозор иқтисодига ўта бошлаши билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидламоқчимиз.

Хулоса сифатида икки муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаш лозим.

Биринчидан, илгари давлат бошқаруви соҳасида жуда катта ва ҳал қилувчи масалалар Иттифоқ идоралари ваколатида эди. Мустақиллик шароитида бу ваколатлар тўлиқ равишда Ўзбекис-

тон Республикаси тегишли марказий идораларига — Президент, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва бошқа маҳкамаларга ўтди.

Аввал республика ҳукумати, вазирликлари ва давлат қўмиталарининг 80 — 90 фойизи марказнинг тегишли идораларига итоат этган бўлса, эндиликда улар мустақил давлат идораларига айланди. Демак, республикада марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви вазифаси ниҳоятда кенгайди.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда Ўзбекистонда жиддий ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлишида Президент, Вазирлар Маҳкамаси олиб бораётган ишлар қўлами тобора кенгайиб борапти, улар фаолиятида аввалги маъмуриятчилик услублари камайиб, янги шароит талабларига кўра ишлаш устун келаяпти. Илгари вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа марказий маҳкамалар фақат давлат корхоналари ва ташкилотларига раҳбарлик қилган бўлса, эндиликда улар ўрнига барпо этилаётган концерн, ассоциация, компания, уюшма ва корпорациялар ҳам давлат, ҳам мулкчиликнинг бошқа шакллари асосида фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга раҳбарлик қиляпти, ёки уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турапти.

Шундай қилиб, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида иқтисодий муносабатлар, мулкчиликнинг янги шакли вужудга келган пайтда дадиллик билан бошқарув тизимини ўз миллий тараққиётига мос тарзда ўзгартира борди.

Умуман олганда 1991—1996 йиллар ёш мустақил мамлакатимиз давлат тизимини такомиллаштириш ва уни бутунлай янги шаклда барпо этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Айрим ташкилот ва муассасалар номи икки-уч йил орасида бир неча марта ўзгартирилди. Баъзи турдош тармоқлар бирлаштирилди, бир қисми бўлиб юборилиб, янгитдан тузилди. Бир қатор соҳалар, айниқса, банк, пул-кредит, ташқи иқтисодий фаолият, собиқ СССР марказий органлари ва қатор идоралар билан боғлиқ бўлган соҳаларда бутунлай янги вазирликлар ва бошқа шаклдаги муассасалар ташкил этилди.

Тарихан жуда қисқа даврда туб ислохотларни амалга оширадиган, аҳоли онги ва дунёқарашини бутунлай ўзгартира оладиган давлат тизимини мустақамлаш, кенг тармоқли халқ ҳўжалигини бошқаришга қодир бўлган, энг самарали ва энг замонавий усулларни қидириб топиш зарур эди. Мамлакатимиз ҳукумати аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодий-ижтимоий ҳаётида барқарорликни сақлаб туриш, ўтиш даврида жиддий қийинчиликларга йўл қўймаслик, маънавий-руҳий озурдалик, тушкунлик ва қашшоқликнинг олдини олиш мақсадида энг аввало бошқарув тизимини такомиллаштириш, давлат аппаратининг ҳар қандай танглик шароитида ҳам барқарор ишлашини таъминлаш ишига жиддий эътибор берди.

3-§. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида олий вакиллик органи тизимида ўзгаришлар бўлибгина қолмасдан, маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятида ҳам муҳим амалий ишлар қилинганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатда маҳаллий ҳокимият органлари тизими конституциявий ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таркиб топди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бошқарувнинг бу тизимида ислоҳот ўтказишни тақозо қилган омил нимадан иборат эди? Аввало шуни айтиш керакки, бу тизим ўз таркибига вилоят, туман, шаҳар, шаҳарлар таркибидаги туман, шаҳар, қишлоқ, посёлка Кенгашларини олувчи давлат муассасалари мажмуини ташкил этади.

90-йилларнинг бошларига келганда бу муассасалар ўзларининг демократик хусусиятларини йўқотган эди. Маҳаллий кенгашлар ўзига хос равишда КПСС сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш қуролига, аниқроғи партия ташкилотлари раҳбарлик қиладиган бир муассасага айланган эди. Бу—**биринчидан**.

Иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни «Маҳаллий Кенгашлар мустақиллигини кенгайтириш, ҳудудлар тизимида туб ўзгаришлар яшашни ҳам талаб қила бошлади. Маълумки, маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ҳудудий тараққиёт кўпинча марказлаштирилган тарзда қайта тақсим қилинадиган давлат ажратмалари ҳисобига амалга оширилар эди. Эндиликда янгича муносабатларга ўтиш жараёнида маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга бевосита масъул қилиб белгиланishi керак эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикада бир қатор қонун ва расмий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — Асосий Қонуни, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун (1993, сентябрь), «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари ҳақидаги Қонун (1993, сентябрь), «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги Қонун (1994, май) кабилар муҳим ўрин эгаллайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасида таъкидланганича, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига таалуқли масалаларни ҳал этадилар³⁷.

Конституциянинг 100-моддасига мувофиқ эса маҳаллий

ҳокимият органлари ихтиёрига: «Қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш; бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш;

— атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш»³⁸ берилган.

«Маҳаллий ҳокимият органлари, — дейилади 101-моддада, — Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қўйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар. Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасидаги қабул қилган қарорларни қўйи органлар ижро этиши мажбурийдир. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколатлари муддати — 5 йил»³⁹

Кўришиб турибдики, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик идораси бўлиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга раҳбарлик қиладилар. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳудудлар бўйича тузилади. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайловини ўтказиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари сайлови» ҳақидаги Қонун билан белгиланади. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига шаҳарлардаги туман, шаҳар, туман ва вилоят Кенгашлари киради.

1994 йил 25 декабрдаги Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари катта тайёргарлик кўрдилар.

Тошкент шаҳрида Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 30 та округ, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та округ тузилди. Қонунда белгиланган тартибда ва тавсия этилган вақтда календарь режасига асосан Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 30 та сайлов Комиссияси ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов комиссияси ташкил этилди⁴⁰.

Сайлов комиссиялари таркибига саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ходимлари ва маҳалла йиғинлари вакилларидадан иборат 810 киши жалб этилди.

Андижон вилоятида ҳам қонунларга тўла риоя қилинган ҳолда сайловга пухта тайёргарлик кўрилди. Олий Мажлисга

вилоят, туман, шаҳар кенгашларига муносиб номзодлар кўрсатилади. Улар орасида олимлар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, врачлар, ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар бор эди¹. Наманган вилоятида ҳам бошқа жойларда бўлганидек, депутатликка номзодлар кўрсатиш демократик принципларга амал қилинган ҳолда олиб борилди. Бу жараён сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари иштирокида, муқобиллик асосида амалга оширилди. Шунини таъкидлаш керакки, вилоят ҳокимлиги сиёсий партиялар ҳамда ҳокимият органлари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ижодий фикрлашувлар бўлишига катта эътибор берди. Сиёсий партияларнинг сайловларда тенг ҳуқуқли асосларда иштирок этишини таъминлаш учун керакли шарт-шароитлар яратиб берилди.

Натижада вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда вакиллик органлари бўлмиш Халқ депутатлари Кенгашларига халқнинг муносиб фарзандлари сайландилар. Яна шунини қайд қилиш лозимки, мустақиллик йилларида маҳаллий ижроия ҳокимият тузилишидаги муҳим ўзгариш ҳокимлик институтининг ташкил қилинишидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Қонунига мувофиқ вилоят, туман, шаҳар ҳокими маҳаллий ҳудуднинг олий мансабдор шахси сифатида тегишли ҳудуд ижроия Ҳокимиятини бошқарадиган бўлди. Жойларда ҳокимликлар жорий этилди. Республиканинг 12 вилояти ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва тегишли Халқ депутатлари Кенгашлари сессиясида тасдиқланадиган ҳокимлар бошчилигидаги ҳокимликлар ташкил қилинди.

Қорақалпоғистон Республикасида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонун ва Қорақалпоғистон республикасининг Қонунлари билан тартибга солинадиган бўлинди.

Шунингдек, 163 қишлоқ туманлари, 18 шаҳар туманларида, 120 шаҳарларда ҳокимлик идоралари ташкил қилинди..

Албатта қисқа вақт ичида ҳокимликлар ўз ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга оширишда, жойларда Олий Мажлис Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлашда, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ташкил қилишда муайян таъриба тўплади.

Ҳокимлик олдинги Кенгаш раислигидан ёки биринчи котибликдан лавозим ва ҳуқуқий мақоми билан анча фарқ қилувчи институтдир. Ҳокимликда энди кўпроқ мустақиллик, ўз ҳудудида ўз ҳукми ва сўзининг салмоғини ошириш, ҳўжалик ва иқтисодий бошқарувда қатъият билан ишлаш имконияти кенгайди. Ҳокимлик усулининг ихчамлиги, буйруқбозлик ва қоғозбозликнинг камайиши, ҳаётга ва ишлаб чиқаришга яқинлиги

билан олдинги бошқарув тизими анъаналари ва усулларидан анча афзалликларга эга бўлди.

Бироқ тахлиллар шуни кўрсатдики, ҳокимликлар ҳамма жойда ҳам бутун имкониятлари ва иқтидорларини кўрсата олмадилар. Уларнинг айримлари янгича тизимда эскича усул билан ишладилар. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимидаги камчиликлар ислохотларни изчил амалга оширишга тўсқинлик қила бошлади. Жойларда одамлар расмийчилик, порахўрлик, «сендан угина, мендан бугина» қабилда ишлаш, таъмагирлик, қонунбузарлик — ҳолатларидан азият чека бошлади. Бундай салбий ҳодисаларни Президент Ислом Каримов бир қатор вилоят кенгашлари сессияларида хусусан, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Наманган вилоятларидаги сессияларда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида очиқдан-очиқ танқид қилди. Қонун устиворлигига эришиш борасидаги қатъий мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Жумладан, халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашининг 1993 йил, 9 октябрда бўлиб ўтган сессиясида И. Каримов шундай деган эди: «Вилоятда кадрларни танлаш, уларни ўргатиш жараёнлари халқ депутатлари, фаоллардан сир тутилган. Кадрларни танлашда уларнинг малакаси, қатъиятчилиги, қобилияти эмас, аксинча, уларни ишга тайинлашда вилоят раҳбарига нисбатан шахсий эътиқоди, садоқати ниобатга олинган. Лавозимларни таниш-билишчилик, ошна-оғайнингчилик асосида тақсимлашга йўл очилган. Бу йўл билан тайинланган раҳбарлардан юрт, Ватан, истиқлол манфаати учун нима кутиш мумкин?»

Дарҳақиқат, жамият ҳаётидаги туб бурилиш одамлар тафаккурида, жумладан раҳбар кадрлар дунёқарashiда кескин ўзгариш ясашни тақозо қилади. Истиқлолнинг дастлабки йиллари айтиш мумкинки ана шундай фикрий ўзгаришларни, жиддий ислохотларга алоҳида тайёргарликни бошлаш лозим эди. Янги даврнинг янги талаблари асосида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, давлат бошқаруви тизимини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Маъмурий буйруқбозлик тизими барбол этилсада, тоталитар тузум йўқ қилинган табиийки унинг иллатларидан батамом қутилиб бўлмайди. Жумладан, талон-тарожлик, одамлар ҳақиқага хиёнат қилиш, қонунсизлик маъмуриятчилик ва тўрачилик иллатлари янги тузум маънавий қиёфасига путур етказар эди. Жамият тараққиётига тўғаноқ бўлар эди. Шунинг учун ҳам мамлакатда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тизимини такомиллаштиришда унинг ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгартиришга жиддий эътибор берилди. Энг аввало ислохотларни қонун билан мустаҳкамлаш давлат бошқарувининг янги тизимининг ҳуқуқий негизларини яратиш борасида қатор ишларни амалга оширди.

Қонун устиворлиги, бошқарувнинг ҳам, ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларини ҳам бутунлай қамраб олмоғи, жамият ҳаётининг барча қирраларида ўзини намоян этиши чоралари кўрилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги масъул шахслар кайфиятини ўзгартириш, уларнинг маънавий-руҳий қиёфасини такомиллаштириш лоқайдлик, сансалорлик, ўзи бўларчилик ва боқимандалик кайфиятларини йўқотиш зарур эди. Ҳар бир давлат ҳокимияти органи жойларда ўзининг нуфузига, обрў-эътиборига эга бўлмоғи, у халқ устидан ҳуқумрон гуруҳ эмас аксинча халқ учун яшаётганлиги сингари ижобий фазилатларини чуқурлаштириш керак эди. Чунки айна ана шундай фазилат бутунлай янги тарихий шароитларда шаклланаётган бутунлай янги давлатнинг, фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади.

Истиқлолнинг дастлабки йиллари турли зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, иқтисодий танглик, асаб таранглиги даври бўлди. Ана шундай пайтда маҳаллий ҳокимият органлари зиммасига ниҳоятда оғир масъулият тушди. Аниқ иш мароми, этилиб чиқаётган муаммоларни ўз вақтида англаш ва ўз вақтида ҳал этиш, кундан кунга янгидан янги юз бераётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларни бошқариб туриш ниҳоятда катта истеъдодни, ҳозиржавобликни тақозо этади. Президент И. Каримов ана шуларни назарда тутиб «Халқ вақтинча давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин. Лекин билиб қўяйлик, такроран айтаман: адолатсизликка чидамайди! Буни унуттиш масъул лавозимдаги шахсни бамисоли устуларни чириб қолган биногога ўхшатиб қўяди.

Халқ қаллоб ва йулғуларни кўриб билиб турибди ва ҳеч қачон кечирмайди. Халқнинг сабр тоқати чексиз эмас».

Дарҳақиқат, озиқ-овқат танқислиги юз берган, дўконлар пештахталари бўшаб қолган, пулнинг қадрсизланиши кескин ошиб турган бир пайтда худбинлик ва таъмагирик домига тушганлар ҳам йўқ эмас эди. Шунинг учун Президент ана шундай шахслар башарасини очиб ташлаш лозимлигини қайта-қайта уқтиради. Бу билан бир томондан давлатнинг нималарга қодир эканлиги кўрсатилса, иккинчи томондан халқни маҳаллий ҳокимият органлари орқали давлат атрофида жипслаштириш масалалари ҳал қилинар эди.

Президент сиёсатининг бош йўли ҳуқуқий, демократик давлатни вужудга келтириш, ҳамма нарсадан қонунни устун қўйиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш, «фуқаро-жамият-давлат» принципини жорий этиш, ана шу йўл билан фуқаролар жамиятини вужудга келтириш. Бу принципга зид бўлган барча ҳаракатларга қарши мамлакатда қатъийлик билан кураш олиб борилди. Жойларда қонунни ҳурмат қилмаслик, уқувсизлик ва бошқа иллатлар туфайли мавқеини йўқотиб қўйган айрим вилоятлар ва ўнлаб туман ҳокимлари, маҳаллий ҳуқуқ органлари, савдо, табобат, маиший хизмат тармоқларининг раҳбарлари хизмат вазибаларидан озод этилди. Бу тузумни иллатлардан тозалаш, фуқаролар жамиятини шакллантириш, инсонга буюк неъмат сифатида қараш каби халқчил сиёсатнинг амалдаги кўриниши эди.

Шундай қилиб, республикада давлат ҳокимияти барча органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунлар базаси вужудга келди. Улар марказий, вилоят, шаҳар ва районлар даражасидаги давлат ҳокимияти ва бошқарув функцияларини аниқ қилиб белгилаб берди. Бу мустақил миллий давлатчилигимизни таъминловчи муҳим шартлардан биридир.

4-§. ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ

Фуқаролик жамиятини шакллантириш асосида ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонун тусини олган. Унинг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», — дейилган. Конституциянинг 2-моддасида эса «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади», деб таъкидланган.

Ҳозирги замон жаҳон давлатчилиги тажрибасида давлат зиммасидаги вазифалар анча ўзгарди. Бу айниқса, биз каби тоталитар тузум исканжасидан чиққан халқлар учун бутунлай янгилик. Жумладан, энди у кўпроқ иқтисодий асосларни мустаҳкамлаш, ижтимоий муносабатларни чуқурлаштириш, одамлар маданий ва моддий турмуш даражасини оширишнинг стратегик тамойилларини ишлаб чиқиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлигини мустаҳкамлаш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш билан шугулланади.

«**Бошқарув вазифаларининг асосий қисмини марказдан вилоятларга, вилоятлардан шаҳар — туманлардаги давлат ва бошқарув идораларига ўтишини таъминлаш даркор. Шу тариқа бу босқич аста-секин ўз-ўзини бошқариш жамоатчилик ташкилотларига ҳам етиб боради**», дейди Президент И.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил, 23—24 февраль кунлари бўлиб ўтган биринчи сессиясида. Бу йўл бевосита мамлакатимизда фуқаролик жамияти шаклланиши ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш тамойилининг бош йўналишига айланиб қолди.

Давлат ўз вазифаларини бажаришда ҳокимиятни кучайтириш ҳисобига эмас, аксинча демократик омилларни кенгайтириш, кенг халқ оммасини бошқарувга жалб этиш йўли билан амалга ошириши лозим. Бунинг учун жамиятда кенг миқёсли демократик жараёнларни чуқурлаштириш, Конституцияда кўрсатилганидек жамият ҳаётини барча соҳаларида фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий-маданий ривожлантиришини таъминлаш, сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллигига эришиш асосида давлат монополиясини йўқотиш керак. Бошқача қилиб айтганда, Давлат энди кўпроқ фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини кафолатлайдиган механизмга айланиши керак. Бунинг учун қуйидаги асосий тамойиллар муҳим аҳамиятга эга:

1. Миллий анъаналарга, аҳоли барча қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари эҳтиёжларига, халқ ҳаётининг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда демократик асосларни мустаҳкамлаш.

2. Ҳокимият бўлинишининг энг демократик, энг халқчил шаклларини жорий этиш. Бу амалга оширилмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти мавжуд.

3. Бошқарувни марказлаштирмаслик, республика ва маҳаллий ҳокимиятлар вазифаларини аниқ белгилаш, уларни чегаралаб қўйиш. Чунки, кенг миқёсли халқ хўжалиги, ижтимоий ҳаёт муаммоларининг кўпқирралилиги мавжуд масалаларни марказда тўғри ва ўз вақтида ҳал этиш имконини бермайди. Шунинг учун Марказий органнинг кўпгина ваколатларини жойларга — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар, туман ҳокимиятлари зиммасига юклаш керак. Бироқ бу марказдан узоқлашиш, ҳар қандай муаммони ўз хоҳишича ҳал этиш имконини бермайди.

Маълумки, жамиятни демократлаштиришнинг яна бир муҳим шarti одамларнинг ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар суръатлари бир-бирига қанчалик мос бўлиши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни, уларни ҳаётга тадбиқ қилишни авваламбор жамиятнинг ўзи англамоғи ва ҳал қилмоғи даркор. Бу ўринда маҳаллаларнинг ўрни ва ўз-ўзини бошқариш тартиботини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Тарихий тажриба демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Унга тинимсиз интилиш билан ҳаётнинг оғир синовларига бардош бериб эришиш мумкин.

Осиё минтақаси ва мусулмон шарқидаги демократик қадриятлар ва ўзгаришларнинг ривожланиш тажрибаси ўзига хос хусусиятларга ва ўзига хос анъаналарга эга. Шарқда демократия тушунчаси ҳамжиҳатлик гоёси, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминиде шаклланади. «Бизнинг мамлакатимизда, — деб кўрсатган эди И.А.Каримов, — демократик жараёнлар халқимизнинг қонунини ҳурмат қилиши, қонунга итоат этиши каби фазилатларга мос равишда ривожланиши зарур. Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устуник касб этиши даркор.»⁴² Бундай қадриятлар республикамиз шароитида аввало аҳоли зич яшайдиган маҳаллаларда шаклланади. Шунинг учун республикамизда мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ҳаётда, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда маҳаллалар ролинини оширишга катта эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида таъкидланишича, «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллалар ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органи бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини-ўзи бошқариш орган-

ларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади».⁴³

Дарҳақиқат маҳалла — Ўрта Осиёдаги шаҳарлар ичидаги ҳудудий бирлик бўлиб, у бизга ўтмишдан мерос бўлиб қолган. Араблар истилоси ва ислом дини қабул қилинганидан анча илгари пайдо бўлган маҳалла чекланган ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар бирлашмаси бўлиб, унда одамлар фақат қўшничилик ришталари билан эмас, балки юзлаб йиллар давомида яратилган ички тартиб-қоида маънавий ахлоқий нормалар, урф-одатлар ва анъаналар билан белгиланган. Шунинг учун ҳам ундан минглаб кишиларни фаол ижтимоий ҳаётга жалб этишнинг самарали воситаси сифатида фойдаланиш лозим.

Онг ва тафаккур билан боғлиқ бўлган жараёнлар ҳамisha қийинчилик билан амалга оширилган. Жумладан, йиллар мобайнида онгимиз ва тафаккуримизга сингиб кетган танбаллик, имон-ихтиёримизни «юқори»га топшириб қўйиш иллатлари бугунги демократик жараёнларга тўсиқ бўлмоқда. Унинг салбий оқибатлар чуқурлашиб бораётган янгиланишлар моҳиятини англашга, бутунлай янги турмуш тарзининг шаклланишига, инсон ҳақ-ҳуқуқларининг кенгайишига ва жамиятда шахс ролининг ошиб боришига монелик қилмоқда.

Ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини демократиялаш, ўзини ўзи идора қила олиш фазилатларини кучайтириш, ўз ҳаётини ўзи ташкил этиш тамойилларини кундалик фаолиятга айлантириш ниҳоятда мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён. У сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий соҳаларда янги тафаккур тарзини талаб этади. Бу жараён чин маънода ҳар бир фуқаро меҳнати, яратувчилик қобилияти орқали ўз турмушини изга солиши асосида бутун жамият ҳаётини мазмунан янгилаш, унга бутунлай янги қиёфа бахш этиш билан боғлиқ. Бу ўз навбатида жамиятни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органлари фаолиятини тубдан ўзгартиришни, уни миллий анъаналар ва жаҳон тажрибалари асосида қайтадан ташкил этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини учта ҳудудий бўғинга бўлиш мумкин. Биринчи ҳудудий бўғинга халқ депутатлари шаҳар, туманга бўйсунадиган шаҳарлар, шаҳарлардаги туман кенгашлари киради. Иккинчи ҳудудий бўғинга халқ депутатлари туман, Тошкент шаҳридаги туман, шаҳар кенгашлари киради. Учинчи ҳудудий бўғинга эса халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашлари киради.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг барча бўғинлари ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар ва улар қонун билан ўз ихтиёрига берилган инсталлан масалаларни мустақил ҳал қилишга ҳақлидирлар.⁴⁴ Маҳалла ўзини-ўзи бошқаришнинг асосий бўғини. Бу аҳолининг ижтимоий масалаларини ҳал этишда муҳим роль ўйнайди.

Маҳалла Ўрта Осиёда қадимдан ҳудудий-маъмурий бирлик ҳисобланади. Бу ерда ҳар бир яшовчи тақдири, орзу-умиди, ҳаётга ва одамларга муносабати қатъий назоратда турган. Бир-бири билан ҳисоблашиб яшаган. Шу билан бирга маҳаллачилик узоқ анъаналарга ва халқимиз тарихига, унинг бой маънавий-ахлоқий удумларига боғлиқ бўлган улкан ҳаёт мактаби.

Маҳалла бўлиб, бирлашиб, уюшиб яшаш араблар истило-сигача ёки ислом дини қабул қилинишидан анча илгари пайдо бўлган. Маҳалла маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи одамлар уюшмаси бўлиб, унда одамлар фақат қўшничилик муносабатлари билангина эмас, балки минг йиллар мобайнида шаклланган ўзига хос ички тартиб-қоида, маънавий-ахлоқий нормалар, аниқ интизом, урф-одат ва анъаналар билан боғланган.

Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий ҳокимиятлар ролини такомиллаштириш асосида мамлакат демократик жараёнларни чуқурлаштириш мақсадида Олий Кенгашининг 1993 йил сентябрда қабул қилган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун алоҳида аҳамиятга эга туб ислохотлар даврининг энг муҳим ва долзарб талабларига мувофиқ тарзда юзага келган ушбу қонун ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришни ташкил этиш ва уни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам алоҳида таъкидланган. Унинг 105-моддасида «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди» дейилган. Бу билан мамлакатимиз биринчи марта фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқариш органи сифатида эътироф этилди ва уларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди.

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасида ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бажаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва ҳўжалик масалаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тadbирлар ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, мамлакат ҳукуматининг қарорларини бажаришда ёрдамлашади.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ифодаловчи муҳим белгилардан бири ўз фаолиятини ҳудудий тамойил асосида ташкил этишдир.

Маълум бир ҳудуд бирлашган жамоа ўзини ўзи бошқариш идораларини маълум турар-жой мавзеси, қишлоқ, посёлка, кўча ҳудудида ташкил этади.

Мазкур қонуннинг 2-моддасида ҳудудий ёндашишнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида белгиланган. Жумладан, маҳаллалар фаолият кўрсатаётган ҳудудлар фуқароларининг тақлифига кўра

туман, шаҳар ҳокими томонидан белгиланиб, қабул қилинган қарор тегишли ҳокимликлар томонидан тасдиқланади.

Қонун фуқаролар йиғинида ёки мажлисида қарор қабул қилишга имкон берувчи ҳуқуқий меъёрлар ва имтиёзларни кўрсатиб бериди. Фуқаролар йиғини унда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганларнинг камида ярми, вакиллар мажлиси эса делегатларнинг учдан икки қисми қатнашганда қонуний кучга кирилади. Йиғинни раис ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва у ҳокимга юборилади.

Буларнинг ҳаммаси маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари фаолиятининг демократик асослари маҳаллий шароитга яқинлаштирилганини, ортиқча расмийликларга барҳам берилганини ва аҳолининг жамиятни бошқаришда мумкин қадар кўпроқ иштирок этиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Фуқаролар йиғини ваколатлари кенгайтирилди. Улар қонуннинг 17-моддасига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан келишган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иш вақтини аҳолига қулай ҳолда белгилашлари, маъмурий комиссия ташкил этишлари мумкин. Бу мамлакатда фуқаролар фаоллигини ошириш, шу асосда ўз турмушини йўлга қўйиш ва жамият умумий қиёфасини шакллантириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакат «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги 1992 йил, 12 сентябрдаги ҳамда мамлакат «Маҳалла» хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисидаги 1992 йил 8 октябрдаги фармонлари катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Айни пайтда маҳалла кўмиталари ўз ҳудудларида истиқомат қилувчи камбағал оилаларга, ногиронларга, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг миқёсли ишларни олиб бормоқда.

Ҳукумат дастлаб бюджет ҳисобидан 25 миллион сўм маблағ ажратди. Бу жойларда маҳаллалар ролини ошириш, улар фаолиятини такомиллаштириш учун қулай имкониятдир. Кейинги йилларда ҳам одамларнинг турмуш тарзига, уларнинг хулқ ва кайфиятига одатда қишлоқ ва маҳалла комитетларига сайланадиган ҳурматли оқсоқоллар таъсир кўрсатувчи асосий куч эканлигини ҳисобга олиб қишлоқ ва маҳалла комитетларининг роли ва обрўсини янада мустақкамлаш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кўрилди»⁴⁵.

Мамлакатда маҳалла комитетлари раислари ҳамда котибларига ойлик иш ҳақи белгиланди. Қисқа вақтда бу мақсадларга маҳаллий бюджетдан 10 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. 1994 йил охирига келиб республикада 12,4 минг маҳалла шакллантирилди. Улар ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ўзлари ҳақидаги Низомга, маҳаллий ҳоки-

миятнинг маҳалла фуқароларининг йиғилиши ҳақидаги қарорларига амал қилиб иш тута бошладилар.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини такомиллаштириш кундалик ҳаётимизда демократияни чуқурлаштиради, давлат ролини аста-секинлик билан маҳаллий органлар зиммасига юклайди. Бу ҳозирги замон жаҳон илгор тажрибаларига мос келади ва дунёвий давлат тамойилларини бойитади.

Юқорида ўзбекнинг маҳалла-маҳалла бўлиб бирлашиб, ўзини ўзи идора қилиб яшаш тарзининг илдиэлари ғоят чуқур эканлиги таъкидланди. Энди улар фаолиятини янги шароитларда, янгича мазмун билан бойитиш ҳам ҳаётий зарурият бўлиб қолди. Бу борада кейинги йилларда Чилонзор туман ҳокимлиги ва халқ депутатлари туман Кенгаши ибратли ишларни амалга оширди. Улар маҳалла аҳлининг кўп асрлик тажрибаларидан ва энг одилона бошқарув усулидан самарали фойдаланиш мақсадида мавзеларни ҳам маҳаллаларга айлантиришга қарор қилдилар. Туман ҳудудида аввалдан мавжуд бўлган 19 та маҳаллалар қаторига мавзелар ва бир қатор турар-жойларда янгитдан ташкил этилган 25 та маҳалла қўшилди. Улар сони 44 тага етди. Айни пайтда бу ерларда кенг миқёсли ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, маданий тадбирлар амалга оширилди. Булар аҳолини ўз ўзини бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтирмоқда.

Шундай қилиб, 90-йилларнинг ўрталарига келиб, мустақил Ўзбекистоннинг вилоят ва шаҳарлари ҳудудларида ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлган маҳаллалар сони, уларнинг аҳоли ўртасидаги роли ортиб бориши ҳам республикада ижтимоий ҳаётнинг янада демократлашиб бораётганини кўрсатади.

Албатта, кейинги йилларда истиқлол туфайли янгидан, қаддини кўтараётган маҳаллалар ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Буни 1996 йил май-июнь ойларида Ўзбекистонда бўлиб ўтган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар якунлари ҳам кўрсатди.

1996 йил, 2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар якунлари» кўриб чиқилди. Ушбу қарорда кўрсатиб ўтилишича республикада бу муҳим сиёсий тадбирга пухта тайёргарлик кўрилди.

Авалло шуни айтиш керакки, Олий Мажлис Кенгаши 1996 йил 13 март куни фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масаласини махсус муҳокама қилди ва шу асосда зарур ташкилотчилик ишлари олиб борилди⁴⁶. Фуқаролар йиғинлари ва уларнинг раислари сайловини ўтказиш ҳақидаги қонун матни 4 минг нусха атрофида кўпайтирилиб Қорақалпоғистон Жуқарғи Кенгеси, вилоятлар,

шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига амалда фойдаланиш учун ётказиб берилди. Шунингдек, бу тadbирни уюшқoқлик билан ўтказишга доир тавсияномалар ишлаб чиқилди. Бу «Маҳалла» газетасида эълон қилинди. Вилоят, шаҳар ва туманларда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш йигинлари, раислари, улар маслаҳатчилари сайловини ўтказишга доир амалий семинарлар ўтказилди. Ушбу тadbирларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, вилоят ҳокимлари ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти маъсул ходимлари иштирок этдилар.

Семинар-кенгашларда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳокимият вакиллик органларининг ишончли ёрдамчиси тариқасида ўзини кўрсатиб, жамиятда фуқаролик тотувлигини мустаҳкамлашга кўмаклашаётгани алоҳида таъкидланди. Кам даромад оилаларга ва муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатмоқда, ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда маълумотларга кўра, мамлакат қишлоқлари ва овулларида фуқароларнинг 1436, шаҳарларида 117, маҳаллаларда 5402, шу жумладан қишлоқ маҳаллаларида 3305 ўзини-ўзи бошқариш органи бўлиб, уларнинг раислари жамоатчилик асосида иш олиб бора бошладилар.

Самарқанд, Наманган ва Тошкент вилоятларида қишлоқларда каттагина ҳудудни эгаллаганликларини инобатга олган ҳолда ана шу вилоятлар қишлоқ маҳаллаларида ўзини-ўзи бошқариш органлари тузилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш пайтида йигинларнинг амалдаги раислари фаолияти таҳлил этилди. Бу иш хусусан Самарқанд, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятларида яхши ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб мамлакатда 6 минг 955 йигин раиси ва 60 мингдан ортиқ маслаҳатчи сайланди. Қишлоқ, овул ва шаҳарларнинг ва шаҳарлардаги маҳаллаларнинг йигинлари раисларининг 84 фоизидан ортиги шу лавозимига иккинчи муддатга сайланди, бу кўрсаткич маслаҳатчилар орасида 65 фоиздан ортиқрогини ташкил қилди.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг умумий маълумот даражаси анча ошди. Олий маълумотли йигин раислари Қорақалпоғистон республикасида 68,6 фоизни, Тошкент шаҳрида 68,7 фоизни, Навоий вилоятида 87,5 фоизни ташкил этди⁴⁷.

1993 йилги сайловга нисбатан 1996 йилги сайлов компаниясида хотин-қизларни йигин раислиги ва йигин маслаҳатчилари таркибига сайлашга эътибор берилди. Жумладан, йигин раҳбарлари орасида хотин-қизлар миқдори Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро ва Наманган вилоятларида 20 фоиздан кўпроққа, Тошкент шаҳрида эса қарий 2 баробарга ошди.

Бўлиб ўтган сайлов сайловчиларнинг юксак фаоллиги билан ажралиб турди. Йигинлар ишчанлик вазиятида ўтди. Сўзга чиққан кишилар бозор иқтисодиёти босқичма-босқич ўткази-

лаётганлиги, кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати юритилаётганлиги, маънавий қадриятлар ва халқ анъаналари тикланаётганлиги, барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва ижтимоий тотувлик таъминланганлиги учун Ҳукуматга миннатдорчилик сўзларини баён этдилар.

Умуман, фуқаролар йигинлари сайлови компанияси якунларини таҳлил қилиб айтиш мумкинки, йигинлар раислари ва маслаҳатчиларининг бўлиб ўтган сайлови, шунингдек келгуси даврга мўлжалланган фаолият дастурлари кенг муҳокама этилиб қабул қилинганлиги жамиятимизни демократиялаштириш йўлида муҳим қадам, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш шаклини қарор топдириш ва мустақкамлашнинг навбатдаги босқичи бўлиб қолди.

5-§. КАДРЛАР СИЁСАТИДА ЯНГИЧА ЙЎЛ ТУТИЛИШИ

Янги сиёсий тузум ва унинг тузилмалари тамомила янгича тафаккурга эга кадрлар тайёрлаш ва мутлақо янгича кадрлар сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо қила бошлади.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки одимларида ноқ «номенклатура» сўзи ва шу сўз билан боғлиқ кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан воз кечилди. Дарҳақиқат, янги шароитда кадрлар сиёсатида янги йўл тутилишини тақозо қилган муҳим омиллардан бири давлатни бошқаришда мамлакатда юқоридан пастга қараб миллий-давлатчилик тизимига хос янги бошқарув тизими вужудга келганлиги эди. Бу албатта, ҳаётий зарурият сифатида намён бўлган ҳол. Зотан, ҳар қандай жамиятда давлат ва бошқарув, мамлакатнинг ўз Конституциясида кўрсатилганидек, унинг ўз табиатига мос бўлмағи лозим. Бу — бошқарув тизимининг миллий хусусияти. Унинг умумжаҳон тамойиллари ҳам бор. Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, ҳар бир мамлакатда кучли давлат ҳокимияти, юқоридан қўйишга қадар мустақкам бошқарув бўлмаса тинчлик ҳам, осойишталик ҳам, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги барқарорлик ҳам, тараққиёт ва ривожланиш ҳам бўлмайди.

Ана шу қоидалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ юқорида таъкидланганидек, собиқ бошқарув тизимларини миллий-давлат ҳокимияти идоралари билан алмаштириш, уларни замонавий кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди. Бу — **биринчидан**.

Иккинчидан, мустақилликни мустақкамлаш табиий равишда кадрлар сиёсатида аввалда йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ чиқармоқни, кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашни мустақиллик талаблари асосида амалга оширишни тақозо қилар эди. Чунки, мустақилликка эришилгунга қадар кадрлар сиёсатида назария билан амалиёт ўртасида номутоаносиблик мавжуд эди. Бир томондан расмий йиғилишларда маҳаллий кадрлар тарбия-

лашни долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилса-да, иккинчи томондан, амалда унинг тескариси бўлди. Маҳаллий кадрларга ишонмаслик, уларни бадном қилишга ҳаракат қилинди ва бунга маълум даражада эришилди ҳам.

Қарийб 74 йил давомида жамият бошқарувида шундай услуб қарор топдики, мамлакатда сиёсий ҳокимият тепасига янги раҳбар келиши билан ўз фаолиятини албатта аввалгисини танқид қилишдан бошларди. Шу асосда бегуноҳ, ҳалол, виждонан меҳнат қилган сиёсат билан шугулланиш учун вақти бўлмаган меҳнаткаш халқ азият чекарди. Ҳокимият тепасига келган киши хоҳ партия, хоҳ давлат раҳбари бўлсин, унинг айтгани давлат ва партия сиёсатида асосий йўл-йўриқ сифатида қабул қилинар эди. Бу оқибатда ҳамма даражада бошлиқ гапини асослашга хизмат қилувчи мафқуранинг вужудга келишига олиб келдики, бу ҳолат жамиятдаги демократик жараёнларнинг ривожига тўсиқ бўлди. Оқибатда маънавий қашшоқлик, баъзан сиёсий маданиятсизлик, ҳатто гоёвий бебурдлик юз берди, бир қолипдаги ягона мафқура ҳукмронлиги қарор топди. Бундай салбий ҳодиса айниқса 50-йилларнинг иккинчи ярмидан кейин анъанага айланиб кетган эди. 1956 йили КПСС XX съездида шахсга сифиниш ва унинг салбий оқибатларини тугатиш ҳақида махсус қарор қабул қилинди. Шахсга сифинишга қарши кураша туриб, амалда шахсга сифиниш ҳоллари келиб чиқди.

1985 йили бўлиб ўтган КПССнинг апрель Пленумида қарийб аввалги 30 йиллик тарих «турғунлик йиллари» деб танқид остига олинди. Бутун тарихий давр ана шу тамга билан оммавий равишда инкор қилинди. Ачинарлиси шундаки, тузумга, марказий бошқарувга хос бўлган мана шундай нохуш ҳол Ўзбекистон ҳаётида ҳам такрорлана бошланди. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг XVI Пленумида (1984 йил, 24 июль) республиканинг собиқ биринчи котиби Ш. Рашидов асоссиз тарзда танқид остига олинди. Бундай ноқобил иш услуби қуйи бўгин идораларида ҳам юз берди.

Жойларда юз берган мана шундай бир-бирини ноҳолис тарзда инкор қилиш оқибатда сиёсатда давомийликнинг бузилишига олиб келди. Ҳамма даражада биринчи шахс фаолиятини танқид қилиш орқали меҳнаткаш халқнинг виждонан, ҳалол меҳнати инкор қилинди. Муҳими кадрлар қўнимсизлигини вужудга келтирди. Бу мутлақо нотўғри йўл эди.

Аввалги йилларда кадрлар сиёсатида йўл қўйилган иккинчи хатолик кадрларнинг назарий тайёргарлиги, уларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларига етарли эътибор берилмаганликда кўринди. Бу партия ташкилотлари фаолиятида жуда жиддий қусурга айланиб кетган эди. Кадр танлашда ходимнинг одамлар билан ишлаш қобилияти, касб маҳорати эмас, кўпроқ шахсий садоқати биринчи ўринга қўйилди. Натижада раҳбарларнинг замонавий билим савияси, сиёсий етуклиги, маънавий

баркамоллиги, одамларни ишонтириш ва эргаштира олиш фазилатлари эътибордан четга сурилган эди.

Яна шунини ҳам таъкидлаш керакки, кадрлар сиёсатида 70—80-йилларда бир-бирига қарама-қарши икки тенденция намоён бўлди. Бир томондан кадрлар корпусида тургунлик ҳолати анча кучли намоён бўлди. Бир қанча партия комитетлари таркибига, республика министрликлари раҳбариятида, шўро ва хўжалик органлари ходимлари орасида баъзида ўн йиллаб зарур кадрлар ўзгариши рўй бермади. Масалан, Ўзбекистонда 10—15 йиллаб вилоятларнинг биринчи раҳбарлиги лавозимида ишлаган кишилар бўлди. Фақат бу ҳол республика вилоят ва туман даражасида эмас, корхона ва хўжалик раҳбарлигида ҳам юз бердики, оқибатда бундай сунъий тургунлик хизмат мансабини суистеъмол қилишларга олиб келди. Бундан ташқари, халқ хўжалиги бошланғич даражасида яна нохуш ҳол, раҳбар кадрларни тез-тез алмаштириш учрай бошлади. Кадрлар билан жонли иш олиб бориш ўрнига, уларнинг профессионал ўсишида амалий ёрдам бериш ўрнига, уларнинг фаолиятлари ва имкониятлари тўғрисида шошма-шошарлик билан хулосалар чиқарилиди.

Кадрлар сиёсатидаги учинчи жиддий камчилик, раҳбарликнинг барча даражаларида кадрларда марказ буйруғига сўзсиз итоат қилиш туйғуси тарбияланди. Хавфли касалликка айланган бундай ҳолат, хусусан, 80-йиллар бошига келганда ғоят кучайди. Бу даврда марказдан бўлган ҳар бир қўнғироқ, марказнинг «оталарча ғамхўрликлари», «амалий ёрдами» сифатида қабул қилинадиган, айни чоқда марказдан бўлган асоссиз кўрсатмалар эса сўзсиз бажариладиган ҳолат вужудга келди.

Тўртинчидан, кадрлар сиёсатидаги жиддий ҳафлик марказ томонидан миллий республикаларга, жумладан Ўзбекистонга маҳаллий шароитни билмаган кадрларнинг юборилиши бўлди. Масалан, 1988 йил бошларига келиб Ўзбекистонга Москва, Ленинград ва Россиянинг бошқа минтақаларидан 400 дан ортиқ киши партия, касаба уюшмаси ва комсомол ташкилотларида, шунингдек маъмурий органларда ишлаш учун юборилди. Натижада маҳаллий халқ ҳаёти билан, маҳаллий кадрларни ишчанлик қобилияти, ташкилотчилиги, билим даражаси, одамлар билан ишлаш малакаси билан мутлақо таниш бўлмаган кишилар кўпайиб кетди. Улар республикада аҳоли миллий онгини ўстиришга оид ҳар бир чиқишни миллатчилик деб қабул қилдилар. Бу охир-оқибат ёмон аҳволга олиб келди.

Эндиликда, аниқроғи мамлакат мустақил давлат мақомига эга бўлгандан кейин, истиқлол талабларига, Ўзбекистонда қурилажак ҳуқуқий демократик давлат, адолатли, инсонпарвар жамият талабларига мос кадрлар сиёсати ишлаб чиқиши лозим эди. Ўзбекистон Президенти ўз ҳаракат Дастурида ҳозирги замон кадрлар сиёсатидаги асосий йўналишни белгилаб, «биз энди ўз-ўзини бошқарув усулини кенг жорий қиламиз. Маҳалла, қишлоққача ўзини-ўзи бошқариши, мустақил бўлиши за-

рур. Бу бебошлик, бўйсунмаслик дегани эмас. Бунда ҳар қандай раҳбар... халқ олдида, юрт олдида масъул ва жавобгардир, деган қоидадан келиб чиқиши шарт», — деб уқтирди. Бундай кўрсатма республикада амалга ошириладиган кадрлар сиёсати учун асос қилиб олинди, қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Мамлакатда энг аввало, қуйи бошқарув органлари кадрларини давр талабига мос даражада мустақамлашга киришилди. Чунки 80-йиллар охирларида собиқ Марказнинг сафсата аралаш кўрсатмалари ва тавсиялари билан бошқарув тизимида бошбошдоқлик юзага келган эди. Ушанда кўп йиллик партия ҳукмронлиги ёнига шўролар, яъни Кенгашлар ҳукмронлиги қўшилди. Улар эса айни пайтда халқ депутатлари ижроия қўмиталари вазифасини ҳам бажара бошлади. Шу билан бирга, ҳокимият таркибига ижроия қўмиталар ҳам сақлаб қолинди. Натихада қўш ҳокимиятчилик юзага келди. Бу маълум даражада бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бошқарувда бир-бирини такрорлашни, айни чоғда бир-бирига халақит беришни келтириб чиқарди. Бошқача қилиб айтганда жойларда бошқарувчи кўп бўлиб, жавобгар шахс, масъулиятни ўз бўйнига оладиган раҳбар кадр топилмай қолди.

Бу ҳол табиий суръатда жойларда ҳокимлик бошқарувини ташкил қилишни талаб қила бошлади. Шунинг учун 1994 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистон республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида» қонун қабул қилди.

Олий Кенгаш «Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида ижроия ҳокимиятини мустақамлаш зарурлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, туманлари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозими тасвир этилсин:

2. Белгилаб қўйилсинки:

— вилоятларнинг ҳокимлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентига ва Халқ депутатлари тегишли кенгашларига ҳисоб берадилар. Президентнинг жойлардаги расмий вакиллари бўладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар. Ҳамда шундан сўнг тегишли халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланадилар:

— ноҳиялар ва шаҳарларнинг /Тошкент шаҳри бундан мустасно/ ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли ноҳия, шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланадилар», — деган мазмунда қарор қабул қилди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда ҳокимлар бошчилигида халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни умумдавлат манфаатларига мос тарзда, Кенгаш ҳудудида яшаётган фуқароларнинг манфаатла-

ридан келиб чиққан ҳолда, ҳал қиладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини, юқори давлат идораларининг қарорларини амалга оширадилар, — дейилади.

Шундан кейин, қонун талаблари асосида жойларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларини танлаш, тайинлаш ишини амалга ошириш учун ташкилотчилик ишлари амалга оширилди. Аввало бўлажак янги ҳокимларнинг билим даражаси, ташкилотчилик ва тадбиркорлик фазилатлари, халқ ичида обрў-эътиборга эга бўлиш, ишни уддабуронлик билан олиб бориш фазилатлари ҳисобга олинди. Шу маънода Президент девони, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вилоятларда, шаҳар ва туманларда депутатлар ва маҳаллий фаоллар билан жонли, ошқора суҳбат, маслаҳатлашув олиб бордилар.

1991 йил 29 декабрда Тошкентда шаҳар ҳокими этиб А. Фозилбеков сайланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониغا биноан 1994 йил 15 июлдан эътиборан Козим Тўлаганов Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида ишлаб келмоқда. 1992 йил давомида 12 вилоятда Президент тавсияси асосида вилоят ҳокимлари тайинландилар. Шу даврда республиканинг 212 шаҳар ва туманида ҳокимлар тайинландилар.

Ҳокимларнинг кўпчилиги раҳбарлик ишида ва катта ҳаёт тажрибасига эга кишиларни ташкил қилар эди. Айни пайтда ҳокимлар сафига янги кучлар ҳам келиб кўшилди. Масалан, 50 дан ортиқ ҳокимлар биринчи марта туман ва шаҳар раҳбарлигига келган кишилар эдилар. Улар республикада яшовчи турли миллатларнинг вакиллари эди. Жумладан 7 миллат вакили ҳоким — яъни биринчи раҳбар қилиб тасдиқланди.

Янги шароитда раҳбарлик лавозимларига кўплаб янги, ёш кадрлар кўшилди. Бу ҳол мустақиллик шароитида раҳбарликнинг янгича иш услубини уларга ўргатишни тақозо қила бошлади. Шу мақсадда 1992 йил 3 апрелда Тошкентда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг биринчи учрашуви бўлди. Ушбу учрашувда мустақиллик қўлга киритилгандан кейинги даврдаги дастлабки ютуқлар, кадрлар сиёсатининг шаклланиши ва унинг стратегияси атрофича таҳлил қилинди. Мавжуд камчиликлар ва галдаги вазифалар кўриб чиқилди. Чунки, айрим жойларда аввалги партия ва совет ташкилотларидаги эскича услубдан ҳамон воз кечилмаган эди. Масалан, фуқаролар билан ишлаш, уларнинг талаб ва истакларини қондириш борасида жойларда жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётгани учрашувда ташвиш билан қайд қилинди. Масалан, 1992 йилнинг январь-март ойларида мамлакат Президенти қабулига 5000 га яқин киши мурожаат қилгани, бу аввалги йилга нисбатан анча кўп эканлиги айтилди. Энг кўп шикоят ва аризалар билан мурожаат қилувчилар Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари фуқаролари эди. Хатлар мазмунини ўрганиш Президентнинг номига келган умумий шикоят ва аризалари-

нинг 80 фоизини жойларнинг ўзида ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди.

Масалан, Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидан йўлланган хатда бир гуруҳ ўқитувчилар 1989 йилдан буён ер участкаси олишолмаётганлиги ҳақида Президентга шикоят қилинган. Бу масала туман ва вилоят раҳбарлари ҳузурда ижобий ҳал бўлмаган. Оқибатда Президент девони аралашуви билан масала ижобий ҳал қилинди. Иккинчи жаҳон урушининг ногирони фарғоналик М. Йўлдошев уй-жой шароитини яхшилаш юзасидан 1991 йил охирида Президентга хат билан мурожаат қилади. Бироқ Фарғона вилояти ижроия қўмитаси бу масалага масъулиятсизлик билан қараб «аризачининг уруш ногирони эканлигини инobatга олиб тегишли ҳужжатлар билан яшаш жойидан имтиёзли навбатга олиниши таклиф қилинди», деган мазмунда жавоб хати йўллаган. Ваҳоланки, М. Йўлдошев 1988 йилдан буён имтиёзли навбатда турган. Ушбу икки мисол жамиятда туб янгиланиш жараёни бошланганига қарамасдан, жойлардаги ҳокимликларда фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларига эътиборсизлик билан қаралаётганини кўрсатади. Бошқарув шакли ўзгарса-да, эски услуб ўзгармагани, бу оқибат натижада маҳаллий ҳокимият тасарруфига тегишли бўлган кўпдан-кўп масалалар идорама-идора ўтиб юришига олиб келмоқда эди. Бундай услубдан янги шароитда мутлақо воз кечиш янги жамиятнинг қатъий талаби эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Учрашувда Президент И. Каримов қандай тамойиллар ва талаблар асосида кадрлар танлаш лозимлиги ҳақида фикр юритиб, қуйидаги ҳолатларга алоҳида урғу берди.

«Биринчидан: кадрлар масалаларини ҳал қилишга дахлдор кишилар айниқса бизнинг халқларимизнинг кўп миллатли хусусиятларини эътиборга олиши зарур. Кадрларнинг таркиби устида ҳам, биз миллий ва маҳаллий чекланишлардан устун туриш учун ҳам барча чораларни кўришимиз лозим. Бу ўринда республиканинг кўп йиллик шаклланган ҳаёт тарзини, кўп миллатлилиқ хусусиятларини, ўзаро ҳурмаг ва дўстлик ришталарини сақлаб қолиш мақсадларидан келиб чиқиб, иш тутишимиз лозим.

Иккинчидан: биз кадрларни ишбилармонлик фазилатларини етарлича қадрлай билишимиз керак.

Учинчидан: Ҳоким маҳкамасида ҳар бир фуқаро учун эшик очиқ бўлиши шарт... Одамларни арзимас сабабларга кўра сарсон-саргардон қилишга, бевосита ўз зиммасидаги иш учун жавобгарликни ўзидан соқит қилишга уринишига чек қўйиш пайти келди».

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлидан бораётганига тўқтис йил бўлди. Шу йилларда кўплаб мураккаб ва жиддий иқтисодий, маънавий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга тўғри келди. Мавжуд муаммоларни ҳал қилишга киришилар экан, айни чоқда, кадрларни танлаш ва жой-жойига

қўйиш борасида ҳам қатор қийинчиликларга дуч келинди. Шунинг учун ҳам ҳукумат мамлакатда кадрлар сиёсатини замон талабига мос равишда кўтариш, бу борадаги кўрсатмаларни ҳаётга изчил тадбиқ этиш лозимлигини долзарб масала қилиб қўймоқда.

Ўзбекистонда истиқлол йилларида кадрлар тарбиялаш борасида, улар билан ишлашдаги дастлабки тажрибани таҳлил қилар экан, Президент И. Каримов кадрларни уч тоифага бўлади.

Биринчи тоифа — бу ҳозирги оғир вазиятдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган, халқ гами ташвишидан бегона кишилар.

Иккинчи тоифа — бефарқ, лоқайд одамлар бўлиб, улар ҳеч кимга қарши гапирришни, душман орттиришни хоҳламайдиган кимсалар.

Учинчи тоифа — ёш, ташаббускор, куч-гайратга тўла, Ватан равнақи учун фидоийлик билан хизмат қилувчи кадрлар.

Мана шу таҳлилнинг ўзи кўрсатиб турибдики, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш истиқлолни мустаҳкамлаш, мамлакатни янада ривожлантириш манфаатлари нуқтаи назаридан гоят долзарб масаладир.

Амалиёт кадрлар сиёсатида конкрет лавозимларга кишиларни танлашнинг асосий мезонларини аниқлаб олишни, умуман бу борада давлат дастури ва стратегик йўлини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Чунки кадр танлашдек нозик ва масъулиятли вазифа ҳар нарсадан оғир ва у мамлакат тақдирини, халқ келажагини, истиқлол истиқболини белгилайдиган асосий омил ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мамлакатда иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида тадбир ва дастурларни амалга оширилиши мана шу ўрта поғона раҳбар кадрлар фаоллигига боғлиқдир.

Шу ўринда бир нарсани айтиш лозим. Кейинги пайтларда кўпроқ хўжалик ишларни жойлардаги қорхоналар раҳбарлари, мутахассисларнинг ўзлари ҳал қиладиган бўлдилар. Ҳокимлар — халқ тақдирини ўйлаш, майда-чуйда ташвишларга ўралашиб қолмасдан, йирик вазифаларни ҳал қилиш, маданий ва маърифий ишларга тўғри йўналиш бериши ҳаётий заруратга айлана борди.

Шунинг учун ҳам ҳокимлар одамларнинг ташвишларидан, юмушларидан хабардор бўлиб, уларни ўзаро бирлаштириб, руҳлантириб, зарур шароитлар ва маънавий иқлим яратиб, халқ олдида турган вазифалар ижросига сафарбар этиши лозим. Бу **биринчидан**.

Иккинчидан, ислохотларнинг тақдири, уларнинг самараси, авваламбор кадрларнинг малакасига, уларни ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидоийли-

гига боглиқдир. Бугунги ўтиш даврида бу муаммо энг долзарб ва мураккаб масалага айланиб қолди. Бу масалани тўғри ечишга эришилса, халқ ғамини, ташвишини ўз дардидек ҳис қиладиган билимдон, инсофли, диёнатли, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган одамларни жой-жойига қўйиш масаласи ҳал этилса, шубҳасиз, иш яхши кетади. Раҳбарлик лавозими мансаб эмас, аввало одамларга хизмат қилиш масъулияти эканлигини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбарлик дегани, ҳаммадан кўра кўпроқ ишлаб, фуқаро саодати ва юрти равнақи учун елиб-югурадиган фидойи инсон бўлиши керак.

Учинчидан, ҳар бир кадрдаги юксак ахлоқийлик, ҳалоллик, виждоний поклик, камтарлик каби юксак инсоний фазилатлар энг муҳим талаб эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Ҳап кадрлар танлови ва уларни жой-жойига қўйиш ҳақида кетар экан, уларни мунтазам равишда тарбиялаш, бошқаришга ўргатиш хусусида ҳам бориши керак. Чунки, ҳеч ким тайёр раҳбар кадр бўлиб тугилмайди. Уни қатъият ва бардош билан тарбиялаш, ўстирмоқ керак. Ҳар бир ҳаёт сабогидан тўғри, одил хулоса чиқаришга, халқдан ажралмасдан, унинг дарди ўй-фикрига доимо шерик бўлиш руҳида тарбияламоқ лозим. Бир сўз билан айтганда ҳар бир кадрдан одамларга етакчи бўлишлик малакасини изчиллик билан шакллантириб бориш лозим.

Ана шу мақсадларни амалга ошириш учун 1995 йил, сентябрь ойида мамлакат Президенти ҳузурда Давлат ва жамият қурилиши Академияси ташкил қилинди. Академиянинг очилиш маросимида нутқ сўзлар экан. И. Каримов шундай деган эди: «Академия ташкил қилиш, бу шунчаки орзу кетидан қувиш, янги бир институт ташкил этишга нитилиш эмас, балки табиий зарурият, қонуният тақозоси ва ҳаётини эҳтиёждир... Ислохотларни амалга ошириш борасидаги бундан буёнги олга силжишларимиз тобора қийин муаммога бориб тақалиши мумкин. У ҳам бўлса юксак малакали ходимларнинг энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамоат идоралари, банк ва молия тизимини бошқарадиган даражадаги раҳбарларнинг етишмаслиғидир...

Академиянинг вазифаси фақатгина муайян соҳа учун кадр тайёрлаб беришдангина иборат эмас, балки у ўзининг илмий, педагогик салоҳияти асосида бутун маориф тизимини ислохот қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим».

Ҳукумат кўрсатмалари асосида Академия қисқа вақт ичида халқ ҳўжалигининг турли соҳалари учун зарур кадрлар тайёрлашда катта ишларни амалга оширди. Кейинги икки йил мобайнида 300 дан ортиқ ёш мутахассис 10 ойлик курсларда ўқиб, бошқарув сирларини жаҳон амалиёти андозалари даражасида эгаллаб қайтдилар ва турли соҳаларда фаолият кўрсатмоқдалар. Шу даврда Академиянинг малака ошириш курсларида бир неча юзлаб шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирлик ва давлат идоралари ходимлари замонавий бошқарув санъатининг янги қирралари билан танишиб амалиётда қўлламоқдалар.

Ҳозирги замон кадрлар сиёсатига доир яна бир жиҳатга, яъни кадрлар захираси, уни шакллантириш, ундан фойдаланишга ҳам эътибор кучайди.

Кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар шаклланиб бораётган, тузум бошқача қиёфа касб этаётган пайтда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда Президентлик девонида, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасида, вилоят ва туман ҳокимликларида ишлаётганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этмоқда. Кейинги икки йил ичида вазирликлар, концернлар, акционерлик бирлашмалари раҳбарлигига ёш, навқирон, ҳозирги сиёсий ўзгаришлар ва ислохотларнинг туб моҳиятини тўғри англайдиган, ўз вазифаси ва бурчини аниқ тушунадиган ёшлар тайинланди. Бу мамлакатни бошқаришда янги авлоднинг кириб келаётганидан, соғлом маънавий-сиёсий муҳит шаклланаётганидан далолат беради.

Бошбошдоқлик, ўзибўларчилик, турли хилдаги жиноятчилик авж олиб кетганлиги сабабли бир қатор вилоятлар ва туманларда, вазирликлар ва йирик идораларда раҳбарларнинг ўзгартирилиши бундай салбий ҳодисаларга қатъий чек қўйиш, ҳар қандай шароитда ҳам мустақилликни мустаҳкамлаш ва мамлакат равнақини таъминлаш имкониятини бермоқда.

Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик иллатлари билан келиша олмаслик, барча шахсий адоват ва манфаатлардан умумхалқ манфаатини устун қўйишни қатъий талаб қилиш кадрлар сиёсатида муҳим ўрин тутади. Раҳбар энг аввало миллат рамзи, мамлакат обрў-эътиборидир. У ана шундай юксак унвонга муносиб бўлиши учун Халқ, Ватан, Миллат тушунчаларини ҳаммадан чуқурроқ англаши, ҳаммадан кўра кўпроқ фидойи бўлмоғи лозим. Бунинг учун унда, қалбининг туб-тубида садоқат, қатъият бўлмоғи керак. Раҳбар маънавияти, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни хусусида гапирар экан, Ислом Каримов куйиниб бундай дейди: «Садоқатли одам бошига қилч келганда ҳам сўздан, аҳду қароридан қайтмайди. Инсон аввало онласига, халқига, ватанига садоқатли, вафодор бўлиши зарур. Бугунги замонда садоқатли бўлиш қийин. Оқим у томонга тортади, нафс бу томонга, «ўйинчилик» бошқа томонга. Шундай пайтда одам агар мард бўлса, иродаси бақувват бўлса, у ёқ, бу ёққа оғиб юрмайди.

Нима учун бизларда ўйин бўлаяпти? Нима учун ҳар эҳтимолга қарши гоҳ унис билан ўйнаймиз, гоҳ буниси билан? Сабаб шуки, кўпчилик масъул раҳбарларда изчил, ҳаётий позиция, фуқаролик бурчини теран англаш, бугунги давлат сиёсатига аниқ муносабат етишмайди... Раҳбар бўлиш учун авваламбор курашчи бўлиш керак, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиши даркор». Бу шунчаки оддий бир гап эмас. Маҳаллийчилик, тор тушунчалар қобиғидан чиқолмаслик иллатларига буркалиб қолиш ҳоллари бор. Бу сўзнинг тагида мустақиллик машинасининг силжишига халақит бераётганлар, уни атайлаб орқага тор-

тишга интилаётганлар, турли хилдаги найрангбозлару фирибгарлардан халос бўлиш, қатъият ва сабот билан ҳақ йўлдан тўғри бориш ва бу йўлда бирлашиб ҳаракат қилиш орзу-истаги турибди. Унинг замирида ҳамон жойларда амалпарастлик, буйруқбозлик, таъмагирлик ва мунофиқлик йўқолмаётгани, ҳокимлар ва ташкилот раҳбарлари ҳали тўла қувват билан ишламаётганлиги масаласи ётибди.

Бир қисм кадрлар замон шиддатига бардош беролмаяптилар. Бу тоифадаги одамларнинг аксарияти кўп йиллик боқимандалик, сансоларлик кайфиятидан чиқолмаяпти: ҳозиржавоблик, масалани ўз вақтида тўғри ҳал этиш қобилиятига эга эмас. Иложи борича ишни орқага суриш, ходимларни эса ўз феъл-атворига мос равишда ўртамиёна, «куллукчи», «лаббайчи» хилларидан танлашга интилади. Яна бир гуруҳлари эса янгилик билан эскилик орасида чиндан ҳам довдираб қолган. Эскича ишлолмайди, янгиликнинг эса моҳиятини тушунмайди.

Бундай кадрлар ҳақида 1996—1999 йилларда Қорақалпоғистон Жўқорги Кенгеси халқ депутатлари, Жиззах, Сирдарё, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари сессияларида рўйи-рост гапирилди. Раҳбар кадрларнинг яна бир тури ҳам борки, улар ҳақиқатан ҳам мустақиллик фидойилари. Янгича фикрлаш ва янгича ишлаш учун ўзларида қобилият ҳам, ғайрат ва рағбат ҳам сезадилар. Бироқ улар баъзан турли хилдаги тўсиқларга учраб қоладилар. Натижада бор имкониятларини кўрсата олмайдилар. Бу табиий ҳол, ўтиш даврининг табиий қийинчилиги.

Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида бир неча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари, вазирликлар, бирлашма ва концернлар раҳбарлари алмаштирилди. Шу йўл билан давлат бошқарув тизими мустаҳкамланмоқда. Жойларда замонавий фикрлайдиган, туб ислоҳотлар моҳиятини тушунадиган ва уларни амалга оширишга қодир бўлган кадрлар танланмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатда кадрларнинг ижтимоий базаси ҳар қачонгидан кўра кенгайди. Маълумки, 70—80-йилларда раҳбарлик лавозимларига кўплаб мутахассис деб ҳисобланган инженер, агроном, иқтисодчилар тавсия қилинар эдилар. Қоғозда мавжуд бўлган резерв кадрлар ҳам асосан шу тоифа мутахассислар ҳисобига шакллантирилар эди. Эндиликда бу тамойил тўғри келмайди. У республика мустақилликка эришгандан кейин ватан равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлида фидойилик билан меҳнат қилувчи барча табақа мутахассисликларнинг энг яхши вакиллари турли даражадаги раҳбарлик лавозимида самарали фаолият кўрсата бошлади. Шу боис, резерв кадр шакллантиришда турли касб ва мутахассисликлар вакиллариининг энг яхшиларини ҳисобга олиш фойдали бўлиб қолди.

Бундан ташқари мамлакат мустақиллиги бозорга ва мулкчиликнинг турли-туман шаклларига ўтиш шароитларида раҳбарларнинг сифат таркибини яхшилаш учун яна бир имконият

пайдо бўлди. Гап жамиятда юзага келган янги тоифа кишилар — ишбилармонлар, тadbиркорлар хусусида бормоқда. Уларнинг ичида минглаб кишилар куч-гайратини умумманфаатига сарфлашга қодир, ҳаёт тажрибасига ва касб маҳоратига эга бўлган жамиятнинг мавжуд кадрларидир.

Кадрлар захираси шакллантирилаётганда ёш, гайратли, ташаббускор ходимларни ҳисобга олиш билан, айти чоқда маълум даражада тажриба орттирган кишилардан ҳам оқилона фойдаланиладиган бўлди.

1997 йил 10 мартда Вазирлар Маҳкамаси демократия ва бозор ислохотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган Миллий дастур тузиш мақсадида «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тузиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда бутун таълим тизимини ислоҳ қилиш, ишлаб турган ўқув юртларини янги йўналишга солиш ҳамда замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш вазифаси кун тартибидаги бош масала бўлиб қолди.

1997 йил, август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирда ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» қабул қилинди.

Ушбу қарорда ёшларга миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятларни идрок этиш асосида Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш вазифалари ҳам белгилаб берилди.

Шундай қилиб, мамлакатда ривожланишнинг кейинги йилларида шаклланган кадрлар қувватига таянган ҳолда мустақиллик шароитида янгича кадрлар сиёсати ишлаб чиқилди. Агар тараққиётнинг аввалги босқичларида кадрлар танловида асосий мезон сиёсий етуклик, ахлоқий фазилатлар, ташкилотчилик қобилияти бўлса, эндиликда бозор иқтисодига ўтиш жараёнида кадрлардаги бу фазилатлар билан биргаликда улардаги ишбилармонлик, тadbиркорлик, халқ билан узвий боғлиқлик, унинг ижтимоий кафолатини таъминлашга қодирлик биринчи ва асосий мезон ҳисобланадиган бўлди. Шубҳасиз, кадрлар сиёсатидаги бу йўл истиқлолни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули, Т., «Ўзбекистон», 1992, 16-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жорий архиви. Ташкилий ва кадрлар бўлимида сақланаётган ҳисобот, 1994, 15-бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т., «Ўзбекистон», 1992, 23-бет.
4. Халилов Э. Х. Сайлов тизимини ислоҳ қилиш — демократик ҳуқуқий

давлатни барпо қилишда муҳим қадам. ЎзР Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи-семинар кенгаши материаллари, Т., «Ўзбекистон», 1994, 7-бет.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жорий архиви. Ташкилий-кадрлар бўлими Маълумотномаси, 1995, 75-бет.

6-7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи-семинар кенгаши материаллари, Т. «Ўзбекистон», 1994, 12, 35-бетлар.

8. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 6-бет.

9. «Халқ сўзи» газетаси, 1995, 24 февраль.

10. Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазибалари, Т., «Ўзбекистон», 1996, 21—24-бетлар.

11. Чориёров У. Ўзбекистон Республикаси ижроия Ҳокимиятининг Олий идоралари: Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат, Т., «Адолат» 1995, 112—113-бетлар.

12. СССР Олий Совети Ахборотномаси, М., 1990, 12-сон, 75-бет.

13. Уша ерда, 76-бет.

14. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т., «Ўзбекистон», 1992, 17-бет

15. Ўзбекистон Олий Кенгаши Ахборотномаси, Т., 1991, 1—2-сонлар (1178), 9—10-бетлар.

16. Уша Ахборотнома, 1991, 12-сон, 17-бет.

17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992, 87-бет.

18. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990, 31 март.

19. «Халқ сўзи» газетаси, 1995, 6 май.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йилги фаолияти буйича ҳисобот. Олий Мажлис жорий архиви. Кенгашлар ташкилий ишлар бўлими.

21. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1991, 7 сентябрь.

22. «Халқ сўзи» газетаси, 1992, 10 январь.

23. Уша газета, 1992, 14 декабрь.

24. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992, 7 август.

25. «Халқ сўзи» газетаси, 1992, 12 февраль.

26. Уша газета, 1992, 5 май.

27. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990, 30 сентябрь.

28. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992, 4 сентябрь.

29. Уша газета, 1992, 29 октябрь.

30. «Халқ сўзи» газетаси, 1992, 3 февраль.

31. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1991, 1—2 сон (1178), 14-бет.

32. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1990, 9 декабрь. 1991, 13 февраль. «Халқ сўзи» газетаси, 1992, 30 январь, «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992, 10 ноябрь.

33. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1991, 5 март. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1991, 10 сентябрь. «Халқ сўзи» газетаси, 1992, 18 февраль ва 30 март.

34. «Халқ сўзи» газетаси, 1992, 6 май.
35. «Халқ сўзи» газетаси, 1992, 8 апрель.
36. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992, 29 июль.
37. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т., «Ўзбекистон», 1992, 38—39. Уша жойда, 35-б.
40. «Тошкент оқшоми» газетаси, 1994, 16 ноябрь.
41. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ишчи гуруҳи семинар-кенгаши материаллари, Т., «Ўзбекистон» 1994, 126-бет.
42. Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқлолининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 12-бет.
43. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон» 1992, 36-бет.
44. Жалилов Ш. Маҳалла янгиланиш даврида, Т. «Меҳнат», 1995.
45. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1989, 27 сентябрь.
46. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг баённомаси, 14-сон, 1996, 39-бет. (Олий Мажлис жорий архиви, 1996 йил).
47. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 14-сон баённомаси, 1996, 40-бет. (Олий Мажлис жорий архиви).

Мустақил Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси

1-§. ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ

XX асрнинг бошларида Марказий Осиё халқлари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. 1924 йили Туркистон АССРнинг Амударё вилояти ва Хива хонлигининг Хўжайли ҳамда Қўнғирот туманлари ҳудудида Қозоғистон АССР таркибида Қорақалпоғистон Автоном вилояти ташкил этилди. У 1930 йилдан РСФСР таркибига кирди. 1932 йилда Қорақалпоғистон Автоном Республикасига айлантирилди.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлими биноси

Қорақалпоқлар тарихида 1936 йил муҳим сиёсий воқеалар йили сифатида абадий қолади. Чунки, шу йили улар ўз тақдирларини Ўзбекистон ССР таркибига кириш билан белгилади ва ўз танлаган йўлининг истиқболли эканлигини кўрсатди.

СССР тарқалиб кетганидан сўнг мустақил Ўзбекистон таркибидаги суверен Қорақалпоғистон Республикаси мақомини олди. Бу табиий ҳодиса эди. Чунки, асрлар мобайнида қорақалпоқлар билан ўзбек халқи ўртасида дўстлик, қардошлиқ муносабатлари қарор топган, турмуш тарзлари ва дунёқарашларида муштараклик вужудга келган эди. Орол бўйи кенгликларида қадимий ўзбек ва Қорақалпоқ аждодлари биргаликда яшаб, меҳнат қилишди. Ўзларининг тараққиёт йўлларини босиб ўтишди.

Қадимий туркий қавмнинг икки шажараси йиллар мобайнида ҳақиқий оға-иничилик фазилатларини кўрсатдилар, ўзаро муносабатларни чуқурлаштирдилар. Бу икки қавм маънавий-руҳий яқинлигини белгилайдиган асосий омил ва маданиятлар муштараклиги, уларнинг ўзаро яқинлиги эди. Дарҳақиқат, тиллар яқинлиги диллар яқинлигига олиб келди. Маданиятлар бир-бирини бойитди. Қадимий маданият намуналари, умуммиллий қадриятлар, жондошу қондош бўлган ҳар икки миллат учун тарихий аҳамиятга эга бўлган анъаналар шаклланди. Шу асосда иқтисодий ҳамкорлик, ягона иқтисодий макон вужудга келди.

Ўзбекистон таркибида ўтган 60 йиллик тарих Қорақалпоқ халқи учун жиддий ўзгаришлар даври бўлди. Маданий ва маънавий раванқ, санъат ва адабиётдаги юксалиш, қишлоқ хўжалиги ва sanoat ишлаб чиқаришидаги катта ютуқлар бевосита қардош ўзбек халқининг бегараз ёрдами, оғаларча кўмаги билан дунёга келди.

Бироқ, яқин кўшничилик, қардошлиқ ва дўстлик ҳар икки халқ учун қанчалик қимматли бўлмасин, яқин кўшничилик сингари юксак инсоний фазилатлар асрлар синовидан ўтиб, оғир кунларда энг ишончли қурол бўлиб хизмат қилди. Натижада, Совет ҳокимияти йилларидаги маъмурий-буйруқбозлик усули, сохта ва асоссиз миллий сиёсат, «улуғ оға»ларга хос сохта ва юзаки «миллатпарварлик» бу макон халқларининг муносабатларига раҳна сололмади.

Қорақалпоқ ва ўзбек халқи бир неча ўн йилликлар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишда, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни янада чуқурлаштиришда ўз анъаналаридан унумли фойдаланиш йўлини танладилар. Ҳар икки халқ тақдирини, истиқболи бир эканлигини, уларни муштарак орзулар, ягона интилиш бирлаштириб турганлигини очиқ-ойдин кўрсатдилар. Тарихан турли даврларда турли сиёсий ўзгаришлар ва қийинчиликларда тобланган дўстлик ва қардошлиқ муносабатлари бунга асос бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, собиқ СССР даврида миллий масаладаги юзаки ёндошувлар, баландпарвоз шиорлар, асоссиз чақирىқлар фақат «улуғ оға»лар манфаатига хизмат қиларди, холос. Бу шиорлар миллий раванқ, кичик халқларнинг миллий тараққиёти, иттифоқдош республикалар халқларининг миллий эҳтиёжларини қондиришдан узоқ эди. Тотали-

тар давлатчилик пайтида биринчи раҳбар бирон марта ҳам Қорақалпоғистонда бўлмаган, унинг халқи ҳаёти билан танишмаган, унга яқиндан ёрдам бермаган эди.

Юқоридан амалга оширилган бир ёқлама режалаштириш, кичик халқларга бўлган эътиборнинг сустилиги туфайли Қорақалпоғистон собиқ иттифоқ таркибида тараққиёт даражаси энг паст бўлган ўлкага айланди. Иттифоқ ҳукуматининг айби билан қийинчиликлар чуқурлашди, муаммолар устига муаммолар тўпланди. Экологик ҳалокат юзага келди. Амударё сувининг ифлосланиши ва Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар пайдо бўлди.

Тўпланиб қолган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт борасидаги муаммолар тизimini ҳал этишда энг адолатли йўл танланди: ягона замин, ягона мақон бирлаштириб турган, умумий тақдирини муштарак этган Ўзбек ва Қорақалпоқ халқлари ўз тақдирларини абадий бирликда кўришди. Қорақалпоқ халқи миллий давлатчилик асосларини қуришда ҳамда том маънодаги сиёсий ва иқтисодий мустақилликка ўзбек халқи кўмагида эришишди ва ўзининг порлоқ келажagini яратишга киришди. Унинг улкан орзу-умиди бекаму кўст амалга ошадиган бўлди.

Қорақалпоғистон жамоатчилигининг Ўзбекистон таркибида давлат мустақиллиги ва республика мақомининг ҳуқуқий асосига эга бўлишга интилиши Президент Ислам Каримов томонидан қўллаб-қувватланди. Натижада 1990 йил, 14 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ўзининг IV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат суверенитети тўғрисидаги» Декларация қабул қилинди. Мазкур Декларация 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда ўзининг ҳуқуқий асосини топди. Унда Қорақалпоғистоннинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллиги эътироф этилди. Қонунда Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилик, иккитомонлама шартномалар, битимлар ва бошқа қонун актлари асосида мустаҳкамланиши кўрсатиб берилди. Ҳар икки республика ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида (70—75-моддалар) ўз аксини топди. Натижада иккитомонлама ҳурмат асосида қорақалпоқ халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақил тараққиёт ҳамда миллий давлатчиликни мустаҳкамлашдаги роли ошди. Келажакка қатъий ишонч билан қарайдиган, олис истиқболни яратишнинг қафолатини берадиган ҳуқуқий мақомга эга бўлди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланганидек (70-модда) Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилинади.

Конституциянинг 21-моддасига асосан Қорақалпоғистон

Республикаси фуқароси айти пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади. Бу қорақалпоқ халқига Ўзбекистон халқларининг барча ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини беради. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қорақалпоғистон Республикаси тараққиёти учун қатор имкониятлар беради. Масалан, Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида унинг ҳуқуқий вакиллиги мавжуд. 82-моддада мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосарларидан бири — Олий Мажлис депутати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси Раиси ҳисобланади.

Конституциянинг 98-моддасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати раҳбари лавозими бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига кириди. 107-моддага биноан эса Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди таркибига Қорақалпоғистон Республикасининг худди шундай ҳуқуқ органлари кириди. Суд ҳўжатлари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ тилида ҳам олиб борилади (115-модда).

Ўзбекистон Конституциясининг 71-моддасида белгилаб қўйилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга бўлмоғи керак. Ана шу ҳуқуқий асосга кўра Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ўзининг XII сессиясида (1993 йил, 9 апрель) Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини қабул қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳеч қандай монетьлик қилмайди, аксинча уни бош ҳуқуқий асос сифатида билади ва Қорақалпоғистон худудида тўла амал қилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари Қорақалпоғистоннинг бутун худудида мажбурий эканлиги эътироф этилган.

Қорақалпоқ миллий давлатчилиги ўз тараққиёти тарихида биринчи марта ана шундай инсонпарвар, адолатли, демократик имтиёзларга эга бўлди. Айти пайтда у суверен республиканинг барча атрибутларига эга. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил, 14 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида Қорақалпоғистон Давлат байроғи, 1993 йил, 9 апрелда бўлиб ўтган XII сессиясида Давлат тамғаси, 1993 йил, 4 декабрда бўлиб ўтган XIV сессиясида Давлат маҳўияси тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига асосан 1994 йил, 25 декабрда Олий Кенгашнинг 86 депутатдан иборат янги таркиби муқобиллик асосида сайланди. Айти пайтда парламент Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси деб аталади. Жўқарғи Кенгеснинг 1995 йил, 11 январда, Нукус шаҳрида бўлиб ўтган биринчи қақириқ биринчи сессиясида Жўқарғи Кенгес Раиси, унинг ўринбосарлари, мандат комиссияси, 8 кўми-

та раислари ва унинг аъзоларини сайлади. Аини пайтда депутатлар кўмиталар раислари раҳбарлигида республика қонунчилик тизимини яратишда фаол иштирок этмоқдалар.

Хусусан, демократик жамият қуриш, эркин бозор муносабатларини шакллантиришга мўлжалланган муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Жўқарги Кенгес Раиси қошида доимий ҳаракатдаги Кенгаш ташкил қилинган бўлиб, унинг таркибига Жўқарги Кенгес Раиси, раис ўринбосарлари, Министрлар Кенгаши раиси, мандат комиссияси ва кўмиталар раислари киради.

Қорақалпоғистон Республикаси ижроия органи Министрлар Кенгаши ҳисобланади. Унинг таркибига раис, иккита биринчи ўринбосар ва 4 та тармоқ ўринбосарлари киради. Шунингдек, ижроия ҳокимият таркибини Вазирликлар ва қатор тармоқ кўмиталари раҳбарлари ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Кенгаши Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида ўзининг иш олиб боровчи доимий вакилига эга.

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият кўрсатаётган қатор жамоат ташкилотлари бу ерда демократик жараёнларнинг тобора қатор топаётганидан далолат беради. Аини пайтда Республика ҳудудида ҳукуматга қаршли бўлмаган қатор ташкилотлар, жумладан, «Орол ва Амударёни ҳимоя қилиш уюшмаси» «ЭКОСАН» «Аралсос», «Соғлом авлод учун» сингари бир қатор халқаро ташкилотларнинг бўлимлари иш олиб бормоқда.

Аини вақтда шунини таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида Қорақалпоғистонда қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятининг замонавий тизимини вужудга келтиришда дастлабки қаламлар қўйилган бўлсада, ҳали бу борада қатор муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда.

1997 йил, 17 июль куни Нукусда бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарги Кенгесининг навбатдан ташқари сессияси қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти фаолиятларида давом этиб келаётган камчиликларни чуқур таҳлил қилди. Хусусан, қабул қилинган қонун ва қарорларни ҳаётга тўла талбиқ қилинишида, ижроия интизомини қарор топдиришда ҳали жиддий камчиликлар борлиги қайд қилинди.

Шу боис сессияда нутқ сўзлар экан Президент И. Каримов «... Ҳар бир бошқарув тизими, ҳар бир раҳбар орган, аввало ўз тасарруфида белгиланган, топширилган ишлар билан шуғулланишини таъминлаш зарур», — деб кўрсатма берди.

Сессияда Қорақалпоғистон бошқарув тизимида бир қатор камчиликлар мавжудлиги рўйи-рост кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Жўқарги Кенгес ва Министрлар Кенгаши фаолиятларидаги бир-бирини такрорлаш ҳоллари танқид қилинди. Амалий фаолиятга ҳалақат бераётган расмиятчилик, ҳужжатбозлик, бўлар-бўлмас маълумотлар тўплаш каби нуқсонлар тилга олинди.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги расмиятчилик ва тўрачилик иллатларига барҳам бериш алоҳида таъкидланди. Жўқарғи Кенгес амалда тарихга айланиб қолган ва ўтмиш сарқити ҳисобланган — шўролар давридаги «Олий Совет Президиуми» ролини бажараётгани кўрсатиб ўтилди.

Жўқарғи Кенгес кўмиталари фаолияти ўз мақомига ва ўз олдига қўйган вазифаларга мос келмайди. Жумладан, улар муҳокама қилаётган масалаларнинг аксарияти ишлаб чиқаришга доир муаммолардир. Аксинча, қонунчилик билан шуғулланиш, ҳар бир кўмита ўз соҳаси бўйича қонунлар тизимини яратиш лозим.

Қонунчилик ҳокимияти — Жўқарғи Кенгес ўз вазифаси, Ижро ҳокимияти — Министрлар кенгаши ва суд ҳокимиятлари ўз мақоми доирасида иш олиб бормоги лозим. Ана шунда ҳақиқий демократик жамият шаклланади.

2-§. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кўп миллатли Қорақалпоғистон халқининг, ана шу мўътабар юрт кишиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Шу боис мамлакат ҳукумати бу масалада Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдаки 1996 йили ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу Қорақалпоғистон миллий даромадининг 55 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистонга берилаётган молиявий ёрдам миқдори 1994 йилга нисбатан 18 баробар кўпайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон марказий бюджетидан Қорақалпоғистонга берилаётган субвенция, яъни молиявий ёрдам миқдори 9 миллиарддан ошиб сўми, ёки бутун Қорақалпоғистон бюджети харajatларининг 75 фоизини ташкил этмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг амалий ёрдами қорақалпоқ халқининг фидоий меҳнати туфайли кейинги йилларда Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Энг аввало, элда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланди. Ҳамжихатлик билан юрт истиқболи йўлида меҳнат қилишга шароит яратилди.

Республикада мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўла бошлади. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида нодавлат секторнинг ҳиссаси ошиб борди. Айни пайтда саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдода бу кўрсаткич 80—90 фоизни ташкил этмоқда. Республика иқтисодиётининг бошқа йўналишларида ҳам ислохотлар изчил амалга оширила бошланди.

Жумладан, банк тизимида ҳам жиддий ислохотлар амалга оширилди. Бу ерда давлат банклар билан бирга тижорат ва хусусий банклари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Агросаноат банк ва саноат-қурилиш банк ихтисослаштирилган ҳиссадорлик ти-

жорат банкларига айлантирилди. Қорақалпоғистон тарихида биринчи марта ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди.


Қорақалпоғистонда улгуржи ва биржа савдоси билан шуғullanувчи ҳиссадорлик уюшмалари кенг фаолият кўрсатмоқда. Товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва ишбилармонларнинг бутун имкониятларини ишга солиш мақсадида уларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Қорақалпоғистонда 1996 йили 51 та майда улгуржи тизим, шу жумладан 2 та савдо уйи, 13 та майда улгуржи савдо дўконлари ва омборлар, 17 та кўтара савдо бозор ҳамда Ўзбекистон товар хом ашё биржаси Қорақалпоғистон бўлими 19 та супермаркет дўконлари фаолият кўрсатди. 1997 йилнинг биринчи январигача бўлган маълумотларга қараганда хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг умумий ҳажми 330 миллион сўмни ташкил этди. Унинг 20 фоизи республика ижтимоий тараққиётига ажратилди. 50 фоизи эса тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратишга сарфланди. Шу билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси давлат мулкани хусусийлаштириш кўмитаси хусусийлаштирилган корхоналар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 13,8 миллион сўм кредит ажратди.

Бозор фондининг фаолияти сезиларли равишда фаоллашди. 1996 йилда республика фонд биржалари филиалларида 191,6 миллион сўмлик акциялар сотилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат корхоналарини акционерлик жамиятларига айлантириш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришга оид фармонларини бажариш амалда ўз самараларини бера бошлади.

1997 йил, 1 январь ҳолатига қараганда республикада солиқ идоралари томонидан 318 та акционерлик жамиятлари рўйхатга олинди. 1996 йил якунига кўра ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 10355,7 млн. сўмликни ташкил этди, бу 1995 йилга нисбатан 2,2 марта кўпдир.

Жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат корхоналарининг улуши 90 фоизга ўсди. 144 та sanoat корхоналари ва бирлашмаларидан 113 таси мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиб ишлай бошлади, жумладан, хусусий корхоналар 20, жамоа корхоналари 50, давлат акционерлик жамиятлари 41, қўшма корхоналар 2 та бўлди. Кичик ва хусусий корхоналар, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғullanувчи корхоналар ривожланди. Улар бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга мослаша бошладилар. Меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўса бошлади. Республикада 1996 йилда амалдаги нархларда 10754,4 млн. сўмлик sanoat маҳсулоти ишлаб чиқарилди, бу солиштира нархларда олганда 1995 йилдагига нисбатан 101,5 фоизни ташкил этади.



Катекс биноси



Элтекс биноси

1991—1996 йилларда натура кўринишида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам кўпайди, хусусан паст волтли аппаратуралар, йўл қурилиши машиналари эҳтиёт қисмлари, енгил саноат технологик ускуналари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, мебеллар ва бошқалар ана шулар жумласидандир.



Қўнғирот сода заводи қурилиши

Пахтадан ип ишлаб чиқариш, ип газламалари, тайёр трикотаж буюмлар, истеъмол маҳсулотларидан ун, макарон, минерал сувлар ишлаб чиқариш кўпайди.

1996 йилда йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, тошдан безакли материаллар тайёрлаш, қандалатчилик

маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, узум виноси, салқин ичимликлар ва ош тузи ишлаб чиқариш ўсди.

Саноатда бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, 1995 йилда Хўжайли шаҳрида шиша идишлар заводи қурилиб фойдаланишга топширилди, натижада республикага четдан шиша идишларни ташиб келтириш сезиларли даражада камайди.

1996 йилда Қўнғиротдаги «Урга» газ саноати корхонасида газ конденсати ва табиий газ қазиб чиқарилиши бошлаб юборилди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш даражаси 83 фоизга етди. «Қорақалпоққурилиш» акционерлик жамиятида Италия фирмаларининг юқори сифатли жиҳозлари билан жиҳозланган, йилига 60 минг кв. м. мрамор блоклари ва плиталари ишлаб чиқарадиган янги мрамор цехи очилди. «Нукусун» заводида эса спирт ишлаб чиқарадиган янги цех қурилди.

Енгил саноат ишлаб чиқаришининг базиси кенгая борди. 1993 йилда Нукус шаҳрида «Катекс» тўқимачилик мажмуаси, 1995 йилда Эллиққалъа туманида ҳам «Элтекс» номли худди шундай тўқимачилик мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Молиявий қийинчиликларга қарамай қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Нукус ва Қўнғирот ун комбинатлари, Тўртқўлда 3 миллион шартли банка консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод, Эллиққалъа туманида эса шундай қувватга эга бўлган консерва цехи фойдаланишга топширилди.

1995 йилда Қўнғирот туманида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган, йилига 190 минг тонна кальцийли сода ишлаб чиқарадиган завод қурилиши бошланди. Завод таркибида кимёвий йўл билан экологик тоза ва энергия сарфланмайдиган каустик сода ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида 144 та саноат корхонасидан 113 таси мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиб ишлаш бошлади. Нодавлат шаклига ўтиб ишлаётган корхоналарнинг ривожланиш даражаси нисбатан юқори бўлди. Шунингдек, бу корхоналар иқтисодий самарадорлиги, фойда олиш борасида ҳам сезиларли ютуққа эришди. Бу борада хусусий корхоналар айниқса, пешқадамлик қила бошлади.

Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, кўп саноат корхоналарининг асосий ишлаб чиқариш фондлари (дастгоҳлар, механизмлар) маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскиргани сезилиб қолди. Уларнинг эскириш даражаси 35 фоиздан юқори. Энг аввало йигирув-тўқув фабрикалари, гўшт-сут ва озиқ-овқат саноати корхоналари (консерва заводи, вино заводи) ишлаб чиқариш паркларини янгилаш талаб этилади.

Қорақалпоғистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисми қишлоқда истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қаторида аграр секторда ҳам иқтисодий қайта қуриш, бозор муносабатларига ўтиш рўй берди. Қишлоқ хўжа-

лиги илгаригидек, республика иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлиб қолди. 1997 йил 1 январь ҳолатига республикада 263 та қишлоқ хўжалик корхонаси фаолият кўрсатди. Нодавлат секторининг жами ишлаб чиқарилган маҳсулотдаги улуши 98,3 фоизни ташкил этди. Айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, пахта етиштиришда нодавлат корхоналарининг ҳиссаси 97,9 фоизни, дончиликда 98,1 фоизни, картошкачиликда 99,7 фоизни, сабзавотчиликда 98,8 фоизни, полизчиликда 95,1 фоизни, боғдорчиликда 98,5 фоизни, пиллачиликда 100 фоизни, гўшт етиштиришда 98,9 фоизни, сут ва тухум ишлаб чиқаришда 99,4 фоизни, қорақўл тери ва жун етиштиришда 100 фоизни ташкил этди.

Деҳқончиликда экин майдонларининг таркиби ўзгарди. Агар 1991 йилда ғалла майдонлари экин майдонларининг 27,1 фоизини (жумладан, бугдой 1,9) ташкил этган бўлса, 1996 йилнинг охирида бу 35,8 фоизга етди (бугдой майдонлари 8,3 фоиз). Шу давр мобайнида бугдой етиштириш 13,6 минг тонна, яъни 3 марта, картошка 6,7 минг тонна ёки 2,3 марта, сабзавот 11,4 минг тонна, узум етиштириш 4 мартага кўпайди. Республика озиқ-овқат мажмуасида шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг ҳиссаси тобора кўпайди.

Шу билан бирга чорвачиликда аҳвол анча мушкуллашди. Мурақаб иқлим шароити туфайли республикада кейинги йилларда ҳайвонлар сони камайди. 1991—1996 йилларда хўжаликлар, давлат хўжаликлари, ижара корхоналари, кооперативларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида 22 минг 588 бош йирик шохли қорамол, 23 минг 236 чўчқа, 176 минг 603 бош қўй ва эчкилар йўқотилди.

Қорақалпоғистонда деҳқон фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича етарли тажриба тўпланди. Масалан, Эллиққалъа туманида деҳқонларга ер, ишлаб чиқариш воситалари ва етиштирилган маҳсулотларга эгалик қилиш имконини бериш мақсадида мавжуд 14 та жамоа хўжаликлари деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилди. Деҳқонларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ерлар узоқ муддатга ижарага берилди. Ана шу тажрибани маъқуллаб, Ўзбекистон ҳукумати махсус қарор қабул қилди. Хўжалик юритишнинг бу янги усули бошқа вилоятларда яхши натижа берди. Лекин, Қорақалпоғистоннинг ўзида ана шу тажрибани оммалаштиришга мутлақо эътибор берилмади. Оқибатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмида уларнинг ҳиссаси ниҳоятда кам бўлди. Бунинг асосий сабаби фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи корхоналар яхши ишламади, бўрдоқчилик базаси суст ривожланди, зотдор ҳайвонларни кўпайтириш қониқарсиз аҳволда, моддий-техника ва пул маблағлари билан таъминлаш паст даражада, агротехника ва зооветеринария хизмати кўрсатиш жуда бўш ташкил этилди.

Кейинги 6 йил ичида инвестиция фаолиятида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Капитал қурилишда корхоналарнинг маб-

лаглари ҳисобидаги қурилишлар ҳажми кўпайиб, бюджет маблағининг ҳиссаси камайди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ишлаб чиқариш корхоналари қурилишига ажратилган маблағлар ноишлаб чиқариш объектларига ажратилган маблағга нисбатан анча кўп бўлди. Масалан, 1995 йилда ишлаб чиқариш корхоналари қурилишига ажратилган маблағ 61,2 фоизни ташкил этган бўлса, 1996 йилда бу 78 фоизга етди. Бир вақтнинг ўзида ноишлаб чиқариш объектлари учун ажратилган маблағлар миқдори 38,8 фоиздан 22 фоизгача камайди.

Республикада истиқлол йилларида ташқи иқтисодий алоқаларга ҳам катта эътибор берилди. Масалан, 1996 йилдаги ташқи савдо обороти 228,4 млн. АҚШ долларини ташкил этди, бу 1995 йилдагига нисбатан 3,7 марта кўп бўлди.

1996 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг ташқи савдодаги асосий шериклари ҳиссаси Россия 11,4 фоиз, АҚШ 14,1 фоиз, Жанубий Корея 11,1 фоиз, Швейцария 9,4 фоиз, Нидерландия 7,2 фоизни ташкил этди.

Экспорт қилинган товарлар ҳажми 122,9 миллион долларга тенг бўлди. Унинг ташқи савдо оборотидаги улуши 53,8 фоизни ташкил этди. Фарб мамлакатларига экспорт қилинган хом ашё 113,6 миллион АҚШ долларини, яқин Фарб мамлакатларига жўнатилганлари эса 9,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Узоқ Фарбга асосан пахта толаси, толадан олинган маҳсулотлар, қайта ишланган нефть маҳсулотлари сотилди. Пахта толаси жами экспорт маҳсулотларининг 95 фоизини ташкил этди.

Ташқи савдо оборотида импортнинг салмоғи 1996 йилда 46,2 фоизни ташкил қилди. Унинг ҳажми 1995 йилдагига нисбатан 3,4 марта кўпайди. Импорт маҳсулотлари таркибида асосан халқ истеъмол моллари 60,9 фоиз, қора ва рангли металлар 18,9 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 13,1 фоизни ташкил этди.

Узоқ Фарб мамлакатларидан келтирилган маҳсулотлар 70,1 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, бу жами импортнинг 66,4 фоизини ташкил қилди. Яқин хорижий мамлакатлардан республиканинг 130 корхоналари орқали 35,4 миллион долларлик маҳсулотлар олиб келинди. Яқин хорижий мамлакатлардан асосан шакар, бугдой, машина ва жиҳозлар, агрегатлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, қувурлар, автомашиналар, ишлаб чиқаришни комплектовчи материаллар ва бошқа турдаги маҳсулотлар келтирилди.

Булар мустақилликнинг олти йилида қўлга киритилган дастлабки ютуқлар. Бироқ, республиканинг ҳали фойдаланилмаган, иқтисодий ёлпи ривожлантиришга муҳим омил бўлган имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти.

3-§. ИЖТИМОЙ СОҲАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Мустақиллик йилларида республикада ижтимоий соҳалар ривожланишига эътибор кучайди. 1991—1996 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида маълум демографик ўзгаришлар рўй берди. Тугилиш (минг киши ҳисобида) 1991 йилдан 36,4 дан 1996 йилда 25,0 кишига қисқарди. Тугилишнинг камайиши ўз ўрнида республика аҳолисининг ўсиш даражасига таъсир этди. Жумладан, Ўзбекистоннинг вилоятлар ичида аҳоли ўсиши энг паст бўлган Тошкент вилоятидан (23,4) пасайиб кетди (18,6). Демографик ўзгаришнинг асосий сабабларидан бири тугилишнинг камайиши, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва экологик яшаш шароитларига боғлиқдир. 1991—1996 йилларда республикадан (келганларни чиқариб ташлаганда) 26,7 минг киши кўчиб кетган. 1997 йил 1 январь ҳолати бўйича республика аҳолиси 143 минг 764 кишини, шундан шаҳар аҳолиси 694,1 минг кишини, қишлоқ аҳолиси 74 минг 363 кишини ташкил этди. 1996 йилда аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 1,36 фоизга тенг бўлди.

Ишсизлар сони ҳар йили ўзгариб турибди, 1996 йил охирида улар 4,2 минг кишига етди. 1996 йилда 16 минг ишчи ўринлари яратилди, жумладан, қишлоқ жойларида 8,5 мингта. Бу эса шаҳар ва туман меҳнат биржаларига мурожаат қилган фуқароларни иш билан таъминлаш имконини берди.

1996 йилда аҳоли жон бошига пул даромадлари 9628,8 сўмни, харажатлар эса 6300 сўмни ташкил этди ёки 1995 йилга нисбатан 2,2 ва 2,3 марта кўпайди.

Даромадларнинг кўпайиши истеъмол бозоридаги вазиятни жонлантirdи. Аҳоли жон бошига товар айланиши ҳажми амалдаги нархларда 5 минг 36 сўмликни ташкил қилди ва 2,1 мартага, солиштира нархларда эса 8,8 фоизга ўсди. Пуллик хизмат 2,8 марта, маиший хизмат 2,7 мартага кўпайиб жон бошига 679 ва 108 сўмни ташкил этди. Лекин шунга қарамасдан аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичидан 2,2 марта кам бўлди.

1996 йилда аҳолига 7,2 миллиард сўмлик истеъмол моллари сотилган. Бу амалдаги нархларда 1995 йилдагига нисбатан 2,1 марта кўп. Товар айланишининг жами ҳажми 10,3 фоизга ёки 350,5 миллион сўмликка кўпайди. Товар оборот ҳажмида давлат секторининг улуши пасайиб, нодавлат секториники ўсиб борди. Расмий савдо тармоқларига нисбатан истеъмол ва буюм бозорларида ҳолат анча яхшиланди, жами товар оборотида уларнинг улуши 20 фоизга етди.

Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи изчил ўсиб борди. 1996 йилда у 1409 сўмдан 2761,1 сўмга етди ёки 1,96 марта кўпайди.

Республика тиббиёти эришган натижалардан энг муҳими — оналар ўлими сони камайди. «Ҳомиладор аёлларни ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича миллий Дастур»и ҳамда

«Ёш авлодни соғломлаштириш комплекс Дастури»нинг ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги натижасида 1996 йилда оналар ўлими 1991 йилдагига нисбатан 4,4 марта, чақалоқлар ўлими эса 1,8 мартага камайди. Ҳомиладор аёлларнинг 56 фоизи стационарларда туғишгача бўлган даволанишдан ўтказилди.

Республикада жарроҳлик, махсус даволаш амбулатория марказлари ташкил топди.

Тармоқни молиялаштиришда давлат маблағлари билан бирга нодавлат манбаларидан ҳам фойдаланилмоқда. Хўжалик ҳисобида, яқка тартибда, кооператив усулда ишлайдиган тиббиёт тармоқлари кенгайиб бормоқда. «Медтехника», «Оптика», «Тибтаъминот» дорихона муассасалари тўла давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди.

Лекин шу билан бирга республикадаги экологик танглик туфайли аҳолининг касалланиши камаймади. Масалан, бу кўрсаткич 1996 йилда 1991 йилга нисбатан 26,3 фоизга кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси билан 1992 йилда Нукусда Орол муаммосига бағишланган халқаро илмий конференция бўлди. Бу конференция қарорларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 2 сентябрда «Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидagi табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ечишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 405-сонли қарор қабул қилди. Бу қарорнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати катта куч сарфлади. Қорақалпоғистон Республикаси аҳоли пунктларини электрлаштириш тўла ҳал қилинди. 1992—1996 йилларда Туямўйин сув омборидан республика аҳоли пунктларига 2 минг 885 километр водопровод тармоғи олиб келинди, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 59,5 фоизга етди. Шу йилларда 16,3 километр канализация ва 4057,5 километр газ тармоқлари ётқизилди. Республика аҳолисининг табиий газ билан таъминланиши 85,4 фоизни, шу жумладан, шаҳарда 99,4 фоизни, қишлоқда 72,4 фоизни ташкил этди.

1991—1996 йилларда Қорақалпоғистонда кўплаб соғлиқни сақлаш объектлари, касалхоналар, поликлиникалар, туғруқхона ва турар-жойлар бинолари қурилди. Оролбўйи аҳолисига инсонпарварлик ёрдами берили бошланди, касалхона ва поликлиникалар шундай таъминотдан фойдалана бошладилар.

Қорақалпоғистон халқи И. А. Каримовнинг БМТ минбаридан туриб дунё мамлакатларини Орол денгизини сақлаб қолишга қарата чақириғини катта қониқиш билан кутиб олди. Унинг ташаббуси билан 1994 йил (14 январ) Нукусда Марказий Осиёнинг бешта давлат Президентлари ҳамда Россия Федерациясининг вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувда Оролга ва Оролбўйи аҳолисига амалий ёрдам бериш масаласи муҳокама этилди. 1995 йил сентябрда И. А. Каримов ташаббуси билан

Нукусда ўтказилган халқаро конференция эса тарихий воқеа бўлди. Бу анжуманнинг асосий ҳужжатларидан бири — Нукус Декларацияси бўлиб, унда бутун дунё жамоатчилиги эътибори Орол муаммосига қаратилди.

1997 йил март ойида Алматида Марказий Осиё республикалари Кенгаши йиғилиши бўлди. Бу йиғилишда ҳам И. А. Каримов ташаббуси билан Оролбўйи халқларига ижтимоий муаммоларини ечишда амалий ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳукуматининг Оролбўйи муаммолари тўғрисидаги ташаббуслари ерлик халқлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Амударё бўйидаги меҳнаткашлар экологик вазиятнинг яхшиланишига, халқаро форумларда Орол денгизи муаммоларини ҳал қилишга доир қабул қилинган қарорлар ўз самарасини беришига қатъий ишонч билдирмоқдалар. Белги-ланган чора-тадбирларни тезда амалга ошириш натижасида қишлоқ жойларида, саноатда меҳнат унумдорлиги ўсаяпти, ишлаб чиқариш ривожланыпти, аҳолининг иш билан бандлиги ошмоқда.

4-§. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ, ФАН ВА МАДАНИЯТ

Қорақалпоқ халқи қадимий ва бой тарихга эга. Унинг миллий маданияти, жозибали санъати, мумтоз адабиёти, қадриятлари, удум ва анъаналари оламга машҳурдир.

Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқи жуда кўп қадриятларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди. Адолат ва тенглик, озодлик ва эрк учун курашган Ерناзар Олакўз, Оллаёр Дўстназаров сингари халқ қаҳрамонларининг — жасоратли, ўт юракли қорақалпоқ фарзандларининг орзу-армонлари амалга ошди.

Миллий маданият ва маънавиятнинг қарор топишига, қорақалпоқ халқининг классик шоирлари Бердақ, Ажиниёз боболар ижодий меросларининг тўла тикланишига, азиз хотираларининг улуғланишига йўл очиб берди.

Бугунги кунда Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов, Тиловберген Жумамуратов каби қорақалпоқ ёзувчи ва шоирларининг асарлари халқларимиз маънавий хазинасидан муносиб жой олди.

Собир Камолов, раҳматли Чаржау Абдиоров каби йирик олимлар Ўзбекистон фани ривожига жуда катта ҳисса қўшдилар.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон маданий ҳаётида ҳам жиддий ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, аввало халқ таълими тизимида юз берган ўзгаришларни таъкидлаш ўринли. Бугунги кунда республика халқ таълими тизими миллий уйғониш, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожига хизмат қилишда етакчи рол ўйнамоқда.

Республикада янги типдаги ўрта умумтаълим муассасала-

ри — лицейлар, гимназиялар ва алоҳида фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар тез ривожланмоқда. 1996 йил охирида республикада 743 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатди, шу жумладан, айрим фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар 1991 йилда 31 та бўлган бўлса, 1996 йилда 169 тага етди, лицей ва гимназиялар 19 тага етди. Ўтган йилнинг ўзида ўқувчилар сони 1743 нафарга кўпайди.

Барча қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида тракторчи-машинистлар тайёрлаш чегараланиб, ўрнига турли минтақалар учун зарур бўлган кадрлар тайёрлашга эътибор кучайтирилди. Миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга, гилам тўқиш, керамик буюмлар тайёрлаш, ғанчкорлар ва бошқа шу каби ҳунар эгаларини тайёрлашга аҳамият берилди бошланди.

Республикадаги 22 та ўрта махсус ўқув юртларида, шу жумладан, кундузги бўлимда 11,8 минг ўқувчи таълим олмоқда. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат Университети ҳамда Ажиниёз номи Нукус Давлат педагогика олийгоҳларида олий маълумотли мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ўқув юртларининг кундузги бўлимларида 9 минг нафар талаба ўқимокда. Университетда қишлоқ ҳўжалиги ва тиббиёт ихтисослиги бўйича факультетлар мавжуд.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларига қарамай республика ҳукумати халқ таълими моддий-техника базасини мустақамлаш чора-тадбирларини кўрмоқда. Кейинги 6 йилда 42 минг 778 ўринли мактаб, 6 минг 660 ўринли боғча, 6 минг 840 ўринли ҳунар-техника билим юрти бинолари қуриб фойдаланишга топширилди. Биргина 1996 йилнинг ўзида эса 3126 ўринли мактаб қуриб ишга туширилди.

1991—1996 йилларда фан соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлди. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоқ филиалига Қорақалпоқ бўлими мақоми берилди. Унинг таркибида илгари 3 та институт мавжуд бўлган бўлса, яна иккита институт қўшилди. Тарих, археология ва этнография ҳамда биоэкология институтлари ҳам шу бўлим таркибига кирди. Ботаника боғи бўлинмасига эса бўлим мақоми берилди. 1994 йилда эса Фанлар Академияси таркибига Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли тажриба институти ва тиббиёт клиникаси ҳам киритилди.

Фанлар Академиясида ташкил этилган бундай тадбирлар олимларга табиий ва ижтимоий фанларни янада ривожлантириш, халқ ҳўжалиги ва маданиятни юксалтиришда муайян муваффақиятларни қўлга киритишга ёрдам берди. Қорақалпоқ фанида эришилган ютуқлар ҳамда тўрт жыллик «Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғати»ни яратишдаги хизматлари учун фанлар академияси бўлимининг 4 нафар илмий ходимлари (М. Қаландаров, Р. Есемуратова, А. Тўрабоев, Д. Қозоқбоев) 1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг Беруний номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг Қорақалпоқ бўлими ташкил этилди. Унинг таркибига Ш. Мусаев номидаги Чимбой ер ишлари институти ҳамда шолчилик ва чорвачилик институтларининг филиаллари киритилди.

Нукусда САНИИРИнинг бўлими фаолият кўрсатмоқда. Республика олий ўқув юртларида ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда Тошкент олимлари кўмагида катта миқдордаги юқори малакали мутахассислар тайёрланди. Республикадаги 60 нафар фан докторлари ва 600 нафар фан номзодларидан деярли 30 фойизи Ўзбекистон мустақиллиги йилларида илмий даража олдилар. Илгари фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланган Ч. А. Абдиров, С. К. Камолов, А. Б. Бахиевлар қаторига 1994—2000 йилларда Т. Ешанов, А. Даулетов, У Ҳамидов ва Ж. Бозорбоев ҳам қабул қилиндилар. 1997 йилда эса икки нафар расом (Ж. Изентаев ва Ж. Қуттимуратов) Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясининг академиклигига сайландилар.

Республикада юқори малакали кадрлар ўсишида айниқса, ижтимоий фанлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тарих ва археология, этнография, тил ва адабиёт бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларининг ҳимоя қилувчи ихтисослашган Кенгашларнинг ташкил этилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республика олимлари кейинги йилларда чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Республика Фанлар Академиясининг Қорақалпоқ бўлими биоэкология институти ходимлари Германия олимлари билан биргаликда 1993 йилдан бери Оролбўйи экологияси муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Тарих, археология ва этнография институти Австралиянинг Сидней университети олимлари ҳамда француз археологлари билан биргаликда иш олиб бормоқдалар. 1995 йилда Мўйноқда Германия Федератив Республикаси ёрдамида биоэкология институтининг халқаро экология станцияси очилди.

Мустақил Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг долзарб масалалари республика шоир ва ёзувчилари ижодида катта ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброим Юсупов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қаипбергановлар қаторига янги номлар келиб кўшилди. Сагинбай Иброҳимов, Кенесбой Раҳмонов каби шоирлар, Гулойша Есемуратова, Узарбой Абдураҳмонов, Муратбой Низановлар ана шулар жумласидандир.

1993 йил январда Тошкентда Қорақалпоғистон маданияти кунлари, ноябрь ойида эса Қорақалпоғистонда Тошкент маданияти кунлари ўтказилди. Бу тадбирлар Нукус ва Тошкент маданият ходимлари фаолиятини бир-бирларига яқинлаштирди.

1996 йилда Қорақалпоқ хореографияси тарихида биринчи марта «Ойжамол» номли қорақалпоқ балети (Н. Мухаммединова мусиқаси, Т. Ходжаев асари) саҳналаштирилди. 1996 йилда Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги олдида ўтказилган «Ўзбекистон—Ватаним маним» кўшиқ-танловида ёш кўшиқчи Роза Кутекеева «Мустақиллик гуллари» кўшиғи билан иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни олди. Шу йили яна Амир Темур ролининг энг яхши ижроси учун конкурсида Бердақ номидаги драма театри артисти Бозорбой Узоқберганов қатнашиб, биринчи ўринни олди. Бу мисоллар Қорақалпоғистон санъаткорлари мустақиллик йилларида эришган муваффақиятлардан далолат беради.

Қорақалпоғистон санъатида эришилган муваффақиятларни кенг тарғиб этишда Рассомлар уюшмаси, И. В. Савицкий номидаги санъат музейи, тарих-ўлкашунослик музейи катта ишларни олиб бормоқда.

Молиявий қийинчиликларга, қогоз тақчиллигига қарамай Қорақалпоғистон Жўқарғи Кенгес, Министрлар Кенгашининг «Ёрқин Қорақалпоғистон», «Қорақалпоғистон хабарлари» газеталари, ёзувчилар уюшмасининг «Амударё» журнали, «Республика Фанлар академиясининг Қорақалпоқ бўлими хабарлари» илгаригидек мунтазам чиқарилмоқда. 1991 йилдан республикада ҳукуматга қаршли бўлмаган «Орол қизлари» журнали чоп этила бошлади.

1991—1996 йилларда Нукус шаҳрининг 60 йиллиги, Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллиги, Ажиниёз Қосибой ўглининг 170 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги кенг нишонланди. Булар ўзбек ва қорақалпоқ халқлари дўстлигининг рамзий белгиларидир. Булар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон тарихидаги энг муҳим воқеалар, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги дўстлик рамзидир.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг Нукус шаҳри 60 йиллиги байрамида: «Ўзбекистон тақдири бу — Қорақалпоғистон тақдиридир, ўзбек халқининг тақдири бу — қорақалпоқ халқининг келажакдир» деган оташнафас сўзлари қорақалпоқ халқи хотирасида абадий сақланиб қолади.

Бугун Қорақалпоқ халқи шуни яхши биладики, унинг амалдаги суверенитети, мустақиллиги фақат Ўзбекистон билан бирга бўлгандагина таъмирланиши мумкин. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ халқи ўз тақдирини ўзбек халқи ва Ўзбекистон билан абадий боғлаган. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Конституциялари бунинг ёрқин қафолатидир.

**Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши.
Фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши.**

**1-§. ДЕМОКРАТИЯНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ.
Кўппартиявийлик**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган кенг қамровли ўзгаришларни мушоҳада қилар эканмиз, истиқлолнинг ҳаётбахш заминида мамлакатда янги демократик кадриятлар илдиз отганини, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва унинг эрки асоси бўлган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига мос замонавий тузилмалар шаклланишини қайд қилмоқ лозим.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, энг аввало демократия, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни, ҳозирги замон жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларининг бориши ва демократик тамойиллар ҳусусида фикрлашиб олмоқ лозим.

Демократия — кишилик тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан бошлаб унинг эрку иродасини, хоҳиш-истагини белгилайдиган мезон бўлиб келмоқда. Албатта, бу борада кишилик жамияти шаклланиш давридан тортиб то цивилизациялашган турмуш тарзи, ҳар жиҳатдан чуқур илдиз отган давлатчилик ва шу асосда маълум тартиб-қоидага кириб қолган аниқ йўналишлар ўртасида катта фарқ бор.

Чунки, асрлар мобайнида вақт ўтгани сайин одамлар дунёқараши ўзгариб, талаб-эҳтиёжлари табиий равишда ошиб борди. Бу инсоннинг эркин ва озод яшаш каби эҳтиёжининг маҳсулидир.

Демократия бевосита жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа жиҳатлари билан бирга ана шу жамиятни ташкил этган аҳоли умумий дунёқарашини ўзида мужассам этади. Ҳар қандай давлат ўз ҳуқуқий асосига, сиёсий режимига, бошқарувидаги аниқ тамойилларига эга бўлмаса, фуқаролар эса ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга жамият ва давлат олдидаги, ўз мамлакатини истиқболи йўлидаги вазифалари ва бурчларини тўла англаб олмаган тақдирда демократия том маънодаги мазмунига ва жаҳон тажрибасида исбот қилинган моҳиятига эга бўла олмайди.

Жаҳон давлатчилиги тажрибалари тобора бойиб, халқнинг ўзлигини англаш жараёни тезлашиб боргани сайин демократиянинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳусусидаги мунозаралар кескин авж олди. Айниқса, XX аср кишилик тарихида

кескин бурилиш ясади. Ер куррасида икки қарама-қарши ижтимоий-сиёсий тузумнинг пайдо бўлиши дунё давлатчилиги тажрибасида ва жаҳон халқлари тафаккурида кескин бурилиш ясади. Икки лагерь ўртасидаги сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва мафкуравий рақобат туфайли бир қатор халқаро ташкилотларнинг пайдо бўлишига, инсон ҳақ-ҳуқуқларини маълум бир тартибга солиб туришга, уни ҳимоя қилишга эҳтиёж сезилди.

Тоталитар тузум шароитида инсон ҳуқуқларининг чекланганлиги, мафкуравий яккахокимлик жамият маънавий тараққиётини чеклаб қўйди. Иккинчидан, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида озодлик учун кураш, миллий давлатчиликка замин яратиш ва шу асосда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама баркамол демократик жамиятни вужудга келтиришга интилиш кучайди. Натижада ана шу қитъаларда миллий озодлик ҳаракатлари авж олди. Бу ҳаракатлар заминида инсониятнинг азалий орзу-умиди — озодлик ва ҳурриятга эришиш, эркин яшаш эҳтиёжи ётарди.

Қадим Шарқда азалдан ҳуқуқий демократик давлатчилик ва фуқаролик жамиятининг турли элементлари мавжуд эди. Бунга узоқ ўтмишимизда бир қатор сулолалар давлатчилигини мисол келтириш мумкин. Бу даврларда ҳақиқат ва адолат гоёси ниҳоятда баланд кўтарилгани ва бутун мамлакатда аниқ тартиб-интизом ўрнатилгани натижасида инсон ҳаёти, аҳоли турмуши кафолатланганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Агар ана шу даврларда сўз ва фикр эркинлиги, гоёлар қарама-қаршилиги мавжуд бўлмаганда эди, бу қадимий маконда фан, маданият ва маънавият жаҳон тараққиётида бу даражада кучли таъсир кўрсатмаган бўлур эди. Шарқ уйғониш даври ва кескин юксалиш пайтларида дунёвий илмлар билан Ислом маданияти назарияси ва фалсафаси уйғун ҳолда тараққий топди, турмуш тарзимизга айланиб қолди. Акс ҳолда Ислом динининг буюк намояндалари, уламолари ва фузалоларининг дунё тан олган асосий кўпчилиги қадимий Турон заминида етишиб чиқмас эди. Бу бизга «дин афъондир» деб ўргатиб келинган, бизни худосизликка — имонсизликка ва эътиқодсизликка даъват этган ёлгон мафкуранинг ёлгон умридан дарак берганидек, Ислом дини ва Шарқ турмуши фалсафасининг абадиятини, ҳақиқати ва қадриятини белгилайди. Соҳибқирон Амир Темурнинг биргина «*куч — адолатда*» деган сўзида ҳуқуқий демократик давлатнинг ҳам, фуқаролик жамиятининг ҳам инсоннинг яшаш ҳуқуқи ва унинг барча эркинликлари ҳамда ҳозирги замон демократик ҳаракатларнинг энг илғор тажрибалари мужассам бўлган.

Албатта бу анча-мунча мунозарали масала. Мамлакатимизда янги тарихий шароитларда янгича давлатчилик қарор топаётган бир пайтда демократия, фуқаролик жамияти, аҳоли ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар турли соҳа мутахассислари ўртасида турлича талқин этилмоқда. Бироқ, ҳар

қандай хулосалардан қатъий назар қадимий Шарқ давлатчилигида инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқлари кўп жиҳатдан ҳимоя қилинган ҳамда ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб инсон озодлиги ва хатти-ҳаракатлар эркинлиги таъмин этилган эди. Бу айни демократик жамиятнинг муҳим ва асосий белгиларидан ҳисобланади.

Биз бугун янги тарихий шароитларда яшаяпмиз. Жаҳон демократик жараёнлари тобора чуқурлашган, унинг имкониятлари анча кенгайган. одамларнинг онглилик даражаси бирмунча ошган бир пайтда яшаяпмиз. Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мамлакатлараро, минтақалараро ва қитъалараро таъсири тобора кучайиб бораётган бир шароитда кун кечираяпмиз. Буларнинг барчаси инсон онги, тафаккури ва қалбини ҳеч қачон четлаб ўтмайди. Энди демократиянинг шунчаки оддий эркинлик, ҳуррият, озодлик деган тушунчалари ва айни пайтда халқ ҳокимияти деган мазмуни ҳам бир мунча ўзгармоқда. Жумладан, демократиянинг маданияти, маърифати одамлар ўртасидаги муносабатлардан тортиб дунёвий муаммоларни ҳал этишгача бўлган низо, муроса ва яқдиллик, унинг иқтисод, сиёсат ва фикрлар хилма-хиллиги шароитидаги вазифалари анча кенгайди.

Бизнинг яқин ўтмишимиз жаҳон демократик меъёрларига мос келадиган инсон эрки ва яшаш ҳуқуқини чегаралаб қўйган эди. Мислсиз зўравонликка таянган коммунистик сиёсат табиатан озодликни ёқтирмас ва том маънодаги демократияни тан олмас эди. Америкалик сиёсатчи Диана Ревич таъбири билан айтганда, *«Тоталитар сиёсий тузумлар суствлик ва лоқайдлик кайфиятини ривожлантиради. Тузум итоаткор ва лаббайгўй фуқароларни шакллантиришга интилади. Бундан фарқи ўлароқ демократик жамиятнинг фуқаролик маданияти алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг эркин равишда ихтиёр этган фаолияти туфайли шаклланади. Озод жамият фуқаролари ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қиладилар, ўз ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва ўз ҳаётлари учун маъсулиятни ўз зиммаларига оладилар»*. Ана шу маъсулият одамнинг жамият олдидаги бурчини ҳам, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларни ҳам белгилайди.

Ўтиш даврида, айниқса, тоталитар тузумдан эркин фуқаролик тузумига ўтаётган бир шароитда демократияни англаш, унинг бутун моҳиятини тушуниш ва маъсулиятини зиммага олиш анча қийин иш. Ижтимоий ҳаёт, мамлакатда юз бераётган жиддий ўзгаришлар ва инсон ҳаётининг дахлеизлиги бевосита янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Одамлар эса ана шу муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш жараёнида ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб бораверади. Жамият тараққиётига мос равишда аҳоли «тарбияланиб», шаклланиб, баркамоллашиб боради. Айни пайтда биз худди ана шундай жараёнларни бидан кечираяпмиз.

Демократиянинг муросачилик ва яқдиллик маданияти мам-

лакат ички ҳаётида ҳам, ташқи сиёсатида ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, одамлар — мамлакат фуқаролари ўртасидаги муносабатлар қанчалик илиқ бўлса, умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бирлашиб, муаммоларни ҳал этишда оқилона фаолият кўрсатилса, барча учун умумий бўлган вазифалар олдида масъулият чуқур ҳис қилинса — бу демократиянинг мамлакат ички ҳаётидаги маданиятини белгилайди.

Демократиянинг ташқи сиёсатдаги кўриниши бу бевосита давлат раҳбарининг дунё муаммоларини ҳал этишдаги фаолиятида акс этади. Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги фаолиятида айниқса ушбу жиҳатлар эътиборни тортади:

— ҳар қандай можароли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан фикр алмашиш ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган ҳулосаларга келиш;

— ҳар қандай зўравонликларга, тазйиқ ва куч ишлатишларга қарши равишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш — демакки, шарқона демократия тамойиллари асосида иш юришиш. Дарҳақиқат, Шарқда, Шарқ давлатчилигида ҳар қандай зўравонликлардан холи йўсинда масалаларни ақл-идрок билан, рўй-рост ва ошқора мулоқот қилиш асосида ҳал этиш тамойиллари мавжуд.

Ўзбекистон раҳбарининг халқаро сиёсати ҳозирги замон жаҳон демократик ҳаракатларининг илғор тажрибаларига мос келади. Бу йўл ҳар қандай зўравонлик ва куч ишлатишни рад этиш билан бирга, жаҳон сиёсати маданиятини оширишга даъват этиш орқали сиёсатга демократик тамойилларни олиб киришининг ўзбекона йўлидир.

Демократия доимий ҳаракатдаги ҳодисадир. Айни пайтда у жамият тараққиёти ва мавжуд сиёсий режим таъсирида ўзини ўзи тўлдириб, бойитиб, янги тарихий шароитларда янги мазмун касб этиб борувчи воқеликдир. Мухтасар қилиб айтганда демократия тажрибага асосланган ва доимий равишда мазмунан бойиб, баркамоллашиб, моҳияти чуқурлашиб борадиган фаолиятдир.

Энди ҳақли равишда савол тугилади. Хўш, Ўзбекистон демократиянинг қайси йўналишларидан бормоқда? Ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, фуқаролик жамиятини вужудга келтириш олий мақсад экан, унга эришишнинг ягона йўли демократияни чуқурлаштиришдир. Айни пайтда Ўзбекистонда давлатчиликнинг бу жиҳатига қандай қаралмоқда?

Биринчидан, демократик жамиятни барпо этишнинг халқаро тамойиллари, дунё ҳамжамияти эътироф этган йўриқлари мавжуд. Бу бевосита фуқаронинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш ҳуқуқига эгаллиги, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг миллати, элати, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устиворлиги, сайлов

ва сайланиш ҳуқуқи ва бошқалардир. Булар қарийб барча мамлакатлар конституцияларида қатъий белгилаб қўйилган тартиб-қоидалардир. Бироқ, маълум бир мамлакатда демократияни жорий этишда фақат шунинг ўзи кифоя қиладими? Фақат шунинг ўзи аҳоли барча эҳтиёжларини, маънавий-руҳий оламини қамраб ола оладими? Йўқ! Чунки, ҳар бир халқнинг ўз турмуш ва тафаккур тарзи, тарихий анъаналари, ҳаётга муносабати ва бошқа жиҳатларидан келиб чиқиб, демократияга ёндошиш усули бор. Шу маънода Президентимиз: «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар гоят ноҳус ҳатто фожеали натижаларга олиб келади. Инқилобни гарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди», деганида демократияни жорий этишнинг юртимизда ўзбекона тамойиллари шаклланаётганини кўрсатади.

Иккинчидан, Ўзбекистон мустақилликка эришгач бир қатор мамлакатлар — жумладан, Туркия, Олмония, Англия, Франция ва бошқа давлатларнинг демократик тараққиёт йўллари билан яқиндан танишди. Бу мамлакатларда демократиянинг ибратли ва ўрганишга арзирли тажрибалари мавжуд. Бироқ Ўзбекистон Президенти бу масалада ўзининг муносабатини аниқ ва равшан баён этди. Ҳар бир миллат ўз миллий руҳиятидан келиб чиқиб бу масалага ёндошиши зарур. Айниқса, ўзбеклар сингари жуда қадимий миллат ва жуда бой анъаналарга эга халқ эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик оғир натижаларга олиб келиши мумкинлигини уқтирди ва «одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси ва суръатлари бир-бирига қанчалик мутаносиб бўлишига боғлиқдир.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, демократик жараёнларни четдан нусха олиб кўр-кўрона кўчириш асло самара бермайди. Аксинча, бундай йўл чалқаш ва хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин»лигини (И. Каримов) кўрсатиб берди.

Учинчидан, ҳурриятга муносабатда ҳам бошқалардан андоза олиш, мамлакат туб аҳолиси руҳиятини ҳисобга олмаслик раҳбарни ҳам, аҳолини ҳам, бутун мамлакатни ҳам боши берк кўчага киритиб қўяди. Гарб демократиясини Шарқ мамлакатларида кўр-кўрона жорий этиш мумкин эмас. Унга тақлид қилиш қутилмаган фожиаларга олиб келиши мумкин. Бунинг аччиқ натижаларини Тожикистон мисолида кўраяпмиз. Эркинлик ниқобидаги бошбошдоқликка йўл бериш, давлат ва бошқарув апаратининг беҳад кучсизланиши ва бўшашиб кетиши, ҳокимият жилонининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши минг-минглаб хонадонлар бошига қулфат келтирди.

Тўртинчидан, одатда якка-якка шахсларнинг руҳий кечин-

малари, хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворидан умумжамият кайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Мустақиллик ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган, янгича маънавий, сиёсий муҳит шаклланаётган бир пайтда бу муҳим аҳамият касб этади. Энди ҳар галгидан ҳам хушёрроқ бўлишимиз, қўлга киритган буюк неъматни асрай олишимиз керак.

Хатти-ҳаракатлар, интилишлар ҳар қандай шароитда ҳам умумхалқ манфаатини ҳисобга олиб, унга таянсагина қадриятга айланади. Қадриятлар эса бебаҳо мулк. Уларни халқ яратади, халқ баҳолайди, ўзи асраб-авайлайди. Демократия худди ана шундай буюк неъмат. Уни олий қадрият сифатида тушуниш, унга бўлган муносабат ҳар бир фуқаронинг ички маданиятидан, маънавий-ахлоқий қиёфасидан, демакки, бутун миллатнинг умумий маданий савиясидан, сиёсий ва ижтимоий фаолигидан далолат беради.

Мухолифларимиз сўз ва фикр эркинлиги зарур, деб даъво қиладилар, узоқ-яқиндан айюҳаннос солишади. Бироқ, улар ҳеч нарса билан чегараланмаган сўз ва фикр эркинлиги ноўрин ва беўхшовгина бўлиб қолмай, балки у халқ бошига чексиз кулфатлар келтириши ҳам мумкинлигини тушунмайдилар ёки тушунишни истамайдилар. Бу ҳақда ўйлаганда беихтиёр атоқли файласуф Андре Жиднинг «Эркин фикрлаш имкониятига эга бўлиш учун энг аввало хатти-ҳаракатларимиз оғир оқибатларга олиб келмаслиги кафолатига эга бўлмоқ лозим», — деган сўзлари ёдга тушади.

Демократияни Президент ёки ҳукумат бир фармон ё қарор билан, парламент бир қонун билан ўрнатиб бермайди. Уни халқ ўзи учун ўз ақл-идроки ва заковати билан яратади.

Демократияни англаш — шахснинг ҳамма учун бирдай зарур бўлган қонунларга тўла риоя этиш, аниқ тартиб-интизомга таяниб яшаш салоҳияти. Демократия бизни инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган барча қонунларга бўйсуниб яшашни ўргатади.

Демократия фақатгина сиёсий, ҳуқуқий ёки ижтимоий категория эмас. Айни пайтда у маънавий-ахлоқий категориядир. Демократия—бу ҳокимиятсизлик ёки сепаратизм эмас! У давлат бирлиги ва Конституция асосидаги қатъий тартиб-интизомдир.

Эркинлик, демократия ўзига ҳаммани бўйсундирмаслиги, ҳаммани забт этмаслиги, балки у ақл-идроққа бош эгиши, унинг йўриғида юриши лозим. Бинобарин, биз энг аввало эркинликни, демократияни тарбиялашимиз керак. Чунки, у соғлом фикрлар ва шаклланган ақл-идроқ таъсирида бўлсагина бизни тарбиялаши, жамиятни соғломлаштириши мумкин.

Қолаверса, ҳар бир халқнинг фикрлаш даражаси воқеа ва ҳодисаларга муносабати, уни баҳолаш тарзи, ўзининг тарихий келиб чиқиши, қадимий анъаналар асосида шаклланган турмуш тарзи ва табиати билан белгиланади. Фарб демократиясида

очикдан-очик муносабат, Шарқ демократиясида эса аксинча— андишалилик, Фарбда ота-онасини сенсираш, Шарқда эса ўзидан катталарга, раҳбарга ҳурмат билан қараш, ақл билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Умуман, ҳаёт тарзи, анъаналар ҳамма вақт ҳар бир мамлакат халқларининг хулқ-атворини шакллантиради. Хатти-ҳаракатини, воқеаларга муносабатини одатга айлантиради, миллатнинг қон-қонига сингиб кетади, минг бир ҳужайрасидан жой олади. Демак, Мағрибдаги турмуш тарзини зўрлаб Машриққа тиқиштириш, Машриқ ҳаётини Мағрибга кўчириш мумкин эмас.

Айримлар Ўзбекистонни Америка Қўшма Штатлари, Олмония, Франция, Англия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги аҳвол билан солиштирадilar. Бу унчалик тўғри муқояса эмас. Биринчидан, мазкур мамлакатларда чинакам, рисолагагидек демократия мавжудлигига ҳеч ким кафолат бермайди. Сабаби, ҳаёт борки, қайсидир даражада «тартиббузарлик» содир бўлади. Инсоннинг табиати шундай. Бундай ҳолат фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳам, фуқароларнинг ўзаро муносабатларида ҳам юз бермоқда. Қолаверса, бу мамлакатларда инсон ҳуқуқлари, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар борасида тўпланган тажрибалар, амалга оширилган ишлар икки юз ва ундан ортиқ йиллар маҳсули эканлиги ҳаммага аён! Мустақил Ўзбекистондан тарихан жуда қисқа вақт ичида Фарб давлатларидагидек кенг миқёсли тadbирларни амалга оширишни талаб этиш ақлга сигмайди. Одамлар дунёқарашни, фикрлаш тарзи ва онглик даражасини бир кун ё бир йилда ўзгартириш сира мумкин эмас.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу ривожланган мамлакатлар мустақилликка эришган давр билан бугунги кун ижтимоий-сиёсий жараёнларининг турличалиги, одамлар дунёқарашни ва онглик даражасидаги ўзгаришларни таққослаганда яққолроқ кўринади. Мазкур ривожланган мамлакатларга нисбатан Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни вужудга келтириш жараёни анча тез, шиддатлироқ тарзда бормоқда.

Ана шундан келиб чиқиб Президент Ислам Каримов: «...демократия ўз-ўзидан вужудга келмайди. Демократияга тинимсиз ақлий ва jisмоний меҳнат қилиб, тер тўкиб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдан тотиб, қийин, айтиш мумкинки, ҳатто фожеали тажрибаларни ҳам бошдан ўтказиб, оғир синов ва курашларга мардона бардош берибгина эришиш мумкин», деган эди. Зеро, ана шу жуда мураккаб жараёнга ҳамма ва ҳар бир киши алоҳида тайёргарлик кўриши, ўзини тайёрлаб бориши, энг муҳими, ўзини ўзи ички бир маънавий қудрат билан тарбиялаб бориши керак. **«Демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга тadbик қилишни ҳамда уларни ҳимоялаш зарурлигини авваламбор жамиятнинг ўзи англамоғи даркор.** Ана шунинг ўзи бизнинг жамият олдидаги, янгиланаётган ҳаёт олдидаги ва келажак олдидаги вазифаларимизни белгилайди.

Мустақиллик йилларида давлат ҳаётининг янги демократик ҳуқуқий асослари яратилди. Давлат тушунчаси, унинг маъно, моҳияти тубдан ўзгарди. У ислоҳотларнинг бош ташаббускори, ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий кучга айланди.

Давлат бозор муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга оширмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи сайлов тизими шаклланди ва қонун билан мустаҳкамланди. Жумладан, дунёда энг ривожланган демократик давлатларда ҳам Ўзбекистонда қабул қилинган «Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга ўхшаш қонунлар йўқ.

1994 йил охири, 1995 йил январида Ўзбекистон тарихида биринчи марта мамлакат Парламенти — Олий Мажлисга, Маҳаллий вакиллик органларига очиқ, демократик сайловлар ўтказилди.

Сайловлар халқимизнинг сиёсий савияси фаоллиги юксалиб бораётганини намойиш этди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, халқнинг ҳаётий тажрибаларига миллий ва маданий анъаналарига мос тушадиган ҳақиқий демократия тамойиллари қарор топмоқда. Умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги тобора мустаҳкамланмоқда, янги демократик мезонлар ҳаётга тобора чуқурроқ кириб бормоқда, инсон ҳақ-ҳақуқлари ва эрки конституцияси йўли билан кафолат топмоқда. Миллати, дини, сиёсий эътиқодидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро тенг ҳуқуққа эгадир. Республикада яшовчи аҳоли Ўзбекистон ўзларининг умумий хонадони эканини тобора теран англамоқда.

Ўзбекистон ҳудудида 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч ва аҳил яшаётгани қувонарлидир. Ёшлар Олий ўқув юртиларида, мактабларда 8 тилда таълим олишмоқда, кўплаб тилларда газеталар чоп этилмоқда, телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар олиб борилмоқда. Республикада яшовчи миллат ва элатларнинг манфаатини ифода этувчи 100 га яқин маданий миллий марказлар ишлаб турибди.

Фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига амал қилинмоқда, республикада 14 та диний конфессия фаолият кўрсатмоқда.

Юқоридагилар шубҳасиз ислоҳотлар жараёнида республикада янги демократик сиёсий тизимнинг асослари яратилганини яққол кўрсатиб турибди.

Маълумки, демократик тартибот сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг кенг тарқалган замонавий шаклидир. Унда демократия институтлари, сиёсий эркинликлар бўлишига, меҳнаткашларнинг турли ташкилотлар атрофида бирлашишига имкон берилади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Парламенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида мамлакатда

аввало кўппартиялилик, ошкораликни фуқароларнинг жамоат ташкилотлари орқали ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган муҳим қонунлар қабул қилди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (1991 йил 14 июнь), «Жамоат ташкилотлари тўғрисида» (1991 йил 15 февраль), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1991 йил, 14 июнь), «Касаба уюшмалари» улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида» (1992 йил, 2 июль) қонунлари ана шулар жумласидандир.

Олий Мажлиснинг 1996 йил декабрда бўлган VII сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун умумхалқ муҳокама-сидан сўнг қабул қилинди. Жумладан, қонунда: «Сиёсий партия — қарашлари, қизиқишлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимия-тини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон фуқаролари-нинг кўнгилли бирлашмасидир», — дейилади.

Бугунги кунда республикада аҳолининг турли тоифаларини бирлаштирган 4 та сиёсий партия ва «Халқ бирлиги» (1995) жамоатчилик ҳаракати фаолият кўрсата бошлади.

Жумладан, **Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)** Ўзбекистон Мустақиллиги йилларида шаклланди. Бу партия 1991 йил 1 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис курултойида тузилган. Ушбу курултойда унинг Дастури, Низоми қабул қилинди. ХДПси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1991 йил 15 ноябрда рўйхатга олинган.

Партия мамлакатда адолатли жамият қуриш, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустақамлаш, Ўзбекистон халқлари ўртасида тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувли-гини таъминлаш, ҳар бир меҳнатқашнинг моддий ва маънавий турмушини яхшилаш, фуқароларнинг тенг конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистон ХДПсининг олий органи — курултой 5 йилда бир марта чақирилади. Унда партиянинг раҳбар органлари сайланади.

Ўзбекистон ХДП парламент партиясидир. Ўз аъзоларидан Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар пайтида номзодлар кўрсатиб давлат ҳокимияти органларининг барча бўғинларида иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил, 24 февралдаги қарори билан партиянинг 69 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинди.

1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайланган депутатлардан 48 нафари Халқ Демократик партиясига мансуб аъзолардир.

Ҳозирда Ўзбекистон ХДПси таркибида 218 вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, 13 минг 665 бошланғич, жумладан, 3952

худудий ташкилотлар иш олиб бормоқда. Унинг 420 мингга яқин аъзоси бор.

Ўзбекистон ХДПсининг «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали мавжуд.

Ўзбекистон истиқлоли йилларида сиёсий куч сифатида шаклланган партиялардан яна бири «Ватан тараққиёти» (ВТП) партиясидир. У 1992 йил 24 майда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида тузилган. Ушбу қурултойда унинг Дастури, Низоми қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1992 йил, 10 июлда рўйхатга олган.

Партиянинг асосий мақсади мустақил Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий демократия принципларига асосланган, янги ижтимоий муносабатлар қарор топган адолатли фуқаролик жамиятини қуришдир. Партия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўз Низоми ва республиканинг бошқа амалдаги қонунларига мувофиқ амалга оширади. Партия фаолияти ўз-ўзини бошқариш, ошқоралик, қонунийлик, хайрихоҳлик, партия ҳаётида фаол қатнашиш, партия аъзоларининг тенг ҳуқуқлилик таъминлариغا асосланади.

Унинг ижтимоий қатлами зиёлилар, тadbиркорлар, ишбилармонлар ва фермерлар ўрта табақа мулкдорлардир. Партиянинг олий органи Қурултой, қуйи органи эса бошланғич партия ташкилоти йиғилиши.

Партия ўзининг аъзоларини Олий Мажлисга, маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар вақтида номзод этиб кўрсатади ва давлат ҳокимияти органининг фаолиятида иштирок этади.

1995 йил 24 февралда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида партиянинг 14 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинди. Партия фракцияси партия Марказий Кенгаши Пленумлари, Қурултойлари қарорларига амал қилади, улар олдида ўз иши юзасидан белгиланган тартибда ҳисоб беради.

Бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган масалалар юзасидан ҳамкорликда иш олиб боради.

1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлардан 20 нафари «Ватан тараққиёти» партиясига мансуб аъзолардир.

Ҳозирда ВТП таркибида Қорақалпоғистон Республикасида барча вилоятларда, шаҳар ва район партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Партия аъзолари 35 минг кишидан ортиқдир. Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясининг нашри «Ватан» газетасидир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидир. (СДП) У 1995 йил, 18 февралда Тошкентда бўлиб ўтган I таъсис Қурултойида тузилган. Ушбу Қурултойда унинг

Дастури ва Низоми қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1995 йил, 18 февралда рўйхатга олган.

Партиянинг асосий мақсади мустақил Ўзбекистон Республикасида барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатига мос келадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан етук, демократия тамойилларига асосланган адолатли, фуқаролик жамият қуришда фаол иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 24 февралдаги қарори билан ушбу партиянинг 47 кишидан иборат Олий Мажлис депутатлари фракцияси рўйхатга олинди. Партия фракцияси «Адолат» СДП мажлислари, кенгашлари ва қурултойлари қарорларига амал қилиб, улар олдида ўз ишлари юзасидан белгиланган тартибда ҳисобот беради. Бошқа сиёсий партияларнинг фракциялари билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамкорлик қилишлари мумкин.

1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлардан 11 нафари «Адолат» социал-демократик партиясига мансуб аъзолардир.

Ўзбекистон «Адолат» СДПси сафида 30 мингдан ортиқ аъзо бор. Қорақалпоғистон Республикасида, барча вилоятларда, шунингдек 175 шаҳар ва туманларда партия Кенгашлари тузилган. Жойларда 1000 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДПси Сиёсий кенгашининг биринчи котиби Турғунпўлат Даминов. Партиянинг «Адолат» номли ижтимоий-сиёсий ҳафталик газетаси мавжуд.

Ўзбекистонда шаклланган ёш партиялардан бири — **Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидир. (МТДП)** У 1995 йил, 3 июнда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида тузилган. Ушбу қурултойда партия Дастури ва Низоми қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1995 йил, 9 июнда рўйхатга олган.

Партиянинг бош мақсади миллий манфаатлар миллий яқдилликни таъминлаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб кириш учун халқни сафарбар қилиш. МТДП миллатнинг ўз-ўзини англаши, фуқароларда Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини тўла шакллантириш, бозор муносабатларига асосланган янги жамият қуриш, миллий тикланиш йўлидан ривожланишга эришиш, миллий мерос ва анъаналарни рўёбга чиқариш, миллатни илмий, техникавий салоҳиятини юксалтириш ва демократик жамият қуриш учун курашади.

1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайланган депутатлардан 10 нафари Миллий тикланиш демократик партиясига мансуб аъзолардир.

1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлардан 110 нафари ҳоки-



Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти

www.ziyouz.com kutubxonasi



Қиғъалараро учрашув. И. Каримов АҚШ Президенти Б. Клинтон билан суҳбатда.



И. А. Каримов Россия Федерациясининг Президенти В. Путин билан



Ўзбекистон Президенти И. Каримов Франция сафарига.



Японияда учрашув.



Киев. И. А. Каримов ва Л. Кучма. Ҳамкорликнинг янги даври.



Болгария. Икки президент мўлоқоти



ЕХХТ йиғилиши. Истамбул саммити.



«6 + 2» учрашуви. Жаҳон етисотида ушкан воқеа.

CONSIGLIO EUROPEO

Firenze, Fortezza da Basso 21-22 giugno 1999



Самарқанд, Бухоро, Хива, Рим — инсон тафаккури қудратининг маҳсули.



Олмония заминадагъ Илк қадам. Узбекистон Президентини танта-




А. Ж. Корс II Франсуа



Ф. А. Турополитаси



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси. Мўъжиза сарчашмаси.



орүү



Ўзбекистон - Геронд ҳамкорлиги.







Темурийлар даври тарихи музейининг очилиш маросими. 1996 йил



Тошкент шаҳар ҳокимияти биноси — миллий меъморчиликда
яшиш босқичи



Оқсарой — Ўзбекистон давлати маъмурий биноси.



Янги лойиҳалар, янги режалар.



Гафаккур дақиқалари Президент И. Каримов
ва атоқли адиб Ч. Абдуматов

мият вакиллик органларининг, 16 нафари эса ташаббускор гуруҳларнинг вакиллари дидир.

Ўзбекистон МТДПсининг олий органи 5 йилда чақирилди диган қурултой бўлиб, унда раҳбар органлар сайланди. Ҳозирда жойларда партия ташкилотлари ва бўғинлари иш олиб бормоқда. Унинг 6 мингга яқин аъзоси бор. Ўзбекистон МТДПсининг «Миллий тикланиш» ҳафталик газетаси фаолият кўрсатмоқда.

Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўзига хос алоҳида нуфузга ва бетакрор мавқега эга бўлган партиядан бири Фидокорлар миллий-демократик партиясидир. У мазкур партиясининг 1998 йил 28 декабрда бўлиб ўтган I-таъсис Қурултойида тузилган. Ушбу Қурултойда унинг Дастури ва Низоми қабул қилинган. Унга Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан сиёсий партия сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида 1999 йил 4 январь куни 354-рақамли гувоҳнома берилган. «Партиянинг вужудга келиши ва фаолият кўрсатишидан бош мақсад — деб таъкидланади партия Низомида — партия дастурида белгиланганидек, кўп укладли иқтисодиётга, миллий ва умуминсоний қадриятларга таянган фуқаролик жамиятини қуриш жараёнига ҳамда унга хизмат қиладиган демократик-ҳуқуқий давлатни барпо этиш ишига амалий ҳисса қўшишидир». Ушбу бош мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳозирги вақтда жойларда мазкур партиясининг 2000 бошланғич ҳудудий ташкилотлари, 202 та туман ва шаҳар партия ташкилотлари ҳамда 14 вилоят мақомига эга партия ташкилотлари фаолият кўрсатаёпти.

Фидокорлар Миллий демократик партиясининг Бош Котиби Эркин Норбўтаев. Партиянинг «Фидокор» номли ижтимоий-сиёсий газетаси мавжуд.

1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатлардан 34 нафари Фидокорлар миллий демократик партиясига мансуб аъзолар дидир. 2000 йил 9 январь куни бўлиб ўтган сайловда Ислом Абдуганиевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди ҳам айнан Фидокорлар миллий-демократик партиясидан кўрсатилди. Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ҳам ўз вакили Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод қилиб кўрсатган эди. Халқаро миқёсда умум эътироф этилган демократик тамойилларга тўлиқ риоя қилинган ҳолда хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг назорати остида ўта одилона тарзда, муқобиллик асосида ўтказилган мазкур сайловда Фидокорлар партиясидан кўрсатилган номзод Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши республика тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган муҳим воқеа ва тарихий санадир. Бу бир томондан, Фидокорлар миллий-демократик партиясининг республика ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуфузи кун сайин тобора ошиб бораётганлигини билдирса,

иккинчи томондан, республика Мустақиллигининг пойдевори ва ишончли таянчи ҳисобланмиш ёш, иқтидорли кадрларнинг сиёсий куч сифатида бирлашиб, кўпфирклилик, кўппартиявийлик мавжуд бўлган шароитда халқаро андозаларга мос келадиган демократик тамойилларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўзининг бош мақсадини рўёбга чиқаришга, келажаги буюк давлат қуришига қодир эканлигидан далolat беради.

2000 йил, 14 апрел куни «Ватан тараққиёти партияси» ва Фидокорлар миллий демократик партиясининг қўшма қурултойи бўлди. Унда ҳар икки партия ҳаракати, фаолият дастури яқдиллиги муҳокама қилинди ва улар бирлашиб ишлаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдилар. Партиялар бирлашиб, Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилишга қарор қилинди. ФМДП бош қотиби қилиб Ахтам Турсунов сайланди.

Партияларнинг Олий Мажлисаги фракциялари ҳам бирлашиб, депутатлар сони 54 тага етди.

Мамлакатда «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳам 1995 йил, июндан фаолият кўрсатмоқда. Адлия вазирлиги 1995 йил, 9 июнда рўйхатга олган.

Ҳаракатнинг асосий мақсади кўп миллатли мамлакатда халқлар бирлигини янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини тўла-тўқис амалга ошириш ва фуқаролик, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг олий органи — қурултой 4 йилда бир марта чақирилади. Унда раҳбар органлар сайланади.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати таркибида вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, 165 та бошланғич ташкилотлари иш олиб боради.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракатининг «Бирлик» ва «Единство» ҳафталик газеталари мавжуд.

Шунингдек, истиқлол йилларида Ўзбекистонда турли жамоат ташкилотлари учун ҳам кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, шу кунларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари турли қасб эгалари бўлган меҳнаткашларни жинси, диний эътиқодлари, ирқий ва миллий мансубликларидан қатъи назар ихтиёрий бирлаштирувчи мустақил оммавий жамоат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Қасаба уюшмаларининг ташкилий тузилиши ўзгарди. Унинг асосини жаҳон қасаба уюшмалари амалиёти андозаларига мос келадиган федерализм, демократия, мустақиллик ва ихтиёрийлик тамойиллари ташкил эта бошлади. Қасаба уюшмаларининг тузилиши федерализмга асосланган. Қуйидан юқоригача барча қасаба органлари қасаба уюшмалари аъзолари томонидан сайланган вакилларнинг йиғилишлари, конференциялари ва қурултойларида сайланади ва улар олдидан ҳисоб беради. Қасаба уюшмаларининг ҳар бир аъзоси сайлаш ва сайланиш, йиғилишлар, матбуот

ва бошқа воситалар орқали касаба уюшмалари ҳамда маъмурий органлар фаолиятига тааллуқли масалаларни қўйиши мумкин.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 1996 йилги маълумотларига кўра 53 мингга яқин бошланғич ташкилотга бирлашган 7,5 миллиондан зиёд аъзоси бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси таркибида 21 тармоқ касаба уюшмаларидан ташқари ҳудудий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят ҳамда битта шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари мавжуд. Мустақиллик шароитида аёлларни, кўп болали оналарни ҳар томонлама муҳофаза қилишни янада кучайтириш, меҳнаткаш ва ижодкор аёлларни бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашишга кенг сафарбар этиш, илм-фан соҳасидаги аёлларнинг имкониятларини янада кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил, 1 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси тўғрисидаги фармойиши билан Хотин-қизлар кўмитаси тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси таркибига ҳаммаси бўлиб битта республика (Қорақалпоғистон Республикаси), 12 та вилоят хотин-қизлар кўмиталари, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, 38 шаҳар, 170 туман, 14 мингдан ортиқроқ меҳнат жамоалари ва турар жойларда ташкил этилган хотин-қизлар кўмиталари кирди. Кўмита қошида хотин-қизлар тоифаларига қараб турли-туман профессионал, ижодий ва бошқа уюшмалар тузилган.

Кўмита жамиятда хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг қизиқишларини ҳимоя қилиш, турли-туман маънавий ва маданий талабларини қондириш, аёлларга ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий ёрдам бериш, оилани, оналик ва болаликни, халқлар ўртасидаги дўстликни ва ўзаро ҳамкорликни муҳофаза қилиш, тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун аёлларнинг халқаро демократик ҳаракатига Ўзбекистон аёлларининг иштирок этишларини таъминлаш каби вазифаларни бажармоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида ўз фаолиятини жамоат ташкилотлари, партиялар ва ҳаракатлар билан ҳамкорликда олиб бормоқда. Кўмитага Республика Бош Вазир ўринбосари Д. Фулдова бошчилик қилмоқда.

1987 йилдан бошлаб Ўзбекистонда уруш ва меҳнат фахрийларини мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол қатнашишга, ёш авлодни тарбиялашга тортиш, фахрийларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун гамхўрлик қилиш мақсадида фахрийлар уюшмаси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

1996 йил, декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Фахрийлар Кенгаши «Нуроний» жамғармасига айлантирилди. Декабрда бўлиб ўтган таъсис йигилишида Б.Раҳимов Республика «Нуроний» жамғармасининг раиси қилиб сайланди. 1999 йил январидан эса жамғармани Э. Боқибоев бошқармоқда

Ўзбекистонда иқтисодий-сиёсий ислохотлар маънавият билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилди. Илм-фан, маданият, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга, халқнинг маънавий камолотини кўтаришга алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримовнинг 1994 йил 16 мартдаги «1941—1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисидаги» фармони аждоқлар хотираси олдидаги бурчимизни чуқурроқ англашга даъват этди. Ушбу фармонда мамлакат ёшларини Ватанга муҳаббат ва миллатлараро дўстлик руҳида тарбиялаш мақсадида «Хотира» китобини нашр этиш лозимлиги баён қилинган эди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистонликларнинг уруш йилларидаги жасоратини ҳамда қурбон бўлганлар хотирасини адабийлаштиришга бағишланган кўп жилдли «Хотира» китобини чоп этиш учун етарли миқдорда маблағ ажратилди ва барча шарт-шароит яратиб берилди. Китобни тайёрлаш ва нашр этиш учун барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида жамоатчилик асосида таҳрир ҳайъатлари тузилди, урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган жангчилар ҳақидаги маълумотларни тўплаб қўлёзма ҳолига келтириладиган ишчи гуруҳлари ташкил қилинди. Қомуслар Бош таҳририяти ҳузурида илмий-методик марказ тузилди.

«Хотира» китобини нашр этиш бўйича барча ишларга Бектош Раҳимов, Рустам Аҳмедов, Абдурашид Мажидов, Пўлат Нигматов, Собир Охунжонов, Нурислом Тўхлиев, Баҳодир Умурзоқов ва Даврон Шораҳмедовлардан иборат таҳрир кенгаши раҳбарлик қилди. Жуда катта меҳнат ва машаққатли изланишлар натижасида урушда ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган 450 мингга яқин Ўзбекистонлик жангчиларнинг азиз номлари зикр этилган «Хотира» китоби Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида халқимизга солиқ жангчиларнинг хонадонларига бепул етказиб берилди. Шунингдек у барча музейларга, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги фахрийлар ташкилотларига, кутубхоналарга, олий ўқув юртлири ва илмий-текшириш институтларига, вазирлик ва идораларга, Давлат органлари, ҳокимликлар, ёшлар ва жамоат ташкилотларига ҳамда Москва, Санкт-Петербург, Киев, Минск, Волгоград шаҳарлари музейларига юборилди.

Бу маънавий обидани Ватан ва халқ учун жон фидо қилган жангчиларнинг хотирасига ўрнатилган ўзига хос улкан ҳайкал дейиш мумкин. «Хотира» китобининг 32 жилди ва Ўзбекистон халқининг уруш йилларидаги, уруш орқасидаги жасорати баён қилинган умумлашма жилди Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида нашрдан чиқарилди. Мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг сўзлари билан очилади. Унда ота-боболаримизнинг фронт ва фронт орқасидаги жасоратига юксак баҳо берилиб, шундай дейилади: «Биз Ғалабага шонли ҳисса қўшиб, инсоаниятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримизнинг муқаддас хотиралари олдида бош эгиб

таъзим қиламиз. Уларнинг урушда кўрсатган қаҳрамонликлари тилларда дoston бўлган. Жангчи юртдошларимизнинг ўлмас жасорати шак-шубҳасиз, ўсиб келаётган ёш авлодди мустақил Ўзбекистоннинг шавкатли ҳимоячилари қилиб тарбиялашда улуғ мактаб, ва-тампарварликнинг ҳақиқий намунаси бўлгусидир».

Мажмуа Ўзбекистоннинг уруш давридаги шонли тарихини ёритишда ва унинг Ғалабага қўшган ҳиссасини кўрсатишда асосий эътибор халқ ҳаётини, халқ жасоратини, халқ қаҳрамонлигини намойиш этишга қаратилган.

Қисқаси «Хотира» китобида катта тарих, ачық ҳаёт ҳақиқати тикланган. Бу тарихни ҳозирги ёшлар ҳам, келажак авлод ҳам чуқур билишлари керак. Демак, у марҳум жангчилар руҳини шод қилиш билан бирга, замондошларимиз, хусусан ёш авлодни ва келгуси насларни эзгулик руҳида тарбиялашга кўмаклашади. Унинг яратилиши мустақил Ўзбекистон Республикаси маданий ҳаётида унутилмас тарихий воқеа бўлди. Бундай катта китоб собиқ СССР республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида нашр этилди.

2-§. СОХТА ДЕМОКРАТЛАРНИНГ ЭКСТРЕМИСТИК ЙЎЛ БИЛАН ҲОКИМИЯТ УЧУН КУРАШИ, УЛАРНИНГ ХАЛҚ ТОМОНИДАН БАДНОМ ҚИЛИНИШИ

Инсон ҳаёт экан, у ҳамиша икки беаёв куч—ёвузлик ва эзгулик ўртасида яшайди. Ана шу туйгулар киши қалбининг туб-тубига ўрнашиб олиб, турли даврларда, турли ҳолатларда ўзини кўрсатиб туради. Бу табиий ҳодиса.

Бироқ, маънавият, маънавий етуклик ва комиллик сингари тушунчалар ҳам борки, у ҳамиша кишини хушёрликка, ўзини-ўзи бошқариб туришга, атрофидагиларга эътибор билан қарашга даъват этиб туради. Ана шундай пайтда шахснинг беқиёс имкониятлари, ўзини-ўзи идора қилиш салоҳияти кўзга яққолроқ ташланади. Агар киши сиёсий арбоб, давлат бошқарувчиси ёки бундай нуфузларга даъвогар бўлса, ундан яна ҳам кўпроқ масъулият талаб этилади. Зотан, жамият тараққиёти, кишилик ҳаётидаги барқарорлик, мамлакатда шаклландирган маънавий-руҳий муҳит бевосита ана шу фазилат билан боғлиқ.

Фикрлар хилма-хиллиги, сўз ва фикр эркинлиги жамиятни соғломлаштирувчи, уни баркамол қилувчи ноёб воқелик. Бироқ, бу ҳаёлга келган гапни айтиш, кўнгил тусаган ишни қилиш, ўз манфаати учун ҳамма нарсага тайёр туриш дегани эмас. Аксинча, умумманфаат, умумжамият тараққиёти йўлидаги соғлом ҳаракат, соғлом фикр юритиш, имон-этиқод юзасидан иш тутиш демакдир. Улуғ бобокалонимиз Абу Наср Фаробий ҳам «Агар фикрлари ва ҳаракатлари жамият манфаатларига хизмат қилмайдиган бўлса, мамлакатни бундай кишилардан озод қилиш керак», деган фикрни бежиз айтмаган эди. Бир неча минг йиллар мобайнида миллий давлатчилигимиз тарихий таж-

рибаларида синовлардан ўтган бундай хулосалар ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотган эмас.

Маънавий етуклик, маънавий баркамоллик раҳбарнинг беқиёс фазилати. Зотан, Шарқда азалдан раҳбар киши юрт отаси, халқ йўлбошчиси сифатида тан олинган. Юртбоши ўз халқини фарзанди каби улуғлаган, унинг кундалик ташвиши, орзу-армонлари, севинчу қувончларидан ҳар доим хабардор бўлган. Фуқаролар эса ўз давлатбошчисини падари бузруквори даражасида кўрган. Унга сизинган, эргашган. Жаҳон сиёсатдонлари Шарқда бундай муносабатни юксак маънавият ва комиллик маҳсули деб талқин этишади.

Дарҳақиқат, халқ ташвиши, юрт истиқболи сиёсий етакчининг мақсад ва гоёси билан қоришиб кетган тақдирда у ўз даврининг йўлчи юлдузига, ҳақиқат тимсолига айланади. Эл ҳурматининг арши аълосида бўлади. Натижада ҳаминша одамлар кўксига эзгулик туйғуларига жон бағишлайди, ҳаёт бахш этади. Ўз мамлакати фуқароларини яхшиликка ундайди. Яратишга, яшнатишга, бунёд этишга, ўзидан келгуси авлодларга муносиб мерос қолдиришга даъват этади.

Гоёлари ва мақсадлари шахсий манфаат атрофида ўралашиб қолган арбоблар ҳам тарихда кўп учрайди. Улар ҳаминша ўз мамлакати ва халқ манфаатини шахсий шон-шухрат, сохта обрў-эътибор ва манфаат йўлида қурбон қилади. Мустақилликнинг ўтган қисқа даври, хусусан, унинг дастлабки йиллари бизни ана шундай «арбоб»ларга ҳам рўқач қилди...

Турли қарама-қарши гоёлар билан яшаётган сиёсий гуруҳлар ва партиялар агар чиндан ҳам халқ ва мамлакат манфаатини кўзлайдиган бўлишса, улар ўтиш даврида, жамият тубдан янгиланаётган бир шароитда бирлашиб фаолият кўрсатадилар. Чунки энг аввало жамиятни сифат жиҳатидан соғломлаштириш, унинг ҳар томонлама тараққиётига замин яратиш умумий манфаатлар мазмунини белгилайди ва ана шу мақсад уларни бирлашиб ҳаракат қилишга даъват этади.

Чинакам янгиланишлар бутун жамият ҳаётида ҳам, одамлар онги ва тафаккурида ҳам, уларнинг турмуш тарзида ҳам туб бурилишлар ясайди. Янгича яшаш ва янгича фикрлаш тарзи шакллангунга қадар ҳар қандай гоёвий пўртаналар ва сиёсий бўҳронларга эрк бермаслик, огир-вазминлик, қатъий ирода ва сиёсий етуклик намунасини кўрсатиш катта аҳамиятга эга эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Юрт фаровонлиги, Ватан равнақи, тил, матбуот ва виждон эркинлиги каби халқимизнинг азалий орзу-умидларини ўзига шиор қилиб олган «Бирлик» ҳаракати маълум бир муддат турли номақбул йўллар билан республика сиёсий ҳаётига ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин республикани маънавий ва иқтисодий инқироздан олиб чиқишга қаратилган бирон-бир аниқ дастурга, халқни бир ёқадан бош чиқариб юрт осойишталиги ва Ватан равнақини таъминлашдек ягона мақсадга чорловчи

ғояга эга бўлмаганлиги сабабли кўп ўтмай ушбу ҳаракат халқ ишончсизлигига учради ва республика сиёсий саҳнасидан тушиб кетишга мажбур бўлди.

Ташқи ғанимларнинг республикада мавжуд барқарорликни бузишга қаратилган хавф-хатарларини бартараф этиш эндигина оёққа турган мустақил Ўзбекистон учун катта муаммо бўлиб турган бир пайтда, «Бирлик» ҳаракати тарафдорлари каби ички ғанимларнинг баъзан кўр-кўрона, баъзан атайин юзага қалқиб чиқиши республикада барқарорликни таъминлашга жиддий таҳдид тугдирар, халқ ҳаёти осойишталигини жиддий хавф остига қўяр эди. Республикада барқарорликни таъминлаш, халқимиз яқдиллигига раҳна солувчи, турган битгани халқимиз учун ҳам, давлатимиз учун қони зиён бўлган бундай ҳаракатлар фаолиятини бартараф этиш, республика халқини буюк келажак қуришдек ягона мақсад сари чорловчи соғлом сиёсий муҳит юзага келишига имкон яратиш мақсадида юқорида баён этилганларни инобатга олиб юртбошимиз қатъий таъкидлаган эдилар: «Айни замонда, мавжуд конституциявий ҳокимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар, шуни аниқ айтишимиз керак, тақиқлаб қўйилиши керак. Республика чегаралари дахлсизлиги ва хавфсизлигига қарши курашувчи, фашизм, ирқчилик, зўравонлик, миллий ва диний низоларни тарғиб этувчи, демократик эркинликлар ва халқ маънавияти асосларига тажовуз этувчи ҳар қандай партия ва жамоат ҳаракатлари қонунга хилоф деб эълон қилиниши шарт». (1-ж.. 17 б.)

Шу билан биргаликда, «келажақда жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин, уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдига қандай вазифа қўйилмасин — улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин.

Бошқача айтганда, одамларни ҳар хил бақриқ-чақриқлар билан майдону кўчаларга чорламасдан, уларнинг тинчлиги, тотувлиги, ижтимоий барқарорликни бузмасдан, адолатли сайлов орқали ҳокимият органларига вакилларини ўтказиш, ўзига ваколат олиш, туман, шаҳар, вилоят, республика кенгашларида ўзлари берган ваъдаларни, дастурларини амалга оширишга куч-гайратини бағишлаш, сайловчилар олдида олган ваколатларини ўз муддатида масъулият билан адо этиш — партиялар фаолиятининг бош йўналиши бўлиши лозим.» (2-ж.. 350-351 бетлар.)

1999 йил 5 ва 19 декабрь кунлари Республика Олий мажлисига бўлиб ўтган сайловлар бир томондан Мустақилликнинг илк йилларида юртбошимиз томонидан сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари тўғрисида билдирилган мазкур фикрнинг нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан Ислом Каримовнинг турли миллатга мансуб ва эътиқоди турлича бўлган республика аҳолисини бунёдкорликка давлат этувчи, уларнинг осойишталигини таъминловчи соғлом сиёсий муҳит ярата олган йирик тажрибали давлат арбоби эканли-

гини яна бир бор исботлади. Шунинг учун ҳам 2000 йил 9 январь куні ўтказилган сайловда халқимиз ўз тақдирини, республика тақдирини Ислом Каримовга тамомла ишонган ҳолда уни республика Президенти этиб сайладилар.

Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида собиқ СССР ҳудудида жумбушга келган сиёсий вазвасалар ва демократия ўйинлари натижаси сифатида Ўзбекистонда «Эрк» Демократик партияси, «Бирлик» халқ ҳаракати вужудга келган эди. Улар ўз мақсад ва интилишлари билан мавжуд сиёсий режимга, у етмиш йил мобайнида халқ бошига келтирган кулфатларга қарши эди. Мазкур гуруҳлар маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган давлат бошқарувига, яккаҳокимлиқ ва гоаявий ҳуқумдорлиқ эгарига миниб олган коммунистик мафкурага қарши ҳолда фаолият кўрсатдилар.

Бирок, бу фаолият конструктив ҳаракат, ҳуқумат даражасига кўтарилган сиёсий нуфуз ва ақл-идрок кўриги сифатида эмас, балки даҳанаки жанглар, эҳтиросли шиорбозлиқлар, ибтидоий ҳайқириқлар шаклида дунёга келди. Бу жамият ҳаёти учун ҳам, халқ ҳаёти учун ҳам жиддий хавф тугдирди.

Ҳар қандай шароитда ҳам демократияга соғлом муносабатда бўлиш, демократияни юксак маънавият, ақл-идрок мезони, сиёсий етуклиқ ва том маънода халқ манфаатлари йўлидаги ноёб ҳодиса эканлигини англамоқ зарур. Ана шу хулосалардан келиб чиқиб ва мустақиллиқнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда юзага келган оғир ижтимоий-сиёсий вазият, жазавалар, бўҳронлар оқибатларини ҳисобга олиб Президент И. Каримов мамлакат Олий Кенгашининг 1993 йил 2—3 июль кунлари бўлиб ўтган X сессиясида шундай деган эди: «Демократия устун бўлган жамиятда конструктив соғлом оппозициянинг роли жуда катта бўлади. Бундай оппозиция жамиятнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ривожига ҳисса қўшади.

Айни замонда, мавжуд конституциявий ҳоқимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар, шунини аниқ айтишимиз керак, таъқиқлаб қўйилиши керак. Республика чегаралари даҳлсизлиги ва хавфсизлигига қарши курашувчи, фашизм, ирқчилик, зўравонлик, миллий ва диний низоларни тарғиб етувчи, демократик эркинлиқлар ва халқ маънавияти асосларига тажовуз етувчи ҳар қандай партия ва жамоат ҳаракатлари қонунга хилоф деб эълон қилиниши шарт».

Бу Ўзбекистон ҳуқуматининг мустақиллиқнинг энг таҳликали кунларида тутган қатъий сиёсий йўли, стратегик қарашлари эди. Айни ана шундай қатъият, журъат, ички ва ташқи ганимларимиз зўр бериб Ўзбекистонда барқарорлиқни йўқ қилишга, фуқаролар урушини келтириб чиқаришга уринаётган бир пайтда унинг собитқадамлигидан, ҳар қандай иғвогарликларга йўл қўймаслик чораларини кўраётганлигидан далолат беради.

«Эрк» Демократик партияси вакиллари ва уларнинг ҳомийлари мамлакатда вужудга келган қийинчиликларни рўкач қилиб,

ҳар қандай йўл билан ҳокимият тепасига чиқиб олиш учун очикдан-очик кураш бошладилар. Улар кўча-кўйларда митинглар уюштириб, оммавий норозиликларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Халқ сайлаган депутатларга ишончсизлик билдириб, уларнинг истеъфога чиқишларини талаб қилишди. Айни Тожикистон воқеаларини такрорлашга интилишди. Демак, олдин шорбозлик, митингбозлик, кейин катта майдонларда ва ҳукумат бинолари олдида очлик эълон қилишлар, ундан сўнг эса кураш ишга солиб қонуний парламентни барбод этиш ва ниҳоят давлат тўнтаришини амалга ошириш...

Балки ҳукумат бошқарув жиловини озгина бўшаштирганда, иккиланиш ёки саросимага тушганда Тожикистондаги воқеалардан ҳам даҳшатлироғи юз бериши мумкин эди. Лекин ундай бўлмади. Ўзбекистон ҳукумати қанчалик таъна-дашномлар ёмғири тагида қолмасин демократия кушандаси, диктатура ҳокимияти деган маломатларни эшитмасин, ўз йўлида қатъий турди, иккиланмади.

«Эрк» Демократик партиясининг тажовузкорона ҳаракатлари ва сиёсий кўпоровчилик фаолияти айниқса 1991 йил, 29-декабрдаги Президент сайловлари кунларида энг юқори чўққи-га чиқди. Бу партия вакиллари сайловчилар билан учрашувларда, партия йиғилишларида эҳтиросга берилишлар, қонуний ҳукуматни очикдан-очик бадном қилиш ва зўравонлик сингари салбий ҳаракатларни яққол намойиш қилдилар. Тўғридан-тўғри ҳукумат раҳбарларига турли йўллар билан ғоявий, сиёсий ва маънавий зарба беришга ҳаракат қилдилар.

Президент сайловларида М.Солиҳнинг етарли овоз ололмаслиги аниқ эди. Буни унинг ўзи ҳам ва тарафдорлари ҳам яхши билишар эди. М.Солиҳнинг сайловда ғалаба қозонолмаслигининг ўзига хос асослари бор эди.

Биринчидан, у ҳали партия раҳбари ва сиёсий етакчи сифатида омма ичига кириб улгурмаган, халқнинг алоҳида эътиборини қозонолмаган эди.

Иккинчидан, «Эрк» демократик партияси дастурлари, партия раҳбариятининг омма орасидаги чиқишлари том маънода жамиятни тубдан ислоҳ қилиш ва уни бутунлай янги ўзанга буриб юборишга қодир эмаслигини халқ яхши тушуниб олган эди. Партия хулосалари, ислоҳотлар учун таклиф этган мулоҳазалари ҳаётий жиҳатдан ҳам, илмий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам етуқлигига ҳеч ким кафолат бермас эди. Аксинча, уларнинг ўзлари ортиқча шовқин-сурон ва дабдабалар билан сунъий равишда ўз нуфузларини оширишга интилишарди.

Учинчидан, Президент Ислоҳ Каримов эса мамлакат жарёқасига бориб қолган энг қийин ва зиддиятли пайтларда ўз иқтисодини кўрсата олган, ўз фикрининг ва ғоясининг тўғрилигига халқни ишонтира билган эди. Бу айниқса Собиқ Иттифоқ тарқалиши олдида юз берган жиддий ижтимоий-сиёсий жараёнлар — миллатлараро низолар, қонли тўқнашувлар ва энг

муҳими Москва билан Тошкент ўртасидаги сиёсий курашларда яққол кўзга ташланган эди. Халқ мамлакатга худди ана шундай раҳбар зарурлигини, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кераклигини англаб олган эди. Сайловлар арафасидаги барча сиёсий ўйинлар, жиззакиликлар, зарда қилишлар ва бошқа хатти-ҳаракатлар айна ана шу ҳаётий ҳақиқатни тан олмасликдан, ҳокимиятга эгаллик хуружи тобора кучайганидан, мансаб ва курсига жон-жаҳди билан интилиш жазавасидан келиб чиққан эди.

Кўп номзодли Президент сайловлари бугунги ҳодиса эмас. Бу жаҳон тажрибасида бор ва демократик тамойиллар қарор топган дунёнинг жуда кўп мамлакатларида қатъий тартиб ва анъанага айланган воқелик.

Бироқ, уларда сайловлар юксак сиёсий маданият, ошқора, рўйи-рост фаолият асосида ўтади. Бир неча партия, ҳаракат ва бошқа сиёсий гуруҳлар номзодлари сайловда бир йўла иштирок этсалар-да табиийки, уларнинг фақат биттаси Президентликка сайланади. Қолганлар эса яна гўё ҳеч нарса бўлмагандай ўз фаолиятларини давом эттираверадилар. Умумий манфаат — мамлакат ва халқ манфаати йўлида бирлашиб кетадилар. Ички адоват, кек сақлаш, охир оқибатда эса давлат тўнтаришини амалга оширишга бормайдилар. Бу ўша номзодларнинг ҳам, уларнинг тарафдорларининг ҳам ва умуман мамлакатда қарор топган демократик тамойилларнинг ҳам маънавий қиёфасини, сиёсий маданиятини белгилайди.

Президент сайловлари халқимизни кўп нарсага ўргатди. «Мени сайланг, мени сайланг» қабилидаги бозорчиликни ҳам, ҳар қандай ташкилий-сиёсий ишлардан хатоликлар қидириш йўли билан «сувни лойқалатиш» ҳолатларини ҳам кўрди. Бироқ у собиқ СССР ҳукумати жазавасига тушган, кичик халқларга зугум қилаётган бир пайтда ўз ҳукуматининг қатъият билан ишлаганидан, Москва — Тошкент ўртасидаги сиёсий «жанг»ларнинг кўпидан хабардор эди. Мамлакатда соғлом гоё, очиқ сиёсий ҳаёт қарор топаётганини кўриб турарди. Мустахлакчиликдан озод бўлиш ва мустақилликни эълон қилишдаги жасоратини қадрлар ва ана шундай ҳукуматга яшаш қанчалик қийин, машаққатли бўлмасин, имон-этиқоди билан ишонар эди. Шунинг учун ҳам у сайлов компанияси пайтида турли сиёсий найрангларга учмади.

Мамлакатда вужудга келган вақтинчалик тангликдан фойдаланишга урунишлар ана шундай қизгин тус олди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари ижтимоий-сиёсий жиҳатдан халқимизга бир қатор қийинчиликлар келтирди. Ҳолатий муҳолифлар эса ўз хатти-ҳаракатлари билан уни тобора чигаллаштиришди, мамлакатда маънавий-руҳий вазиятни мураккаблаштиришди. Ана шундай қийин ва зиддиятли бир пайтда Ўзбекистон ҳукумати масалага жиддий қаради. Буни Президент Ислам Каримовнинг 1993 йил, 2—3 июль кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг X сессиясида сўзлаган нутқида яққол кўриш мумкин: «**Иқтисодий**

танглик даврида низо чиқариш жуда осон. Гугурт чақилса бас — ҳўлу куруқ барабар ёниб кетиши мумкин. Мен бу гапни илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бутун, азизлар, биродарлар, бошқа кўшиларимизнинг аҳволини кўриб, яна бир марта такрорлашга мажбурман. Сизларни, сизлар орқали барча ватандошларимизни хўшёрликка даъват этмоқчиман.

Фуқаролар тўқнашуви бўлаётган минтақаларда одамлар нобуд бўляпти, қон тўкиляпти, халқ хўжалиги юз миллионлаб сўм зарар кўрмоқда, мол-ҳол қаровсиз, далалар экинсиз қолиб кетмоқда.

Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик.

Куруқ ваъдалар, жиизакчилик, сиёсий жазавалар пайти ўтди. Бугун халқимизга тинчлик ва осойишталик керак. Олдин қоринни тўйгазиб, ишнинг сарҳисобини қилиб, тўғри йўлни танлаб, бозор иқтисодиёти учун замин ҳозирлаб, ундан кейин сиёсий баҳслар билан шуғулланиш мумкин. Олдин ҳаммамиз бир бўлиб, бир тан-бир жон бўлиб, эртанги кун ҳаракатини қилайлик».

Ўз йўлига собитлик, қатъият ва ирода энг оғир пайтларда мустақиллик деган олий неъматни асрай олди. Дарҳақиқат, халқ орзу-умиди ва ички эҳтиёжлари билан давлат сиёсатининг уй-ғунлиги таъминланмаса бундай тараққиётнинг умри қисқа бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўтиш даврида давлат сиёсатида қатъий ирода, қарама-қарши фикрларга тўғри муносабат, зарур келганида эса «диктатура» маъносидаги қаттиққўллик, қатъий талаб эҳтиёж даражасига кўтарилади. Ана шу эҳтиёж қондирилган тақдирдагина жамиятда барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, маънавий равиқ қарор топади.

Демократия ишқибидаги ўз фаолиятларидаги жиддий нуқсонларни, гоъвий кемтикликни ва ташкилий ношудлик иллатларини жазавалару васвасалар билан қоплашга қанчалик интилимасин, қайсидир даражада мавжуд сиёсий режим оқибатида вужудга келган нуқсонлардан жабр тортаётган, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган аҳолининг иккиланишларидан, ички норозиликларидан устмонлик билан фойдаланмоқчи бўлдилар.

Яъни, ҳақиқатга ташна, яқин ўтмишдаги тўрачилик ва маъмурий-буйруқбозлик иллатларидан зада бўлган, тобелик ва мутелик, кўрқув ва ҳадик эзиб юборган халқнинг сабр қосаси тўлган бир шароитда у кимгадир эргашишга муҳтож эди. Ўзларини миллатпарвар қилиб кўрсатишга интилганлар аҳолининг ана шу қайфиятидан фойдаланишга, шу йўл билан нималаргадир эришишга интилишарди.

Уларнинг ўз иборалари билан айтганда муҳолифат сифатида майдонга чиқишлари жамият ҳаётида ижобий ҳодиса эканлиги маълум. Чунки ҳар қандай жамиятда муҳолифатнинг мавжудлиги фикрлар хилма-хиллиги, дунёқарашлар турличаллиги,

ғояларнинг ранг-баранглигига олиб келади ва охир-оқибатда энг соғлом фикрни танлашга, энг соғлом ғояларга эргашишга имкон беради. Бироқ, бу жамият ҳаёти бир текис кетаётган, ижтимоий-сиёсий жараёнлар маълум бир изга тушган, жамият тараққиётини йўналтирувчи куч — омма фикри мустаҳкам ва ягона занжирга айланган бир пайтда самара бериши мумкин.

Бироқ, юқорида айтганимиздек, жамият бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтаётган бир шароитда барча кучларни бирлаштириш, умумий манфаат йўлида бирлашиб курашиш сингари тантилиқ, юксак сиёсий маданият, халқ ва мамлакат олдидаги ниҳоятда огир масъулият миллий равнақ ва иқтисодий барқарорликнинг асосидир.

Афсуски, Ўзбекистонда фаолият кўрсатган, ўзларини муҳолифат деб билган сиёсий кучлар ана шу муҳим ҳолатга баҳо бера олмадилар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач энди мамлакат ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз бериши мумкинлиги, унинг хоҳ ижобий, хоҳ салбий оқибатлари бўлмасин, ҳамма учун бирдай тегишли эканлигини англай олмадилар. Улар фаолиятида сиёсий ва ҳаётий мантиқнинг энг оддий кўринишлари ҳам кўзга ташланмади. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, ўз ғояси, мақсад ва вазифаларига кўра коммунистик диктатурага қарши турган «Эрк» демократик партияси айна коммунистик партия тарқатиб юборилгандан сўнг ҳам эндигина шаклланаётган янги ижтимоий-сиёсий тузум шароитларида юз бераётган ҳодисаларга кескин қарши турганлиги том маънодаги мантиқсизликнинг ёрқин кўриниши эди.

Улар ўзларининг ҳар бир чиқишларида янги тузум ҳокимияти ва мустақиллик ташаббускорларини эскича ишлаётганга, ислохотлар ўтказишга қодир эмасликда айблашарди. Халқни оёққа туришга, қалқишга, кескин норозилик билдиришга даъват этишарди. Жамият қон-қонига сингиб кетган қатагончилик, бюрократия ва тўрачилик иллатларини тезда барбод этиш, эртақлардаги сингари «бир юмалаб» янги ҳаётга эришиш мумкин эмас эди. Бу табиий жараён. Бир юз ўттиз йиллик тобелик кайфиятларини, мутелик руҳиятини синдириб, янгича яшаш тамойилларини англаш учун вақт кераклигини тушунишмади. Ёки аксинча, яшигина тушунишарди-ю норозилик кучайишидан манфаатдор эдилар.

Ваҳоланки, қарийб 130 йиллик мустамлакачиликдан озод бўлган мамлакат тақдири ўзини чинакам ватанпарвар деб билган ҳар қандай кишини қизиқтириши, ғояси, эътиқоди, касбу қори, ижтимоий келиб чиқиши ва миллатидан қатъий назар ана шу муқаддас замин истиқболи йўлида, янги ғоя — мустақил тараққиёт ғояси атрофида жипслашиш лозим эди.

Иккинчидан, халқ узоқ йиллик сиёсий исканждан озод бўлгач, у энди ўзини қаерга кўйишини, қандай йўлдан боришини, келажагини қандай белгилашни билмай қолган эди. Мамлакатда саросималик вужудга келди. Ишлаб чиқаришда паро-

кандалик юз берди. Собиқ иттифоқнинг ягона иқтисодий маконида вужудга келган пўлат занжирлар узилгач, кун кечирриш оғирлашди. Одамларда рухий ҳорғинлик, асабий чарчоқлик, маънавий кемтиклик ва асабий таранглик кайфияти пайдо бўлди. Бу айтиш мумкинки, ҳар қандай шароитда ҳам сиёсий кучлардан жиддийроқ ўйлашни, жиддийроқ ҳаракат қилишни, ҳар бир қадамни ўйлаб босишни тақозо этарди. Чунки таъбир жоиз бўлса мамлакатнинг ўша пайтдаги аҳволи ниҳоятда улкан газ бўчкасига ўхшарди. Унинг туйнугига ортиқча бир гугурт чақиш ҳалокатли ва фалокатли ҳодисага олиб келиши муқаррар эди. Ана шундай пайтда «Эрк» демократик партияси мустақиллик ҳокимиятига нисбатан қандай позицияда турган бўлса, мустақиллик ҳокимиятига ҳам худди шундай позицияда турди. Ваҳоланки, йигирма миллиондан ортиқ аҳоли тақдири битта гугурт чақилиши билан боғлиқ бўлган таҳликали вазиятда эди. Бу муҳолифатчиларнинг жиддий сиёсий хатоси, узоқни кўра олмаслик иллати эди.

Ана шундай жиддий хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда вужудга келган «демократия жарчилари»нинг баландпарвоз шиорларию қалин-қалин низом ва дастурлари шунчаки гап бўлган, холос. Чунки уларнинг олдинги ҳокимиятга ҳам, кейинги ҳокимиятга ҳам бирдай қарши туришларидан мамлакат ва халқ манфаати учун кураш эмас, айна ҳокимият учун кураш, тожу тахт жанги, амалу курси кураши эканлиги аён бўлди. «Эрк» демократик партиясининг низомида «Эрк» демократик партияси жамиятда тотувликка, барқарорликка интилишни қўллаб-қувватлайди, конфронтацион курашиш хавфли йўл...» деган сатрлар бор. Айна ана шунинг ўзи партия раҳбарияти тутган йўл бошқа, қоғозда баён этилган ғоялар бошқа эканлигини кўрсатади.

* * *

1991 йилнинг охирлари Ўзбекистон мустақиллигининг энг таҳликали, изтироблар ва оғир кечинмалар жўш урган даври эди. Ҳали Москвада собиқ иттифоқни сақлаб қолиш илинжида юрган сиёсий арбобларнинг жазавалари тутган, асабий ва тунд кайфият ҳукмронлик қилаётган, умидлари келажакдан катта бўлган бир пайтлар эди. Ана шундай зиддиятли бир пайтда Ўзбекистонда мустақилликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, унинг ҳуқуқий асосини яратиш борасида жиддий ишлар амалга оширилаётган эди.

Собиқ иттифоқ тарқалиши арафасида турли миш-мишлару гап сўзлар, сиёсий ифвогарликлар авж олди. Биринчилардан бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон гўеки, фақат иттифоқ таркибидагина кун кўриши мумкин. У ҳеч қачон мустақил давлат бўла олмайди, мустақил тараққиёт йўлидан бора олмайди, охир-оқибатда эса Москва марҳаматига мажбур бўлади, деган фикрлар мавжуд эди.

Бундай мунозараларнинг бўлиши табиий эди. Чунки, узоқ йиллар Москвага қарам бўлган, халқи камситилган, унга ношуднотавон, ўз тақдирини ўзи белгилашга қодир бўлмаган мавжудод сифатида қаралиб келинганлиги сабабли Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгач, «улуғ оға»ларнинг таажжуби ошди. Бироқ, бу ташқи ганимларнинг шунчаки дий-диёси эди, холос.

Энг ёмони ички парокандалик. Бу ниҳоятда оғир ва сурункали касаллик. Уни фақат анча-мунча асаблар ва ҳаёт-мамонт кураши эвазигагина даволаш мумкин. Аксарият ҳолларда эса, ички парокандалик сиёсий беқарорликка айланиб кетиб, бутун жамиятни остин-устун қилиб ташлайди. Минглаб одамларнинг ёстигини қуритади, миллат кушандаси сифатида илдиз отади ва уни йиллар мобайнида кемайриб ташлайди. Ана шундай халқ бошига қирон келтирувчи ҳодисалар Ўзбекистонда ҳам мавжуд эди.

Демократия ўйинлари авж олган бир пайтда ўзини кўз-кўз қилишга ишқивоз бўлган сиёсий арбоблар ҳам майдонга чиқишди. Уларнинг айримлари турли мансаб пиллапояларидан тез-тез кўтарилиб ҳукуматнинг энг юқори курсиларини эгаллашга ҳам улгуришди. Уларини мавжуд сиёсатга садоқатли, ҳукуматга эса фидойи қилиб кўрсатишди. Энг ачинарлиси булар орасида узоқ йиллар партия ва шўро идораларида катта-кичик лавозимларда фаолият кўрсатган кишилар ҳам бор эди. Улар даҳанак «дастурлари»да йиллар мобайнида совет ҳокимияти ҳукмронлиги пайтида тўпланиб қолган қатор муаммоларни ҳал этиш сингари халқимизга хуш ёқадиган, унинг кундалик турмушига мадад бўладиган масалаларни кўтариб чиқардилар. Кейинроқ худди ана шу масалаларни кўтаришда айёрлик қилишгани ва вазиятдан фойдаланиб, республиканинг энг юқори мансаб курсиларини эгаллашга ҳаракат қилишгани маълум бўла бошлади.

Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиш, уни мустамлакачилик исканжасидан қутқариб олиш жараёнлари қанчалик таҳликали эканлиги китобхонга аён. Олий Мажлиснинг 1991 йил, 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида мамлакат Президенти Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилиш таклифини киритганда зал гўё музлаб қолган эди. Президент «Нима, мустақилликдан чўчипсизларми, нега қарсак чалмай-сизлар?» дегандан сўнггина депутатлар бир қалқиб туришди ва залда гулдурос қарсақлар бошланди.

Москвада қон тўкилаётган, марказ бутун вужуди билан иттифоқдош республикаларга тазйиқ ўтказаятган, зуғум ва зўравонлик билан улар жоловини тортиб турган бир пайтда, унга қарши қўл кўтариш, мамлакат рулини бутунлай тортиб олиш ва ҳаракатдаги машинага сакраб чиқиб олиш чиндан ҳам жасорат эди.

Мустақиллик эълон қилинган, орқада писиб ўтириб, зимдан ишлаётганлар аста-секин бош кўтардилар. Энди ўзларини истиқлол қаҳрамони, мустақиллик жарчиси, мамлакатни бошқаришда «нодир истеъдод» эканликларини кўрсата бошладилар. Бутун масъулиятни зиммасига олиб, ҳаёти ва оиласини

хавф остида қолдириб, мустақилликни эълон қилганларга очиқдан-очиқ қарши чиқдилар.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил, 18—21 ноябрь кунлари бўлиб ўтган сессияси Ўзбекистон тарихида алоҳида воқеа сифатида муҳрланди. Аини ана шу сессияда бир гуруҳ сохта демократлар очиқдан-очиқ бош кўтардилар. Турли томондан сўз олиб, сессия кун тартибини бузиш, унга қўшимчалар киритиш баҳонасида турли, бир-бирига тўғри келмайдиган муаммоларни кўтариб чиқишга интилдилар. Тўғридан-тўғри мамлакатда олиб борилаётган изчил сиёсатга зид, бўхтондан иборат фикрлар билдира бошладилар. Жумладан, «Ташаббус» гуруҳи номи билан сўзга чиққан бир гуруҳ депутатлар «Ўзбекистонда митинглар ва номойишлар ўтказилишини тақиқлаш тўғрисида»ги Қарорни бекор қилиш, республика маъмурий органлари, шунингдек Конституциявий Назорат Кўмитасига ултиматум қўйиш талаби билан чиқабошладилар.

Аини чоқда, ўзларини мустақиллик ва халқ тарафдорлари сифатида кўрсатишга уриниб, «демократиями ёки диктатурами?» қабиллида сессияга, унинг раҳбариятига асоссиз кесатиқли саволлар қўябошладилар.

Бир сўз билан айтганда сессияга маълум кучларнинг олдиндан тайёргарлик кўргани яққол сезила бошланди. Бу ўз навбатида собиқ иттифоқ ҳудудида саросималик, барча иттифоқдош республикаларда турли ҳадиксирашлар ва иккиланишлар, мустақил Ўзбекистонда эса иқтисодий танглик ҳукмронлик қилаётган бир пайтда муҳолиф кучларнинг турли ҳийла ва найранг йўли билан ҳокимиятни эгаллашга ҳаракат қилаётганликларини кўрсатар эди.

Сессия жанговарлик, шафқатсиз кураш ва ҳужумкорлик руҳида ўтди. Унда Президент Ислом Каримовнинг қатъий ирода кучи, ҳар қандай танқидий фикр ва кўпоровчилик ҳаракатларига огир-вазминлик, сиёсий хушёрлик ҳамда асосли мулоҳазалари билан муносабат билдирганлиги натижасида муҳолиф кучлар ўз мақсадига ета олмади. Агар ана шу йигилишда Президент озгина иккиланиб қолганида ўз позициясини бутунлай қўлдан бериб юбориши, ҳокимият тепасига эса бир тўда амалпарастлару шуҳратпарастлар келиб қолиши, натижада бутун мамлакат ҳам, халқ ҳам тубсиз жарга қулаб кетиши мумкин эди.

Соғлом фикрли кишилар, аслида гап нимада эканлигини ақлан чуқур ҳис қилган фуқаролар юқоридаги сохта демократлар чиқишларини қўллаб-қувватламадилар, кун тартибидаги масалалар юзасидан амалий таклифлар билдирдилар, ҳар бир масалада мамлакатда олиб борилаётган халқчил сиёсатни маъқуллашликларини, мамлакат Президенти атрофига янада жипслашиш зарурлигини айтабошладилар.

Мамлакат аҳолиси, истиқдол тарафдорлари ўзларининг фикр мулоҳазаларини Олий Кенгаш ва сессия номига ёзиб юбора бошладилар.

Мавзуга доир материаллар

**Ўзбекистон жумҳурияти Олий Кенгашининг
саккизинчи сессияси қатнашчиларига
Фаргона вилояти деҳқонлар уюшмасидан**

МУРОЖААТНОМА

Хурматли сессия қатнашчилари, халқ депутатлари!

Эл-юрт равнақи йўлида ҳалол, фидокорона меҳнат қилаётган 300 мингдан зиёд фаргоналик деҳқонлар номидан сессия қатнашчиларини муҳим қарорларни қабул қилишда адолат тарозисини ишга солиб, ақл-идрок билан иш қуришга, ҳис-ҳаяжонларга берилмасликка даъват этамиз.

Жумҳуриятимиз шаънига четдан, айниқса марказдан айтилаётган гаплар бизни ҳам чуқур ташвишга солаяпти. Айниқса Президентимиз Ислам Каримов шахсига нисбатан айтилаётган гаплар фақат бўхтон ва тўхматлардан иборат, деб уйлаймиз.

Президент халққа, айниқса деҳқонларга қайишадиган раҳбарлардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Биргина томорқа бериш ҳақидаги фармонни олайлик. Ахир, халқимиз бу кунларни етмиш йил орзу қилди. Жумҳурият бўйича 350 минг гектар, Фаргона вилояти бўйича 41 минг гектар ер томорқага ажратилди. Бир уйда тикилиб ётган ўнлаб оилаларнинг кўкрагига офтоб тегди. Аҳолини уруғлик дон билан таъминлаш, ем-хашак ажратиш, газлаштириш, ичимли сув келтириш тўғрисидаги фармонлар қишлоқ аҳолиси, деҳқонлар тўғрисидаги чинакам гамхурликнинг намунасидир.

Улғуржи ва чакана нархларнинг ошиши, пулнинг қадрсизланиши, иқтисодий танглик биринчи бўлиб деҳқоннинг чўнтагига қўл солди. Шундай вазиятда ҳам Президентимиз энг маъқул йўлни топиб берди. Пахтачининг харид нархи оширилди, солиқлар камайтирилди. Пландан ташқари пахта хўжаликларнинг ўз ихтиёрида қолдирилганлиги туфайли ҳам вилоятимиз давлатдан қарздор хўжаликлар умуман қолмади. Шу ҳисобга вилоятимиз хўжаликлари хазинасига 355 миллион қўшимча даромад тушаяпти. Кечагина хазинаси бушаб қолган хўжаликлар бугун енгил нафас олишаяпти.

Депутатлар асосан республика мустақиллиги, юртимиз осойишталиги, эл фаровонлигини, миллатимиз келажагини уйлайдиган қарорларга асосий эътиборини қаратадилар. Улар Президентимизнинг мустақил, одилона йўлини қўллаб-қувватлайдилар, ҳамкорлик, ҳамфикр иш юритадилар, халқимиз умидини оқлайдилар, деб ишонамиз.

Фаргоналик деҳқонлар номидан:

М. Шербўтаев — вилоят деҳқонлар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган қишлоқ хўжалиги ходими; **Н. Умаров** — Тошлоқ районидаги «Навбаҳор» колхозни раиси, **М. Мўминов** — Охунбобоев районидаги «Солижонобод» совхозни директори; жами 9 киши.

«Халқ сўзи» 1991 йил, 16 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига

Сўзимизнинг аввалида шунини ифтихор билан айтаманки, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши республикамиз, халқимиз ҳаётида нуқулмас воқеа бўлиб қолди. Бу истиқлолни, эркинликни Ўзбекистон неча ўн йиллардан бери кутарди. Уша чоризм босқинидан кейин эркинлигини йўқот-

ган халқ учун мустақиллик тенгсиз бир галабадир. Ким қандай баҳолама-син, қандай фикрламасин, бу воқеа тарих қатида мангу қолди. Ўзбекистоннинг мустақиллики кўлга киритишида, шубҳасиз, республикамиз Президент Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хизмати бебаҳодир. Ҳа Ўзбекистон учун, унинг келажаги учун, халқимизнинг бахт-иқболи учун бугун ана шундай журъатли, мард ўғлонлар майдонга чиқиши керак.

Не бир машаққатлар эвазига эришилган мустақилликни ҳар биримиз дадил ҳимоя қилишимиз зарур. У, аввало, бирликни, яқдилликни, фаол ҳаракатни талаб этади. Халқимизда бўлингани бўри ер, деган нақл бор. Бугун турлича қарашлар, фикрлашлар, воқеаларга турлича муносабатда бўлишлар борлигини инкор этмаймиз. Лекин миллий мустақилликни сақлаб қолишдек улуг иш гина-қудуратни йиғиштириб қўйишни, халқимиз орзу қилган эзгу йўлни бошлаб берган Президент ва ҳукумат атрофига маҳкам жипслашишни тақозо қилади. Биз ҳозирги мураккаб дамларда шуни унутмайликки, бошқача фикрлашиб маҳаллийчиликка берилиш, турли гуруҳларга бўлиниш — мустақилликка зарба бўлиб тушади. мустақиллик душманлари ҳаракати учун йўл очилди.

Президент кейинги пайтларда журъат билан катта ишларни амалга оширмоқда. Узингиз ўйлаб кўринг, кечагина бошимизга қандай қулфатлар тушганди. Меҳнатқаш, жафоқаш ўзбек халқи шаънига ҳеч бир асоссиз таъналар ёғилди. У таҳқирланди, камситилди. «Ўзбеклар иши»нинг ихтирочилари эса тап тортмай, чор-ночор турмуш кечириб келган деҳқонга ҳам, бошқа раҳбарларга ҳам ниҳоятда шафқатсизларча муносабатда бўлдилар. Бевосита Президентнинг фармони билан минглаб кишилар қамоқхоналардан озод этилди. Уларнинг кўплари ўз вазифаларига тикландилар.

Динимиз, эътиқодимиз тикланыпти, халқимизнинг кўпгина ажойиб урф-одатлари анъаналари рушнолик кўрди. Булар ҳам қалбимизни эзгуликка лиммо-лим этиб, барчамизни юксак орзу-истаклар сари руҳлантирмоқда.

Биз Президентнинг ва ҳукуматимиз бошқа раҳбарларининг мустақиллик йўлида бундан кейин ҳам дадил ҳаракатни сўсайтирмасликларини истардик. Бу борада уларни доимо қўллаб-қувватлайдиган қудратли куч — халқ, фаоллар бор эканлигини доимо ҳис қилишсин. Зеро, И. А. Каримовнинг ўзи айтганидек, энди мустақиллик йўлидан ортга қайтиш йўқ. Энг муҳими, Президентнинг марказ ва бошқа кучлар тазйиқларидан ҳайиқмасдан мустақил Ўзбекистон халқи номидан дадил иш кўришини истаймиз ва бу йўлда унинг ҳаракатини қўллаб-қувватлаймиз.

Бутун Самарқанд вилояти аҳли номидан:
халқ депутатлари вилоят совети ижроия комитетининг

раиси Т. Қиличев

Олимлар номидан:
СамДУ профессори, филология фанлари доктори

С. Мирзаев

Фахрийлар номидан:
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, уруш ва меҳнат фахрийси

И. Зокиров

«Халқ сўзи» 1991 йил, 19 ноябрь
/ Хатлар қисқартирилган ҳолда берилмоқда./

Халқнинг қаҳр-ғазабига, жиддий норозилигига учраган мухолиф кучлар ўз ниятларига ета олмадилар. Энди улар ҳокимият учун курашнинг бошқа усулларидан фойдаланишга, қайтадан куч тўплашга, ўз тарафдорларини янги кучлар ҳисобига кенгайтиришга ҳаракат қила бошладилар. Лекин бунга эриша олмадилар. Чунки, бу вақтга келиб халқимиз, фаоллар, депутатлар кимнинг кимлигини яхши анлаган, Ўзбекистон раҳбарияти, унинг Президентига ишонч кучая борган давр эди.

Сессия минбарларида ўзларини ориятли ва мағрур қилиб кўрсатган, «тиз чўкиб яшагандан кўра тик туриб ўлмоқни» афзал кўрган «арбоб» кўп ўтмай пана-паналарда иш олиб бориб, орқаворотдан эса тош ота бошлади. Ҳатто, бир муддат Москвадан паноҳ топган бир гуруҳ «собиқ»лар пинжига кириб, улар билан бирлашиб, ўз юртига — Ўзбекистонга қарши, аниқроғи унинг ҳукумати, раҳбарияти номига ифгогарона уйдирмалар тўқиб юрдилар. Бу борада Москванинг Ўзбекистонга «хайрихоҳ» бўлган айрим газеталари саҳифаларидан зўр бериб фойдаландилар.

Жаҳоннинг машҳур сиёсатдонлари, жамоат ва давлат арбоблари ўтиш даврида ҳокимият жиловининг бир киши қўлида қаттиқ туришини маъқул кўрадилар. Чунки бундай шароитда озгина бўшашувчанлик, ҳокимиятнинг турли томонидан турли кишилар ўз йўналишига тортиши жамиятда парокандаликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни бир меъёردа сақлаб туриш учун ягона қўл ҳамма вақт зарур эканлигини ҳаёт кўрсатмоқда.

Президент Ислом Каримов мамлакат жар ёқасига бориб қолган бир пайтда худди ана шу қаттиққўллиги, ўз Фикрига қатъийлиги ва позициясини қўлдан бермаслик фазилати билан ҳар томонлама барқарорликни сақлай олди. Бунинг жаҳон матбуоти ўз вақтида юксак баҳолади. Жумладан «Век» газетасининг 1995 йил, 21—27 июль сониди шундай дейилади: «СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади.

Каримовнинг митингларни таъқиқлаб қўйиши қирғизлар, тожиклар билан ўзаро муносабатлардаги мураккаб вазифаларни ҳал этиш каби жуда тўғри иш эди. Унинг колхоз ва совхозлар раҳбарларини сайлаш эмас, балки тайинлаш тўғрисидаги таклифи ҳам ўрикли эди. Агар шундай қилинмаганида охир-оқибат қандай бўлишини билиш қийин эди. Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни ҳам заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди... Буларнинг ҳаммаси Ислом Каримовнинг улуглигини белгилайдиган сифатлардир».

Мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмади. Курашлар ва изтироблар турмушимиздаги қатор қийинчиликлар ва муаммолар билан бирга қоришиб кетди. Ички ва ташқи ғанимлар билан олишиб, мустақиллик ҳимоя қилинди. Ўтган давр

халқимизни кўп нарсага ўргатди. Энди у ўз истиқболига ва истиқлолига қатъий ишонди.

Мустақилликнинг ўтган даври бизни кўп нарсаларга ўргатди. Бутунлай янги тарихий шароитларда бутунлай янги тажрибалар дунёга келди. Бу тажрибалар «Ўзбек модели» сифатида жаҳон демократик жараёнларини бойитмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил, 23 февралда бўлиб ўтган биринчи чақириқ биринчи сессиясида Президент Ислом Каримов мамлакатда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, энг инсонпарвар, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш хусусида гапирар экан **«Ўзбекистон XXI аср остонасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** дастурини ишлаб чиқиш зарурияти ҳақида алоҳида тўхталган эди. Орадан кўп ўтмай ана шу кенг тармоқли дастур Президентнинг ўз ташаббуси билан яратилди. **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** деб номланган йирик илмий, назарий, таҳлилий асар Ўзбекистон давлат сиёсатининг бош дастури сифатида дунёга келди.

Муаллиф демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш хусусида гапирар экан дунё муаммоларини, дунё тажрибаларини, инсоният тараққиёти даврида тўпланган ижобий хулосаларни чуқур ўрганади ва унга ўзига хос баҳо беради. Жумладан, у бугун жаҳон сиёсатида ҳар қандай зўравонлик ва куч ишлатишдан, ҳар қандай қурол-яроғ ва тазйиқлардан устун келадиган тафаккур дунёга келаётганини, энди ёқавайронлик, портлатиш ва қиргинбарот келтиришлар ибтидоий ҳодиса эканлигини, «зўр бўлсанг ўзингни ақлинг билан дўрсат» қабилида иш кўрсатиш вақти келганлигини бошқалардан кўра тезроқ англади, бошқалардан кўра чуқурроқ тушунди. Энди борган сари очиқлик, юзма-юз туриб фикрлашиш, муаммоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш ва ана шу аёвсиз музокаралар пайтида соғлом ақл-идрок тантанасига эришиш зарурлигини кўрсатиб бермоқда.

Президент Ислом Каримов мазкур китобда мустамлакачилик ва ирқий камситишларнинг йўқ қилинганлигини, социализм ва коммунистик мафқуранинг зўравонлик даъволари барбод этилганлиги, жаҳон харитасида янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлганлиги, минтақалараро муносабатларда мувозанатнинг ўзгариб кетганлиги, аниқроқ қилиб айтганда, жаҳон тараққиётида Осиё қитъаси мамлакатлари ролининг ошиб бораётганлиги XXI аср ижтимоий-сиёсий жараёнларининг ўзгариб боришига сабаб бўлишини чуқур таҳлил этади.

Муаллиф назарида демократик тараққиётнинг турли қадриятлари, тамойиллари ва меъёрлари такомиллашиб, бир-бирини бойитиб оммабоп тус олмақда. Энди ана шу қадриятлар ер юзининг турли мамлакатларида турли халқлар ва миллатлар-

нинг ягона, умуминсоний, умумбашарий қадриятларига айланмоқда. Зотан, инсон ер юзининг қайси бурчагида яшамасин, у энг аввало инсонлигини тушунмоғи лозим, инсон каби яшашга ҳақли. Ўзбекистон сиёсати назарида жаҳон тараққиёти ва демократия жараёнлари ана шунга асосланмоғи лозим.

Китобда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида фикр юриртилар экан, куйидагилар муҳим омил сифатида кўрсатиб берилади:

Биринчидан, муаллиф тасаввурида «Фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монеълик қилмайди, аксинча ёрдам беради».

Демак жамиятда энг аввало қонун устивор бўлиши, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ана шунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъмин этилишига имкон яратилади. Ҳар қандай камситишларга йўл қўйилмайди ва инсон ҳаёти тўла кафолатланади.

Демократия сиёсий ёки ҳуқуқий ҳодисагина эмас, айна пайтда у юксак маънавият, бой маданият, шахс камолоти билан боғлиқ бўлган, ҳар бир фуқаро маънавий-ахлоқий ва руҳий ҳолатини белгилайдиган олий қадрият. Муаллиф демократик жараёнларни чуқурлаштириш хусусида гапирар экан, демократия эркинликларини, жамият маънавий қиёфасини ва шахс озодлигини ана шундай яхлит ҳолда, бир бутун жонли организм шаклида тасаввур этади.

Иккинчидан, демократияни чуқурлаштириш омиллари билан бири сифатида кўппартиявийлик ҳақида алоҳида тўхталлади ва ўз фикрини аниқ, лўнда қилиб ўртага ташлайди. Ҳеч қачон партиялар сони демократия кўламиди, миқёсини, даражасини ва қадриятларини белгилай олмаслигини кўрсатиб беради. Турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини ҳимоя қила оладиган турли партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари ўз Низоми доирасидагина ўз аъзолари манфаатини ҳимоя қилиши мумкин, холос. Бироқ, умумий манфаат — халқ, жамият, мамлакат манфаати сингари энг олий ва энг қимматли эҳтиёжлар ҳам борки, бу барча сиёсий партияларнинг умумий йиғиндисида, турли ва хилма-хил қарашларнинг уйғунлигидан келиб чиқади. То ана шунга эришилмас экан, демократия шунчаки русумга айланиб қолаверади. Ана шундай нуқтан назардан «**Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг сони, дастури, йўл-йўриқлари ўзига хослиги ва ҳоказолар эса ижтимоий манфаатлар йиғиндиси ва жамланishi орқали табиий йўл билан белгиланмоғи керак. Сиёсий партиялар мавжуд бўлишининг асосий ва бирдан-бир принципи давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишдан иборат бўлмоғи лозим**» — деб ёзади И. Каримов.

Учинчидан, муҳолифат ҳақида. Муаллиф тасаввурида муҳолифатнинг мавжудлиги демократик жамият учун зарурий ҳоди-

са ва нормал ҳолатдир. Бироқ, бу шахсий манфаатлар заминидан униб чиққан, ўз орзу-умидларига эришиш учун интилган ёки жамиятнинг орзу қилинган амалларидан маҳрум этилган бир ҳовуч норози, нолинчоқ шахсларидан иборат бўлган алам-задалар «армия»си эмас, аксинча, ташкилий жиҳатдан расмийлашган, ҳуқуқий мақомга эга бўлган, Конституция ва амалдаги қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирган, ўз хатти-ҳаракати билан давлат ва жамиятдаги барқарорликка масъул бўлган юксак даражадаги сиёсий маданият кўригидир.

Ҳақиқий муҳолифат том маънода давлат ва жамият тараққиётига ёрдам берадиган, ҳукумат фаолиятининг такомиллаштишига кўмаклашадиган, конструктив, илмий ва амалий жиҳатдан асосли бўлган, ҳаётий жиҳатдан халқ томонидан маъқуланган ҳулосалар билан яшайди. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Тўртинчидан. жамоатчилик фикрининг қай даражадалигини билиш, уни шакллантириш ва такомиллаштириш, жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш зарур. Айниқса, ўтиш даврида, туб ислоҳотлар амалга ошириляётган бир пайтда турли тоифа, савия ва дунёқарашга эга бўлган халқ фикрини бир нуқтага жамлаш, уни асосий йўналишга буриб туриш ислоҳотлар тақдирини ҳал қиладиган энг муҳим омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам матбуотга муносабат унинг жамиятда тутган ўрни ва ролини аниқлаш, «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш зарур.

Эскича фикр юритиш, эскича тафаккур тарзи ҳамма вақт янгиликнинг йўлини тўсади. Унга гов бўлади. Президент Ислон Каримов «Эски сарқитлардан жудо бўлиш, дунёқарашлар, психологиялар, турли даъволар ўртасидаги кўзга кўринмайдиган, лекин тинкани қуритадиган курашлар билан бирга бормоқда. Ҳаётнинг ўзи ана шу дунёқарашлар, психологиялар, даъволар орасидан ўтишга мажбур қилмоқда», — дейди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон ана шундай мураккаб, зиддиятли курашлари орқали янги асрга қадам қўймоқда. Бу курашлар қанчалик қийин бўлмасин, эскича тафаккурни синдириш, янгиликни қабул қилиш қанчалик машаққатли бўлмасин, айни пайтда у миллионлаб кишиларни ўзига эргаштириб бормоқда. Келажакка қатъий ишонч билан қарамоқда.

3-§. VI СЕССИЯ. ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Мамлакатимизда туб ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилларининг жорий этилиши аввалига айрим муҳолифларимизга унчалик ҳам хуш келмаган эди. Улар бунини сусткашликка, маъмурий-буйруқбозлик тузумининг иллатларига, янги ҳокимиятнинг демократик ўзгаришлари ноқобиллигига йўйинишди.

Аслини олганда, «Фалаж қилиб даволаш» усули, яъни жа-

миятни олдин бутунлай чилпарчин қилиб, текислаб ташлаб сўнг унинг ўрнига янгисини куриш, ислоҳотларни инқилобий йўл билан амалга ошириш фожеаларга олиб келишини ўйламади. Ҳиссиёт ақлдан устун туриши жамиятни ҳамма вақт инқирозга олиб келишини, ҳар қандай ислоҳотлар эса аста-секинлик билан одамлар қалби ва онги орқали амалга оширилгандагина юксак маданият ва маънавият мазмунини касб этишини тушунишмас эди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, энг аввало иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки самаралари кўзга ташлана бошланди. Бу давлат мулкини хусусийлаштиришдан тортиб пул ва банк-кредит тизимини бутунлай ўзгартириш, хорижий сармояларни жалб этиш, ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш, саноатни янги, илғор замонавий технологиялар билан жиҳозлашгача бўлган ва бошқа жиҳатларни қамраб олган ислоҳотларни ўзида мужассам этади. Айни ана шу янгиланиш жараёнида «ўзбек модели» вужудга келди. Бу жаҳон давлатчилигида янги йўналиш бошланганидан, жаҳон тажрибаларини янги мазмун билан бойитаётганидан далолат берар эди.

Ўзбекистоннинг туб ислоҳотлардаги ўз тараққиёт йўли фақат шугинами?

Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бутунлай янги-ча муносабатда бўлиш, жамият тараққиётининг аҳоли маънавий-руҳий ва сиёсий-маданий қарашларидан келиб чиққан ўзига хос ёндошиш усули шакллана бошланди. Жумладан, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда ҳам.

Мустақилликнинг илк кунларида Президентимиз ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласини долзарб вазифа қилиб ўртага ташлади. Дарҳақиқат, айни ана шу тамойиллар жаҳон давлатчилиги энг илғор тажрибаларига мос келадиган, уни дунё тан оладиган, инсон ҳуқуқлари ҳар жиҳатдан кафолатланадиган жамият сифатида барпо этиш кўзда тутилган эди.

Айни ана шу пайтларда — 90-йилларнинг бошларида мамлакат оғир ижтимоий, иқтисодий пўртаналар гирдобига тушган, демократия «ўйин»лари авж олган, аҳолининг айрим гуруҳларида эҳтирослар жумбушга келган бир пайт эди. Ҳар қандай шароитда ҳам олдин ана шу оғир вазиятдан эсон-омон чиқиб олиш, Президент ибораси билан айтганда «**ҳеч қандай ларзаларсиз**», қон тўқмасдан, мамлакатда барқарорликни сақлаб турган ҳолда аста-секинлик билан ҳаётни изга солиш тамойили танлаб олинди. «**Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик**» сингари ҳаёт синовидан ўтган тажрибалар йўлидан борилди. Ана шу биргина шиорнинг ўзи туб ислоҳотларнинг ҳамма соҳаларига — ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатларига тегишли эди. Айни ана шу шиорнинг ўзида давлат сиёсатининг инсонпарварлик мазмуни, ҳар бир фуқаро, ҳар бир тирик жон ҳаётининг дахлсизлигини таъминлашга масъ-

уллик, бутун мамлакат тинчлиги ва осойишталигини сақлашга жавобгарлик ҳисси мужассам бўлган эди.

Ана шундай бўхронлар гирдобида қолган Ўзбекистон ҳукумати мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг бориши ва унинг оқибатларини ҳар томонлама ўрганиб борди. Уни бартараф этиш чораларини кўрди. «Дастлабки кезларда Ўзбекистонни сусткашлик ва консерватизмда айблашарди. Аммо Ўзбекистон бугунги кунга келиб, бозор ўзгартишларининг теранлиги, ижтимоий янгиланишнинг суръатлари ва тараққиёти юзасидан, собиқ совет ҳудудидаги аниқ дастурга эга бўлмай туриб, асоссиз ва мулоҳазасиз ислоҳотлар жараёнини тезлаштиришга уринган, бесабрлик қилган, сохта обрўга интилган кўпгина республикалардан олдинлаб кетди.

Минг афсуски, ана шу юзаки урнишларнинг ҳаммаси пировард натижада ислоҳотларнинг ўзини маълум даражада обрўсизлантирди. Уларга ортиқча сиёсий тус берди. Жамиятдаги ички қарама-қаршилиқни кучайтирди. Бу бор гап ва ундан ҳеч қаяққа қочиб қутулиб бўлмайди». Орадан йиллар ўтди. Тошқинлар тинди, сувлар тиниқлашди, булутлар тарқалди. Ҳақиқий ҳаёт аниқ-равшан кўзга ташланди: Сиёсатнинг ҳар қандай ҳиссиёт ва туйгулардан ҳоли бўлган, ақл-идрокка таянган шаклу шамойили намоен бўлди. Ана шунинг ўзи янгиликни эволюцион йўл билан амалда жорий қилишнинг, қатъий интизомга таянган демократиянинг маънавий қиёфаси эди.

Ўзбекистон янгиланишларнинг иккинчи даврини бошлади. Бунинималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида аввало одамлар янгича турмуш тарзига энг аввало кўникма ҳосил қилишлари керак эди. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини англашлари, мустақил тараққиёт афзалликлари ва беқиёс имкониятларини тушуниб олишлари лозим эди. Бунингсиз ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Чунки, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ҳам инсон асосий ҳал қилувчи омил. Шунинг учун ҳам янгиланишлар энг аввало унинг қалбидан, онги ва тафаккури элагидан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистонда, худди иқтисодий ислоҳотларга бўлгани каби, демократияга муносабатда ҳам ана шу тарзда йўл тутилди. Демак, олдин жамият барқарорлигини таъминлаш, одамларни демократик ҳаёт тарзига ўргатиш, уларга демократик тамойилларни тушунтириш сўнг эса демократик жараёнларни фаоллаштириб, унинг қондаларини ишлаб чиқиш зарур эди.

Аслини олганда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли танлангандаёқ демократияни жорий этишнинг стратегик дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бироқ, бунинг эълон қилиш учун ҳали эрта, яъни жамият ҳали бу дастурларни амалга ташкилий ошириш учун тайёр эмас эди. Шунинг учун амалий фаолиятга зўр бериш ишларни кучайтириш йўли билан адашишлари ҳам, жамиятни ҳам тайёрлаш зарур эди.

Мана энди демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг иккинчи босқичи бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил, 29 августда бўлиб ўтган VI сессияси ана шу янги даврни бошлаб берди ва демократик жараёнларни чуқурлаштириш тамойилларини кўрсатиб берди.

Биринчидан, жамиятни тубдан янгилаш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга ошириш, шу асосда демократик тамойилларни турмуш тарзига айлантириш узоқ давом этадиган узлуксиз жараёндир. Бу кундалик ташвишимиз билан боглиқ бўлган ва умуман мамлакат тақдирини белгилайдиган муҳим ҳодисадир. Жамиятда демократияни чуқурлаштириш изчилликни тақозо этадиган, собитқадамлик билан турли қаршиликлар ва тўсиқларни енгиб, эскича қолипларни синдириб ташлаб, янгича тафаккур тарзини жорий қиладиган мураккаб жараёндир.

Иккинчидан, жамиятни демократлаштириш бу бевосита иқтисодий ислохотлардан тортиб ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий янгиланишларга бевосита таянган воқеликдир. Сессияда таъкидланганидек «демократиялаш жараёнининг айнаи ана шу ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий жараёнлари иқтисодий тараққиётдан орқада қолмоқда». Бу «талай муҳим қонунлар, тегишли қонуни ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаганлигида, қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва қафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган»ида кўринади.

Айнаи ана шундай қарашнинг ўзи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари ҳамда жамоат ташкилотлари кенг миқёсли фаолиятини кучайтириш таъсирчанлигини ва иш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатади. Ёки аниқроқ қилиб айтганда улар фаолиятини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун бир тизимини яратишга, бу соҳада узоқ муддатли пировард мақсадларни инобатга олган стратегик дастурларни ишлаб чиқишга, уни ҳаётга изчиллик ва собитқадамлик билан жорий этишга шу йўл билан одамлар тафаккурида ўзгариш ясаб, жамият маънавий қиёфасини шакллантиришга сафарбар этиш лозимлигини кўрсатади.

Учинчидан, қонун устиворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш лозим. Энг аввало ҳуқуқтартибот ишларини, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни халқаро мезон ва андозаларга мослаштириш зарур. Маълумки айнаи пайтда жаҳонда мазкур масалага доир етмиш хил андоза мавжуд. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамятида тан олинган тамойиллар ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозир ана шу андозалардан ўн бештасига қўшилганлиги унинг жуда қисқа муддатда демократиянинг турмуш тарзига ва уни ишлаб борадиган жонли ҳодисага айлантириш борасида амалга оширилган катта ютуғи ҳисобланади.

Ҳуқумат мустақиллик даврида босиб ўтилган йўл, тўпланган тажрибалар ва имкониятларни таҳлил қилар экан, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, уни жаҳоннинг энг илгор тажрибалари билан бойитиш кераклигини уқтиради.

Сессияда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва бу соҳадаги нормативларни амалга ошириш устидан назоратни кучайтиришнинг энг замонавий шаклларини вужудга келтириш зарур, деб кўрсатди. Жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институти ҳамда ҳуқуқпарвар жамоат ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Омбудсман институти, Жамоатчилик фикри институти, Амалдаги қонунчилик Мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази сингари ташкилотлар ишини ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда бошқа бир қатор институтларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатди.

Президент И.Каримов масаланинг худди ана шу жиҳатига алоҳида эътибор берар экан, «Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги кадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса *инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эътиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш гоят муҳимдир*. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шarti бўлиб қолиши керак» — деб уқтирди.

Ўз-ўзидан маълумки, бу одамларнинг тафаккурида ўзгариш ясаш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини чуқурроқ англаб олишига ёрдам бериш, умуман олганда, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билимлари савиясини оширишни тақозо этадиган жараён. Зотан, ўз ҳақ-ҳуқуқини аниқ билган, ўзини ҳимоя қилишга қодир шахс жамият олдидаги бурчини ҳам чуқур тушунади. Фуқаронинг қанчалик ҳуқуқий онги ва сиёсий билими юқори бўлса, давлат ва жамият олдидаги мажбуриятини ҳамда фуқаролик масъулиятини шунчалик чуқур англайди. Ана шундай ҳолатнинг ўзи шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашган, баркамол маънавий қиёфасини белгилайди.

Тўртинчидан, аҳолининг сиёсий фаоллиги бевосита унинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига қанчалик дахлдорлиги билан белгиланади. Агар фуқаро сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан фаол бўлса, у ўз-ўзини бошқаришга ва шу орқали жамоа ҳаракатини шакллантиришга, унинг мазмунини чуқурлаштиришга қодир бўлади. Янгиланаётган жамият аҳолини кундалик ташвишлар ва ҳар хил иқир-чикирлар гирдобидан олиб чиқади, уни ҳаётга теранроқ ва сергақроқ қарашга тақозо этмоқда. У ўзини эркин ҳис қилсин, эркин фикрласин, олдин фикрининг тўгрилигига, жамият учун фойдали эканлигига ишонсин, сўнг уни ҳеч қийналмасдан баён қилсин. Ҳақиқий демократия ана шунда кўринади. Агар ҳар бир фуқаро ҳаётда ўзини ана шундай тутса, ана шундай қобилиятга эга бўлса демократия ўз-ўзидан

жамиятнинг таркибий қисмига айланади, унда мустақкам ўрнашиб олади.

Аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш, унинг жамият ривожланишида тутган роли ва мавқеини кўтариш бир жиҳатдан кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини чуқурлаштириш билан белгиланади. Айна пайтда мамлакатимизда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун амал қилмоқда. Ҳозир ана шу қонун доирасида мамлакатимизда тўртта партия, битта халқ ҳаракати, қасаба уюшмалари, жами икки юздан ортиқ жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Фуқароларнинг ана шу ташкилотларда фаол иштирок этишини таъминлашнинг узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

Юқоридагидан келиб чиқиб Президент И.Каримов «жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятнинг барча бўғинларида ўзбошимчалик, волюнтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий қафолат ҳам бўлмайди»,— дейди.

Бешинчидан, демократия ва муҳолифат хусусида. Маълумки, бизнинг муҳолифат ҳақидаги тушунчаларимиз ҳали-ҳамон жўн ва содда. Чунки, биз учун муҳолифат янги даврнинг маҳсули сифатида истиқлол арафасидагина тилимизда пайдо бўлди. Бунинг ўзига хос омиллари бор. Жумладан, қадимда Шарқ давлатчилигида адолат тамойилларининг устун турганлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг ниҳоятда содда, айна пайтда самимий тизими мавжудлиги бутун жамиятда ҳар томонлама барқарорликка асос бўлган. Иккинчидан, муҳолифат тушунчаси умуман жаҳон давлатчилиги тажрибасида ҳам XX аср «ихтироси» сифатида демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиши шароитида вужудга келган ҳодисадир.

Муҳолифат мавжуд сиёсий кучларни гарозига солиб турадиган, жамият тараққиёти мувозанатини сақлаб турадиган, унинг равнақи янгидан-янги тамойилларини ишлаб чиқишга даъват этадиган ижобий воқелик. Бироқ биз ана шу воқеликнинг ҳақиқий мазмунини кашф этолганимиз йўқ.

Очигини айтганда бизда ҳозиргача муҳолифат бўлмаган ва ҳозирча йўқ. Бизда бир пайтлар — 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида демократия ўйинлари авж олган пайтда бир гуруҳ кишилар ўзларини турли томонга уришди. Уларнинг айримлари шон-шухрат ва амалга интилиш орзу-истагида бўлса, бир қисми юқори партиявий курсларда ишлаб, унинг имтиёзларидан фойдаланган ва кейинчалик ана шу имкониятлардан қуруқ қолиб, олдинги киборона ҳаётини қўмсаб қолган кишилар эди. Уларга эргашганлар эса ҳаётдан норози бўлган, турмушда ўз ўрнини тополмаган, жамиятга бир нарса беришдан кўра ундан кўпроқ нарса олишга иштиёқманд бўлганлардир.

Умуман олганда мухалифат деб аталган бу гуруҳларни мухалифатчилар эмас, балки ҳаётдан норозилар, деб аташ мумкин. Бундайлар эса, таассуфки, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ва ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд. Бу табиий ҳодиса. Чунки, мавжуд сиёсат, тартиб-қоидалар, қонунлар қайсидир жиҳати билан чекланган бўлади. Улар аҳоли барча табақасининг талаб-эҳтиёжларини тўла қамраб ололмайди. Қисқа қилиб айтганда, тартиб-интизомнинг чегараси бор, эҳтиёжлар эса ниҳоясиздир. Ана шу ҳолатнинг ўзи қонунларни доимо такомиллаштириб, қўшимчалар билан бойитиб боришни тақозо этади. Демак, ҳеч қачон мукамал демократик ҳаёт мавжуд бўлмайди. У доим фуқаролар талаби, ҳаёт эҳтиёжи ва янгилан-янги ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида ўзгариб, ривожланиб, бойиб бораверади.

Президент И.Каримов мухалифат тушунчаси хусусида гапирар экан, «тушунчанинг асл маъносини аниқ англаб олишимиз лозим. Биз сиёсий мухалифатни муқобил мухалифат сифатида тушунамиз. Турмушимизнинг ҳамма соҳасида муқобиллик бўлиши лозим. Шу сабабли мухалифат ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ислохотлар ўтказиш, жамиятнинг тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олга бориш бўйича муқобил дастур турларини таклиф этишга қодир амалий мухалифатни назарда тутамиз», дейди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Президент мухалифат ҳақида, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни ва роли тўғрисида гапирар экан, жаҳон тажрибаларига таянади. Мухалифатчиликнинг ҳаётини зарурати, масъулияти ва бурчи ҳақидаги энг адолатли мулоҳазаларини ўртага ташлайди.

Дарҳақиқат, жаҳон демократик жараёнлари ҳуқуқий мақоми ва конституциявий кафолатлари мавжуд бўлган, ўз фаолиятини жамият тараққиёти ва фуқаролар осойишталиги асосида қурган, унинг бутун масъулиятини бўйнига олган, давлат равақини таъминлашга ҳолисона кўмаклашадиган, ҳар томонлама — илмий ва ҳаётини жиҳатдан асосланган дастурларга эга бўлган мухалифатни тан олади. Ўзбекистон ҳукумати мухалифатга худди ана шу халқаро талаблар нуқтаи назаридан ёндашади. Тараққий топган мамлакатларда ва демократик тамойиллар ривожланган давлатларда мухалифатга шундай ёндашишди. Ана шу ҳулосалардан келиб чиқиб Президент И.Каримов «Биз расмий ҳокимият билан ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган мухалифатни кўришни истаймиз», — дейди.

Олтинчидан, сессияда ҳокимият бўлиниши тамойилларига қатъий амал қилиш демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили сифатида кўрсатилди. Бу айниқса ўтиш даврида жамият бошқарувини такомиллаштиришга, унинг бар-

қарорлигини таъминлашга, фуқаро ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқликни чуқурлаштиришга замин яратади.

Қонун чиқарувчи орган жамиятни қонунлар тизими билан таъминласа, ижро органлари бевосита ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, жойларда қонунчиликни жорий этиш, ҳуқуқий демократик давлат тизимини мустаҳкамлашни таъминлайди.

Суд ҳокимияти эса инсонпарвар фуқаролик жамияти маънавий қиёфасини белгилайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади. Эндигина мустақиллик даврига келиб суд ўз вазифасини бажаришга киришмоқда, ўз мақоми доирасида фаолият кўрсатишни тамойилга айлантирмоқда.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайлик. Суд, прокуратура, ички ишлар хизмати, бизнинг тасаввуримизда қаттол ва бешафқат жазо органи, одамларга тазйиқ қилувчи, зўравонлик маҳкамаси бўлиб кўринар эди. Кўчада бир милиционер ёки прокуратура ходимига кўзинг тушса, беихтиёр орқанг уюшиб, товонинггача музлаб кетардинг, киши. Чунки қизил империянинг асосий таянчи, қонхўр қиличи ҳисобланган ҳуқуқ-тартибот органлари аслида ўз вазифаларини бажармас эди. Улар давлат ва қонунни рўқач қилиб, фуқароларни кўрқитиш, уларда тобелик ва мутелик руҳиятини сингдириш, қалбини жароҳатлаш, иродасини букишни мақсад қилиб олишган эди. Аслини олганда бу мақсадгина эмас, балки давлат сиёсатига айланган қудратли ва фашистик характердаги ҳодиса эди.

Сессия «Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим», — деб кўрсатди. Дарҳақиқат, суд энди одамларни жазоловчилик фаолиятидан уларни ҳимоя қилувчи, ҳақ-ҳуқуқини тиклашга ёрдам берувчи, инсонпарвар ва адолатпарвар тизимга айланмоғи лозим. Ана шундай тақдирда чинакам демократик жамият вужудга келади ва унинг яшовчанлиги таъминланади.

Президент Суд ҳокимияти ишини ислоҳ қилишни ҳуқуқий демократик давлатни барпо қилишнинг асоси сифатида қарайди. Суд фаолиятини демократиялаштиришни эса халқ маслаҳатчилари тизимини такомиллаштириш, суд ишларида кенг жамоатчилик вакилларининг фаол иштирок этишини таъминлаш орқали амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Ана шунда демократик жамиятнинг пойдевори мустаҳкам бўлади. Бу — **биринчидан.**

Иккинчидан, биз бутунлай янги тарихий шароитда яшаймиз. Биз ўз ҳаётимизни қайтадан йўлга қўймоқдамиз. Жумладан, суд ҳокимияти фаолиятида ана шундай янгилинишлар даврини бошдан кечиряпмиз. Энди унинг таркибини кенгайтиришимиз даркор. «**Шу мақсадда,** — дейди Президент И.Каримов, — транспорт ва солиқ судларини тузиш, ҳолис ҳакамлар судлари (третейский суд) имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим.

1993 йил сентябрида қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги

қонунда назарда тутилганлигига қарамай, судлар таркибида ҳанузга қадар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича судьялар лавозимлари жорий этилмади.

Ўзбекистон судьялари уюшмасини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ кўринади. Бу уюшма Халқаро судьялар уюшмасига тўла ҳуқуққа эъзо бўлиши мумкин».

Буларнинг барчаси ҳуқуқий демократик давлат илдишларни чуқурлаштиришга, уни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга, давлатни қудратли механизмга айлантиришга ёрдам беради. Давлат кучли бўлган жойда тараққиёт тезлашади, жамият маънавий жиҳатдан мутаҳкамланади, сиёсий жиҳатдан ўзини намоён қилиш имкониятига эга бўлади.

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш имкониятлари кенгайди. Қонун барқарор бўлган жойда фуқароларнинг эркинликлари кенгайди. Ўзлигини намоён қилиш, ички қудратини кўрсата билиш, яратувчилик иқтидорини ривожлантириш имкониятига эга бўлади. Фуқаролари ўз тақдирини ўзи белгилаб, ҳар бир кунини бунёд этиш, кашф қилиш иштиёқи билан ўтказадиган мамлакатда, албатта, аҳоли эҳтиёжлари қонун билан кафолатланган бўлади. Давлат эса бутун чоралар билан ана шу қонунлар ҳаракатини назорат қилиб бориш, уни йўналтириб туриш, йўл-йўлакай «таъмирлаб», такомиллаштириб бориш сингари муҳим вазифани бажаради.

Юқоридагиларнинг барчаси бевосита фуқароларнинг ҳуқуқий билимларни нечоғлиқ эгаллашига, ўз ҳақ-ҳуқуқини англаб олишига, мавжуд қонунлар кафолатлаб берган имкониятлардан қанчалик фойдалана олиш даражасига боғлиқ. Иккинчидан, ҳуқуқшунос кадрлар сифатини яхшилаш, уларни замонавий билимлар билан қуроллантириш катта аҳамият қасб этади. Президент И.Каримов сессияда шу масалалар ҳақида сўз юритар экан, ҳуқуқшунос кадрларга эҳтиёж катта эканлигини алоҳида уқтирди. Жумладан, бизда ҳар юз минг аҳолига судлар Олмониядагига нисбатан олти марта, адвокатлар эса Америка Кўшма Штатларига нисбатан 55 марта кам эканлигини кўрсатиб ўтди.

Бош ислохотчи — давлатнинг истиқбол режалари ва стратегик дастурларидан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқароларнинг хавфсизлиги, тартиб-иттизом, ташқи сиёсат, валюта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умуммиллий вазифаларга қаратмоғи зарур.

Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказиши лозим.

Ана шундай шароитда жамиятда демократия чуқурлашади.

фуқароларнинг ижтимоий фаолияти кучаяди. Жойларда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари иши бевосита барча фуқароларнинг иштироки асосида такомиллашиб бораверади. Натижада фуқаро ва жамият ўртасидаги боғлиқлик кучаяди. Одамлар ўзларини жамиятнинг муҳим, йўналтирувчи кучи эканликларини чуқурроқ англай бошлайдилар. Уларнинг дунёқараши, мақсад ва интилишлари бевосита жамият истиқболини белгилайди, унинг келажигидан башорат қилади. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, демократия жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётининг узвий бир қисмига айланган тақдирдагина демократия ҳисобланади. Фарзандларимизни болаликдан оқ айни шу руҳда тарбиялаб бориш зарур, — деган хулосага келиш мумкин.

Юқорида демократик тамойилларни чуқурлаштиришнинг уч омили хусусида гапирдик. Ҳокимият бўлинишидаги тармоқларнинг ҳар бири хусусида алоҳида тўхталдик. Қонун чиқарувчи, ижро ҳокимияти ва суд ҳокимиятининг фаолиятлари юзасидан фикр юритдик. Уларнинг демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида тутган ўрни ва роли ҳақида фикр юритдик.

Ҳозирги замон демократик жараёнлари ва унинг энг илгор тажрибалари тўртинчи ҳокимиятни ҳам яратиш ва унинг фаолиятдан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу бевосита оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унинг ҳуқуқий асосини мустақкамлаш, демократик жамиятдаги роли ва вазифаларини белгилаб бериш, журналистик фаолиятни қонун билан кафолатлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1996 йил, 30 августда бўлиб ўтган сессиясида «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунларни қабул қилди. 1997 йил, 24 апрелда «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», 1997 йил, 26 декабрда эса «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (янги таҳрирда) Қонун қабул қилинди. Журналистларни қайта тайёрлаш Маркази иш бошлади. Булар мамлакатимизда сўз ва фикр эркинлигига кафолат бўлиб хизмат қилади.

1999—2000 ўқув йилида Ўзбекистон жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультетининг ташкил этилиши эса ўзбек журналистикаси тарихида муҳим воқеа бўлди.

4-§. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Ўзбекистон тарихининг мустақиллик йиллари аввалги даврдан фарқли ўлароқ айнан истиқлол туфайли юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати учун зарур шарт-шароитлар яратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Авалло шуни айтиш керакки, бу Ўзбекистон Конституциясида ўз ифодасини топди. Унда энг олий қадрият сифатида

давлат ва ижтимоий тизим эмас, балки инсон ҳуқуқи кафолатлаб қўйилди. Конституциянинг 13 моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади», — деб белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Конституциянинг иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталишининг ўзи Асосий қонуннинг инсонпарварлигини кўрсатади. Унинг ҳар бир моддасида фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари, уларнинг кафолатланиши ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар ҳаётнинг барча соҳаларида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатларда бир-бирлари билан тенг ҳуқуққа эга бўлдилар.

Айрим шахсларнинг фойдаланиши лозим бўлган имкониятлар қонунда белгиланиб, улар фақат ижтимоий адолат принциплари асосида бўлиши кўрсатиб қўйилди.

Айниқса фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиши ёки қилмаслиги қонун билан кафолатланиб, ўзларининг ихтиёрига берилган бўлиб, бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши меъёрий қонунлар билан мустаҳкамланди. Жумладан, фуқароларнинг динга муносабати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (1998 й.) қонун билан тартибга солинди, ҳамда уларнинг дахлсизлиги таъминланмоқда.

Истиқлол йилларидаги катта ютуқлардан бири шундаки, Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва каебни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонун билан ҳимоя қилинадиган бўлди. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги қийин ва зиддиятли бир пайтда мамлакатимизнинг турли сарҳадларига яқин жойларда урушлар рўй бериб, қон тўкилиб, бегуноҳ одамлар қурбон бўлиб, сарсон-саргардон кишилар кўпайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистонда инсон учун энг олий неъмат — яшаш ҳуқуқи ва осойишта ҳаёт кечириш ҳуқуқи тўла таъмин этилди. Бир сўз билан айтганда худди ана шу мураккаб йилларда Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларнинг устиворлиги янада мустаҳкамланиб, янги демократик жараёнлар одамлар онги ва қалби орқали ўтказилиб, ҳаётга тобора чуқурроқ кириб бора бошлади.

Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг жаҳон андозаларига мос келадиган, энг илгор тажрибала асосида вужудга келган замонавий усуллар жорий қилина бошланди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устиворлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилишига киришилди. Халқаро миқёсда

қабул қилинган тамойилларга асосланиб фаолият кўрсатадиган янгидан янги ҳуқуқий муассасалар ташкил этилди.

Истиқлол йилларида фуқароларнинг ҳуқуқларини акс эттирувчи, ҳимоя қилувчи, уларнинг турли соҳалардаги фаолиятини тартибга солувчи 300 дан ортиқ қонун ва Парламентнинг Қонунга тенглаштирилган қарорлари тизими вужудга келди. Бир ярим мингдан ортиқ Президент фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинганлиги айна шу тарихан жуда қисқа даврда амалга оширилган ишлар кўламини кўрсатади. Уларнинг аксарияти фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилиш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва тўла қарор топтириш асосида фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий ҳимоялашни таъминлашга қаратилгандир. Энди ҳамма гап ана шу қонунлар, қарорлар, фармон ва фармойишларнинг ҳаётга тадбиқ этилишига, уларнинг огишмай амалга оширишга қолган. Бу фуқаролар турли табақаси маънавий-ахлоқий етуклик даражасидан тортиб, уларнинг туб ислохотлар моҳиятини чуқур англаши, янгиланаётган жамият тамойилларини ўзлаштириш ва кенг миқёсли сиёсий тайёргарлигига боғлиқ бўлган узоқ муддатли жараёндир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг инсон ҳуқуқлари бўйича ривожланган демократик мамлакатлар қўллаётган тамойилларга содиқлигини намойиш этиб келмоқда.

Республикада мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқи ва эркинликларига доир бир қатор халқаро ҳужжатлар тан олинди ва улар халқ орасида тарғиб қилина бошланди. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт ва факультатив Баённома» шулар жумласидандир. Улар ҳозирги замон жаҳон давлатчилигини ва жамиятни демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Айна чоқда Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига оид 30 дан ортиқ асосий пакт ва Конвенциясига қўшилган. Бу борада шуни айтиш керакки, Ўзбекистон 1996 йилнинг апрель ойида БМТ комиссиясига сиёсий ва инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро Пакт нормаларини бажариш борасида миллий маъруза матнини тақдим этди.

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакилларини сайлаш, ўзини-ўзи бошқариш асосида, референдумлар ўтказиш каби демократик ҳуқуқий институтлар орқали қатнашади. У ўз сиёсий ҳуқуқларини қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, бошқа жамоат ва оммавий ташкилотларда реал иштирок этиш йўли билан амалга ошириши мумкин. Шунинг учун ҳам «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» ва бошқа жаҳон миқёсида тан олинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиб,

Олий Кенгаш 1991 йил IV сессиясида «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги», «Сиёсий партиялар тўғрисидаги» (1996 й.) Қонунлар қабул қилинди.

Жамоат ташкилотлари ролини ошириш, улар фаолияти самарадорлигини таъминлаш асосида фуқароларни ўз-ўзини бошқаришга тайёрлаш, маҳаллий давлат органлари ишини аста-секинлик билан жамоат ташкилотлари зиммасига юклашнинг ўзи инсоннинг яшаш ҳуқуқини кафолатлаш, унга эркинлик бериш, озод турмуш тарзини яратишнинг дебочасидир. Ўзбекистонда мустақилликнинг эндигина бир йиллиги нишонланган пайтдаёқ жамоа бирлашмалари фаолиятини қонун билан кафолатлаш бу мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос, айна пайтла келажакка қатъий ишонч билан қараётган, ўз истиқболлини аниқ кўраётган сиёсат мавжудлигини кўрсатади.

Юқорида зикр этилган қонунлар фуқароларнинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланган жамоат бирлашмалари тузиши, сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқларини белгилаб берди.

1992 йил 14 январида бўлиб ўтган Олий Кенгаш IX сессиясида мамлакат Президентининг, Парламент раисининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилувчи Қонун, оилавий таъминоти, уларга хизмат кўрсатиш ва қўриқлаш тўғрисидаги қарорлар ҳам кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия фаолият кўрсатмоқда. 1995 йил, 23 февралда Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили сайланди.

1995 йил 30 августидан қабул қилинган «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонун ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини мукамаллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ давлат инсон ҳуқуқларини муҳофаза этишга алоҳида эътибор берганлиги бежиз эмас. Бинобарин, ушбу тушунча ривожланган демократик давлатларда олий кадрият сифатида эътироф қилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 1996 йил 28 августидан бўлиб ўтган сессиясида шу масалага алоҳида тўхталиб, «навбатдаги муҳим масала республиканинг қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ҳолга келтиришдир.

Жаҳонда инсон ҳуқуқлари соҳасида 70 стандарт қабул қилинган. Бу ҳужжатларда ҳукуматнинг ўз фуқаролари олдидати мажбуриятлари ва уларга нисбатан қилиши шарт бўлмаган ишлар белгилаб берилган. Ўзбекистон ҳозирда бу стандартлардан 15 тасига қўшилган.

Олий Мажлиснинг шу йўналишда фаол иш олиб бориши талаб этилмоқда», — деб кўрсатди.

1996 йил октябрь ойида «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекис-

тон Республикаси Миллий Марказини тузиш тўғрисида» қабул қилинган Фармон ана шу йўлда қўйилган яна бир муҳим қадамдир. Ушбу Фармон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирчан воситасини барпо этишга, республика фуқароларида ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши эса ҳуқуқий демократик давлатнинг ноёб хусусиятидир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг мақсади ва вазифалари ушбу фармонда аниқ белгиланган. Жумладан,

— миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, Қонунлар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш ана шундай вазифаларнинг муҳимидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил, 13 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган Низомга кўра Миллий марказ таҳлилий, тавсиялар берувчи, муассасалараро мувофиқлаштирувчи давлат органи бўлиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Президент фармонлари қоидаларига амал қилиниши юзасидан давлат сиёсатини амалга оширмоқда. Шу билан бирга Марказ ўқув-маърифий ва тарғибот, таҳлилий, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш йўналишлари бўйича иш олиб бормоқда.

Масалан, **ўқув маърифий йўналиш** бўйича 1997—1998 йиллар мобайнида 20 дан ортиқ рисола нашр этилди. Оммавий ахборот воситаларида мақолалар чоп этилди. Телевидениеда кўрсатувлар тайёрланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг турли йўналишлари бўйича халқаро ва миллий миқёсда ўқув дастурлари, семинарлар, анжуманлар, маъруза курслари ва ўқув сафарлари ташкиллаштирилади. Конрад Аденауэр жамғармаси ва БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ходимлари учун Андижон, Фаргона, Бухоро, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Наманган шаҳарларида ихтисослашган ўқув семинарлари ўтказилди.

Таҳлилий йўналиш бўйича миллий марказ Олий Мажлис муҳокамасига қўйиб келинаётган инсон ҳуқуқлари ҳимоясига алоқадор барча қонун ҳужжатларининг муҳокамасида фаол қатнашмоқда, мазкур қонун лойиҳаларининг очиқ муҳокамасини ташкиллаштирамоқда. Жумладан, «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (омбудсман) тўғрисидаги», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги», «Журналистнинг касбий фаолиятига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш эркинлиги кафолатлари тўғрисида», «Таълим тўғрисида»

ва бошқа бир қатор қонунларни муҳокама қилиш бўйича илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Бундан ташқари Миллий марказ Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган турли қонунлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси қўшилиши лозим бўлган халқаро шартномалар бўйича мунтазам ўзининг хулосаларини бериб бормоқда.

Фуқароларни қабул қилиш масаласида ҳам изчил иш олиб бормоқда.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказининг ташкил топиши Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланишининг яна бир бор ёрқин далилидир. Буларнинг барчаси масаланинг олий давлат аҳамиятига эга эканлигини, мазкур соҳага шахсан Президентнинг ўзи эътибор билан қараётганини кўрсатади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳали тажрибамизда бўлмаган ҳодиса, биз учун бу янгилик сифатида эндигина турмуш тарзимизга кириб келаётгани туфайли унга давлатнинг ўзи ташаббускор ва раҳнамо бўлаётир. Бу мамлакатимизда гоят инсонпарвар сиёсат мавжудлигининг натижасидир. Бу эса, Ўзбекистонда инсоннинг табиат гултожи, олам сарвари сифатида эъзозланадиган жамият шаклланаётганидан далолатдир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар орасида 1997 йил апрелда «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур институт собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мамлакатларнинг кўпчилигида, хусусан, Марказий Осиё давлатларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бундай дунёвий шакли мавжуд эмас. Мазкур соҳада Ўзбекистон ўз «иттифоқдош»ларидан анча илгарилаб кетди, десак хато бўлмайди. Ушбу қонунда шундай сатрлар бор: «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахслар, ташкилотлар ва давлат органларининг инсон ҳуқуқи, эрки ва қонуний манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида фаолият кўрсатади».

Айни чоқда истиқлолга эришилгандан сўнг мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган қатор амалий тадбирлар ҳам ўтказилди. Жумладан, 1996 йил май ойида «Фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш» мавзусига бағишланган республика ҳуқуқшунослари конференцияси бўлди. Унда қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди, тажрибалар умумлаштирилди, 1996—1997 йилларга мўлжалланган Дастур ва тадбирлар режаси, 1997 йил августида эса «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури» қабул қилинди.

Мамлакат Олий Мажлисининг VI сессиясида Қонунларнинг амалга оширилиши юзасидан аниқ тадбирлар қониқарли даражада белгиланмаганлиги таъкидлаб ўтилди.

1996 йил сентябрь ойида Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили инсон ҳуқуқлари масалаларига доир қонун ҳаракатларига риоя этилишини ҳамда уларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ тарзда такомиллаштирилишини таъминлаш мақсадида биринчи йиғилишини ўтказди.

Шунингдек, шу йили сентябрь ойида Тошкентда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар кенгаш семинари ҳам ўз эътиборини инсон ҳуқуқларига қаратди. Семинар-Кенгаш қатнашчиларига Президент И.Каримов Мурожаат этиб шундай деди: «Биз амалга ошираётган ишларнинг энг муҳим йўналишларидан бири — давлат томонидан ҳам, ижтимоий тузилмалар фаолиятини жадаллаштириш билан ҳам инсон эрки ва ҳуқуқларини муҳофаза этишнинг ишчан тартибини барпо этишдир. Инсон ҳуқуқларига риоя этишнинг мониторингини ва бу жараён устидан назорат ўрнатишни таъминлайдиган миллий муассасаларни мустаҳкамлаш ҳуқуқни ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар билан алоқани кенгайтириш муҳим вазифалардан саналади»¹.

Бугунги кунда ер юзининг турли минтақаларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини яратиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар, демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий нормаларга риоя этиш, парламентларнинг бу ишни назорат қилишдаги алоҳида ўрни, бу борада ҳукумат билан баҳамжиҳат олиб борилаётган ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Конрад Аденауэр номли халқаро фонд ва БМТнинг Ўзбекистондаги ривожланиш Дастури вакиллиги билан биргаликда 1996 йил 15 ноябрь куни Тошкентда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференциянинг асосий мавзуси бўлди.

Конференцияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов кириш сўзи билан очди. Конференцияда инсон ҳуқуқлари муаммосига минтақавий ёндошиш ва бу ишда парламентнинг роли, инсон ҳуқуқлари, демократия ва шахсни ҳимоя этишнинг тарихий-сиёсий жиҳатлари хусусида фикрлашиб олинди.

Жаҳон давлатчилиги назарияси ва амалиётининг далолат беришича, омбудсман тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши жамиятда демократия юксак даражада ривожланганлигининг, давлат билан фуқароларнинг ўзаро муносабатлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устивор эканлигининг кўрсаткичидир. Мамлакатимиз мустақилликнинг тарихан қисқа даври ичида демократия ва ҳуқуқий ривожланишнинг ана шундай жаҳон тан олган юксак даражасига чиқа олди. Бунга шубҳа йўқ. Чунки, қатор халқаро ташкилотлар, дунёнинг кўзга кўринган йирик сиёсат ва давлат арбоблари Ўзбекистондаги мавжуд демо-

кратик жараёнларни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро тамойилларга ва меъёрларга мос усули шаклланаётганини юқори баҳоламоқдалар ҳамда қўллаб-қувватламоқдалар.

Олий Мажлиснинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонуни Олий Мажлис VI сессиясида ўртага қўйилган вазифалар ва истиқбол режаларининг амалга ошаётганидан, соғлом маънавий-ҳуқуқий муҳит барқарорлашаётганидан далолат беради. Мазкур қонун умумхалқ муҳокама-сига қўйилиб, кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазалари ўрганилди.

Қонун лойиҳаси хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари, элчихоналари, нуфузли халқаро ташкилотлар, ҳукуматга ва давлатга қарашли бўлмаган органлар ҳамда жамғармаларнинг эътиборини тортди. Уларда катта қизиқиш уйғотди.

Қонун лойиҳасининг муҳокамасида мамлакат фуқаролари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар, шунингдек чет эллик ҳамкорларимиз ҳам фаол иштирок этишди. Улар киритган таклифлар ва билдирган мулоҳазалар мазкур ҳужжатни маромига етказишда, унинг мазмунан бойиб, моҳиятан чуқурлашишида катта ёрдам берди. Лойиҳани мамлакатимиз ва жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичи реалликларига мувофиқлаштириш, миллатимизнинг тарихий анъаналари, турмуш тарзи, ақидалари ва ақл-заковатини ифодалаган умумхалқ томонидан эътироф этилган нормалар билан тўлдириш имконини берди.

Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси чоғида Олий Мажлис ва ишчи гуруҳ номига 200 га яқин мулоҳаза ва таклиф тушди. Бу таклиф ва мулоҳазаларнинг барчаси пухта ўрганилди, муҳокама этилди. Улар лойиҳанинг янги таҳрири учун асос бўлди.

Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича мамлакат комиссияси йиғилишида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ишлар, тўпланган тажрибалар ва мавжуд муаммолар аҳволи ўрганиб чиқилди ва демократик жараёнларни такомиллаштириш вазифалари тўғрисида атрофлича фикр алмашилди.

Қонун лойиҳаси бўйича давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислар, судьялар, юрист олимлар, жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирокида илмий-амалий конференция ўтказилди. Унда ҳали бизнинг тажрибамизда бўлмаган, эндигина ҳаётимизга кириб келаётган омбудсман масалалари назарий фикрлар ва жаҳон амалиёти ҳисобга олинган ҳолда кенг муҳокама этилди. Бир қанча чет давлатларнинг элчилари ва дипломатия ходимлари, халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Америка ҳуқуқшунослар уюшмаси экспертлари иштирокида қонун лойиҳаси ҳар томонлама чуқур кўриб чиқилди. Шунингдек мазкур ҳужжат Олий Мажлис қўмиталарининг, сиёсий партиялар фракцияларининг мажлисларида ҳам

батафсил муҳокама этилди. Натижада 20 моддадан иборат янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Вакил Олий Мажлиснинг ёрдамчи институти бўлиб, у ижтимоий манфаатларнинг мувозанатиغا, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг мақбул давлат тизими яратилишига кўмаклашади. Қонун омбудсман институтининг умумий концепцияси ва жаҳон амалиётининг уйғунлашган шакли сифатида инсон ҳуқуқлари вакили фаолиятининг асосий қоидалари — қонунийлик, ошкоралик, адолатпарварлик, инсонпарварлик, ҳар бир киши учун очиклик эканлигини тасдиқлайди.

Жамият тараққиётида энг муҳим ҳуқуқий восита бўлган омбудсман институтининг аҳамияти бугун тобора ошмоқда ва у кундалик турмуш тарзимизга чуқурроқ кириб бормоқда.

Омбудсман фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини кўриб чиқишда, зарур ахборотни талаб қилиб олишда мансабдор шахслар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти амал қилишининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, фақатгина бизнинг мамлакатда Вакил фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия фаолиятини ташкил этади ва унга бошчилик қилади. Вакилнинг лавозим ваколатларини янада кучайтириш мақсадида унинг фаолиятини бюджет ҳисобидан пул билан таъминлашни, малакали мутахассислардан иборат Котибият ташкил этилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Қонун қабул қилингунга қадар ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил мамлакат Конституцияси доирасида фаолият кўрсатар эди. Жумладан, биргина 1996 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига ғарб арилиши бўйича комиссия аъзолари 700 дан ортиқ мурожаатни кўриб чиқди.

Шикоятларнинг энг кўпи фуқаролар суд ҳукмларидан, шу жумладан, мулкий масалалар, хусусан уй-жой масалалари бўйича чиқарилган қарорлардан норози эканликларини билдирганлар. Улар ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг кўполлигини баён этишади. 46 нафар аризаuchi асоссиз равишда ушланганлик ва айб қўйилганлик ҳусусида шикоят берган. Мурожаатларда келтирилган айрим далиллар прокуратура органлари томонидан текшириш вақтида ўз тасдиғини топди, улар юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Фуқаролик ишлари бўйича мурожаатлар ҳам анчагина. Улар мансабдор шахсларнинг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишади. 38 киши ишдан нотўғри бўшатирилганлиги ёки ишга тиклаш асоссиз рад этилганлиги ҳусусида ёзиб, далилларни текшириш илтимоси билан мурожаат қилган. Ана шундай аризаларнинг 16 тасидаги далиллар ўз тасдиғини топган ва зарур чоралар кўрилган.

Фуқароларни шикоят ёзишга мажбур этган сабаблардан бири

турли бўғинларда ҳуқуқий нигилизм ва инсонга лоқайд муносабатда бўлиш ҳануз барҳам топмаганлиги, кўп ҳолларда у ёки бу қийинчиликлар эмас, балки идоровий, ҳудудий органларнинг, ижтимоий институтларнинг мавжуд вазиятни пухта ўрганишни, аризага аҳволни батафсил тушунтириш ва бошига кулфат тушган кишига озгина бўлса-да, ёрдам беришни истамастиклари сабаб бўлмоқда.

Айрим судларда фуқаролар ишларини бир томонлама, юзак, айблов томонга қаратиб кўриб чиқиш фактларига ҳануз барҳам берилмаган. Терговни кўполлик билан, шахснинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини камситадиган усулларда олиб бориш ҳоллари мавжуд. Айрим мансабдор шахслар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга, Меҳнат кодексига ва бошқа ҳужжатларга амал қилмаяптилар.

Ўзбекистон Республикаси қатнашаётган халқаро шартномалар ва битимлар ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг муҳим йўналишидир.

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ҳамда қийноқларга солишга, муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайринисоний ва қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция қандай бажарилаётганлиги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ўтган даврдаги фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ушбу ҳужжатларда баён этилган нормалар суд ислоҳоти ва ҳуқуқни тadbиқ этиш амалиётини, хусусан қамоққа олиш ёки назорат остида сақлаш оқибатида озодликдан маҳрум этиш вақтида суднинг ролини оширишни талаб этади. Вакил «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга мурожаат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросидаги сусткашлик мавжудлигини кўрсатади.

«Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ва 1996 йилги иш тажрибасига асосланиб, Ўзбекистон Омбудсмани ўз фаолияти учун кейинги йилларда қуйидаги устивор йўналишларни белгилаб олди:

— Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари масалаларига доир қонун ҳужжатларига (шу жумладан халқаро конвенцияларга) риоя этилишида назоратни таъминлаш ва уларни такомиллаштиришга кўмаклашиш;

— шикоятлар кўриб чиқилишининг аниқ механизмини яратиш ва фуқаролар ҳуқуқларининг тикланиши учун самарали чораларни кўриш;

— Омбудсманнинг фуқаролар, ноҳукумат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасидаги ҳамкорлигини мустақкамлаш;

— фуқароларнинг турли тоифалари ўртасидаги ахборот-маърифат фаолиятини амалга ошириш;

— Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш.

Аҳолининг нозик қатламлари бўлмиш болалар, хотин-қизлар, қариялар, ногиронлар ва бошқаларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилишини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш лозим.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил тўғрисидаги Қонуннинг I-моддасига мувофиқ, Вакилнинг қонун ҳужжатларини такомиллаштирилишига кўмаклашиши қонун лойиҳалари ўрганилиши жараёнида уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мезонларга қай даражада мувофиқ эканлигини кўриб чиқиш орқали амалга оширилмоқда.

Биргина 1997 йилда Вакил томонидан Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг, Олий Мажлис қўмиталарининг аъзолари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари, инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа миллий тузилмалар вакиллари билан биргаликда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлари ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги қонунларга, Тошкент вилоятида «Бола — ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенцияга, Сирдарё вилоятида эса «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенцияга, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида «Меҳнат кодекси»га қай даражада риоя этилаётганлиги тўғрисида текшириш ўтказилди, мутасадди ташкилотлар билан кўриб чиқилди, аниқланган муаммоларни бартараф қилишга қаратилган чоратadbирлар белгиланди.

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича маркази, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Натижада, чет эл делегациялари билан 24 учрашув ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг Женевада бўлиб ўтган 52-сессиясининг мажлисида қатнашди ва сўзга чиқди. Чет элларга хизмат сафари давомида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил БМТ семинарида, БМТнинг Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларидаги вакиллари минтақавий учрашувида сўзга чиқди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг бир қатор кенгашлари ҳамда семинарлари ишида қатнашди.

Шундай қилиб, мустақил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун кенг имконият яратилди. Бу Ўзбекистонда қурилажак адолатли, демократик, фуқаролик жамиятининг муҳим омилidir.

5-§. СУД ҲОКИМИЯТИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда суд ҳокимиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг бу борада катта ишлар амалга оширилди.

Маълумки, 1991 йил 31 августда «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида» Конституциявий Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон тенглар қаторида тенг бўлиб дунё давлатлари сафида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Истиқлол туфайли нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки том маънода ҳуқуқий мустақилликка ҳам эришилди. Сир эмас, истиқлолга қадар республикамиздаги аксарият қонунлар собиқ иттифоқ қонунлари асосида қабул қилинар эди. Ўз-ўзидан маълумки, уларда халқимизнинг ўзига хос ҳаёт тарзи, урф-одатлари ва удумлари, маънавий-руҳий ва ахлоқий эҳтиёжлари тўлиқ акс эттирилмас эди.

Эндиликда вазият батамом ўзгарди. Давлатимиз мустақилликка эришган биринчи кунданок ҳуқуқий демократик давлат қурмоқчи эканлигини ва қонун устиворлиги таъминланишини маълум қилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ўзгаришлар давлат мустақиллигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайдиган, янгича ижтимоий муносабатларни шакллантирадиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган қонунлар яратилишини тақозо этди.

Шу боис 1992 йил 8 декабрда демократик ҳуқуқий давлатчилик заминини барпо этишнинг пойдевори бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

Чинакам демократик инсонпарвар жамият яратиш, ҳокимият ваколатларининг адолатли бўлиниши тамойилларига асосланган, миллийлик руҳи билан суғорилган ҳамда тараққий этган давлатлар томонидан эътироф этилган Конституциянинг қабул қилиниши мамлакатда қонунчилик тизимини барпо этиш учун асос бўлди.

Конституциянинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниши белгилаб қўйилди.

Шубҳасиз, ҳокимиятнинг бундай бўлиниши тамойилининг Конституцияда мустаҳкамланиши мустақиллик туфайли эришилган энг салмоқли ютуқлардан биридир. Чунки айни шундай, умум эътироф этилган, жаҳон тажрибасида кўрилган демократик йўл билангина одил судловни талаб даражасида амалга ошириш, Конституцияга ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларга, ижтимоий адолат тамойилларига оғишмай амал қилиш мумкин бўлади. Фуқароларнинг тинчлиги ва аҳиллиги-

ни сўзсиз таъминлаш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга замин яратилади.

Ўтган тарихан қисқа даврда суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш, суд ислоҳотларини изчиллик билан ўтказиш масалалари ҳамиша давлат раҳбарининг диққат марказида бўлиб келди. Жумладан, Олий Мажлиснинг 1995 йил 24 февралда бўлиб ўтган биринчи чақириқ, биринчи, 1995 йил 21 декабрдаги тўртинчи ва 1996 йил 28 августдаги олтинчи сессияларида суд ҳокимияти учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоқ эканлигига, одил судлов тизимини кенгайтириш ва демократиялаштириш лозимлигига эътибор берилди.

«Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир ... Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим»³ — деб уқдиради И. Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясида.

Кўриниб турибдики, суд аҳамиятининг, унинг обрўйининг жиддий равишда оширилиши зарурлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бу масала айниқса, судларнинг фаолиятида асосий мазмунни ташкил этиши зарурлиги Президент томонидан қайта-қайта таъкидланди. Суд кишиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳокимиятга айланиши зарур. Бунинг учун у мустақил ҳаракат қилиши керак. Халқ маслаҳатчилари ҳақиқий, одил, тажрибали, ҳурматга сазовор шахслар бўлиши керак.

Суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик Суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий Суди, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик Суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ҳўжалик ва ҳарбий судларидан иборат.

Ҳуқуқий демократик инсонпарвар давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида янги тизим — ҳуқуқ тармоқларини бирлаштиришни ва улар ўртасидаги муносабатни уйғунлаштиришни таъминловчи Конституциявий Суд юзага келди. Бу тизимнинг вужудга келиши демократик давлат учун улкан воқеадир.

Конституцияда суд ҳокимияти мустақиллигининг мустаҳкамланиши одил судловни амалга оширишда кенг имкониятлар очди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Мустақил Ўзбекистон Конституцияси шўролар даври конституцияларидан кескин фарқ қилади. Уларнинг бирортасида суд ҳокимияти деган сўз учрамайди.


Мустақил Ўзбекистон Конституциясида ҳокимиятнинг қонун

чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлиниши ҳозирги замон жаҳон давлатчилигининг энг илғор тажрибаларига мос келади ва халқаро талабларга тўла жавоб беради.


Чунки, айти шундай жаҳон жамоатчилиги томонидан қабул қилинган демократик меъёрлар билангина одил судловни талаб даражасида амалга оширишни таъминлаш, Конституцияга ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларга, ижтимоий адолатга, фуқароларнинг тинчлиги ва аҳиллигига сўзсиз амал қилиб, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш мумкин.

Конституциянинг 106- ва 116- моддаларида суд ҳокимиятининг асослари аниқ белгиланиб, суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллиги мустаҳкамланган. Шунга кўра, суд ҳокимияти ва судьялар фақат қонунгагина бўйсундилар. Бу қоида Конституцияда қатор кафолатлар билан ҳимояланган. Суд тизимининг тузилиши ва Республика барча суд органларининг ваколатлари ҳам Асосий қонунда белгилаб берилган.

Транспорт воситаларини олиб қочиш динамикаси:



Мустақил суд ҳокимиятини амалга ошириш механизмини тартибга солувчи ва унинг судьяларни сайлаш, тайинлаш ҳамда уларни вазифасидан озод қилиш тартиби, суд ишларини кўришда аралашганлик учун жавобгарлик ва ҳоказоларнинг асосий кафолати ҳисобланган «Судлар тўғрисида»ги Қонун 1993 йил 2 сентябрда Олий Кенгашнинг XIII сессиясида қабул қилинди. Илгарироқ 1992 йил 10 декабрда Олий Кенгашнинг XI сессиясида қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун унинг



суд билан бутунлай янги шароит ва талаблар доирасидаги ўзаро муносабатларини белгилаб берган эди. Жиноят процессуал, Хўжалик процессуал ва Фуқаролик процессуал тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниб, уларда суд мустақиллиги тамойиллари, тарафларнинг тенглиги, суд ишларини юритишда тортишув ва одил судловнинг бошқа демократик меъёрлари мустаҳкамланди.

1996 йил 7 декабрда Конституциянинг тўрт йиллигига бағишланган юбилей тантаналарида сўзга чиқиб, Президент И.Каримов давлатда ҳуқуқий тизим ҳар қандай вазиятда ҳам аниқ ишлаши лозим эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунинг учун ҳам ҳақиқий мустақил, кучли суд ҳокимияти судьяларнинг инжиқлиги ёки юқори мавқе истаги эмас, балки у Конституциянинг, барча халқнинг талаби ҳамда эркин демократик жамиятнинг ўзақларидан биридир.

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи давомида қонунийликни таъминлашнинг бундан ўзга механизми топилгани йўқ. Суд ҳокимияти мустақиллиги тамойили бизнинг мамлакатимиз ҳам қўшилган жуда кўп халқаро ҳужжатларда, шу жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон кўп йиллар давомида тоталитар тузум шароитида яшаб, ҳокимият бўлиниши тамойили йўқлиги учун суд ҳукмрон партиясининг қонунсиз даъволарининг ҳимоячисига, коммунистик мафқуранинг жазо органига айланиб келган эди.

Ҳарбий ҳайъат «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги тўғрисида»ги қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида ҳарбий ҳайъат ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан Олий суд таркибига киритилган.

Маълумки, 70 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ҳарбийларнинг тақдир қандай ҳал бўлишини ҳеч ким билмас эди. Республика ҳудудида ҳарбий трибунал деб номланган суд бор эди. Бироқ бунга Олий суд ва бошқа судларнинг умуман дахли йўқ эди. Энди қонундан келиб чиқиб, Қуролли кучлар ҳарбий суди, гарнизон судлари ва уларнинг иш фаолиятларини назорат қилиш учун Республика Олий судида ҳарбий ҳайъат ташкил этилди. Ҳарбий ҳайъат раиси лавозими бўйича Олий суд Раиси ўринбосари ҳисобланади. Уларга Қуролли кучлар сафида, чегара кўшинларида, миллий хавфсизлик органларида, республика ички ишлар вазирлигининг ички кўшинларида ва бошқа ҳарбий тузилмаларда хизмат қилаётган, ўқув йигинларидаги шахсий таркиб томонидан содир этилган жиноят ишларини ҳамда Қуролли кучлар ҳарбий қисмлари кўмондонларига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъвоси бўйича бўлган фуқаролик ишлари ва уларнинг гайриқонуний ҳаракатлари юзасидан тушган шикоятларни кўриш ваколати юклатилган.

Ҳозир суд ислохотларининг иккинчи босқичи бошланди. Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 декабрда бўлган VII сессиясида Жиноят ва Жиноят-процессуал қонуналарга жиддий ўзгаришлар киритилди. Ислохотларни бошқа йўналишлар бўйича ҳам ўтказиш учун ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

Суд ҳокимияти Конституция ва халқ томонидан судга берилган жиноят, фуқаролик ва маъмурий ҳамда хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқ ва адолат, қонун устиворлиги тамойилига амал қилиш, топширилган иш учун жавобгарлик асосида одил судловни амалга ошириш имконини берувчи ваколатлар мажмуидир.

Шундай қилиб, республикадаги суд ҳокимиятининг бугунги аҳволини баҳолаш учун одил судлов сифатининг ўзини, судда Конституция ва қонунлар талаблари ҳамда судларнинг ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан ўзаро муносабатларини амалга ошириш даражасини таҳлил қилиш зарур.

Умуман олганда, судларнинг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ўтган беш йил ичидаги ишларининг сифатини баҳолайдиган бўлсак, бу кўрсаткич анча яхшиланди. Судлар далилларни баҳолаш масаласига масъулият билан ёндоша бошладилар. Ишларни кўришда расмийлик, юзаки ёндошиш, ҳимоя ҳуқуқини бузиш ҳоллари камайди.

Жиноий жазо чораларини тайинлаш масаласида ҳам жиддий ўзгариш юз берди. Олий суднинг 1993 йилдан бошлаб жойларда ўтказган текширишлари, Пленумларда қабул қилинган тегишли қарорлар, хавфли жиноятчиларга, унинг ташкилотчиларига, жиноий гуруҳларнинг фаол қатнашчиларига жазо

тайинлаш амалиётини тубдан ўзгартириш имконини берди. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жазо тайинлаш анча кучайтирилди, натижада республикада вазият яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида қайд этилган ва ўзларига юклатилган ҳокимият ваколатларидан келиб чиққан ҳолда сўнгги йилларда ўз фаолиятларини Конституцияда ва бошқа қонунларда ҳамда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда баён этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан ҳимояланадиган манфаатларига риоя этилишини кафолатлаш борасида қатор тадбирларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида фуқаролик, жиноят ишларини биринчи, кассация ва назорат босқичларида кўриш, шикоятчиларни текшириш, қуйи судлар томонидан кўрилаётган ишларни қонуний ва адолатли ҳал этилишини таъминлаш, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни тузатиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам самарали ишлар қилинди.


Мамлакатимиз ташқарисига товар моддий бойликларни олиб чиқиш тартибларини бузиш жамиятимиз учун катта хавф туғдиришини, бозор иқтисодиётига ва фуқароларнинг манфаатларига жиддий зарар келтириши эътиборга олиниб, уларни судда кўриш амалиёти ўрганиб чиқилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Олий суд 1993 йил 27 декабрдаги Пленумида «Республикадан ташқарига товар моддий бойликларни олиб чиқиш ва Республикага нақд пулларни олиб келиш тартибларини белгиловчи қонунларни қўллаш тўғрисида» қарор қабул қилиб, қуйи судларга дастурий кўрсатмалар берди.

80-йилларнинг охирига келиб, Республикадаги жиноий муҳитнинг кескинлашганлиги ва жиноятларнинг янги уюшган, қуролланган ва гиёҳванд моддалар билан боглиқ турлари кўпайганлиги жиноятчиликка қарши курашда кескин чоралар кўришни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди 1994 йил 7 январда Пленум ўтказиб, «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги масалани муҳокама этди ва тегишли қарор қабул қилди. Унда жиноят содир этган шахсларга нисбатан қонун моддаларини қўллаш чоралари кўрилди.

Олий Суд Пленумининг мазкур қарори жиноятчиликка, айниқса уюшган жиноятчиликка қарши курашда ижобий роль ўйнади. Аввало, Андижон, Наманган, Фаргона, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида макон қурган «номдор», жиноят оламида «шуҳрат қозонган» тўдаларнинг асосий қисми ушланди ва тергов қилиниб, судлар томонидан қилмишларига яраша қонуний жазо белгиланди.

Оғир жиноят содир этган шахсларга, жиноий гуруҳнинг ташкилотчилари ва фаол иштирокчиларига, муқаддам судланганларга қонун доирасида қаттиқ жазо чораларини қўллаш би-




лан, кейинги йилларда жиноятчиликнинг оғир турларидан ҳисобланган уюшган жиноятчилик, товламачилик (рэкет), автомашиналарни олиб қочиш каби жиноятларнинг кескин камайишига эришилди ва республикадаги криминоген вазият яхшиланди.

Мамлакатда иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, айниқса қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар, хўжалик судлари фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб қилди. 1996 йил 25 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик судлари таркибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон асосида вилоят хўжалик судлари мақомида фаолият кўрсатувчи Тошкент шаҳар хўжалик суди ташкил этилди ва хўжалик судлари суд ижрочилари институти таъсис этилди.

Уй-жой ислохотини амалга ошириш бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим омилларидан бири эканлиги, унинг мақсади уй-жой бозорини вужудга келтиришга қаратилганлигини эътиборга олиб, «Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунни қўллашдаги баъзи масалалар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди 1994 йил 9 сентябрда бўлиб ўтган Пленумида Қарор қабул қилди. Қабул қилинган қарор республикага давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш жараёнини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташки-

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик даражаси:



лоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида инсоният олдида турган биринчи навбатда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар орасида Халқаро майдонда наркобизнесга қарши курашни кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор билан қараш лозимлигини таъкидлаб, Ўзбекистон ана шу курашда кенг қўламли ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Маълумки, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш инсон соғлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, мамлакатдаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади, кўпинча у уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади.

Гиёҳвандлик оқибатида кўплаб оғир жиноятлар содир этилмоқда. Оилалар барбод бўлмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноий ишларни судда кўриш амалиётини ўрганиб, бу масалани 1995 йил 27 октябрдаги Пленумида муҳокама қилди. Пленум судларга зарур кўрсатмалар берди, судлардан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ўтказиш, экиш ва шу каби жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан қонун кучидан тўла фойдаланишни талаб қилди.

Маълумки, Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш билан боғлиқ жиноятлар жамият учун катта хавф туғдиради.

Шу сабабли Олий суд Пленуми 1996 йил 7 январда «Қонунга хилоф равишда қуролга эгалик қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги масалани кўриб чиқиб, судларнинг эътиборини мазкур масалага доир жиддий камчиликларга қаратди. Бундай ишларни кўриш чоғида қуролларни олиш, тайёрлаш манбалари ва сабабларини, жиноятларнинг содир этилишига имконият туғдираётган шароитлар ва шахслар доирасини аниқлаш, жазо тайинлашда алоҳида ёндашув қоидаларига риоя этиш, айбдорларга нисбатан асоссиз равишда енгил жазо тайинлаш ҳолларига барҳам бериш талаб этилди. Қурол ва ўқ-дориларни ўтказиш мақсадида сотиб олувчиларга ва тайёрловчиларга, уларни ўтказувчиларга, талон-тарож этувчиларга, оғир жиноятларни содир этишда қуролдан фойдаланувчиларга қаттиқ жазо чораларини қўллаш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда ислохотларнинг изчил амалга оширилиши иқтисодиётни шакллантиришга, унинг бозор шароитига мослаштирилишига ва халқаро ҳамжамият учун очиқ бўлишига шароит яратди.

Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, бу бирдан-бир мақсад эмас. Ислохотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш кечириш ва фаолият кўрсатиш учун етарли шароитни вужудга келтиришдан иборатдир.

Ҳуқуқий ташвиқот даражаси пастлиги, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ қонунларни бузганликда айбдор бўлган шахсларнинг жавобгарликка тортилишида ошкораликнинг йўқлиги, фуқароларнинг онгида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятига нисбатан ишончсизлик келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, тадбиркорлик, фермерлик ва бошқа яқка тартибдаги фаолият билан шуғулланувчилар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи деҳқонлар ўз ҳуқуқларини билмаслиги натижасида айрим фирибгару товламачилар ва зўравонларга алданадилар, оқибатда бозорларда нарх-наво кўтарилади. Бунинг устига ҳар хил йиғимлар йиғиш, кўпинча тўғридан тўғри товламачилик, гайриқонуний равишда ҳақ олиш, порахўрлик каби иллатлар учраб турибди.

Олий суднинг 1996 йил 15 мартдаги Пленумида ана шу фармон юзасидан тегишли масалани муҳокама қилиб, қарор қабул қилди. Судлардан товламачиларга (рэкетчиларга), товарларни бозорга эркин кириб келишига тўсқинлик қилувчи шахсларга, талон-тарож, фуқаролардан ноҳақ йиғимлар олиш, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш билан шуғулланувчи бозор маъмуриятининг мансабдор шахсларига, савдо қоидаларини бузувчи, ўта юқори нархларни сунъий равишда сақлаб турувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бозордан сиқиб чиқарувчиларга нисбатан қаттиқ жазоларни қўллашни таъминлаш талаб этилди ҳамда бошқа масалаларда судларга дастурий кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, жиноят учун жазо тайинлаш масаласининг ўта

муҳим масала эканлигини эътиборга олиб, Олий суд 1996 йил 19 июлда ушбу масалани иккинчи маротаба Пленум мажлисида кўриб чиқди.

Маълумки, бутун жаҳон жамоатчилиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атоф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига ва унинг ҳуқуқий томонларига жуда катта аҳамият бермоқда.

Шунинг учун ҳам Президент И.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Орол бўйидаги экологик инқироз сабабли юзага келган ижтимоий-иқтисодий муаммолар мажмуи ўзининг келиб чиқиши ва оқибатлари бўйича халқаро характерга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Соғир этилган жиноятларнинг умумий сони

(ҳар 10.000 киши ҳисобига)

Давлатлар	1995 й.	1996 й.	1995 й.	1996 й.
Ўзбекистон	67025	65980	30	29
Белорусь	131761	127232	101	98
Украина	641860	627262	118	114
Қозоғистон	183913	183977	98	97
Россия	2.722.669	2.625.081	184	175

Республикамызда мавжуд бўлган экологик вазиятни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми бу масала билан боғлиқ жиноий ишларни ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларни ҳам ўрганиб чиқиб, 1996 йил 20 декабрда «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида» қарор қабул қилди.

Унда судларнинг эътиборлари табиатни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан зиён-заҳмат етказмасдан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунларга қатъий амал қилиш энг муҳим давлат вазифаларидан бири эканлигига, уларни тўғри ҳал қилиш фуқароларнинг соғлиғи ва фаровонлигига, шунингдек, республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига боғлиқлигига қаратилди.

Экология соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарлик ишларини кўришда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузишда айбдор бўлган барча шахслар доирасини аниқлаш, уларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш, етказилган зарарни тўлиқ ундириш чорала-

рини кўриш ва бошқа масалаларда судларга кўрсатмалар берилди.

Маълумки, давлат ва жамиятнинг обрўси ўша давлатда мавжуд бўлган суд ва судьяларнинг қонун талабларига огишмасдан амал қилишларига, қабул қилинган ҳар қандай қарорлар қонун меъёрларига нечоғлик мос келишига бевосита боғлиқ. Дарҳақиқат, яхши қонунлар бўлса-ю, суд тизимида ишловчилар унинг талабларига мос қарор қабул қилмаса суд тизимининг обрўсига путур етказади. Бу давлат ва жамият обрўсига раҳна солади.

Суд фуқаролар кўз олдида уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида гавдаланиши шарт. Энди тоталитар тузум давридаги судга нисбатан бўлган қарашларни тубдан ўзгартириш вақти келди. Суд маданиятини кўтариш ҳар бир суд жараёни фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилмоғи шарт. Суд адолат посбонига айланмоғи зарур. Суд ва судьялар фуқароларда ўзига нисбатан ишонч тугдиришнинг удласидан чиқиши, бу ишончни ҳар кун и, ҳар доим амалий ишлар билан оқламоғи лозим.

Суд ҳокимиятининг обрўсини кўтариш, унинг ҳолислигини таъминлаш ҳар бир судьядан катта масъулият, жасорат, билим, тажриба орттиришни, поклик ва адолатни барча нарсалардан устун қўйишни, давлат ва халққа содиқ бўлишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам суд ва судьяларнинг бошқа тармоқлардан ҳақиқий мустақиллигини, суд қарорларини қабул қилишда фақат қонунга бўйсунушини, суднинг ҳаммабоп, ҳимоя доираси кенгайишини таъминлайдиган ва ниҳоят, суд тизимига нопок, порахўр ва тасодифий кимсалар кириб қолишига йўл қўймайдиган ҳуқуқий асосни қадам-бақалам такомиллаштириб бориш жуда долзарб масаладир.

6-§. ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ РОЛИНИНГ ОРТИБ БОРИШИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари қатори оммавий ахборот воситаларига ҳам янги муносабат вужудга келди. Бунинг боиси шунда эдики, Ўзбекистонда қурилаётган ўзига хос, ўзига мос янги жамият оммавий ахборот воситалари олдида янги вазифалар қўймоқда эди.

Булар янги жамиятнинг моҳияти, юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмуни ҳақида оммага тўлиқроқ тушунча бериш, истиқдолдек муқаддас неъматнинг оламшумул аҳамиятини адолатли ва демократик жамият қуриш ҳамда унинг равнақи учун камарбаста бўлиш зарурлигини ҳар бир фуқаро онгига етказишдан иборат эди. Янгиланаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий жараёнларни ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этишга даъват қилиш, уларни оммавий сафарбарликка чорлаш даркор эди.

Мустақилликнинг миллий қадрият сифатида эъозланиши, уни янгидан янги мазмун билан бойитиш учун кенг жамоатчилик фикрини уйғотиш туб ислохотлар самарасини оширишнинг етакчи омилларидан биридир.

Маълумки, матбуот ҳамма вақт ривожланишнинг ҳар бир босқичида ўзи яшаб турган жамиятнинг манфаати учун хизмат қилган, унинг мақсад ва интилишларини тарғиб қилган, ёқлаб чиққан. Зотан, ҳақиқий халқчил матбуотнинг вазифаси ана шундан иборат бўлмоғи керак. Афсуски, шўролар тузуми даврида матбуот яккаю-ягона коммунистик мафкура гоёларини тарғиб қилган, унинг раҳнамолари йўл-йўриқлари асосида иш тутган, улар топширигини бажарган.

Халқ оғзида матбуот деб аталган оммавий ахборот воситалари амалда «барча галабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси» деб бонг урилган коммунистик партиянинг хизматкорига айланган эди. У қизил империянинг суянган тоғи, тоталитар тузум манфаатларини ҳимоя қиладиган гоёвий қуролга айланган эди. Табиийки, бу ҳолат омма билан матбуот ўртасида номуносибликни вужудга келтирди.

Аслида матбуот омма фикрини ўзида ифода этиши, шу асосда ўз саҳифаларида халқ хоҳиш-иродасини, умумхалқ манфаатини ва умумжамият истиқболини ифодалаши лозим. Шундагина унинг обрў-эътибори ошиб, жамият олдидаги, халқ олдидаги бурчини холисона адо этиши, эркин матбуотга айланиши мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг айтиш мумкинки, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ўзига хослик пайдо бўла бошлади. Энди газеталар, журналлар, радио-эшиттириш ва телекўрсатувларда бевосита республиканинг мустақиллигига бағишланган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий-маърифий аҳамиятга эга бўлган мавзуларга кенг ўрин бериладиган бўлди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари эндиликда хорижий мамлакатларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотларни, янгиликларни, ўша мамлакатлар ёки йирик ахборот агентликларидан бевосита, тўғридан-тўғри қабул қилиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Айниқса 1996 йилнинг май ойидан бошлаб республикаимизнинг Америка Қўшма Штатларида жойлашган жаҳондаги йирик компьютер тизими «Интернет» билан алоқа ўрнатиб, ундан энг муҳим янгиликларни қабул қилиб олишнинг йўлга қўйилгани Ўзбекистон ахборот воситалари тарихида улкан янгилик бўлди.

«Интернет»нинг 50 миллион абоненти бўлиб жаҳондаги энг йирик ахборот марказлари унга аъзо бўлишган. У бутун дунё бўйича турли соҳалардаги янгиликларни қабул қилиб олади ҳамда ана шу янгиликларни ўз абонентларига тез ва аниқ етказиб беради.

Ўз навбатида республикамиз ҳақидаги муҳим янгилик ва ахборотлар ҳам мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ахборот агентликлари вакиллари ва мухбирлари томонидан ўша мамлакатлар ахборот воситалари учун бевосита етказиб берилмоқда. Ахборот алмашинуви, дунё воқеаларидан хабардорлик, ёки аксинча, дунё саҳнасига чиқиш, ўзини намоён қилиш имконияти туғилди.

Мустақиллик туғайли газета саҳифалари, радиоэшиттиришлари ва телекўрсатувларда мамлакатнинг қадимий тарихи, ўтмиши, маданияти, шўролар тузуми даврида таъқиқлаб қўйилган миллий қаҳрамонларимиз ҳақида, ўзбек халқининг ўзига хос урф-одатлари, ақидалари тўғрисида қизиқарли мақолаларга кенг ўрин берилди. Ана шунинг ўзи энди мамлакатимизда ҳуррият, ҳурфикрлик, миллий манфаатларга ва миллий раваққа йўл очилганидан далolat беради.

Шунингдек, матбуотда ислом маданияти, назарияси, тарихи ва қонуниятларини тарғиб қилишга кенг йўл берилди. Буюк мутасаввуф алломалар Ҳаким ат-Термизий, Имом Бухорий, Хожа Аҳмад Яссавий, Шайх Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд ҳамда бошқа қатор тарихий шахслар, улуг донишмандлар, хусусан Соҳибқирон Амир Темур ҳақида кенг миқёсли мақолаларнинг бериб борилиши жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Ислом динининг бой маънавий имкониятларидан фойдаланишга имкон яратилди. Ахлоқий баркамоллик ва руҳий тозаллик учун зарур омил сифатида унинг тараққий этишига, кундалик турмуш тарзимизга кириб боришига кенг йўл берилди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон матбуотининг олдинги «қизил яловбардорлик» иллатларидан қутулиб, соғломлашиб, халқчил ва ошкора тус ола бошлаганидан далolat беради. Буни оммавий ахборот воситаларининг демократлашиш сари қадам ташлаётганининг ёрқин далили, дейиш мумкин.

Умуман олганда, истиқлол эркин фикрлашга, ҳар кимнинг ўз фикрини ошкора баён қилишга, ҳурриятга кенг эшик очди. Ҳурфикрликни барқарор этишнинг янгидан янги имкониятларини яратди. Жумладан, вақтли матбуот турлари ва сонлари кўпайди. Демократик эркинлик шароитида бир неча мустақил сиёсий ҳаракатлар, жамоат бирлашмаларининг нашрлари ташкил қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ Демократик Партиясининг «Ўзбекистон овози» — «Голос Ўзбекистана», «Ватан тараққиёти» партиясининг «Ватан», «Адолат» социал-демократик партиясининг «Адолат», «Миллий тикланиш» партиясининг «Миллий тикланиш», Фидокорлар миллий-демократик партиясининг «Фидокор» газетаси, «Халқ бирлиги» ҳаракатининг «Бирлик» газеталари нашр қилина бошланди. Қатор вазирликлар, давлат қўмиталари, уюшма ва концернлар ўз соҳаларига доир нашрлар ташкил этишди. Бундай газета ва журналларнинг чиқиши маълум тармоқ муаммоларини, ўзига хос мураккабликларни ўз вақтида ўрганишга ёрдам беради.

Мустақил нашрлар ўз муассислари ғоялари ва дастурлари йўналишлари доирасида мустақил иш олиб борадилар. Ислоҳотлар ва янгиланишларга ўз муносабатлари, муаммоларга ёндашиш усуллари бор. Бироқ, ягона мақсад — истиқлол тақдир, мамлакат ва халқ истиқболи уларни бирлаштириб туради.

Президентимиз оммавий ахборот воситаларининг ролини алоҳида таъкидлаб, — «Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳақли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор.

Оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ кириб бораётганини ҳозир ҳеч ким инкор этолмайди. Бу жараёни табиий ҳол, деб қабул қилмоқдамиз. Бугунги кунда нашрлар сони кўпайибгина қолмасдан — ҳозир 490 та газета ва 138 та журнал рўйхатга олинган — жамиятнинг ривожлантириш ва давлат қурилишида уларнинг аҳамияти ва тутган ўрни ҳам ортиб бормоқда» — деган эдилар. (7-ж., 390—391 бетлар) Булардан ташқари, ҳозир республикада бир қанча телестудия, вилоят, шаҳар ва туманларда радио студиялар ва 4 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар оммавий ахборот воситалари зиммасига бутунлай янги вазифаларни қўя бошлади. Матбуотнинг аҳолида янгича онг ва тафаккурни шакллантиришда таъсирчан қурол бўлишини, кишиларнинг фикр ва хоҳиш-иродасининг эркин, холис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси бўлишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Аслида ҳам шундай бўлмоғи керак. Ҳар қандай матбуот органи энг аввало, халқ манфаати ва мамлакат истиқболини кўзлаши лозим. Ана шунда у миллий қадриятга айланади. Кенг жамоатчилик тан олади. Акс ҳолда у умумманфаат мулкига эмас, бир ҳовуч уюшган худбин шахсларнинг беқадр мулкига айланади, холос.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республика Президенти И. Каримов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини барқарор этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада оширишни талаб қилмоқда. Президент ҳар бир нутқ ва маърузаларида, албатта, матбуотнинг кундалик ҳаётимиз ва ислоҳотлар давридаги роли ҳақида, уларнинг кенг имкониятлари тўғрисида тўхталиб ўтади. Бунинг боиси шундаки, матбуот ва умуман ахборот воситаларининг демократик ривожланишдаги аҳамияти муттасил ортиб бормоқда. Бироқ, демократик жараёнларни чуқурлаштиришда уларнинг роли унчалик ҳам сезилмаяпти, ўзларини «тўртинчи ҳокимият» сифатидаги имкониятларини тўла кўрсата олмаяптилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳукумати оммавий ахборот воситалари фаолиятига жиддий баҳо берилмоқда. «Очигини айтганда бизнинг матбуотимиз, телевидение ва радио ҳозирча замонавий иш усуллари ва шакллари эгаллаб олганича йўқ, халқаро мезонларга мувофиқ эмас. Матбуот саҳи-

фаларида ва телевиденнеда чуқур таҳлилий материаллар, жиддий сиёсий, иқтисодий ва халқаро шарҳлар йўқ, баҳс-мунозара кўринмайди. Айрим оммавий давлат нашрларининг аниқ фуқаролик позицияси ва қиёфаси кўзга ташланмайди. Улар асосан расмий хабарларни эълон қилиш билан чекланмоқда», — деб мамлакат раҳбарлари катта эътироз билдирди.

Шунинг учун ҳам Олий Мажлиснинг VI сессиясида оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш масаласи ўртага қўйилди. Олий Мажлис ўзининг VII сессиясида «Ахборот олиш кафолатлари ва ҳуқуқлари», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш» сингари қонун лойиҳалари муҳокама қилиниб, биринчи ўқишда қабул қилинди. «Халқ сўзи» газетасининг 1997 йил 13- ва 14-февраль сонларида қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинди. У кенг жамоатчиликнинг янги таклиф ва мулоҳазалари билан тўлдирилиб, 1997 йил 25 апрелда Олий Мажлис VIII сессиясида қабул қилинди.

Ушбу қонунларнинг дунёга келиши ва тўла қувват билан амал қилиши бевосита ҳозирги ўзбек миллий давлатчилиги маънавий қиёфасини белгилайди. Бундай қонунлар яратилишининг, депутатлар ва умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинишининг ўзи Ўзбекистоннинг умуминсоний кадриятларга содиқлиги, инсон ҳуқуқлари эркинлиги, озодлиги, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш каби халқаро ҳуқуқ нормаларига изчил амал қилаётганлигидан далолат беради.

Мазкур Қонунларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам борки, бу бевосита турмуш тарзимиз ва аҳоли маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳодисадир. Жумладан:

Биринчидан, Қонунда аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳолисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондириш каби ҳаётий талаблар ўз аксини топган.

Иккинчидан, «Ахборот олиш эркинликлари ва кафолатлари» Қонуннинг 2-моддасида ҳар бир фуқарога ахборот олиш кафолатланиши ва давлат томонидан ҳимоя қилинишининг алоҳида таъкидланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, бундай Қонунлар МДХ давлатларида ҳали қабул қилинмаганлиги, бошқа мамлакатларда, хусусан, демократия нисбатан ривожланган мамлакатларда эса камдан-кам учрайдиган ҳодиса эканлиги билан ҳам диққатга сазовор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, демократик жараёнлар анча чуқурлашган, демократик матбуотга эга бўлган ривожланган мамлакатларда сўз ва фикр эркинлиги аста-секин ўз оқими билан кириб келган. Жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, асрлар мобайнида шаклланиб қолган тушунчаларни синдириш, хурфирлиликни турмуш тарзига айлантириш мақсадида ана шундай қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистон учун катта сиёсий, маданий, қолаверса, ҳуқуқий воқелиқдир. Айти пайтда у матбуот жаҳон андозаларига мослаштириш, фуқароларни эркин фикрлашга ўргатиш ва шу асосда жамиятни соғлом фикр-

лар асосида бутунлай қайтадан қуриш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўрсатади.

Қолаверса, худди ана шундай қонунларга Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам эҳтиёж катта. Бироқ, уларнинг айримлари бошбошдоқликка айланиб кетган, жиловсиз ва юзаки демократия ишқибозлари бўлса, айримлари ҳали ўзларини йиғиб олиб, хотиржам фикрлаш имкониятига эга эмаслар. Бошқача қилиб айтганда ҳали бунгача етиб келганлари йўқ.

Маънавиятга эътибор, сўз ва фикр эркинлигига маънавий мезон сифатида ёндошиш, ҳурфикрликка юксак ахлоқ, комиллик ва маърифатлилик кўзгуси сифатида қараш учун энг аввало жамиятда барқарорлик мавжуд бўлиши керак. Фуқароларнинг мақсад ва интилишлари ягона йўлга сафарбар этилиши, улар ўз эртасини ва олис истиқболини аниқ кўра билиши, уни бошқараётган ҳукуматга қатъий ишона олиши даркор. Бундай вазият эса, айтиш мумкинки, собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан барча мустақил мамлакатлар орасида фақат Ўзбекистонда мавжуд.

Бундай Қонунларнинг қабул қилиниши конкрет шароитдан, мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқими натижасида келиб чиққан ҳодиса бўлиб, Ўзбекистонда турли фикрлар ва қарашлар ривожланишининг ўзбекона «моделли» шаклланаётганининг белгиси, демократик кадриятларнинг Ўзбекистон учун хос бўлган кўринишларнинг юзага келишидир.

1996 йил 2 августда Олий Мажлис «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Ноширлик фаолияти тўғрисида» қонунлар қабул қилди. Булар мамлакатимизда иxtирочилик ва бадиий ижод муаллифлари ҳуқуқини ҳимоя қилишга, ноширчилик фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Демократиянинг, конституциявий тараққиётни таъминлашнинг, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кадр-қимматини ҳимоя қилишнинг гоят муҳим масаласи сифатида телевидение ва радио эшиттириш тизимини миллий гоёлар асосида қайта шакллантириш, унинг республикада иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларнинг амалга оширишдаги таъсирини кучайтириш мақсадида 1996 йил 7 майда «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётда телевидение ва радионинг ролинини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Давлат телевидение ва радиоэшиттириш Кўмитаси Ўзтеле радиоккомпанияга айлантирилди. Унинг вазифаси қилиб қуйидагилар белгиланди:

Биринчидан, ахборотларнинг мафкурадан мутлақо холи бўлишини назарда тутган ҳолда аҳоли ҳамда жамиятнинг ҳолисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларига эҳтиёжини ўрганиш ва қониқтириш;

Иккинчидан, мамлакат аҳолисини, шунингдек, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимо-

ий-маданий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш ва ҳақозолар.

Айтиш мумкинки, 1996 йилда республикада оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган муҳим амалий чоралар кўрилди. Шу 1996 йилнинг май ойида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамгармаси ташкил қилинди. Бу оммавий ахборот воситалари вакилларининг муस्ताқил ўз-ўзини бошқарувчи, ҳукуматга қарашли бўлмаган ижтимоий хайрия ташкилоти ҳисобланади.

Жамгарма ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалар тўғрисида»ги Қонун, «Ахборот олиш эркинликлари ва қафолатлари», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида ташкил қилади.

Жамгарма ўз фаолиятида қуйидаги вазифаларни бажаради:

— оммавий ахборот воситалари амалий фаолиятида демократик жараёнларни янада ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, журналистлар фаолиятини активлаштириш, газеталар, журналлар, радио ва телевидениенинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида уларга молиявий ёрдам кўрсатиш;

— ижодий фаолиятда демократик тамойилларни жорий этиш;

— демократия ва сўз эркинлигининг чинакам институтлари сифатида матбуот органлари роли ва нуфузини кучайтириш;

— журналистларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий ва ижодий ҳуқуқларини, қадр-қимматини, уларнинг давлат ва жамоат органлари олдидаги, оммавий ахборот воситаларининг таъсисчилари ва ноширлари олдидаги манфаатларини ҳимоя қилиш;

— мулкчиликнинг барча шаклларидаги оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш йўли билан Ўзбекистонда эркин демократик ахборот муҳитини вужудга келтириш;

— ғоявий йўналиши турлича бўлган нашрларда, радио ва телевидениеда ишловчи журналистлар ҳамкорлигини таъминлаш;

— оммавий ахборот воситалари ходимларининг ҳар қандай вазиятда ўз фикрларини эркин ифодалаш, ахборотларни қонунлар билан ман этилмаган усулларда тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш;

— оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли давлат идораларига таклифлар киритиш;

— қонунда белгиланган тартибда чет эл оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, республика матбуот вакилларининг касб маҳоратини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида уларнинг хорижий мамлакатларга хизмат сифатларини уюштириш.

Вазирлар Маҳкамасининг янги жамғарма тузишни қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилган қарориди оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш, уларнинг демократия ва сўз эркинлигининг ҳақиқий минбари сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, матбуот янги тафаккурни шакллантиришнинг таъсирчан воситасига, одамлар фикр ва иродасининг холис ифодачисига айланиши учун уларнинг эркин тайёрланиши ва тарқалишини таъминлаш зарурлиги алоҳида уқтирилади.

Ҳукумат эркин, демократик ахборот манбаларини яратиш мақсадида давлатга қарашли бўлмаган, мустақил нашрлар ва ахборот органлари тармогини кенгайтириш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда демократик жараёнлар изчиллик билан ривожланаётганидан далолат беради. Мамлакат иқтисодиёти мустақилликнинг олтинчи йилида барқарор тус олди. Янги жамиятимизнинг жаҳон андозаларига мос келадиган шаклу шамоийли қад ростлади. Энди уни демократик тамойиллар билан мазмунан бойитиш, ғоявий жиҳатдан чуқурлаштириш зарур.

Матбуот чин маънода мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётининг фаол иштирокчиси, янгиликлар жарчиси, эзгу ишлар даъваткори, жамоатчилик фикрининг холис кўзгусига айланишининг ўзига хос шарт-шароитлари ҳам бор, албатта.

Матбуот ва сўз эркинлигини танлаган ҳар бир жамият бошидан кечириши ва амал қилиши муқаррар бўлган талаблар бор. Бу энг аввало ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган масъулият ҳисси, жавобгарлик туйғуси.

Ҳақиқий эркинлик юксак интизом, қатъий талаб, фуқаролик масъулияти, қонунлар устиворлигидир.

1996 йил 19 декабрь куни Президент девонида республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси вакиллари қабул қилинди. Унда мамлакат раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон матбуоти олдиди турган энг долзарб вазифалар ҳақида тўхталар экан, мамлакатимиз истиқлоли ва равнақи, миллий ва тафаккурни шакллантириш халқимиз гурури ва иймон-эътиқодининг қай даражада мустаҳкамлигига ҳар жиҳатдан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган бир пайтда маънавиятни мустаҳкамлаш ҳамда маърифатпарварликни кенг тарғиб этиш лозимлиги ва бунда матбуотнинг роли катта экани алоҳида қайд этилди.

Учрашувда «**Инсон озод ва ҳур туғилди ва шундай яшаши лозим, - деди Ислам Каримов. - Бунинг учун эса у ана шу олий неъматни асрай ва ардоқлай билиши керак. Халқимиз руҳан тўла қайта уйғонган тақдирдагина бу қадриятлар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олади**».

Ушбу учрашув чоғида жамгарма фаолиятини янада жонлантириш, унинг «Хуррият» номли янги газетасини нашр этиш, миллий матбуот маркази фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўрилиб чиқилди.

Хуллас, кейинги йилларда мамлакат Президенти ва ҳукумати томонидан қабул қилинган қатор фармонлар, қарорлар ва фармойишлар, Олий Мажлис қабул қилган Қонунлар оммавий ахборот воситаларининг «тўртинчи ҳокимият» даражасида фаолият кўрсатишига имкон яратмоқда. Журналистнинг эркин ижод қилиши ва мамлакат равнақи йўлида бел боғлаб хизмат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилишини кафолатлаб бермоқда.

Умуман, кейинги 6 йил мобайнида Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва янада кенгайтириш борасида кўрилган чораларни таҳлил қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил сиёсат инсоннинг демократик ҳуқуқини янада кенгайтиришга қаратилди. Бу борада қонун чиқарувчи Олий Мажлисининг роли алоҳида намоён бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақирىқ I-сессиясида (1995 йил, 23-февраль) илк бор демократия ҳақидаги илмий-назарий жиҳатдан асосланган ҳаётий жиҳатдан амалий хулосалар ўртага ташланди. Давлат сиёсатининг демократик жараёнларни чуқурлаштиришга доир стратегияси ишлаб чиқилди. Орадан вақт ўтиб кишиларда демократия ҳақидаги тасаввур анча кенгайди. Ҳақиқий демократия — қонунлар диктатураси! Энди биз хурриятга ана шу нуқтаи назардан қарамоғимиз керак. Назариядан амалиётга, орзу-хаёллардан чин ҳақиқатга ўтиш пайти етди. Айтиш мумкинки, мамлакатимизда демократиянинг иккинчи даври бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессияси ана шу янги даврни бошлаб берди ва демократик жараёнларни чуқурлаштириш тамойилларини янги босқичга кўтарди. Бунни қуйидагиларда кўриш мумкин.

Биринчидан, мустақилликнинг дастлабки йилларида одамлар янгича турмуш тарзига, энг аввало кўникма ҳосил қилишлари керак эди. Ислохотларнинг мазмун-моҳиятини англашлари, мустақил тараққиёт афзалликлари ва беқиёс имкониятларини тушуниб олишлари лозим эди. Бунингсиз ҳеч қандай натижага эришиб бўлмасди. Чунки, ҳар қандай шароитда, ҳар қандай жамиятда ҳам инсон асосий ҳал қилувчи омил, жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам янгиланишлар энг аввало унинг қалбидан, онги ва тафаккури элагидан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистонда худди иқтисодий ислохотларга бўлгани каби демократияга муносабатда ҳам ана шу тарзда йўл тутилди. Демак, олдин жамият барқарорлигини таъминлаш, одамларни демократик ҳаёт тарзига ўргатиш, уларга демократик тамойилларни тушунтириш, ундан сўнг эса демократик жараёнларни

фаоллаштириб, уни жорий этиш қоидаларини ишлаб чиқилди.

Аслини олганда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўли танлангандаёқ демократияни жорий этишнинг стратегик дастурлари ишлаб чиқилган эди. Бироқ, буни эълон қилиш учун ҳали эрта, яъни жамият ҳали бу дастурларни амалга ошириш учун тайёр эмас эди.

Шунинг учун олдин назарий фаолиятга зўр бериш, тафаккурни ва тушунчаларни ўзгартириш йўли билан одамларни ҳам, жамиятни ҳам демократияга тайёрлаш керак эди.

Иккинчидан, жамиятни тубдан янгилаш ва турмушнинг барча соҳаларида, кенг миқёсли ислоҳотларни амалга ошириш ва шу асосда демократик тамойилларни турмуш тарзига айлантириш узоқ давом этадиган узлуксиз жараён. Бу кундалик ташвиш билан боғлиқ бўлган ва умуман мамлакат тақдирини белгилайдиган муҳим ҳодиса. Жамиятда демократияни чуқурлаштириш изчилликни тақозо этадиган, собитқадамлик билан турли қаршиликлар ва тўсиқларни енгиб, эскича қолипларни синдириб ташлаб, янгича тафаккур тарзини жорий қилиш каби мураккаб жараён.

Қолаверса, жамиятни демократлаштириш бевосита иқтисодий ислоҳотлардан тортиб ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий янгиланишларга бевосита таянган воқелиқдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида таъкидланганидек, «демократиялаш жараёнининг айна ана шу ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий жараёнлари иқтисодий тараққиётдан орқада қолмоқда». Бунинг Президент И. Каримов «талай муҳим қонунлар тегишли қонун ҳужжатлари билан мустақамланганлигида, қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва кафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган»ида кўради.

Айни ана шундай қарашнинг ўзи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолияти миқёсини кенгайтиришни, таъсирчанлигини ва иш самарадорлигини оширишни тақозо этади. Ёки аниқроқ қилиб айтганда, улар фаолиятини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун бир тизимини яратишга, узоқ муддатли пировард мақсадларни инobatга олган стратегик дастурларни ишлаб чиқишга, уни ҳаётга изчиллик ва собитқадамлик билан жорий этишга ва шу йўл билан одамлар тафаккурида ўзгариш ясаб, жамият маънавий қиёфасини шакллантиришга сафарбар этиш лозимлигини кўрсатади.

Учинчидан, қонун устиворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш лозим. Бунинг учун энг аввало ҳуқуқ-тартибот ишларини, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжат актларини халқаро меъёрлар ва андозаларга мослаштириш зарур. Маълумки, айни пайтда жаҳонда мазкур масалага доир етмиш хил андоза мавжуд. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳам-жамиятида тан олинган тамойиллар ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозир ана шу андозалардан ўн бештасига қўшилганлиги унинг

жуда қисқа муддатда демократия турмуш тарзига ва тобора шаклланиб борадиган жонли ҳодисага айлантириш борасида амалга оширган катта ютуғидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва бу соҳадаги нормативларни амалга ошириш устидан назоратни кучайтиришнинг энг замонавий шаклларини вужудга келтириш зарур, деб ҳисоблайди. Жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институт ҳамда ҳуқуқпарвар жамоа ташкилотларининг мавқеи ва мақомини кўтариш, Амалдаги қонунчилик Мониторинги институти (1996), Инсон ҳуқуқлари миллий маркази (1996) сингари ташкилотлар ишини ривожлантириш, такомиллаштириш ҳамда бошқа бир қатор институтларни ташкил этиш зарурлигини кўрсатди.

Президент И. Каримов масаланинг худди ана шу жиҳатига алоҳида эътибор берар экан «Аҳолида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш борасида янги кадриятлар ва кўникмаларни шакллантириш, пировард натижада эса, инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эҳтиромни ва уларга риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган маданиятни юзага келтириш гоят муҳимдир. Инсоннинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши шахс ҳуқуқларининг конституциявий кафолатларини рўёбга чиқаришнинг энг асосий шарти бўлиб қолиши керак»лигини алоҳида таъкидлади.

Ўз-ўзидан маълумки, бу одамларнинг тафаккурида ўзгариш ясаш, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини чуқурроқ англаб олишига ёрдам бериш, умуман олганда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билим савиясини оширишни тақозо этадиган жараён. Зотан, ўз ҳақ-ҳуқуқини аниқ билган, ўзини ҳимоя қилишга қодир шахс жамият олдидаги бурчини ҳам чуқур тушунади. Фуқаронинг ҳуқуқий онги ва сиёсий билими қанчалик юқори бўлса, давлат ва жамият олдидаги фуқаролик масъулиятини шунчалик чуқур англайди. Ана шундай ҳолатнинг ўзи шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашган, баркамол маънавий қиёфасини белгилайди.

Тўртинчидан, аҳолининг сиёсий фаоллиги бевосита унинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига қанчалик дахлдорлиги билан белгиланади. Агар фуқаро сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан фаол бўлса, у ўз-ўзини бошқаришга ва шу орқали жамоа ҳаракатини шакллантиришга, унинг мазмунини чуқурлаштиришга қодир бўлади. Янгиланаётган жамият аҳолини кундалик юмушлар, турмуш ташвишлари ва ҳар хил икир-чикирлар гирдобидан олиб чиқиш, уни ҳаётга теранроқ ва сергакроқ назар билан қарашга ўргатишни тақозо этмоқда. У ўзини эркин ҳис қилсин, эркин фикрласин, олдин фикрининг тўғрилигига, жамият учун фойдали эканлигига ишонсин, сўнг уни ҳеч қийналасдан баён қилсин. Ҳақиқий демократия ана шунда кўринади. Агар ҳар бир фуқаро ҳаётда ўзини ана шундай тутса, ана шундай қоби-

лиятга эга бўлса, демократия ўз-ўзидан жамиятнинг таркибий қисмига айланади, унда мустақкам ўрнашиб олади.

Аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш, унинг жамият ривожланишида тутган роли ва мавқеини кўтариш бир жиҳатдан кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва унинг фаолиятини чуқурлаштириш билан белгиланади. Айни пайтда мамлакатимизда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун амал қилмоқда. Ҳозир ана шу қонун доирасида мамлакатимизда тўртта партия, битта халқ ҳаракати, қасаба уюшмалари, жами икки юздан ортиқ жамоат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Президент И. Каримов «жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий, жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, валютаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди», — дейди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 1995, 19-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри, Хабарнома, 8-сон (23), 1996, 61-бет.
3. Каримов И. А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т., «Ўзбекистон», 1996, 34—35-бетлар.

Сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши

1-§. АҲОЛИНИ КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ — ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ БОШ ЙУНАЛИШИ

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг, жамиятда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг бош йуналиши бўлиб қолди. Бинобарин, мамлакатда ўтказилаётган барча ислохотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш шароитларини вужудга келтиришдир.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, жаҳон тан олган беш тамойилнинг муҳим қисми аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш эканлиги ҳам шу билан боғлиқдир.

Ўзбекистон ҳукумати ана шу беш тамойил асосида ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан зарур чоралар кўрди. Бу чоралар одамларнинг турмуш даражасини кескин пасайиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади ҳамда республикада осойишталик ва барқарорликни сақлаш омили бўлди.

Масалан, мустақилликнинг дастлабки мураккаб, иқтисодий танглик йилларида одамларнинг турмуш даражасини нормаллаштириш мақсадида давлат йўли билан бошқаришнинг кўпдан-кўп усуллари ва услубларидан фойдаланилди. Жумладан, миқдори доимо ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари, имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги тўловларни жорий қилиш усули кенг қўлланилди.

1991—1996 йилларда энг кам иш ҳақи ва пенсиялардан солиқ олинмайдиган бўлди. Корхоналарнинг ўз ходимлариға ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги харажатларидан бир қисми бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиб турилди. Кенг истеъмол моллари ва хизматларнинг кўпгина қисми бўйича нархлардаги тафовутларнинг ўрни қопланди. Шу билан бирга қўшимча ижтимоий имтиёзлар ҳам жорий қилинди. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари ва ёлғиз пенсионерлар учун бепул нонушталар, 2 ёшгача бўлган болалар учун бепул овқат, мактаб ўқувчилари ва талабалар учун овқатнинг арзонлаштирилиши каби имтиёзлар берилди. Шунингдек, кўпгина тоифадаги фуқароларга турар-жойи шахсий мулк қилиб бепул берилди, баъзи турдаги коммунал хизматлар ҳақини тўлашда енгилликлар жорий этилди ва ҳоказо.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояланишига мунтазам эътибор берар экан, республика ҳукумати ислохотларнинг биринчи босқичидаги тажриба асосида инсон ва оила ҳаётининг барча соҳаларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг бутун бир тизимини шакллантиришга эришди. Айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси кескин ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг устун йўналишлардан бири бўлиб келди ва ҳозирги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бу йўналиш аҳолининг барча табақаларини истисносиз қамраб олди ва ислохотларнинг дастлабки даврида кенг миқёсда қўлланилди. Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда даромадлар нисбатини ўзгартириш иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг, жамғарма банкларидаги аҳоли омонатлари ставкаларининг энг оз миқдорларини бир вақтнинг ўзида марказлаштирилган тарзда қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилди. 1995 йилда Республика давлат бюджетининг 29,3 фоизи ижтимоий-маданий тадбирларга, 21,8 фоизи эса ижтимоий ҳимояга ажратилди.

1992—1998 йиллар мобайнида иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори бир неча бор оширилди. Масалан: энг кам иш ҳақи 1995 йилда 1994 йилга нисбатан 2,5 марта ортди, 1996 йилнинг 1-ярмида эса 1995 йил 1-ярмига нисбатан 2,7 марта кўпайди. Нафақахўрларнинг ижтимоий аҳволини эътиборга олиб, энг кам пенсиянинг мутлақ миқдори иш ҳақининг энг кам миқдоридан ошиқроқ бўлиши муттасил таъминланиб келинди. Бу йўл ижтимоий адолат тамойилларига тўла мос келар эди. Масалан, 1998 йил, 1 июлдан иш ҳақининг энг оз миқдори 1100 сўм бўлгани ҳолда, қариллик пенсиясининг энг кам миқдори 2100 сўмни ташкил этади, ногиронлик пенсияси эса бундан ҳам ортиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида энг кам иш ҳақи ва бошқа тўловлар одатда, олдиндан кўпайтириб келинди, нарх-наво ўзгариши билан боғлаб олиб борилди, бу эса аҳолининг тўлов қобилияти сақланиб қолишини таъминлади ва турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи биргина 1996 йил декабрига келиб, 1995 йил декабрига нисбатан 2,6 баробарга ўсди¹.

Даромадлар миқдорини ўзгартириш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида 1993 йилда жорий этилган янги Ягона тариф сеткаси ҳам аҳоли ижтимоий ҳимоясида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу чора барча тоифадаги ходимларнинг иш ҳақи миқдорларини тариф коэффициентлари орқали энг кам иш ҳақи воситаси билан бевосита ўзаро боғлаш имконини берди.

Натижада иш ҳақини ошириш йўли билан аҳолининг ўртача иш ҳақи, пул даромадлари ўз-ўзидан оша борди. Шу билан бирга республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш чора-тадбирлари кўрилганлиги ҳам аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг иккинчи энг муҳим йўналиши бўлди.

Республикада нарх-навони эркинлаштириш соҳасида кўшни мамлакатларга нисбатан бир мунча мўътадил сиёсат ўтказилганлиги истеъмол бозорини ҳимоялаш заруратини келтириб чиқарди. Бу Ўзбекистон рубль минтақасида турган бир пайтда ниҳоятда муҳим эди. Аксарият республика эҳтиёжлари учун валютага харид қилинган ун, ўсимлик мойи, қанд-шакар ва бошқа тақчил маҳсулотлар республика ташқарисига олиб чиқиб кетилиши ҳоллари юз берди.

Истеъмол бозори барбод бўлишига йўл қўймаслик учун Ўзбекистонда ишлаб чиқариш яхлит тизимини вужудга келтиришга ҳаётий муҳим масала сифатида қаралди, маҳсулотларни ташқарига олиб чиқиб кетилишини божхоналар орқали қатъий назорат қилиш ва юқори бож тўловлари жорий этиш йўли билан амалга оширилди. Дастлаб, мураккаб бир пайтда истеъмол молларини сотиб олиш учун бир марта, сўнгра эса кўп марта ишлатиладиган купонларни муомалага киритиш, кундалик зарур товарларнинг чекланган турларини метёранган тарзда сотишни ташкил этиш кўзда тутилган эди. Бу тизим ўзини тўла оқлади. У бозорни пишиқ-пухта ҳимоя қилибгина қолмай, савдо тармоғига барча зарур озиқ-овқат маҳсулотларини ва кундалик харид молларини мунтазам равишда чиқариб туришни таъминлаш, уларни истеъмол қилиш ҳажмларини камайтирмаслик имконини берди.

Ўтиш даври қанчалик мураккаб бўлмасин, бу тизим республиканинг барча аҳолисига ҳаётий муҳим маҳсулотларни истеъмол қилиш ва хизматлардан баҳраманд бўлиш соҳасида ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаб берди.

1992—1996 йилларда нон ва гўшт маҳсулотлари, сут, қанд-шакар, ўсимлик мойи, кир совун, болаларга керакли айрим моллар, коммунал ва транспорт хизматлари учун дотациялар қисман сақлаб қолинди. Шу туфайли даромад даражаси турлича бўлган oilалар булардан бир қадар фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ислохотларнинг дастлабки босқичида собиқ Иттифоқнинг кўпгина мамлакатларида аҳолининг асосий қисми ёппасига қашшоқлашган бир пайтда Ўзбекистонда амалга оширилган тадбирлар муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Одамларнинг ислохотларни жадаллик билан олиб боришга ишончини кучайтирди.

Айни вақтда республикада истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги тизимига ўтишга тайёргарлик ишлари олиб борилди. Янги тизимнинг моҳияти ички

нархларни жаҳон нархлари даражасига тез тенглаштириб олиш ва аҳолининг даромадларини шунга мувофиқ равишда оширишни кўзда тутди. Бундай ислоҳот шароитида ижтимоий ҳимоянинг янгидан-янги шакллари қидириб топишни тақозо этади. Жумладан, миллий валютани муомалага киритиш, унинг ички алмашувини таъминлаш соҳасида амалга оширилган ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирларнинг кўрилиши айнақса катта аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатда ички бозорни, халқимиз манфаатларини фақат бақувват миллий валютагига ҳимоя қилиши мумкин, деган қатъий хулосага келинди. Бунинг учун миллий валютага, асосан, ўзимизда ишлаб чиқарилган зарур миқдордаги товар билан, кенг экспорт фаолияти ҳисобига тўпланган салмоқли валюта-захиралари билан мустаҳкамланган бўлиши керак эди.

Миллий валюта жорий этилгач, ислоҳотлар биринчи босқичининг охирига келиб (1995 йил), озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрланган тарзда сотишдан бутунлай воз кечиш ва эркин нархларга ўтиш имконияти туғилди.

Меъёрлаш тизимига барҳам бериш тадбирлари аҳоли таъминотини ёмонлаштирмасдан, унчалик қийинчиликларга йўл қўймасдан ўтказилди. Эркин нархларга эса «эсанкирашларсиз» ўтишга муваффақ бўлинди. Буни Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг муҳим натижаси деб баҳолаш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб аҳолининг кам таъминланган қисмини қўллаб-қуватлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар, ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

«Биз, — деган эди И.Каримов, — аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақалари — пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам даромадли оилалар, ишсизлар, ўқувчи ёшлар, шунингдек қайд этилган миқдорда даромад олувчи кишиларни ҳимоя қилиш давлатнинг муқаддас бурчидир, деган қондага асосланиб иш тутдик»².

Иш ҳақини ошириш билан бирга барча тоифадаги мактабларнинг муаллимлари, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячилари, олий ва ўрта махсус ўқув юрғларининг профессор-муаллимлари ва илмий ходимлари, ижодий ва тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларга қўшимча моддий неъматлар — квартира ҳақи ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилди, яқка тартибда уй-жой қуриб олиш учун ер участкалари биринчи навбатда ажратилдиган бўлди.

Масалан, шу кунгача 120403 ўқитувчининг давлат ва ташкилотлар томонидан берилган уйлари бепул хусусийлаштирилди, 35841 кишига шахсий қурилиш учун ер участкаси берилди, 489256 ўқитувчи имтиёзли коммунал хизматдан фойдаланаё-

тирлар, 83353 ўқитувчи шаҳар транспортдан бепул фойдаланаётир. Айни чоғда ёлғиз пенсионерларни турар-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Улар дори-дармонлар ва энг зарур молларни белгиланган метёрда бепул олиш ва жамоат транспортда текин юриш ҳуқуқидан фойдаланадиган бўлдилар. Уларга мадад бериш учун республикада махсус ижтимоий ёрдам бўлимлари тузилди. Бу бўлимлар ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уйида ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни уюштирмақда.

Ҳозирги вақтда республикада 27 мингдан кўпроқ ёлғиз қария бор. Улардан 24 минг нафардан кўпроги ўзгалар парваришига муҳтож... Шу тоифадаги кишиларга ижтимоий хизмат кўрсатадиган ходимлар бириктирилган бўлиб, улардан 3 мингдан ортиги ёлғизларга ижтимоий-маиший ва тиббий хизмат кўрсатмоқдалар³.

Ногиронлар ва қарияларни соғломлаштириш уларнинг санатория ва курортларда дам олишларини ташкил этиш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Масалан, кейинги икки йил ичида шу тоифадаги 35 минг киши дам олиш уйларида ва санаторияларда даволаниб қайтдилар⁴.

Яна шуни айтиш ўринлики, мустақиллик йилларида ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялашга, уларга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиб, билим олиш учун зарур шароит яратишга ҳам доимо эътибор берилди. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг, аспирантларнинг стипендиялари кейинги 5 йил мобайнида бир неча марта оширилди. Бундан ташқари ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа шакллари овқат нархининг бир қисмини қоплайдиган қўшимча тўловлар, мактаб ошхоналари ва тамадди хоналари қўшимча харажатларининг бир қисмини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш, жамоат транспортда арзон ҳақ тўлаш ва бошқа енгилликлар жорий этилди. Миллий анъаналарни назарда тутиб, биринчи бор никоҳдан ўтаётган келин-куёвлар учун мебель ва гилам маҳсулотлари сотиб олишнинг имтиёзли тартиби белгиланди.

Бироқ айрим жойларда ҳақиқий ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар четда қолиб, муҳтож бўлмаган оилалар ҳам моддий ёрдам ола бошлади. Шундай шароитда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, янгича йўл тутиш зарур бўлиб қолди. Шу муносабат билан оммавий-ижтимоий ҳимоялаш тартибидан ишончли ижтимоий кафолатлар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бундай янги тартиб аввало адолат тамойилига риоя қилишни талаб қиларди. Бу қонданинг моҳияти шундан иборатки, давлат томонидан қўллаб-қувватланишига ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган кишиларни аниқлаш, уларга ёрдам уюштириш лозим эди. Бунини аниқлаш албатта адолат билан иш тутишни тақозо қилади. Бу борада ҳокимлар, маҳалла қўмиталарининг масъулияти оши-

рилди. Улар аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қисмини аниқлашда бундай ёрдамни уюштиришнинг қўшимча чора-тадбирларини жорий этишга ҳақли бўлдилар. Чунки вазифа ғоят мураккаб ва масъулиятли эди.

«Биз ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни таянч қилиб олдик»⁵ — деб ёзган эди И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида.

Шунга биноан 1994 йилга келиб Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими тубдан ўзгартирилди. Ижтимоий кўмак беришнинг мулақома янги илгор тизими шакллантирилди. Бу тизимнинг моҳияти шундан иборатки, мамлакатимизнинг келажаги ҳисобланмиш болалар ва кам даромадли оилалар бу ёрдамдан баҳраманд бўлувчи асосий кишилар бўлиб қолди. Энди ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб бериладиган бўлди. Оила асосий мавқега эга бўлди. Бундай ёндошув умуминсоний қадриятларга, миллий анъаналарга ва руҳиятга мос келади, фуқаролар жамиятининг ижтимоий ташкилоти тизимида оила эгаллайдиган ўрнига мувофиқ келади.

Ижтимоий кўмаклашувнинг янги тизимида фарзанд туғилганда, бир йўла бериладиган тўловлар сақлаб қолиниши билан бирга нафақалар ва имтиёзларнинг қуйидаги тури ҳам амалга ошириладиган бўлди. Масалан, биринчидан, бола боқувчи оналарга тўланаётган нафақанинг миқдори кўпайтирилибгина қолмай, унинг муддати ҳам узайтирилди. Илгари бундай ёрдам бир ярим йилгача тўланган бўлса, энди бу муддат икки йилгача узайтирилди. Ишловчи оналар ҳам, ишламайдиган оналар ҳам, бу нафақадан фойдаланадиган бўлдилар, масалан 1995 йил ижтимоий ҳимояга ажратилган маблағнинг 3 фоизи оналарга икки ёшгача фарзандларини парвариш қилиш учун ажратилди. Бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда бу нафақа иш ҳақининг энг оз миқдорига боғлиқ қилиб қўйилди. Бу аввал бошданок пулнинг қадрсизланиши ошганда нафақаларнинг ана шу туторининг индексацияланишини таъминлайди. Болаларга бериладиган йигирмадан зиёд турли нафақалар ўрнига 1994 йилнинг сентябридан бошлаб барча болали оилалар учун ягона нафақа жорий этилди. Масалан, 1995 йилда ижтимоий ҳимояга ажратилган маблағнинг 51 фоизи оилаларга уларнинг фарзандларига икки ёшга тўлгунларича парвариш қилиш учун ажратилди.

1996 йил 1 апрелдан 16 ёшгача бўлган болалари бор оилалар учун нафақалар ота-онасининг ва умуман оиланинг даромадлари миқдоридан қатъи назар, барча оилаларга тўлана бошлади. Бошқача айтганда, 16 ёшгача бўлган болалар, турли даст-

лабки омиллар ва сабаблардан қатъий назар, тўғридан-тўғри давлат ёрдами бериладиган объектга айланиб бормоқда.

Давлат томонидан болаларни боқиш ва тарбиялашга қилинадиган сарф-харажатларнинг бир қисмини оилаларга компенсация тарзида бериб турилди, айни вақтда ота-оналарнинг масъулияти кучайтирилди. Бешта ва ундан кўпроқ болали оила учун нафақанинг энг кўп миқдори аввалига энг кам иш ҳақининг ярми миқдориди, 1996 йилга келиб энг кам иш ҳақининг тўла ставкаси даражасида белгилаб қўйилди.

1994 йил 24 августда Президентнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди⁶.

Шу Фармонга кўра 1994 йилнинг октябридан давлат кам даромадли оилаларга фаол ёрдам бера бошлади, мана шундай оилаларга моддий ёрдам жорий этилди. Республикада кам даромадли оилаларга нафақа тайин этилиши аслида мисли кўрилмаган иш, замонавий ижтимоий ҳимоя тизимини вужудга келтириш эди. Бундай ёрдам одамларга яқин турадиган маҳалла йиғинларида амалга ошириладиган бўлди. Масалан, 1995 йилда 500 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилаларга маҳалла комитетлари орқали жами 6 млрд. сўм моддий ёрдам берилди.

1996 йил 10 декабрда болали оилаларга ижтимоий ёрдам берилишини кучайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг роли ва масъулиятини ошириш мақсадида «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида» яна бир муҳим Фармон қабул қилинди. Унда 1997 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш йиғинлари орқали ёрдамга муҳтож, болали оилаларга болаларнинг сонига қараб энг оз иш ҳақининг 50 фоизидан бошлаб 175 фоизгача нафақалар бериладиган бўлди. Бу борада ижтимоий адолат тамойилларига огишмай рияз этиш, кенг ошкоралик ва очиқликни таъминлаш, ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга эришиш лозимлиги қайд қилинди. 1997 йилда 16 ёшгача бўлган фарзанди бор оилаларга нафақа тўлаш учун 9,6 миллиард сўм сарфланди.

Аҳолининг кам таъминланган қатламларининг давлат томонидан моддий таъминлаш доимий равишда такомиллаштириб бормоқда. 1997 йил сентябрь ойидан бошлаб, ҳар йили 1 синф ўқувчиларига бепул ўқув анжомлари, дарсликларни бериш жорий этилди кам таъминланган оилаларнинг бошлангич синфларда ўқийдиган болаларига бепул қишқи иссиқ кийимлар бериш йўлга қўйилди.

Ҳукумат томонидан айрим тоифадаги фуқаролар ва оилалар учун белгиланган айрим имтиёз, кафолат ва қўшимчаларнинг рўйхати:

* оилаларга бола 2 ёшга етгунга қадар 1,5 минимал иш ҳақи миқдориди ёрдам пули тўлаш. Ушбу тўловлар ҳажми уз-

луксиз ошмоқда, 1998 йилда 521 минг нафар аёлга 10,4 млрд. сўм миқдориди нафақа тўланди;

* ҳомиладорлик ва фарзанд кўриш даврида аёлларга иш жойидан 125 календар куни учун ўртача иш ҳақи миқдориди ёрдам пули бериш;

* болаликдан ногирон бўлиб қолганларга бериладиган ёрдам пули;

* коммунал хизмат кўрсатиш ва квартирадан фойдаланилганлиги учун имтиёзли 50 % миқдориди ҳақ тўлаш (ногиронлар оиласи учун);

* қишлоқ жойларида яшаётганларни коммунал хизмат кўрсатиш ва квартира ҳақларидан тўла озод этиш ва шаҳарларда истиқомат қилувчиларга (мактаб ўқитувчилари, боғча тарбиячилари ва ўқитувчилар, илмий ходимлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари) 50 % миқдориди имтиёз бериш;

* коммунал хизмат кўрсатиш ва квартира ҳақи тўлашдан тўлиқ озод этиш (1-даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар оиласи, ёлғиз пенсионерлар);

* электр энергиясидан фойдаланганлиги учун 50 % чегирма бериш (ойига 110 кв.с.) (ногиронлар оиласи);

* ер солиги тўлашдан озод этиш (16 ёшгача бўлган 5 ва ундан ортиқ кўп болали оилалар, ногиронлар оилалари);

* олинаётган барча даромадлардан солиққа тортилмайдиган минимал даромаднинг 4 қарраси миқдориди (16 ёшгача бўлган 2 ва ундан ортиқ фарзандли ёлғиз оналар); 16 ёшгача бўлган 2 ва ундан ортиқ фарзанди бўлган ёлғиз ота, бевалар ва боқувчисини йўқотганлиги учун нафақа олаётганлар барча даромадларининг 30 % дан; ёшлигидан ногирон бўлиб қолган болаларни тарбия қилаётган ота ёки онадан бирортаси даромад солигининг 30 % ни тўлашдан озод этилади.

Серфарзанд ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими ўзига ҳослиги билан ажралиб туради.

Кам таъминланган оилаларга ва кўп болали муҳтож оилаларга моддий ёрдам тўловларини молиялаштиришнинг асосий манбаси Республика ва маҳаллий бюджет воситаларидир. Кам таъминланган оилаларга 1998 йилда тўланган нафақаларнинг умумий миқдори 3 млрд. сўмни ташкил қилди, 16 ёшгача бўлган фарзандли оилаларга тўланган нафақалар — 15,6 млрд. сўмни ташкил қилди.

1998 йилда 36 % болали оилалар нафақа олишди. Ўртача нафақа миқдори битта оилага деярли 1483 сўмга тўғри келади ёки (1996 йилга нисбатан) беш баробар ўсди. 1998 йилда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари орқали Республикадаги 700 минг ёки умумий оилаларнинг 11,8 фоизига кам таъминланган учун моддий ёрдам кўрсатилди. Кўрсатилган моддий ёрдам миқдори ҳар оилага ҳисоблаганда ҳар ойда 1730 сўмдан ортиқ ташкил этади.

Бу борада яна шуни айтиш керакки, давлатимиз мустақамлана борган сари унинг халқпарварлик сиёсати янада кучайиб борди. 1995 йил, 20 декабрда қабул қилган «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони ана шундай инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин далили бўлди. Фармонга биноан 1992 йилнинг январига қадар жамгарма банкига пул қўйган миллионлаб фуқароларнинг маблағлари яна қадрланди. Фармон асосида Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Мазкур Фармон ва қарор ватанимизда яшаётган биронта кексаю ёшни бефарқ қолдирмади. 5 миллиондан ортиқ омонатчилар, ўз пулларини қайтариб оладиган бўлди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб, ҳукуватимиз ижтимоий ҳаётни яхшилашга қаратилган ҳар бир чора тадбирни ўз вақтида амалга ошириб, халқ олдида берган ваъдасини қатъий равишда бажариб келди.

Индексацияланган пул маблағларининг 1996 йил 1 июлдан фуқароларга қайтарила бошлагани ҳам ушбу инсонпарвар сиёсатнинг ёрқин намунасиدير.

1994 йилга келиб аҳолининг реал пул даромади мамлакат бўйича 1989 йилга нисбатан қарийб 2 баробар пасайиб кетди.

1997—99 йилларда давлатнинг даромад сиёсати мамлакат умумий иқтисодий ривожланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда аҳоли даромадини кўпайтириш, инфляция даражасини тушириш, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, тадбиркорликнинг барча турларини, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган.

Ж а д в а л

Айрим макроиқтисодий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар (фонз ҳисобда)

	1996 й.	1997 й.	1998 й.
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	101,7	105,2	104,4
Меҳнат билан банд аҳолининг сони	101,3	101,4	101,4
Олинган нақд даромад	114,5	110,5	121,3

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1996 йилдан бошлаб ЯИМ ва аҳоли даромадларининг барқарор ўсиши, ани пайтда ишлаётганлар сонининг ортиши таъминланган. Аҳолининг реал пул даромадлари 1998 йилда 1996 йилдагига нисбатан 34 фоизга, йиғинди даромад — 64,9 фоизга ошди. Бунда МДХнинг бошқа мамлакатларида аҳоли реал пул даромадларининг пасайишига мойиллиги тубдан ўзгартира олинмади. 1998 йилда улар даражаси 1991 йилдаги кўрсаткичнинг ярмидан камини ташкил қилди.

Аҳоли ижтимоий ҳимоясида халқ саломатлигини сақлаш муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 41-моддасида «Аҳоли малакали тиббий хизматдан фойдаланишга ҳақлидирлар», — деб ёзиб қўйилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Республикада мустақилликнинг биринчи йилларида Соғлиқни сақлаш тизимини янги ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларига жавоб берадиган ҳамда замон талабларига мос келтириш учун тиббий муассасалар тизимини қайта ўзгартириш, бирламчи тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида юқумли касалликларни олдини олиш, тиббиёт муассасаларини молиялаштириш, нодавлат хусусий тиббий тизимни кенгайтириш ва чет давлатлар билан алоқаларни кучайтириб, тиббиёт фанини ривожлантириш ишларига алоҳида аҳамият берилди.

1992 йилнинг март ойида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳайъат йигилишида республикада Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тасдиқланди. 1996—1998 йилларга мўлжалланган мажмуавий дастур, 1999 йил 14 январь куни «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида «ОИТС билан касалланишнинг олдини олиш тўғрисида» (14.06.91 й.), «Давлат санитария назорати тўғрисида» (03.07.92 й.), «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида» (29.08.96 й.), «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида» (25.04.97 й.), «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси тўғрисида»ги (19.08.99 й.) Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимининг асосий вазифаси қилиб касалликларнинг олдини олиш, хасталарни даволаб дарддан фориг қилиш, яшаш муҳитини соғломлаштиришдан иборат қилиб белгиланди. Бунда халқ таъбатининг бой анъаналарига, илм-фан ва техниканинг илғор ютуқларига, олим ва мутахассисларнинг заковату салоҳиятига суяниши кўзда тутилди. Ўзбекистон ўз истиқлолига эга бўлгандан сўнг ижтимоий соҳадаги энг муҳим масала сифатида аҳоли соғлигини сақлаш мамлакат Президенти ва ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлди.

Ҳолисона айтганда 1991 йилга келиб Ўзбекистонда касалхона муассасалари сони 1370 та эди. Касалхоналардаги ўринлар сони 256,6 мингга, врачлар сони 71,1 мингга етган эди. Советлар тузуми даврида соғлиқни сақлаш тизими кенгайган бўлсада, лекин ерга турли хил кучли химикатлар солиниши, пахта якка ҳоқимлиги ва бошқа ижтимоий оқибатлар натижасида аҳоли орасида касалликлар кўпайиб кетган эди. Ўзбекистонда

ҳар йили 8 миллионга яқин киши хасталиги туфайли тиббий муассасаларга мурожаат этиб, шулардан 240 минг киши юқумли касалликлар (шуларнинг 120 мингги гепатит) билан оғриб турди, айти вақтда уларнинг 70 фоизи болалар эди⁷. Гўдаклар орасида ўлим ҳоллари бир қадар камайган бўлса ҳам, лекин уларнинг сони янги туғилган ҳар 1000 бола ҳисобидан олганда 35,5 нафарга тўғри келди. Ҳар йили ўрта ҳисобда 24 минг бола бир ёшга етмай ўлиб кетарди. Оналар ўртасидаги ўлим ҳам анча юқори эди, яъни тирик бола туққан 100 минг аёл ҳисобидан олганда 65,3 тага тўғри келадиган бўлди. Одамларнинг ўртача умри жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари — Япония, Швеция, Буюк Британия ва бошқаларга қиёсан олганда 8—10 йил кам бўлиб қикди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш муаммолари қайтадан кўрила бошланди. Бунда тараққиётнинг экстенсив йўлидан воз кечиб, интенсив йўлига ўтиш, айти вақтда соҳага мўлжалланадиган маблағни республика аҳолисининг ҳар бир жон боши ҳисобидан ажратиш; соғлиқни сақлаш ишининг асосий таомили — профилактик йўналишни тиклаш; оналар ва болалар муҳофазасини кучайтириш; тиббий таълим тизими ва кадрлар сиёсатини ислоҳ қилиш; мамлакатда етарли дори-дармон ва тиббиёт ашёлари ҳамда техник воситалари ишлаб чиқарадиган саноатни вужудга келтириш; соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий техник базасини янада яхшилаш; даволаш-профилактика муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариб, мулкчилик шаклини ўзгартириш ва суғурта табобатига ўтиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун 1994 йили миллий даромаднинг 4,1% миқдориди маблағ ажратилган бўлса, 2000 йилга бориб у (баҳорали ўзгаришини ҳам ҳисобга олган ҳолда) 6,5 — 7% ни ташкил этиши кўзда тутилди.

Бозор муносабатларига ўтиш соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам янги талаблар қўйди. Хусусан, маъмурий-бошқариш сарф-харажатларини камайитириш; касалларнинг бир қисмини уларнинг аҳволига қараб куну тун эмас, балки фақат кундузги даволашига ўтказиш; жарроҳлик ёрдами кўрсатишда иш ҳажмининг бир қисмини касалхонадан поликлиникага кўчириш; касалхоналардаги кам самарали ўринлар сонини қисқартириш; шартнома асосида бажариладиган ишлар учун ҳақ олиш ва бошқа чоралар кўрилди. Тиббиёт ходимларининг меҳнатига тўланадиган ҳақ ҳам ҳар бир ходимнинг қўшган ҳиссасига ва муассаса ишининг охириги натижасига боғлиқ бўлиб қолди.

Соғлиқни сақлаш ишининг асосий таомили — профилактик йўналишдир. Шунинг назарда тутиб, амбулатория-поликлиникалар фаолиятини жадаллаштиришга, уларнинг касалликларни аниқлаш соҳасидаги имкониятларини кенгайтиришга, тиббий ёрдам кўрсатишнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали янги шакллари яратишга, хусусан, оила поликлиникалари, кундузги

касалхоналар, қатнаб даво олинадиган жарроҳлик марказлари, амбулаторияда даволашнинг ихтисослаштирилган комплекслари, маҳалла касалхоналари барпо этишга катта эътибор берилди. Вилоятлардаги амбулатория-поликлиника муассасаларида, кўпгина касалхоналар ўшида кундузги даволаниш имкониятлари яратилди. Уларда ўринлар сони 1991 йилдаги 6,6 мингдан 1996 йилда 34,6 мингга етди*.

1996 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг № 182-сонли Қарори билан 1996—98 йилларда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш ва 1998 йил 10-ноябрда Республика Президенти Фармони билан тасдиқланган 2006 йилгача Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури қабул қилинган.

Бугунги кунда Республикада 3471 та амбулатория-поликлиника, 1057 та шифохоналар аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Шундан 282 та ихтисослашган касалхоналарни, 235 та махсус диспансерларни, 95 та шаҳар шифохоналарини, 164 та туман марказий шифохоналарини, 240 та қишлоқ участка шифохоналарини, 1011 та қишлоқ врачлик пунктларини, 4080 та фельдшерлик акушерлик пунктларини ташкил этади.

1991 йилда 188400 та шифо ўринлари фаолият кўрсатган бўлса, 2000 йил 1 январ кунига самарасиз ишлаётган 56600 шифо ўринлари қисқартирилиб, 131800 тани ташкил этади. Аҳолига қулай ва иқтисодий жиҳатдан арзон, барча шароитларга эга бўлган 47407 кундузги шифо ўринлари ташкил этилди.

Бундан ташқари 217 амбулатор жарроҳлик марказлари ва 106 та махсус амбулатор даволаш комплекслари ташкил қилинди. 1999 йил давомида республикада 5613744 нафар беморлар тиббий муассасаларда даволанган бўлса, шундан 2697775 таси ёки 48,1 % амбулатор поликлиникаларда, 774473 таси кундузги шифо ўринларида, 224426 таси амбулатория жарроҳлик марказларида, 97149 таси махсус амбулатор даволаш комплексларида даволандилар.

Биргина 1997 йилда 159 та қишлоқ тиббиёт пункти ишга туширилди, 1,5 минг беморга мўлжалланган шифохоналар қурилди. 202 та тиббиёт муассасаси қишлоқ тиббиёт пунктларига айлантирилди.

Аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш кўп жиҳатдан давлат санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига боғлиқ. Ўзбекистонда санитария-эпидемиология станциялари ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ташкилий-методик ва мувофиқлаштирувчи ишларини олиб борадиган «Саломатлик» марказлари бу вазифани амалга ошира бошлади. 1991 йили Тошкентда диагноз қўйиш бўйича республика аҳолисига хизмат кўрсатувчи «Диагностика» маркази ишга туширилди.

Аҳоли соғлигини текшириб туриш ва юқумли ҳамда юқумсиз касалликлар билан оғриш ҳолларини назорат қилиш, ноқулай ижтимоий муҳит омилларини бартараф этиш, айниқса, ат-

роф муҳитни соғломлаштириш тadbирлари изчил бажариб турилди. Чунончи, 1995 йил охирига келганда катта ёшлилар, ўсмирлар, болалар диспансер назоратида бўлди. Ишчиларга даволаш-профилактика хизмати кўрсатиш, хусусан, санаторий-профилакторийлар тармоғи кенгайтирилди. Республика «Саломатлик» маркази, унинг вилоятлар ва шаҳарлардаги шаҳобчалари радио ва телевидение ҳамда матбуотдан фойдаланган ҳолда аҳоли ўртасида санитария-гигиенага оид билимларни кенг тарғиб қилиб борди. Тошкентда олий ва ўрта тиббий ўқув юртлари учун дарслик ва ўқув қўлланмалари, тиббиётга оид илмий асарлар, врачлар учун амалий қўлланмалар, санитария маорифи бўйича оммабоп тиббий адабиётлар, луғат ва маълумотномалар нашр этадиган «Ибн Сино» номидаги нашриёт (1959 й. ташкил қилинган) ишлаб турибди. 1991 йилдан оммабоп «Сихат-саломатлик» журнали (бош муҳаррири Наби Мажидов) нашр этилди.

Оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси. Ўзбекистонда туғилиш кўп бўлгани ва аҳолининг талайгина қисмини болалар ташкил этгани учун оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси ҳамisha энг муҳим ва долзарб масалалардан бири бўлиб келди. Оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини уюштириш ва ривожлантиришда тиббиёт олий ўқув юртларининг педиатрия, акушерлик ва гинекология кафедралари, шунингдек ихтисослашган илмий тадқиқот институтлари—педиатрия, акушерлик ва гинекология институтлари катта роль ўйнади. Аналикни муҳофаза қилувчи ва ихтисослашган педиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасалар тармоғи кенгайтиди. 1995 йилдан 109 дан зиёд аёллар консултациялари ёки акушерлик-гинекология кабинетлари, 1800 дан ортқ болалар поликлиникалари (консултациялари) иш олиб борди, касалхоналарда болалар учун ажратилган ўринлар сони 50,7 минггага етди⁹. Кейинги йилларда аёллар консултациялари, туғруқхоналар, акушерлик-гинекология кабинетларидан ташқари, тегишли муассасаларда турмушга алоқадор масалалар юзасидан маслаҳат берадиган «Никоҳ ва оила» консултациялари ва тиббий-генетик консултациялар очилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аёллар умрининг давомийлиги 72 дан 73 ёшгача узайди. Шу даврнинг ўзида Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонда аёллар умрининг давомийлиги 1—3 ёшга қисқарди, Туркия ва Индонезияда аёллар умрининг давомийлиги шу давр ичида ошди, лекин тегишли равишда 71 ва 66 ёш даражасида сақланиб турибди. Худди шундай вазият эркакларда ҳам кузатилмоқда, Ўзбекистонда эркаклар умрининг давомийлиги 1990 йилдаги 66 ёшдан 1998 йилда 68 ёшгача кўтарилди, айни пайтда Россия ва Қозоғистонда эркаклар умрининг давомийлиги 2—4 ёшга қисқарди, Туркия ва Индонезияда эркаклар умрининг давомийлиги узайди, лекин тегишли равишда фақат 66 ва 62 ёш даражасига етди.

Республикада оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш борасида кенг аҳамият берилди. «Болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун янги туғилган чақалоқларни ҳамда ҳомиладор аёлларда туғма ва бошқа паталогияни барвақт аниқлаш бўйича «Она ва бола скрининги» Давлат тизимини ташкил этиш тўғрисида» (01.04.98 й.) Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинганлигини бу соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Аёлларни ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш натижасида болалар ўлими 1000 та туғилган болага нисбатан 1991 йилда 51,4 дан 1999 йилда 20,2 га камайди. Оналар ўлими 100 минг тирик туғилган болага нисбатан 1991 йилда 65,3 дан 1999 йилда 31,0 га камайди.

Соғлиқни сақлаш тизимида кадрлар тайёрлаш ҳамиша диққат эътиборда бўлди. Ўзбекистонда 1995 йили барча ихтисосликлар бўйича 75117 врач, 246124 ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари, 2571 фармацевт ишлади. Республикада врачлар сонининг ўзи 1995 йили 1991 йилдагига қараганда 106 баравар кўпайди. 1995 йил Ўзбекистонда 5608 олий маълумотли мутахассис, жумладан даволаш ишлари бўйича — 2517, педиатрия бўйича — 2083, гигиена, санитария ва эпидемиология бўйича — 321, стоматология бўйича — 328, фармация бўйича — 359 мутахассис етиштириб чиқарилди.

Ўзбекистонда тиббий таълимнинг узлуксиз бўлишига ва мутахассисларнинг ўз малакаларини ошириб боришига катта аҳамият берилади. Тошкентда 1932 йилдан врачлар малакасини ошириш институти ишлаб турибди. Унинг 42 кафедраси ва ҳар хил ихтисосликка мўлжалланган курсларида ҳар йили 5—6 мингга яқин врач, жумладан бошқа ҳамдўстлик мамлакатларидан келган мутахассислар ўз малакасини оширди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотнинг бориши тиббиёт ходимлари тайёрлаш ишини, умуман тиббий таълим тизимини такомиллаштиришни тақозо қиларди. Республикадаги тиббиёт институтларида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш кўзда тутилди. Шунга кўра «даволаш ишлари» ихтисослигидан врач кадрлар тайёрлаш иши 3 босқичдан таркиб топадиган бўлди, шулардан биринчиси — табобат бўйича 5 йил давомида умумий тайёргарлик кўриб, бакалавр, яъни врач ёрдамчиси унвонини олиш; иккинчиси — тўла-тўқис тиббий маълумотга эга бўлиб, тиббиёт доктори даражасига эришиш; учинчиси — ходимнинг танлаган ихтисосига қараб, яъни 2 йилдан 4 йилгача муддат ичида магистратурада ўқиш.

Магистратурада мутахассис врач тайёрлаш энг яхши илмий мактаблар ва клиникаларда олиб борилди. Айни вақтда замонавий таълим технологиясидан фойдаланила бошланди. Шу билан бирга, мутахассиснинг малакасини текшириб бориш ёки ошириш учун уни вақти-вақтида синов (аттестация)дан ўтказиб турилади.

**Республика бўйича олий ва ўрта махсус тиббий ўқув юртлари тўғрисида
маълумот (1991—1999 йй).**

	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999
Олий ўқув юртлари сони	7	7 ва 3 та бўлинма	7 ва 3 та бўлинма	7 ва 3 та бўлинма	7	7	7 ва 3 та бўлинма	7 ва 3 та бўлинма	7 ва 3 та бўлинма
Олий ўқув юртларидаги талабалар контингенти	30455	29617	27638	24190	20940	12887	14510	13684	16233
Ўрта тиббий билим юртлари сони	45	46	47 ва 1 та бўлинма	47 ва 2 та бўлинма	47 ва 2 та бўлинма	47 ва 2 та бўлинма	47 ва 2 та бўлинма	45 2 коллеж ва 2 бўлинма	43 4 коллеж ва 2 бўлинма
Ўрта тиббий билим юртларидаги талабалар контингенти	47354	40568	51824	52386	52753	52439	58143	58385	60856

Дорихоналар иши ва тиббий техника билан таъминланиш ҳам муҳимдир. Агар Туркистонда биринчи дорихона дастлаб 1874 йили Тошкент шаҳрида очилган бўлса, 1996 йил охирига келиб уларнинг сони Ўзбекистонда 3980 дан ошиб кетди. Олий ва ўрта маълумотли фармацевтлар ва провизорлар сони ҳам анча кўпайди. Тиббий ускуна ва аппаратларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида 1992 йили фармакология ва фармакопия қўмиталари тузилди. 1993 йили «Фарминдустрия» концерни ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини тиббиёт суғуртасига ўтказиш ва даволаш-профилактика муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш масаласи кейинги йилларда муҳим масала бўлиб қолди.

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблаг ҳисобида мавжуд бўлиб келган соғлиқни сақлаш тизимида бозор муносабатлари шаклланиб, иқтисодий ислохотлар чуқурлашиб бораётган шароитда тиббиёт суғуртасига ўтиш учун тайёргарлик қўрила бошланди. Айни вақтда кўп мамлакатлардаги суғурта хизматлари тажрибалари ўрганилди, турли идора ва ташкилотлар билан хўжалик шартномалари тузилди. Тиббиёт суғуртасига ўтиш, даволаш-профилактика муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш билан ҳам боғлиқ, чунки давлатга қарашли муассасалар

билан бирга мулкчиликнинг ҳар хил шаклларига асосланган муассасалар, жумладан хусусий муассасалар ҳам фаолият кўрсатиб бориши керак. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги (1991 й. 19 ноябр) Қонунига амал қилиб, соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда соғлиқни сақлаш муассасаларини хусусийлаштириш тадбирларини ишлаб чиқди. Хусусийлаштириш дорихоналардан бошланди. 1996 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида — 2200 дорихона хусусийлаштирилди, 839 дорихона ўз таркибига олган 239 дорихона акционерлик жамиятига айланди. Бундай тадбир келгусида соғлиқни сақлашнинг бошқа муассасаларида ҳам олиб борилади.

1996 йилга қадар тажриба тариқасида 342 соғлиқни сақлаш объекти давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди, шундан 184 (53,8%) тиш протезлаш хоналари, 65 (19,0%) тиш протезлаш бўлимлари, 28 (8,2%) хўжалик ҳисобидаги тиббий кўрик поликлиникалари, 38 (11,1%) бюджетдаги ва хўжалик ҳисобидаги стоматологик поликлиникалар, 27 (7,9%) турли соғлиқни сақлаш муассасаларидир¹⁰.

Республикада аҳоли ўртасида юқумли касалликларни олдини олиш бўйича олиб борилган ишлар натижасида вирусли гепатит, 1990 йил 856,4 дан 1999 йилда 126,4 га, паратиф А,В,С касалликларни 4,80 дан 0,1 га камайди. Полиеомиелит ва кокшол касаллиги охириги 5 йил давомида умуман учрагани йўқ.

Давлат санитария назорати томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик хотиржамлигини таъминлаш бўйича тадбирлар давом эттирилмоқда. Жумладан, давлат санитария эпидемиология назорати томонидан мактаб ўқувчилар учун наشر этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг гигиеник меъёр ва қоидаларга мослиги мунтазам равишда назорат остига олинган. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат санитария назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айнан шу соҳани ривожлантиришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда «Ўзбекистон Республикасининг ўрта таълим мактаблари учун китоблар ва ўқув қўлланмаларга бўлган стандарти ишлаб чиқилган» ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан маъқулланган, дафтарлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқариш техник шартлари ишлаб чиқилди.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Самарқанд ва Андижон вилоятларида шошилинч тиббий ёрдам марказлари очилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 мартдаги махсус қарорида мувофиқ Шошилинч тиббий ёрдам ўқув маркази ташкил этилди. Қолган вилоятларда ҳам бу борадаги ишлар жадал олиб борилмоқда. Бугунги кунда Республикада 1231 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилиши натижасида фельдшерлик акушерлик пунктларини 6220 тадан 4080 тага, қишлоқ врачлик

пунктларини 1406 тадан, 1011 тага қисқартирилди.

Республикада тиббиёт ходимларини тайёрлашда янги дастур қабул қилинган, бу бўйича 2380 та умумий (оилавий) амалиёт врачлари тайёрланмоқда. 1999 йилда 4 та ҳамшираларни ўқитиш коллежлари ташкил қилинди.

Республика бўйича 234 та тиббиёт муассасалари қисман ўз ўзини молиялаштиришга ўтди. 1999 йилда 48 та тиббий муассасалар мулк шаклини ўзгартириб хусусийлаштирилди. 3075 та шифокорлар яқка тартибда фаолият кўрсатиш учун махсус рухсатнома олдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда 2 йил давомида Оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, юкуми касалликларни олдини олиш борасида «ЦАРАК» лойиҳаси, «МЕКАКАР», «ДОТС», «КАРИНФОНЕТ» ва «АйМСиАй» дастурлари асосида иш олиб бормоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ёш тиббий ходимларни чет мамлакатлар (Англия, Италия, Россия, Исроил ва Швеция)да ўқитиш учун 18 та грант ажратилган.

Бундан ташқари биргина кейинги 2 йил давомида 218 та ўзбек тиббиёт мутахассислари чет мамлакатларда ўтказилган анжуманлар, конференциялар ва йиғилишларда қатнашдилар. Айти пайтда республикада тиббиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришга бағишланган 36 та халқаро анжуманлар ўтказилди.

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида эришилган илғор жаҳон тажрибаларини ҳаётга тадбиқ қилиш билан бир қаторда дунё табобат илмининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган улуғ бобоқалонларимиз меросини ўрганиш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ибн Сино халқаро жамғармаси ташкил этилганлиги ҳам ушбу соҳанинг ривожланишига давлат миқёсида катта эътибор берилаётганини кўрсатади.

2-§. МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРАЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Мустақиллик йилларида кўп миллатли республикада фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланганлиги Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлидан ривожланишида қўлга киритилган катта ютуқлардан биридир. Чунки 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган мамлакатда жамиятни тубдан янгилаш, бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтказиш осонлик билан кўчмайди. Бундай пайтда давлат сиёсати изчил ва ҳаққоний, дадил ва қатъиятли бўлмоғи лозим.

Мамлакат раҳбарияти миллий масалани оқилона, қонун йўли билан ҳал қилишга, миллатлараро можароларни тинч ҳал қилиш чора-тадбирларини кўрди. Бу борада ҳукумат энг авва-

ло Конституциявий талаблар асосида иш тутди. Аҳолининг барча табақаси ва турли миллат вакиллари диққатини бир нуқтага қаратди. Қонун олдида ҳаммани тенг қилиб қўйди. Ҳар бир фуқаро қалбида ягона замин, ягона макон, ягона ватан учун жавобгарлик ҳиссини кучайтирди.

Ўзбекистон Конституциясининг муқаддима қисмида «Ўзбекистон халқи... фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади»,— деб ёзиб қўйилган.

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, кўп миллатли давлатда ўз фуқаролари миллий ва маданий манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш миллий давлат чегаралари доирасида чекланиб қолмаслиги лозим.

Ўзларининг тарихий ватанларидан ташқарида яшовчи миллатлар учун ҳамма жойда, ҳамма вақт миллий эҳтиёжларини қондира олишлари учун зарур шароит яратилишини тақозо этади. Бу талаб биринчи галда миллий ҳудудий тузилмалари бўлмаган халқларда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар, миллий сиёсатга бир ёқлама қаралар эди. У ҳеч бир иттифоқдош республикада ҳал этилмаган эди. Миллий масала борасида собиқ Марказ томонидан бир ёқлама йўл тутиб келинди. Бу эса оқибатда бутун СССРнинг, жумладан Ўзбекистоннинг ҳам ижтимоий-иқтисодий аҳволига катта зиён етказди.

Собиқ СССР Конституциясида миллий раванқ, миллий маданиятлар ривожини хусусида фикрлар баён қилинган бўлса-да, амалда «улуг ога»чилик, руслаштириш сиёсати ҳукмрон эди. Коммунистик партия дастурида барча миллатлар ва элатларни ўзаро яқинлаштириш асосида миллий хусусиятларни йўқотиш ва ягона, «маданиятсиз», ясама халқни вужудга келтириш тенденцияси давлат ва ҳукмрон партия сиёсати даражасига кўтарилган эди. Дарҳақиқат, КПСС программасида «ягона совет халқи вужудга келди. Бу совет давлати миллий сиёсатининг улкан ютуғидир» деб сурбетларча баён этилган эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач миллатлараро муносабатларда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар аста-секинлик билан бартараф этила бошланди. Кўп миллатли мамлакатда халқлар тинч-тотувлигини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»,— дейилади.

Мазкур моддада қайд этилган қоида жаҳондаги бирор бир Конституцияда учрамайди. Унда Конституция даражасида «Ўзбекистон халқи» тушунчасининг таърифи баён этилган. Ўзбекистонда тугилган, унинг заминида яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллати ва ирқий мансублигидан, диний эътиқоди-

дан қатъий назар, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир.

Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар, Ўзбекистон халқини ташкил этади.

Конституция Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларнинг урф-одатлари ва миллий анъаналарини ҳурмат қилишни кафолатлайди.

Мазкур моддада мустаҳкамланган Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги тамойили инсон ҳуқуқларига оид барча халқаро ҳужжатларга, жумладан Ўзбекистон Республикаси номидан унинг Президенти имзолаган «Янги Европа учун Париж Хартияси» талабларига тўла мос келади.

Мазкур принцип мамлакатимиздаги тинчлик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тоғувликнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ана шу талаблардан келиб чиқиб мамлакатда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган амалий чоралар белгиланди. Шунини айтиш лозимки, мамлакатда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда тилнинг ўрни ва роли бениҳоядир. Ўзбекистонда ўзбек тили давлат тили мақоми олни, бу ўз навбатида унинг мамлакатда яшовчи фуқаролар ўртасида миллатлараро алоқалар воситасига айланишига имкон берди.

Маълумки, 1989 йил октябрда Олий Кенгаш сессиясида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган эди. Давлат манфатлари нуқтаи назаридан бундай зарур чора республикада истиқомат қилаётган русийзабон аҳоли томонидан бир хил қабул қилинмади. Уларнинг руҳан тайёр эмаслигини ҳисобга олиб мамлакат раҳбарияти тил Дастурини амалга оширишда шошма-шошарликка йўл қўймади, унга ҳаёт тақозоси асосида ўзгартиришлар киритиб борди.

Мамлакатда мунтазам суръатда тил сиёсати ҳақида тушунтиришлар олиб борилди, мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, заруриятга қараб иш юритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, турли маъмурий-идоравий муносабатларда рус тили ва бошқа миллатлар тилларидан фойдаланила бошланди. Шунинг учун бу масала 1995 йил 21 декабрда Олий Мажлис IV сессияси кун тартибига киритилиб, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг 4-моддасида «Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади», — деб ёзиб қўйилди.

Бу қоида миллатлараро дўстлик муносабатларини яхши-

лашга хизмат қила бошлади. Мамлакатда миллий-маданий марказларни ташкил қилиш асосида туб аҳоли бўлмаган халқлар миллий анъаналари, маданиятлари ва бошқа ўзига хос жиҳатларини ривожига кенг йўл очиб берди.

1989 йилда Маданият вазирлиги қошида мамлакат миллатлараро Маданият Маркази ташкил этилди. Унинг таркибида 12 та, жумладан Қозоқ, Корейс, Арман, Озарбайжон, Тожиқ маданият марказлари фаолият кўрсата бошлади.

Вақт ўтгани сайин уларнинг сони орта борди. Хусусан, 1995 йилга келиб мамлакатда уларнинг сони 80 тадан ошди. Бундай ривожланиш ўз навбатида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни тақозо қиларди. Шу мақсадда 1992 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ўзбекистон Республикаси «Байналмидал маданият» Маркази ташкил қилинди. Миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш унинг асосий вазифаси қилиб белгиланди. Шу билан бир қаторда давлат органлари ва жамоат ташкилотларига Ўзбекистон ҳудудида яшовчи миллий гуруҳларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга доир масалаларни ўрганишда ёрдам бериши лозим деб, таъкидланди.

Марказ фаолиятидаги муҳим йўналиш умумхалқ байрамларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фаол иштирок этиш бўлди. Жумладан, республикада ўтказиладиган анъанавий «Наврўз» байрамида нафақат маҳаллий миллат вакиллари, балки, республикада яшайётган барча миллат вакиллари қатнашадилар, бу байрамга чуқур ҳурмат билан қарайдилар. Ўз навбатида маҳаллий аҳоли ҳам русларнинг миллий байрами бўлмиш «Масленница рожество», татарларнинг «Сабантўй» ва бошқа қатор халқларнинг миллий байрамларида фаол иштирок эта бошладилар.

Бу бир жиҳатдан маълум бир халқнинг миллий байрамини, ўзига хос анъана ва урф-одатларини ўрганишга, шу туфайли ўз дунёқарашларини бойитишга ёрдам беради. Иккинчидан, ўзаро ҳурмат ва яқин қардошлик асосида умумий хонадон — ягона ватан туйғусини кучайтиради. Учунчидан, мамлакатда соғлом, маънавий-руҳий иқлимнинг барқарор бўлишини таъминлайди.

Мустақиллик йилларида «Байналмидал маданият» Маркази томонидан амалга оширилган ишларнинг яна бир йўналиши бу 1994 йили бошланган биринчи «Халқ ижодиёти» фестивали бўлди. Бу фестивал Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан ташкил этилди ва у ҳар икки йилда бир марта ўтказишга қарор қилинди.

Айниқса, арман, озарбайжон, тожиқ, қозоқ, татар, немис ва корейс халқларининг профессионал ва бадиий ҳаваскорлик санъаткорларининг чиқишларини халқ хурсандчилиги ва қизиқиш билан кутиб олди. Ҳар бир Маданият Марказининг фестивали чинакамига миллий байрамга, ўша миллатнинг том маъ-

нодаги порлоқ истиқболнинг кафолатига, яшаб турган замин унинг учун бегона эмаслиги, аксинча, у ана шу юрт, ана шу тупроқ тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилди. Миллий маданий Марказларнинг яқунловчи чиқишлари мустақиллик байрами арафасида 20 август куни Халқлар Дўстлиги Саройида ва байрам куни — биринчи сентябрда «Мустақиллик» майдонида ўтказилган тантанали концертларда намоёиш қилинди.

Мамлакатда миллатлараро муносабатларни барқарорлаштириш, миллий маданиятлар раванқи йўлидаги хизматларини қўллаб-қувватлаб фестивал қатнашчиларига Президент И. Каримов табрик мактуби йўллади.

Ўзбекистонда қардош халқлар ижодкорлари билан учрашувлар, улар ижодига бағишланган кечалар ўтказиш одат тусига кирди. Кейинги йилларда Ўзбекистон кунларининг Қозоғистонда ўтказилиши, Қозоғистон кунларининг Ўзбекистонда ўтказилиши, қозоқ ва ўзбек халқи ўртасидаги қардошларча алоқанинг янада раванқ топишига катта ҳисса қўшди. Рус маданият Маркази Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда С. Я. Есенин тугилган кунининг 100 йиллигини, Қозоқ маданият Маркази Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда буюк қозоқ шоири Абай таваллудининг 150 йиллигини, миллий истиқлол учун толмас курашчилар Турор Рисқулов, Султонбек Хожановларнинг 100 йиллигини, Қирғиз маданият Маркази Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда «Манас» эпосининг 1000 йиллигини кенг нишонладилар.

Бу саналар ўз навбатида ўзбек халқининг ҳам катта байрамига айланди. Миллий маданият марказлари, мамлакат фанлар академияси ва бошқа қатор олий ўқув юртлири иштирокида илмий-амалий конференциялар ўтказилди.

Украина миллий маданий Маркази «Тақдиримиз—ягона» мавзуида давра столи ташкил этди. Атоқли рус шоири С.Есенин юбилейига бағишланган кеча иштирокчилари «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида суҳбат ўтказдилар.

Шунингдек, турли миллатга мансуб ижодкорлар асарларининг кўргазмаларини ташкил қилишга катта эътибор берилди. Масалан, 1994 йил март-апрель ойларида Тошкентда «Бир дарахтнинг шоҳлари» мавзуида ана шундай кўргазма ташкил қилинди. Унда мамлакатда истиқомат қилувчи 11 миллатга мансуб 58 ижодкорнинг 98 та тасвирий санъат асари намоёиш қилинди. Шу йилнинг май ойида эса Украина, Ўзбекистон, Белоруссия халқ амалий санъати намояндалари асарларининг кўргазмаси уюштирилди. Хусусан Ўзбекистонлик мўйқалам усталари: И. Хайдаров, А.Г. Жиболдов, К.Гуленко, С.П. Мансуров, Ковриенко ва бошқаларнинг асарлари кенг томошабинлар оммасида катта таассурот қолдирди. Бу кўргазмалар кишиларни ҳозирги замон амалий ва тасвирий санъат намуналари би-

лан таништиришда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда ўтказиладиган «Туркистон — умумий уйимиз» мавзuidaги кечалар, учрашувлар халқлар ўртасидаги дўстлик ва аҳилликни кучайтиришда катта роль ўйнамоқда. Масалан, ана шундай шиор остида 1995 йил августда мамлакат «Байналмилал маданият» Марказининг республика, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари, «Тинчлик ва барқарорлик» ҳамда шаҳар «Маҳалла» хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда ўтказган дўстлик кечаси катта аҳамиятга эга бўлди. Шу йил кузида Марказий Осиё халқлари маданият арбоблари Ассамблеясининг Тошкентда тўпланиши ҳам бу борада қўйилган муҳим қадам бўлди.

Хуллас, бугунги кунда Ўзбекистонда 80 дан ошиқ миллий-маданий Марказлар халқлар ўртасидаги чинакам иноқликни тарбиялашда катта роль ўйнаб, уларнинг халқлар ўртасида обрў-эътибори тобора оша борди. Уларнинг фаолиятига юксак баҳо берар экан давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси миллий маданий Марказлари биринчи фестивали фаолларига ва барча қатнашчиларига юборган табригида шундай деган эди:

«Азиз дўстлар!

Муҳтарам Ватандошлар!

Бугун мамлакатимиз халқлари улкан шодиёна арафасида тўришибди. Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги ҳар бир фуқаро қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини жўш урдирмоқда. Буни Сизлар йил мобайнида ўтказган табдирларингиз ва бугунги якуновчи тантаналарингиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Кўп миллатли мамлакатда ҳар бир миллат ва элат раънақини таъминлаш, миллий анъаналар, урф-одатлар ва маданиятларни ривожлантириш, демократик ҳуқуқий давлатнинг бебаҳо фазилатларидир. Биз ана шундай юксак цивилизацияли жамият қуриш сари бораётган бир пайтимизда Сизларнинг бугунгидек ҳамжиҳатлигингизни юксак қадрлайман.

Сизларнинг мамлакатимиз келажакига катта умид билан қараётганингиз, ўз миллий маданиятимиз раънақи бутун Ўзбекистон тараққиётининг бир қисми эканлигини чуқур тушуниб турганингиз қувончли ҳодиса.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати айни пайтда у буюк орзу-умидлар, яқдиллик, ҳамжиҳатлик, биродарлик мамлакати. Турли мамлакат вакилларининг энг эзгу ниятларини муштарак этган, шонли тарихга ва буюк келажакка эга бўлган улугвор хонадон.

Сизлар эса ўз фаолиятингиз, амалий ишларингиз билан ана шу хонадонни яна ҳам нурафшон, яна ҳам файзли қиласизлар».

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
Тошкент. 1994 йил 20 август.

Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияси Германия, Россия, Корея ва Марказий Осиё мамлакатларига расмий ташриф буюрганда, тегишли миллий-маданий марказлар раислари шу Ҳукумат делегацияси таркибида бордилар. Бу ҳам мамлакатимизда миллий ва миллатлараро муносабатлар давлат назоратида эканлигини, унга доимий равишда ғамхўрлик ва алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади. Қолаверса, бу ҳар икки давлат ва халқ ўртасидаги муносабатларнинг янада чуқурлашувига хизмат қилади.

Мамлакат «Байналмилал маданият» Маркази 1995 йил 10—11 март кунлари Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда «Маънавият ва маърифат» Маркази билан ҳамкорликда «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар маданияти» мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказди. Ушбу конференция тавсиялари кейинги йилларда миллатлараро тотувликни ривожлантиришга доир ишларни янада такомиллаштиришга, уни янгидан янги тажрибалар ва илмий-назарий хулосалар билан бойитишга ёрдам берди.

Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати ва «Байналмилал маданият» Маркази 1996 йил «Ўзбекистон миллатлараро ҳамжиҳатлик йўлида» номли китобни нашр этди. Унда миллий ва миллатлараро муносабатларнинг жамиятни тубдан ислоҳ қилиш шароитида тутган ўрни ва роли, миллий маданиятлар равақи ва мустақиллик имкониятлари ҳақида фикр юритилади.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакилларининг ўз она тилларида ўқиши, таълим олиши учун кенг имкониятлар яратилди. Улар керакли миқдорда ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминланади.

Айни пайтда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 120 дан ортик миллат ва элатларнинг фарзандлари ўғил-қизлари мамлакатимиз ўқув юрларида бемалол таълим олмоқдалар. Ёшлар олий ўқув юрларида ва мактабларда 8 тилда таълим олмоқдалар. Кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилмоқда. Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар олиб борилмоқда.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда мамлакатлараро тотувликни таъминлашга қаратилган кенг миқёсли тадбирлар бугунги кунда республикада ҳукм сураётган ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим омили бўлмоқда.

3-§. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон: Миллий хавфсизлик — олам бутуқлиги

Истиқлол йилларида мамлакатда давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудида барқарорликни таъминлаш асосий вазифа сифатида ҳамisha мамлакат ҳукуматининг диққат-эътиборида бўлди. Шу давр мобайнида Ўзбекистонда миллий хавфсизликнинг кенг қамровли концепцияси ишлаб чиқилди.

Миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мамлакат ҳудудий яхлитлигини сақлаш, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий барқарорликни таъминлаш тамойиллари ўртага ташланди. Бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустақамлаш йўлини тутди. Лекин, миллий хавфсизлик масаласи давлат сиёсати ва унинг узоқ йилларга мўлжалланган стратегияси сифатида илк бор мамлакат Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралда бўлиб ўтган биринчи сессиясида Президент И. Каримов томонидан аниқ ва батафсил ёритиб берилди. Унда жаҳонда юз берган янги сиёсий-иқтисодий воқеликдан сўнг, давлатлараро муносабатлар муҳолифликка эмас, балки халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос янги тартибга асосланган бўлиши кераклиги тўғрисидаги гоя илгари сурилди. Миллий хавфсизликнинг кенг қамровли концепциясини ишлаб чиқиш, унинг ҳуқуқий асосини белгиловчи қонунлар яратиш зарурлиги кўрсатиб берилди.

Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб мамлакатимизда илк марта 1996 йил 24 апрелда Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида маъқулланган тўрт бўлим, йигирма саккиз моддadan иборат бўлган «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Миллий хавфсизлик тизимини шакллантириш, миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифалар ва уларни амалга ошириш принципларини ҳуқуқий нормаларда белгилаб берадиган, бутунлай янгича ҳужжат сифатида кўриб чиқилди. 1997 йил, август ойида Олий Мажлиснинг IX-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси қабул қилинди.

Хориж тажрибасида миллий хавфсизлик деганда кўпроқ давлат хавфсизлиги тушунилади. Бу борада ҳам Ўзбекистон ўзига хос йўлига эга. Чунончи, масалага бундай ёндашув миллий хавфсизлик муаммосининг моҳиятини бирмунча торайтиради. Тўғри, миллий хавфсизликда ҳарбий ва давлат хавфсизлиги масалалари асосий ўрин тутadi. Бироқ миллий хавфсизлик дейилганда фақат ана шуларнинг ўзигина тушунилмайди. Мамлакатимизнинг ҳаётий, муҳим манфаатлари лойиҳада белгиланганидек, **биринчидан**, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, **иккинчидан**, жамиятнинг моддий ва маънавий бойликлари, **учинчидан**, давлатнинг Конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигидан иборатдир.

Тарихга назар солсак, фуқаролари ҳақ-ҳуқуқсиз, жамиятининг моддий ва маънавий бойликлари поймол қилинган, суверенитети ва ўз ҳудудини кўриқлай олмаган ҳар қандай тузум охир-оқибатда инқирозга юз тутган.

Собиқ тузум даврида миллий хавфсизлик ҳақидаги масалани ўртага қўйишнинг ўзи ақлга сизмасди. Чунки бундай соҳани Қонун билан тартибга солишдан давлат манфаатдор эмас эди. Қонун эса демократик принципларга тўлиқ жавоб беради ҳамда

мақсадга эришиш учун ҳар қандай воситадан ҳазар қилмайди-ган эски тоталитар ақидани қатъиян рад этади. Унинг қатор моддаларида таъкидланганидек, миллий хавфсизликни таъминлашдаги ҳар қандай фаолият фақат Конституция, Қонун ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган бўлиши керак.

«Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда ўта мураккаб ва серқирра ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун мўлжаллангандир.

... Маълумки, XX асрнинг сўнгги йиллари жаҳон тараққиётида бурилиш ясади. Бу мавжуд икки сиёсий тузум ўртасидаги рақобатнинг йўқолиши, янгича ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг вужудга келиши билан бевосита боғлиқ. Жумладан, собиқ Иттифоқнинг тарқалиши жаҳон сиёсатида шаклан ва мазмунан янги босқични бошлаб берди. Мафкуравий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан икки қарама-қарши блок таъсирида шакланган қуролланиш пойгаси, ҳарбий зўравонлик, миллий хавфсизлик тушунчалари бутунлай ўзгара борди.

Кўпчилик халқаро ташкилотлар ҳам ана шу икки тузум сиёсати, уларнинг ўзаро рақобати авж олган даврларда вужудга келган ва мазкур ижтимоий сиёсат жараёнлари қобигидан чиқиб кетолмаётган эди. Улар ўз мавқеини сақлаб туришга ва таъсирини ўтказиш ўрнига кўпроқ, ҳеч бўлмаганда, икки қарама-қарши томоннинг мувозанатини мувофиқлаштириб туришгагина қодир эди, холос. Шунинг учун ҳам мазкур ташкилотларнинг фаолияти бирмунча суст, юзаки тартиб-қоидалар доирасида қолиб кетган эди.

Шундай шароитда халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва бошқа бир қатор қонун-қоидаларни қайтадан кўриб чиқиш, янгича қарашлар ва янгича тафаккур асосида умумжаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлар йўналишини бутунлай янги ўзанга буриб юбориш лозим эди. Буни Президент И. Каримов Ўзбекистон раҳбари сифатида ҳис қила олди ва жаҳон сиёсий майдонида ҳар томонлама асосланган хавфсизлик тамойилларини ўртага ташлади.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг тарихан жуда қисқа даврида жаҳон сиёсатида салмоқли таъсир ўтказди. Жаҳон сиёсати йўналишларида унинг ўзига хос тамойиллари, ёндошиш усули, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини йўналтириб туришдаги услуби вужудга келди. Буни қўшни мамлакатлардаги вазият билан қиёслаш асосида яққолроқ кўриш мумкин.

Биринчидан, 90 йилларнинг биринчи ярмида бир қатор мустақил давлатларда сиёсий «ўйин»лар, турли даражадаги баҳсу мунозаралар сунъий равишда авж олдириб юборилди. Демократик жараёнларни чуқурлаштириш шиори остида асосий мақсаддан чекиниш — мустақилликни мустаҳкамлаш, умумхалқ ва умумий давлат манфаати йўлида бирлашиб курашиш ўрнига тарқоқликка йўл очиб берилди. Бир қатор мамлакатларда эса ҳатто ички зиддиятлар кучайиб кетди. Турли гуруҳларнинг жа-

ҳолатга қоришган худбинликлари, манфаатпарастлиги умумий мамлакат манфаатларидан ғолиб келди. Натижада фуқаролар урушлари келиб чиқдики, унинг асоратларини тугатиш учун йиллар керак бўларди.

Ўзбекистонда эса аксинча, ақл-идроққа, оғир-вазминликка ва андишалликка асосланган шарқона демократия тартиб-қоидаларига қатъий амал қилинди. Халқ ва мамлакат манфаатига зид бўлган ҳар қандай «ўйин»ларга, тадбирбозлик ва ортиқча шов-шувларга қарши турилди.

Иккинчидан, бир қатор ёш мустақил мамлакатларда иқтисодий тангликдан талвасага тушиш ҳоллари юз берди. Улар натижада ҳар қандай йўл билан бўлмасин «қорин тўйғазиш» ташвишига тушиб, кундалик юмушлар гирдобида қолиб кетишди. Ўзбекистонда эса аҳоли умумий маънавий-руҳий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама туб ислохотларга кенг йўл очиб берилди. Узоқни кўзлаган, ҳаёт ҳақиқатига таянган дастурлар асосида иш олиб борилди.

Учинчидан, Ўзбекистон турли мустақил давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан манфаатдорлигини назарда тутиб, янгича шароитларда, янгича шакл ва мазмундаги ҳамкорликни вужудга келтириш ташаббуси билан чиқди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё Мамлакатлари Ҳамдўстлиги сингари кўп томонлама ижтимоий-иқтисодий манфаатлар асосида кўрилган ташкилотлар сифатида ўртага ташланди.

Ҳаёт Ўзбекистон ишлаб чиққан халқаро муносабатлар ривожланиш тамойилларининг асосли эканлигини кўрсата бошлади. Жаҳон сиёсатдонлари ва жамоат арбоблари ҳам унинг янгича қарашларига юксак баҳо бера бошладилар ва ўз вақтида қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон раҳбари И. Каримовнинг 1994 йил 23 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган нутқи бир жиҳатдан Ўзбекистон имкониятларини, унинг маънавий, иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йўллариини жаҳон миқёсига олиб чиққан бўлса, иккинчи томондан жаҳон сиёсати йўналишларига, ижтимоий сиёсий жараёнлар боришига унинг ўзига хос ёндашуви, ўзига хос баҳолаш усули ва йўналтириш услуги мавжудлигини очиқ-ойдин кўрсатди. Ушанда Ўзбекистон раҳбари жаҳонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, уруш ва тинчлик муаммоларини бартараф этиш, куролланиш пойғасини тугатиш масалалари ҳақида кескин гапирган эди. Халқаро ташкилотларнинг мақомлари, уларнинг нуфузли ва жаҳон муаммоларини ҳал этишдаги роли хусусида сўзлар экан, у «Кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можаролни вазиятларга, ифодали айтганда ёнғин ҳиди эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайиши-

нинг олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бепарқ кузатувчи ролидан фаол тинчликпарвар нуқтан назарига ўта бориш керак», — деб қатъий таъкидлаган эди. Ўшанда у нуфузли халқаро ташкилотларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириш, улар тизимида ва мақомида ҳам туб ислохотларни амалга ошириш кераклигини, эндиги дунё бамайли хотирлик кайфиятини кўтармаслигини, аксинча, у дадил ҳаракатларга бой тафаккур ва ақлидрокка асосланган қатъий талабларга муҳтож эканлигини кўрсатиб берган эди.

Тожикистон воқеалари, Тожикистон ва Афғонистон муносабатлари, умуман Марказий Осиёдаги маънавий-сиёсий вазиятни гоёят чуқур, ҳар тарафлама асосли таҳлил этар экан, уларнинг мамлакатлар ижтимоий-сиёсий муҳитига таъсири ҳақида, мазкур минтақанинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва халқаро ташкилотларнинг вазифалари ҳақида принципиал фикрлар юритди.

Ўшандан буён орадан маълум муддат вақт ўтди. Мамлакат ҳаётида ҳам, жаҳон сиёсатида ҳам бир мунча ўзгаришлар юз берди. Ана шу ижтимоий-сиёсий жараёнлар юз бераётган янгидан-янги ҳодисаларга алоҳида эътибор билан қарашни тақозо этаётганлиги сабабли Президент И. Каримов дунё ва Ер юзи тақдирига дахлдор бўлган қатор муаммолар устида доимий ва узлуксиз янги фикрларни илгари суради. Жумладан, у ўтмишдаги «совуқ уруш» иллатларига барҳам бериш, гоёвий курашларга чек қўйиш йўли билан ташқи сиёсатни халқлар ва мамлакатлар равноқи асосида қайта шакллантириш зарурлиги гоёсини ўртага ташлайди. Давлатлараро муносабатлар ҳар томонлама дунё тараққиётига ва мамлакатлар фуқароларнинг ҳаётига дахлдор бўлишини уқтириб ўтди. У Ер юзи хавфсизлиги билан бир қаторда Ўзбекистонда ҳосинакам инсонпарвар сиёсат тобора чуқурлашиб бораётганини ва у дунё кенгликларига чиқиб олаётганини яққол кўрсатди. Айни пайтда мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё муаммолари хусусида тўхталар экан, Ер шарининг ана шу минтақасида юз берадиган ҳодисаларнинг салбий ё ижобий жараёни бевосита дунё тараққиётига, жаҳон халқлари тақдирига у ёки бу тарзда кучли таъсир этиши мумкинлигини ниҳоятда кучли сиёсий-фалсафий мантиқ, жаҳон муаммоларини ўрганишда ўзига хос дунёвий тафаккур, чуқур таҳлил ва ундан келиб чиқадиган аниқ-равшан хулосалар билан исботлаб берган эди. Кўтарилган муаммолар асосида Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий семинарини ташкил этиш ҳаёт зарурати, жаҳон тараққиётига дахлдор бўлган эҳтиёж эканлигини таъкидлади.

Қолаверса, Ўзбекистон жуғрофий-сиёсий жиҳатдан ўта муҳим нуқтада жойлашган. У бир қатор мамлакатлараро ва минтақалараро алоқаларни энг мақбул шаклда бирлаштириб туриш учун қулай имкониятга эга. Қадимдан магрибу машриқ, шимолу жануб ана шу мамлакат орқали алоқада бўлгани, ўзаро иқти-

содий-ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва шу дунё тараққиёти барқарорлигини сақлаб туриш учун муҳим омил, таянч нуқтаси эканлигини кўрсатиб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ҳозирги дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларини яхшилик сари буриб туришда, инсоният равнақи ва ҳаётининг дахлсизлигини таъминлашда, қолаверса бутун Ер шари «мувозанати»ни сақлаб туришда ҳозирги Ўзбекистон тутган сиёсий мавқе жугрофий жиҳатидан катта стратегик аҳамиятга эга.

Айни пайтда Ўзбекистон деҳқончилик ва саноат ишлаб чиқариши, беқиёс ер ости ва устки бойликлари мавжуд бўлган мўъжизавий макон. Унда жаҳон тараққиётига дахлдор бўлган фан, маданият ва бошқа ақлий имкониятлар ҳам мавжудки, бу бевосита унинг дунё сахнасига чиқишига кенг йўл очиб берди ва янги дунё учун ҳаётбахш куч бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон раҳбарининг ана шу минтақа келажаги ва умуман жаҳон истиқболини ўйлаб ўртага ташлаган таклифлари дунё сиёсатдонлари томонидан анча ўрганилди, таҳлил этилди ва маъқулланди. Натижада 1995 йил 15—16 сентябрь кунлари Тошкентда БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Қатор халқаро ташкилотларнинг масъул вакиллари, ўнлаб мамлакатларнинг сиёсат ва жамоат арбоблари иштирок этган бу кенгашда Марказий Осиё муаммоларини ўрганиш дунё тараққиётининг муҳим босқичи сифатида кенг муҳокама қилинди. Ўзбекистон раҳбарининг кенгашда сўзлаган нутқи бош ҳужжат ва кенг қамровли дастур сифатида баҳоланди. Нотиқ Тошкент учрашувларининг «**Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик**» шиори остида ўтаётганлигининг ўзига хос мазмуни борлигини алоҳида шарҳлаб берди. Жумладан:

— дунё **тинчлиги** йўлида давлатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва қатъий ишонч, мамлакатларнинг мустақиллигини сўзсиз тан олиш;

— сиёсий, ижтимоий, иқтисодий тараққиётнинг ҳамда ислохотларнинг самарали бўлишининг асосий омили **барқарорлик** эканлигини эътироф этиш ва уни тўла таъминлашга интилиш;

— умумхалқ ва умумжаҳон манфаатларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама **ҳамкорликка** таяниб иш тутиш зарурлигини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон раҳбарининг фикрича дунё тараққиёти, оламнинг бус-бутунлиги, барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги энг аввало, минтақавий барқарорликни вужудга келтириш ва бир-бирини бевосита тўғри англашга боғлиқ. Дарҳақиқат, биринчи гада маънавий-руҳий жиҳатлари, турмуш тарзи ва урф-одатлари бир-бирига яқин бўлган халқлар ўзаро тотувликни таъминласаларгина, улар яшаётган минтақаларда хавфсизлик барқарорлик бўлишига, шу асосда минтақалараро ва қитъа-

лараро яқдиллик вужудга келишига имкон яратилади. Ана шундай ҳаётий ҳақиқатга таянган Ўзбекистон Президенти уруш ва тинчлик муаммоларига, миллий равақ ва Ер юзи хавфсизлигига кенгроқ қараш, энди яқин ўтмишимиздагидан фарқли холда ҳар қандай мафкурадан холи, инсон қалбига яқин бўлган тушунчаларни илгари суриб, «бир-биримиздан қочмасликни тушунишга мажбур эканлигимизни» алоҳида уқтириб ўтди. Ана шу мажбурлик ҳисси, мажбурият юки ҳар қандай давлат арбобининг ўз мамлақати манфаатидан тортиб минтақавий, қолаверса дунёвий масалаларга ҳам жиддийроқ қарашни, бу масалалар олдида жавобгар эканлигини ғоят куйинчаклик ва масъулият билан таъкидлайди.

Президент И.Каримов Марказий Осиё муаммолари ҳақида гапирар экан, «Дунё қарийб юз йил давомида унутиб қўйган жуғрофий сиёсий макон бутунги кунда ўзининг янги сифатини кўрсатмоқда ва бу сиёсий шароитда қутилмаган ўзгаришларни келтириб чиқаради. Айни пайтда бутунги кунда кўпгина мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини жалб этаётган Марказий Осиё уларнинг ташқи сиёсат йўли стратегиясини шакллантиришда муҳим ва ҳал қилувчи унсур бўлиб қолмоқда», — деди.

Дарҳақиқат Марказий Осиёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, унинг сиёсий-жуғрофий ўрни, иқтисодий ва маънавий имкониятлари жаҳон ҳамжамятини истиқболга янгича муносабатлар билан қарашга, дунё аҳлини ўзига ҳам, оламга ҳам тийрақроқ назар ташлашга мажбур этмоқда. Президент И. Каримов таъкидлаганидек, «биз яшаётган дунё торгина эмас, жуда мураккаб эканлигини идрок қилмасдан туриб бу муаммоларни ҳал қилиш анча қийин». Бу билан у энди биз яшаётган олам худди ҳозиргача ўйлаганимиз сингари жўн, оддий эмаслигини, бу жуда кенг ва ранг-баранг, ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли дунё ҳақида шунчаки фикр юритиб бўлмаслигини англашга, ҳар бир давлат арбобининг кундалик ташвиши бутун олам ва одамлар ташвиши билан боғлиқлигини унутмасликка чақирмоқда.

Қарийб юз йил мабойнида бир хил тарихий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида яшаб, олам аҳли, жумладан сиёсатдонлар ҳам қарийб бир хил фикрлашга ўрганиб қолишган эди. Фарбу Шарқ ўртасидаги даҳанаки жанглар, икки қарама-қарши сиёсий тизим ва минтақалараро зўравонлик жазавалари авж олган йилларда дунё тақдири ҳам, Ер шари истиқболи ҳам, оламу одамлар ташвиши ҳам баъзан унутилгандай эди. Улар нуқул қандайдир сиёсий нуфузлар, оламга эгалик қилиш даъволари, маънавий устиворлик дарду-ўйлари билан яшашарди. Ҳаёт эса одамлар турмуши, уларнинг кечинмалари ҳамма вақт, ҳамма нарсадан балеанд эканлигини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон раҳбарининг жаҳон сиёсатига таъсири, унинг ўзига хос новаторлик кучи шундаки, қуруқликнинг қарийб иккидан бирини эгаллаган жуда кенг минтақада — собиқ Итти-

фоқ ва Осиё мамлакатлари раҳбарлари ўртасида гоят ўқтамлик ва удадуронлик билан эскича қарашлар қобилигини синдириб ташлади. Оламга, ҳаётга, дунёнинг мураккаб ва чигал жараёнларига ниҳоятда тийрак нигоҳ билан қаради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995 йил 15—16 сентябрда Тошкентда ўтказилган семинар-кенгашида қилган нутқи ана шу қарашлар ва янгича тафаккурнинг маҳсули бўлди. 1997 йил сентябрда эса «Марказий Осиё — ядросиз зона» номли халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон раҳбари ҳар қандай можаролар олдини олишнинг ягона йўли — донишмандлик, ақл-идрок, масалаларга тийраклик билан қараш, чуқур мушоҳадакорлик, турли қарама-қарши гуруҳлар ва доираларнинг бир стол атрофида тўпланиб, ҳамжиҳатликда фикрлашиб олиш ҳамда энг тўғри, энг оқилона ва адолатли мулоҳазаларга мард бўлиб ён бериш зарурлигини уқтирди. Бу жаҳон тараққиётида муҳим босқич бўладиган ва юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг сифат ўзгаришига олиб келадиган воқеликдир. Чунки, узоқ йиллар мобайнида шаклланган давлатлараро худбинлик кайфиятлари, зўравонлик ва тазйиққа асосланган ҳукмронлик, дўқ-пўписа йўли билан айрим мамлакатлар равнақиға тўсқинлик қилиш руҳияти ҳамон мавжуд. Тамойилга айланган бундай нуқсонларга барҳам бериш, музокараларда фақат умумжаҳон манфаатларига таяниш фазилатларини кучайтирмай бир нарсага эришиб бўлмайди. Ана шундай хулосалардан келиб чиқиб Президент И. Каримов кўйидаги тамойилларни ўртага ташлайди:

- низоларни бартараф қилишнинг босқичма-босқичлиги;
- барча манфаатдор томонларнинг музокара жараёнида иштирок этиши;
- томонларнинг бир-бирига ён бериш ва муроса йўли билан бир-бири томон яқинлашуви;
- бу жараёнда БМТ, ЕХХТ, ИҚТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаол иштирок этиши ва ҳомийлик қилиш;
- ҳар бир мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақланиши;
- қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтказиш ва аралашувга йўл қўймаслиги;
- маҳаллий можаролар зоналарига қурол етказиб беришни қатъиян таъқиқлаб қўйиш.

Кўрииб турибдики, Ўзбекистон раҳбарининг жаҳон ҳамжамияти диққатига ҳавола этаётган бу тамойиллари хавфсиз дунёга интилишнинг энг тўғри йўлидир. Айни пайтда, дунё тақдирига бефарқ қарайдиган, инсоният ташвишидан қалби жароҳатланмаган инсонни топиш қийин. Зотан, ернинг у бурчидан отилган ўқ сайёрамизнинг бу бурчагида яшаётган одам ҳаёти учун хавфсиз эканлигига ҳеч ким қафолат бермайди. Чунки, бу икки шахс ўртасидаги келишмовчилик сингари оддий ҳодиса эмас, балки давлатлараро, минтақалараро зўравонлик бўлиб, Ер юзининг хоҳлаган нуқтасига хавф солиши, мамла-

катларнинг сиёсий, ҳуқуқий дахлсизлигини, суверенитети ва тўла мустақиллигини инкор этишдан тортиб, инсон ҳуқуқларини поймол этиши, унинг яшаш ҳуқуқидан маҳрум этиши ҳеч гап эмас. Айниқса бу таёқ ва тош билан қилинадиган урушлар даврида эмас, қитъалараро тезучар оммавий қиргин куруллари, инсон зурриёти ва жамики тирикликка хавф-хатар солувчи биологик яроғлар асрида яшаётганимиз назарда тутилса, унинг мазмун-моҳияти яна ҳам чуқурроқ англанади, ёрқинроқ кўзга ташланади.

Ўзбекистон раҳбари тасавуридаги хавфсиз дунё умуман хавф-хатар ҳоли бўлган, ҳеч қандай шубҳа ва қўрқувга асос қолмаган тарзда яшаш каби энг олий қадриятдир. Шунинг учун ҳам у хавфсизлик деганда ёки миллий хавфсизлик тушунчасини белгилаётганда фақатгина ҳарбий соҳа билан чегараланмай, унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳарбий бўлмаган бошқа жиҳатларини ҳам англашга даъват этади. Бу сиёсий-иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини тўла-тўқис таъминлашдан тортиб, наркобизнес ва терроризм, минтақавий ва умумжаҳон ҳамкорликларнинг турли соҳаларигача бўлган ранг-баранг оламнинг ранг-баранг муаммоларига кенгроқ қарашни талаб этади. Буларнинг барчаси халқаро ташкилотлар, айниқса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги сингари нуфузли ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш зарурат эканлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон раҳбарининг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга бўлгани каби халқаро сиёсат ва миллий хавфсизлик масаласига ҳам ўзига хос ёндошуви бор. Жумладан у:

Биринчидан, давлат сиёсатини ҳар бир оила, ҳар бир шахс тинчлигидан тортиб бутун мамлакат, минтақалараро ва қитъалараро муносабатларни ғоят инсонпарварлик ва бутун Ер шари тинчлигигача барча-барчасини яхлит, бир бутун ҳолда ҳис қилади. Энг инсонпарвар сиёсатни энг тинчликсевар сиёсат билан уйғун ҳолда тушунади ва ана шу муштарак тушунчаларнинг тантанаси учун курашади.

Иккинчидан, жаҳон сиёсатининг энг илгор тажрибаларини ўз вақтида ўрганади, ихтимойий-сиёсий жараёнлар боришини тўғри кузатади, тўғри тушунади, тўғри баҳолайди. Уларни таҳлил этишда адашмайди. Шунинг учун дунё сиёсатчилари уни эътибор билан тинглашади, ҳар бир таклифнинг янгилигига ва ўзига хослигига қизиқиш билан қарашади ҳамда юксак баҳолашади.

Учинчидан, вақт ўтгани сари одамлар руҳияти янгилана боради. Бундай маънавий-руҳий ўзгаришлар бевосита жаҳон сиёсатини ҳам янгича мазмун билан бойитади. Бу табиий ҳодиса. Ана шу ҳолатларни ўз вақтида англаб, замонавий мулоҳаза юритиш асосида давлат бошқаруви ва жаҳон сиёсати йўналишла-

рини ислоҳ қила бориш, уларни янги ўзанга буриш, янгича шакл ва мазмун билан бойитиш фазилати сиёсатчи учун ноёб истисноддир. Президент Ислом Каримов эса ўзининг ана шу хислатлари билан жаҳон сиёсатдонлари орасида юксак мавқега эга бўлмоқда.

Дарҳақиқат, XXI аср ҳар бир давлат раҳбаридан фақат ўз мамлакати ва халқи доирасидагина эмас балки тор «махаллий» доиралардан кенг дунёвий майдонга чиқишни, мамлакатнинг кундалик ташвишларига ўралашиб қолмаслик олам минбарларидан туриб дунё кенгликларига назар ташлашни ва шу асосда дунёвий муаммолар ҳамда халқаро масалаларни ҳал этишнинг умуминсоний ва Ер куррасининг истиқболига дахлдор бўлган кенг миқёсли фикрлаш тарзини тақозо этади. Буларнинг бари янги дунёнинг ва янги юз йилликнинг жаҳон сиёсатиغا олиб кираётган гоят инсонпарвар, ҳаётий ва эзгуликка таянган, дунё сиёсатининг янги маданият даражасини белгилайдиган омиллардан бири.

Президент Ислом Каримов дунёвий жараёнларни доимий равишда кузатади. Олис истиқболга катта умид ва ишонч билан қарайди. Айни пайтда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини, уларнинг келиб чиқиш манбаларини анча олдиндан кузатади ва уларнинг натижаларини, салбий ё ижобий ҳулосаларини кўплардан олдинроқ илғайди, олдинроқ қарорга келади. Буларнинг бари унинг кенг қамровли тафаккур эгаси эканлигини, воқеаларга донишмандлик билан ёндашишини яққолроқ кўрсатади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон раҳбари И. Каримовнинг 1996 йил 2—3 декабрь кунлари Лиссабонда ЕХХТга аъзо давлатлар бошлиқлари учрашувида кўтарган долзарб масалалари жаҳонда янги хавфсизлик моделини яратишга кўшилган муносиб ҳисса бўлди.

И. Каримов ушбу учрашувда фақат Европадагина эмас, балки бутун дунёда вазият ва кучлар нисбатининг тез ўзгараётгани янги мустақил давлатларнинг майдонга чиқаётгани, ҳозирги даврда халқлар ва давлатлар барқарорлигини таъминлаш XXI аср бўсағасида хавфсизликнинг янги моделини ишлаб чиқиш учун янги ёндошувларни излашни қатъиян тақозо қилаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Хавфсизлик масаласида Ўзбекистоннинг муносабатини билдириб И. Каримов «Ўзбекистон ЕХХТнинг асосий томойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тўла қўллаб-қувватлайди.

Хавфсизликнинг, шу жумладан Европа Хавфсизлигининг чегараси йўқ. Шунга асосланадиган бўлсак, бизнинг назаримизда ЕХХТнинг ўрни ва аҳамияти агар жоиз бўлса масъулияти, Европа доираси билан чегараланиб қолмаслиги керак, балки, унинг ташқарисидан келаётган мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиши лозим.

Бу Марказий Осиё минтақасининг жугрофий стратегик

ҳолларини, унинг салоҳиятини улкан хом-ашё ва инсоний ресурсларини, шунингдек тез ривожланидиган бу минтақада солидир бўлаётган хавфсизлик учун хавф-хатарни ҳисобга олган ҳолда ЕХХТ бу ерда ўз фаолиятини янада кучайтириш тарафдоримиз», — деган эди.

1995 йил 1 майда Президент Ислом Каримов «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик кенгаши тўғрисида» Фармон қабул қилди. Ушбу Фармонга кўра, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг қарорларига мувофиқ миллий хавфсизлик масалалари бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш лозим, деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда миллий хавфсизлик кенгаши, хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича маслаҳат органи ташкил этилди.

Шубҳасиз, юқоридагилар Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни сақлаб туришнинг ишончли омили бўлиб хизмат қилди.

Айниқса, Ўзбекистонда бугунги кунда миллий хавфсизликни, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашни мамлакатда Президент И. Каримов томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг натижаси деб билмоқ керак.

Яқинда европаликлар Берлин девори қулаганининг ўн йиллигини байрам қилишди. Аслини олганда бу бир миллатни иккига ажратиб юборишдек нобакор сиёсатни, икки бир-бирига зид мафкура курашни барбод этган катта тарихий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган улуг сана. Бироқ, унинг асл мазмунини, бутун моҳиятини очиб берадиган ҳодиса бутунлай бошқа. Бу бевоқифа жаҳон социалистик системасининг барбод бўлиши, хусусан тоталитар тузумга асосланган СССР деб аталмиш давлатнинг таназзулга учраши билан белгиланади. Бу тарих ҳақиқати.

Бироқ, яна бир ҳақиқатни тан олмоғимиз керак. Айни ана шу дунё социалистик тизимининг барбод бўлиши ва СССРнинг тарқалиб кетишига, ўн бешта мустақил мамлакатнинг пайдо бўлишига айни Ўзбекистон ҳам сабабчи бўлганлиги, у биринчилардан бўлиб Иттифоқ таркибидан чиқиб кетганлиги тарих гувоҳ бўлган ойдин ҳақиқатдир.

СССР номи билан боғлиқ бўлган «совуқ уруш» сиёсати барбод бўлган, инсоният ҳаётига таҳдид соладиган, уни таназзулга олиб борадиган, оламшумул тараққиёт йўлини бўғадиган янги омиллар вужудга келиши мумкинлигини, бу табиий эканлигини, инсон тафаккури ва унинг феъл-атворидан келиб чиқадиغان мантиқий ҳодисалигини биринчи бўлиб Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов айтган эди ва уни дунё минбаридан туриб ўртага ташлаган эди. Ўша пайтларда кимлардир бу ғояларга ишонмади, кимлардир шунчаки йўл-йўлакай айтилган гап си-

фатида қабул қилди. Бироқ, ҳаёт ҳақиқати аччиқ ваа шафқатсиз, вақт бераҳм ҳакам. У бор ҳақиқатни кўрсатди-қўйди!

Давлатимиз раҳбарининг БМТ, ЕХХТ ва бошқа бир неча ўнлаб ташкилотлар минбарларидан туриб, шунингдек, давлат ташрифлари чоғидаги учрашувлар ва суҳбатларда минтақавий можаролар, халқаро терроризм хавфи хусусида билдирган бутунлай янги гоёлари кейинроқ, яъни 1997 йили яхлит стратегик концепция — «**Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт кафолатлари ва барқарорлик шартлари**» номли асар сифатида дунёга келди. Халқаро жамоатчилик эътирофини қозонган ушбу китоб **жаҳон сиёсатида фавқулодда янгилик сифатида қабул қилинди ва дунёнинг бир неча ўнлаб мамлакатларида таржима қилиниб, нашр этилди.**

Президент Ислам Каримов ўз асаарида Ер юзидан «совуқ уруш» васвасаси йўқолди, бироқ энди мамлакатлараро, минтақавий низолар, маълум бир ҳудудлар ўртасидаги келишмовчиликлар бутун дунё тақдирини белгилайдиган улкан хавфга айланиши мумкин деган ташвишни билдирган эди. Афғонистон воқеалари ва Тожикистондаги хунрезликлар мисолида гапириб, бундай салбий ҳодисалар Ер шарининг турли минтақасида турли шаклларда ва турли мақсадларда юз бериши мумкинлигини, булар қандай шаклда ва мақсадлар йўлида вужудга келмасин инсон ва инсоният, одам ва олам тақдирига тажовуз эканлигини, у билан мутлақо муроса қилиб бўлмаслигини кўрсатиб ўтган эди. Жумладан, у «**Уруш жамият ва давлатнинг ҳолатига фалокатли таъсир кўрсатади. Бу — урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтисодий вайронагарчиликдагина эмас, балки миллатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи бошқа соҳаларда ҳам намоён бўлади. Қандай бўлмасин, ватандошлар ўртасида нифоқни авж олдириш, ўз уйларида ташлаб кетишга мажбур бўлган қочоқлар оқими, жамиятда жиноятчи унсурларнинг кўпайиши, урушни пул топишнинг ягона манбаига айлантириш, миллатнинг генофондига путур етказиш, ёш авлодни ҳатто бошлангич таълим олиш имкониятидан ҳам маҳрум қилиш шу халқнинг келажакни таъминлай олади дейишга кимнинг ҳам қурбон етади ёки виждони йўл қўяди**», деган муаммони ўртага ташлади.

Ҳақиқат ана шундай аччиқ бўлади. Бугун йигирма йилдан буён уруш олови сўнмаган ҳудудда бу ажал комининг бурқсиб ётган тугунлари инсон кўзларини ачиштираётган, қалбини ўртаб, руҳини озурда қилаётган, вужудини минг бир азобларга солаётган, ҳам жисмоний, ҳам маънавий мажруҳ этаётган, натижада бутун миллат тақдирини таназзулга олиб бораётган ҳолатларни қандай баҳолаш мумкин? Унинг инсониятга келтираётган заҳар заққумио зарарини ўлчаб бўладими?

Дарҳақиқат, Афғонистонда уруш бошланган кунлари туғилган чақалоқ бугун йигирма яшар навқирон йигит ва дурқунгина қиз бўлиб вояга етишди. Унинг кўргани ўлик, қон, жароҳат ва ёвузлик бўлди. Жажжи қўллари ўлик ушлаб, тетапоя

оёқлари билч-билч қон босиб ўсди. Мактаб кўрмади, маърифат нима билмади, китоб ўқимади, қалам ушламади! Ушлагани ўқдори, қурол-яроқ, ўйлагани ёвузлик бўлди! Ҳаётда бундан ортиқ жаҳолат борми? Жаҳолатнинг мезонлари, ўлчовлари, миқёслари, чегаралари борми? Ким уни кўрсата ва белгилай олади? Агар бутун миллат фарзандлари йиллар мобайнида шу алпозда тугилсаю шу алпозда тарбияланса миллат тақдири, унинг истиқболи қандай бўлади? Ким бунга жавоб бера олади? Тарих олдида, миллат олдида, ўтмиш аждоқлари ва келгуси авлод олдида, умуман келажак олдида ким ўзини кўрсата билади ва қандай жавоб бера олади. Президент Ислом Каримовнинг юқоридаги гапларида худди ана шундай аччиқ ҳақиқат ётади.

Ана шу хулосалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон раҳбари бундан бир неча йил олдин «бу ўринда ҳаммага яхши маълум бўлган бир ҳақиқат — кескин муаммолар, шу жумладан, теварак атрофимиздаги мавжуд муаммолар ҳам инкор этилмаслиги лозим. Акс ҳолда бу можаролар тангликка олиб келиши, бошқариб бўлмайдиган танглик эса ривожланиш йўлида учраган барча нарсаларни вайрон қиладиган, давлат чегараларини ва ўзга сиёсий, иқтисодий, этник ва бошқа воқеликларни тан олмайдиган фалокатга айланиб кетиши мумкинлигини ёдга олиш ўринли бўлади», деган эди.

Президент Ислом Каримов гоёларининг ҳаётийлиги шундаки, айна ана шу можаролар ички зиддиятлар туфайли вужудга келган келишмовчиликлар, ўзаро низолар заминиде ривожланиб, шаклланганини ва улар орқали халқро терроризмнинг урчишига шароит яратилишини бугунги воқеалар мисолида ўз кўзимиз билан яққол кўриб турибмиз. Президент худди ана шу ҳолатдан ташвишга тушади, одамларни, сиёсатдонларни, давлат арбобларини огоҳликка даъват этади.

Дарҳақиқат, ёвузлик ва қонхўрликнинг миллати йўқ. У ҳар қандай суверенитет, мустақиллик, давлат чегаралари, худудий яхлитлик деган энг олий қадриятларни инкор қилади. Ўзининг яшаш учун қулай имконият қидиради. Натижада бир мамлакат худудида юзага келган ўзаро низолар ташқаридан туриб унга ҳомийлик қиладиган кучлар таъсирида тез ривожланиб, нисбатан бўшроқ деворни қулатиб, кейинги худудга бостириб киради. Бегуноҳ одамларни қақшатади. Ана шу ҳаётий мантиқдан келиб чиқиб Президент Ислом Каримов «Исониёт цивилизациясининг ривожланиш тарихи, айниқса ҳар жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлиб қолган ҳозирги дунё шароитида шундан аниқ далолат бериб турибдики, алоҳида олинган бир давлатдаги ҳар қандай можаро узок вақт давомида миллий чегаралар доирасида қолиб кета олмайди. Бир қанча сабабларга кўра бундай можаро назорат қилиб бўлмайдиган даражада ёйлиб кетиши муқаррар», — деган эди.

Президент Ислом Каримов бутунлай янги тарихий шароитда фаолият юритаётган янги типдаги сиёсий арбоб сифатида узок

йиллар мобайнида шакланган ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсирида қолган сафдошлари ва замондошларини бир муддат хушёрликка тортди. Уларни янгича тафаккур билан яшашга, бугунги жараёнларнинг истиқболдаги маҳсулини тушунишга, шунингдек, улар олиб келадиган машъумликларни ҳам англашга даъват этди.

Жумладан, унинг айти халқаро терроризмнинг вужудга келиши, шаклланиш жараёнлари ва оқибатлари хусусида чуқур илмий ва назарий хулосалари, сиёсий жиҳатдан ўзига хос ёндошиш усули бор. Бу — донолик ва зукколикнинг, кўп йиллик ҳаётний ва амалий фаолиятнинг, мавжуд вазиятни тўғри ва тегин таҳлил қила олиш салоҳиятининг уйғунлигидан келиб чиққан қарашлардир.

Айни пайтда И. Каримов ғоялари нафақат мустақил, балки янги даврнинг янги маҳсули, мантиқий тафаккур тарзининг ёрқин тимсоли сифатида вужудга келди. Жумладан, буни терроризм ва ислом, исломнинг сиёсийлашуви, ислом ниқобидаги найранглар хусусидаги хулосаларида яққол кўрамиз:

«Сўнги йилларда воқеалар фожеали тус олганлигининг яна бир сабаби шундаки, афғон можароларига маълум этник низолардан ташқари яна диний тус ҳам берилди. Исломнинг кескин сиёсийлашуви жараёни содир бўлмоқда. У ўта радикал тус олди — ҳокимият теппасига чиқишга даъвогарлик қилиш ва барча диндошларни мададга чақирган ҳолда бунга қуроли йўл билан эришишга очиқдан-очиқ уриниш юз бермоқда. Динимизнинг инсонпарварлик ғоялари ва асосларига ҳеч бир алоқаси бўлмаган ана шу жараён тоғли Бадахшондан тортиб то Каспийгача бўлган жуда катта ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятга бевосита ёки билвосита салбий таъсир кўрсатди. Минтақадаги давлатларда афғон сценарийсини ўз халқларига зўрлаб қабул қилдиришга тайёр турган экстремистик кайфиятдаги унсурлар топилиб қолди. Афғонистон воқеалари эса **фожеали оқибатларга олиб келганлигига ҳали биз ҳам баҳо берамиз, келгуси авлодларимиз ҳам баҳо беради**». Тўғриси бугун соф виждонли тинчликсевар халқлар афғон воқеаларини, хусусан уни ўз ҳудудларига — киндик қони тўкилган муборак Ватанларига мажбуран, зўравонлик билан «экспорт» қилаётганларни кескин қораламоқдалар. Келгуси авлоднинг баҳоси эса бугунгидан ҳам баттароқ, бугунгидан ҳам аччиқроқ ва ҳатто аянчлироқ бўлади. Бундай баҳони тарих саҳифасидан ўчириб ҳам, ўзгартириб ҳам бўлмайди!

Президент Ислом Каримов минтақавий можаролар хусусида ва терроризмнинг ривожланишига имкон берадиган омиллар ҳақида гапирар экан, яна бир муҳим ҳолатга алоҳида тўхталади ва уни эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган ниҳоятда катта потенциал хавф-хатар, деб атайди. Можароларнинг, келишмовчиликларнинг ва зиддиятларнинг келиб чиқиш омили сифатида чегаралар орқали бўлиб юборилган халқлар тақдирига таҳдид солиш, уларнинг ўзаро муносабатларига путур етказиш,

азалдан қондош-жондош, бир миллат вакили бўлиб келган, қариндош-уруғ бўлиб кетган аҳолини чегаралар туфайли бир-бирига қарши қўйиш ҳоллари ҳам мавжудлигини уқтириб ўтади. Ана шундай ҳолатни назарда тутиб, Президент Ислом Каримов «Афғонистон билан чегаранинг икки томонидаги тожиклар ёки ўзбекларни, ё бўлмаса пуштун қабидаларини бирлаштириш фойдасига сунъий далиллар тўпланмоқда. Мавжуд чегараларни этник асосида ўзгартириш йўлидаги ҳар қандай уриниш қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур қилишнинг ўзи даҳшатли, минтақамиздаги чегараларни ўзгартириш бутун жаҳон ҳам-жамияти учун даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто Босния ва Герцеговинадаги можаролар бу мудҳиш воқеалар олдида «ҳолва» бўлиб қолиши ҳеч гап эмас», дейди.

Дарҳақиқат, бутун Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Афғонистон ҳудудида яшаётган ўзбеклар ва айни Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 га яқин миллат ва элатдан иборат бўлган аҳоли таркибидаги қозоқлар, туркманлар, қирғизлар, тожиклар ўртасида низо келтириб чиқариш, уларни бир-бирига қарши қўйиш бутун минтақани жарга қулатишдан иборат бўлган мудҳиш ҳодисадир. Айни маълум бир мамлакат, маълум бир минтақа халқлари ўртасидаги низо-лар ҳаммаша фақат унинггина фожеаси бўлиб қолмаслиги, у айни пайтда бутун инсоният фожеаси, Ер шари тақдири билан боғлиқ бўлган ҳалокат эканлигини англашга даъват этади. Исталган бир мамлакатда ённки ҳудудда қуроли тўқнашувлар, қон тўкишлар юз берса, авж олса нақадар мудҳиш оқибатларга олиб келишини Президент Ислом Каримов шундай ифодалайди: «қуроли мажоро кескинлашган тақдирда чегараларини тан олмасдан, қўшни давлатлар ҳудудига ёпирилиб киришга тайёр турган қочоқлар муаммоси вужудга келади. Одатда, бу оқимда чегара орқали нон ва бошпана топишнигина эмас, балки одамларнинг қалбига янги гўлгула солишни истайдиганлар ҳам кириб келади».

Бу муаммонинг икки жуда муҳим томони бор. **Биринчидан**, Президент И. Каримов таъкидлаганидек, ўзаро низо-лар, можаролар, тўқнашувлар ва қуроли қирғинлардан азоб чеккан ва натижада ўз уйини, бошпанасини, қадрдон гўшасини ташлаб кетишга мажбур бўлган жабрдийда қочоқлар билан бирга бад-ният, одамларни жумбушга келтирадиган, ўз хатти-ҳаракати, гап-сўзлари, ғайрининсоний мафкураси билан муқим ва тинч яшаётган аҳолини саросимага соладиган, уларга таҳдид қиладиган одамлар ҳам чегарадан ўтиб, кириб келадилар. Бу тинч ва барқарор ҳаёт кечираётган бошқа бир мамлакатда ҳаёт измини ўзгартириш таҳдикани кучайтириш ва шу йўл билан тараққийга гўв бўлишга олиб келади.

Иккинчидан қутилмаганда мамлакат ҳудудига кириб келган оч ва юпун одамлар тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Натижада тинч аҳолининг моддий, маънавий ва ижтимоий ҳаётига

зарар келтирадиган омиллар вужудга келади. Бу энг аввало иқтисод билан, моддий неъматлар билан боғлиқ бўлган, қочоқларни қундалик озиқ-овқат билан таъминлаш, яшаш шароитини яратиш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг санитария ҳолатини назорат қилиш ва тиббий хизмат кўрсатиш муаммоларини келтириб чиқарди. Бундай ҳолат айни эндигина тараққиёт йўлига чиқиб олаётган мамлакатларда мавжуд табиий қийинчиликлар устига жуда катта қутилмаган қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Афғонистон ва Тожикистондаги можароларнинг бундай узоққа чўзилиб кетаётганини, муаммоларнинг чигаллашиб, тобора жиддий тус олиб бораётганини айни ана шу мамлакатлар аҳолиси унчалик ҳам баҳолай олмаётганга ўхшайди. Бунинг устига айни ана шу мамлакатлардаги мавжуд вазият орқали нафақат уларда, умуман Ер юзида, бошқа минтақаларда ҳам янгидан-янги муаммолар вужудга келяпти, жинорий унсурлар кўпайяпти. Жумладан, наркотик моддалар билан шуғулланиш, халқаро терроризм ва қурол-яроғ контрабандаси жиддий тарзда авж олмоқда. Бу нафақат айни ана шу икки мамлакатнинг, балки бутун дунё халқларининг ҳаётига таҳдиддир. Зотан, Президент И. Каримов ибораси билан айтганда, дунёдаги мавжуд наркотик моддаларнинг 75 фоизи фақат Афғонистонда етиштириляётганлиги, унинг 90 фоизи Европага тарқатиляётганлигининг ўзи аянчли эмасми? Шарқу Фарб муносабатларини, Мағрибу Машриқ ўртасидаги жуда катта маданий, маънавий, иқтисодий, сиёсий алоқаларни кучайтириш ўрнига инсоният зотига қирон келтирувчи заҳри қотилни умумжаҳон бозорининг ноёб маҳсулотига айлантириш ва шу йўл билан жаҳон халқларини таназулга келтиришдан даҳшатлироқ нарса йўқ.

Ўзбекистон раҳбари бу муаммони умумжаҳон тақдирига дахлдор масала сифатида кўтаради.

6+2 гуруҳининг учрашуви

1999 йил 19—20 июль кунлари Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди. Бу гуруҳга Афғонистон билан чегарадош олти давлат — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Ўзбекистон, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари ва Россия киради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигида ташкил этилган мазкур анжуманни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Қомилов очди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Афғонистондаги бугунги вазият айни вақтда нафақат мазкур мамлакатнинг, балки унга қўшни давлатларнинг, қолаверса бутун халқаро жамоатчиликнинг муаммосига айланган. Негаки, бугун бу тупроқда давом этаётган уруш балоси билан бирга,

наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва фанатизм, террорчилик хавфи минтақадаги барча давлатларга, бинобарин ялпи хавфсизликка жиддий таҳдид соляпти. «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви мазкур можарони тинч йўл билан ҳал этиш чораларини топишга хизмат қилади.

Учрашувда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Л. Брахими БМТ Ўзбекистоннинг ушбу можарони ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолашини таъкидлади. У БМТ Бош котиби Кофи Аннанин «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувини қўллаб-қувватлаб Президент Ислом Каримов номига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди.

Таъкидлаш керакки, «6+2» гуруҳининг ташкил топиши, унинг учрашувларини мунтазам ташкил этиш ўз-ўзидан бўлаётган иш эмас. У ниҳоятда машаққатли ва оғир меҳнат маҳсулидир. Хусусан, бу жараёнда Ўзбекистон ҳукуматининг салмоқли ҳиссаси бор. Негаки, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши мамлакатимиз, қолаверса, бутун минтақа хавфсизлигини таъминлаш учун шароит яратади. Хавфсизлик ва барқарорлик эса тараққиётнинг энг муҳим шартидир.

Шу боисдан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Афғонистон муаммосига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, бу масаланиннг нечоғлик жиддий эканини алоҳида таъкидлаган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йилда бўлиб ўтган 50-сессиясида эса давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосини бартараф этиш борасида қатор амалий таклифларни илгари сурди. Хусусан, бу давлатга қурол-яроғ киритишни қатъий таъқиқлаш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Шунингдек, Ислом Каримов бошқа кўплаб халқаро анжуманларда, турли давлатлар раҳбарлари билан музокараларда минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун энг аввало, Афғонистон можаросини тинч йўл билан бартараф этиш зарурлигини такрорлашдан чарчамайди.

Зеро, Афғонистондаги уруш нафақат бизга ёинки минтақамизга, балки халқаро хавфсизликка, ҳатто инсоният келажигига жиддий хавф тугдираётгани сир эмас. Яъни, бугун мазкур муаммо фақатгина қуроли ҳаракатлар билангина боғлиқ эмас, балки бу тупроқда улкан миқдорда наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси авж олаётгани, террорчилик ва диний экстремизм унсурлари урчиб бораётгани ҳам жаҳон аҳлини ҳақли равишда ташвишга солаётгани табиий.

1997 йили Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Афғонистонга чегарадош олти мамлакат ва АҚШ ҳамда Россия иштирокида мулоқот гуруҳи ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Орадан кўп ўтмай, бу ташаббус ҳаётда ўз инъикосини топди. «6+2» гуруҳи ташкил этилди. Унинг биринчи учрашуви 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган эди.

Тошкент анжуманида иштирокчилар Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш чора-тадбирлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Афғонистоннинг ички муаммоларини бартараф этишда ташқи кучларнинг аралашувиغا чек қўйиш, ўзаро нифоқдаги томонлар ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш зарурлиги таъкидланди.

Анжуман ниҳоясига «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент Декларацияси имзоланди.

Учрашув якунида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда Л. Браҳими «6+2» гуруҳи учрашувининг бевосита Афғонистон жойлашган минтақа — Ўзбекистонда ўтаётгани муҳим аҳамият касб этаганини таъкидлади. Яна бир эътиборга молик томони шундаки, Тошкент учрашувида Афғонистондаги икки асосий гуруҳ «Толибон» ҳаракати ҳамда Афғонистон Бирлашган fronti вакиллари илк бор бир стол атрофига йиғилди. Шунингдек, қабул қилинган Тошкент Декларацияси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги залворли қалам бўлганини қайд этди. БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили мазкур Декларация узоқ вақт мобайнида ишлаб чиқилган ва ўзида Афғонистон заминида тинчлик ўрнатишнинг асосий тамойилларини жамлаш билан бирга, эндиликда «6+2» гуруҳи аъзоларининг нуқтаи назари ва қарашларини умумлаштирадиган муҳим ҳужжат сифатида ҳам амал қилишини айтди.

Дарҳақиқат, Тошкент Декларациясининг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. У «6+2» гуруҳига аъзо давлатлар ҳамда Афғонистонда низолашаётган томонлар учун тинчликка элтувчи харита вазифасини бажаришга қаратилган. Матбуот анжуманида таъкидландики, Декларация сўнгги манзил эмас. У «Толибон» билан Бирлашган фронт ўртасида, шунингдек, улар билан «6+2» гуруҳи аъзолари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилишига асос бўлади. Афғонистонда низолашаётган гуруҳлар вакиллари бундай музокараларга тайёргарлик билдирди. Демак, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни изчил давом этади, дея умид қилиш мумкин.

Терроризм — инсоният ҳаётига таҳдид

1999 йилнинг 16 февраль куни Тошкент шаҳрининг бир неча жойида кучли портлашлар юз берди. Натижада бегуноҳ кишилар ҳалок бўлдилар. Юзлаб одамлар турли даражадаги оғир тан жароҳатларига учради. Бир қанча маъмурий ва турар-жой бинолари жиддий зарар кўрди. Террорчилар бу хатти-ҳаракатлари билан бутун мамлакат аҳолисининг қаҳру ғазабини уйғотди.

Терроризм ҳаракатлари инсоният тарихида янгилик эмас. Кўпуровчилик ҳоллари турли даврларда, турли минтақаларда

хилма-хил шаклда содир бўлиб келган мудҳиш ҳодиса. У ҳамма вақт инсоният ҳаётига таҳлика ва таҳдид солиб, турли ғаразли мақсадларнинг, ғоялар ва хоҳиш-иродаларнинг тимсоли сифатида яшайди.

Терроризм — инсоният душмани, тараққиёт ва юксалиш кушандаси.

Терроризм маълум бир гуруҳнинг шахсий манфаатлари, ўз орзу-умидлари ва ғайрининсоний хатти-ҳаракатларининг мажмуасидир. Айни пайтда у ана шу мақсадларнинг амалга ошиши учун ҳар қандай хунрезликлардан, қотилликлар ва зулмдан қайтмайди.

Терроризм хатти-ҳаракатларининг мазмуни ва моҳияти бевосита зўравонлик, инсон ҳаётига таҳдид ва унинг ҳуқуқларини поймол этиш билан боғлиқ бўлган, бутун мамлакатни хонавайрон қилишга олиб келадиган, халқ, миллат ва мамлакат тақдирини бутунлай бошқа ўзанга буриб юбориб ўз мақсади ва ғояларининг рўёби учун ҳеч нарсадан тап тортмасликдир. Айни пайтда у ҳар қандай фикрлаш, ақл-идрок доирасида иш юритишдан холи бўлган шафқатсизлик, ашаддий хунхўрлик, жазава ва тазйиқ билан ёвуз ниятини амалга оширадиган бир тўда оломон фаолиятидир.

Терроризм турли мамлакатларда турли шаклларда ва ҳар хил мақсадлар асосида дунёга келади, урчийди, кўпаяди ва яшайди. Маълум бир мамлакат халқларининг дунёқараши, маънавий-руҳий қиёфаси, аниқроғи эҳтиёжлари, турмуш тарзи бевосита ана шундай жараёнларнинг шаклини, қиёфасини, моҳиятини ва ривожланиш жараёнларини, бошқача қилиб айтганда эволюциясини белгилайди.

Ўзбекистонда юз берган террорчилик ҳаракати айни халқимиз турмуши, анъаналари, урф-одатлари ва ақидаларини ўзида мужассам этган, унинг энг нозик ҳис-туйғуларини ҳисобга олган ҳолда юзага келди. Дарҳақиқат, халқни кўзғатиш ва уларга ўз таъсирларини ўтказиш учун худди ана шу нозик ва таъсирчан омиллардан — Ислом омилдан устомонлик билан фойдаландилар.

Зотан, Ислом дини ўзбек халқи маънавий, маърифий ва руҳий оламига катта таъсир ўтказган, халқимиз турмуш тарзидан жуда чуқур ўрин олган катта ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам Ислом дини юксак маданият ва ахлоқий мезонларни ўзида мужассам этган қудратли мафкура, илоҳий таълимот сифатида ҳаётимиздан, қалбимиздан, онгимиз ва шууримиздан алоҳида ўрин эгаллаган. Террорчилар миллат ҳиссиёти, туйғулари ва эҳтирослари билан боғлиқ бўлган ана шу омилдан айёрлик билан фойдаландилар.

Ислом ниқоби остида амалга оширилган кўпоровчилик ҳаракатлари бир гуруҳ ақидапарастларнинг қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлаш ва шу йўл билан давлат теппасига чиқиб олиш сингари мақсадлари туфайли юз берди. 1999 йил 16 февраль

куни содир бўлган қонли фожиаларнинг бутун мазмуни ва моҳияти ана шундан иборат.

Февраль воқеалари бугуннинг маҳсули эмас. Февраль воқеалари йиллар мобайнида маддалаб, йиринглаб, охир-оқибатда миллат ва мамлакат жисму жонини азобга соладиган, сўнг эса бутунлай ҳалокатга келтирадиган ашаддий ёвузликдир.

Мустақиллик арафасида, аниқроғи 80-йилларнинг иккинчи ярмида собиқ Иттифоқ ҳудудида, жумладан Ўзбекистонда ҳам вужудга келган демократия ўйинлари натижаси бўлмиш бу иллат йиллар ўтган сари фаолият доирасини, шаклини, таъсир этиш йўларини ўзгартириб турди. Бироқ, мазмун-моҳияти ўша-ўшалигича қолаверди — қон тўкиш, зўравонлик йўли билан ҳокимият тепасига қариб олиш! Ўзларининг қабих ниятларига эришиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, чиркин ва жирканч мақсадлари йўлида миллионлаб бегуноҳ кишилар ёстиғини қуритишдан тоймайдиган, фикрлашдан узоқ бўлган кишилар гуруҳи айни ана шундай йўл тутди.

Ҳаётда ўзининг қатъий позициясига, мустақил фикрига эга бўлмаган, воқеликка ақл-идрок билан эмас, балки ҳиссиёт билан ёндошадиган одамлар ҳавойи даъватларга тез учадилар. Террорчилик ҳаракати ташкилотчилари аҳолининг худди ана шундай иродаси бўш, иймони суст, дунёқарashi чекланган, феъл-атвори шаклланмаган қатлами ичига кириб олишди. Уларнинг заиф жиҳатларидан устомонлик билан фойдаланишди.

Мамлакат Президенти февраль воқеаларига дахлдор бўлган террорчилик гуруҳи таъсирига учган, билиб-билмай кўр-кўрона уларга эргашганларни юрт ва миллат отаси сифатида гуноҳларидан кечиши ҳақида баёнот берганидан кейин содир бўлган воқеалар диққатга сазовор.

Дарҳақиқат, бир неча юзлаб ёшлар ўз ота-оналари билан танлаган йўларининг нотўғри эканлигини англаб етдилар. Кимларнингдир тазъийқи ва таъсири билан гайриисломий ва ғайриинсоний йўлга кириб қолганликларидан пушаймон бўлиб, узр сўрамоқдалар. Ана шу фожиавий ҳолатнинг ўзи диний ақида-парастлик нима эканлигини яққол кўрсатмоқда.

Исломни сохталаштириш оқибатлари

Президент И. Каримов мустақилликнинг илк кунларидаёқ хавфсизлигимизга таҳдид солувчи омиллар хусусида гапирар экан диний экстремизм ва терроризм ҳақида такрор ва такрор гапирди. Халқаро ташкилотлар минбаридан туриб, унинг дунёвий фожеа, тараққиётга тўсқинлик қилувчи кучли омил эканлигини бир неча марта таъкидлади. Бундан уч йил бурун нашр этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобида муаммонинг илмий назарий ечимини баён этди.

Президент Ислом Каримов XX аср муаммолари, одамлар дунёқарашидagi жиддий ўзгаришлар ва унинг оқибатлари хусу-

сида фикр юритар экан, ана шу юз йиллик охирида «Ислом уйғониш», «Қайта исломлашиш», «Ислом феномени», «Ислом омили» сингари бир қатор ибораларнинг пайдо бўлиш сабабларини излайди ва ҳаммамизнинг диққатимизни унинг оқибатларни нималарга олиб келиши мумкинлигига жалб этади.

Юқоридаги тушунчалар ўз-ўзидан дунёга келган эмас ва улар — дунёнинг қатта бир қисмини эгаллаб олган ислом дини, унинг тараққиёти, истиқболи ва жаҳон цивилизациясида тугган ўрни ва ролининг тобора кенгайиб бораётгани натижасида келиб чиққан, дейиш мумкин. Президент бу жараёнлар инсоният тақдири, Ер шари истиқболи ва тараққиёти учун маълум бир таҳдид ва таҳликадан ҳам холи эмаслигига, унга хушёрроқ боқишга, тийрақроқ назар билан қарашга даъват этади. Чунки ҳамма вақт соф исломий назария, унинг фалсафаси ва шарияти, инсониятни қомилликка даъват этувчи буюк таълимоти билан бирга, уни сохталаштирувчилар, ундан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчилар ҳам йўқ эмаслигини, айти ани шу салбий ҳодисалар жамият тараққиётида кутилмаган фожияларни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатмоқда. Ундан ташвишга тушмоқда ва бизни ҳам хушёрликка чақирмоқда. Ана шу ҳаётий ҳақиқат ва жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги ислом омилини ҳисобга олиб Ислом Каримов: «Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчкитаяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустқиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтан назаридан қараганда бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш тугдирмоқда», — дейди.

Президент И. Каримов тасавуридаги диний тараққиёт ҳар қандай фанатизмдан ҳоли, инсон тақдири ва олам бус-бутунлиги билан боғлиқ бўлган, мамлакат ички муаммоларига ҳам, дунёвий масалаларга ҳам илоҳий қувват, беқиёс ақл-идрок ва соғлом фикр билан ёндошишни тақозо этадиган, бунёдкорлик ва яратувчиликка даъват этадиган улкан фалсафадир. Зотан, худди шундай ёндошув, ана шундай дунёқараш, динни шундай англаш ва унга эътиқод қўйиш улуғ бобокалонимиз Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг мағзи бўлган «Дил ба ёру — даст ба қор» деган таълимотига мос тушади. Айти шу ҳақиқат — инсоннинг беқиёс иқтидорини, унинг кенг имкониятларини тобора ривожлантирадиган, такомиллаштирадиган, ўзининг келажagini яратишга чорлайдиган ниҳоятда оддий ва айти пайтда мўъжизавий даъват, илоҳий қудратдир.

Жамият тараққиётини издан чиқариш, унинг ривожланишига тўғаноқ бўлиш аслини олганда унчалик ҳам қийин иш эмас, бунинг учун фанатизм таянчи бўлган хом хаёлларга озгина эрк бериш, ҳис-ҳаяжонларни жунбушга келтиришнинг ўзи

кифоя. Сохта ақидапарастлик ҳаёт ҳақиқатини тан олмасликка, мавжуд ижтимоий-сиёсий жараёнларни юзаки баҳолашга йўл очиб беради. Натижада одамлар фикрлаш, ақл-идрок билан иш тутиш ўрнига ортиқча ҳис-ҳаяжонга бериладилар. Эҳтирослардан жунбушга келиб, турли даъватлару шиорлар билан майдонга чиқадилар. Бунга февраль воқеалари яққол мисол бўла олади ва ҳамма вақт ақидапарастликнинг якуни жаҳолатнинг тантанаси, адолатнинг ҳалокати билан якунланишини исбот этди.

Албатта, террорчилар ўзларининг қабих ниятларига ета олмадилар. Бироқ, бизнинг аччиқ қисматимиз яна бир бор ҳаёт ҳақиқатини исботлади: фанатизм — фикр ва тафаккур кушандаси, жаҳолат ва хиёнат ҳомийси эканлигини кўрсатди.

Президент Ислам Каримов диннинг жамият тараққиётида тутган ўрни ва роли, диний фанатизм ва экстремизмнинг фожиали оқибатлари хусусида фикр юритар экан ўзининг «**Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари**» китобида ақидапарастлик иллатининг Ўзбекистон мустақиллигига таҳдид солувчи етита омилини кўрсатиб беради. Жумладан:

Биринчидан, ақидапарастликни ёйиш орқали мусулмонларнинг давлатнинг ислохотчилик фаолиятига ишончини барбод қилиш, мамлакат ва халқ тақдирини белгилайдиган барқарорликни, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги хатти-ҳаракати кўзга ташланаётганини кўрсатади. Фанатизм ва экстремизм дунёвий давлатчилик тамойилларини тан олмайди. Ҳақиқий демократияни, унинг сиёсий ва маънавий аҳамиятини инкор этади. Кўпмиллатли ва кўпдинли жамиятда маънавий худбинлик орқали ўз мавқеини кўтаришга интилади, бошқа динларни камситиш ва инкор қилиш йўли билан халқ ҳаётини жар ёқасига олиб боради.

Иккинчидан, «**Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибдор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўркўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим**», дейди Президент И. Каримов. Дарҳақиқат, бу ҳайқириқ ва бақирриқлар юзаки қараганда одамларни ўзига жалб этади, кундалик майла камчиликларни дунёвий ташвишга айлантириб, уларнинг қалбида ҳаётга нисбатан норозиликни кучайтиради, руҳиятида парокандалик ва паришонлик, охиروقибатда эса таркидунёчилик кайфиятини уйғотади. Инсоннинг яратувчилик кудрати, меҳнат қилиш ва яшаш иқтидори сусаяди. Хонанишин кайфият қуршовида қолади.

Қолаверса, аллақандай ҳайқириқлар ва шиорлар гирдобига тушиб қолган киши ўзини руҳан эркин ҳис қила олмайди. Шахс эркинлиги, унинг яшаш эрки ва бутун фикрий-маънавий озодлиги кўзга кўринмас тор чегаралар доирасида биқиниб қолади. Натижада ўша қобикдан чиқаолмайди, бу кенг ва рангбаранг оламни диққинафас хонадангина иборат деб биледи,

ўша қобик ичида яшайдиган ва фикрлайдиган бўлиб қолади. Хурфикрлилик, озод яшаш, озод фикрлаш жозибасидан маҳрум бўлади. Натижада ўзи англамаган ҳолда кимларгадир муте бўлиб қолади. Тобелик уни бутунлай ўраб-чирмаб олади. Тараққиёт ана шу йўл билан тўхтатилади. Ҳаракатсиз, тушкун ва мўрт ҳаёт шаклланиб боради.

Учинчидан, ақидапарастлик ҳақиқий диндорлар ва сохта диндорлар ўртасидаги қарама-қаршилиқни кучайтиради. Натижада бир мамлакат аҳолиси ўртасида ғоявий низолар, бир-бири билан келиша олмаслик иллатлари пайдо бўлади. Бу иллатлар озгина ҳис-ҳаяжон билан бойитилса, қонли тўқнашувларга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундай салбий ҳодисаларни ён-атрофимиздаги мусулмон мамлакатларда юз бераётган воқеалар мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Тўртинчидан, Ислом Каримов яқин кўшни мусулмон давлатларда юз бераётган ҳодисалар бизни ҳушёрликка чақирити кераклигини уқтиради. Дарҳақиқат, воқеалар ўз ҳаётимизга, ўз тақдиримизга ва келажагимизга жиддийроқ қарашимизни тақозо этмоқда. Биз ҳар қандай сохта шиорлар, баландпарвоз даъватлардан кўра кўпроқ ақл-идроққа, том маънодаги ислом тафаккурига таяниб иш тутишимиз лозим. Ҳеч бўлмаганда, «Биз инсонни мукаррам қилиб яратдик» деган илоҳий даъватга муносиб ва ярашиқ хатти-ҳаракатимизни кўрсатмоғимиз даркор. Президент тасавуридаги Ўзбекистон истиқболи фақат ақл-идроқ тантанаси, соғлом фикр ва соғлом тафаккур галабасидир. Зотан, фақат ана шу ҳолатдагина инсоннинг Мукаррамлиги, унинг мавжудод сифатида олам Сарвари эканлиги ҳар жиҳатдан эътироф этилади. Барча эҳтиёжлари қондирилади.

Бешинчидан, мамлакатимиз барқарорлигига таҳдид солаётган омиллардан яна бири номусулмон мамлакатлар аҳолисининг фикрлари чалғитиш йўли билан Ўзбекистон ҳақидаги муносабатларини ўзгартириш, деб ҳисоблайди Ислом Каримов. Буни Президент Ўзбекистон ҳукуматининг дунёвий давлат қуриш йўлидаги ислоҳчилик фаолиятини сохталаштиришда, жаҳоннинг энг соғлом фикрли сиёсатдонлари, йирик давлат ва жамоат арбоблари тан олаётган ҳамда жаҳон давлатчилиги тажрибасини бутунлай янги фикрлар билан бойитиб бораётган «Ўзбек модели»ни сохталаштиришга, обрўсизлантиришга интилишларда кўради. Мамлакатимизнинг бугунги ютуқларидан гаши келаётган бундай «сиёсатдонлар» — ивгогарлар Ўзбекистонни баъзан даҳрийлар мамлақати қилиб кўрсатишса, баъзан «давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари», деб таъриф беришмоқда.

Олтинчидан, энг муҳим таҳдид ривожланиш йўлига чиқиб олаётган Ўзбекистон учун икки олам — исломий цивилизация ва исломий бўлмаган цивилизация ўртасидаги зиддиятни кучайтиришдан иборат. Бу зиддият табиий равишда инсон руҳияти ва унинг оламга муносабатидан тортиб, жаҳон тараққиётини

белгилаб турган дунёвий сиёсатнинг икки муҳим кутбидир. Зотан, ана шу ҳар икки кутб умуминсоний қадриятлар, Ер шари тақдирини ва жаҳон цивилизацияси манфатлари нуқтаи назаридан бир-бирига яқинлашса, бир-бирига кўмаклашса, инсоннинг қайси дин ва мазҳабга мансублигидан қатъий назар, унинг «мукаррам»лиги таъминланган, ҳаёти, яшаш ҳуқуқи кафолатланган бўлади.

Бундай ҳодиса Ўзбекистон сингари ёш мустақил мамлакатлар учун ўзининг стратегик мақсадларини белгилаб олишида муҳим босқич ҳисобланади, Дарҳақиқат, бу босқич ўн бешта диний конфессия уюшмалари фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон тараққиёти учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Еттинчидан, хавфсизликка таҳдид Ўзбекистон ҳукуматининг дунёвий тараққиёт, туб ислоҳотлар, жамиятни бутунлай янгилаш ва диний эътиқод ҳамда фундаментализмга бўлган муносабатини сохталаштиришдан иборатдир. Бу дунёнинг турли минтақаларидан туриб тўғридан-тўғри Ўзбекистонга ғоявий хуруж қилиш, унинг дунёдаги кўпдан-кўп шериклари ишончини барбод этиш, шу йўл билан Ўзбекистон миллий тараққиётига тўғаноқ бўлиш орзу-истагида дунёга келган.

Президент Ислом Каримов диннинг жамият тараққиётида тугган ўрни ва роли хусусида батафсил тўхталар экан, у фундаментализм иллатларини ўзига хос тарзда таҳлил этади ва айтиш мумкинки, ҳозиргача ҳеч қайси минбарда айтилмаган, дунё сиёсий оламида тилга олинмаган, бутунлай янги хулосаларни ўртага ташлайди. Янги дунёнинг бутунлай янги иллатларини, уни фожеаларга олиб келиши мумкин бўлган омилларни чуқур идрок этади ва асосли қилиб ифодалайди.

Ўздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган, руҳий ва маънавий дунёқароши, турмуш тарзи ва ақидалари хилма-хил бўлган Ўзбекистонда тили, миллати, ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, инсонлиги учун улуғлаш каби ғоят инсонпарвар сиёсатни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яққол кўриб турибмиз. Зеро, Президент Ислом Каримов «...биз демократик янгиланиш палласига кирар эканмиз, руҳий покланишни ҳам унутмайлик, тараққиётимизга ғов бўладиган маънавий риёкорликдан тезроқ қутилайлик» ёки «буни бизнинг фуқароларимиз, ёшларимиз эсда тутишлари ва қадрлашлари лозим. Мамлакатимиз ичида ҳам, жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам ўз масъулиятларини тушунишлари ва унутмасликлари зарур», деганда, жаҳон андозаларида камдан-кам учрайдиган мамлакат аҳолиси турли табақасини умуминсоний қадриятлар асосида жиҳслаштириш, шу асосда юксак маънавий-маърифий жамиятни шакллантириш тамойилларини ўртага ташлайди. Айни пайтда у «ўта нозик» масалага ўзига хос, ҳеч кимга ўхшамаган ҳолда ёндошади ва ўзининг ҳам ўта нозик сиёсати, ҳар қандай чигал муаммоларни ҳал этишда ноёб маҳоратини кўрсата билди.

Диний ақидапарастлик жамият ҳаёти ва одамлар тақдири учун ҳамма вақт таҳликали, унга таҳдид солиб турадиган ашаддий ёвузликдир. Терроризм ана шу ёвузликнинг тарихда абдий равишда тавқи лаънатга маҳқум этилган кўринишидир.

Аслини олганда Ўзбекистондай ўтмиши инсоният тарихи, кишилик ҳаёти ибтидоси билан боғлиқ бўлган маконда, ўзбеклардай юксак маданият ва ноёб маънавиятга ворислик қиладиган халқ ҳаётида бундай фожеали ҳодисанинг юз бериши мумкин эмас. Чунки, мавжуд тарихий ҳақиқатни тан олишимиз керак. **Исломот дини Арабистонда тақво ва ибодат шаклида дунёга келган. Исломот таълимотининг дастлабки ғоялари ва умуман унинг бутун ақомдларини ўзида мужассам этган муқаддас ғоялари мажмуаси «Куръон» у ерда нозил бўлган.**

Бироқ, Ўзбекистонда — Мовароуннаҳрда Исломот маънодаги фан, фалсафа, илм, назария ва тафаккур маҳсули сифатида дунёга келди. Айни ана шу заминда туғилган Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Бурхониддин Марғиноний, Нахмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Хожа Аҳрори Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий ва бошқалар каби ўнлаб даҳолар борки, улар **Исломот динини оддий, кундалик тақво ва ибодатдан том маънодаги таълимот, энг юксак маънавий-маърифий мафкура, соф инсонпарвар ғоя даражасига олиб чиқдилар.** Инсоният тараққиётини бутунлай ўзгартириб юборган, жаҳон цивилизациясига гоятда кучли таъсир ўтказган Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, улуг саркарда ва давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳририддин Муҳаммад Бобур ва бошқа бобоқалонларимиз дунё тараққиётини табиий фанлар, фалсафа, маърифат ва адабиёт билан бирга Исломот назарияси ва таълимоти билан муштарак ҳолда тушундилар ва ривожлантирдилар. Давр, тарихий шароит шундай эдики, айни ана шу омилларнинг бири кам бўлган тақдирда буюк ихтиролар, оламу одамлар тақдири ва истиқболи билан боғлиқ бўлган кашфиётлар дунёга келмаган бўлур эди.

Масаланинг, яна бир нозик жиҳати бор: худди ана шу биз юқорида номларини тилга олган улуг даҳоларнинг барчаси исломот динини илмий, назарий ва амалий жиҳатдан қанчалик юқорига кўтарган, эъзозлаган, унинг назарияси ва фалсафасини бойитган бўлсалар, диний фанатизм ва ақидапарастликдан ҳам шунчалик кўп жабр кўрганлар. Айримлари ҳатто хурофот ва жаҳолат қурбони бўлдилар.

Демак, жаҳолат, жоҳиллик яшовчан экан. Биз буни инкор эта олмаймиз. Ҳаёт ҳақиқати шундай. Демак, биз хавф-хатардан бутунлай холи, тинч ва осуда яшашга қанчалик интилсак, ҳаётимизнинг ҳар дақиқасида ақл-идрок йўриги билан йўл тутиб ўзимизни, ўзимиз орқали фарзандларимизни, оиламизни, охир-оқибатда бутун жамиятимизни асрамоғимиз даркор. Биз учун бундан бошқа йўл йўқ.

1999 йил август ойининг охирларида бир гуруҳ жангарилар Тожикистон орқали Қирғизистоннинг Боткен туманига кириб келдилар. Улар қарийб уч ой мобайнида туманнинг беш қишлоғини босиб олдилар. Тинч яшаётган минг-минглаб одамлар ҳаётига тажовуз қилдилар. Уларнинг мол-мулкини, озиқ-овқатларини тортиб олдилар. Бир қирғиз генерали, тўрт япон фуқароси ва бошқа бир неча кишилар гаровга олинди.

Турли миллат вакиллари ва бир неча мамлакат фуқаросидан иборат жангарилар халқаро терроризмнинг янги қиёфасини кўрсатдилар. Безорилар Қирғизистон ҳудудидан чиқиб кетган пайтлари Москвада нашр этиладиган «Время-МН» газетаси мухбири Ўзбекистон Президенти И. Каримовга савол билан муурожаат этди.

Ўзбекистон раҳбарининг «Время МН» газетасида чоп этилган интервьюси бугунги дунё можароларига, ижтимоий-сиёсий жараёнларига, хусусан халқаро терроризм ва диний экстремизмга муносабатларда жуда катта аниқлик киритди.

Айтиш мумкинки, мазкур суҳбат XXI аср тафаккур тарзини, унинг йўналишларини, миқёсини белгилаб берди. Жаҳон сиёсатининг стратегияси, унинг фалсафаси, мантиғи, ҳаёт ҳақиқати нималардан иборатлигини аниқ-равшан кўрсатди.

Қабатта, инсоният шажараси абадий. Ҳаёт эса чексиз, чегарасиздир. Унинг қутилмаганда янгидан-янги, бир-бирига ўхшамаган муаммолари пайдо бўлаверадик, уларни ўз вақтида илғаб олиш, англаб, тўғри тушуниш ва энг мақбул шаклдаги ечимини топиш алоҳида зукколикни тақозо этади. XX аср иллати сифатида дунёга келган, тобора мадда бойлаб, жазавага тушаётган халқаро терроризмга кескин зарба бериш, таг-томири билан суғириб ташлаш айни ана шундай алоҳида зукколикни. алоҳида шижоатни, айни пайтда ҳақиқат билан юзма-юз туриш жасоратини талаб қилади.

Аслини олганда инсоният ва ҳаёт кушандаси бўлмиш халқаро терроризмга муносабат билдираётган сиёсат ва давлат арбоблари оз эмас. Бироқ, улар ўз чиқишларида бўлиб ўтган воқеаларни шунчаки шарҳлашдан, шунчаки оммага кўриниш бериб қўйиш тамойилидан нарига ўтишмаяпти. Уларнинг аксариятида масаланинг туб моҳиятини очишга, унга кескин зарба беришга ё сиёсий ирода етишмаяпти ёки шахсий шижоат етарли эмас. Ё бўлмаса, «уни ўйлайдиган бошқалар ҳам бордир, нега айнан мен бошимни қотиришим керак» қабилда иш юриштишяпти. Дунё ҳаётига таҳдид солаётган, инсоният тақдири, Ер шари истиқболи билан боғлиқ бўлган умумжаҳон муаммосини зиммасига олиб, унга қарши қурашадиганлар эса оз. Камдан-кам давлат арбобларигина ўз ҳаловатидан кечиб дунёвий можароларни ўз юрагидан ўтказмоқда, унга муносабат билдирмоқда.

Ўзбекистон раҳбари мамлакат мустақиллигига асос солар экан. терроризм ва экстремизм, минтақаларо можаролар янги

дунёнинг «совуқ уруш»дан холи дунёнинг оғир жароҳати эканлигини кўрсатиб берди ва жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларида янги хавф, янги таҳдид урчиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Дунё сиёсати оқимини ўзгартириш, уни янги мазмун билан бойитиш зарурати тугилганини исботлади.

Ўзбекистон раҳбари минтақада ва Ер юзининг турли ҳудудларида юз бераётган террорчилик ҳаракатлари, дин ниқоби остида амалга оширилаётган қонхўрликлар ва зўравонликлар оқибатларига ўта жиддий қарайди. Президент И. Каримов воқеаларга ўз вақтида муносиб баҳо берди. Уларни бутун кўлами ва миқёси билан идрок этади. Натижада, масаланинг туб илдизини очиб беради. Халқаро терроризмнинг инсоният ҳаётига таҳдиди, фожеалари ва жаҳон тарққитига буткул тўсиқ бўладиган омиллари хусусида гапирар экан, «Мени ҳудудни босиб олиш мақсадида амалга оширилаётган ташқи қуроли тажовуз хавфи эмас, балки мияси заҳарланган ёшларни ўзлари ўсиб улгайган шаҳар ва қишлоқларни портлатишга ўргатадиган плашдарм ва базаларни бунёд этишни мақсад қилиб олган диний экстремизм экспансияси хавотирга солмоқда», дейди Ислом Каримов.

Ўзбекистон раҳбари бу фикри билан биринчидан, ҳудудни босиб олишга интилаётган ташқи тажовузлар ибтидоий ҳодиса ақл-идрокдан холи бўлган зўравонлик деб айтди ва у айни ёввойи оломон хуружи сифатида кўрқинчли эмаслигини таъкидлади. Айни ана шу қуроли тажовузга қарши тура биладиган, уни енга оладиган қудратга эгаллигини кўрсатади. Бу энг аввало, Ўзбекистон давлатининг ҳам, унинг раҳбарининг ҳам сиёсий иродасидан, маънавий қудратидан ва қолаверса, ҳарбий имконият даражасидан далолат беради.

Ислом Каримов тафаккурининг нечоғлиқ инсонпарварлиги, масалага ёндошиш усулининг юксак даражадаги маънавийлиги ва Шахс сифатидаги қатъияти шундаки, у воқеа-ҳодисаларнинг айнан ўзидан таҳликага тушмайди. Балки уларнинг хилма-хил шакллари пайдо бўлаётгани, ривожланаётгани, мазмун-моҳияти оқибати изтиробга солади. Бу масаланинг иккинчи томони. Яъни ҳар қандай ташқи тажовузлар эмас, балки, мияси заҳарланган ёшларнинг ўзи тугилиб ўсган уйи, хонадони, киндик қони тўкилган муқаддас тупроғи, Она-Ватани, мўътабар остонасига болта уриши, уни барбод этиши, портлатиб юбориши, қун-паякун қилиши. Бу манкуртлик ўз аждодларига, қавм-қариндошларига, волидан муҳтарамасига, падари бузрукворига қўл кўтаришдек бедаволикнинг урчиб келаётганлиги билан изоҳланади ва уни ана шу умминсоний таназзул ҳодисаси ташвишга солади.

Дунёда шундай давлатлар борки, улар ўз ҳудудига кимлар кириб, нималар билан шуғулланиб, қандай чиқиб кетаётганига эътибор ҳам беришмайди. Бу ё ана шундай эркинлик ва демократия ниқоби остидаги халқаро ўйинларга берилиш, уларга кўр-кўрона хизмат қилиш жиддий ва қатъият билан қараш масъулиятидан қочиш ё бўлмаса қандайдир манфаатдорлик натижаси,

дейиш мумкин. Акс ҳолда Покистон айна ана шундай бедаволар уясига, уларнинг тажриба «мактаб»лари жойлашган майдонга айланармиди? Қирғизистон воқеалари, халқаро терроризмнинг тажовузкорлиги хусусида газета мухбирига гапирар экан, Президент Ислом Каримов «Нима бўлаётганини эшиттинг: суверен давлат ҳудудига олти юз ёки минг кишидан иборат қуроолланган тўда кирмоқда... Ахир ҳар бир давлатнинг ўз қадр-ғурур туйғуси бўлиши керак, унинг ҳар бир фуқаросида эса хавфсизлиги сиртдан ҳимояланганлигига ишонч туйғуси бўлиши керак» — дейди.

Жангарилар Қирғизистон ҳудудига киргач, гўёки улар Ўзбекистонга ўтиш учун фақат «йўлак» сўрашган эмиш. Балки шундайдир. Лекин масаланинг мантиқсизлиги шундаки, қандай қилиб қонхўр, жаллод, манфур кимсаларга ўз уйингдан жой берсан? Эшикдан киритиб, қорнини тўйғизиб, устини бут қилиб, чўнтагига пул солиб, тешикдан чиқариб юбориш мумкин? Бу қўйнида илонни кўтариб юриш билан баробар эмасми? Ана шу мантиқдан келиб чиқиб, содир этилган воқеаларни Президент Ислом Каримов шундай изоҳлайди: «Ўзбекистон билан Қирғизистонни гиж-гижлатишга қаратилган уринишлар деб биламан ва уларни тамоман инкор этаман. Агар бу ҳақиқат бўлганда эди, бўлмаса нима учун жангарилар Қирғизларни талон-тарож ва қатл этишни бошладилар?».

Покистон—Афғонистон—Тожикистон—Қирғизистон ҳудудини эгаллаб олган қонхўрлик «ўйин»лари ва ана шу мамлакатларнинг ўзи ҳам айна халқаро терроризмнинг узвий, бир-бирига боғланган занжир ҳалқалари эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Агар улар қайсидир даражадаги моддий, маънавий, ҳарбий соҳадаги «ҳотамтой» ҳомийларга суянмаса, терроризм бу қадар тез ривожланмаган, бу қадар тез урчиб кетмаган ва халқаро мақомга эга бўлмаган бўларди. Агар ана шу боғлиқлик бўлмаганида эди, уларнинг ўзаро муносабатларида, фаолиятларида ҳамкорлик бўлмаганида эди, улар бунчалик эмин-эркин ҳаракат қилишмаган бўлардилар.

Жангарилар Қирғизистонга бостириб кирган пайтлари, уларнинг аксарияти ўзбек миллатига мансуб эмиш, деган мишмишларни ҳам тарқатишди. Гўёки, бундай террорчилик ҳаракати ўзбекларнинг ўзининг иши ва уларга дахлдор бўлган жожа эмиш. Кейинчалик маълум бўлдики, улар таркибида тожиқлар, чеченлар, афғонлар, араблар, қирғизлар ва ҳатто руслар ҳам бор экан. Тўғри, Ислом дини панасида туриб, ўзининг гаразли мақсадларини амалга оширишга интилаётган «мусулмон»лар орасида 5—10 та ўзбек ҳам бўлиши мумкин. Бироқ, ўзбек миллатига мансуб бўлган аҳоли Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ҳудудларида ҳам яшамоқда-ку! Нима учун биз битта ё иккита ўзбек миллатига мансуб жангини ушлаб олиб, уни бутун ўзбек халқига ва Ўзбекистонга нисбат беришимиз керак? Шунинг ўзи ғоявий қўпоровчилик, уйдирма эмасми?

XX асрнинг ўрталарида дунёга жуда катта талофат келтир-

ган ва инсоният ҳаётига хавф-хатар солган фашизмни эсга олайлик. Гитлер ва унинг гумашталари гоёсига кўр-кўрона ёндошган, унинг манфаатларига хизмат қилган миллионлаб буюк немис миллатига мансуб бўлган кишилар бор эди. Бироқ, ҳеч ким ҳеч қачон фашизмни буюк немис миллатига доғ сифатида нисбат бермайди-ку? Нега энди, Боткен жожеаларини ташкил этган ва амалга оширганлар орасида қаерда тугилгани ва яшаётганидан қатъий назар, қайси мамлакат фуқароси бўлганини инобатга олмай ўзбеклар ва Ўзбекистон бошига мағзавалар қуйиши керак экан?

Ўзбекистон раҳбари суҳбат сўнггида ўзининг қатъий позициясини очикдан-очик ўртага ташлайди: «Чеченистон ва Доғистон чегараларида Россия амалга ошираётган операциялар каби биз ҳам Тожикистон ҳудудидаги террористлар базаларига қарши айнан ана шундай операцияларни уюштиришга тўла ҳақлимиз. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиманки: Ўзбекистон бу базаларга шундай зарба беришига тамоман ҳақлики, у ерда уни анчагача эслаб юришади, ҳатто ўз авлодларига ҳам етказишади. Бундай босқинчилик ҳужумларни биз кечирмаймиз ва биз билан ўйнашга йўл қўймаймиз».

Ўзбекистон давлатининг қудрати, унинг юрт тинчлиги ва халқ осойишталиги борасидаги сиёсий йўли ана шундай қатъий! Зотан, Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида ўзининг барқарор ривожланиш йўлига чиқиб олганлиги, жаҳон сиёсий майдонида ўз сўзи ва ўз фикри билан алоҳида мавқега эга бўлаётганлиги, дунё воқеаларига қатъият ва ниҳоятда аниқлик билан ёндошаётганлиги боис жуда катта нуфузга эга бўлмоқда. Ана шуларнинг ҳаммасининг тагида жуда катта эътиқод, танлаб олинган йўлга собитлик фазилатлари ётади. Халқ ишига, Ватан осойишталигига қартилган сиёсат юксак эътиқод даражасига кўтарилган тақдирдагина у ҳар қандай таҳдидга таҳдид сола биладиган, ҳар қандай тажовузни енга оладиган, уни барбод қилишга қодир бўлган мўъжизага айланади.

1999 йилнинг 18—19 ноябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги йигилиши бўлди. Анжуманда асосий муҳокама қилинган масала Европада Хавфсизлик Хартияси бўлди. Хартия нафақат ташкилотга аъзо бўлган 54 мамлакатнинг, балки бутун дунёнинг келгуси асрдаги хавфсизлигини таъминлаш борасидаги муҳим ҳужжатдир. Ушбу анжуманда биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга сўз берилди. Ўзбекистон раҳбари мустақилликнинг дастлабки кунлариданок кўтарган муаммолар, илгари сурган гоёлар нақадар реал эканлигини вақт яққол кўрсатиб берди.

Президент Ислам Каримов халқаро терроризм ва минтақавий можаролар хусусида гапирар экан, «Бугунги кунда халқаро майдонда «совуқ уруш» кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб тобора кенг кўламли ва ҳужумкор моҳияти касб эта-

ётган ашаддий миллий давлатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ», деди. Дарҳақиқат, бундан саккиз—ўн йил муқаддам Ўзбекистон раҳбари турли-туман халқаро ташкилотлар, БМТ, ЕХХТ ва бошқа нуфузли идораларнинг олий минбарларидан туриб мазкур муаммони жиддий тарзда кўтарган эди.

Президент Ислом Каримовнинг стратегик қарашлари — бу аввал-бошданоқ минтақавий можароларнинг олдини олиш, кўшни мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга путур етказмаслик, турли мамлакатларда яшаётган турли миллатга мансуб халқларнинг бир маромдаги турмушига таҳдид қилмаслик сиёсатидир. Айни ана шу сиёсат вақт ўтгани сари ривожланиб, такомиллашиб, тобора камолотга етиб боряпти ва унинг том маънодаги ҳақиқат эканлигини кейинги йиллар воқеалари аниқ ва равшан кўрсатиб берди.

Истанбул саммитида сўзлаган нутқида Президент Ислом Каримов «Бутунги кунда биз радикал кайфиятдаги марказларнинг диний экстремизм ва терроризмни тарқатишга қаратилган узоқни кўзловчи режаларига, минтақа давлатларини ўзлари танлаган демократик, ҳуқуқий ва дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уриниши ҳолларига дуч келмоқдамиз. Бунинг — Тожикистондаги воқеалар, яқинда Тошкентда юз берган портлашлар, босқинчилар гуруҳларининг мустақил Қирғизистон жанубига сурбетларча бостириб кириши ҳамда барчага маълум бошқа фактлар исботлаб турибди.

Бундай режанинг амалга оширилиши учун Афғонистон асосий майдон вазифасини ўтамоқда. 20 йилдан буён фуқаролар уруши давом этаётган бу мамлакат турли тоифадаги халқаро террористлар ва ақидаларастлар бошпана топиб, тайёргарлик кўраётган синов лагерига, асосан наркотик моддалар етиштириш ва сотишдан олинган даромад ҳисобига кун кўрадиган мамлакатга айланган қолди», деган муаммони кўтарди.

Ўзбекистон раҳбарининг позицияси, воқеа-ҳодисаларга ёндошиш усули ва сиёсий тактикаси халқаро терроризм ва экстремизмга қарши биргаликда курашишга даъват этишида, жумладан, Афғонистон ва Тожикистон можаролари, уларга ҳомийлик қилаётган кучлар фаолиятига баҳо беришда, уларни аниқлашда янада яққол кўзга ташланади. Истанбул саммитида Хавфсизлик Хартияси лойиҳаси муҳокама қилинар экан, бу лойиҳани янада тўлдириш, янги бандлар ва ғоялар билан бойитиш таклифини киритди. Яъни, «ЕХХТ минтақавий хавфсизлик, жумладан Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиши лозим. Бу ўринда ЕХХТ масъулияти остидаги минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга қодир бўлган ташқи таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур», деди. Ушбу таклифнинг ўзида ЕХХТнинг халқаро таш-

килот сифатидаги нуфузини ошириш, унинг бевосита можаролар чигаллашиб борган жойдаги таъсирини кучайтириш ва шунчаки кузатувчилик ҳолатидан жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини бошқаришга, мамлакатлараро ва минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашни йўлга соладиган, унинг мувозанатини сақлаб турадиган ташкилотга айлантириш зарурлигини таъкидлади. Бу давлат раҳбаридан алоҳида ирода, сиёсий қудрат, ички маданиятни талаб қиладиган воқеликдир. Дунёнинг энг қудратли давлатлари раҳбарлари иштирок этаётган халқаро анжуманда барчанинг диққатига сазовор бўладиган аниқ ва конкрет таклиф айтиш йўли билан ўзининг ва давлатининг салоҳиятини кўрсата билиш қобилиятидир.

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган иккинчи таклиф ЕХХТ ва унинг тузилмалари томонидан инсон ҳолатини тобора яхшилаш масалаларига берилаётган эътибор бўлди. Бу айниқса демократик янгиланиш йўлига кирган янги мустақил давлатлар учун ўта муҳим ва зарур эканини алоҳида таъкидлади ва «мазкур ташкилотнинг асосий мақсадини ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТнинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган халқаро орган сифатидаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш, шунингдек, унинг иқтисодиёт ва экология соҳаларида туган ўрнини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу вазифаларни амалга оширишда АҚШнинг ЕХХТ доирасида Тезкор Фуқаролик корпусини (REACT) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусли қўл келиши мумкин», деди.

Халқаро терроризмнинг қандай шаклда бўлмасин, диний ёки бошқа тусда бўладими, тобора моддийлашиб, иқтисодий манфаатларга хуруж қиладигани, айтиш ана шу эҳтиёжларни инсоният наслини айнитадиган оғу савдоси — наркобизнес орқали қондиришга интилаётганлиги масаласини, айтиш мумкинки, Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов жаҳон сиёсатдонлари орасида биринчи бўлиб кўтарди. Айтиш халқаро терроризмнинг моддийлашув жараёни ниҳоятда хавфли, хатарли, таҳликали эканлиги илк бор аниқ-равшан таҳлил этилди. Бу — биринчидан.

Иккинчидан халқаро терроризм нафақат инсоннинг жисмоний кушандаси, балки уни маънавий жиҳатдан ҳам барбод этувчи, унинг насли-насабини бузувчи, Ер юзида мажруҳ нимжон одамларнинг кўпайишига, ақлий ва маънавий жиҳатдан заиф аҳолининг кўпайишига олиб келадиган жиноят турига — биологик ҳалокатга элтувчи хатарли ҳодисага айланаётганлигини ҳам Ўзбекистон раҳбари биринчи бўлиб кўтарди.

Президент И. Каримов киритган учинчи таклиф бу Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти тизимини ислоҳ қилиш, уни бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар оқимига мослаштириш ва инсоният тақдири билан боғлиқ бўлган, ҳаёт келтириб чиқараётган янгидан-янги муаммоларни ҳал этишга кўпроқ жалб этиш билан боғлиқ бўлган таклифлардир. Жумладан, Президент Ислом Каримов «Халқаро терроризмга қарши

кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим», — деди. Бу чиндан ҳам ЕХХТ фаолиятини янги замонга мослаштириш учун унинг таркиби, тизими ва фаолият доирасини такомиллаштириш зарурати тугилганини кўрсатади.

Истанбул саммити Ўзбекистон сўзининг қудратини, унинг сиёсий иродасини ва жаҳон тараққиётига кучли таъсир кўрсатётганини яна бир бор намойиш қилган улкан ҳодиса бўлди. У яна бир бор дунёнинг энг нуфузли сиёсатдонлари эътиборини халқаро терроризм ва экстремизмнинг туб моҳиятини, унинг тараққиёт омилларини, Ер шари ва инсоният тақдирига солаётган таҳдидларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этишга, илмий, назарий ва амалий жиҳатдан муносиб баҳо беришга қаратди. Президент Ислом Каримов нутқи бугунги Ўзбекистон сиёсатининг бутун кўламини ва умуминсоний қадриятга даҳлдорлигини кўрсатиб туради.

Ҳамжиҳатлик — хавфсизликнинг бош омили

Асримизнинг тўқсонинчи йилларида дунё мамлакатларини иккига ажратиб турган Берлин девори қулаб, «совуқ уруш» сиёсати барҳам топганидан сўнг, одамзот бошидаги уруш хавфи гўё йўқолгандек туюлди. Лекин воқеалар ривожини бу ишончинг ўткинчи эканини исботлади. Боз устига, одамзотнинг тинч ҳаёт ва фаровонликка хавф солувчи бошқа таҳдидлар — терроризм ва зўравонлик, диний экстремизм ва фундаментализм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси юзага чиқди.

Қолаверса, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган мамлакатлар жаҳон сиёсий харитаси, бинобарин хавфсизлик тизимида катта ўзгаришлар ясади. Шундай бир шароитда ер юзидаги ҳар бир давлат, айниқса янги мустақил республикалар учун ўз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш бош масалага айланди. Шу жумладан, Ўзбекистон билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, НАТО, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа йирик халқаро тузилмалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам, аввало, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Негаки, бугунги кунда Ўзбекистоннинг тараққиёти учун тинчлик ва барқарорлик энг асосий шарт саналади.

Ўзбекистон Президентининг Америка Қўшма Штатларига сафари, НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тadbирдаги иштироки Ўзбекистон, қолаверса бутун минтақа хавфсизлиги ва барқарорлиги ҳақида айрим мулоҳазаларни айтишга

ундайди. Биламизки, Афғонистонда кечаётган уруш, қўшни Тожикистондаги барқарорлик минтақамиз, шу жумладан Ўзбекистоннинг осойишталигига ҳам ҳар дақиқа хавф солиб туради. Бу хавф нималарда кўринади? Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида ушбу масала кенг ёритиб берилган.

Биринчидан, уруш оловининг ён-атрофга ёйилиш хавфи, иккинчидан, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасининг авж олаётгани. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига қараганда, бугунги кунда Афғонистон наркотик моддалар «экспорти» бўйича дунёда биринчи ўринда турибди. Бу эса нафақат бизнинг минтақамиз, балки Европага ҳам катта ташвиш тугдиряпти. Учинчидан эса, мазкур давлатлардаги беқарорлик сабаб айрим кучлар диний экстремизм ва фундаментализм йўлидаги ҳаракатларга зўр бераяптики, айти ҳол Ўзбекистон учун нечоғлик жиддий эканини шу йил 16 февралда Тошкентда юз берган мудҳиш воқеалар яна бир қарра тасдиқлади. Қолаверса, айрим мамлакатларнинг шовинистик ҳаракатлари ҳам мамлакатимиз мустақиллиги ва тараққиётига хавф солаётгани сир эмас. Шундай бир шароитда Ўзбекистон ўз хавфсизлигини таъминлаш борасида дунёнинг ривожланган давлатлари, халқаро ташкилотлар, шу жумладан НАТО билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани табиий.

Маълумки, Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг фаол иштирокчиси саналади. Дастур асосидаги ўзаро мулоқот эса ҳарбий-ўқув машқлари доирасида кенгайяпти. Лекин Ўзбекистон НАТОга аъзо бўлмайди. Бунинг иккита сабаби бор.

Биринчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор тамойилларидан бири ҳеч қандай ҳарбий блокларга аъзо бўлмасликдир. Президент Ислон Каримов бу масалани янада содда қилиб тушунтириб айтдики, бирорта ўзбек аскарлари ўз мамлакатимиз чегаралари ҳудудидан ташқарига бориб, ҳар хил можароларда иштирок этмайди, — деди.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг бугунги сиёсий-жуғрофий ҳолати ҳам бирор-бир ҳарбий блокка кириш амалиётига тўғри келмайди. Мабодо шунга амал қилинадиган бўлса, минтақадаги хавфсизлик мувозанатига путур етказиб қўйиши мумкин. Гарчанд минтақамиздаги айрим давлатлар ўз сабъ-ҳаракатлари билан минтақа хавфсизлигига раҳна солаётган бўлса-да, Ўзбекистон раҳбарияти буларга қарши ҳаракат қилмаслигини очиқ-ойдин маълум қилган. Аксинча, бизнинг мақсадимиз минтақамизда тинчлик ва барқарорликни фаровон ҳаётга эришишни таъминлашдир. Ўзбекистон — НАТО муносабатларининг асл моҳияти ҳам шу — давлатимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, қолаверса, минтақада барқарорликни қарор топ-

тириш учун шарт-шароитни имкон қадар кенгайтириш ва мустақамлашдан иборат.

Бугунги кунда дунёдаги 19 мамлакат НАТОнинг тўлақонли аъзоси саналади, қирққа яқин давлат ушбу альянс билан ҳамкорлик қилади. Мазкур Шимолий альянс билан, НАТОга аъзо ҳамда унга шерик давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистон учун жуда муҳим. Ислом Каримов Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг ялпи мажлисида сўзга чиқиб, Ўрта Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш учун зарур омилларга алоҳида тўхталиб ўтди. Аввалло, йигирма йилдан бери давом этиб келаётган ва минтақа хавфсизлигига катта таҳдид солаётган афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш. Шу ўринда бир фикрни айтиш жоиздир. Агар Европанинг бирор-бир нуқтасида кичкинагина жанжал чиқса-ю, уч-тўрт киши қурбон бўлса, масала дарров жаҳоншумул аҳамият касб этади. Ҳолбуки, Афғонистонда кунига юзлаб одамлар уруш туфайли ҳалок бўлаётгани жаҳон аҳлида унчалик ҳам катта ташвиш туғдирмаётгани ажабланарли. Фикримизча, бунинг сабаби жаҳон хавфсизлик тизимида мувозанат йўқлигидир. Ўзбекистоннинг, қолаверса, бошқа давлатларнинг ҳам НАТО билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаётгани айтиш шу мувозанатни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Негаки, биз истаймизми-йўқми, бугунги кунда НАТО дунёдаги ҳар қандай зўравонликка ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан қарши тура оладиган ягона ташкилот бўлиб қолапти. Хусусан, Босния воқеалари НАТОнинг дунё учун кераклигини аниқ-тиниқ исбот қилган эди.

Иккинчидан, ядро қуролига эга давлатлар сонининг кўпайишига йўл қўймаслик зарур. Негаки, кейинги вақтда Жанубий Осиёда ўтказилган ядро синовлари кишини ташвишга солади. Учунчидан эса, минтақада диний экстремизм ва фундаментализмнинг тарқалишига йўл қўймаслик лозим. Айтиш мумкинки, бугун айнан диний экстремизм ва фундаментализм ер юзидаги кўплаб урушлар, можароларга ҳаво бериб турибди. Тўртинчидан, терроризм ва зўравонлик, қурол-яроғ ҳамда наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашни кучайтириш зарур. Айтиш шу масалаларда Ўзбекистон НАТОнинг ва унга шерик бошқа давлатларнинг кўмагига эҳтиёж сезади.

24 апрель кунини Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон, Украина ва Молдова Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув самараси ўлароқ, Грузия, Украина, Озарбайжон ҳамда Молдова ўртасидаги ҳамкорлик тузилмасига Ўзбекистон ҳам қўшилди. Демак, бундан буён бу тузилма ГУУАМ, деб юритилади. Ушбу тузилма мақсади иштирокчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, коммуникацияни ривожлантиришдир. Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова давлат раҳбарларининг 1997 йил Страсбургда бўлиб ўтган учрашувида тузилган ушбу бирликнинг дастлабки келишуви Фарбга қурол-яроғ тарқалишининг

олдини олиш бўйича бўлган эсада, ҳозирги кунга келиб унинг вазифалари сезиларли даражада кенгайди. Мазкур бирлик доирасида ҳамкорлик қилиш, бизга, айниқса, коммуникацияни ривожлантириш учун муҳим. Биламизки, транспорт коммуникацияси масаласи денгиз портларидан узоқда жойлашган Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Шу боисдан Ўзбекистон Буюк Ипак йўли, ТРАСЕКА доирасидаги ишларда фаол иштирок этапти.

Ислом Каримовнинг «Эксимбанк» президенти Ж. Ҳермон билан мулоқоти, шунингдек, Капитолийда Ўрта Осиё ҳамда Кавказ давлатлари раҳбарлари билан бирга АҚШ сенаторлари билан учрашуви ҳам ташрифнинг муҳим воқеаларидан бўлди. Шу ўринда АҚШ сенаторлари билан бўлган учрашув ҳақида бироз тўхталиб ўтсак. Сенатор Сэм Браунбэк учрашувни очар экан, айни вақтда АҚШ сенати «Буюк Ипак йўли — XXI аср» номли қонун қабул қилишга чоғланаётганини маълум қилди. АҚШнинг Буюк Ипак йўлига қизиқаётгани хайрли, албатта. Табиий бир савол туғилади: нега Буюк Ипак йўли орадан икки минг йил ўтиб яна муҳим стратегик аҳамият касб этапти? Сабаб шуки, бугун бу йўлдан нафақат мазкур минтақа давлатлари, балки Европа мамлакатлари, шу жумладан, АҚШ ҳам катта манфаат топиши мумкинлиги тобора яққолроқ намоён бўлаяпти. Давлатимиз раҳбари сенаторлар билан учрашувда сўзга чиқиб, йиғилганларнинг эътиборини Буюк Ипак йўлини ривожлантиришга қандай омиллар, кучлар халал бериши мумкин, деган масалага қаратди. Сир эмаски, айрим мамлакатлар Ўрта Осиё ва Кавказ давлатларининг Фарбга томон янги алоқа коридорларига эга бўлишини хоҳламайди. Айниқса, мазкур минтақадаги нефт ва газни жаҳон бозорига чиқариш учун янги йўналишларнинг пайдо бўлаётгани уларнинг пайтавасига қурт тушираётир. Иккинчидан, диний экстремизм ва фундаментализмнинг мазкур минтақа мамлакатларида тарқалиши ва бунинг асносида юзага келадиган беқарорлик ҳам давлатимизнинг ҳамкорлик йўлидаги саъй-ҳаракатларига путур етказиши мумкин. Учинчидан эса, айрим давлатлар ҳамон шовинистик кайфиятдан халос бўла олмаётгани билан боғлиқ. Улар минтақада ўз таъсирларини сақлаб қолиш учун турли амаллардан фойдаланяпти. Бу ҳаракат эса Буюк Ипак йўлини тиклаш, ўзаро интеграциялашув йўлидан бораётган давлатларнинг мақсадига зид. Ва ниҳоят, Осиёдаги айрим давлатлар ўз стратегик мақсадларини кўзлаб Буюк Ипак йўлининг тикланишига ва ривожланишига халал бериши мумкин. Шунинг учун бу ҳақда гап кетганда, юқорида тилга олинган масалаларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташриф давомида АҚШнинг раҳбар доиралари вакиллари билан хусусан, Ислом Каримов АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ўртасида бўлиб ўтган учрашувни алоҳида таъкидлаш керак.

Шу ўринда Ўзбекистон—АҚШ муносабатлари ҳақидаги

айрим фикрларни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Кейинги вақтда бу икки мамлакатнинг бир-бирига сезиларли даражада яқинлашгани кузатилди. Бу сунъий эмас, балки табиий жараён дир. Ёдимизда, юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда АҚШдаги айрим сиёсатдонларнинг Ўзбекистон ҳукмати сиёсатидан хийла норозилиги сезилиб турарди. Бугунги кунга келиб эса бундай кайфият ўрнини хайрихоҳлик эгаллади. Зеро, муносабат бир-икки кунда ўрнатилмайди, бунинг учун йиллар керак. Бугун АҚШ Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги стратегик ҳамкори ҳисоблайди. Бунинг сабаби нимада? Ислон Каримов бунинг сабабини изоҳлар экан, ушбу ҳол Ўзбекистон танлаган йўл тўғри, юритаётган сиёсатимиз эса изчил ва оқилона эканининг оддий бир исботидир, деди. Ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам.

Лекин Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишидан ҳар икки давлат ҳам манфаат топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида миллий хавфсизлик кенгаши, хавфсизликни таъминлаш соҳасида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари бўйича маслаҳат органи ташкил этилди.

Шубҳасиз, юқоридагилар Ўзбекистонда миллий хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни сақлаб туришнинг ишончли омили бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, Ўзбекистонда бугунги кунда миллий хавфсизликни, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминланиши мамлакатда Президент И. А. Каримов томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг натижаси деб билмоқ керак.

Қуролли Кучлар — хавфсизлик таянчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганидек: «Атрофимиздаги нотинч дунёда дўстларимиз бор, лекин Ўзбекистонни ўз таъсири доирасига киритишни хоҳлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг учун улар барча найранглардан, қолаверса, ҳарбий кучдан ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли бизнинг яхши тайёрланган ва қуролланган, истиқлолимиз ва чегараларимизни ҳимоя қилишга қодир армиямиз бўлиши керак!» (1).

Тарихдан маълумки, ҳар қандай мамлакат, ҳар қандай халқ ўз сарҳадларини, ўз хавфсизлигини, ўз аҳолисини, оила, аёл ва оналарнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қила олмас экан, уни том маънода давлат, деб атаб бўлмайди.

Бутун тарихий ўтмишимиз, аждоқларимиз ўғитлари шундан далолат берадики, ўз ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини кафолатлай олган мамлакатгина гуллаб-яшнайд.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Аскарлари бақувват эл қудратли бўлур, қудратли элнинг аскарлари бақувват бўлур», — деган сўзларида теран маъно мужассам. Халқимизнинг қадимий ва бой тарихига Тўмарис, Спитамен, Муқанна,

Темурмалик, Жалолоддин Мангуберди, Соҳибқирон Амур Темур каби ўнлаб саркардаларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ўзининг мана шундай буюк тарихи ва ажждолирига муносиб ворис бўлган халқ мамлакат хавфсизлигини таъминлашга қодир армияни ярата олиши табиийдир.

Шу боисдан, Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасини давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардияни тузиш зарур эканлиги дастлаб Олий Кенгашнинг 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги баёнотида кўрсатилган. Бу баёнот худди шу кунга қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонунда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган (2). Қонунда суверен республиканинг Мудофаа ишлари вазирлиги ҳамда Миллий гвардияни тузиш ҳуқуқи билан бирга муқобил хизматни ташкил қилиш, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилган собиқ СССР Куролли Кучларини бошқариш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқи кўзда тутилган эди. Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг ўз Куролли Кучларини тузишида ҳуқуқий асос бўлди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конституциявий қонунни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 сентябрдаги Фармонида асосан Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил қилинди (3).

Мудофаа вазирлиги Бош штаби ва бошқармаси ҳамда уларнинг жойлардаги куйи бўлинмалари тузилди.

Мудофаа вазирлиги зиммасида куйидаги вазифалар юклатилди:

- ҳарбий сафарбарлик тадбирлари;
- Миллий гвардия тузиш ва таълим бериш;
- фуқаролар мудофаасини амалга ошириш;
- ҳарбий билим юртларини комплектлаш;
- олий ўқув юртларидаги ҳарбий кафедралар ва мунтазам ҳарбий тайёргарлик мактабларини бошқариш;
- муқобил хизматни ташкил қилиш;
- уруш қатнашчилари ва байналминалчи жангчилар билан ишлаш;
- ҳарбий хизматга чақириш, кўшинларни жойлаштириш, ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш, кўшин ва ҳарбий объектларни янги жойга кўчириб жойлаштириш;
- ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш;
- ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳоказолар.

Иттифоқ инқирозга юз тутаётган бир пайтда ва мустақил суверен давлатимиз қурилишининг дастлаби босқичларида Мудофаа ишлари вазирлигининг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ҳарбий машинаси барбод бўлишининг олдини олди ва бошқа давлатлар ҳудудида хизмат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг вужудга келишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги Қарори қатта аҳамиятга эга бўлди (4). Ушбу Қарорга мувофиқ, мамлакат ҳудудида жойлашган собиқ Иттифоқ Қуrolли кучларининг барча қисмлари, қўшилмалари, ҳарбий ўқув юртлири, муассаса ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси тасарруфига олинди ва улар моддий-техника ва маблағ билан таъминланганидан бўлди. Шу тарзда мустақил мамлакат Қуrolли Кучларини барпо этишнинг дастлабки ташкилий даври яқунланди. 1993 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ 14 январь «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилинди (5).

Республика тасарруфига олинган ҳарбий тузилмаларга раҳбарлик қилиш Мудофаа ишлари вазирлигига юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда бўлиб ўтган 12-чақириқ 10 сессияси мамлакат Қуrolли Кучларини тузишда муҳим воқеа бўлди. Сессияда «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги муҳим ҳарбий қонунлар, шунингдек ҳарбий қасамёднинг янги матни ва қасамёд қилдириш тартиби қабул қилинди (6). Мустақил Ўзбекистон Қуrolли Кучларининг бошқарувини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Мудофаа ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг ҳуқуқий базасини яратишдаги биринчи босқичнинг яқунланиши 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясига тўғри келди. Бу сессияда давлатнинг Асосий қонуни — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди (7). Конституциянинг 26-боби мудофаа ва хавфсизлик масалаларига бағишланган. Конституциянинг 125-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуrolли Кучларининг тузилиши ва уларнинг ташкил этиш қонун билан белгиланади», дейилган. Шунингдек, шу бобнинг 126-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуrolли кучларга эга», деб кўрсатилган.

Давлатимизнинг ҳарбий соҳасидаги ташқи сиёсатининг асо-

сий йўналишлари 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати фаолиятининг асосий тамойиллари» ҳақидаги Қонунда мужассамланган (8).

Шунга асосан бу қонунда «Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди ва ҳарбий-сиёсий блокга трансформация қилинган вақтда ҳар қандай халқаро ташкилотлардан чиқиш ҳуқуқини ўз ихтиёрида қолдиради» деб қонуний расмийлаштирган. Қонуннинг аҳамияти ва кераклилиги яққол кўриниб турибди. Бу қонун Ўзбекистоннинг тинчликсеварлик сиёсатини, унинг дунё ҳамжамиятида интеграцияга интилишини яна бир бор кўрсатмоқда.

Қуроли Кучларнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришда 1997 йил 29 августда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлиги концепцияси» ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бу концепцияда диний экстремизм, миллатларо ва этник зиддиятларнинг кучайиши, қуроолларнинг, жумладан ядро қуролининг тарқалиши, халқаро терроризм, уюшган жиноятчиликнинг авж олиши, наркотик моддаларнинг тарқалиши ҳамда экологик таназул кўринишидаги минтақавий ва ялпи таҳдид мавжудлиги таъкидланади.

Ўқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Концепция давлатнинг муҳим вазифаларидан бири миллий хавфсизликнинг самарали тизimini яратиш, Ўзбекистоннинг минтақавий ва ялпи хавфсизликни таъминловчи коллектив ҳамкорлик тизимига киришни тақозо этади.

Ўзбекистон Қуроли Кучларининг энг муҳим вазифалари миллий ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ва армияни техник жиҳатдан жиҳозлашдан иборат. Ана шулардан келиб чиқиб, сўнгги пайтларда Ўзбекистонда Қуроли Кучлар учун юксак малакали офицерлар тайёрлайдиган бир қанча ҳарбий ўқув юртлари ташкил этилди. Армияни техник жиҳатдан жиҳозлашни мустақамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Зотан ҳукумат «Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, бундан кейин ҳам ҳарбий салоҳиятни таъминлаш учун — зарур маблағ ажратишни давом эттираверди» (9).

Ўзбекистон Қуроли Кучлари қатъий, босқичма-босқич режа асосида, тасдиқланган дастурга мувофиқ шакллана борди. У мамлакатимиз давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини мустақам ҳимоя қилинишини таъминлайдиган даражада куч қудратга эга.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ўз фаолиятини:

- қонун устунлиги;
- марказлашган бошқарув ва яккабошчилик;
- доимий жанговар ва сафарбар ҳолатдаги тайёргарлик;
- фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти;
- коллектив хавфсизлик тизimini барпо қилиш;

- ҳарбий интизомга риоя қилиш;
- партиясизлик;
- ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш асосида ташкил қилади ва амалга оширади.

Умуман Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари — бу ҳарбий тузилмалар, ҳарбий ўқув юрлари ва бошқа ҳарбий қисмлардан иборат, давлат томонидан ташкил қилинган ва таъминланган бўлиб, улар уруш ва ҳарбий можароларнинг олдини олиш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёт кечирishiни ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлатни ҳимоя қилишда бутун мудофаа тизимининг асосини ташкил этувчи ядро ҳисобланиб, ўз таркибига қуйидагиларни олади: Куриқликдаги қўшинлар, ҳарбий-ҳаво ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Махсус қўшинлари, Миллий гвардия бригадаси, чегара ва ички қўшинлар, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа вазирликларга, идораларга қарашли ҳарбий қисмлардан иборат.

Куриқликдаги қўшинлар Қуролли Кучларининг энг кўп сонли тури бўлиб, бошқа қўшин турларининг биргаликдаги ҳаракати билан тажовузни қайтариш, зарур бўлганда эса душманни тор-мор қилишга мўлжалланган.

Ҳарбий ҳаво ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари Қуролли Кучларининг манёврли турларидан бири. Улар куриқликдаги жанг майдонида бўлаётган йирик операцияларнинг бориши ва якунига таъсир қилиш, мамлакат ҳаво чегараларини қўриқлаш, куриқликдаги ва ҳаводаги душманга зарба бериш имкониятига эга. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг ҳудудини, унинг ҳаво чегараларини, энг муҳим давлат ва саноат объектларини ҳамда қўшин гуруҳларини ҳаво ҳужумидан ишончли мудофаа қилиш вазифаси юклатилган.

Миллий гвардия Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг таркибий қисмидир. Бу гвардия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 январдаги қарорига биноан, республика Қуролли Кучлари қисмлари негизда тузилди (10). Миллий гвардиянинг асосий вазифаси: Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги ҳамда фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишдир. Гвардия таркиби фуқароларни мажбурий ҳарбий хизматга чақириш ва армия хизматига ўз ихтиёри билан боришни биргаликда мувофиқлаштириш асосида тўпланadi. Гвардия зиммасига бир қанча ўзига хос вазифалар, жумладан, давлат тантана маросимларида иштирок этиш юклатилган. Шу мақсадда гвардия таркибида фахрий қоровул ротаси тузилган. Шунингдек, гвардия зиммасига алоҳида муҳим давлат объектларини қўриқлаш вазифалари ҳам юклатилган.

Махсус қўшинлар эса жанговар ҳаракатларни оператив таъминлаш масалаларини ҳал этиш учун мўлжалланган.

1999 йилгача чегара қўшинлари Миллий Ҳавфсизлик хизмати таркибида бўлишган. 1999 йил 13 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил этилди (11).

Ушбу Фармон асосида белгилаб қўйилганки Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи Қўмита давлат бошқарувининг марказий органи ҳисобланиб, чегарага доир сиёсатни амалга оширишни Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашни ташкил этишни таъминлайди.

Ички қўшинлар Ички Ишлар вазирлиги таркибида ташкил қилинган. Уларнинг асосий вазифалари милиция органлари билан биргаликда шаҳарларда, аҳоли яшайдиган жойларда, тоифаланган халқ ҳўжалиги корхоналарида ва бошқа жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ташкилотлар, идоралар, муассасаларни жиноятчиликдан ва бошқа жамиятга қарши ҳаракатлардан муҳофаза қилишга қаратилган.

Миллий ҳавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа вазирликлар ва ташкилотларнинг ҳарбий тузилмаларининг асосий вазифаси миллий ҳавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос вазифаларини бажариш, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларнинг оқибатларини тугатиш ва инсон ҳаётини таъминловчи халқ ҳўжалиги корхоналарини қўриқлаш ҳисобланади.

Қуролли Кучларни жойлаштириш (дислокация) Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари, чегаралари ва ҳаво бўшлиқларининг мустақкам мудофааси умумий стратегик мақсад асосида таъминлашдан келиб чиқиб белгиланади ва ҳарбий доктрина талабларига мувофиқ стратегик ва оператив режа асосида, шунингдек қўшинларни жанг олдидан сафарбар қилиш режалари бўйича амалга оширилади.

Армия мамлакат бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобига таъминланади. Ҳар йили мудофаага ажратиладиган маблағ миқдори Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Қуроллар, ҳарбий техника, бутловчи қисмлар ва бошқа ашёларни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва таъмирлаш, мудофаани зарур озиқ-овқатлар билан таъминлаш, шунингдек мудофаа манфаатларига хизмат қилувчи илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва қурилиш ишларини амалга ошириш, ривожлантириш ва сақлаш тўлиқ ҳажмда давлат буюртмасига киритилади.

Қуролли Кучларга Олий бошқарувни Президент амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 моддасига мувофиқ Президент мамлакат Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондонди ҳисобланади. «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Президент мамлакат мудофаа қобилиятини таъмин-

лаш, қуролли тажовуз бўлган ҳолларда давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чора тadbирлар қабул қилади, мудофаа вазирини тайинлайди. Қуролли Кучларнинг қурилиш, уларни стратегик қўллаш режаси, шунингдек, сафарбарлик режасини тасдиқлайди. Қуролли Кучларга жанговар ҳаракатларни олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилади ва буйруқ беради.

Қонунчиликда Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва бошқармаларнинг мудофаа соҳасидаги ваколатлари, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган. Масалан, мудофаа ҳарбий қурилиш, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш масалалари бўйича қонун актларини амалга оширишда парламент назоратини ўрнатиш Олий Мажлис зиммасига юклатилган.

Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига мудофаани таъминлаш бўйича ўзига буйсунадиган барча тузилмалар фаолиятига раҳбарлик қилиш, Қуролли Кучларни қуроллар, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситалар билан таъминлаш, мудофаа ва Қуролли Кучлар эҳтиёжи учун моддий техника ресурслари, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа буюмларнинг ҳажмини, ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилиши лозим бўлган республика фуқароларининг сони, ҳамда уларнинг ҳарбий ва муқобил хизматни ўташ тартибини белгилаш, ҳарбий мажбуриятли ва ҳарбий хизматга чақириш, ҳамда ҳақиқий муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни заҳирага чиқариш, ҳарбий мажбуриятлиларни йиғилишга чақириш, сафарбарлик ва ҳарбий хизматдан бўшатилш тўғрисида қарорлар қабул қилиш кабилар кирати.

Мудофаа вазирлиги Қуролли Кучларни давлат бошқарувининг марказий органи ҳисобланади. Вазирлик Қуролли Кучларининг аҳволи ва келгусидаги тараққиётига, жанговар тайёргарлик ва интизомга тўлиқ жавобгар. У мудофаа соҳаси ва ҳарбий қурилишда ишлаб чиқилган давлат сиёсатининг Қуролли Кучларда амалга оширилишини таъминлайди. Мудофаа режалари ва концепцияси лойиҳаси, Қуролли Кучларнинг қурилиши ва тараққиёти, қуроллар ва ҳарбий техника тараққиётининг давлат дастурлари, мудофаа эҳтиёжлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этади. Мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳаларида илмий тадқиқотлар ташкил қилади ва ўтказди, ҳарбий техника ва бошқа ашёлар яратиш, ишлаб чиқариш ва таъмирлаш учун давлат буюртмаларининг бажарилишини назорат қилади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий ислохотнинг иккинчи босқичини амалга ошириш ишларини олиб бормоқда. Ҳарбий ислохотнинг биринчи босқичида (1992—1996 йилларда) қисм ва бўлинмалар, ҳарбий ўқув юртлари ва муас-

сасаларини ислоҳ қилишнинг тартиби аниқланган. Тегишли сафарбар этувчи режалар, керакли қонунлар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Шунингдек, кадрларни ўқитиш ва тарбиялашнинг тугал тизими яратилган.

Ҳарбий ислохотнинг иккинчи босқичида эса Қуролли Кучларни ислоҳ қилишни ниҳоясига етказиш, янги ташкилий тизимга тўла ўтиш, қўшин турлари ва хиллари бошқарувининг юксак даражасига эришиш, жанговор тайёргарликда ва ҳарбий кадрларни касб маҳоратларини оширишда янада юксак сифатли натижаларни қўлга киритиш йўлларида фаол иш олиб бoлмoқдa.

Масалан, ҳарбий касбни танловчи ёшлар учун Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида ҳарбий мутахассисликларга йўналтирувчи лицейлар фаолият кўрсатмоқда, Ҳарбий лицей тингловчилари икки йил мобайнида ҳарбий кўникма тўплаб, ўзлари танлаган қўшин турлари бўйича Олий ҳарбий билим юртларига йўл оладилар.

Тошкент умумқўшин командирлари, Самарқанд автомобилчи командир — муҳандислар, Чирчиқ танкичи командир — муҳандислар, Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртлари, Тошкент алоқа-электротехника институтининг махсус факультети Қуролли Кучларимиз сафларига турли мутахассисликлар бўйича қўқори малакали офицер кадрлар тайёрлаб берадиган Олий ҳарбий илм ўчоғига айланган.

Қуролли Кучларимизга олий кўмондонлик таркибини тайёрлаётган ҳарбий Академиянинг очилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиё минтақаси учун муҳим воқеагина бўлиб қолмай, у халқаро аҳамиятга моликдир. Мамлакат Президенти, Қуролли Кучлари Олий Бош кўмондони Ислom Абдуғаниевич Каримов Академиянинг очилишига бағишланган тантанادا нутқ сўзлар экан, жумладан шундай деди: **«Ишончим комилки, йиллар ўтиб, авлодларимиз биз халқимизнинг мустақиллиги йўлида, унинг тинч бунёдкорлик меҳнатини ҳимоя қилиш йўлида қилган ишларимизга муносиб баҳо беради»¹².**

Марказий Осиёда ягона ҳарбий Академиянинг очилиши, бу — фанга нисбатан кескин бурилиш, янги билимларни орттириш, Шарқ ҳарбий бошлиқларининг, аввало Соҳибқирон бобоқолонимиз Амир Темурнинг тажрибали, тезкор ҳарбий санъат ва тактиканинг сўнги ютуқлари, жаҳон ҳарбий илми ҳамда хорижий мамлакатлар жанговар тайёргарлигининг илғор тажрибалари негизда малакали миллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш демакдир.

Жанговор тайёргарликнинг юқори савияда бўлишини таъминлаш қисм ва бўлинмалар, ҳарбий ўқув юртлари, умуман Қуролли Кучларнинг бош вазифаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар билан ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан, ҳар-

бий соҳада ҳам ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигининг муҳим пойдевори халқларимизнинг умумий тарихий негизига эгаллидир.

Ушбу соҳадаги алоқаларни яхшилашнинг яна бир зарурати шундаки, Совет ҳокимияти даврида Марказий Осиё минтақасида ечилмай қолган жуда кўп этник, иқтисодий ва бошқа мураккаб муаммолар йиғилиб қолди. Иккинчидан таҳлика ва хавфнинг ўчоги бўлмиш Афғонистон ва ҳали ҳам тинчлик ва осойишталикка эришмаган Тожикистон ҳам айнан шу минтақада жойлашган. Агар бунга яна Туркистон номли ягона ҳудудда яшаган аҳолини сунъий равишда миллатлар ва халқларга ажратилганини, ҳамда Ўрта Шарқнинг айрим давлатлари ўртасидаги жиддий келишмовчиликларни қўшсак, минтақавий хавфсизликни таъминлаш вазифасининг нақадар долзарблигини ва муҳимлигини ҳис этиш қийин эмас.

Ўзбекистон раҳбарияти минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун амалий чоралар кўриб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон 1991 йил декабрда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш бўйича Алмати Декларациясини, 1992 йил майда эса Коллектив хавфсизлик Шартномасини имзолади. 1993 йил январда Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг бошқа давлатлари билан бирга тинчликни таъминловчи батальонни ташкил этишда ва уни тожик-афғон чегарасига юборишда иштирок этди. 1993 йил сентябрида эса МДҲ давлатлари раҳбарларининг қарорига биноан мудофаа коалицион кучлари ташкил этилиб, бунда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Қуролли Кучлари билан бир қаторда Ўзбекистон миллий армияси вакиллари ҳам қатнашдилар.

Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари ўртасида 1993 йил январда йўлга қўйилган минтақавий ҳарбий-техник ҳамкорлик катта тарихий аҳамиятга эга. Мазкур мамлакатлар Президентлари иқтисодий, сиёсий ва қамровли масалалар билан бир қаторда ўзларининг ҳарбий сиёсатдаги нуқтаи назарларини (позицияларини) келиштириб олдилар ва хусусан Қозоғистонда ҳамда Туркменистонда миллий армиялар ташкил этилишини эълон қилдилар. Ўша кунлари Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ўзининг бир йиллигини нишонлаётган эди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳарбий-техник ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон давлат раҳбарлари ўртасида имзоланган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартномаларда махсус моддалар билан бирга ҳарбий муносабатлар ҳам ўз аксини топган.

Энг фаол ҳарбий-техник ҳамкорлик Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида 1994 йилда ташкил топган ягона иқтисодий макон доирасида амалга оширилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган мамлакатлар ҳукуматлари ўртаси-




Тараққийётнинг закиврили одими бошланди Бухоро нефть қиюш-
нинг очилиш маросими Мурат боситди



Нефть заводи манзаралари.





Тўқимачилик саноатида буюмни қўришни



«ЎЗДЭУавто» — Ўзбекистон машинасозлиги мўъжизаси.



Енгил саноатнинг улкан одимлари.



Тайёр машиналар сўнги наворатлан ўтмоқда.



Буюк Ипак йули — тараққийет йули.



Ўзбекистон Республикаси Марказий биржаси.



Аппарат М - 1



Темурийлар даври тарихи музейи ўзбек халқи қудра



1нг маҳсули.




Президент И. Каримов Амнижонг асдавордида



Олтин волни — ризқ-руз, фаровонлик волини.
www.ziyouz.com kutubxonasi



Наркызы Н. Канынаны камышталарына барып, тасмакка барып.





Тошкент оқшомлари — ширчилик, барқарорлик,
оса велик оқшомлари



Қўшлоқларимиз жамоли. Бахт уйи — бахт бешиги.



Обод юрт — обод Ватан!



«ЎзДЭУ»да дўстона учрашув

даги уч томонлама имзоланган махсус Битим эса ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосидир.

Минтақавий хавфсизлик соҳасидаги концептуал муаммоларни кўриб чиқиш, мудофаа бўйича ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлаш, мудофаа ва хавфсизлик йўналишида аъзо — давлатларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, қабул қилинган битимларни ташкил этиш, ҳамда ҳарбий ҳамкорликнинг бошқа масалаларини ҳал қилиш мақсадида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг Давлатлараро Кенгаши таркибида ишчи орган сифатида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари Мудофаа вазирлари Кенгаши тузилди ва у фаолият кўрсатмоқда. Ушбу органнинг фаолияти Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари давлат раҳбарлари тасдиқланган махсус Низомга асосан тартибга солинади.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги йирик амалий тадбирлардан бири Давлатлараро Кенгашнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида тинчликни ўрнатиш машқларида қатнашишга мўлжалланган Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикасининг тинчлик ўрнатувчи батальони (Центразбат) ташкил этиш, моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ва унинг фаолияти тўғрисида махсус Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори бўлди.

Тинчликни ўрнатувчи батальонни (Центразбат) ташкилий жиҳатидан мустаҳкамлаш мақсадида Давлатлараро Кенгашнинг қарорига кўра ушбу батальонни «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида Америка ва Оврўпа қитъаларида ўтказиладиган тинчликни ўрнатиш машқларига тайёрлаш ва иштирок этиш ҳамда БМТ раҳнамолигида кўп миллатли кучларни жалб этган ҳолда Марказий Осиё ҳудудида машқларни ўтказиш кўзда тутилган.

Юқорида айтиб ўтилган тинчликни ўрнатиш батальонини ташкил этишнинг муҳим сабаби Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг БМТ Бош қотибига қилган мурожаатлари бўлди.

Ҳозирги вақтда тинчликни ўрнатиш батальони (Центразбат) тамомила шаклланди ва комплектланди (буғланди). Унинг таркибида тенг равишда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Куролли Кучларининг офицерлари, прапорщиклари, сержантлар ва аскарлари бор.

Батальоннинг қурол-аслаҳаси ва ҳарбий техникаси БМТнинг шундай ҳарбий бўлинмаларига қўядиган талабларига мувофиқ келади. Ушбу батальоннинг ташкилий ва фаолият кўрсатиш масалалари, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш каби масалалар қатори мудофаа вазирлиги Кенгаши мажлисларида кўриладиган асосий мавзу ҳисобланади.

Масалан, 1997 йил апрел ойида мудофаа вазирлари Кенгашининг Тошкентда ўтказилган навбатдаги мажлисда «Тинчлик

йўлидаги ҳамкорлик» доирасидаги шу йил сентябр ойида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида ўтказиладиган «Центразбат-97» номли машқлар лойиҳаси ҳар томонлама муҳокама этилди. Бу машқлар кейинчалик 1997—1998 йилларда ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганининг дастлабки кунлариданоқ Мустақил Давлат Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар билан ҳарбий соҳада ҳамкорликка муҳим аҳамият бера бошлади. «Ўзбекистон, — дейди И. Каримов, аynи шу сабабли минтақада ва собиқ Иттифоқ ҳудудида коллектив хавфсизлик тизимини барпо этиш ташаббускорларидан бири бўлди. МДХ мамлакатлари ўртасида тузилган коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномаларининг дастлабкиларидан бири 1992 йил май ойида айнан Тошкентда имзолангани ҳам тасодиф эмас»¹³.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар ўртасидаги ҳарбий-техник ҳамкорликка қаратилган муҳим халқаро-ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар мажмуи 1995 йил февралда Алматида имзоланди. Умуман, МДХнинг 5 йиллик фаолияти давомида, МДХга аъзо давлатларининг ҳарбий соҳада муносабатларини тартибга солидиган 200 га яқин шартномалар, битимлар имзоланди.

Шулардан кўпи, жумладан, ҳарбий-техник ҳамкорликни чуқурлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг oilасини ижтимоий ҳимоялаш, МДХга аъзо давлатларнинг ўзаро муносабатларида куч ишлатмаслик ёки куч билан хавф солмаслик тўғрисида, собиқ СССР Куролли Кучларини қисқартириш, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида, ҳарбий ҳамкорликни мувофиқлаштирувчи Штаб тўғрисида, МДХга аъзо давлатларнинг мудофаа вазирлари Кенгашининг Низоми тўғрисида, космик фазони тадбиқ этиш ва фойдаланиш бўйича ўзаро фаолият тўғрисида, ҳаво ҳужумидан мудофаанинг бирлашган тизимини ташкил этиш тўғрисида ҳамда бошқа шартномалар ва битимлар Ўзбекистон томонидан имзоланган ва аниқ бажарилмоқда.

Ўзбекистон, Украина, Беларус Республикаси, Грузия, Озарбайжон Республикалари билан ҳам ҳарбий соҳада ҳамкорлик борасида мустақкам алоқа ўрнатди. Уларнинг ҳарбий муассаса вакиллари давлат ва ҳукумат раҳбарлари имзоланган дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар ва битимларга амал қилган ҳолда ташрифлар давомида ҳарбий-тадқиқот ва илмий изланишларнинг стратегик, тактик йўналишларини келишиб олиш ва ривожлантириш, қурол-яроғ ва техникани такомиллаштириш, ҳарбий кадрларни ўқитиш, Куролли Кучлар шахсий таркибини моддий-маиший жиҳатдан таъминлаш масалалари бўйича катта ишлар олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилишининг устивор йўналиши бу Россия Федерацияси билан ўзаро алоқалар ўрнатишдан иборатдир. И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Россия иқтисодий жиҳатидан ҳам, ҳарбий-техника-

вий жиҳатидан ҳам буюк давлатдир. Шунинг учун ҳам коллектив хавфсизлик тизимини барпо этишда ҳам, МДХ доирасида давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви масаласида ҳам Ўзбекистон Россия билан яқиндан ҳамжиҳатлик алоқаларини мустақамлашга ва стратегик ҳамкорлик ўрнатишга интиломда»¹⁴.

Шундай ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси бўлиб 1992 йил 30 майда Москва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида имзоланган давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида Шартнома, 1994 йил 2 мартдаги ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома ҳамда бир қатор давлатлараро бошқа битимлар хизмат қилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг кўпгина соҳаларида, шу жумладан ҳарбий соҳада ҳам халқаро майдонга чиқди. «Бизнинг ҳарбий доктринамиз муҳофаа ва хавфнинг олдини олиш характерига эга. Шу боис — дейди И. А. Каримов, — Ўзбекистон БМТ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг тинчликни сақлаш тадбирларида иштирок этишга тайёр»¹⁵.

Совет блоку емирилиб, Варшава шартномаси тугагандан кейин 1949 йилнинг апрелида ташкил қилинган ва Европадаги 14 та мамлакатни, шунингдек АҚШ ва Канадани бирлаштирувчи Шимолий Атлантика шартномаси Ташкилоти — НАТОга аъзо давлатлар ана шундай операцияларни амалга оширувчи энг реал ва қудратли ҳарбий-сиёсий ташкилот бўлиб қолди. НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастури Европа хавфсизлигининг янги моделини яратишга қаратилган йўналишларидан бири бўлиб қолди. У қўшилмаган, бетараф мамлакатларнинг ҳамда собиқ СССР мамлакатларининг куч-ғайратини бирлаштиради.

Ўзбекистон 1992 йилда собиқ СССРдаги бошқа тўққизта республика қатори Шимолий Атлантика Ҳамкорлик Кенгаши ишига қўшилди. Ўзбекистон 1994 йилнинг 13 июлида аниқ белгилаб кўйилган битимни имзолаб, НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастур қатнашчиси бўлиб қолди.

Ўзбекистон ушбу дастурдаги ҳамкорлиги сиёсий муаммолар ва масалалар билан боғлиқ бўлган хавфсизликни таъминлаш, минтақавий можароларни бартараф этиш ҳамда иқтисодий масалаларда ишонч чораларини мустақамлашга қаратилган.

Фавқулодда вазиятларда ҳарбий ва фуқаролик хизматларининг ишини мувофиқлаштириш, муҳофаа саноатини конверсиялаш, қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш масалалари «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастури доирасида ечилаётган вазифалар жумласига киради.

Ушбу дастур доирасида Ўзбекистоннинг ҳамкорлик қилиш Марказий Осиё минтақасида ва умуман Евроосиё маконида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик ишига кўмаклашади, мамлакатлар ўртасида турли соҳалардаги самарали ҳамкорликни

янада ривожлантиришга олиб боради ва пировард натижасида жаҳон ҳамжамиятига тезроқ интеграциялашиш имконини беради. Шунинг учун Президенти И. А. Каримов «НАТО билан ҳамкорлик қилиш ҳарбий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриш, бу уюшма доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва ишланмалардан баҳраманд бўлиш учун имкон беради» дейди¹⁶.

Мамлакатимизнинг ушбу дастуридаги ҳамкорлигини яхшилаш мақсадида, шунингдек НАТОга аъзо мамлакатларнинг бой тажрибасидан янада кўпроқ фойдаланиш учун Ўзбекистон билан НАТО ўртасида минтақавий хавфсизлик соҳасидаги бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Презентация (тақдимот) ҳужжатлар шулар жумласидандир. Бу ҳужжатда Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва ҳарбий соҳаларида шерикчилик жиҳатларини ривожлантириш борасидаги мақсадлари ҳамда уларни амалга ошириш чора-тадбирлари баён этилган. Бу тадбирлар тизимига ахборот айрибошлаш чоғида хавфсизлик режимлари тўғрисидаги битим, хатти-ҳаракат кодекси, Шимол-Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО)га аъзо мамлакатлар билан «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастурига аъзо мамлакатлар ўртасида, уларнинг Куролли Кучлари мақоми тўғрисидаги шартнома, Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги шерикликнинг яқка тартибдаги дастури кирази.

Ўзбекистон билан НАТО мана шу битимлар ҳамда дастурларни бажара бориб, бир қанча ташкилий ва амалий тадбирлар рўёбга чиқардилар. бир-бирларига вакиллар юбориб, тинчлик ўрнатиш машқларида иштирок этдилар.

Масалан, НАТОнинг илмий кўмитаси ўзбек олимлари томонидан ишлаб чиқилган илмий дастурларнинг лойиҳаларига грантлар берди. Ўзбекистоннинг ҳарбий бўлинмалари 1995—96 йилларда АҚШ ҳудудида «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастури бўйича «Кооператив Наггет-95», «Кооператив Оспрей-96» деган шартли номлар остида амалга оширилган инсонпарварлик ва тинчлик ўрнатиш машқлари чоғида қўшма машқларни ўтказишда иштирок этдилар. 1996 йилнинг сентябрида Ўзбекистон ҳудудида АҚШ ҳарбий бўлинмаларининг иштироки билан «Ультра Баланс-96» машқлари ўтказилди. Бундай машқлар 1997, 1998, 1999 йилларда ҳам амалга оширилди.

Мана шу машқларда қатнашган Ўзбекистон Куролли Кучларининг вакиллари юқсак профессионал тайёргарлигини, ҳарбий қасамёдга содиқлигини, ватанпарварлик, интизом ва уюшқоқликни намойиш этдилар.

Вашингтонда НАТОнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек «Ўзбекистон — НАТО муносабатларининг асл моҳияти — давлатимизнинг хавфсизлигини ва тинчлигини таъминлаш, қолаверса минтақада барқарорликни қарор топтириш учун шарт-шароитни имкон қадар кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан иборат»¹⁷.

Конституцияга асосан Ўзбекистон Республикасининг сиёсий мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратишдир, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир ва унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Ўзбекистон шу пайтгача, И. Каримов таъкидлаганидек, — дунёнинг барча мамлакатлари, қитъалари ва минтақалари билан ўз муносабатларини, бу мамлакатларнинг устқурмаси қандай бўлишидан қатъий назар, фақат халқаро ҳуқуқнинг барча тан олган қоида ва мезонлари асосида қуриб келди ва бундан кейин ҳам шу йўлдан боради¹⁸.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда тинчликсевар йўлдан бориб, ўз фуқароларининг ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифасини юклаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига биноан ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунига асосан етарли зарурият миқёсида ўзининг ҳарбий салоҳияти ва мудофаа қобилиятини таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва ҳарбий стратегиясига асос солинган бу қоидалар илк бор 1991 йил август ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда ва Олий Кенгашнинг «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Баёнотида ўз аксини топди (2).

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий стратегияси, Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги қонунида кенгайтирилди ва унга аниқлик киритилди. Ушбу қонунда давлатни мудофаа қилишнинг мақсад ва вазифалари, ҳарбий доктринанинг йўналишлари ҳамда давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини таъминлашнинг ташкилий, бошқарув, ҳуқуқ ва мажбуриятлари асослари аниқ белгилаб берилди.

Ҳарбий стратегиянинг ҳуқуқий ривожини ва унинг асосий меъёр ҳамда қоидаларини мустаҳкамлашга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим ҳисса қўшди. Давлатимизнинг асосий қонунида фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташи мажбурийлиги, мамлакат Президентига Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондонлик вазифаси юклатилганлиги норматив жиҳатдан мустаҳкамланган. Конституциямизнинг «Мудофаа ва хавфсизлик» номли махсус бобида Ўзбекистон Қуролли Кучларини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий масалалари Конституцион равишда тартибга солинган.

Давлат ҳарбий стратегиясини шаклланиши ва аниқ йўналишларини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессияси муҳим ҳисса қўшди. Бу сессияда мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов томонидан биринчи марта миллий хавфсизликнинг энг муҳим (асосий) тўққиз тамойили шакллантириб берилди. Ўзбекистоннинг ҳаёон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида фаолияти, давлатлараро битимлар мустаҳкам тизимини яратиш ва унга сўзсиз амал қилиш, ташқи сиёсатни мафкурадан тўла ҳоли этиш, қўшилмаслик ҳаракатида ҳамда МДҲ давлатларининг коллектив хавфсизлик тизимида иштирок этиш, Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, миллий хавфсизлик тизимини яратиш ҳамда жамиятнинг ижтимоий-руҳий, маънавий ва ахлоқий маданий ва тарихий илдиэларига таяниш шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таърифлаб берилган миллий хавфсизлик тамойиллари давлатимиз ҳарбий стратегиясининг ҳуқуқий асосини яқунловчи ҳужжат бўлмиш ҳарбий доктрина асосини (негизини) ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳарбий доктрина ҳатто собиқ Совет Иттифоқида ҳам йўқ эди. Бу Ўзбекистон ҳарбий сиёсатини ҳуқуқий асосини, стратегик мақсад ва гоёларини кўрсатади.

Ёш суверен давлат бўлмиш Ўзбекистон ўзининг мустақиллик йиллари мобайнида ташқи сиёсат, давлатлараро муносабатлар, уруш ва тинчлик муаммоларининг принципал янги нуқтаи назари ва масалаларига таянадиган, миллий хавфсизликнинг умумдавлат концепциясининг таркибий қисми бўлган ҳамда мамлакатнинг мудофаа сиёсатини асосини ташкил этган ҳарбий Доктринани ишлаб чиқди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида 1995 йил 30 августда қабул қилинди¹⁹.

Ҳарбий Доктрина ҳарбий қурилишнинг асоси, ҳарбий соҳани ислоҳ қилиш ва ҳарбий-техник сиёсатининг истиқболларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳарбий билим, ҳарбий санъат ва офицер кадрларни тайёрлашни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Олдига қўйилган ваэифаларга кўра мамлакат ҳарбий Доктринасининг мазмуни ва структураси аниқланди. У ўз ичига умумий қондалар, сиёсий ва ҳарбий-ташкилий аспектлар ҳамда ҳарбий доктринанинг ҳуқуқий асосларини олади. Ҳарбий доктринада давлатнинг ўз фуқароларини ҳаёти ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича асосий мақсад ва ваэифалари аниқ тавсифлаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ва давлатлараро можароларни уруш йўли билан ҳал этишга қатъий равишда қарши чиқади ва ўзининг ташқи сиёсат фаолиятида ҳарбий низолар ҳамда қарама-қаршиликларнинг келиб чиқиш сабабларини бар-

тараф этувчи ёки йўл қўйилмайдиган, хавфнинг олдини олиш дипломатияси усуллари ёрдамида дунё ҳамжамиятининг давлатлари ўртасидаги ҳарбий низоларни олдини олиш масалаларини бош вазифа деб билади. Бу вазифалар Ўзбекистон Республикасининг қонуний ва меъёрий ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида уруш ва ҳарбий низоларнинг олдини олиш ўзининг бош стратегик йўналиши деб қабул қилиб, ҳеч қандай ҳарбий блокка кирмаслик, агрессиядан ташқари ўз Қуролли Кучларини бошқа давлатларга қарши қўлламаслик, ҳеч кимни ўз душмани деб қарамаслик ва ядросизликнинг уч тамойилига амал қилиш мажбуриятини олди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг халқаро фаолиятида урушни олдини олиш бўйича кенг қамровли чоралар қўриш лозим деб ҳисоблайди. БМТнинг мавқеини ошириш, фаол интеграцияланиш, ядро қуролини синашни буткул тўхтатиш, кимё қуролини йўқ қилиш, Марказий Осиё ҳудудини ядросиз минтақа деб эълон қилиш, ақидапарастликка, экстремизмга, терроризмга барҳам бериш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳарбий Доктринада Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари, ҳарбий хавфнинг потенциал манбалари, замонавий урушларнинг характер ва оқибатлари, ҳарбий-стратегик бош вазифалари, Қуролли Кучларни қуриш ва қўллашнинг тамойиллари ҳамда республика иқтисодиёти, ҳудуди ва аҳолисини мудофаага тайёрлашнинг моҳиятлари очиқ берилган.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринасининг асосий ғояларини ривожлантира бориб, кейинги беш йилда дунёда, минтақада ва мамлакатда рўй бераётган геополитик вазиятни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасини ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Уни ишлаб чиқишда ва қабул қилишда алоҳида геополитик ўрин эгаллаб турган Марказий Осиё минтақаси ҳозирги пайтда халқаро террорчилик, диний экстремизм ва ақидапарастликни ёйишга, минтақадаги мамлакатларни ўзлари танлаган демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган экстремистик кучлар ва диверсион-қўпоровчи марказларнинг ўта манфаатдор объектига айланаётгани ҳисобга олинган. Наркобизнес ва файриқонуний қурол-аслаҳа савдоси кўламининг кенгаётгани хавфсизликка жиддий таҳдид солмоқда. Бундай шароитда давлатнинг энг муҳим вазифаси Мудофаа вазирлиги, чегара ва ички қўшинларнинг тезкор, замонавий қурол-аслаҳага эга, профессионал жиҳатдан яхши тайёрланган бирлашма ва қисмларини ташкил этиш, мамлакатнинг ягона ҳимоя ва мудофаа тизимини, барча қўшин турлари ва ҳарбий бўлинмалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ўзаро ҳамкорлигининг самарали механизмини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлиги концепциясининг принципиал ўринларига, мамлакат ва минтақанинг хавф-

сизлиги, тинчлиги ва барқарорлигига таҳдид солаётган кучларни чуқур ўрганишга асосланган ҳолда Мудофаа доктринаси ҳарбий қурилиш, ишончли мудофаани, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигини таъминлашга доир асосий тамойилларни белгилаб беради.

Қабул қилинган доктрина мутлақо мудофаавий хусусиятга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг тинчликпарвар сиёсати ифодасидир. Доктринада умумий хавфсизлик тамойилидан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё давлатларининг минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурлиги таъкидланади.

Доктринада вазирлик ва идораларнинг, давлат ва нодавлат ташкилотлари ва муассасаларнинг мамлакат мудофаа салоҳиятини таъминлаш борасидаги ўрни ва маъсулияти белгилаб берилган. Доктрина қоидаларини амалга ошириш Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас бурчдир²⁰.

1999 йилнинг февралида Тошкентда содир бўлган фожиа, сўнгра Қирғизистон жанубида ва Янгиободда содир бўлган воқеалар халқимизнинг тинч ҳаётини кўра олмайдиган кучлар борлигини ва улар Ўзбекистонни танлаган йўлидан қайтариш учун ҳар қандай қабоҳатга тайёр эканлигини кўрсатди. Мустақил Ўзбекистоннинг посбонлари бўлган Куролли Кучлар аскарлари мана шу оғир қунларда ўзларини жасур ва матонатли Ватан ҳимоячилари сифатида кўрсатди.

Ҳурматли юртбошимиз И. А. Каримов айтганларидек: «ҳаёт бор экан, давлат, эл юрт бор экан, ўзинг туғилиб ўсган, ота боболарнинг ҳоқи ётган, эртага фарзандлари камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриши керак»²¹. Шу фикрлар билан Ўзбекистон Куролли Кучларини шахсий таркиби юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраб юришибди ва абадий асрашадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. — Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996, 52-бет.
2. Конституционное право Республики Узбекистан: (сб. нормат. актов) Т.1, — Т., «Шарк», 1995, с. 94—101.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг нашри, Хабарнома, 8-сон (23), 1996, 70-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 4.
5. Уша жойда, 1994 йил, № 1.
6. Конституционное право Республики Узбекистан с. 335-378.
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1999.

8. «Халқ сўзи» газетаси, 1996, 31 декабрь.
9. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 52-бет.
10. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. Қомуслар Бош таҳририяти. Т.: 1997, 214-бет.
11. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил 14 январь.
12. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан, Т. 4— Т, Ўзбекистон, 1996, 18-бет.
13. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 50-бет.
14. Уша жойда 50-бет.
15. Уша жойда 52-бет.
16. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1998, 148-бет.
17. «Правда Востока» газетаси 1999, 28 апрель.
18. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 49-бет.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9.
20. «Правда Востока» газетаси, 2000 йил, 4 февраль.
21. «Халқ сўзи» газетаси, 1999 йил, 6 ноябрь.

Иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос тамойиллари

1-§. МАКРОИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ЭРИШИШ

Ҳар қандай ислохот, агар у одамлар ҳаётини яхшилашдан иборат пировард натижага қаратилмаса, ундай ислохотлар кераксиздир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги амалга оширилган туб ислохотлар ҳар томонлама барқарорликни таъминлашга, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишга қаратилди. Мустақиллик йилларида мамлакат ҳукуматининг иқтисодий стратегияси асосан энг муҳим уч вазифани ҳал этишга йўналтирилди:

1. Ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш;
2. Иқтисодий юксалишнинг асоси сифатида макроиқтисодий барқарорликка эришиш;
3. Барқарор иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратиш.

Ўзбекистонда ислохотлар эндигина бошланган 1992 йилдаёқ Президент Ислом Каримов Ўзбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар барқарорлик вазиятида ўтиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам у ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» (1992) номли китобида ҳукумат сиёсати хусусийлаштириш ва рақобат вазиятини шакллантириш жараёнларини чуқурлаштиришга, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, миллий валютани мустаҳкамлашга, иқтисодий тизимда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, кучли ижтимоий кафолатлар берадиган ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришга қаратилган, ¹ деб уқдиради.

Шу боис мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти ни ислох қилишнинг муҳим натижаси бу макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришилгани бўлди. Бинобарин, бу жараён бозорни шакллантиришдаги муҳим жиҳатдир. «**Барқарорлаштириш сиёсати**, — деб ёзади И.Каримов, — энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир. Шунингдек, у пул қадрсизланишнинг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган давлат сиёсатидир».

Ўзбекистонда макроиқтисодиётни барқарор қилиш бораси-

да қатор амалий чоралар белгиланар экан, аввало бу борадаги жаҳон тажрибаси ўрганилди, айти чокда МДХ давлатларида шу соҳада йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилинди. Жумладан, ўтиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилашда аввало устивор, катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ҳар томонлама рағбатлантириш, яъни энг муҳим бўғинларни аниқлаш (нефть — нефть мустақиллиги, энергетика — энергетика мустақиллиги, дон — галла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноати ва ҳоказолар) орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат юртиши лозим эди.

Шуни рўй-рост айтиш керак, мустақиллик қўлга киритилган 1991 йил охирилари ва 1992 йилда Ўзбекистон зиммасига оғир ва жиддий синовлар тушди.

Шу давр мобайнида «давлат ва халқ ўз тақдирини, ўз мустақиллигини, ўз озодлигини ҳимоя қила олишга қодирми?» деган саволга жавоб беришга тўғри келди. Бунинг боиси шунда эдики, СССР парчаланиб кетиши, анъанавий хўжалик алоқаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган молиявий ва хом ашё захираларининг ниҳоятда тақчиллиги юз берди. Масалан, бошқа минтақалар ва мамлакатлардан маҳсулот етказиб берилишига боғланиб қолган йирик корхоналар тўхтаб қолиш арафасида эди. Бунинг устига аҳолининг моддий аҳволи яна ҳам пастрлашиб кетди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларнинг энг муҳим турлари четдан олиб келиниши сабабли бир мунча қийинчиликларга дуч келинди.

Мулоҳаза учун факт

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар

1994 йилда бевосита хорижий инвестициялар мамлакат инвестициялари умумий ҳажмининг бир фоиздан камрогини ташкил этарди. 1995 йилда уларнинг салмоги 17 фоизга кўпайди. Энг йирик хорижий инвесторлар орасида Англиянинг «БАТ индастриз энд Лонро», Американинг «Ньюмонт Майнинг», Жанубий Кореянинг «ДЭУ» ва бошқа компаниялар бор. Нефтни ва газни тозалаш, қайта ишлаш ва автомобилсозлик инвестициялар учун устун тармоқ ҳисобланади. Инвестицияларнинг катта қисми енгил саноатга яъни тўқимачилик, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўлланди.

Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни амалга оширишда Россия, Украина ва Белоруссияга нисбатан анча ноқулай шароитда эди. Ана шундай ҳолатдан Ўзбекистон ўзининг бутун куч-ғайрати ва ички имкониятларини сафарбар қилиб, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга жиддий эътибор берди.

Чунки иқтисодиётни барқарорлаштиришда устивор ҳисоб-

ланган етакчи асосий тармоқлар белгилаб олинмаса, бозор муносабатлари шароитида уларнинг шаклланишига ёрдам кўрсатилмаса иқтисодий стратегия бой берилиши мумкин эди. Бу бутун мамлакат иқтисодиётини бутунлай янгидан бошлаш, ислохотлар пайтида узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаб туришнинг бош йўли, асосий тамойили бўлди.

Шу боис Ўзбекистон иқтисодиётида, аввало, таркибий ўзгаришлар юз берди. Республика иқтисодий мустақиллигини мустақамлаш, импортни қисқартириш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, шунингдек истиқболни белгилайдиган устивор тармоқларни жадал ривожлантириш, тармоқлар ичидаги номутаносибликка барҳам беришга эътибор қаратилди.

Натижада, халқ истеъмоли молларини четдан келтиришдан воз кечиб, Ўзбекистоннинг ўзида ишлаб чиқаришга катта эътибор берилди.

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг якуний натижаси аҳоли турмуш даражасини оширишга, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга қаратилган.

Мустамлака йилларида иқтисодиётимиз умумиттифоқ меҳнат тақсимоти ниқоби остида бир томонлама, маҳаллий талаб ва эҳтиёжларга мос тушмайдиган тарзда таркиб топди. Собиқ тизимда ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш халқ истеъмол моллари тайёрлаш суръатларидан юқори бўлиши керак деган 20—30 йилларда шаклланган сохта назарияга маҳкам ёпишиб олинганлиги сабабли истеъмол моллари тайёрлаш издан чиққан эди. Натижада ўзимизда етарли табиий бойликлар ва ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўла туриб, аҳоли учун зарур халқ истеъмол молларининг 60 фоиздан ортиги четдан келтирилди эди. Оддий туз ва гугуртни ҳам бошқа давлатлардан олиб келинар эди. Мураккаб технологик жараёнларга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш тўғрисида ўйланмас эди.

Охириги 2—3 йилда ислохотларнинг натижалари аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қондирилишида, айрим турларини эса четга сота бошланганида намоён бўла бошлади.


Энг муҳими, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш камайиб кетишига йўл қўйилмади. Агар, ўтган йили 1996 йилга нисбатан ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,5 фоизга ортган бўлса, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 11,2 фоизга кўтарилди. Ваҳоланки, иқтисодий шароитлари нисбатан анча қулай бўлган Ҳамдўстликдаги баъзи мамлакатларда ишлаб чиқариш 40—50 фоизга тушиб кетиб, истеъмол бозори издан чиқди, оқибатда хориждан келтирилаётган озиқ-овқат ва саноат молларига қарам бўлиб қолдилар. Уларнинг аксариятида 1997 йилда ҳам истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг камайиши давом этди.

Ислоҳот йиллари давомида истеъмол моллари ишлаб чиқариш 56,6 фоизга ошди, бунда республикада ишлаб чиқарилган товарларнинг истеъмол бозоридаги улуши 1994 йилдаги 45,6 фоиздан 1998 йилдаги 65,4 фоизгача кўтарилди (1-диаграмма). Қилинаётган чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражасининг пасайишига, асосий озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари истеъмоли ҳажми қисқаришига йўл қўймасликка имкон берди. Масалан, гўшт истеъмоли 1990 йилдаги 33 кг дан 1998 йилда 36 кг гача, ўсимлик ёғи истеъмоли — 12,6 кг дан 13 кг гача ошди, сабзавотлар, картошка, полиз экинлари, мевалар истеъмоли кўпайди. Республикада мураккаб маиший техниканинг кўп турлари, автомобил ва бошқа халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши натижасида кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг узок истеъмолдаги саноат моллари билан таъминланганлиги ошди. 100 оила ҳисобига телевизорлар сони 1995 йилдаги 57 тадан 1998 йилда 100 тагача, совутгичларни сони — 57 тадан 71 тагача, магнитофонлар сони — 36 тадан 48 тагача, автомобиллар сони — 19 тадан 22 тагача кўпайди.


Бугунги кунда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши қуввати оғир саноатдан тортиб, енгил саноатгача бўлган индустриянинг барча тармоқлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишловчи йирик корхоналар вужудга келди. 2,2 минг йирик ва ўрта саноат корхоналари кенг миқёсга эга турли йўналишдаги маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.



**Узоқ истеъмолдаги моллар таъминоти,
100та оилага ҳисобда**



**Асосий озиқ-овқатлар истеъмоли
бир йилга киши бошига кг. ҳисобида**



Шуни айтиш керакки, Марказий Осиё машинасозлик маҳсулотларининг учдан икки қисми Ўзбекистон корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги пайтда дунёнинг фақат икки мамлакатидagina (АҚШ ва Ўзбекистон) пахтачилик машиналари ва ускуналари тўлиқ ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон — ипакчилик ва пиллакашлик техникаси ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёдаги ягона давлатдир. Авиация техникаси ишлаб чиқариш бўйича МДХдаги энг йирик корхоналарнинг бири Ўзбекистонда жойлашган. Ўзбекистон металлургияси деганда Марказий Осиёда қора ва рангли металллар

ишлаб чиқариш бўйича энг йирик заводлар ҳисобланмиш Олмалиқ ва Навоий тоғ-металлургия комбинати, Ўзбекистон қийин эрувчи ва ўтга чидамли металл комбинати ва бошқалар кўз олдимишга келади.

Нефть кимё саноати 20 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Улардан 15 таси илгари бошқа давлатлардан олиб келинар эди.

Ўзбекистон енгил саноати ҳам кўп тармоқли бўлиб, у индустриалашган комплекс ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳ қилишдаги натижаларни Россияда чиқадиган газеталар ҳам ижобий баҳоламоқда.

Жумладан, «Независимая газета» 1996 йил 22 ноябрь сониде МДХ таркибидаги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислохларни тадқиқ қилиб, қуйидаги хулосага келади.

«Россия 1996 йилда саноат ишлаб чиқариши даражаси бўйича 1990 йилга нисбатан 47 фоиз,

Ўзбекистон	106 фоиз,
Туркменистон	81 фоиз,
Белоруссия	63 фоиз,
Украина	55 фоиз,
Қозоғистон	48 фоиз,
Арманистон	48 фоиз,
Молдова	43 фоиз,
Озарбайжон	41 фоиз,
Қирғизистон	39 фоиз,
Грузия	18 фоиз кўрсаткич билан чиқмоқда.»

Ушбу газетанинг собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги республикалар ичида саноат ишлаб чиқариши жиҳатидан Ўзбекистонни биринчи ўринга қўйганлиги мамлакатда иқтисодий ислохотлар собитқадамлилик билан амалга оширилаётганлигини кўрсатади, бу айна пайтда, унинг хорижий мамлакатларда тан олиншининг белгисидир.

1998 йилнинг бошларида «Вечерняя Москва» газетасида эълон қилиниб, унда «Ўзбекистон Марказий Осиёда ягона карвонбоши бўлаётир. Кейинги йилларда республика ўз иқтисодий ислоҳ этишида катта ютуқларга эришти... Фарбда «ўзбек иқтисодий мўъжизаси» тўғрисида баралла гапиришмоқда», — деб қайд қилишининг ўзи ҳам юқоридаги фикр исботидир.

Ўзбекистонда кейинги йилларда қурилиш комплекси ҳам муттасил ривожланмоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатда йилга 100-110 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Айна пайтда, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, мейморчилик-қурилиш ойналари ишлаб чиқарадиган Қувасойдаги «Кварц» заводи, Янгийўл, Қўқон ва Андижондаги спирт заводлари, Қўнғиротдаги сода заводи каби кўплаб йирик объектлар қурилмоқда. Биргина Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қуриб

фойдаланишга топширилиши мамлакат иқтисодиётида катта ўринга эгаллигини қуйидаги мисолдан кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида республикада транспорт ва алоқа ҳам замонавий талаблар асосида ташкил қилинди.

Мавзуга доир материал

Макроиқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар

*Ислохотларнинг жўшқин ривожланиши туфайли муайян ижобий макроиқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар рўй берди:

*Ялпи ички маҳсулот ҳажмларининг пасайиши суръатлари анча камайди. Чакана товар айланиши ҳажми 8 фоиз камайганига қарамай, 1995 йилда саноат маҳсулотлари ва истеъмол моллари ишлаб чиқариш нисбатан барқарор бўлди. Иқтисодиётнинг энг йирик сектори бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,3 фоиз ошди. Экспорт анча, деярли 16 фоиз кўпайди ва биринчи марта савдо балансида ижобий сальдони таъминланди.

*1996 йилда 1994 йилга нисбатан пулнинг қадрсизланиш жараёнлари кескин равишда, 3,7 баравар камайиб, аста-секин молиявий барқарорликка ва аҳоли реал даромадларининг ошишини таъминлади. Агар 1995 йилнинг биринчи чорагидаги пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражаси 11 фоизни ташкил этган бўлса, учинчи чорада у фақат 6 фоиз бўлди. Йил охирига бориб у яна бирмунча ошган булишига қарамай, 1994 йил даражасидан анча паст бўлди.

*Пул қадрсизланишининг камайиши натижасида аҳолининг реал иш ҳақи ва реал даромадлари ошди.

*Инвестиция фаолияти фаоллашиб, аҳоли бандлигининг қўшимча ошишини таъминлади. 1995 йилда ислохотлар бошлангандан кейин биринчи марта инвестициялар ҳажми ошди.

*Тулов балансининг сезиларли яхшиланишига эришилди, у миллий валюта курсининг мустаҳкамланишига ва унинг қисман ички конвертацияланишини жорий этишга таъсир кўрсатди.

*Иқтисодиёт тармоқлари структурасида қайта қуриш жараёнлари сезиларли бўлиб қолди: устун тармоқларга инвестициялар ҳажми кўпайди, база тармоқлари ва юқори технологияли тармоқлар тезроқ ривожлана бошлади.

*Ички ишлаб чиқаришнинг ошиши асосида аҳолининг гўшт, мевалар, сабзавотлар каби қимматли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиниши ошди.

*Ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқларида иш ҳақининг илдамроқ индексацияланиши ҳисобига иқтисодиёт тармоқлари буйича ўртача иш ҳақининг иш табақаланиши бирмунча қисқарди.

*Аҳолининг 1992 йил 1 январгача жамгарма банклар депозитларига қўйган пул омонатларини 40 барабар индексациялаш ва 1996 йил 1 июлдан бошлаб босқичма-босқич тулаш ҳақида қарор қабул қилинди.

*16 ёшгача бўлган болаларга пул нафақаларини кўпайтириш ҳақида қарор қабул қилинди, бу оилалар, айниқса кўп болали оилалар даромадларининг ошишига кўмаклашади.

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони кўпайди, улар аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларидаги аҳолининг меҳнатини сарфлаш соҳаларини анча кенгайтириш имконини беради, шунингдек аҳолининг даромадларини кўпайтиради.

Макроиқтисодиёт ва статистика
вазирлигининг 1996 йилги маълумотларидан.

Шуни айтиш керакки, республикада юк ва йўловчиларни мамлакат ичкарисида ва ташқарига ташишни МДХ, Яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни таъминловчи транспорт тизими шаклланди. Шу кунларда транспортнинг барча тармоқлари жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида «ТрансОсиё» магистралининг бир қисми ҳисобланган, Жанубий-Шарқий Осиёни Фарбий Европа билан туташтирадиган ва ТрансСибирь Магистралидан 1500 километр қисқа бўлган Тажан—Серахс—Машҳад янги йўли ишга туширилди.

Ўзбекистон Миллий Авиакомпанияси А-310, Ил-86, Ил-76, ТУ-154, Американинг «Боинг» ва бошқа шу каби замонавий ҳаво лайнерларига ва маҳаллий йўлларга мўлжалланган кўп миқдордаги самолётларга эга.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДХнинг барча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Жанубий Корея, Сингапур сингари йигирмадан ортиқ мамлакатлари билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Мулоҳаза учун факт

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон энергетика тизими кўп тармоқли соҳага айланди. Унинг таркибида лойиҳа, қурилиш-монтаж, созлаш, таъмирлаш ва энергиядан фойдаланиш корхоналари мавжуд. Бугунги кунда республикаимизда 37 та иссиқлик ва гидроэлектростанциялар ишлаб турибди. Улар йилига 55 миллиард килловат—соатдан зиёдроқ электр энергияси ҳосил қилиш имкониятига эга. Мамлакатимизда электр тармоқларининг узунлиги 228 минг километрдан кўпдир.

Марказий Осиёдаги энг йирик Толимаржон ГРЭСи жадал суръатлар билан қурилмоқда.

Собиқ Иттифокдаги айрим республикалардан фарқли равишда Ўзбекистонда ҳосил қилинаётган электр ва иссиқлик энергияси республика аҳолиси ва халқ хўжалиги эҳтиёжини тўлиқ қондириб келмоқда.


Айни чоқда Ўзбекистон ривожланган телекоммуникацияга эга бўлди. Мамлакатда 1,5 миллиондан ортиқ абонент телефон тармоғи хизматидан фойдаланмоқда.

Мустақиллик йилларида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ янги институционал тизимлар вужудга келди. Жумладан, Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банки ташкил қилинди. Божхона хизмати бутунлай янгидан тузилди.

Амалдаги тегишли бўлинмалар республика ҳукумати, вазирликлар, маҳкамалар ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, чет эллик сармоядорларнинг мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатишини рағбатлантириш ва уларни ишончли кафолат билан таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий замин яратилди.

Ташқи савдода хорижий ва МДҲ мамлакатлари салмоғи (фоз)




1992—1995 йилларда Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдо обороти қарийб 2 марта кўпайди. МДХ мамлакатлари билан иқтисодий интеграция чуқурлашди. Ўз навбатида иқтисодий жиҳатдан ривожланган узоқ хорижий мамлакатлар билан савдо ҳажми ва географияси бирмунча кенгайди. Узоқ хорижий мамлакатларга анъанавий пахта толасидан ташқари электр манбалари чиқариш, тўқимачилик саноати маҳсулотлари, шунингдек транспорт хизмати, сантехника ва бошқа хизматларни экспорт қилиш йўлга қўйилди.

Импорт тизимида озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш камайиб, технология ва асбоб-ускуналар олиб келиш салмоғи ортди.

Биргина 1994—1996 йилларда чет эл сармоялари иштирокида «Ўзэлмас», «Зарафшон-Ньюмонт», «Ўзсаламан» ва «ЎЗДЭУ» Қўшма корхоналари ишга туширилди. Мазкур корхоналар ишга туширилганидан кейин аҳолини сифатли пойабзал, гугурт, автомобиль ва бошқа истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш ҳажми ортди.

Мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришда 1993 йил август ойидан бошлаб қурилаётган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Йилига 2,5 миллион тонна газ конденсатини қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу заводнинг биринчи навбати лойиҳа ва технологик қисми қурилишларини Франциянинг «Текнип» фирмаси, умумзавод ҳўжалиги объектларини қуришни эса маҳаллий қурилиш ташкилотлари олиб бордилар.




Завод Қоровулбозор туманининг сув тошқинидан холи, темир йўлга яқин бўлган ва барча бошқа ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодий талабларга жавоб берадиган қулай жойидан танланди. Унинг умумий майдони 205 гектарни ташкил этади.

Завод биринчи навбатининг французлар технологияси қиймати кирмаган лойиҳа смета баҳоси 1991 йилги нархда салкам 492 миллион сўмни, объектнинг тўла қиймати эса 840 миллион АҚШ долларини ташкил этади. 1993—1997 йиллар давомида ушбу завод қурилишига жами қарийб 21 миллиард сўм маблағ сарфланди.


Завод қурилиши бундан кейин ҳам жадал суръатларда давом эттирилади. Натижада унинг ишлаб чиқариш қуввати йилдан-йилга кескин ошиб боради. Чунончи, 1997 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 21—25 фоизни ташкил этди. 1998—2000 йилларда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти муттасил ўсиб борди. Жумладан, 1998 йилда 60 фоиз, 1999 йилда 80 фоиз бўлди, 2000 йилда эса 95 фоизни ташкил этади.

Завод тўла қувват билан ишга туширилгач унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бугунги солиштира нарх билан баҳолаганда 50 миллиард сўмга етади.

Диққатингизни битта рақамга тортмоқчимиз. Айни пайтда Бухоро вилояти корхоналари томонидан бир йилда 15 миллиард сўм атрофида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Биргина нефтни қайта ишлаш заводи тўла қувват билан ишга тушгач, бу кўрсаткич 65 миллиард сўмга етади. Яъни вилоят маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,2 мартага ошади.




Нефть экспорти, минг тонна




Завод ишчи ва хизматчилари сони 1500 кишидан ортади, шундан 1460 киши бевосита ишлаб чиқариш билан банд бўлади.

Заводнинг асосий ишлаб чиқариш объектлари билан бир қаторда ишчи-хизматчи, муҳандис-техник ходимлар учун икки ярим минг киши яшайдиган шаҳарча қурилмоқда. Шаҳарчанинг инфраструктурасида умумий майдони юз минг квадрат метр бўлган уй-жойлар ҳамда мактаб, болалар боғчаси, дорихона, амбулатория-поликлиника, тез ёрдам станцияси, меҳмонхона, алоқа узели, маиший хизмат кўрсатиш ва соғломлаштириш мажмуалари, савдо дўконлари, чойхона, қаҳвахона, деҳқон бозори, новвойхона ва бошқа бир қатор объектлар қурилади. Буларнинг аксарияти 1998 йилдан бошлаб фойдаланишга топширилади.

Нефть ва газ конденсатини ишлаб чиқариш, минг тонна



Табий газ ишлаб чиқариш, млн куб метр




1998 йилда нефть ва газ конденсати ишлаб чиқариш 1990 йилдагига нисбатан қарийб 3 баробар ошди. Агар 1990 йилда Ўзбекистонда истеъмол қилинадиган нефтни 70дан ортиқ фоизи ва нефть маҳсулотларининг деярли ярми импорт қилинган бўлса, 1998 йилга келиб улар импортнинг улуши деярли йўққа чиқди. Ундан ташқари, давлатимиз нефть импортеридан унинг экспортерига айланди. Нефть экспорти 1992 йилдаги 270 минг тоннадан 1998 йилдаги 912 минг тоннагача, ёки қарийб уч баробар ошди.

Завод ҳудуди ва атрофини кўкаламзорлаштириш, экологияни яхшилаш мақсадида жуда катта ҳудудга «Нефтьчи» ўрмон хўжалигини ташкил этиш кўзда тутилган.


Шуни алоҳида таъкидлаш керакки мустақилликнинг энг оғир 1992, 1993 ва 1994 йиллари мамлакат аҳолиси учун қанчалик қийинчиликларни рўқач қилмасин, ҳукумат оғир вазиятдан чиқиш билан бирга стратегик мақсадлар билан ҳам яшади. У кундалик муаммоларни ҳал этиш, аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш ва бошқа бир қатор талабларни амалга ошириш, энг оғир иқтисодий тангликдан ҳеч қандай ларзаларсиз ўтиб олиш чора-тадбирларни белгилаш билан бирга мамлакат истиқболини ва халқ келажагини таъминлайдиган улкан мақсадларни ҳам амалга ошириш йўлидан борди. Асакадаги автомобиль заводи, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи, мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидаги юзлаб саноат корхоналари қурилишларига худди ана шу қийинчилик йилларида пойдевор қўйилди.

Ҳатто энг мушкул йилларда — яъни, ўтиш даврининг бошланишида ҳам Ўзбекистонда капитал сармояларнинг кескин тушиб кетиши кузатилмади, 1995 йилдан бошлаб эса инвести-


Ялли ички махсулотда сармоялар улуши, фоиз хисобида




**Иқтисодийётда сармояларнинг ўзгариш суръатлари,
ўтган йилга нисбатан фонд ҳисобида**




Хорижий сармоjali корхоналар ташкил этиш



Қўшма корхоналар низоми жамғармаларига хорижий сармоялар, мамлакат буйича



Ҳаммаси булиб хорижий сармояли корхоналар низоми жамғармаларига хорижий муассислар томонидан 1,7 млрд. АҚШ доллари миқдорига маблағ киритилди



цияларнинг ўсиши яққол кўринмоқда, 1997—1998 йилларда Ўзбекистонда капитал сармоялар йилига 17 фоизга ўсиб борди. Шу жиҳатдан республикамиздаги вазият шу пайтгача инвестицияларни миллий миқёсда амалга ошириш механизмларини ишга тушира олмаган ўтиш даври иқтисодиётидаги бошқа давлатларникидан афзалликлари билан фарқланади.

Ҳозирги пайтда республикада хорижий сармоядорлар тахминан 2 млрд. АҚШ доллари миқдорига сармоя киритган 2000 га яқин хорижий сармояли корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритган энг йирик инвесторлар — Корея, АҚШ ва Европа мамлакатларидир. Бунда хорижий сармояларнинг умумий ҳажми ҳам (1998 йилда 78 млрд. сўмдан ортиқ), уларнинг умумий капитал сармоялардаги улуши ҳам — 1994 йилдаги 7 фоиздан 1998 йилдаги 20 фоизгача — ошиб бормоқда.

Кейинги йилларда иқтисодиётга сарф қилинаётган сармоялар ялпи ички маҳсулотнинг чорагидан кўпрогини ташкил қилди. Бошқа мамлакатлар билан қиёслаганда Ўзбекистонда ЯИМдаги сармоялар улуши 1990 йилдаги 23 фоиздан 1998 йилдаги 30 фоизгача ўсди, аynи пайтда 1990 йилда сармоялар 14—21 фоизни ташкил этган бошқа мамлакатларда 1998 йилда 9—15 фоизгача камайиш таъмоийли кузатилмоқда.

Бу эса иқтисодиётнинг қатор асосий тармоқлари—ёнилги, қазиб олувчи, енгил, озиқ-овқат, гўшт-сут саноатини техник қайта жиҳозлаш ва янгилашни, янги йирик ишлаб чиқариш корхоналар — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, ЎзДЭУ, СамКочавто, Ҳозарасп шакар заводи ва бошқаларни куришнигина эмас, балки республика учун мутлақо янги бўлган замонавий тармоқлар: автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология саноатини, радиоэлектроника, телекоммуникациялар соҳаси ва бошқаларни яратиш имконини берди.

Кўшма корхоналарда маҳсулотни экспорт қилиш ва хизмат кўрсатиш ҳажми 2,1 марта, ишловчилар сони 3,7 марта ортди.

1991—1996 йиллардаги макроиқтисодий барқарорликни ку-йидаги таҳдиддан ҳам кўрса бўлади:

Асосий иқтисодий-иқтисодий кўрсаткичлар².

	1991	1992	1993	1994	1995	1996 йилнинг 1-ярми
Ялпи ички маҳсулот (доимий нархда)	99,5	88,9	97,6	95,8	98,8	101,4
Саноат маҳсулотининг умумий ҳажми (донний нархда)	101,5	93,3	103,6	101,6	100,2	105,0
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш (донний нархда)	104,3	99,3	112,0	97,7	101,5	106,3

Қишлоқ хўжалигининг ялли маҳсулоти (доимий нарҳда)	99,0	94,0	101,0	92,7	102,3	102,5 (кути- лаёт- гани)
Ташқи савдо обороти			150,1	114,4	113,2	130,1
Экспорт			171,4	110,2	115,5	104,8
Импорт			131,8	119,2	110,8	161,4

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилар экан, ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан ҳам фойдаланила бошланди. Жумладан, эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. 1996 йил 25 апрелда Олий Мажлиснинг V сессиясида «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

Умуман, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар амалий натижасини яққолроқ кўриш учун қуйидаги таққослашни келтириш лозим. Масалан, МДХ мамлакатларининг 1997 йилдаги ЯИМ ҳажми кўрсаткичларини уларнинг сўнгги эллик йилдаги ЯИМ ҳажмининг ўзгариш суръатларига таққосласак, қуйидаги қизиқ бир ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Яъни Озарбайжон ва Молдова-нинг 1998 йилдаги ЯИМ ҳажмининг кўрсаткичлари мазкур республикаларнинг 1965 йилда эришган даражасига тенг бўлиб, фоиз ҳисобида олсак, 36 ни ташкил қилади. Бошқа мамлакатлар аҳволи эса бундай:

Арманистон — 1976 йил (55 фоиз), Белорус — 1982 йил (72 фоиз),

Грузия — 1968 йил (29 фоиз), Қозогистон — 1984 йил (63 фоиз),

Қирғизистон — 1982 йил (60 фоиз), Россия — 1980 йил (58 фоиз),

Тожикистон — 1970 йил (31 фоиз), Украина — 1977 йил (42 фоиз).

Шу ерда бир табиий савол тугилади: Ўзбекистон-чи? Жавоби оддий: Ўзбекистон учун мазкур нуқтаи назардаги даража 1990 йил билан белгиланади. Демак, ушбу мисолдан хулоса аниқки, тилга олинган мамлакатлар реал иқтисодий тараққиётда Ўзбекистондан 6 йилдан 35 йилгача орқададирлар.

Яна бир таққослаш характерлидир. 1997 йилда илк бор ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан ўзиб кетди.

Бу, ўз ўрнида ялли ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 103,2 фоиз кўпайтириш имконини берди. Натижада ўтган йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ўртача пул даромадлари 110,5 фоизга ошди. Бундай ўсиш суръати Ўзбекистон тарихида умуман бўлмаганди. 1996 йилга қиёслаганда эса Ҳамдўстлик мамлакат-

лари орасида аҳолиси пул даромадлари икки марта ошган ва бу борада етакчилик қилаётган ягона давлат Ўзбекистондир.

Бундай хўжалик юритиш тажрибаси ҳали мамлакатда йўқ эди. Замоनावий хўжалик юритиш тажрибаларини танлов-синновдан ўтказишнинг энг муқобил йўли бу «Эркин иқтисодий зоналар» ташкил қилишдир.

Шундай экан, эркин иқтисодий зонанинг ўзи нима? Бу биринчидан, ички ва ташқи сармояларни жалб қилиш, иккинчидан, истиқболли технологиялар жорий қилиш ва бошқарувга оид янгича услубларни тажрибада қўллаш мақсадида махсус ҳуқуқий тартиботга эга бўлган ҳудудда хўжалик юритишдир.

Қолаверса, бундай зоналарни республикада ташкил қилиниши кишиларда иқтисодий билимларни кенгайтириш учун ҳам керак эди.

Эркин иқтисодий зоналар орқали иш юритиш ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Масалан, Америка Қўшма Штатларида 2000 дан ортиқ махсус ҳуқуқга эга бўлган иқтисодий зоналар мавжуд. Туркия, Жанубий Корея, Хитой каби мамлакатларнинг иқтисодий ривожидида ҳам ана шундай эркин иқтисодий зоналар салмоғи катта. Сингапурнинг жадал ривожланишининг асосий сабаби мамлакатни бутунлай «Эркин иқтисодий зона» деб эълон қилинганидандир. Шу сабаб, Сингапур «Умумжаҳон омборхонаси» деб тарифланмоқда.

Ривожланган Ғарб мамлакатлари ҳам бундан истисно эмаслар. Уларда айрим ҳудуд, шаҳарлар узоқ ўтмишдан ҳозиргача махсус ҳуқуқларга эга. Эркин шаҳар Генуя, Бремен, Роттердам, Гамбург — буларнинг рўйхатини давом эттириш мумкин. Бундай ҳудуд ва шаҳарлар айтиш мумкинки, ўша мамлакат иқтисодининг ривожланишига «локомотив» бўлиб ҳисса қўшапти.

Кейинги йилларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларда ҳам эркин иқтисодий зоналар ташкил қилишга интилиш кучайди. Жумладан, Россияда, Қозоғистонда, Қирғизистонда шундай зоналар барпо қилинди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозим. Эркин иқтисодий зоналар ташкил қилиш бу бошқаларга тақлид қилиб мода кетидан қувиш эмас. Президент И.Каримов айтганидек «жаҳон иқтисодиётида синновдан ўтган хўжалик юритишнинг янги усул ва шаклларида ўзимизга хос тарзда, иқтисодиётимиз хусусиятини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш ва уни қўллаш, ислохотларимизнинг янги босқичида муҳим аҳамият касб этади».

Шу мақсадда Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ҳақидаги Қонун лойиҳаси тайёрланди. Лойиҳани тайёрлаш мобайнида юқорида зикр этилган мамлакатлар қонун ва ҳужжатларини ҳар томонлама ўрганилди. Хориж тажрибаларига суяниб эркин иқтисодий зоналарни бир неча гуруҳга, яъни: эркин савдо, эркин ишлаб чиқариш, эркин илмий-техник ва бошқа зоналар тарзида тузилиши қонун лойиҳасига киритилди ва 1996 йил 26 апрелда Олий Мажлис V сессиясида қабул қилинди.

Кейинги йилларда экспорт таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Агар 1995 йилда пахта толаси экспортнинг 50 фоизини ташкил қилган бўлса, 1998 йилда унинг улуши 43 фоизгача камайди. Айни пайтда тайёр маҳсулотлар улуши 17 фоиздан 25 фоизгача, машина ва ускуналар улуши 2 фоиздан 4 фоизгача, хизматлар улуши 8 фоиздан 9 фоизгача ортди. Импорт таркибидаги худди шундай ўзгаришлар мустақил давлат иқтисодиётининг қад кўтариш жараёнини яхши акс эттиради. Агар илгари асосий импорт қилинадиган маҳсулотлар озиқ-овқат (1994 йилда 34,7 %) ва ёқилги (24,2 %) бўлса, ҳозирги пайтда озиқ-овқат импорти икки баробар қисқарди (1998 йилда 15,2 фоизгача), ёқилги импорти эса деярли умуман тўхтатилди. Мамлакат дон ва ёқилги мустақиллигига эришди, ушбу стратегик товарларга бўлган эҳтиёж эндиликда унинг ўз ишлаб чиқариши ҳисобига қопланмоқда. Натижада бўшаган валюта маблағлари иқтисодиётни ривожлантиришга, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришларни барпо этишга, замонавий ускуна ва технологиялар сотиб олишга қаратилди. Шунга мувофиқ равишда, импорт таркибида машина ва ускуналар улуши шу даврнинг ичида 15,9 фоиздан 47,3 фоизгача ошди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз 78 жаҳон мамлакатлари билан савдо қилади, ташқари савдо муомаласи ўсиб, 1998 йилда 9 млрд. доллардан ошиб кетди, бу эса 1994 йилдагидан тахминан икки баробар ортиқ. Ташқи савдонинг жугрофий таркиби ҳам ўзгариб бормоқда: агар 1994 йилда товар муомаласининг 58 фоизи собиқ совет республикаларига тўғри келган бўлса, 1998 йилда уларнинг улуши фақат 27 фоизни ташкил қилди.


Республика макроиқтисодий барқарорликка биринчилардан бўлиб эришди. 1996 йилдаёқ ялпи ички маҳсулот 1,7 фоиз, 1997 йилда у 5,2 фоиз, 1998 йилда эса 4,4 фоиз кўпайди.

2-§. ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ. МИЛЛИЙ ВАЛЮТА ҚАДРИНИНГ ОШИШИ


Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган тадбирларнинг энг муҳими қатъий молия сиёсатини ўтказиш бўлди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралдаги биринчи сессиясида «...Банк, молия, кредит тизимларини такомиллаштириш, уни жаҳон талаблари даражасига кўтариш... биринчи босқичда муҳим ўрин олиши даркор... Миллий валютамиз мустаҳкам бўлсагина давлатимиз қудратли, обрўли, ҳаётимиз фаровон бўлади», — деган фикр билдирилди.

Ўзбекистоннинг 1991—1993 йиллардаги, яъни рубль зонасида бўлиб турган давридаги иқтисодий сиёсати ишлаб чиқаришнинг бутунлай инқирозга юз тутишига ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл қўймасликка, савдо балансининг аҳволини яхшилашга, иқтисодий тизимини тако-


Ўзбекистоннинг мамлакат гуруҳлари бўйича ташқи савдо муомаласи,
жамига нисбатан фоиз ҳисобида



Экспорт таркиби, фоиз ҳисобида



Импорт таркиби, фонд ҳисобида



миллаштиришга қаратилди. Сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг икки хил табиатга эгаллиги, яъни, бир томондан сиёсий мустақиллик, бошқа томондан ягона рубль зонасида, демак, ягона иқтисодий зонада турганлик ҳолати Ўзбекистон учун ўзига хос хусусиятга эга давр эди. Бу ўз навбатида пул-кредит сиёсатини белгилашда ҳам ўзига хос йўлни ишлаб чиқишни тақозо этарди.

Бу борадаги муҳим вазифа банклар фаолиятини, улар вазифаларини янги талаб ва эҳтиёжлар асосида ташкил қилмоқ эди. Мамлакатда икки погонали самарали банк тизимини яратмасдан туриб Ўзбекистонда бозор муносабатларини юзага келтириб, унинг ҳўжалик механизмини, пул муомаласини қайта қуриб бўлмасди.

1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, кейин унга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар банк соҳасини ислоҳ қилиш, бозор шарт-шароитларига мос келадиган банк муассасаларини ташкил этиш йўлларини белгилаб берди.

Мазкур Қонунга мувофиқ, СССР Давлат Банкнинг минтақавий бўлими Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банкига айлантирилиб, унга банкноталар эмиссияси, ҳукумат ҳисоб варақларига хизмат кўрсатиш, олтин-валюта заҳираларини сақлаш, банклар фаолиятини назорат қилиш, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва бошқа вазифалар топширилди.

Ушбу Қонун республика иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бошланғич босқичида қабул қилинган ва у ўша кунлар воқеалари талабларига жавоб берар эди.

Миллий валюта — сўмнинг жорий қилиниши ва молия соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш вазифалари унинг ҳуқуқий асосини янада ривожлантиришни, банклар фаолиятининг ҳамма жиҳатларини бозор талабларига мувофиқ қатъий белгиловчи алоҳида қонун ишлаб чиқишни тақозо этган эди.

Шунингдек, халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банклар тажрибаларини инобатга олиб ҳамда мустақил мамлакат пул-кредит сиёсатини бутунлай янгитдан изга солиш мақсадида Марказий Банк тўғрисида, банклар ва банклар фаолияти тўғрисида алоҳида Қонунлар ишлаб чиқиш зарурияти вужудга келди.

1995 йил 21 декабрда Олий Мажлиснинг IV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида», «Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида» алоҳида Қонунлар қабул қилинди. Бу ҳуқуқий ҳужжатлар Халқаро Валюта Фонди ва Жаҳон Банки томонидан юқори баҳоланди. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда 20 та тижорат банки рўйхатга олинди ва улар ишлаб турибди. 1995 йилдан уларнинг 19 таси акциядорлик-тижорат шаклида, 5 таси масъулияти чекланган жамият, 1 таси кооператив, 2 таси хорижий сармоя иштирокидаги, 2 таси давлат банки сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг даст-

лабки босқичларида ўтиш даврининг ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларини бартараф этишга мўлжалланган давлат бюджети 1993 йилдан иқтисодиётни структуравий қайта қуриш омилларидан бирига, макроиқтисодий мутаносибликларни бошқариш ва молиявий ресурсларни мамлакат иқтисодиётининг устивор йўналишларида жамлаш воситасига айланди.

1994 молия йили қаттиқ пул-кредит ва бюджет сиёсатини шакллантиришда бурилиш босқичи бўлдики, бунинг натижасида давлат бюджети тақчиллиги 1995 йилда ЯИМга нисбатан олганда 3,4 фоиздан 2,8 фоизгача пасайди.

Давлат бюджетидagi тақчилликнинг пасайиши кўп ҳолларда ўтиш давридаги энг барқарор даромад манбаи — билвосита солиқлар мавқеини ошириш эвазига таъминланди. Давлат бюджети даромадлари тизилмасида билвосита солиқларнинг улуши умумий даромадларга нисбатан олганда 1991 йилдаги 0,7фоиздан 1995 йилда 49,3 фоизга ўсди. 1996 йилда бутун даромаднинг 50 фоиздан кўпроғини акцизлар, ҚҚС ва божхона божлари кўринишида белгилаш мўлжалланган эди.

1995 йил якунларига кўра давлат бюджетининг тўғри (даромад) солиғидан даромади 38,5 фоизни ташкил этди, шундан корхоналар фойдасидан олинadиган солиқлар даромадининг 28,6 фоизини, аҳоли даромадидан олинadиган солиқ 9,9 фоизни ва жисмоний шахсларнинг тadbиркорлик фаолияти даромади солиғи эса 0,3 фоизни ташкил этди. Ялпи миллий маҳсулотда давлат даромадлари ва харажатларини умумий қисқартириш давлатнинг иқтисодиётга аралашувини босқичма-босқич чеклаш бозор принципларининг амалга оширилишига тамомила мувофиқдир. Шундай қилиб, бозор ислоҳотининг ўтган беш йилида давлат бюджети даромадларининг ЯИМдаги улуши 49,1 фоиздан 37,2 фоизга, харажатларнинг улуши эса 52,7 фоиздан 40 фоизгача камайди.

Структуравий қайта қуришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши имтиёзли солиқ ва кредит сиёсати юритишдаги ёрдамда ҳам, иқтисодиётнинг базавий тармоқларига тўғридан-тўғри маблағ ажратиш кўринишида ҳам амалга оширилмоқда. Иқтисодиётга жорий ва капитал харажатлар учун солинадиган маблағларининг 1996 йилда қутилаётган ўсиши 13,65 млрд. сўмни ташкил этади.

Ижтимоий харажатлар улуши умумий харажатларнинг 50 фоизи даражасида барқарорлашди, бу ҳол ижтимоий аҳамиятга молик тармоқлар ривожланишини ва аниқ мақсадга қаратилган ижтимоий тўловларни ошириш йўли билан аҳолининг муҳтож қатламлари ва гуруҳларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлайди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган муҳим тadbирлардан бири бу пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш бўлди.

Президент И.Каримов 1993 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида нутқ сўзларкан. «Мустақил давлат бошқа давлатлардан айри тарзда иқтисодий ҳур бўлиши учун ўз пулига, ўзининг миллий валютасига эга бўлмоғи керак. Бу иқтисодий мустақилликнинг асосий шартларидан биридир», — деган эди.

1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги — сўм муомалага киритилди. Шу кундан бошлаб республика ҳудудидаги ягона қонуний тўлов воситаси сифатида у барча турдаги тўловлар учун, шунингдек банкдаги ҳисоб ва рақаларига киритиш учун қабул қилиниши шарт бўлиб қолди. Кейинги вақтларда миллий валюта қадрини ошириш учун катта ишлар қилинди.

Натижада 1995—1996 йилларда пул қадрсизланиши суръатлари анча қисқарди.

Умуман, мамлакатда миллий валютанинг муомалага киритилиши иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг, корхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланишининг, аҳолини ва мамлакат истеъмол бозорини муҳофаза қилишнинг муҳим омили бўлди.

Жами пул массасининг ўсиш суръати инфляцияга қарши сиёсатнинг изчил амалга оширилиши натижасида йилдан-йилга пасайиб борди. Жами пул массасининг ўсиши 1996 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига кўра 1995 йилнинг айнан шу давридагидан 7,6 фоиз ҳисобида ва 1994 йил даражасидан 2 баробар кам бўлди.

Нақд пул массасининг ўртача ойлик ўсиш суръати 1996 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1995 йил даражасидан 1,3 марта оз бўлди. Муомалага нақд пул чиқариш — эмиссия улуши 1995 йилдаги 20,7 фоиз ўрнига 15 фоизни ташкил этди.

Ўтиш даври иқтисодиётининг объектив шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кредитлар биринчи навбатда иқтисодиётнинг устивор тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «ЎзДЭУавто» автомобиль заводи сингари халқ ҳўжалигининг улкан қурилишлари ва бошқалар молиявий маблағ билан таъминлаш учун муҳим манба бўлди.

Республика иқтисодиётида пул қадрсизланиши жараёнларини бартараф этиш, жами пул массаси тизилмасида корхоналар ва ташкилотлар депозитлари, аҳоли омонатларининг ўсиши учун шарт-шароит туғдирди. Депозитлар ва омонатларнинг энг сезиларли ўсиши 1994 ва 1995 йилларга тўғри келди. Бунда давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати пул қадрсизланишининг юқори суръатларини пасайтиришга ёрдам берди.

Тижорат банкларининг омонатлар ва депозитларни жалб этишдаги улуши ортиб борди. Бу эса банк тизимида рақобат муҳитининг шаклланаётганини ўзида акс эттиради. Тижорат банкларининг жалб этилган депозитлар ва омонатлар умумий

ҳажмидаги салмоғи 1993 йил охиридаги 1,5 фоиздан 1996 йилнинг ярмида 24,6 фоизгача ўсди.

1992—1996 йиллар мобайнида валютани бошқариш соҳасидаги фаолият миллий валютани муомаллага киритиш ва мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни изчил яратиб беришга қаратилди, валюта бошқаруви масалалари бўйича норматив база вужудга келтирилди.

1994 йилнинг 15 апрелидан бошлаб Ўзбекистон валюта биржасида доимий савдолар ўтказилиб келинмоқда. 1994 йили реализация қилинган чет эл валютасининг умумий суммаси 16 миллион 558 минг АҚШ долларини ташкил этди. 1995 йил давомида ҳаммаси бўлиб 90 марта савдо ўтказилди. Бунда валюта биржасининг умумий обороти 1 миллиард 545 миллион АҚШ долларини ташкил этди ёки 1994 йилга қараганда 14 баробар кўп бўлди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштиришда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган чоралар ҳам муҳим роль ўйнади. Чунки солиқлар хазинани тўлдирувчи асосий манбадир. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида мамлакатда мавжуд солиқ тизимини такомиллаштиришга катта эътибор берилди.

Президент И.Каримов иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига тўхталиб шундай деб ёзади: «Ислохотнинг иккинчи босқичида иқтисодий барқарорликни ва таркибий ўзгаришларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифага айланган чоғда солиқ тизими биринчи галда рағбатлаштирувчилик вазифасини бажариши керак. Бу эса амалдаги солиқ тизимини анчагина ислох қилишни талаб қилади».

Солиқ тизими бугунги кўринишига эга бўлгунигача маълум босқични босиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 августидagi «Ўзбекистон Республикасида Давлат Солиқ органлари ҳақида»ги Қарори мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Амалда шу қарор асосида Ўзбекистонда энг замонавий шаклда, бутунлай янги типдаги солиқ тизими юзага келди. 12 август «Солиқчилар куни» деб эълон қилинди ва у касб байрами сифатида нишонланадиган бўлинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 18 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Солиқ Бош Бошқармасини Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кўмитасига айлантириш тўғрисида»ги Фармони солиқчилар ҳаётида янги босқични бошлаб берди.

Хорижий мамлакатлар билан алоқаларнинг кенгайиб кетганлиги мазкур Бош Бошқарма хизмат доирасини кенгайтириб юборди. Натижада у яна 1997 йилдан бошлаб Давлат кўмитасига айлантирилди.

Шунга ўхшаш таркибий ўзгаришлар солиқчилар фаолиятини кенгайтирди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида барча

соҳалар қатори солиқ тизимига бўлган муносабатлар ҳам тубдан ўзгарди. У иккинчи даражали тизимдан бозор иқтисодиётини амалда тартибга солувчи муҳим восита ва давлат даромадларини вужудга келтирувчи бош манбаа даражасига кўтарилди.

Мамлакатда солиқ тизимини яхшилаш борасидаги амалга оширилаётган ишлар солиқ тўловчилар онгида туб ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди.

Мулк шаклидан қатъи назар солиқ тўловчилар сони йилдан-йилга кўпайди. Агар 1994 йилда 91 мингдан ортиқ юридик шахс рўйхатга олинган бўлса, ҳозир уларнинг сони 148 мингга етди. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, жисмоний шахслар ҳам солиқ тўловчилар сафини тўлдириб бормоқда.

1996 йилда улар сони 1994 йилдагига нисбатан сезиларли даражада кўпайиб, 2 млн. 31 минг кишига етди. Улардан бюджетга тушаётган солиқ тўловлари 5,7 марта кўпайди.

Жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалалари бўйича кейинги йилларда бир қатор ўзгаришлар бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда янги йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатлар тайёрланди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида фуқароларнинг йиллик даромадларини Декларация қилиш тартиби жорий қилинди. Бу масалада дастлаб Чилонзор ва Шайхонтоҳур тумани солиқ инспекцияларида тажриба ўтказиб, кейинчалик республика миқёсида ёйилди.

Мамлакатда солиқ тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтаришда Президентимиз ва ҳукуратимиз кўрсатаётган доимий ғамхўрлик туфайли республика солиқчиларининг иш тажрибаси эндиликда МДҲга аъзо мамлакатларда қизиқиш уйғота бошлади. 1995—1996 йилларда Россия Федерацияси Солиқ полицияси департаменти, Япония Молия вазирлиги делегацияси, БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси, Жаҳон банки ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси иш фаолияти билан танишдилар ва унга юқори баҳо бердилар.

Ислоҳотлар амалга оширила боргач билвосита солиқлар ҳисаси ҳам ўзгара борди. Бундай солиқлар улуши 1996 йил биринчи ярмида 46,8 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда солиқ тизимида 1991 йилда қабул қилинган «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олиннадиган солиқлар тўғрисида»ги Қонун, шунингдек 1995 йил 22 декабрда ушбу Қонунга киритилган ўзгаришлар асосида иш юритилмоқда. Ушбу Қонун ҳужжатларида умумиқтисодий ҳисобланган солиққа тортишнинг тўрт тамойилига асосланади.

1. Даромад манбаларидан қатъий назар ҳамма даромадларни солиққа тортишнинг мажбурийлиги.

2. Маҳаллий ҳокимиятлар маҳоратини ҳисобга олган ҳолда

бутун мамлакатда ягона умумдавлат солиқ сиёсатини олиб бо-риш.

3. Корхоналар ва ташкилотлар муҳим ижтимоий, иқтисодий экологик масалаларни ҳал этаётганлигини ҳисобга олиб, уларни манфаатдор қилиш мақсадида имтиёзлар бериш орқали солиқларнинг манфаат келтирувчилик ролини таъминлаш. Бу жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида гоят долзарбдир. Лекин аста-секин бозор қарор топиши билан огирликнинг бир қисми давлат зиммасидан соқит бўлиб, корхона ва ташкилотлар зиммасига юкланади. Чунки ишчилар саломатлиги, атроф-муҳит мусоффолиги биринчи галда корхоналарга зарурдир.

4. Солиқ тўловчилар мажбуриятларининг бажарилиши ус-тидан молиявий назорат ўрнатиш. Бу тамойил солиқ идораларининг бош вазифаси бўлиб қолмоқда. Бироқ, иқтисодий ис-лоҳотларни амалга ошириш шуни кўрсатадики, солиқ тизими-да ҳали мукамал кадрлар тайёрланмаган.

Бу ўз навбатида солиққа тортиш тамойилларини Ўзбекис-тон шароитига мослаб мукамал ишлаб чиқиш Солиқ Кодек-сида атрофлича акс этдириш иқтисодиётимизни бир метёрда ва барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий-иқтисо-дий негизини вужудга келтиришни аниглади.

Шунинг учун ҳам 1996 йил 26 декабрда мамлакат Олий Мажлисининг VII сессияси «Ўзбекистон Республикасининг Со-лиқ Кодекси» лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиб умум-халқ муҳокамасига ҳавола қилди.

Умумхалқ муҳокамасидан сўнг бундай муҳим ҳужжат 1997 йил 25 апрелда VIII сессияда қабул қилинди. Бу, Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашнинг замонавий ҳуқуқий асосини яратиш имконини беради.

1991—1998 йилларда аҳоли йилига 1,6—2,3 фоиш даражаси-да ўсиб борганини кузатиш мумкин. Ўзбекистон аҳолиси ўсиб бораётгани сабабли ишлаб чиқаришнинг янада жадал ўсишига эришиш лозим эди. Ушбу мақсадга эришилди: агар ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши асосан 1996 йилдан бошланган бўлса, 1997 йилдан бошлаб ЯИМ ўсиши аҳоли ўсиш суръатидан ошиб кел-моқда, бу эса аҳоли жон бошига ички ялпи маҳсулот даражаси-нинг ошишига сабаб бўлади.

Реал иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳам жадал ривож-ланиб бормоқда. Масалан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш даражаси бир оз пасайишдан сўнг асосан барқарор даражада сақланиб турди, 1997 йилдан бошлаб эса ушбу соҳада ўсиш бошланди. Реал секторнинг давлат миқёсидаги барқарор тарақ-қиёти шароитида молиявий мувозанат таъминланади. Охириги уч йил мобайнида бюджет камомади ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоишдан ошгани йўқ. Товар ресурслари билан таъминланма-ган пул массасининг ўсишини чеклайдиган анчагина қаттиқ монетар сиёсат олиб борилмоқда, бу эса ҳозирги вақтда ўртача ой ҳисобида 1,7 фоишдан ортиқ бўлмаган инфляция даражаси-

ни изчил камайтиришнинг муҳим шарти хизматини ўтамоқда;

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, янгилашни ва тараққиёт йўли бўйича муваффақиятли ҳаракат Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларини фаоллашуви, унинг дунё ҳўжалик алоқаларига кенг кириб бориши билан узвий боғлиқ. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш билан валюта сиёсатини эркинлаштириш жуда жипс боғлангандир.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш деганда Халқаро валюта фонди Моддалар Битимининг VIII моддаси талабларига мувофиқ равишда кундалик халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг тўлиқ конвертацияланишига босқичма-босқич ўтишига доир ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шароитларнинг яратилишини билдиради.

Бунинг учун аввало республика иқтисодиёти тузилмасини, экспорт тузилмасини ва ички истеъмол бозори тузилмасини тубдан ўзгартириш лозим. Иқтисодиёт тузилмасида фақат ички бозорда эмас, балки ташқи бозорларда ҳам рақобатлашадиган, кўпроқ ўзимиздаги табиий ва хомашё имкониятига асосланган, илғор замонавий технологияни қўлайдиган ишлаб чиқаришлар устунлик қилиши керак. Шунинг учун кейинчалик ҳам техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш сиёсати олиб борилади.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш биржадан ташқаридаги валюта бозорини жиддий равишда мустаҳкамлашни, унда амалга ошириладиган операциялар ҳажмини кенгайтиришни, тижорат банкларининг валюталарини тезда пулга айлантира олиш қувватини оширишни назарда тутди. Бу эса, импорт қилувчиларнинг лицензиялаш (уларнинг чет элда товар олиб келиш учун рухсат бериш)нинг мавжуд тизимини йўқ қилиш, валютага бўлган ҳақиқий талаб ва таклифга мос келадиган алмашув курсини белгилаш имконини беради.

3-§. ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ, МУЛҚОРЛАР СИНФИНИНГ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, хусусийлаштириш бу иқтисодий ислохотларнинг тамал тошидир. Бошқа ёш мустақил давлатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда ўтиш даврида хусусийлаштиришни ваучерсиз амалга оширишга қарор қилинди. Хусусийлаштириш жараёнини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш учун 1992 йил февралда Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш Давлат қўмитаси таъсис қилинди. 1994 йилда унинг функциялари ўзгартирилиб, у Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси деб атала бошланди¹. Ушбу давлат Қўмитаси мақомининг ўзгариши муҳим аҳамиятга эга бўлди, зеро у хусусийлаштиришнинг иккита фоят муҳим вазифасини бажарар эди.

Ўзбекистон ваучер тизимидан воз кечгани учунгина эмас, балки хусусийлаштиришдан тушган барча маблаглар тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш учун берилиши жиҳатидан ҳам ўзига хос, ўз йўлига эга бўлган давлат сифатида кўзга ташланди. Унинг тажрибалари жаҳон ҳамжамияти диққатини ўзига тортди.

Яна шуни айтиш лозимки, тadbиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш қонунлар мажмуини яратишни ташкил қилишни уюштириш учун Олий Мажлис таркибида янги иқтисодий ислохотлар ва тadbиркорликни ривожлантириш қўмитаси тузилди.

Ўзбекистонда кўп укладли, давлат мулкани хусусийлаштириш 1990 йилдаёқ ҳукумат тавсияси асосида маҳаллий саноатда 3 та хусусий корхона ташкил қилиниши билан белгиланган эди. Самарқанддаги уй меҳнатига асосланган хусусий фабрика ҳиссадорлик жамиятига айланди, Сирдарё шойи тўқиш фабрикаси ва бошқа қатор корхоналар ижарага ўтиб ишлай бошладди. Бу ерда тўпланган дастлабки тажрибалар кейинчалик давлат мулкани хусусийлаштиришда ҳисобга олинди, ундан самарали фойдаланилди.

Давлат мулкани хусусийлаштиришнинг Президент И. Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойиллари энг аввало ўзининг маҳаллий хусусиятларини ва талабларини ҳисобга олганлиги, таг-заминли ва асослилиги, аини пайтда ҳозирги замон илгор тажрибаларига мос келиши билан алоҳида ажралиб туради. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, хусусийлаштириш қандайдир кишилар ёки маълум мафкура манфаати учун хизмат қилмаслиги лозим, чунки хусусийлаштириш энг аввало, мамлакат миқёсида амалга оширилаётган ислохотлар мантиғига мос бўлмоғи керак эди. «Ўзбекистонда давлат бош ислоҳоти» амалга оширилар экан, унинг хусусийлаштиришни ўзи бошқариб бориши кўзда тутилди. Шунинг учун Ўзбекистонда чек воситаси билан хусусийлаштириш ғоясидан воз кечилди. Бу борадаги муҳим хулоса шундан иборат бўлдики, давлат мол-мулки фақат янги мулкдорга сотиш йўли билангина мулкчиликнинг бошқа шаклига айлантирила бошланди.

Иккинчи тамойил шундан иборат бўлдики, хусусийлаштиришга дастурий ёндашувни таъминлаш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш лозим эди.


Шунинг учун 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида мулкни «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра мулкчилик шаклларини ўзгартириш соҳасидаги ишлар республика ҳамда ҳудудий мақсадга босқичма-босқич ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган махсус дастурлар асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Албатта, бу қоида ҳар бир янги босқич учун устивор йўналишларни белгилаш имконини беради.

Масалан, дастлабки босқич хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш тизимини, ҳуллас «кичик хусусийлаштириш» жараёнини қамраб олди. Фикримиз исботи учун қуйидаги рақамларга мурожаат қилайлик. 1992—1993 йилларда 28 минг 846 юридик шахс 53 минг 902 та хусусий объект эгаси бўлди. Бу жараён вақт ўтгани сайин кўпая борди. 1994 йилда 9744, 1995 йилда 8584 та, 1996 йилнинг биринчи ярмида 933 та юридик шахс хусусий объектлар эгаси бўлди⁵.

Юқорида айтилганидек биринчи босқичда (1992—1993) 1 миллион квартира хусусийлаштирилди ёки Ўзбекистон шаҳарларидаги ҳар бир оилада ўртача 4,7 киши бўлса, қарийб 5 миллионга яқин киши биргина квартиралар хусусийлаштирилиши эвазига мулкдорга айланди.

Мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси тарқиб



1994 йил 21 январда қабул қилинган «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1994 йил 16 мартда қабул қилинган «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида»ги Президент Фармонлари хусусийлаштириш жараёнини яна ҳам янги поғонага кўтариш, уни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини берди.

Қабул қилинган қарорларга мувофиқ янги босқичда корхоналарни очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантириш, ушбу жараёнга аҳолини ва чет эллик инвесторларни кенгроқ жалб қилиш жараёнини авж олдириш вазифаси қўйилди.

Қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорини ташкил этиш учун асос яратилди. Давлат мулкни сотиш бўйича кимошди савдолари ва танловлари ўтказиладиган бўлди.

Хусусийлаштириш борасидаги барча ишлар изчил ва мунтазам олиб борила бошланди. Ҳозиргача мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга доир 20 дан ортиқ давлат Дастури қабул қилинди.

Аниқроғи, бу Дастурларга мувофиқ халқ хўжалигидаги барча соҳа тармоқларини оммавий хусусийлаштириш учун имкон яратилди, бу борадаги чеклашлар олиб ташланди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 29 мартда тасдиқлаган Давлат Дастурига мувофиқ шу йилнинг ўзида 5 минг 127 объект хусусийлаштирилди. Бундан ташқари кўшимча тарзда дастурга кирмаган 4 минг 617 объект ҳам ҳақиқий эгасини топди. Хусусий тadbиркорлар 57 та консерва цехини, 120 та гишт заводини, 92 та тўқувчилик цехини сотиб олишди. Қишлоқ хўжалигида эса бутун боғларнинг ярмидан ортиғи, узумзорларнинг 40 фоизи хусусий фойдаланиш учун берилди. Деҳқон хўжаликлари учун 193 минг гектар ер ажратиб берилиб, 7 минг деҳқон хўжалиги пайдо бўлди. 1994 йил охирига келиб улар сони 14, 2 минг тага етди.

1995 йили халқ хўжалигида оммавий хусусийлаштиришлар даври бўлди. Энди йирик корхоналар ҳам давлат ихтиёридан чиқарила бошланди. Шу йили машинасозлик комплексига қарашли 89 корхона, 81 та ёқилғи-энергетика, 55 та қурилиш индустриясига қарашли, 114 та таранспрот, 68 уй-жой-коммунал хўжалиги, 229 қайта ишлаш корхонаси ва 291 та қурилиш билан боғлиқ объектлар хусусийлаштирилди.

Иқтисодиётнинг давлат сектори негизида мингдан ортиқ очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, 6000 хусусий ва оилавий корхоналар вужудга келди. Хусусийлаштириш борасида Ўзбекистонда амалга оширилган ишларнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли ижтимоий кафолат чоралари кўрилди.

Булар нималардан иборат? Аҳолининг ижтимоий ҳимояси аввало шунда кўринадики, хусусийлаштириш чоғида бир бутун имтиёзли тизим яратилди. Масалан, хусусийлаштирилаётган корхона ходимларига имтиёзли акциялар берилди. Шунингдек, давлат хўжалиklarининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва узумзорлар имтиёзли шартларда хусусийлаштирила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 25 июл куни бўлиб ўтган йиғилишида хусусийлаштириш жараёнларини янада такомиллаштиришга эътибор берилар экан «Хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди. У сифат жиҳатидан янгиача аҳамият касб этганини ҳам қайд этиш лозим»⁶, — деб таъкидланди. Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларида асосий эътибор масаланинг миқдор кўрсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини ўзгартирганига

қаратилган бўлса, бугунги кунда хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари асосий мезон бўлиб қолди.

Мустақилликнинг ўтган даврида хусусий корхоналар сони 7,5 мингтадан 19 минг 300 тага етди. Биргина 1996 йилнинг ўзида кичик ва хусусий корхоналар сони 19 минг 100 тага кўпайди. 1997 йилнинг 1 январига келиб улар сони 100 мингтага етди.

1997 йил 1 январига келиб аксарият корхоналар хусусийлаштирилди. Агар 1993 йилда жами корхоналарнинг 39,4 фоиздан ортиги давлатга тегишли бўлмаган корхона бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 57,7 фоизга, бугунга келиб эса 82,7 фоизга етди.

Агар 1993 йилда халқ ҳўжалигида банд бўлган аҳолининг 48 фоизи нодавлат секторидан ишлаган бўлса, айни пайтда уларнинг 70 фоизи мазкур секторда фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда саноат маҳсулоти ҳажмининг ярмидан кўпи, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг 97 фоизи, чакана товар оборотининг 94 фоизи, пудрат ишларининг 61 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади.

Ҳозирги кунда республикада нодавлат мулкнинг ҳар хил шакллари ривожлантириш учун барча зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилган. Бу хусусда анчагина ишлар ҳам қилинди. Шу кунда етиштирилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотининг 98 фоиздан ортиги, чакана товар айланишининг 96 фоизи, саноат маҳсулотининг 60 фоиздан ортиги нодавлат секторига тўғри келади. Меҳнатга лаёқатли барча аҳолининг 71 фоиздан ортиги нодавлат секторидан банд. Аҳолининг аксарият қисми турар жой соҳиби ҳисобланади, уларнинг кўплари корхоналар акцияларини сотиб олиб, улар мулкига эгалик қилмоқда.

Кичик ва хусусий бизнес фаол ривожланмоқда. Рўйхатдан ўтган кичик ва хусусий корхоналар сони 1999 йил 1 июнга келиб 160,1 минг бирликка етди, бу эса республика ҳудудидаги юридик шахслар умумий сонининг 89 фоизини ташкил қилади. 260 мингдан ортиқ республика фуқароси яқка тартибдаги тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Яқка тартибдаги тadbиркорлар сони — 1,4 баробар, фермер ҳўжаликлари сони — учдан бир ҳисобида кўпайди. Аммо ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш жараёни ҳали яқун топганича йўқ. Хусусий сектор, кичик бизнес иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг фаол ҳаракатлантирувчи кучига айланганича йўқ. Шунинг учун яқин йиллар ичида мулкчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш, мулкдор ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоялаш учун янада кучлироқ кафолатларни яратиш бўйича кенг кўламли дастурни амалга ошириш керак бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик, адолатли жамият қуришга киришди.

Президент И. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида ёзгани-

дек, «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади... Худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. Ушбу масаланинг давр талабларига мувофиқ муваффақиятли ҳал этилиши республикаимиз иқтисодиёти-ни жаҳондаги ривожланган мамлакатлар билан бир қаторга қўядиган асосий омилдир»⁸.

Дарҳақиқат, кейинги беш йил давомида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиб, шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда мулкчилик ҳуқуқи иқтисодий ўзгаришларнинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мулкдор ҳуқуқи қонун билан тан олинди ва ҳимоя қилинмоқда.


Ўзбекистонда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг асосини турли шакллардаги мулкчилик ташкил этиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ белгилаб берилди.

Юқорида келтирилган мисоллардан маълумки, хусусийлаштириш жараёни табиий суръатда жамиятда мулкдорлар синфини шакллантиришга олиб келди. Бу борада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мулкдорларни вужудга келтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу биринчи шарт. Мулкдорлар синфини шакллантиришнинг иккинчи омили бу қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантиришдир. Бироқ, яқин вақтларга қадар бу борада зарур шарт-шароит ҳам яратилмаган эди⁹. Шунга кўра, Олий Мажлис мулкдорлар синфини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида 1996 йил 25 апрелда «Акциядорлар жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида», ҳамда «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида» Қонунлар қабул қилди.


1996 йилнинг биринчи ярмида акциялар сотувидан 1,7 миллиард сўм маблаг тушди, бу кўрсаткич 1995 йилдагига нисбатан 15,6 марта кўп бўлди. Умуман, 1992—1996 йилларда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш туфайли 1 миллион 74 минг киши турар жой эгаси, 2 миллион киши халқ хўжалигининг барча тармоқларида хусусийлаштирилган корхоналар акциялари, пайларининг эгалари; қишлоқ жойларида эса, 3 миллион киши ёрдамчи хўжалик, 19 минг киши кўчмас мулк эгаси бўлиб қолдилар¹⁰. Бу рақамлар, шубҳасиз жамиятда мулкдорлар синфи шакллантирилганини яққол кўрсатади.

Инсоният тарихи давлат мулкчини оммавий равишда хусусийлаштириш ҳодисасини эндигина собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мамлакатларда амалга оширилаётган ишлар мисолида кўрмоқда. Маълумки, қишлоқ тараққиёти ер юзининг борада мамлакатлари ва минтақаларида турли даврларда, турли ҳолатларда юз бергани билан шаклан ва мазмунан айни бир хил тартибда амалга ошган. Жумладан, мулкчилик, мулкка муносабат жамият табиий тараққиётининг ва кишилар дунёқа-

Иқтисодийётда нодавлат секторнинг улуши, фоиз ҳисобида



Кичик ва хусусий бизнес ривожланиши, 1995 йилга нисбатан фонд ҳисобида



раши ҳамда эҳтиёжларининг маҳсули сифатида шаклланган. Хусусий мулк ҳажми ва миқдоридан қатъий назар жамият фуқароси яшаш ҳуқуқининг қонуний ифодаси, мулкка эгалик эса, турмуш тарзининг маънавий-ҳуқуқий кафолати бўлиб қолаверган. Кўп ҳолларда у фан-техника тараққиёти, маданий равақ ва бошқа ижтимоий-сиёсий омиллар таъсирида қисман шаклини, миқёси ва кўламини такомиллаштирган, холос. Мазмунан эса ўз моҳиятини йўқотмаган.

Дарвоқе, инсоният тарихи хусусий мулкни зўравонлик ва тазйиқ билан давлат тасарруфига олиш ҳодисасини ҳам кўрган. XX асрнинг бошларида юз берган ва биз 73 йил мобайнида ўзимизни ўзимиз алдаб, қуюшқонга сигмайдиган дабдабалар билан байрам қилиб келган қонли Октябрь инқилоби ана шундай гайриинсоний ҳодисани амалга оширган эди. Одамларнинг асрлар мобайнида мисқоллаб териб тўплаган моддий ва маънавий бойликларини бир тўполон билан давлат мулкига, кишиларни эса меҳнат воситасига, ишлаб чиқарувчи кучларга айлантириб қўйди.

Мана энди инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла тикланган ва ҳар томонлама кафолатланган жамият қураётган бир пайтимизда яқин ўтмишимиз асоратларидан қутулиш анча қийин кечмоқда. Ҳар бир кишининг ўз яратувчилик қобилиятини кўрсата олиш, тadbиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш асосида меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартириш, кишилар онгида ўрнашиб қолган боқимандалик иллатларига барҳам бериш анча вақт талаб этмоқда. Бу чинакамига онгимиз ва тушунчаларимиз орқали юз бераётган маънавий-руҳий янгиликни жароғидир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, мулкка эгалик ва хусусий мулкнинг чегараси бўлмаслиги керак. Яъни шахсий бойликни кўпайтириш қандайдир қолиб ёки миқдорда бўлишини давлат белгилаб қўймаслиги, аксинча, у мамлакатда ҳаммининг ҳар қандай вазиятда бой бўлишини таъминлаш асосида алоҳида ижтимоий муҳофазага муҳтож одамлар турмуш даражасини ошириш йўлидан бормоғи лозим. Бунга айрим сиёсатшунослар дунёнинг турли мамлакатларида ўз корхонаси филиалларини кўриб, жаҳон бозорини эгаллаб олган йирик корпорация ва фирмалар раҳбарлари фаолиятини ва катта миқдордаги жамғармаларини мисол қилиб кўрсатишади.

Бироқ, Ўзбекистон ҳукумати бутунлай янги типдаги жамиятни шакллантиришда ҳар қандай тайёр андозаларга сиғинмайди. Жаҳон тажрибалари ва миллий эҳтиёжларни уйғунлаштирган ҳолда мавжуд ҳодисаларга ўзига хос ёндашади. Натижада сиёсат ва давлат арбоби сифатида ўзининг янгидан-янги имкониятларини тобора кўпроқ намоён этади. Жумладан, мулкчиликка муносабатда ҳам унинг ўзига хос усули бор. Масалан, Президент И. Каримов: «Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак», — дейди. Нотиқ ма-

салага бундай ёндашув мазмун моҳиятини аниқ тушунтириб берди. Албатта Ўзбекистон стратегия жиҳатидан жаҳон тажрибалари энг илгор намуналаридан кенг фойдаланади. Бу, айниқса мамлакатда туб иқтисодий ислохотларни, жумладан, эркин бозор сиёсатини амалга оширишда кўзга яққол ташланмоқда. Давлат мулкни хусусийлаштириш ва янги иқтисодий тизимни жорий этиш борасидаги Ўзбекистон йўли жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. **Биринчидан**, узоқ йилларга мўлжалланган, дастурий аҳамиятга молик мақсадлар давлат стратегияси даражасига кўтарилгани билан, кундалик талаблар, ҳаёт эҳтиёжлари ёки вақтинчалик ҳолатларда тактиканинг ўзгариб туриши табиий ҳол. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, мавжуд сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий мезонлар нуқтаи назаридан ҳаётийдир. Чунки, ўтиш даврида қонунчилигимизнинг ҳали тўла шаклланмаганлиги, айрим ҳолларда эса мавжуд қонунларга ҳам ҳали бўйсуниб яшашга одатланмаганимиз, баъзан худбинлик ва очофатликнинг авж олиб кетиши натижасида турли хилдаги суиистеъмолликлар юз бермоқда. Натижада фойдани яшириш, солиқдан қочиш ва бошқа кўзбўямачиликлар, хийлаю найранглар туфайли кимлардир ортиқча бойиб кетиб, кимлардир қашшоқлашиб қолиши мумкин. Ана шундай пайтда Давлат қонун устиворлигини таъминлашда, аҳоли турли табақасининг турмуш тарзида мувозанатни сақлаб туришда муҳим роль ўйнайди.

Иккинчидан, давлат адолат гоёсига қаттиқ суянади ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш йўлидан собитқадамлик билан бормоқда. Аҳолини турли бўҳронлардан асраб қолиш, уни ижтимоий муҳофазалаш, табақаларга бўлинмаслиги, яшаш ҳуқуқи каби Олий қондани муқаддас тутиш — унинг инсонпарварлик сиёсатининг бош мазмуни.

Учинчидан, Ўзбекистон йўли олдин дунё минбарларидан туриб эълон қилинган, жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинган мамлакатимиз учун хос туб ислохотларнинг машҳур беш тамойилидан бири — ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи бўлиб туриши кераклиги каби қонда ҳаёт талабига айнан мос келганлигидир. Бир қарашда бизга хусусийлаштириш жараёни соф иқтисодий ҳодиса бўлиб кўринади. Хусусийлаштириш деганда кўнглимизда моддий неъмат, моддий манфаатдорлик, мулкка эгаллик қилиш хоҳиш-истаги пайдо бўлади. Кўз ўнгимизда у ёки бу тарздаги, кўп ё оз миқдордаги мулк гавдаланади.

Бироқ, хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, ҳақиқий эгасига топшириш қайси мамлакатда қандай ҳолатда ва қандай шаклда амалга оширилаётгани жиҳатидан қараганда ўзига хос мазмун касб этади. Дейлик, Россияда хусусийлаштириш — давлат мулкни талон-торож қилиш ҳодисасига айланиб бормоқда. У ерда хоҳлаган одам хоҳлаган тарзда давлат мулкига эга бўлиб олиш йўлини тутмоқда. Хусусийлаш-

тиришининг бундай «сиёсати» охир-оқибатда мамлакат иқтисодини бутунлай фожиали тарзда издан чиқаришга, хўжасизликка олиб келмоқда. Собиқ Иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан бир қатор мамлакатларда ҳам туб ислоҳотларда аниқ дастур ва режаларнинг йўқлиги сабабли сиёсий беқарорлик илдиз отмоқда. Халқ ҳаёти таҳликали тус олмоқда.

Бизда эса хусусийлаштириш ҳукумат раҳнамолигида нафақат иқтисодий балки ҳуқуқий ва маънавий ҳодисага айлантирилди. Айни пайтда у онгимиз ва тафаккуримизда юз бераётган жиддий инқилоб сифатида тан олинди. Чунки у бизнинг фикрларимиз ва онгимизда ўзгариш ясади. Инсон ҳақ-ҳуқуқларини тобора чуқурлаштирди, унинг турмуш тарзида янги саҳифа очди. Натижада жамият ҳам, одамлар ҳам сифат жаҳатдан тубдан ўзгарди, унинг маънавий қиёфаси анча тиниқлашди.

Туб ислоҳотлар Ўзбекистонда табиатига кўра соф, сиёсий, ҳуқуқий ёки иқтисодий моҳиятини йўқотмаган ҳолда маънавий, руҳий-ахлоқий қадрият даражасига кўтарилганлиги сабабли мамлакатнинг ҳам, барча фуқароларнинг ҳам ҳаётида мукамал, етук ҳодиса сифатида из қолдирмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг маънавий мазмуни тобора чуқурлашмоқда.

Биринчидан, «**Бозор муносабатларига ўтиш — ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳондир**».

Мустақиллик йилларида иқтисодий ислоҳотлар ҳақида гапирар эканмиз, юз берган институционал ўзгаришлар ҳақида ҳам қисқача тўхташ ўринлидир.

1991—1996 йиллар мобайнида иқтисодий ислоҳотларнинг барча йўналишларида салмоқли институционал ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан турар жойлар, савдо хизмат кўрсатиш соҳаси, матлубот жамияти объектлари ва турли тармоқларнинг майда корхоналарини хусусийлаштириш амалда тугалланди; ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни фаол бошлаб юборилди.

Миллий депозитарий филиаллари тармоғи кенгайтирилди. Миллий депозитарий қошида ҳисоб-клиринг марказининг фаолият кўрсатадиган филиаллари барча вилоятларда ташкил этила бошлади. Биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиш учун кенг регистраторлар тармоғи барпо этилди. Уларнинг вазифасини Республика фонд биржасининг брокерлик идоралари миллий депозитарий ва унинг филиаллари бажара бошлади. Барча вилоятларда акционерларнинг реестрлар юритувчиларини вуждга келтириш юзасидан фаол иш олиб борилмоқда.


Миллий депозитарийда эмиссия умумий ҳажми 33,7 млрд. сўм бўлган акциядорлар жамиятлари тўғрисидаги маълумотлар сақланадиган банк вуждга келтирилди.

1996 йил 12 мартда тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида, шу жумладан, индивидуал меҳнат фаолияти билан банд бўлган жисмоний шахсларни ҳам ҳисобга

олиб бориш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ишларини ташкил этишда ёрдам кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига олган товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларнинг Республика Палатаси ташкил қилинди. Ҳозирда жойларда унинг ҳудудий бўлимлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Жисмоний шахсларнинг ўз сармояси негизда 85 мингдан кўпроқ хусусий ва кичик корхоналар ташкил этилди. Уларга умумий саҳни 793,5 минг квадрат-метр бўлган 3768 та фойдаланилмаётган ва кам фойдаланилаётган хоналар ижарага берилди; умумий саҳни 104,5 квадрат-метр бўлган 282 хонани улар кимошди савдоларида сотиб олдилар. Уларни моддий-техника ресурслари билан таъминлаш учун 1469 та майда улгуржи бозори ва тузилмалар, шу жумладан 1256 та тижорат марказлари ва савдо уйлари ташкил этилди. Хом ашё ва тайёр молларни сотиш бўйича 1128 ярмарка ва савдолар ўтказилди. Тадбиркорлар томонидан 512 та қурилиши тугалланмаган объект сотиб олинди.

1996 йилда истеъмол моллари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш



Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ноёб, ўзига хос тизими иш олиб бормоқда. Унга давлатнинг ўзи раҳнамолик қилмоқда. Бу тизимга мувофиқ хусусийлаштиришдан тушган деярли барча маблағлардан иқтисодиётнинг нодавлат секторини шакллантириш ва мустақамлаш учун фойдаланилмоқда. Хусусийлаштиришдан тушган бутун маблағларнинг 50 фонизи мамлакат «Бизнес-Фонди»га йўналтирилади. У эса ўз навбатида, фақат фуқароларнинг ўз маблағига асосланган ки-

чик ва ўрта бизнесга, тadbиркорликка кредитлар ажратади. 30 фоизи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси, ассортиментини жадал суръатда алмаштираётган ва инвестицияларга қаттиқ муҳтожлик сезаётган хусусийлаштирилган корхоналарга кредит ажратиш учун Давлат мулк Кўмитасининг махсус ҳисоб рақамига келиб тушади. 20 фоизи эса ижтимоий эҳтиёжлар учун ҳокимиятларга келиб тушади ва у мактаблар, касалхоналарни таъмирлаш, янги автомобиль йўллари қуриш ва ҳоказолар учун, яъни маориф, соғлиқни сақлаш, муҳандислик хизматлари ва бозор инфраструктураси кўринишида тadbиркорларга қайтариб бериладиган барча нарсаларга сарфланади. Қолган 10 фоизи эса хусусийлаштириш, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат дастурини амалга оширишга ишлатилади.

Мамлакат товар-хом ашё биржаси ўз фаолиятини анча кенгайтди, ундаги битимлар ҳажми 1995 йилда 7,7 млрд. сўмга етди. 1995 йилда 8481 объектни 859,8 млн. сўмга сотган Республика кўчмас мулк биржаси ҳам миллиард довонидан ошиш арафасида турибди.

Мамлакатда кўчмас мулкни сотиш бўйича 129 та брокерлик идоралари ва агентликлар, акцияларни сотиш бўйича 156 та брокерлик идоралари, ер участкалари сотиш бўйича 21 комиссия, 41 та инвестиция фонди ва компанияси, 33 та бизнес маркази, 20 та бизнес инкубатори ишлаб турибди.

Тўпланган тажриба катта-катта саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш имконини берди. Чкалов номидаги Тошкент авиация-ишлаб чиқариш бирлашмаси очиқ турдаги давлат-акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг 15 та корхонаси юқори инвестиция салоҳиятига эга бўлган хўжалик тузилмасини — «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг»ни ташкил этди. Унинг таркибига Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошқишмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент агрегат заводи, «Чирчиққишмаш» «Ўзбекқишмаш» сингари акционерлик жамиятлари кирди.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида хусусийлаштириш жараёни Ўзбекистонда изчиллик билан босқичма-босқич амалга оширила борди. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар ўзига хос тарзда амалга оширилар экан, тadbиркорлик ва ишбилармонликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилди. Бу ўринда Президент И. Каримов жаҳон амалиётини чуқур ўрганди, тadbиркорнинг жамият ижтимоий ҳаётида муҳим ўринга эгаллиги, аниқроғи у «замонасининг янги қаҳрамонлари» эканлигини чуқур ҳис қилди.

Шу боис Президент 1994 йил 21 январда «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк муҳофазасини таъминлаш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш тadbирлари тўғрисида»ги Фармони билан хусусий мулкчилик асосидаги тadb-

биркорликнинг юзага келиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Мамлакатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими яратилди.

У Қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ўз ичига олувчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда асосланади. Халқаро ташкилотлар (Жаҳон Банки, БМТ, ЮНИФ) томонидан қайд қилинишича, корхоналар ва тадбиркорлар фаолиятини хусусийлаштиришдан кейинги қўллаб-қувватлашнинг Ўзбекистонда амал қилаётган тизими, МДХ мамлакатлари орасида ўхшаши йўқ эканлигини халқаро ижтимоий ташкилотлар мутахассислари ҳам тан ола бошладилар.

Бозор иқтисодиётига ўтишда Ўзбекистон ҳукумати тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали йўлларини қидириб топа бошлади. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг давлат Дастуридан ташқари Ўзбекистонда халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалигида алоҳида тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари қабул қилинди.

1994 йили Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрини қамраб олувчи минтақавий дастурлар ишлаб чиқилди ва у дастурлар амалга оширила бошланди.

И. Каримов 1995 йил 4 июлда бўлиб ўтган идоралараро Кенгашда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш хусусида қонун қабул қилиш кераклигини уқтирди.

Шундай Қонун Олий Мажлиснинг иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш кўмитаси томонидан тайёрланди ва 1995 йил 21 декабрдаги Олий Мажлиснинг IV сессиясида қабул қилинди.

Ушбу Қонун кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асосларини белгилаб берди, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилди.

Қишлоқда ҳақиқий мулкдорларнинг шаклланишида фермер ва деҳқон ҳўжалиklarининг яна ҳам ривожлантирилиши алоҳида аҳамиятга эгадир. Республикада фермер ҳўжалиklarининг умумий сони 1992 йилдаги 6 мингдан 1998 йилда 23 минггача ошди, ушбу ҳўжалиklarдаги қорамоллар сони 42 минг бошдан 168 минг бошгача ошди. Фермер ва деҳқон ҳўжалиklarига ажратилган қишлоқ ҳўжалик ерлари майдони ошмоқда. Агар 1995 йилда фермер ҳўжалиklари 308 минг гектар ерга эга бўлса, 1998 йилда уларга 447 минг гектар ер тегишли бўлган, деҳқон ҳўжалиklари майдони эса шу даврнинг ичида 534 минг гектардан 573 минг гектаргача ошган.

Деҳқон ҳўжалиklари табиатининг ўзи ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. 1998 йилда гўштнинг 90 фоизи, сутнинг 92 фоизи, сабзавот ва картошканинг 70 фоиздан ортиғи, полиз экинлари ва узумнинг ярмидан кўпи, республикада етиштирилаётган ме-

валарнинг 61 фоизи шахсий ёрдамчи хўжалик деб аталмиш хўжаликларда тайёрланди.

Мулкдорлар синфини шакллантириш давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш билан бевосита боғлиқдир. Хусусийлаштириш ва кичик бизнесни ривожлантириш жараёни натижасида ҳозирги пайтда хусусий корхоналар республикадаги корхоналарнинг умумий сонидан 46 фоизни, акционерлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар — 12 фоизни, жамоа мулки корхоналари — 6 фоизни, фермер хўжаликлари — 14 фоизни ташкил қилади. Акциялаш республикада ўрта ва йирик корхоналарни хусусийлаштиришнинг асосий шаклидир. 1999 йил 1 январга келиб Ўзбекистонда 9400 акционерлик жамиятлари рўйхатга олинди, бунда барча акцияларнинг учдан бир қисмидан ортиги аҳолига тегишли, бу эса янги мулкдорлар синфини шакллантириш жараёнида аҳоли кенг қатламлари иштирокининг муҳим шаклидир.

Бугунги кунда хусусийлаштириш жараёни моҳиятан янги босқичга қадам қўйди — йирик, тузилма барпо этувчи корхоналар хусусийлаштириш объектига айланмоқда. Хусусийлаштириш ҳозирги босқичининг фарқловчи хусусияти акциялар воситасининг сезиларли қисмини фонд бозорида, шу жумладан, хорижий инвесторларга ҳам эркин сотувга чиқариб йирик корхоналарни кенг акционерлаш ҳисобланади. Бу бир томондан, корхоналар акцияларига эгалик қилувчи мулкдорлар доирасини сезиларли кенгайтириш имконини берса, иккинчи томондан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш мақсадида аҳолини ва хорижий сармоядорлар маблағларини жалб қилади.

4-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЗАМОНАВИЙ АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИГА ҚЎШИЛИШИ

Ҳар қайси давлат, жамият ўз келажагини кураётганда, ўз олдига қўйган юксак марраларга кўтарилишида ҳал қилувчи муҳим босқичлардан, иқтисодийда туб бурилиш ясайдиган поғоналардан ўтиши табиийдир. Ўзбекистон ўз суверенитетини қўлга киритгандан сўнг, ўз ривожланиш йўлини белгилар экан осон йўл қидирмади. Ўтиш даврининг мураккабликларига қарамасдан улкан-улкан иншоотлар замонавий ишлаб чиқариш объектлари яратишга киришди.

Бу борада, биргина Андижон вилоятининг Асака шаҳрида замонавий машинасозлик саноати объектининг вужудга келишини мисол келтириш kifоядир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 1992 йил июнь ойида Жанубий Корея Республикасига қилган расмий ташрифи чоғида икки давлат ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги дастлабки ҳужжатларни имзолади. Шу йилнинг август ойида эса Жанубий Корея Республикаси билан ҳамкор-

ликда Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш тўғрисида келишиб олинди.

Корхонани ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 5 ноябрда «Сельхозмаш» концерни ва «ДЭУ корпорейшн» корпорацияси билан ҳамкорликда автомобиллар ишлаб чиқарувчи «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини ташкил қилиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Унда «Сельхозмаш» концернига 3 ой муддат ичида республикада автомобилсозликни янада ривожлантиришга қаратилган Концепция ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ҳамкорлигида барпо этиладиган ушбу қўшма корхона таъсисчилари этиб Корея Республикаси томонидан «ДЭУ» корпорацияси, Ўзбекистон Республикаси томонидан эса «Ўзавтосаноат» уюшмаси белгиланди ва Ўзбекистонда барпо қилинаётган автомобиль ишлаб чиқарувчи корхонани «ЎзДЭУавто» номи билан юритишга келишилди. Шартномага кўра ҳар икки тарафнинг қўшма корхонадаги улуши миқдори «ДЭУ» корпорацияси учун 50%, 100 миллион АҚШ доллари ва «Ўзавтосаноат» уюшмаси учун 50%, 100 миллион АҚШ доллари ҳисобида белгиланди.

Бир қарашда Ўзбекистон машинасозлиги маълум бир босқични босиб ўтган, ўз тарихига эга бўлган соҳалардан бири. Собиқ шўролар даврида ўлкамизда қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқарадиган «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», Тошкент трактор заводи, Экскаватор заводи, «Чирчиқсельмаш» ҳамда Андижон ва бошқа вилоятларда турли русумдаги тракторлар ишлаб чиқарилар эди. Бироқ, аслида улар том маънодаги ишлаб чиқариш қувватига ва имкониятига эга эмас эди.

Собиқ Иттифоқнинг ўнлаб шаҳарларидан, чекка-чеккаларидидаги турдош корхоналаридан тайёр қисмлар олиб келиниб, Ўзбекистонда йигилар эди, холос. Бу Ўзбекистон машинасозлик индустриясини ривожлантиришга эмас, аксинча унинг иқтисодий қарамлигини чуқурлаштиришга хизмат қилар эди.

Юқорида таъкидланганидек ҳақиқий ўзбек машинасозлиги мустақиллик маҳсули бўлиб, у 1993 йилнинг март ойида «ЎзДЭУавто» номи билан рўйхатдан ўтказилиб, Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги прицеplar ишлаб чиқариш корхонаси негизда ташкил қилиниши ҳамда бу муҳим иншоот қурилишининг бошланиши билан Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатига асос солинди.


Қўшма корхонанинг умумий майдони 476 минг 266 квадрат метр бўлиб, шундан бино ва иншоотлар учун ажратилгани 146 минг 266 квадрат метрни ташкил қилади. Қурилиш 1993 йилнинг февралидан бошлаб 32 ой мобайнида охирига етказилди.

Лойиҳа ишлари асосан «ДЭУ инжиниринг» ва «Ўзтяжпром» фирмалари томонидан амалга оширилди. Узининг кўлами жиҳатидан нафақат Ўзбекистонда балки, Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур корхона қурилишида ҳар турдаги 25 минг тонна-


Кەشلەк кўжалитида нодавлат секторининг ривожланиشى,
 фонд хизматиди




**Дехқон ва фермер хўжаликлари ихтиёридаги қишлоқ хўжалиги
ерлар майдони, минг гектар ҳисобида**



**Ишлаб чиқариш умумий ҳажмида деҳқон хўжаликларининг улуши,
ҳисобида**



Мулк шаклларига кўра корхоналар улуши, фоиз ҳисобида



дан зиёд металл конструкциялар, 17 минг тонна йигма темир бетон, 40 минг куб метр монолит бетон ва 1000 километр кабель линиялари ўтказилиб, 25 минг тоннадан зиёд мураккаб технологик жиҳозлар ва дастгоҳлар ўрнатилди ва монтаж ишлари амалга оширилди.

Лойиҳа қувватига кўра йилига 200 минг автомобиль ишлаб чиқара оладиган бу улкан иншоотнинг умумий қиймати 658 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Автомобилсозликда кўп жиҳатдан янги бўлган илгор технологиялар қўлланилган ушбу корхонада ишлайдиган ишчи, муҳандис кадрлар тайёрлаш ишларига қўшма корхонага асос солингандан бошлаб катта эътибор берилди.

Корхона цехларида меҳнат қилаётган ёшларнинг 1000 дан кўпроги Жанубий Корея Республикасида — «ДЭУ» компанияси автомобиль ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб тажриба ортириб қайтишди, бугунги кунда яна 2000 киши ўз малакаларини ошириш учун Жанубий Кореядаги «ДЭУ» компаниясининг автомобилсозлик заводларига юборилдилар.

Қўшма корхонада бажарилган қурилиш ишлари асосан Андижон, Фарғона ва Наманган вилояти қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилди.

1996 йил 19 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов иштирокида ушбу қўшма корхонанинг ишга тушурилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда нутқ сўзлар экан Президент И. Каримов «ЎЗДЭУавто» корхонаси қурилишида фаоллик кўрсатганларга чуқур миннатдорчилик билдирди. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти билан тақдирланганликларини маълум қилди. Шу билан бирга Президент «Вилоятнинг Асака шаҳрида икки йил ичида бунёд этилган, 1996 йилнинг март ойида «Дамас» машинаси, июнь ойида «Тико», июль ойида эса «Нексия» ишлаб чиқарган «ЎЗДЭУавто» истиқлол йилларида бунёд этилган қудратли корхона бўлиш билан бирга Ўзбекистоннинг энг илгор давлатлар қаторига кириш учун қўйган дадил қадам» эканлигини алоҳида уқтирди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф а р м о н и**

Ким У Джунни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида.

Корея билан Ўзбекистон халқлари ўртасида дўстлик ва ҳам-жиҳатликни мустаҳкамлаш ишига қўшган солмоқли ҳиссаси ҳамда иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдаги катта хизматлари учун «ДЭУ» гуруҳининг раиси Ким У Джун «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. Каримов

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 июль.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф а р м о н и**

Ли Кван Кини «Шухрат» медали билан мукофотлаш тўғрисида

Корея ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари, Асакадаги «ЎзДЭУ-авто» қўшма корхонаси қурилишидаги улкан ютуқлари учун ДЭУ президенти ва «ЎзДЭУавто» компаниясининг раиси Ли Кван Ки «Шухрат» медали билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. Каримов

Тошкент шаҳри,
1996 йил 16 июль.

Шундай қилиб, Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишга тушиши Ўзбекистонда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, республика индустриясининг кудрати муттасил ортиб бораётганини кўрсатувчи муҳим далилдир.

Шу боис бир ҳақиқатни алоҳида таъкиллаш жоиздир. Жаҳон мамлакатлари тарихи гувоҳлик бераптики, дунёдаги энг кучли мамлакатларгина автомобиль индустрациясига эга. Улар асосан, АҚШ, Фарбий Европа, Япония, Россия ва Жанубий Осиёдаги мамлакатлардан иборат 28 тани ташкил этади.

Автомобиль индустрияси бозорига кириш ва ундаги кучли рақобатга бардош бериш ўта мушкул иш бўлаётганлиги учун ҳам иқтисодий ва молиявий бақувват мамлакатлар ҳам бу бизнесга кира олмаяптилар. Ўзбекистон эса кучли рақобатчилари бўлган автомобиль бозорига собиқ СССР таркибидаги республикалар орасида биринчи бўлиб кириб борди.

Бундай ютуққа Ўзбекистон осонликча эришмади.

Биринчидан, Ўзбекистонда автомобиль саноатини барпо этиш учун катта инвестиция, юқори технология ва малакали кадрлар тайёрлаш талаб қилинар эди.

Иккинчидан, автомобиль ишлаб чиқарувчилар учун иқтисодчилар таъбири билан айтганда, доимо ўзаро ўрнини босувчи товар ишлаб чиқариш «ҳолати мавжуд, бўлиши лозим эди. Бунинг маъноси автомобиллар моделини жуда тўлиқлари билан алмаштириб туришни, харидорлар талаб-истакларини ўз вақтида қондиришни тақозо этади. Бунда кучли инженер-конструкторлик ишини қатъият билан ривожлантириш, ижодий-технологик жараёни доимий равишда, узлуксиз такомиллаштириб боришининг зарурий чораларини кўриш талаб қилинарди.

Учинчидан, хом-ашё маҳсулотлари, эҳтиёж қисмлар етказиб берувчиларни, яъни таъминловчиларнинг автомобиль бизнесига таъсири катта бўлганлиги учун улар ишончини қозонмоқ керак эди.

Ўзбекистон автомобиль индустрияси ана шу муҳим масалаларни ҳал этишга қодир эканлигини амалда кўрсатди ва бунга бошқа мамлакатлардаги ҳамкорларини ишонтира олди. У қийинчиликларни оқилона енгиб, муаммоларни чўчимай ҳал қилиб, бизнес бозорига дадил кириб борди.

Ҳозирги кунда «ЎзДЭУавто» корхонасида кунига 290 та дунё андозаларига жавоб бера оладиган 3 хил моделдаги автомобиллар чиқарилмоқда. Шундан 160 таси NEXIA модели бўлиб, у АҚШ ва Япония талабларига тўла жавоб беради. Уни маълум такомиллаштириш ҳисобига Европа стандартига ҳам тўла жавоб берадиган даражага келтириш ишлари олиб борилмоқда. Автомобиллар ҳозир ўз харидорларини кутилгандан ҳам тезроқ топмоқда.

1996 йил ноябрь ойигача 18000 дан ортиқ автомобиллар сотилган бўлса, улардан 15 минг 700 таси ички бозорга ва 2300 таси чет элларга экспорт учун чиқарилди. Шулардан NEXIA ва TICO автомобилларига талаб тобора кучаймоқда.

Ташқи бозордаги катта улғуржи савдо Россия ҳиссасига тўғри келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонга автомобиль экспорт қилувчи Россия Ўзбекистон автомобилларига харидор бўлмоқда ва ундан кўп миқдорда олишни тақлиф қилмоқда.

Ўзбекистонда автомобилсозликни ривожлантиришга республика раҳбарияти, шахсан Президент И. Каримов мунтазам эътибор бериб келмоқда. Буни Вазирлар Маҳкамаси томонидан биргина 1995—1996 йилларда қабул қилинган қарорлардан ҳам билса бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда автомобиль саноатининг ишлаб чиқариш базасини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 30 майда «Автомобиллар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Корея

Кўшма корхоналарини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унда Ўзбекистон томонидан «Ўзавтосаноат» уюшмаси ва «Ўзсаноатқурилиш» давлат корпорациясининг «Андижон қурилиш заводи» акционерлик жамияти ҳамда Корея томонидан «Донгжу энд Ко лтд» компанияси ташкил этадиган лак-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Низом жамғармаси 4 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлган «Ўз-Донгжу Ко» Кўшма корхонаси, Ўзбекистон томондан «Ўзавтосаноат» ва «Ўзмашсаноат» уюшмаларининг «Андижон заводи» акционерлик жамияти ҳамда Корея томонидан «Тонг Хонг» Электрик ўриндиқлари ишлаб чиқарадиган, Низом жамғармаси 6,42 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлган «Ўз-Тонг Хонг Ко» Кўшма корхонаси Ўзбекистон томонидан «Ўзавтосаноат» уюшмаси ва Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба-экспериментал заводи ҳамда Корея томонидан «Кодам Пластик Ко лтд» компанияси ташкил этадиган бамперлар ва прибор панеллари ишлаб чиқарадиган, Низом жамғармаси 5 миллион АҚШ доллари миқдорига бўлган «Ўз-Кодам Ко» Кўшма корхонаси ташкил этилиши маълумланди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси «ЎзДЭУавто» кўшма корхонаси ишлаб чиқарган автомобилларни самарали сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида 1996 йил, 3 сентябрда «ЎзДЭУавто» Кўшма корхонасида автомобиллар ишлаб чиқариш, сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш масалалари тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу қарорда «Мерселес Бенц» ва «ДЭУ» компанияларининг ва бошқа йирик автомобиль компанияларининг мутахассисларини жалб этган ҳолда «ЎзДЭУавто» кўшма корхонаси автомобилларини ҳам мамлакат ичида, ҳам мамлакат ташқарисида сотиш бўйича маркетинг тадқиқотлари марказини ташкил этиш кўзда тутилди. Айни чоғда бу марказ «ДЭУ» корпорацияси билан келишган ҳолда автомобиль Моделларини янгилашга доир тадбирлар ишлаб чиқиши кераклиги назарда тутилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, «ЎзДЭУавто» кўшма корхонасини тўла қувват билан ишга тушириш, ишлаб чиқарилган автомобиллар учун зарур эҳтиёт қисмлар тайёрлаш, сотиш ва сотувдан кейин сервис хизмати кўрсатиш, маркетинг хизматларини йўлга қўйиш чоралари кўрилмоқда.

Шу кунларда корхонада 4000 га яқин ишчи ишлаётган бўлса, яқин келажақда тахминан 55—65 минг киши ишлайдиган йирик автомобилсозлик марказига айланади.

1999 йил 16 март куни Самарқандда ҳам қалбимиз шундай бахт ва ғурур нашидасидан энтикадиган қувончли воқеа рўй берди. Бу ерда Ўзбекистоннинг яна бир автомобиль заводи иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Кари-

мов ҳамда Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл янги иншоотнинг очилиш маросимида қатнашгани мазкур тadbирга алоҳида руҳ бағишлади. Икки давлат раҳбарлари эндигина конвейердан чиққан янги автобустга дастхат битдилар.

Қисқа муддатда қад ростлаган мазкур автомобиль заводи қурилишига 1995 йили «Узавтосаноат» уюшмасининг Туркиядаги машҳур «Коч холдинг» компанияси билан имзолаган шартномага мувофиқ киришилган эди.

«СамКочавто» қўшма корхонаси заводида йилига минглаб турли русумдаги қулай ва ихчам автобуслар, турфа хил юк ташиш машиналарини ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида фойдаланиш мумкин бўлган бу машиналарнинг эътиборли жиҳати шундаки, улар «Ивеко» Италия-Испания фирмасининг ихчам конструкцияларига асосланган ҳамда «Коч холдинг» компанияси аъзоси — «Отойўл» заводида янада такомиллаштирилиб, Ўзбекистон шароитига мослаштирилди.

Дастлаб бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг 25 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилди. 2000 йилдан бошлаб бу кўрсаткич 35 фоизга етиштирилди. Маълумки, Асакадаги автомобил заводида ҳам дастлаб бутловчи ва эҳтиёт қисмларининг 15 фоизи маҳаллий корхоналарда тайёрланар эди. Ҳозирга келиб бу кўрсаткич 55 фоиздан ошиб кетди.

Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи каби йирик корхоналар ҳиссдорлик жамиятларига, «Ўзқишлоқхўжалик» машинасозлиги эса «Ўз қишлоқхўжалик машинасозлик холдинг» — холдинг компаниясига айлантирилди.

Ҳозирги пайтда фақат дунёнинг икки мамлакатиди, аниқроғи АҚШ ва Ўзбекистонда пахтачилик машиналари ва ускуналари тўлиқ ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда бу йирик корхоналар АҚШнинг «Кейс» ва «Магнум» корпорациялари билан ҳамкорлик қилиб, қишлоқ хўжалигини замонавий тракторлар билан таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўзбекистон ипақчилик ва пиллачилик техникалари ишлаб чиқарувчи Марказий Осиёдаги ягона давлатдир.

Шу тариха Ўзбекистон 90-йилларнинг ўрталарига келиб замонавий автомобиль индустриясига эга ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олди.

5-§. МАМЛАКАТ ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ҲАЁТИДА ҚИШЛОҚНИНГ ЎРНИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар ичида қишлоқда юз берган ўзгаришларни, алоҳида таъкидлаш жоиз. Қишлоқда туб ислохотлар ўтказишнинг бир неча ўзига хос омиллари бор.

Бу борада шуни айтиш керакки истиқлолга эришгач қишлоқни устун даражада ривожланишини таъминламасдан, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тикламасдан туриб мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига эришиб бўлмас мамлакат аҳолисининг кўпчилиги ташкил қилувчи қишлоқ меҳнаткашлари турмушини янада тўкинроқ қилиш вазифасини бажариб бўлмасди»¹². Айни чокда мамлакат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги салмоги юқори эди.

1996 йил бошига келиб аграр сектор ҳисобига мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотларнинг 24 фоизи, мамлакат меҳнат ресурсларининг 27 фоизи тўғри келди, бу **биринчидан**.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Туғилиш кўп бўлгани туфайли иш билан таъминлаш муаммолари ҳам қишлоқларда энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Қишлоқ аҳолисининг 50 фоизидан ортиғи 18 ёшга етмаган ёшлардан иборат. Бу қишлоқда энг катта ишчи кучи потенциали жойлашганини, мамлакатимиз иқтисодиётида етакчи ўринга эга эканини кўрсатарди.

Ўзбекистон ҳукумати қишлоқнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини юксак баҳолаб уни янада юксалтиришга доимий эътибор беришининг боиси ана шунда. Шунинг учун ҳам И.Каримов Олий Мажлиснинг 1995 йил 29 декабрда бўлиб ўтган IV сессиясида шундай деган эди: «**Мен бир ҳақиқатни айтиб чарчамасам керак. Бунинг мазмуни шуки, қишлоқда туб ислоҳотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилли ва манбандир**»¹³

Шу боис аввало қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасидаги муҳим чора-тадбирлардан бири, бу соҳага раҳбарликни яхшилаш бўлди. 1991—1996 йилларда қишлоқ хўжалиги комплексига раҳбарликни яхшилаш, қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш чоралари кўрилди. Дастлаб 1992 йилда Президент Фармони билан Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигида қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи комплекс ташкил қилинди. Соҳага раҳбарликни такомиллаштириш ишлари доимо давлатимиз раҳбари диққат-эътиборида бўлди. Вазирлар Маҳкамаси биргина 1994—1995 йилларда қишлоқда ислоҳотлар ўтказишга доир 10 дан ортиқ қарор қабул қилди. Уларда, қишлоқ хўжалиги комплексига раҳбарликни яхшилаш, замонавийлаштириш борасида қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

1996 йил 26 ноябрда республика ҳукумати қишлоқ ва сув хўжалигини бошқаришнинг, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган бутунлай янги тизимини яратиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилди. Шунга асосан икки вазирлик бирлаштирилди.

Бундан илгарироқ, аниқроғи 1996 йил 3 апрелида Президент «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонни имзолаб унда қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган қатор тадбирлар кўзда тутилган эди.

Яна таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини устун даражада ривожлантириш борасида янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, 1991 йил 21 декабрда қабул қилинган «Деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замон талаблари асосида ташкил қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, чорвачиликда ислохотларни такомиллаштириш ва деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамда хусусийлаштирилган фермаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида 1994 йил февралда қабул қилинган ҳукумат қарорлари ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

Шу йилларда амалга оширилган тадбирлар туфайли қишлоқда аграр ислохот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига мос янги хўжалик тизими шаклланди. Аввалги совхозларнинг ҳаммаси кооператив, уюшма, ширкатларга ва мулкнинг бошқа нодавлат шаклига айлантирилди.

Колхозларнинг чинакам кооператив моҳияти тикланди. Чорвачилик фермалари 1994 йилда мазкур жойдагилар мулкига айлантирилди. 1995 йилда қорамол боқиладиган 588 чорвачилик фермаси ким ошди савдосида сотилди. Деҳқонларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларига суғориладиган ерлардан қўшимча салкам 350 минг гектар ер ажратилди. Айни пайтда қишлоқда 20 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ижтимоий тузилиши тубдан ўзгарди. Ҳозир қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларининг 98 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий ислохотлар республика озик-овқат мустақиллигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишини ўзгартиришлар билан бирга амалга оширилди.

Пахтазорлар 1,5 миллион гектарга қисқарди, суғориладиган ерлардаги галлазорлар 1,2 миллион гектарга ортди. Ғаллачиликни жадал ривожлантириш қисқа вақт ичидаёқ халқ истеъмолига ишлатиладиган ва озуқабоп донга бўлган эҳтиёжни қондириш, ҳозир буғдой сотиб олишга сарфланаётган валютани тежаб қолиш имкониятини берадиган, экспортга эҳтиёж қолдирмайдиган қудратли тармоқ яратилишини таъминлади.

Дон экинлари учун ажратилган майдонлар 1990 йилдан 1998 йилгача бўлган давр мобайнида асосан пахта экинлари майдони-

ни қисқартириш ҳисобига 1,7 баробар ошди. Дон ишлаб чиқариш икки баробардан кўпроқ ошиб, 4,15 млн. тоннани ташкил қилди. Мазкур экинларни етиштириш тажрибасининг қўлайиши ва фаол селекция ишлари натижасида маҳсулдорлик шу йиллар мобайнида 1,3 баробар ошди. Ушбу чора-тадбирлар дон экинлари импортини сезиларли даражада қисқартиришга имкон берди. Агар 1990 йилда республикада истеъмол қилинадиган бугдойнинг 90 дан ортиқ фоизи импортга тўғри келган бўлса, 1998 йилда импорт улуши 19 фоиздан камроқни ташкил қилди.

Асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш¹⁴

минг. т.

	1995 й.	1996 й.	1996 йил 1995 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами ғалла	3215,3	3549, 2	110,4
шу жумладан:			
Бошоқли	2680,4	2948,1	110
улардан бугдой	2346,9	2736,5	116,6
Гуруч	327,6	445,2	135,9
Жўҳори	185,5	130,6	70,4
Картошка	439,9	490	111,4
Ўғит (тирик вазнда)	852,9	854,3	100,2

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг моддий шарт-шароитларини яратиш, ислоҳотларни янги сифат даражасига кўтариш учун 1994 йилда давлат томонидан харид қилинадиган пахта толаси ва доннинг нархи 3—8 баробар оширилди. Қолган барча маҳсулотларни деҳқонлар эркин бозор нархларида сота бошладилар.

Бошқача қилиб айтганда қишлоқда ислоҳотларни жалаллаштириш ва чуқурлаштиришни, бозорга хос кўп укладли самарадор ишлаб чиқаришни таъминлайдиган зарур иқтисодий шарт-шароитлар яратилди.

Бу осонликча бўлмади. Сабаби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ва қайта ишлашга аҳд қилган кишилар олдида кўплаб муаммолар пайдо бўлган эди.

Хусусан, уруғлик, ўғит, меҳнат қуроллари ва техника, ёқилги мойлаш материаллари сотиб олиш, агар деҳқон хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган бўлса унда қорамол, парранда, емхашак харид қилиш, улар учун бинолар, омборхоналар ва шу кабиларни қуриш сингари масалалар ҳар бир деҳқон хўжалигини ўйлантирар эди. Шуларни қонун йўли билан ҳал қилишни кўзда тутувчи янги ҳужжатлар қабул қилинди.

Улар ичида асосийларидан бири, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонундир. Бу ҳужжатда ишлаб чиқариш воситаларини харид қилиш учун узоқ муддатли кредит ажратилиши ҳамда, деҳқон хўжалигининг жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун кредит шартномаси асосида қисқа муддатли кредит ажратиш кўзда тутилди.

Деҳқон хўжалиги ташкил топаётган пайтида унга ссуда ва кредитлар берилишида маҳаллий ҳокимият бошқарув органлари, бошқа тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, деҳқон хўжаликларининг ўзлари ўз мулки эвазига кафил бўладиган бўлдилар.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги маълумотларига қараганда, 1996 йил бошигача Ўзбекистонда деҳқон хўжаликларининг умумий сони 20 минг 244 тани ташкил этди.

1995 йилда деҳқон хўжаликларининг сони жадал суръатлар билан ошиб борган йил бўлди. Биргина 1995 йилда 3 минг хўжалик қўшилди. Шунга мувофиқ равишда уларда банд бўлган қишлоқ меҳнатқашларининг сони 79229 кишидан 105377 кишига кўпайди. 4380 дан ортиқ киши меҳнат шартномаси асосида мавсумий ишларга жалб қилинди.

Ўзбекистон улкан қишлоқ хўжалик ресурсларига эга мамлакат унинг асосий қишлоқ хўжалик экини пахта. Агар бутун Марказий Осиё мамлакатлари 2 миллион тонна пахта толаси етиштирса биргина Ўзбекистон 1 миллион 400 минг тонна пахта толаси етиштиради.

Республика пахта толасини етказиш бўйича жаҳонда тўртинчи ўринда, уни четга чиқарувчи ва жаҳон бозорида уни сотиш ҳажми бўйича иккинчи ўринни эгаллайди. Бу эса мамлакат хазинасига валюта келиб тушишининг энг муҳим манбаи бўлиб қолди.

Республика сабзавот, мева, узум етиштириш бўйича ҳам салмоқли ўринга эга. Ҳозир Ўзбекистонда йилига 5 миллион тоннага яқин мева сабзавот етиштирилмоқда. Бу республика аҳолиси эҳтиёжидан анча ортиқ.

Республикада 70 минг тоннага яқин пилла етиштирилиб, унинг 21 минг тоннаси республика корхоналарида қайта ишланиб, ипак толаси олинади, қолгани эса экспорт қилинади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг пухта ўйлаб олиб борилиши МДХ барча мамлакатларидан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқаришнинг сезиларли даражада пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини берди.

Шу билан бирга қишлоқда ислоҳотларни амалга оширишда экинлар ҳосилдорлиги, меҳнат унумдорлиги ўсишини таъминлашда, ҳақиқий ер эгаси ва маҳсулот соҳибининг шаклланишида ҳали бир қатор муаммо ечилмаган масалалар кўп эди.

Жумладан, 1996 йил октябрда халқ депутатлари Жиззах вилояти сессиясида қайд қилинганидек шу боис 1995 йил 21 декабрда Олий Мажлиснинг IV сессиясида «Қишлоқда ислоҳот-

лар суст бораётгани ва қутилган натижаларни бермаётгани, мулк ўз эгасини топиши ҳақида кўп гапирилсада, амалий ҳаётда эса бу масалалар ўзининг керакли ечимини топмаётгани»¹⁵ ҳақида куйиниб гапирилди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини оширишда уруғчиликка эътибор берилиши лозимлиги қайта-қайта уқтирилди. Жумладан, Президент 1996 йил Хоразм, Жиззах, Сирдарё, Наманган, Бухоро, Фаргона вилоятлари халқ депутатлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларидаги нутқларида, Андижон ва Сурхондарё вилоятларига ташрифлар вақтида қишлоқ ишлаб чиқариши фаоллари билан учрашув, суҳбатлар пайтида пахтанинг серҳосил ва эртапишар навларини яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлигига барчанинг эътиборини қаратди.

Шу боис ҳам мамлакат Олий Мажлиси 1996 йил 29 августда «Уруғчилик тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида» қонунларни қабул қилди. Ушбу қонунлар республикада уруғчилик масалаларига доир давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратди.


Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳақида гапирар эканмиз, қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга Президент ва ҳукумат доимий равишда эътибор бераётганликларини ҳам таъкидламоқ лозим.

1996 йилнинг 21 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш Дастури» тўғрисида қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда қишлоқнинг иқтисодий ва меҳнат имкониятларидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси «Ўзистикболстат» Давлат Қўмитаси, Ўзбекистон Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирлигига 2000 йилгача қишлоқ инфраструктурасини ривожлантиришга доир ишларни амалга оширишни топширди. Шунингдек, ушбу қарорда ҳукумат комиссияси тузилиб, ҳар 3 ойда бир марта ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш ҳам кўзда тутилди.

Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқни ривожлантиришга доир мазкур қарори соҳада кескин ўзгариш ясашга асос бўлди. Масалан, 1996 йил октябрь ойида И. Жўрабеков бошчилигида комиссия йиғилиши бўлди. Унга тегишли Вазирликлар, ҳокимликлар вакиллари таклиф қилиндилар. Йиғилишда «Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорини бажариши юзасидан ҳисоботи тингланди.

Комиссия йиғилишида таъкидланишича, кўпдан бери орзиқиб қутилган, том маъноси билан ўзбек қишлоғини мада-

Дон мустақиллигини таъминлаш



ний-маърифий юксалтиришга, соғлом ёш авлодни камол топтиришга йўналтирилган ушбу қарордан сўнг Халқ таълими вазирлигида 23 майда ҳукуматнинг бу муҳим қарорини турмушга тадбиқ қилишни таъминловчи ишчи гуруҳ тузилди.

Ишчи гуруҳ биринчи навбатда мамлакат «Истикболстат» Давлат Қўмитаси масъул ходимлари билан биргаликда қишлоқ жойларида 24,3 минг ўқувчига мўлжалланган авария ҳолатидаги мактаблар учун бинолар қурилиб фойдаланишга топшириш 1996 йил режа-дастурини Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимиятлари билан ҳамкорликда кўриб чиқиб ҳукуматга тақдим этди. Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 8 июндаги Мажлис баённомаси билан тасдиқлангандан сўнг жойларга ижро учун юборилди. 1996 йилнинг 29 май куни ишчи гуруҳ қишлоқ мактаблари қурилишида асосий буюртмачи ҳисобланган Қишлоқ ҳўжалик вазирлигининг масъул ходимлари иштирокида йиғилиш ўтказиб қишлоқ мактабининг келажаги ҳақидаги Концепцияни яратиш масаласини келишиб олди.

Ҳукумат Қарорини амалга оширишдаги муҳим талбир шундан иборат бўлдики, 1996 йил 28 июнда барча вилоят халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари иштирокида бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида бу ўта долзарб ҳукумат талбирларини ўз вақтида пухта бажариш соҳасида таълим муассасаларининг маҳаллий ҳокимиятлар, қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилиши кўзда тутилган вазифаларни бажариши муҳокама этилди, уларни амалга ошириш бўйича зарур кўрсатмалар берилди. Унда 1996 йилда қишлоқ ҳудудларида фойдаланишга топшириладиган мактаб бинолари ва уларнинг моддий негизини тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ муддатлар тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамаси Қароридан нафақат қишлоқ мактаблари учун янги бино қуриш, балки уларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, мактаб биноларини капитал таъмирлаш, реконструкция ва қўшимча бинолар қуриш, замонавий техника воситалари, жиҳозлар, мебеллар билан таъминлаш вазифалари ҳам ўрин олди.

Таълим муассасаларини жиҳоз, мебеллар билан ўз вақтида тўлиқ таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги билан Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги «Файз» мебель ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ўртасида 1996—2000 йилларга мўлжалланган шартнома тузилди. Шартномага асосан ҳиссадорлик жамиятининг иккита цехида фақат таълим муассасалари, хусусан, мактаблар учун мебель, жиҳозлар ишлаб чиқарилиши ҳақида келишилиб, бу иш 1996 йилнинг биринчи чорагидаёқ бошлаб юборилди.

Мазкур йилнинг биринчи ярмида қурилиб фойдаланишга топширилган мактаблар учун 30 миллион сўмлик мебель (стол, стул, жавон, парта, тахта)лар жойларга етказиб берилди, булардан 21,5 миллион сўмлиги қишлоқ ҳудудларида топширилган мактаблар учундир.

Бундан ташқари вазирликка қарашли «Таълим-таъминот» Бош бошқармаси қошида «Жаҳонгир» фирмаси, ҳамда бир қатор вилоят халқ таълими бошқармалари қошида кичик корхоналар тузилиб, уларда кунда зарур бўлган парта ва тахталар ишлаб чиқарила бошланди. Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси қошида эса устахона ташкил этилиб, унда мактаб учун бўр ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги мураккабликлар ҳисобга олиниб, таълим муассасаларида мавжуд бўлган ўқув кўргазма қуроллари ва жиҳозларни таъмирлаш борасида вазирлик тасаруфидаги ташкилотларда амалий чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, мамлакат «Таълим-таъминот-жиҳоз» ва Андижон вилоят «Таълим-таъминот» корхоналари қошида Россия билан лингафон, физика, химия кабинетлари, электр ускуналарини амперметр, вольтметр, осциллограф, универсал тўғрилагичларни таъмирловчи «Мактаб-лингофон», Бухоро вилояти «Таълим-таъминот» корхонаси қошида эса, кодоскоп, эпидпаскоп, эпипроектор, графопроектор, телескоп ва фильмскопларни таъмирловчи «Мактаб-Жиҳоз-Бухоро» Кўшма корхоналари очилди.

Халқ таълими вазирлиги мактабларни замонавий техника жиҳозлари билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратди, хусусан, жорий йилда қишлоқ ҳудудларида жойлашган мактаблар учун энг замонавий техника воситалари — 160 комплект синф «IBM» компьютерлари ажратиш режалаштирилди ва булардан 100 комплекти дарҳол жойларга етказилди.

Шунингдек, комиссия йиғилишида янги таълим муассасаларини қуриб, уларни фойдаланишга топшириш ишлари Республика вилоятларида жуда суст кетаётганлиги ҳам қайд қилинди.

Қорақалпоғистон Республикасида ва Андижон, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятларида биронта ҳам мактаб бинолари фойдаланишга топширилмади. Шу муносабат билан, комиссия Қишлоқ хўжалик вазирлиги, унинг жойлардаги вилоят агросаноат бирлашмалари, қатор вилоят ҳокимиятлари, халқ таълими бошқармалари эътиборини қишлоқ жойларида мактаб қурилишига уларни тезроқ фойдаланишга топширишга қаратди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорини бажаришда бошқа вазирликлар томонидан ҳам муайян ишлар қилинди. Хусусан, қишлоқ аҳолисининг саломатлигини яхшилаш масаласига ҳам эътибор кучайди. Фақат 1996 йилнинг 11 оyi мобайнида республикада 62 қишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Шу давр мобайнида 71 минг квадрат метр савдо ўринлари, 27,9 минг квадрат метр умумий овқатланиш шохобчалари, 1992 маиший хизмат объекти қуриб фойдаланишга топширилди.

Аҳолини газ, ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинди.

Қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш ёш Ўзбекистон давлати иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Буни Хоразм вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Вилоятда бу соҳада мустақилликнинг 5 йили давомида 80-йилларга қараганда бир мунча ўсиш сезилди. Жумладан, 1992—1995 йилларда 824 километр табиий газ қувурлари ётқизилиб, 40 минг 700 хонадонга «зангори олов» ўтказилди. Ваҳоланки, 1990 йилгача газлаштирилган хонадонлар 49 мингга ташкил этган, ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳволи анча оғир эди.

Бинобарин, мавжуд ичимлик суви қувурлари 1990 йилгача атиги 1000 километрни ташкил этган.

Кейинги 5 йилда 127 километр катта диаметрли сув ҳайдагич, 902 километр ичимлик суви тармоқлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Аҳолининг табиий газ билан таъминланиши 86,7 фоизга, ичимлик суви билан таъминланиши эса 54,8 фоизга етказилди.

Орол минтақасида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муҳим ижтимоий-иқтисодий тadbир бўлиб инсонпарварлик хусусиятига эга эди.

Бу гоят муҳим соҳада Наманган вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш ҳақидаги Фармони асосида вилоятда амалга оширилган ишларни эслаб ўтиш жоиздир.

1990 йилгача бўлган даврда вилоят бўйича жами 1480 километр газ тармоқлари тортилган бўлса, 1991—1995 йиллар давомида 2025 километр газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Собиқ Иттифоқ даврида ҳаммаси бўлиб 1423,9 километр сув узатиш тармоқлари ётқизилган бўлса, 1991—1995 йилларда 1039 километр шундай тармоқлар ишга туширилди. 1990 йилгача ҳаммаси бўлиб 95,8 минг хонадон газлаштирилган бўлса, истиқлол йилларининг ўзидаёқ 83,3 минг хонадонни газлаштиришга эришилди. Биргина 1996 йилнинг ўзида вилоятнинг энг чекка қишлоқлари Чодак ва Нанайга газ етказиб берилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда Учқўрғон — Наманган сув узатиш иншоотлари қурилиши ҳақида қисқача тўхташ лозим.

Лойиҳа бўйича сув тиндириш ҳавзасининг сизими 125 минг кубометр, узунлиги 37 километр бўлган бу иншоот қурилиши республика ҳукуматининг доимий диққат эътиборида бўлди.

Жадал суръатларда тикланаётган бу объектларда катта миқдорда капитал маблаг ўзлаштирилган. Бу иншоотнинг катта аҳамияти шу билан изоҳланадики, унинг битказилиши Уйчи, Чортоқ, Наманган, Тўрақўрғон туманлари, Наманган шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан тўла таъминлайди. 2005 йилга бориб эса, бутун вилоят аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган талаби тўла қондирилади.

Қишлоқда ислохотлар амалга оширилиши жараёнида меҳнатга яроқли аҳолини меҳнат билан банд қилиш масаласига ҳам қатта эътибор берилди.

Бунинг боиси шундаки, ҳозирда қишлоқда қарийб 2 млн.га яқин ортиқча ишчи кучи мавжуд. Шу боис Республика Президенти қишлоқда кичик корхоналар, маиший хизмат объектлари ташкил қилиш, ортиқча ишчи кучини шу соҳаларда банд қилиш вазифасини муттасил суръатда таъкидлаб келмоқда. Бу борада 1991—1995 йилларда меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолини иш билан таъминлаш ҳукумат Дастури ишлаб чиқилди. Унда иш билан банд бўлганлар салмоғини 59 фоиздан 74 фоизга оширилиши мўлжалланган эди. Бу бажарилди. Шундай бўлсада ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида бу масала ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Шу боис Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган Дастурда 1996—2000 йиллар орасидаги даврда қишлоқда қарийб 2 миллионга яқин янги иш жойи яратиш, деярли 950 минг кишини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мўлжалланди.

1996—98 йилларда қишлоқ жойларда 631,0 мингта иш жойи барпо этилди.

1998 йилда яратилган бу иш ўринларининг асосий қисми иқтисодиётнинг қишлоқ соҳасига (79,4 минг), савдо-сотиқ ва умумий овқатланишга (54,1 минг), саноатга (18,4 минг), шунингдек, транспорт ва алоқа соҳаларига (10,0 мингта) тўғри келади.

1998 йилда қишлоқ жойлардаги янги иш ўринларининг деярли ярмини шахсий фаолият тармоғи ташкил этади. (фермер хўжаликларида — 47,1 минг, деҳқон хўжаликларида — 12,9 минг, шахсий-меҳнат фаолиятларида — 75,4 минг). 34,0 мингта ўринини эса қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган хусусий бизнес соҳаси ташкил этди.

Натижада қишлоқ аҳолисининг бандлиги тизими моддий ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш соҳаларидаги бандлиги ҳисобига ошди.

Қишлоқ аҳолисининг меҳнат билан бандлиги ҳудудлардаги минтақавий дастур бўйича тузилган ишчи ўринларининг сони (мингта ишчи ўрин)

	1996 йил	1997 йил	1998 йил
Ўзбекистон Республикаси	195,0	206,4	229,5
Шу жумладан:			
Қорақалпоғистон Республикаси	8,6	10,9	10,0
Вилоятлар:			
Андижон	17,7	14,7	18,1
Бухоро	14,2	13,1	14,7
Жиззах	5,6	8,7	9,5
Қашқадарё	12,7	11,5	15,5
Навоний	8,4	5,0	6,1
Наманган	16,6	19,8	33,2
Самарқанд	21,1	25,0	27,2
Сурхондарё	13,6	27,1	32,5
Сирдарё	3,0	3,5	3,9
Тошкент	35,6	19,0	14,2
Фарғона	23,4	30,4	26,8
Хоразм	14,5	17,7	17,9

Шуни таъкидлаш ўринлики, Президент И.Каримов ва республика ҳукумати Ўзбекистонда қишлоқни ҳар томонлама ривожлантиришга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ислоҳотларни чуқурлаштириш, бу соҳанинг моддий базаси ва молиявий аҳолини мустаҳкамлашга, аграр сиёсатнинг устивор вазифаларини амалга оширишга мунтазам, доимий эътибор бермоқдалар.

Хуллас, юқоридагиларни умумлаштириб айтиш мумкинки, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бугун Ўзбекистон эришган ютуқлар кўп жиҳатдан республика ҳукуматининг изчил, собитқалам сиёсати билан беvosита боғлиқдир.

Аввал бошданоқ ислоҳотларнинг ҳар бир қадами пухта ўйланган, аввалги мафкура зўравонлиги ўрнини қонун устиворлиги эгаллади. Хусусий иқтисодиётга ривожланиш учун давлат сектори билан тенг шароитлар яратилди. Ижтимоий сиёсат эса, аҳоли турмуш даражасини аста-секин яхшилашга қаратилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1994.

2. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т., «Ўзбекистон», 1996, 32-бет.
3. Ўша жойда, 45-бет.
4. Чжен В. А. Хусусийлаштириш асослари. «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси» нашриёти, 1996, 5-бет. ~
5. Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Т., «Ўзбекистон», 1996, 38-бет.
6. «Халқ сўзи» газетаси, 1996, 26 июль.
7. Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 14-бет.
8. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1994.
9. «Халқ сўзи» газетаси, 1995, 22 декабрь.
10. Ўзбекистон Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси бюллетени. 1996, 1-сон, 7-бет.
11. Ўзбекистоннинг 1996 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Т., 1997, 47-бет.
12. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1994.
13. «Халқ сўзи» газетаси, 1995, 23 декабрь.
14. Ўзбекистоннинг 1996 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. Т., 1997, 34-бет.
15. «Халқ сўзи» газетаси, 1995, 22 декабрь.

Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши

1-§. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ

1991 йил охирига келиб, Иттифоқ тарқалиб кетганлиги, кўпчилик республикаларнинг мустақил суверен давлат мақомига эга бўлганлиги, жамиятда юз берган демократик жараёнлар, ҳурфикрликка интилиш халқнинг миллий онги муттасил ошиб бориши мавжуд ҳодисаларга янги тафаккур билан қарашни тақозо қиларди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам бутунлай янги тарихий шароитларда бутунлай янги қарашларни, муносабатларни қарор топтириш зарур эди. Чунки у, ўз келажагини «янгиланган» федерация таркибида эмас, балки мустақил миллий давлатчилик қарор топгандагина республика ўзининг тўла сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигига эришгандагина белгилаши мумкинлигини анча олдин тушунган ва бу борада ўзининг қатъий қарорига келган эди. Бинобарин, халқни янги йўлдан бошлаб бориш, унинг қарашлари ва орзу-мақсадларини бир йўналишга буриб, кучларни уйғунлаштириш учун ягона ғоявий қурол зарур эди. Ўзбекистон бошқа иттифоқдош республикалар ичида биринчилардан бўлиб ўзини мустақил республика деб эълон қилган эди. Бу албатта, Ўзбекистон учун буюқ тарихий воқеа, миллий мафкура шаклланишида янги даврнинг бошланиши эди. Бу ҳол табиий суръатда кишиларнинг сиёсий онги ошишига олиб келди. Одамлар жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шиддати олдида бир мунча гангиб қолишди. Турли сафсаталар, хатти-ҳаракатлар, «ғоявий» курашлар «хонаки» ва ажнабий сиёсатдонлар кўпайиб кетди. Бир маромдаги турмуш ва бир қолипдаги фикрлаш тарзи бузилиб, саросималик, тўқнашувлар ва парокандалик кайфиятлари кучая борди. Ана шундай пайтда умумхалқ ва умумдавлат манфаатига мос келадиган энг мақбул йўлни танлаш, бунинг учун эса мафкуравий яккаҳоқимликка барҳам берган ҳолда аҳолининг барча табақалари қатламларини, талаб-эҳтиёжларини маънавий-руҳий чанқоқлигини қондира оладиган етук ва баркамол ғояни яратиш зарур эди.

Масаланинг яна бошқа бир томони ҳам бор эди. Бу бевоқифа узоқ йиллар мобайнида ҳукмрон бўлган ғоя ва ақидалардан халос бўлиш, унинг бир ёқлама, ҳавойи, баландпарвоз давлатларидан воз кечиш каби оғир, вақт талаб этадиган жараён

билан боғлиқ. Энди тафаккур тарзи ва қарашларни тубдан ўзгартириш учун энг аввало, ўша даврнинг бош мафкурачиси собиқ коммунистик партия ғояларидан воз кечиш, қолаверса, бутунлай янги, замон талаблари ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган мафкурани ишга солиш лозим эди. Ана шу хулосалардан келиб чиқиб, И. А. Каримов 1991 йил 14 сентябрда шундай фикрни баён қилди:


«Биз маданий инқилобнинг ғалабаси ҳақида гапирмоқдамиз, Маданият ва санъат эса ҳозир оғир тангликка дучор бўлган. Бу мафкуравий зулумнинг оқибатидир. Партия шу йиллар мобайнида «социализмнинг асосларини бунёд этиш, «кенг кўламда коммунизм», «ривожланган социализм» куриш билан машғул бўлиб кетаверди. Ҳар хил «изм»лар орзу-ҳаваслар, мақсадлар ҳақида гапирар эканмиз, ниҳоят шуни уқиб олишимиз керакки, бу ёруғ дунёда инсоннинг ҳаётидан кўра қадрли бошқа ҳеч нарса йўқ. Унинг аҳволи ёмон эди, ҳозир ҳам ўзгарган эмас»¹. Президент ўз фикрини давом эттириб «Коммунистик партия босиб ўтган йўлни таҳлил этиш ва унга баҳо беришдан мақсадимиз шуки, ҳар бир киши энди ниҳоят кўзни катта очиб, турмушга разм солсин. Мафкуравий ақидалардан воз кечсин, ҳақиқатга рўй-рост қарасин»², деган эди.

Шу боис республикада мафкуравий ақидаларга ва бир қолипдаги сафсатабозликка бўйсунадиган, инсон, халқ, жамият манфаатларига путур етказаётган сиёсий, мафкуравий ва давлат тузилмаларидан дадил воз кечила бошланди. Ижтимоий адолатни, хавфсизлик, ижтимоий муҳофазани, миллати, дини ва эътиқодидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни таъминлашга кафолат бериш талаби муҳим аҳамият касб эта бошлади. Демократиянинг асосий хусусиятига — адолат ва қонуннинг устиворлигини таъминлашга қаратилган чоралар кўрилди. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муҳитини бузадиган, одамлар фикрини чалғитадиган ҳодисаларга барҳам берилди. Мамлакат ва халқ манфаатлари йўлида бирлашиш, кучларни уйғунлаштириш, барча имкониятлардан эҳтиросларга берилмай ақл-идрок билан фойдаланиш йўли тутилди.

Шундай бўлса-да жойларда 1991 йил 31 августда қўлга киритилган тарихий воқеа — Ўзбекистон мустақиллигининг аҳамияти ва моҳиятини мафкуравий воситалар орқали халқнинг онгига етказишда, уларни истиқлолни мустаҳкамлаш учун фидойилик билан меҳнат қилишга сафарбар қилишда сусткашлик ҳоллари кўрина бошлади. Ана шундай шароитда Ўзбекистон Мустақиллигининг ташаббускори ва ташкилотчиси Президент И. А. Каримов биринчилардан бўлиб жамиятда маънавий покланишни амалга ошириш, эски ақидалардан холи бўлиш зарурлигини, кейинчалик эса миллий истиқлол мафкурасини яратиш лозимлигини пайқади ва куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйди. Очигини айтиш керак, мазкур муҳим масалани

Янги барло этилган иш жойларнинг сони, минг

- Янги барло этилган иш жойлар
- шу жумладан, қишлоқ жойларда



то Президентнинг ўзи долзарб вазифа қилиб кўтармагунча ҳеч ким бу ҳақда жиддий қайғурмади. Бу ўринда 1992 йил 2 июлда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Унинчи сессияси ҳужжатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда Президент республика ҳукумати ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳақида ахборот берди. Маърузада Президент бозор муносабатларига ўтишда муқаррар тарзда ҳисобга олинadиган ижтимоий онг, ижтимоий руҳият масаласига катта эътибор берди. Жумладан, у Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётининг янги даврига кирганига, кишиларда шубҳасиз янги тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришни талаб қила бошлаганига эътиборни қаратди. Ўз фикрини ривожлантириб, Президент аввалги яккаҳукмрон мафкура мулкка муносабатда эгасизлик тушунчаларини кишилар онгига сингдириб келганини, у тадбиркорликка йўл очмаслигини таъкидлади.¹

Ҳақиқатдан ҳам шўролар даври мафкураси кишилар онгига ижтимоий тенглик, бошқача қилиб айтганда, боқимандалик тушунчасини, яъни яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган мафкурани сингдириб келган эди. Бундай ёндошиш кишиларда ташаббусни бўғиб қўярди. Чунки киши ўзининг самарали меҳнатидан манфаатдор бўлмаса унда ҳалол меҳнатга интилиш, иш натижаси учун масъулиятни ошириш туйғуси йўқолади. Шунинг учун ҳам Олий Кенгаш X сессиясида чинакам Мустақил Ўзбекистон давлатини барпо қилиш йўлида барчанинг бирлашишига эришиш куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйилди. Бундай вазифани эса барча учун муқаддас ҳисобланган миллий истиқлол мафкураси, мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган ғоялар орқали удалаш мумкин эди. «Бугунги кунда халқни яқдил қиладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуги, энг олижаноби — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!»², — деб мурожаат қилган эди И. Каримов сессия қатнашчиларига.

Бу борада 1992 йил 1 сентябрь арафасида Ўзбекистон Президентини И.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»³ деб аталган китобининг нашрдан чиқиши катта воқеа бўлди. У мамлакат маънавий ва сиёсий ҳаётида муҳим қўлланма сифатида кутиб олинди. Тўғри, шу вақтга қадар Ўзбекистонда мустақиллик ҳақида, у ёки бу тарзда гаплар бўлган. Бироқ, мустақилликни қўлга киритиш, унинг назарий, иқтисодий ва маънавий жиҳатлари, истиқлолни мустаҳкамлаш йўллари бу даражада атрофлича талқин қилинмаган эди. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳам кимдир ҳис-ҳаяжон билан, баъзилар огир-вазминлик билан истиқлол ҳақида фикр юритди. Лекин, унинг келажаги, истиқлолни янада мустаҳкамлаш ҳақида бирон бир илмий-таҳлилий асар ёки мақола

юзага келмади. Ана шу нуқтаи назардан И. А. Каримовнинг бу асари республикада яратилажак истиқлол мафкураси учун назарий асос, маънавий ҳаёт учун йўл-йўриқ бўлди. Асарнинг «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари» деб аталган бобида Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта негизга асосланиши, яъни:

— умуминсоний кадриятларга содиқлик;

— халқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш;

— инсон ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши;

— ватанпарварлик — истиқлол мафкураси учун асос бўлувчи қоидалар сифатида кўрсатилиб берилгани ҳам ушбу фикримизнинг тасдиғидир.

Президент И.Каримов бу тамойилларни ишлаб чиқишда халқ дунёқарashi, яшаш тарзи, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, қолаверса унинг маънавий — руҳий омилларига асосланган. Чунки, Шарқда азалдан маънавиятга таяниб яшаш, комилликка интилиш, ҳар томонлама баркамоллик олий кадрият даражасига кўтарилган. Одамларнинг миллати, irqи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар, ягона ўлчов — инсонни инсонлиги учун улуглаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган.

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмаса, тараққиёт асослари унинг маънавий кадриятларига, моддий манфаатларига мос келмаса бундай жамият таназзулга учраши табиий. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов ўз мамлакати истиқболи ҳақида фикр юритар экан. «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлиғидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳли кўшинчилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир», деган эди. Бу фикрдан англашиладики, Президент мамлакат куч-қудратини халқнинг маънавий камолотида кўради. Шунинг учун ҳам у жамики инсоний фазилатларни такомиллаштириш учун зарур шароит яратишни асосий вазифа қилиб кўяди. Бу бир томондан мустақиллик шароитида эндигина шаклланаётган давлат сиёсатининг нечоғлик инсонпарварлигини кўрсатса, иккинчи томондан давлат раҳбарининг сиёсий-маданий салоҳиятининг нечоғлик юксаклигини, халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларини нақадар чуқур ўрганганлигини кўрсатади. Шу билан бирга эса, бу халқ ва ҳокимият интилишларининг муштараклигидан далолат беради. Президент И.Каримов Ўзбекистоннинг маънавий ривожини негизларини белгилаб берар экан, ватанпарварлик ғоясига ало-

ҳида урғу берди. Бинобарин, Ватанни севиш халқимизга хос азалий қадрият ҳисобланган.

Орадан маълум муддат ўтгандан сўнг, 1992 йили дастлабки тажрибаларни умумлаштириб Президент И. Каримов ўзининг иккинчи китобини «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» номли асарини яратдики, у китобда кейинги йилларга хос бўлган баъзи бир хусусиятлар, қадриятлар ҳақида фикр юритилади. Жумладан, халқ онгида кескин ўзгариш юз бергани, истиқлол туфайли она-заминга Ватанга меҳр-муҳаббатли муносабат шакллана бошланганлиги қониқиш билан қайд қилинади. «Ўзбекистон Мустақиллик сари йўл олар экан, дастлабки кунларданоқ ўтмиш маданияти ва қадриятларини тиклаш, ноҳақ жабрланган инсонларнинг номларини юзага чиқариш, миллий онгни ўстириш каби вазифаларни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик», — дейилади ушбу китобда.

Мафкурасизлик — эътиқодсизликка олиб келади. Эътиқодсизлик эса ҳар кимнинг ўзича яшашига, кўнгил тусаганича кун кўришига, ҳаёлига келган иш билан шуғулланишига олиб келади. Бу яққа-яққа шахсларнинг хатти-ҳаракатидан бутун жамият маънавий-руҳий қиёфасининг қай тарзда шаклланишига сабаб бўлади.

Мафкурасизлик охир оқибатда одамлар онгида манкуртлик, қалбида, феъл-атворида андишасизлик ва ниҳоят ўзлигини англамаслик хислатларини чуқурлаштиради. Жамиятда эса парокандликни беқарорликни келтириб чиқаради. Шундай қилиб одамлар ҳаётида файзу тароват қолмайди.

Умумий гоё атрофида бирлашиш, умумманфаат йўлида бирлашиб курашиш мақсадлар яхлитлигини, интилишлар уйғунлигини кўрсатади. Бу ўзбек халқи учун азалий фазилат, анъанага айланган муқаддас отат.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вужудга келган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий қийинчиликлар бир муддат одамлар руҳиятига салбий таъсир қилди. Уларни саросимага солиб қўйди. Натижада вазият анча мунча чигаллашиб, фуқаролар турмушига салбий таъсир кўрсатди. Энди ана шундай ўпирилиш ва бўҳронлардан чиқиб олиш муаммоси ҳукумат олдида кўндаланг бўлиб қолди. Вазиятнинг нақадар оғирлиги ва мураккаблигини ўз вақтида англаган мамлакат раҳбари 1993 йилнинг 23 апрелида бир гуруҳ адиблар билан учрашди. Орадан кўп ўтмай у 1993 йил 6 майда мамлакат Олий Кенгашининг XII сессиясида мафкурасиз, аниқ йўналишга эга бўлган гоёларсиз тараққиёт бўлмаслигини олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири миллий истиқлол мафкурасини яратиш эканлигини кўрсатиб берди.

Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш (1993 йил, 7 декабрь) давлат мустақиллиги ва инсон ҳақ-ҳуқуқларининг кафолатини яна бир бор кўрсатиш билан бирга уни маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаш-

нинг асосини белгилаб берди. Унда мамлакат Президенти И. Каримов катта нутқ сўзлаб, миллий мафқурани миллий эҳтиёж даражасига кўтарди. Барчанинг диққат эътиборини ана шу муҳим масаланинг ҳал этилишига қаратди ва «**Мафқуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда тадбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимизга қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади.**

Янги мафқуранинг асл мазмуни — янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир», — деб алоҳида таъкидлади. Сўзини давом эттирар экан, у «Миллий мафқура ҳақида ҳозир кўп гапирамыз. Фикримизни, дунёқарашимизни ўзгартирадиган бу муҳим масалада тезроқ сўздан амалий ишга ўтишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Миллий мафқуранинг онгимизга сингдирувчи амалий дастурни йўлга қўймоқ керак», — деган фикрни илгари суради. Президентнинг бу кўрсатмаси асосида Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида, олий-ўқув юртларида, ижодкор зиёлилар уюшмаларида, семинарлар, йиғилишлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказилди ва уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида концепциялар ишлаб чиқиладиган бошланди.

Ўзбекистон Фанлар Академияси ижтимоий гуманитар фанлар бўлими бу борада ўз қарашларини ишлаб чиқди ва уни Ўзбекистонда Ижтимоий Фанлар журналида эълон қилди.

Кўппартиявийлик шароитида мафқуралар хилма - хиллиги, ғоялар турличалиги табиий ҳол. Аксинча бўлиши мумкин эмас. Бу жамиятимизда соғлом фикрлар яшовчанлигининг қонуний ва амалий ифодасидир. Ҳар бир фуқаро мустақиллиги ва шахс эркинлиги асосида уларнинг ўз қарашларига мос ҳолда маълум бир ижтимоий гуруҳлар атрофида бирлашиб яшаши ҳуқуқий демократик давлатнинг баркамоллик даражасидир. Ана шу хилма-хил ғояларни умумхалқ ва умумдавлат манфаатлари йўлида бирлаштирувчи миллий истиқлол мафқурасидир. Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси Марказий Кенгашининг 1993 йил 27 декабрида бўлиб ўтган IX пленумида мазкур масала кенг муҳокама қилинди. Партиянинг миллий истиқлол мафқураси доирасида ўз қарашлари ва нуқтаи назари асосидаги нухаси қабул қилинди. Бу ҳужжат унинг барча қўйи ташкилотларига ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш учун тарқатилди. ХДП Марказий Кенгашининг миллий истиқлол мафқураси алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Миллий истиқлол мафқурасига доир фикрлар нафақат ХДПда, балки барча жамоат ташкилотларида, илмий ва ўқув муассасаларида, сиёсий ҳаракатларда ҳам кенг муҳокама қилинди. Уни бутун чоралар билан ҳаётга тадбиқ этиш чоралари кўрилди.

Мустақиллик — мустақил яшаш, мустақил фикрлаш, мустақил интилиш имкониятидир. Бу бевосита онг ва тафаккур

билан боғлиқ бўлган, доимий ривожланиб, шаклланиб борадиган ҳаракатдаги ҳодиса. Миллий истиқлол мафкураси айна шу мустақил фикрлаш маҳсули, онг ва тафаккур ҳосиласи ҳисобланади.

Демак, миллий онг таъсирида миллий ғоялар яратилади. Ана шу ғоялар асосида миллий мафкура, миллий дунёқараш шаклланади.

Миллий истиқлол мафкураси, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, фалсафий, тарихий, бадиий ва диний қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий қуроли, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб:

— Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишини тарихий муқаррар жараёنлигини кўрсатиш;

— Янги Конституцияда қонунан мақсад қилиб қўйилган адолатли, демократик, фуқаролик жамият ҳақида илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистоннинг келажакка ишонч ва кишиларда янги ижтимоий-сиёсий дунёқарашни шакллантиришни миллий истиқлол мафкураси учун асос бўлувчи ғоялар дейиш мумкин. Бироқ, юқорида келтирилганлар жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар, айрим сиёсатшуносларнинг миллий истиқлол мафкураси хусусидаги нуқтаи назарлари ва шахсий қарашлари эди, ҳолос. Ҳали асл маънода истиқлол мафкурасининг назарий жиҳатдан, унинг амалий томонлари дастур шаклида, қўлланма сифатида етарлича очиқ берилмаган эди.

Истиқлол мафкурасининг назарий жиҳатлари Президент И. А. Каримовнинг айниқса кейинги йиллардаги нутқ ва рисолаларида атрофлича ёритиб берилди. Хусусан, 1995 йил 24 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзуида кенг қамровли маъруза қилди ва у китоб ҳолида нашр этилди.

Авалло ушбу рисола ўзининг назарий жиҳатдан пухта, ривожланишимизга доир амалий таклиф ва мулоҳазаларга бой қўлланмалилиги билан характерлидир. Дарҳақиқат, китобчада мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинади, бугунги ижтимоий сиёсий ҳаётга таъсир берилади, ички ва ташқи сиёсатга доир вазифалар ойдинлаштирилади. Бир сўз билан айтганда халқимиз XXI асрга қандай ўтади, деган саволларга аниқ жавоб берилади. Шунинг учун ҳам ушбу нутқ сиёсий ҳаёт учун дастурий ҳужжат, амалий фаолият учун қўлланма бўлди.

Бир сўз билан айтганда ана шу сессияда сўзланган нутқ бизнинг қарийб тўрт йил мобайнида тўпланган тажрибалари-

мизни тўплаб, давлат сиёсатининг тактика ва стратегиясини аниқ — равшан белгилаб берди. Миллий истиқлол мафкурасининг асл ўзагини, бутун мазмун — моҳиятини, кўлами ва миқдосини кўрсатиб берди.

Мустақилликнинг тўрт йиллиги арафасида жамоатчилик яна бир совға олди. И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби нашрдан чиқди. Бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини мантиқий жиҳатдан давом эттирадиган ушбу монография «Иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқлари» ҳамда «Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишлари» каби қисмлардан иборат. Мазкур асарда йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишга, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитини вужудга келтириш, жамиятни маънавий ахлоқий жиҳатдан янгилаш ва тараққий эттиришнинг назарий ҳамда амалий негизларини белгилаб бериш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Асар ўзининг ҳаётий фаолиятини Ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга бағишлаган ҳар бир фуқарони: у олим бўладими, ишчи-хизматчи ёки деҳқон бўладими, ўз ишига масъулият билан қарашга, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ҳаётий сабоқлар чиқариш руҳида тарбиялайди.

Бугунги кунда ушбу китоб жаҳоннинг кўп мамлакатларида нашр этилди, ўнлаб тилларга таржима қилинди. Уни дунё халқлари ўрганаётганлиги асарнинг илмий қиймати нақадар юксаклигини ҳам назарий, ҳам амалий хулосалари қатор мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги йўналиш юз бераётганини кўрсатади.

Мавзуга доир факт

Ислом Каримов китоби араб тилида

1996 йилнинг 8 апрелида Саудия Арабистони Подшоҳлиги пойтахти Арриёд шаҳрида бўлиб ўтган Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби арабча нашри тақдимномаси ҳам ана шу қизиқиш ва хайрихоҳликнинг амалий самараси бўлди.

Ушбу тақдимнома икки жиҳати билан алоҳида диққатга сазовордир. Маълумки, Ислом Каримовнинг қатор китоблари инглиз, француз, корейс, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиниб мустақил Ўзбекистонни, унинг иқтисодий имкониятларини кенг дунёга танитиш учун хизмат қилмоқда.

Лекин қарийиб 250 миллион аҳолига эга араб дунёси мамлакатимизда охириги йилларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳақида бевосита илк манбалардан ахборот олиш имкониятига тўла эга бўлмаган

эди. Бу эса, араб ишбилармонларининг мамлакатимиз ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишига қаратилган табиий интилиши йўлида гов бўлиб келаётган эди.

Тақдимноманинг иккинчи аҳамиятли жиҳати шундаки, нафақат араб дунёси, балки умуман мусулмон олами ичра алоҳида нуфузга эга мамлакат, Макка ва Мадина каби муқаддас шаҳарлар жойлашган мўътабар замин — Саудия Арабистонида бўлиб ўтди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси ва мамлакатимизга кўрсатилаётган яна бир алоҳида ҳурмат ва эътибор белгисидир.

Маросимда Ўзбекистоннинг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқуллодда ва мухтор элчиси С. Иноғомов йигилганларга китобнинг мазмуни, унда акс этган фикр ва мулоҳазалар тўғрисида сўзлаб берди.

Президентнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби Байрутдаги «Шарикат ал-матбуот лит тавзиъ ван нашр» нашриёти томонидан араб тилида чоп этилди. Ноширнинг китобдан ўрин олган кириш сузида унинг мазмун ва моҳияти ҳамда руҳияти яхши акс этган. Жумладан, унда қуйидаги сўзлар бор: «Ушбу китоб ўз юртини чексиз севгучи фуқаро, ислоҳий юксалишнинг энг майда тафсилотлари ҳақида ҳам қайгурувчи давлат арбоби ҳамда ислохотлар ҳақида назарий фикр юритиб, уларни чин дилдан ҳимоя этаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари қаламига мансуб.

Китоб истиқлолдан олдинги воқелик, мустақиллик қўлга киритган ёш республика олдида пайдо бўлган қийинчиликлар ҳақида ҳикоя қилиб, ўзбек халқи республика раҳбарияти бошчилигида мамлакат ва унинг имкониятларига мос босқичма-босқич ўтказилаётган ислохотлар орқали ўз ватанининг юксалишини таъминлашга эришаётганини акс эттиради.

Мазкур китоб ўхшаш вазиятни бошдан кечираётган ҳар бир халқ, бўҳронга дуч келган ҳар қандай миллат, қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлларини излаётган ҳар қандай жамият учун фойдали дарсдир».⁶

Хуллас, Президент И. Каримов бир қатор асарларида илгари сурилган қоида ва қарашлари билан дастлабки йилларда маънавий ҳаётда юз берган мафкуравий бўшлиқни тўлдирди, миллий истиқлол мафкурасининг назарий заминини яратди. Қолаверса, жаҳон миқёсида мустақиллик ҳаракати назарияси ва амалиётига муносиб ҳисса қўшди. Шу боис ҳам, И.Каримов бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда йирик сиёсатчи, катта давлат арбоби, ҳозирги замонда жаҳон ижтимоий сиёсий тараққиётида жамиятни тубдан ислоҳ қилишнинг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида танилди.

Демак ўзбек халқи бугун ўз Президенти И.Каримов сиймосида жаҳонга доно сиёсатдонлар етказиб берувчи, халқлар озодлиги учун толмас курашувчи юртбоши тарбиялаб етказувчи, ақл-заковат эгаси, айни чоғда бағри кенг, меҳмондўст, меҳнаткаш халқ сифатида танилмоқда. Бундай халқни ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан қайтариб бўлмайди.

Мустақиллик йилларида кишиларнинг Ўзбекистон истиқ-

лоли ва истиқболи ҳақида қайгуриши, ўз халқининг, ўз ватанининг қадр-қиммати, ор-номусини ҳимоя қилиш зарурлигини тобора чуқурроқ англаши кучаяётганлиги ҳам ана шундандир. Оддий сайловчи қариянинг «мустақиллигимизга кўз тегмасин» деганида ҳам, ёшларнинг «биз мустақил Ўзбекистон фарзандларимиз», деган фикр билдираётганида ҳам, халқнинг ўз Президентига юксак ишонч билдириб, унинг оқилона сиёсатини қўллаб-қувватлаётганида ҳам мана шундай катта маъно бор. Бу масалага урғу берилаётганининг боиси шундаки, давлатимизнинг мустақиллик сиёсати, халқимизнинг онгли тарзда Ўзбекистон истиқлолига содиқ эканликлари 1996 йил март ойларида Россия ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берган воқеаларга муносабатларида яна бир бор жиддий синовдан ўтди. Ҳатто, турли минтақаларда собиқ иттифоқдош республикалар ўртасидаги интеграция жараёнига турлича қарашлар мавжуд бўлган ўша кунларда ҳам халқнинг ўзи танлаган мустақиллик йўлидан қайтмаслигини қатъий кўрсатди. Жумладан, Олий Мажлиснинг 1996 йил 26 апрелда бўлиб ўтган V сессияси Қарориди халқимизнинг хоҳиш истаги шундай ифодаланади: «... у ёки бу суверен давлатнинг «чуқур интеграция» деб аталмиш турли битимлар ёки шартномаларга қўшилиши интеграциялашган давлатларнинг ҳар хил ҳамжамиятларини тузиш ҳар бир алоҳида давлатнинг эркин ҳуқуқи ва ички ишидир.

Собиқ Иттифоқни ҳар қандай шаклда, у ЕвроОсиё Иттифоқи бўладими, федерация ёки конфедерация бўладими, қайта тиклашга қаратилган ҳамда суверен, мустақил давлатнинг мақомига зид тарзда миллатлар устидан турадиган тузилмалар яратишни кўзда тутувчи ҳар қандай давлатлар иттифоқлар ва бирлашмаларда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси учун мақбул эмас, деб ҳисоблансин».⁷

Шу билан бирга Олий Мажлиснинг V сессияси бутун халқ номидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарги Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатлари кенгашлари бутун халқнинг хоҳиши-иродасини ифодалаб шуни маълум қилдиларки, Ўзбекистон ўзи танлаб олган мустақил демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишга, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишга қаратилган йўлдан ҳеч қачон қайтмайди ва ўз мамлакатининг гуллаб-яшнашини, унинг барча фуқароларини муносиб турмуш кечиришини таъминлайди», деб қатъий уқтирди.

Юқоридагилар, шубҳасиз мустақиллик ғояларига содиқлик, озод, эркин яшашга интилиш ўзбек халқига хос азалий туйғу эканлигини, айни чоғда бундай ғояга халқ ҳар қандай шароитда — ички ва ташқи кучлар тазйиқига қарамасдан содиқликларини яна бир бор намоеён қилди. Демак, истиқлол тафаккури, истиқлол ғояси билан қуролланган бундай халқни ўзи танлаган истиқлол йўлидан қайтариб бўлмайди.

2-§. МАЪНАВИЙ ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги долзарб муаммолардан бири — янги тарихий шароитда жамиятга муносиб кишиларни тарбиялаш эди. Бу ўз навбатида бир неча ўн йиллар мобайнида етарли даражада халққа маълум қилинмаган, синфий-партиявий мафкура томонидан таъқиқланган ўзбек халқининг маънавий меросини тиклаш ва унинг янада камол топиши учун кенг имкониятлар очиш керак эди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида «Ўзбекистоннинг миллий-маданий жиҳатдан гоят ранг-баранглиги, миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишининг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уни очиқ жамиятга айлантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради»,⁸ деб кўрсатган эди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон суверен давлат сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда маънавий янгиланиш жараёнини амалга оширмасдан мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун халқни сафарбар қилиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Шунинг учун ҳам республика раҳбарияти истиқлолнинг дастлабки пайтиданоқ бу борада зарур чоралар кўрди.

Ўзбекистон мустақил тараққиётга қадам қўйганидан буён ўтган йиллар давомида маънавий соҳада юз берган ўзгаришларнинг энг муҳими, халқнинг узоқ йиллар мобайнида тўплаган бой тарихий-маданий меросига эътиборнинг кучайиши бўлди.

Маълумки, 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида СССР ва Шарқий Европадаги социалистик тузум давлатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар табиий суръатда Ўзбекистонда демократия ва ошкораликнинг қарор топишига, тарихий ҳақиқатнинг тикланишига олиб келди. Бироқ Ўзбекистон ва унинг меҳнаткаш халқи бу жараёнга етиб келгунига қадар оғир синовларни бошдан кечиришига тўғри келди. Буюк империячилик гоёлари негизда зўравонлик билан ташкил топган тоталитар тузум сиёсий-иқтисодий инқироздан жон талвасасида сўнгги бор Ўзбекистонга ҳамла қилди. Халқнинг азалий, миллий қадриятларига қарши курашни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирди. Бундай ҳаракатлар бизнингча баъзи ҳолатлар билан изоҳланади.

Биринчидан: Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг XVI Пленумидан сўнг республикада ижтимоий-маънавий аҳволни тартибга солиш ниқобида СССРнинг бошқа минтақаларидан жўнатилган кадрларнинг қўплари Ўзбекистонда раҳбар лавозимларга тайинланишларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлик деб билдилар. Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини билишни истамаган бундай кадрлар жумҳурият маънавий ҳаётини янчиб, қингир узанга солишга ҳаракат қил-

дилар. Шу тариқа халқнинг кўп асрлик анъаналарини, маданияти ва урф-одатларини менсимаслик элни ранжитди.

Иккинчидан: Айрим маҳаллий раҳбарлар, хусусан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ маҳаллий миллатга мансуб раҳбарлари ўша даврда амал пиллапоясидан кўтарилишга ҳаракат қилиб, миллий ғурур ва ифтихори йўқ манкурт даражасига бориб етдилар. Халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти обдон оёқ ости қилинди. Она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари кимларгадир мақбул бўлмай, уларни миллий маҳдудликда айблашиб, муаллифлар таъқиб остига олинди. Биргина мисол, 1986 йил 4 октябрда Ўзбекистон КПМКнинг III Пленуми «Идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари» масаласини муҳокама қилди. Унда реал ҳаётга мос бўлмаган халқнинг миллий ўзлигини англашига зид кўрсатмалар берилди. Жумладан, «Ўтмишни идеаллаштириш, носинфий ва нотарихий ёндошиш шунга олиб келдики. Темур каби феодал золимлар театр сахналарида, кино экранларида, китоб саҳифаларида шу вақтга қадар кўзга ташланиб турибди, айрим ёзувчиларнинг эътиборида тарих ҳақиқатига зид равишда у инсонпарвар ва узоқни кўра билувчи сиёсатчилар қилиб кўрсатилган. Бу борада типик ўрта асрга хос жиҳатларни кўра олиш учун Пиримқул Қодировда синфий етуклик етишмади. Ёзувчи Бобурнинг ҳақиқий босқинчилик фаолиятларини сезмай, унинг гуё маърифатпарвар подшолиги, нозик дидли лирик шоир ва улкан тарихчилигига қойил қолиб, эриб кетадию, кўз ёши қилади.

Бундай калтабинлик дастлаб қараганда беозор кўринсада асло бундай эмас. Унинг замирида тарихни қайтадан ёзишга уриниш, патриархал даврни қўмсашни тарғиб қилиш, исломни миллий маданиятнинг хазиначиси қилиб кўрсатишга уриниш ётади», деб таъкидланди юқоридаги Пленумда. Шу қондадан келиб чиқиб, Пленум «идеология ишидаги мавжуд бузилишлар муросасизлик билан тугатилсин, тарихий ўтмишни идрок қилишда марксча-ленинча методологиядан оғиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга зарба берилсин», деб кўрсатма берди.

Кўриниб турибдики, Пленум кишиларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш каби ғояларни илгари сура туриб, ўзи халқни асл маънодаги ватанпарварлик руҳида тарбиялашга зид йўл-йўриқлар белгилаб берди. Бундай нотўғри позиция 1987 йил 17 январда Тошкентда бўлиб ўтган жамият-шунос олимларнинг республика Кенгашида ҳам яна бир бор таъкидланди. Кенгаш республика олимларига тарихий воқеа ва ҳодисаларга баҳо беришда партиявий, синфий принциплардан келиб чиқиб ёндошиш кераклигини тавсия қилди. Бироқ бундай тарихий ҳақиқатга зид мафқуравий йўл-йўриқ халқ томонидан маъқулланмади, зиёлиларнинг қаршилигига учради. Ўзбе-

кистон Компартияси Марказий Кўмитаси бу борада ўзи йўл қўйган хатони ўзи тузатишга мажбур бўлди. УзКП XXII съездида (1990 й. июнь) сиёсий маъруза қилган, унинг биринчи котиби И.А.Каримов шундай деди. «Яқиндагина ўзбек адабиётининг классиги Бобурни баҳолашда тор синфий ёндашув рўй берди. Адиб ижодининг миллий ва умуминсоний аҳамияти камситилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг 1986 йилда бўлган учинчи Пленумида Бобур шахси таҳқирланиб, у «маърифатли золим» деб тилга олинди. Халқимиз Марказий Кўмита ва жумҳурият ҳукуматининг Навоий, Улугбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлиги бежиз эмас. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний кадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз»⁹ Ўзбекистон янги раҳбариятининг бундай позицияси республикада маънавий покланиш, янгилашиш даврининг бошланиши маънавий инқироздан чиқиш учун дадил қалам эди.

Шундан сўнг адиб Примқул Қодировнинг Бобур ва бобурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Юлдузли тунлар» романи эълон қилинди, Бобурнинг «Бобурнома»си янгидан нашр қилинди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги тарих фанлари доктори Бўрибой Аҳмедов сўз бошиси билан «Шарқ Юлдузи» журналида «Темур тузуклари»нинг тўла равишда эълон қилиниши кенг жамоатчиликни беҳад қувонтирди. Булар албатта юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз шахсига янгича муносабатлар қарор топаётганини кўрсатар эди.

Қарийб бир ярим асрлик мустамлакачилик ўзлигимизни йўқотишга олиб келди. Собиқ марказга сиёсий-иқтисодий ва маънавий қарамлик жумҳурият ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун, миллий маданий-маърифий равнақи учун тўсиқ бўлди. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб юртимиздаги бебаҳо китоблар, қимматли ашё-ёдгорликлар мустамлакачилар томонидан таланди, улар чор генераллари, олим ниқобидаги шахслар томонидан Санкт-Петербургда, Москвага ва дунёнинг кўпгина мамлакатларига олиб кетилди. Бу ҳол мавжуд маданий бойликлардан халқимизнинг баҳраманд бўлиш имкониятини йўқотди. Шу билан бир қаторда бундай ноёб маданий меросни, буюк ёдгорликларни ўрганишни, уларни илмий тадқиқ этишни қийинлаштирди. Эндilikда мамлакат истиқлолга эришгандан сўнг, асрлар давомида ота-боболаримиз яратган бу бойликларни эъозлаш, авайлаб асраш, ўрганиш ва кўпайтириш имкониятига эга бўлинди.

Маданий меросни, олис ўтмишни чуқур ўрганмасдан туриб истиқболни белгилаб бўлмайди. Келажакка интилиш учун ўтмишни ўрганиш, тажрибаларни ўзлаштириш даркор. Лекин,

бунда бир ёқламаликка йўл қўйиб бўлмайди. Ўтмиш маданиятини хаспўшлаш ҳам, идеаллаштириш ҳам, мумкин эмас. Олимлар ва мутахассислар истиқлол йилларида фаннинг турли соҳаларида маданий меросни чуқур ўрганишга, унга ҳолисона баҳо беришга ҳаракат қилдилар.

1991 йил, яъни, Ўзбекистон янги йўлга чиқиб олган, ўзини Мустақил деб, эълон қилган йил яна шу билан аҳамиятли, бу йилда Мир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги барча ҳур фикрли кишилар томонидан кенг нишонланди. Бу тўйга жумҳуриятда катта тайёргарлик кўрилди ва у халқнинг катта маданият байрамига айланди. Аввало буюк шоир асарларини кенг халқ оmmasига етказиш учун муҳим ишлар амалга оширилди. Унинг йигирма жиллик мукамал асарлар тўплами нашр этила бошланди. Бундан ташқари «Лисон-ут тайр», «Сабъаи сайёр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳайрат-ул Аброр» сингари шоҳ асарлари алоҳида-алоҳида ҳолда бир неча минг нусхада босмадан чиқарилди. Бир неча илмий-оммабоп асарлар совға китоблар сифатида нашр қилинди.

Юбилей олдидан Алишер Навоийнинг буюк сиймоси ифода этилган саҳна асарлари, кинофильмлар яратилди. Алишер Навоий номида Давлат мукофоти таъсис этилди. Пушкин номидаги Адабиёт институтига Алишер Навоий номи берилди. Шоир номи берилган Давлат адабиёт музейи янги экспонатлар билан бойитилди. Ғўзал Тошкентда улуғ бобомизнинг муҳташам ва пурвиқор ҳайкали қўйилдики, у халқнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос бугунги кунда янгиланаётган жамиятимизни маънавий юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

1994 йилни ҳукумат қарори билан Улугбек йили деб эълон қилиниши, унинг 600 йиллигини Ўзбекистонда ва жаҳон миқёсида, хусусан, ЮНЕСКО қароргоҳи Парижда кенг нишонланиши ҳам буюк алломалар қолдирган мерос умуминсоний қадриятга айланганлиги нишонасидир.

Мавзуга доир факт

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1994 йилни Мирзо Улугбек йили деб эълон этиш тўғрисида

Улуг ўзбек олими, мунажжим, математик, физик, меъмор, теурийлар сулоласининг муносиб давомчиси, йирик давлат ароби Муҳаммад Тарагай - Улугбек (Мирзо Улугбек) таваллудига 600 йил тўлиши муносабати билан:

Жамоат фикрини қувватлаб, алломанинг жаҳон илм-фани ва маданияти равнақиға қўшган улкан ҳиссасини эътиборда тутиб;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият соҳасидаги ташкилоти (ЮНЕСКО) Бош конференциясининг 27-сессияси қарорига кўра Мирзо Улуғбек юбилеи жаҳон қадриятлари рўйхатига — 1994 йилда дунё миқёсида нишонланадиган байрамлар қаторига киритилгани ва шу муносабат билан ташкил этиладиган халқаро тадбирларни ҳамда Республикада олиб борилаётган улкан хайрли ишларни инobatга олиб:

Ёш авлод қалбида миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларнинг илм-маърифатга булган интилишини рағбатлантириш мақсадида ҳамда мустақил Ўзбекистон илм-фани ривожига кумаклашиш мақсадида:

1994 йил Ўзбекистон Республикасида Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.Каримов

Тошкент шаҳри.
1994 йил 19 март

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳар йили Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби улуғ шоир ва маърифатпарварлар кунларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Масалан, 1992 йил май ойида мамлакатимиз пойтахтида бошланган Машрабхонлик кунлари унинг ватани Наманганда кенг нишонланди. Ушбу шаҳарда унинг номи билан аталувчи катта истироҳат боғи барпо этилди.

Биргина шу эмас, халқимизнинг улуғ даҳолари, жаҳон маданияти раванқага катта қўшган, инсоният тафаккурида кескин бурилиш ясаган бобокалонлари кунини ҳар йили турли шаклда нишонланади. Дунёда ҳеч бир халқ ўзбекларчалик буюк маданий ва маънавий меросга эга эмас. Энди мустақиллик туйғули ана шу улкан харитани очиш, уни ўрганиш, ундан баҳраманд бўлиш имконияти тугилди. Халқимиз бундан фойдаланиш йўлидан бормоқда.

Мустақиллик йилларида Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Файзулла Хўжаев, Огаҳий, Ажиниёз, Бердақ ва бошқа жамоат арбоблари юбилейларини ўтказиш юзасидан кўрилган чора тадбирлар ҳам маънавий ҳаётдаги муҳим қаламлардир.

Хусусан, ҳукуматнинг махсус қарорига биноан, 1999 йил 17 декабрь кунини Хоразмда Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги, 18 декабрь кунини эса Нукусда Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 175 йиллиги, 1998 йил 24 октябрь кунини эса Фарғонада Аҳмад ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланди. Юртбошимиз тантана қатнашчиларига йўллаган табригида улуғ аждодларимизнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ниҳоятда бебаҳо эканлиги алоҳида таъкидланган.

Хусусан, шу даврда Бехбудийнинг «Падаркуш» асари, Фитратнинг «Қиёмат» қиссаси ва «Абулфайзхон» тарихий драмаси нашр қилинди. Чўлпоннинг айрим шеърлари «Гулистон» журналіда, «Кеча ва кундуз» асари эса «Шарқ Юлдузи» журналіда эълон қилинди. Кейинроқ улар алоҳида китоб ҳолида нашр этилди.

Улуг шоир Абдулхамид Чўлпоннинг адабий-бадий мероси халқимизнинг бебаҳо маънавий мулкидир. Унинг ҳар бир асари, ҳар бир шеъри одамларни ўзаро ҳамкорликка, ижтимоий адолат учун курашга, ноҳақликка нисбатан муросасизликка даъват этади. Чўлпоннинг

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир,
Халқ кўзгалса, куч йўқдирким, тўхтатсин,
Кувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин,—

каби мисралари ўзлигини тиклаётган, чинакамига фуқаролик жамиятини қураётган халқимиз орзу-умидининг ифодасидир.

Мамлакат маънавий ҳаётини янада яхшилашда 1994 йил 23 апрелда қабул қилган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Марказини ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу йили 8 июнда эса Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини таъминлашга қаратилган махсус қарор қабул қилди. Унда Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши қилиб ўзбек халқининг бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш, жамиятдаги соғлом кучлар, юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий солоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини ошириш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақада яшаётган миллатларнинг маданий, маърифий, маънавий тараққиёт томирлари муштарақлигини тарғиб қилиш ва ҳақозолар қилиб белгиланди.

Маънавият маркази нисбатан қисқа вақт ичида турли социалогик тадқиқотлар, сўровлар ўтказиш орқали маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқди.

Мавзуга доир материал

Ташкилот комитетининг мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида улуг олим ва мутафаккир Мирзо Улугбекнинг 600 йиллик юбилейини ўтказувчи республика ташкилот комитетининг мажлиси бўлди.

Юбилейни байрам қилиш миллий ўзликни, маънавиятни тиклаш рамзига айланиши, буюк мутафаккир илмий ва маданий меросини тарғиб

қилишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши лозимлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди.

Мажлис қатнашчилари ҳукумат белгилаган ҳамда юбилейни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган Самарқанд, Бухоро, Гиждувондаги Мирзо Улугбек ҳаёти ва фаолиятига дахлдор меъморлик обидаларини таъмирлашга доир тадбирларни амалга ошириш соҳасида бошланган ишларни таҳлил этдилар. Мирзо Улугбек номидаги халқаро мукофот ҳақида низом ишлаб чиқилди, унинг асарларини нашр этиш тараддуди кўрилди, олимнинг ижодий меросини ўрганишга бағишланган халқаро анжуман утказиш режалаштирилмоқда. Тошкентда Мирзо Улугбек ҳайкалинини, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги фильмни яратиш иши давом этмоқда. Эсдалик нишонини, почта маркаси, турли ёдгорликлар ва бошқа буюмлар чиқариш белги-ланмоқда.

Кенгашда Мирзо Улугбекнинг жаҳон фанига қўшган ҳиссаси таъкидланди. Олим ва мутафаккирнинг 600 йиллиги байрами халқаро кўлама касб этиши лозим¹⁰ деб ўқдирилди.

Умумбашарий бойликларни ўзлаштириш мақсадида, мамлакат ва жаҳондаги турли мафкура, эътиқод ва ғояларни ўрганиш асосида соғлом дунёқараш ҳамда сиёсий маданиятни шакллантириш борасида ҳам Марказ муайян ишларни амалга оширди. Шунингдек, жамоат бирлашмалари, илмий-ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, маънавий-маърифий масалаларга доир кўплаб тадбирлар, анжуманлар ва кўргазмалар ташкил этиш йўлга қўйилди. Булар маданий-маърифий жараёни тезлаштириш, миллий маданият ва урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, миллий гуруҳ ва миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Маънавият ва маърифат масалаларинини бевосита жамоатчилик йўли билан ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани бу мазкур соҳа раўнақига оммавий халқ ҳаракатинини кучайтириш билан бирга, мамлакат ҳар бир фуқароси онги ва тафаккуринини амалий фаолият асосида кенгайтиришдек энг самарали усулдир.

Сир эмас, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Юксак техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик асосидаги мустақил фикрлаш орқали олиб борилиши керак. Ана шундан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, **ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қаноти-дир.**

Ўзбекистон ҳукумати мамлакат истиқболига доир чоралар белгилар экан, унинг энг аввало юксак маърифат ва маданият мамлақати бўлиши, шу асосда барча ислохотларнинг маърифий негизини яратиш нуқтаи назаридан иш тутати. Иқтисодга ҳам, ҳуқуқий тамойиллар ва сиёсий ислохотларга ҳам, шунингдек жаҳон муаммоларинини ҳал этиш, уруш ва тинчлик масалаларига

ҳам маърифий кўз билан қарайди, юксак маданий ва умуминсоний қадриятлар талаблари асосида ёндошади.

Шу нуқтаи назардан мамлакат раҳбарининг 1996 йил 4 сентябрда «Маънавият ва маърифат» маркази ходимларининг бир гуруҳи билан учрашуви, улар билан дилдан сўхбатлашини, маънавий ва маданий ҳаётда катта воқеадир. Айни чоғда 9 сентябрда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» яна бир Фармон қабул қилинганлиги ҳам халқнинг маънавиятини янада юксалтиришга, ноёб намуналарни тўплашга, авайлаб-асрашга, кишиларни ўз ватанига чинакам садоқат руҳида тарбиялашга қаратилгандир. 1996 йили сентябрь ойи охирида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази қошидаги «Олтин Мерос» Халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқдики, уни барча зиёлилар, ижод аҳли зўр мамнуният билан кутиб олди.

...Очигини айтганда дастлаб бозор муносабатлари маънавий ҳаётимизни анча-мунча таҳликага солиб қўйган эди. Чунки узоқ йиллар мобайнида маърифат ва маданиятга боқимандалик кайфияти билан яшадик. Мустабид тузум бутун маънавий турмушимизни ўз «оталиғига» олиб, мустақил фикрлаш ва миллий маданиятга муносабатларимизни чеклаб қўйган эди. Бу бир жиҳатдан мафкуравий кушандалик бўлса, иккинчи жиҳатдан, ўзлигини унутиб боришга, манқуртликка даъват этувчи ғайринсоний сиёсат эди. Охир-оқибатда маънавиятдан жудо бўлган ҳолда яшаш, маънавий қашшоқлик аста-секинлик билан шахсни ҳам, жамиятни ҳам таназзулга олиб келди. Бундай фожеа оқибатларини эндигина пайқай бошладик.

Мустақиллик бутун ҳаётимизни остин-устун қилиб, узлуксиз муद्रокликдан уйғотиб, қарашларимизни ўзгартириб юборгани каби маънавиятга муносабатларимизни ҳам ислоҳ қилди. Эскича қарашлардан бутунлай қутулмаган, янгиликнинг эса олдида довдираб қолган бир пайтимизда энг тўғри йўлни танлашда, маънавий ва маърифий турмушимиз муаммоларини ҳал этишда яна бош ислоҳотчи — Давлат кўмакка келди ва мамлакат Президенти «Биз маърифат ва маънавиятга тadbиркорлик ва тижорат соҳалари томонидан қилинаётган ҳомийликни қўллаб-қувватлаймиз, бундай ҳомийларга енгиллик бериш лозимлигини ҳам биламиз. Лекин ҳомийлик маблағлари чинакам бадний асарларга, чинакам ижодий тadbирларга сарфланиши шарт.

Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта ҳомий-давлатнинг ўзи»¹¹, деди. Бу моддий жиҳатдан бир мунча қийинчиликка сезилаётган бир даврда маънавий ҳаётимизга давлат гамхўрлигининг ёрқин кўринишидир. Зотан, ҳар йили маънавий ва маърифий раванқ учун давлат жамғармасидан катта миқдорда маблағ ажратилаётгани, мазкур тармоқ ташкилий-ижодий ишларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргина ми-

сол сифатида шуни айтиш мумкинки, собиқ Иттифоқ доирасидаги мамлакатларнинг ҳеч бирида Ўзбекистондагичалик кўп миқдорда дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, дастурлар наш этилган ва оммавий тарздаги тадбирлар амалга оширилмаган.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда миллий маданият ва маънавий раўнақининг кенг миқёсли дастури мавжудлигини, унга бевосита давлатнинг ўзи ҳукуматнинг раҳнамолик қилаётганини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида маънавий покланиш ҳақида гап кетганда Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши ва унинг аҳамиятига ҳам китобхон эътиборини тортиш лозим.

Зеро, тил ижтимоий ҳодиса сифатида жамият раўнақи билан узвий боғлиқ бўлиб, миллий, маданий эҳтиёжларни қондирадиган воситадир.

1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонун халқимиз миллий онгининг ривожланишида, мамлакат мустақиллигининг мустаҳкамланишида, маданий мероснинг тикланиши ва жамиятнинг маънавий янгиланишида муҳим роль ўйнади.

Қонуннинг ўзбек тилига Давлат тили мақоimini бериш тўғрисидаги қоидалари кейинроқ, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бу кўпчилик аҳолининг, республикада яшовчи барча миллат ва элатларнинг намояндалари томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.

Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганидан кейинги йиллар мобайнида республикада катта иш қилинди. Ўзбек тилини давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судларда, давлат нотариал идораларида қўллаш тўғрисидаги моддалар рўёбга чиқарилди. Халқ таълими, фан соҳаларида, оммавий ахборот воситаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Қўллаб тарихий номлар тикланди, атамалар миллий тил асосларига мувофиқ янгилана бошланди.

Давлат тили республика ижтимоий ҳаётига чуқурроқ кириб борди. Айни пайтда бошқа миллий тилларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун шароитлар яратилди. Тил муаммосига жиддий илмий-амалий тарзда ёндошув таъминланди. Бу эса, қонун қабул қилиш арафасида айрим кишиларда пайдо бўлган тил муаммолари атрофида, хусусан, Давлат тили билан бир қаторда расмий тил ҳам эълон қилинариши деган уйдирмалар, сохтакорликлар ва сиёсий ўйинларни бартараф этди.

Республикада яшайдиган бошқа халқларнинг тилларини ўрганиш ва қўллаш эркинлиги таъминланиши билан бирга Ўзбекистонда аҳолининг мутлақ кўпчилиги фойдаланадиган битта давлат тили бўлиши керак деган нуқтаи назарга амал қилинди.

Бу собитқадам йўл 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунда ва 1995 йил май ойида Олий Мажлиснинг

иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Қонунда янада мустақамланди ва ривожлантирилди.

Мазкур қонунлар ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомининг мустақамланиши, мамлакатнинг ҳар тарафлама камол топиши ва жаҳон коммуникация тизимига кириши учун анча қулай шарт-шароит яратиб берди.

Мазкур қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида тўпланган тажриба ҳар тарафлама умумлаштирилди ва таҳлил этилди. Давлат тилига ўтиш бўйича қилинган ишлар ҳолис баҳоланди. Пухта ўйлаб, реал жараёнлар ва имкониятларни ҳисобга олиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини узил-кесил жорий этишни 2005 йилгача босқичма-босқич амалга ошириб боришга қарор қилинди.

Мутлақо равшанки, тил ислоҳоти билан боғлиқ барча саналар янги Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирилиши керак. Негаки, давлат тилини эски алифбода жорий этиб, сўнгра янги ёзувга ўтиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ана шу ҳолатларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонунга зарур ўзгаришлар киритиш эҳтиёжи туғилди. Бу Қонун республика ҳали СССР таркибида бўлган ва маданий-маънавий соҳада ўзига хосликни мустақамлашга интилган бир шароитда қабул қилинган эди. Шундан бери вазият тубдан ўзгарди.

Қонуннинг кўпгина моддалари ва қоидалари жиддий ўзгартиришлар ҳамда кўшимчалар киритишни тақозо эта бошлади, айримлари эса эскирди.

Давлат ва ижтимоий соҳанинг барча томонларини ислоҳ қилишнинг республикада қабул қилинган ва ҳаёт тасдиғидан ўтган концепцияси ўзгартиришларнинг изчиллиги, босқичма-босқичлиги тамойилидан келиб чиқади. Бу тил муаммосига тўла тааллуқлидир.

Ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади. Ўзбекистоннинг мустақиллиги ва тараққиёти пухта таъминланган, халқимиз ўзининг буюк келажагини дадил бунёд этаётган бугунги кунда мустақам замин яратмасдан туриб, шошма-шошарлик қилишнинг зарурати йўқ.

Кўрилаётган чораларга қарамай, республикада истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб фуқароларнинг барчаси ўзбек тилини тез ва эркин ўзлаштириб олишни таъминлайдиган замонавий услубиётлар, дарсликлар ва ўқув-кўргазмалар кўлланмалар секинлик билан яратилаётган эди. Русийзабон мактабларда ва аудиторияларда ишлаш учун махсус тайёрланган малакали мутахассислар — ўзбек тили ўқитувчилари ҳам етарли эмас эди.

Қонуннинг айрим қоидалари қайта кўриб чиқишни, таҳрир қилишни талаб қиларди. Хусусан, 4-модда давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг барча ходимларидан ўз хизмат вазифаларини ба-

жариш учун етарли даражада давлат тилини билишни тақозо этади. Бу борада ёшига ёки иш стажига кўра ҳеч қанақа истисно назарда тутилмаган. Амалиёт шунини кўрсатдики, бу талабни рус тилида ўқиган ва узоқ йиллар шу тилда касб-кор билан шуғулланган юзлаб ва минглаб кексайган малакали мутахассислар бажаришга қодир эмас эди. Уларга жамият раванқи йўлида хотиржам ишлаш ва ўз имкониятларидан лоақал пенсия ёшига етгунга қадар самарали фойдаланишлари учун имконият бериш мақсадга мувофиқ бўлиб қолди. Давлат тилини ўрганиш бўйича барча ҳаракатларни 5—10 йилда давр талабига мос янги мутахассислар тайёрлайдиган мактаблар, техникумлар, олий ўқув юртлирига қаратиш лозим бўлиб қолди.

Ҳамма жойда Давлат тили ва янги алифбога ўтиш асосли ўқув-услубий негизни яратишни тақозо этади. Педагогика олий ўқув юртлири ва университетларида ўзга тилда сўзлашувчилар ўқийдиган мактаблар учун ўзбек тили ўқитувчилари тайёрлаш бўйича махсус факультетлар ва бўлимлар очиш, илмий-услубий тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, янги дарсликлар ва қўлланмаларни нашр этиш лозим эди.

Ушбу баён қилинган таклифларни руёбга чиқариш тил ислоҳоти учун мустақкам, ўзаро уйғунликдаги қонуний асосни вужудга келтиради. Таклиф этилаётган талбирлар ҳамма ерда анча уюшқоқлик билан, ортиқча харажатларсиз давлат тилига ўтиш имконини беради. Ўзбекистонда баъзи мамлакатлардагидан фарқли ўлароқ, тилга ёки бошқа белгиларига доир бирон-бир чеклаш ёки цензлар белгиланиши истисно этилади. Бу халқимиз кўз қорачигидек ардоқлаётган барқарорликни, фуқаролар тинчлигини ва миллатлараро тотувликни янада мустақкамлашга кўмаклашишини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди.

Бу ҳам мамлакатимизда аҳолининг маънавий баркамоллиги учун хизмат қилувчи бир омил сифатида аҳамиятга эга бўлди.

3-§. МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ВА АМИР ТЕМУР ОМИЛИ

Бугун биз мустақиллик моҳиятини, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳамда халқ турмушидаги беқиёс аҳамиятини улуғ бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур орқали яна ҳам чуқурроқ англамоқдамиз.

Мустақиллигимизнинг 5 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналари бир-бирига улашиб кетди. Бу тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқиши аждодларимизнинг муқаддас руҳи ва бугунги авлод хоҳиш-иродасининг муштараклигидан далолат беради. Бироқ бу кунларга етиб келиш осон бўлмади.

Давр ва шароит нечоғлиқ оғир, шафқатсиз бўлмасин, ўзбек

халқи ҳеч қачон ўтмишини, унинг буюк сиймоларини ёддан чиқармади, қалб кўрида сақлаб келди.

«Қизил империя» Амир Темурга, у орқали ўзбек халқига нисбатан таҳқирлаш сиёсатини олиб борган бир пайтда, хорижда бу беназир зотга багишланган кўплаб илмий, илмий-оммабоп, бадиий, санъат асарлари яратилди, халқаро анжуманлар ўтказилди, унинг номи билан боғлиқ оммавий ташкилотлар тузилди, музейлар очилди.

Шуниси қувончлики, ўзбек халқининг бағрига озодлик шамоли теккан илк йилларданок, ЮНЕСКО Амир Темурнинг инсоният тарихидаги улкан хизматларини жаҳон аҳлига танитишга Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда жонбозлик кўрсата бошлади. Бу, биринчидан, улуг бобокалонимизнинг жаҳон тарихидаги беқиёс нуфузидан далолат берса, иккинчидан, миллат шаъни, унинг тарихий шавкати тиклаш йўлида Президент Ислон Каримов саъйи ҳаракатларининг натижасидир. ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор билан Ўзбекистон раҳбарининг амалий мулоқотлари ва ҳамкорлиги бугун ўзбек миллати довуғини оламга таратишга хизмат қилмоқда.

Бундан 600 йилча бурун Испаниянинг машҳур ўғлони Руй Гонзалес де Клавихо дўстлик элчиси мақомида Самарқандга ташриф буюриб, ватанига қайтгач, юртимиз ҳақида ўз таассуротларини эълон қилган эди. Ушанда нафақат Испания, балки бутун Европа Клавихо асари орқали Туркистон ва унинг маданияти борасидаги ўз тасавурларини янада бойитиш имкониятига эга бўлганди. Тақдир тақозоси билан орадан деярли олти аср ўтиб, Испаниянинг бошқа бир ўғлони — Федерико Майор маърифат, илм ва маданиятнинг халқаро миқёсдаги ҳомийси ва ҳимоячисига айланган ЮНЕСКОга раҳбар бўлиб, Ўзбекистоннинг бой тарихини, унинг умуминсоний қадриятларини, буюк аждоқларини жаҳонга танитишга ҳисса қўшмоқда. Ф. Майорнинг бу хизматлари Ўзбекистон ҳукумати томонидан муносиб баҳоланди.

Мавзуга доир факт

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Федерико Майорни Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

ЮНЕСКО билан Ўзбекистон уртасида маданий ҳамкорликни мустақамлаш соҳасидаги гоят катта хизматлари, Марказий Осиё халқларининг ниҳоятда бой маънавий меросини тиклаш ва оммалаштиришга, «Ипак йўли — мулоқот йўли» халқаро дастурини амалга оширишга қўшган улкан ҳиссаси учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти Бош директори, таниқли олим ва жамоат арбоби Федерико Майор «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.¹²

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов

1996 йил 10 апрель

Амир Темур шахсиятининг бугунги кундаги мазмуни ва беқиёс моҳияти шундаки, Соҳибқирон сиймоси бир томондан бугунги авлодда ўз ўтмиши билан фахрланиш, маънавий илдиларини топиб олиш, эркинлик қадриятини тушунишга ва келажакка ишонч билан қарашга даъват этса, иккинчи томондан, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин озодлик, юксак маданият ва тараққиётнинг қадрига етувчиларнинг ўзаро яқинлашувига хизмат қилади.

1996 йил декабрда Президент И.Каримов «1996 йилни Амир Темур йили» деб аташ тўғрисида Фармон қабул қилди. «Темур тузуклари» бир неча тилларда чоп этилди. Уша давр тарихий маданий ёдгорликларини тиклаб, ёзма адабиётлар илмий муомалага киритилди.

Муқаддас қадамжо — Амир Темур мақбараси таъмирланди. Жуда қисқа фурсатда, бобокалонимизнинг дунёвий шаъни ва шавкатига мос келадиган Темурийлар музейи қурилди. 1996 йилнинг 22—24 апрель кунлари ЮНЕСКО доирасида Парижда ўтказилган халқаро тадбирлар жаҳон маданий ҳаётида муҳим ва ёрқин воқеа сифатида баҳоланди. Туркия, Эрон ва Қирғизистонда Конрад Аденауэр ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида илмий анжуманлар ўтказилди. Булар моҳият эътибори билан бевосита Ўзбекистон давлати ва халқининг миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган ички ва ташқи сиёсатининг яхлит мазмунини белгилайди.

Ўзлигини тўла-тўқис намоён қилиб, умумжаҳон тараққиётга бутун борлиги ва имкониятлари билан қўшилиш учун миллат энг аввало озод бўлмоғи даркор. Чунки, эркинлик миллат нималарга қодирлигини кўрсатувчи қудратли омилдир. Соҳибқирон Амир Темур даври биз учун худди ана шу жиҳатдан ҳам характерли. Шунинг учун ҳам биз Амир Темур сиймосига мурожаат қиламиз, унинг тарихи ва меросини ҳар томонлама ўрганамиз.

Темурийлар, айниқса Амир Темур даври ҳақида гап кетганда фақат ана шу уйғониш даври ютуқлари ҳақида гапириш камлик қилади. Зотан, унғача бўлган минг йилликлардаги тарихий-маданий раўнақ айни ана шу тараққиётга замин яратган. Юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритган ютуқлар бўм-бўш, хувиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган. Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий раўнақида тасодифий шахс, умуман Темурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки беҳосдан юз бериб келган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён мақсулдир.

Чингизийлар ҳукмронлик қилган йиллари кўплаб нодир ҳунар, санъат ва истеъдод эгалари жон сақлаш ниятида чекка

мамлакатларга қочиб кетдилар. Иқтисод издан чиққан, савдо сусайган, бошқарув тизими йўқ ҳисобида эди. Хуллас, Амир Темур олдида бир ярим асрлик мустамлакачиликдан сўнг кўп асрлик миллий давлатчилик ва миллий маданиятни қайтадан тиклаш каби оғир вазифа турарди.

Амир Темур сиёсатшунослик ва давлатчилик фалсафаси тарихида янги дунёқарашга асос солди, уни амалда татбиқ этди. У илгариги даврлардан фарқли ҳолда жамият барча табақаларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини инobatга олиб, уларнинг ҳаёти учун зарур ижтимоий заминни вужудга келтирди. Ҳар бир тоифанинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ўзига хос қонун билан кафолатлаб қўйилди.

Соҳибқироннинг улкан хизматларидан яна бири унинг давлат бошқарувини ташкил қилиши билан боғлиқ. Маълумки, сомониёлар давридан бошлабоқ ўзбек давлатчилигида ҳокимиятнинг иккига — даргоҳ тимсолидаги қонун чиқарувчи ҳамда девонлар — вазирликлар тимсолидаги ижроия тизимларига бўлиниши яққол кўзга ташлана бошлаган. Ўз даври учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этган бу ҳолат кейинги асрларда ҳам, то Чингизхон босқинига қадар давом этган. Чингизийлар ҳукмронлиги йилларида эса бу анъана йўққа чиқарилди. Амир Темур ана шу тизимни қайтадан тиклашга муваффақ бўлган ва уни бойитган буюк ислохотчидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳокимият бўлинишига асосланган мазкур тизимни жорий этишда Соҳибқирон кўркўрона эмас, балки ўзи яшаб турган воқеликни назарда тутган ҳолда иш юритди. Муаррих Азамат Зиёнинг фикрича, бу тизимда салтанат даражасига кўтарилган давлатнинг жўғрофий ҳудудлари доирасида яшовчи халқларнинг турмуш тарзи, анъаналари, маънавий-руҳий эҳтиёжлари ҳам инobatга олинган. Давлат бошқаруви тизимига Амир Темур олиб кирган янгиликнинг моҳияти ҳам аслида шу билан белгиланади.

Амир Темур энг олий давлат идораси мақомида қурултойни белгиллаган эди. Бугунги тушунчадаги конгресс, ассамблея, мажлис, съезд қабиларга тўғри келадиган ушбу сиёсий институт бошқарув маҳкамаси ва давлат аҳамиятига молик бўлган энг асосий масалаларни ҳал этиб, унда салтанатдаги барча йирик сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳа намоёндалари иштирок этганлар.

Давлатни мустаҳкамлаш, жамиятни ривожлантириш борасида ижроия тизим — вазирликларнинг ўрни муҳим бўлган. Амир Темур даврида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий муносабатларни тўғри йўлга қўйиб, улардан жамият манфаати йўлида фойдаланиш учун қатъий интизомга асосланган, талабчан ижроия механизми зарур эди. Соҳибқирон ана шундай тизимни ярата олди.

Амир Темур салтанатининг ижроия тизимидаги саккиз вазирлик ва яна бир неча муассасалар молия, солиқлар, даромад

ва харажатлар, мулкчилик, етиштириладиган ҳосил, чорва, яйловлар аҳволи, ободончилик, хабар ва почта, ҳарбий ва адлия соҳаларини бошқарган. Масалан, ҳарбий ишлар вазирлиги ҳарбийларга маош бериш, уларга тегишли мулкларни бошқариш, қурол-аслаҳа таъминоти, ҳарбий машқларни уюштириш ва ташкил этиш каби вазифалар билан бир қаторда истеъфога чиққан, урушларда ярадор бўлиб, меҳнат қобилиятини йўқотганларга нафақа белгилаш каби юмушларни ҳам бажарган.

Ҳуқуқий демократик давлат қураётган бир пайтимизда Соҳибқироннинг суд ва қонунчиликка муносабати ҳам алоҳида ўрнатилган вазифасини ўтайди. Бундан олти аср бурун Мовароуннаҳрда суд тизимида ўзига хос тартиб ва қоидалар мавжуд эди. Чунончи, фуқаролик ишлари билан ижрония тизимида фаолият кўрсатган адлия вазирлиги шуғулланган бўлса, жамият ҳаётидаги маънавий, тарбиявий аҳамиятга доир муаммолар билан ислом қозиси, ҳарбийлар орасидаги ҳуқуқий масалалар билан эса аскар қозиси, яъни бугунги тил билан айтганда ҳарбий трибунал шуғулланган.

Амир Темурнинг жамият ва давлат бошқарувида ҳокимият бўлиниши ҳақида фикр юритар экан, тадқиқотчилар уни XVIII аср мутафаккири Монтескьенинг ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов идораларига бўлиниши ҳақидаги таълимотига мос келишини таъкидлайдилар.

«Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариятига дунёда ривож бердим». Соҳибқироннинг биргина ана шу сўзи унинг бутун салтанатининг эзгулик ва юксак маънавиятга асосланган ғоясини, сиёсий ва ижтимоий мазмунини белгилайди. Унинг ислом динига муносабати халқ манфаатларига мос келадиган, унинг тақдирини белгилайдиган улкан ҳодисадир.

Дунё меъморчилики санъатининг гултожи бўлган осори атиқалар — Гўри Амир, Бибихоним, Занги Ота, Хожа Аҳмад Яссавий мақбаралари Оқ сарой ва Шоҳи Зинда мажмуалари каби кўплаб зиёратгоҳлар ҳамда Амир Темурнинг шарият ва тариқат пешволарига нисбатан иззат-ҳурмати унинг шахсиятининг нақадар улугворлигини ва даҳолик қудратини кўрсатади.

Соҳибқирон **«Хар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим»** — дейди. Маълумки, шу даврда яссавия, нақшбандия, кубравия каби сўфийлик тариқатлари пайдо бўлди ва ривожланди. У ҳукмронлик қилган йилларда ислом дини ахлоқий категориялари янада юқори даражага кўтарилди.

Соҳибқироннинг бетакрор ҳарбий истеъдоди ва қобилияти забардаст ҳарбий ислоҳотчи ҳамда атоқли саркарда сифатида яққол кўзга ташланди. У энг қудратли ва интизомли армияни барпо этишга, ҳарбий қисмларини юриш ва жанг вақтида оқилона бошқаришга, пайдо бўлган ҳар қандай ғов ва тўсиқларни тадбиркорлик билан енгишга, қўшиндаги жанговар руҳ, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини доимо юксалтириб боришга муваффақ бўлган.

Соҳибқирон кўшинининг тузилиши ва тизими баъзи бир муҳим жиҳатлари билан бошқа давлатлар қуролли кучларидан фарқ қилар эди. Жумладан, армиянинг зарбдор қисмларини ташкил этувчи отлиқ аскарлар билан бир қаторда қалъа ва кўргонларни эгаллашда кўл келадиган пиёда аскарлар ҳам етарли даражада эди.

Ҳарбий соҳада шарқ ва ғарб давлатларида юз бераётган ўзгаришлардан яхши хабардор бўлган Соҳибқирон ўз армиясида тўп ишлатишни жорий этди ва Шарқда артиллериянинг таркиб топишига ҳамда ривожланишига катта ҳисса кўшди.

Соҳибқироннинг ҳарбий таълимоти, саркардалик маҳорати, жаҳон ҳарбий санъатидаги новаторлиги бугунги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Амир Темури юбилейи бизнинг ҳозирги дунё ижтимоий-сиёсий жараёнлари уруш ва тинчлик муаммоларига, инсон ҳаётининг дахлсизлигига яна ҳам жиддийроқ масъулият билан қарашимизни тақозо этмоқда.

Амир Темури шахсияти жаҳон давлатчилиги анъаналарини янада бойитиш, бу борадаги шарқ тажрибаларидан унумли фойдаланган ҳолда ёш мустақил давлатимиз тизимини тобора такомиллаштириш сабоғини бермоқда. Зотан, биз ҳуқуқий демократик адолатли давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бормоқдамиз. Демак, улуг бобокалонимизнинг давлатчилик борасидаги сабоғи — адолат ва ҳақиқат тантанасига, юксак маънавият равнақига эришиш ҳамда маънавий баркамол жамият бунёд этиш тамойиллари биз учун ибрат ва намунадир. Айни пайтда у барпо этган сиёсий тизим, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, миллий хавфсизлик борасидаги стратегик қарашлар ҳам улкан мактаб вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз 1999 йил 5 ноябрда Хоразмда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида соҳибқироннинг миллий давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни ҳақида тўхталиб шундай деган эдилар: **«Орадан бир аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темури Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Она юртимизни босқинчилардан халос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди»** («Фидокор» газетаси, 1999 йил 9 ноябрь).

Амир Темурининг санъат ва маданиятга ҳомийлиги, мамлакат ободончилиги учун ғамхўрлиги, инсонни табиатнинг гултожи сифатида эъзозлашга интилиш сингари хусусиятлари бугун ҳам катта қийматга эга.

Хурфикрлик, фуқаролар онги ва тафаккурида бунёдкорлик, ижодкорлик, истиқбол учун курашиш туйғусини шакллантириш инсонпарвар жамиятнинг олий фазилатидир. Бу борада ҳам Соҳибқироннинг савий-ҳаракатлари ва тадбирлари биз учун ўрнақдир.

Бугун Ўзбекистон ўз келажагини аниқ ва равшан кўриб турибди.

Чунки, азалдан озод бўлган, озодлик ва хуррият гаштини сурган, жаҳон тараққиётига улкан таъсир кўрсатиб келган буюк халқнинг иродаси ҳам, даҳолик қудрати ҳам, яратувчилик ва бунёдкорлик кучи ҳам буюк бўлади. Соҳибқирон сабоғи бизни ана шу ҳақиқатни чуқур идрок этишга ўргатади. Президент Ислом Каримов соҳибқирон юбилейи муносабати билан ўтказилган халқаро илмий анжуманда бу хусусда шундай деган эди: «Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуг сиймо бор экан, унинг қодирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бугун Ўзбекистон халқига, қолаверса, бутун жаҳон аҳлига қарата «Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, гуруримиз!», — деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўламан».

(Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т., 1997, «Ўзбекистон», 5-жилд, 191-бет.)

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бой меросимиз миллий мустақиллик туфайли умумбашарият меросига айланмоқда. Бу меросга қизиқиб қараган ҳар бир олиму фозил қаерда ишлагансин, ички бир иштиёқ ва касб тақозоси билан шу соҳадаги юзлаб, минглаб ҳамкасблари билан ўзаро яқинлашиб бораверади. Демак, ўзбек тарихи, хусусан, Амир Темур сиймоси умуминсоний қадриятларга хизмат қилади. Бундан давлатлар ва халқлар ўртасида ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб бораверади. Шу маънода Соҳибқирон юбилейининг жуда катта сиёсий, тарихий ва маънавий аҳамияти бор.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатларида нишонлангани, улуг бобокалонимиз меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий анжуманда 30 га яқин мамлакат олимлари иштирок этгани буни яна бир бор тасдиқлайди.

ПАРИЖ. 1996 йил 21—24 апрель.

Амир Темур ҳазратлари 660 йиллик тўйининг 1996 йил 21—24 апрель кунлари Франция пойтахти жаҳон маданияти сарвари бўлган Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳбарлигида нишонланиши, унда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг иштирок этиши ва катта нутқ сўзлаши улкан воқеага айланди.

Дарҳақиқат, буюк Соҳибқирон таваллудининг инсоният маънавий қудрати ва тафаккурининг мўъжизаси бўлган Парижда, халқаро маданият ва маърифат муассасаси ЮНЕСКО бошчи-

лигида нишонланиши бундан атиги беш йилгина бурун мустақилликка эришган ёш Ўзбекистон тарихида муҳим воқеа бўлди.

Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан, Президент Ислом Каримов ва ЮНЕСКО Бош директори Ф.Майор жанобларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида амалга оширилган бу тадбирлар мамлакатимизни Амир Темур сиймосида, у ҳомиyliк қилган маданий, маънавий мерос орқали яна бир қарра дунёга танитди.

ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида халқаро конференция ва кўرғазма уюштирилди. Ўзбек санъат усталари Париждаги «Одсон» театри ва ЮНЕСКО қароргоҳида катта концерт дастурларини намойиш этишди. Париж ва ЮНЕСКО доирасида бутун дунё уни беқиёс завқу шавқ, олқишлар билан кутиб олди.

ЮНЕСКО бош директори Ф.Майор мазкур ташкилот Кенгашининг 149-сессиясида Ўзбекистон Президентига сўз бера туриб, ўзбек халқи, унинг кўп минг йиллик маданиятини астойдил яхши кўриб қолганини, шундай машаққатли ўтиш даврида мамлакатни бошқараётган инсон иродасига қойил қолмай иложи йўқлигини алоҳида таъкидлаган эди. Буни унинг И. Каримов номларига юборган табрик хатидан ҳам билса бўлади. Жумладан унда шундай дейилади:

Мавзуга доир факт

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов жаноби олийларига!

...Самарқанд, Бухоро ва Хивага қилган сафарим ҳаётимдаги ҳаяжонли дамларим бўлди. У ерлар эртаклардаги каби афсонавий ва тарихий жойлардир.

Мен ипак йўли шу жойлардан ўтиб, маданиятлар ва динларнинг бир-бирига кириб келишига ва Шарқ билан Ғарбнинг мулоқотига кўмаклашганини тасаввур этишига ҳаракат қилдим. Мен борган жойлар инсоният тақдирлари чорраҳалари ўтган буюк шаҳарлар эди.

Ҳозир биз, тарих билан ҳисоблашган ҳолда, ипак йўли тинчлик ва мулоқот йўли сифатида хизмат қилишни давом эттиришига кўмаклашмоғимиз лозим.

Мен Марказий Осиё тадқиқотлари Халқаро институтини очиш шарафига муяссар бўлдим. Бу институт ушбу орзу-умидларни амалга оширишида ЮНЕСКО томонидан берилган ёрдамнинг чинакам намунасидир.

Сизнинг ЮНЕСКОнинг барча ваколатлари доирасидаги фаолияти билан чуқур қизиқишингиздан мамнун бўлганимни айтишимга ҳам ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасида баҳамжиҳат ҳаракатлари тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиши ютуқларимизни мустаҳкамлади ва ҳамкорлигимиз соҳаларини кенгайтирди.

Сиз билан биз ҳар томонлама муҳокама қилган кўпгина масалалар юзасидан ҳозирнинг ўзидаёқ тегишли қарорлар қабул қилинди ва котибият бундан буёнги ҳамкорлигимиз масалалари юзасидан Сизнинг доимий ваколатхонангиз билан мустаҳкам алоқа қилиб туради.

Таклифингиз ва мамлакатингизга таширифим давомида менга кўрсатган олижаноб меҳмондўстлигиниз учун Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқига яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Пировардида, ЮНЕСКОнинг қароргоҳига ташириф буюриш ҳақидаги таклифимни яна бир бор такрорламоқчиман. ЮНЕСКОнинг 50 йиллигини байрам қилиш даврида Сизни таклиф этиш бизга алоҳида шараф ва мамнуният бахш этади.

Мен Сизга таширфни 1996 йил апрель ойининг охирида ёки май ойининг бошларида, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг баҳорги сессияси ишлаб турган пайтда амалга оширишни таклиф қилган бўлардим. Шу муносабат билан Сизнинг, эҳтимолки, Ижроия Кенгаш хузурида сўзга чиқишингиз ҳамда шу даврда ўтказиш режалаштирилаётган темурийлар даври ҳақидаги Ўзбекистон кўргазмасини очишингиз биз учун шарафли иш бўлув эди.

Ижроия Кенгашининг баҳорги сессиясини ўтказишнинг тасдиқланган муддатларини менинг котибиятим ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссиянгизга қўшимча равишда маълум қилади.

Жаноби олийлари, Сизга зўр эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Сизни тезроқ кўриш умиди билан

Федерико Майор,
ЮНЕСКО Бош директори.

«Халқ сўзи». 1995 йил 3 ноябрь.
(Мактуб қисқартириб берилмоқда).

Бош директор жаноблари шундай улуғ маданият ва Сўғд, Хоразм, Бактрия, Парфия, Кушон каби, қолаверса, Амир Темури барпо этган буюк давлатчиликнинг ҳақиқий ворисларигина бундай оғир синовларга чидаши мумкинлигини назарда тутган эди. Бу билан у Президент орқали бутун ўзбек халқининг қудратига, яратувчилик қобилиятига баҳо берган эди.

Маданият ҳамиша миллий ўзлиқни англашгагина хизмат қилмайди. Унинг фаолият майдони кенг ва ранг-барангдир. Бир халқ ҳамиша иккинчи бир халқни ўша маданият орқали танийди, тушунади. Шу маънода мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар равнақи иқтисодий бирлигига, ўзаро ҳамкорлигига, тараққиётнинг янгидан-янги имкониятларининг очилишига муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин. Гарчи халқлар ўртасидаги тотувликни таъминлашда, мурсога эришишда ўзаро иқтисодий боғлиқлик муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблашсада, бу борада маданиятнинг роли ҳам ундан кам эмас. Зотан, маънавият, маданият юксак қадрият, енгилмас куч, беқиёс қудратдир.

ЮНЕСКО амалга ошираётган «Ипак йўли — мулоқот йўли» номли халқаро дастур ҳам аслида ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти ЮНЕСКО Кенгаши 149-сессиясининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Ўзбекистон бу дастурни тўла қўллаб-қуватлашини маълум қилган эди. Барча халқлар маданияти, ўтмиши, ўзига хос яшаш тарзини бирдай ардоқлаб келаётган мазкур ташкилот фаолиятига юқори баҳо берди. Бугунги тараққиёт суръати кўп жиҳатдан хилма-хил маданиятлар ва ақл-заковат интеграциясига бевосита боғлиқ эканини қайд этди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон тараққиётига ўзига хос муносабатини, чуқур маънавий қадриятини кўрсатади.

Ўз фаолиятида нафақат фикрлар, қолаверса, маданиятлар хилма-хиллиги тамойилига таянадиган ЮНЕСКО бу ишни амалга оширишда дунё халқларининг бошини қовуштиришдай машаққатли вазифани бажармоқда. Шунинг учун ҳам «муроса» бу қароргоҳда энг кўп тилга олинадиган сўзлардан бири бўлди.

«Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши» мавзуидаги кўргазмага қўйилган экспонатлар Марказий Осиё халқлари тарихига тегишли бир неча минг йиллик даврни ўз ичига қамраб олади. Кўргазмага келган кишилар ўзбек халқи ижоди, маданий ва маънавий мероси, тасвирий санъати намуналари билан танишиш имконига эга бўлишган эди.

Темур ўша вақтдаёқ Европа ва Осиё давлатларини ягона иқтисодий маконга бирлаштиришга ҳаракат қилгани барчага маълум. У барпо этган буюк салтанат ўша вақтдаги интеграция, Буюк ипак йўли бўйида жойлашган маданиятлар мулоқоти эҳтиёжидан келиб чиққан эди.

Ислом Каримов кўргазманинг очилиши маросимида сўзлаган нутқида Европа ва Осиё давлатлари ўрта асрлардаёқ ўзини ягона жугрофий-сиёсий маконга тааллуқли эканлигини англаганини Амир Темурнинг тарихий хизмати сифатида баҳолайди. «Ушбу маданият ҳафталигининг очилиши Амир Темурнинг ўша хизматларига дунё халқлари эҳтиромини», деб бемалол айтиш мумкин, дейди у.

Орадан олти асрдан кўп вақт ўтганига қарамай, Амир Темур ғоялари ҳамон долзарблигича, ҳаётийлигича қолмоқда. Қолаверса, бу ғоялар бугунги дунё мамлакатлари ялпи интеграцияга эҳтиёж сезаётган бир пайтда ЮНЕСКОнинг ҳам энг олижаноб мақсадларидан биридир. Темур ва темурийлар даврида гуллаб-яшнаган маданият, маърифат, қарор топган маънавий қадриятлар ҳалигача дунёни бир бутун ҳолда тасаввур этиш, гуманизм ва инсон ўртасидаги тенглик, биродарликка хизмат қилиб келмоқда.

Бу кўргазма очилишига дастурда белгиланмаган ҳолда шавсий қизиқиши ва ўзбек маданиятига ҳурмат-эҳтиромни туфайли

Франция Президенти Жак Ширакнинг рафиқаси билан ташриф буюриши ҳам муҳим воқеа бўлган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур маросимда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, Марказий Осиё халқлари маданиятини қайта тиклаш ва тарғиб қилишдаги буюк хизматлари учун ЮНЕСКО бош директори Ф.Майорга «Дўстлик» орденини топширди. Франциялик машҳур олим, Темур ва темурийлар ҳукмронлиги йиллари тарихининг зукко билимдони, Ўзбекистон ва Франция маданиятларини ўзаро яқинлаштириш ишининг жонкуяри Л.Керэн жаноблари «Шухрат» медали билан мукофотланди.

ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида ўша кун яна бир муҳим қадам қўйилди. Ўша кун Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНЕСКО ўртасида имзоланган битим фақат маданият, илм-фан ва маориф соҳалари муаммолари билан чекланиб қолмайди. У мавжуд экологик, хусусан, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг илмий ечимини топишни ҳам назарда тутиши билан қимматлидир. Битимга кўра, кўп ўтмай Тошкентда ЮНЕСКОнинг ваколатхонаси очилди. Қолаверса, мазкур халқаро ташкилотнинг 1997 йили Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисида қабул қилган қарори ҳам минтақа халқлари маданий ҳаётида яна бир тарихий воқеа бўлди.

Ўзбекистон Президентининг Франция Президенти билан Елисей саройидаги дастлабки учрашуви режада кўзда тутилганидан деярли икки баробар кўп давом этгани қалблар яқинлигини, туйғулар муштараклигини кўрсатади.

Ўзбек-Француз алоқалари узоқ тарихга эга. Франция Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти билан учрашганида Амир Темурнинг 1402 йили Француз қироли Шарль VI га йўллаган мактубини совға қилишида ҳам теран рамзий маъно бор.

Соҳибқирон ўша мактубида француз қиролини Турон заминига ўз савдогарларини юборишга чорлаган, уларнинг хавфсизлигига кафил бўлишини баён қилган бўлса, Ўзбекистон Президенти бугун Француз ишбилармонларини ўзаро фойдали ҳамкорликка даъват этади, уларнинг манфаатли иш бирлиги учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида ҳикоя қилишдан чарчамайди. Зеро, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик миқёси ниҳоятда кенг.

Ўзбекистоннинг дунё сиёсатида ҳам, иқтисодиётида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган Франция Республикаси билан халқаро ташкилотлар, шунингдек, Европа тузилмалари доирасида ҳамкорликни кенгайтириши ва чуқурлаштириши алоҳида аҳамиятга эга.

Соҳибқирон Амир Темур даҳоси бизга ажодлар руҳини ёд этиш, улар хотирасини абадийлаштириш сабогини берди. Аслини олганда ўтганлар хотирасини эслаш миллий анъаналаримизнинг, урф-одатларимизнинг бир бўлаги. Ҳаётимизнинг ҳар дақиқасида кимларнидир ўйлаймиз, Аллоҳдан кимларнидир қўллаб, руҳини шод этишни тилаймиз. Аммо Амир Темур бу борада ҳам ноёб инсоний фазилатнинг бетимсол намунаси сифатида шуҳрат қозонган улуг зотдир. У нимаики иш қилган бўлса, барчасини иймон-этиқод, инсоф ва адолат юзасидан қилди. Улкан алломалар, авлиёю анбиёларга эҳтиром кўрсатиб, уларнинг ақидалари ва таълимотларини қўллаб-қувватлади.

Амир Темурнинг ота-боболаримиз хотираси йўлида сарфлаган куч-гайрати, кўрсатган меҳр-муҳаббатини давом эттириш, унинг мурувватига мурувват билан жавоб бериш, ажодлар узвийлигини асраб-авайлаш навбати бизга келди.

1996 йилнинг 18 октябрь кuni. Муборак жума тонги. Бу кун энг эзгу тилаклар, орзу-умидлар ифода этиладиган, Яратганга шукроналар айтиб, ҳаёт қадри эъозланадиган муқаддас кун.

Шу муборак кун мамлакатимиз пойтахти қадимий Тошкентнинг қоқ марказида тонг-саҳарда Қуръон тиловати олис-олисларга таралди. Улуг бобокалонимиз, буюк давлат арбоби ва энгилмас саркарда Амир Темур ёди хотирасига атаб Шарқ миллий меъморчилигининг ноёб ва мўъжизавий намунаси сифатида бунёд этилган — Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими ана шундан бошланди. Минг-минглаб кишилар — тошкентликлар, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган меҳмонлар, хорижий элчихоналар ва ваколатхоналарнинг вакиллари ҳозир бўлишди. Уламои киромларнинг фотиҳаси билан қўйлар сўйилиб, қурбонлик қилинди.

Миллий удумларимизга кўра Қуръони Каримдан оятлар ўқилди, Соҳибқирон руҳига дуои фотиҳалар қилинди. Бир неча минг кишилик дастурхонга ош тортилди. Мумтоз кўшиқлар ижро этилди.

Куёш эндигина уйғонаётган, тонг ёришиб шаҳардаги энг баланд биноларнинг пештоқлари зарга ўралаётган бир пайтда карнай-сурнай садолари бутун шаҳар аҳлини байрамга чорлаб, музей очилишига бағишланган тантанали митинг бошланишидан дарак берди. Митингни Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов очди. Президент Ислоҳ Каримов йиғилганлар олдида катта нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари муҳташам музейнинг қисқа вақтда қуриб битказилгани ва ноёб тарихий экспонатлар билан жиҳозлангани бобокалонимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром рамзи, маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа эканлигини айтиб,

«Мамлакатимиз истиқлолга эришгач Амир Темури шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланганини истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бораётганини таъкидлади ўз фикрини давом эттириб, нотик «Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суроли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади». — деди.

Дарҳақиқат, буюқлик буюк қалбдан келиб чиқади. Буюк қалб эса ҳамиша миллат қайғуси, халқ дарди, ватан изтироби билан яшайди. Ана шу эзгу ҳислардан бегона бўлган қалб беқадр ва ўткинчидир. Бугун биз ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Истиқлол ва Темури, Ватан ва Миллат, Озодлик ва Соҳибқирон тушунчаларини муштарак ҳолда ҳис қиламиз. Уларни бир-бирини тўлдирадиган, мазмунан бойитадиган тушунча сифатида қабул қиламиз.

Темурийлар тарихи давлат музейи ғоят қисқа фурсатда бунёд қилинди. Бор-йўғи олти ой мобайнида меъморий жиҳатдан ниҳоятда мураккаб муҳташам иншоот барпо этилди. Бу аввало, бобокалонимизнинг шаъну шавкатига, дунёвий обрў-эътибори ва даҳолигига муносиб бўлса, иккинчи томондан темурийлар бугунги авлодининг бунёдкорлик қудратидан, нозик диди, беқийёс истеъдод ва хаёлотининг чексизлигидан далолат беради.

Иншоотнинг умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил этади. Музей қурилишида бутун мамлакат мутахассислари иштирок этдилар. Тошкентлик қўли гул қурувчилар, чиннисозлик ва керамика, «Миконд» корхоналарининг моҳир ҳунармандлари, «Уста» бирлашмаси, Югославиянинг «Торевик» фирмаси ва бошқа ўнлаб меҳнат жамоалари бу ишга муносиб ҳисса қўшдилар. Олис-олислардан ярқираб тўвланадиган, улугворлиги ва нафислиги билан кишини ҳайрату ҳаяжонга соладиган нилий гумбаз эса Тошкент авиасозлик давлат ҳиссадорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланди.

Байрам тантаналари музей саҳнига уланиб кетган Амир Темури хиёбонида давом этди. Президентимиз хиёбондаги Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, нуруний отахонлар ва онахонлар, жамоатчилик вакиллари ҳам маросимда иштирок этишди.

Улуғ ажлодимиз руҳини хотирлаш темурийлар давлатининг пойтахти Самарқандда алоҳида шукуҳ ва жозоба касб этди. Жаҳон сайқалига айланган бу кўҳна ва табаррук шаҳар Соҳибқирон тақдири, унинг безовтаю беором кунлари, буюк орзулари, армон-изтиробларига гувоҳ бўлган муқаддас маскандир. Айни пайтда Самарқанд миллатни миллат, давлатни давлат

қилган Амир Темур даҳолик қудратининг рамзи, унинг беқиёс ифодасидир.

Соҳибқирон юбилейга тайёргарлик жараёнида сарқандликлар ўнлаб тарихий обидаларни, осори атиқаларни таъмирладилар, уларни қайта тикладилар, мумтоз бобомиз номи билан боғлиқ қадамжоларни обод этдилар. Янги иншоотлар қурилди, боғлар барпо қилинди. Шаҳар марказидаги кўркам Амир Темур майдони Самарқанд сайқалига сайқал қўшди.

Давлатимиз раҳбари ана шу майдонда қад кўтарган Соҳибқироннинг ҳайкалини тантанали равишда очди. Йиғилганлар кўз ўнгида ҳамиша музаффар ва ғолиб Амир Темурнинг салобат ва улуғворлик билан тахтда ўтирган сиймоси гавдаланди. Қалбларни ларзага келтирадиган ҳаяжонли вазиятда Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги байрами арафасида шаҳар аҳлининг хайрли хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф а р м о н и

Самарқанд шаҳрини «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Темурийлар давлатининг пойтахти сифатида жаҳон илму фани, маданияти ва меъморчилик санъатининг ривожланишига ҳамда давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги ва шаҳар аҳлининг ўзбек халқи тарихий ва маънавий меросини кўп асрлар мобайнида авайлаб-асраб, жаҳонга машҳур этишдаги ғоятда катта хизматларини эътиборга олиб, мустақил мамлакатимизда туб ислохотларни амалга ошириш, унинг иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришдаги фаол иштироки учун ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳри «**Амир Темур**» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И.Каримов.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 28 август.

Тантаналар пайтида Президентимиз Самарқанд шаҳрига «Амир Темур» орденини топширди. У шаҳар аҳлини мукофот билан қутлаб, Соҳибқирон таваллуди байрами кунларида шаҳарга биринчи рақамли ордени топширилиши рамзий маънога эга тарихий воқеа эканлигини таъкидлаб ушбу унутилмас кун — 18 октябрни «**Самарқанд кун**» деб эътибор этишини таъкид қилди. Йиғилганлар бу тақдифни мамнуният билан қарши олдилар.

Самарқанд ва Соҳибқирон... Бу икки мўътабар тушунча хусусида гапирар экан. Президент катта фахру ифтихор билан «Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз. Чунки, Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-бирдан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

... Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетақрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб, қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди», — деди.

Уша муборак кун Қашқадарё воҳасида, хусусан Шаҳрисабз — қадимий Кеш шаҳрида тарихий кун бўлди. десак муболаға бўлмайди. Бу мўътабар тупроқ бобокалонимизга бешик бўлган, уни вояга етказган ота макон. Бу заминнинг юртбошимиз ўз қутлов сўзида айтиб ўтганидек, миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан озод қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу юртдан бошланган... Ҳазрати Темур ўз олдига улугвор мақсадларни қўйганида, аввало, ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган.

Ўзбекистон Президенти шу куни Шаҳрисабзга ҳам ташриф буюрди. Қадимий Оқсарой ҳовлисига улашиб кетган улкан майдон байрамона безатилган. Унинг марказида Амир Темурнинг улугвор ҳайкали ўрнатилган. Шаҳар аҳлининг миллий маданиятимиз анъаналарини тиклаш борасидаги хизматлари муносиб баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф а р м о н и

Шаҳрисабз шаҳрини «Амир Темур» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Шаҳрисабз шаҳри аҳлининг Темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялаш ва уларни озод мамлакатимиз буюк истиқболни яратишга қодир кишилар қилиб вояга етказиш ишига қўшган алоҳида хизматларни эътиборга олиб ҳамда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. Каримов.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 28 август.

Ватанимиз мадҳиясининг тантанавор оҳанглари остида Ислом Каримов рамзий лентани қирқиб, Соҳибқирон ҳайкалини очди. Президент ҳайкал пойига гулчамбар қўйди. Майдонда йигилган жамоат олдида Шаҳрисабз шаҳри байроғига «Амир Темур» орденини қадаб қўйди ва катга нутқ сўзлади. «Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида «илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқта-сидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказаятган шу кунларда энг аввало бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табарруқ замнига таъзим қиламиз», — деб таъкидлади у. Бу сўзлар халқимизнинг эзгу туйғуларини ўзида мужассам этади.

1996 йилнинг 18 октябри. Муборак жума кuni. Бу кун мустақиллигимиз тарихига алоҳида сана бўлиб қўшилади. Чунки, худди шу мўътабар кунда бобокалонимизнинг шон-шавкати, тарихий адолат бутун мамлакатимиз — мустақил Ўзбекистон давлатида қайта тикланди. Амир Темурнинг қадр қиммати халқаро миқёсда жойига қўйилди. Халқимиз бой ўтмиши, жаҳонни лол қолдирган тарихи, беқиёс маланияти, улуғ ажлодлари меросини яна бир бор жаҳонга намоён қилди. Бу буюк келажак сари собитлик билан бораётган халқнинг маънавий ҳаётида унутилмас аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Олти йиллик муддат — тарих учун бир лаҳза бамисоли бепоён осмон кенгликларига чақнаган чақин кабидир. Бироқ, истиқлолнинг мураккаб, долғаларга тўла, зиддиятли бир пайтида халқимиз бой маънавиятини, мислсиз иқтидорини, беқиёс иродасини яққол намоён қилди. Айни ана шу муддатда мамлакатимизда амалга оширилган ишлар салмоғи ва кўлами билан бир неча ўн йилликларга тенг келади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, иқтисодий барқарорликка эришиш, собиқ иттифоқ бир-бирига улаб ташлаган моддий занжирлар узилгач, уларнинг ўрнини қоплайдиган янги имкониятларни излаб топиш лозим эди.

Мустақиллик даври том маънода ҳазрати Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. У бобокалонимиз васиятларининг рўёбга чиқаётгани билан алоҳида қимматлидир. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини муносиб баҳолаш ва иззатини ўрнига қўйишда шахсан Президент И.Каримовнинг ўзи ташаббускор бўлди. Барча тадбирларнинг боришини кузатиб мадад бериб турди. Соҳибқирон кунларини дунёвий воқеага айлантдиришга бутун имкониятини ишга солди. Энди ҳақли савол туғилди: Хўш, Амир Темур Ислом Каримовга нима учун керак? Бунини Президент кўйидагича изоҳлайди:

Биринчидан, Амир Темур қадрияти мустамлакачилик йилла-

рида онгу шууримиздан ўчириб ташланган миллий туйғуларимизни қайта тиклаш, миллатни миллат, давлатни давлат қилиш керак. Энди тафаккур ва тушунчаларимиздаги парокандаликка барҳам бериб, миллий замин ва миллий руҳ ҳаққи-ҳурмати учун бирлашишимиз керак. Унинг: «Бизким мулки Турон, Амири Туркистонмиз. Бизким миллатларнинг энг қадими ва энг улуги— туркнинг бош бўғинимиз», деган гаплари қадимий халқимизнинг миллий туйғусини, буюк ва жаҳоншумул анъаналарга во-рис эканлигини чуқур англашга хизмат қилади.

Иккинчидан, халқимизнинг миллий гурурини, миллий он-гини юксалтириш учун қарийб унитилган тарихимизни қайта тиклаш лозим. Амир Темур эса ана шу кўҳна тарихнинг буюк чўққисидир.

Учинчидан, фарзандларимизни, келгуси авлодни улуг аждодларимизнинг номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, уларни ана шу буюк анъаналарнинг муносиб давомчилари қилиб тарбиялаш, миллий гурурини юксалтириш учун керак. Шу маънода соҳибқироннинг: «Азиз-авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз деб билур эдим», деган гаплари бугунги кунда юртимизда улуг аждодларга, олимۇ фозил боболаримизга муносабатимизнинг тарихий уйғунлигини кўрсатиб турибди.

Тўртинчидан, Амир Темур қадрияти бизга демократик, ҳуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган ғояни рўёбга чиқариш учун керак. Янги жамият, янги ҳаёт, янги тафаккур, қолаверса, бутун давлатчилик асосларини қайта тиклаётган бир пайтда Амир Темур ўзбек халқига тоғдай таянч бўлиб хизмат қилади, унинг олижаноб ишларига беқиёс сафарбарлик руҳи бахш этади.

Бешинчидан, бу беназир қадрият мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун керак.

4-§. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР, ҚАДРИЯТЛАР ВА АНЪАНАЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

Халқ турмуш тарзи ва маънавиятининг таркибий қисмини унинг азалий удумлари, одат, маросим ва байрамлари ташкил қилади. Шу боис мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий тикланиш ҳақида гапирганда халқнинг азалий қадриятларини тиклаш борасида олиб борилган ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу борада аввало 80-йиллар охиридаги баъзи ноқобил йўл-йўриқларни кўрсатиб ўтиш керак. 1986 йил январь-февралда Ўзкомпартиянинг XXI съезди бўлди. Съездда «дин миллатчи-

лик ва шовинизмга ҳар доим йўл очишини иқтисодий, социал тараққиётга тўсқинлик қилишини, социалистик турмуш тарзи, коммунистик маънавиятнинг қарор топишига тўсқинлик қилишини ҳар доим эса тутмоқ керак» — деб кўрсатма берилди. Бундай йўл-йўриқ 1986 йил октябрь ойида бўлган партия Марказий Комитетининг III Пленумида яна бир бор таъкидланди.

Ана шу кўрсатмаларга амал қилиниб 80-йиллар ўрталарида ўзбек халқи азалдан севиб, ардоқлаб келган урф-одатлар ва маросимлар, байрамлар чеклаб қўйилди, баъзиларининг ўрнига бошқа байрамлар ва маросимлар тўқиб чиқарилди. Натижада авваллари нишонланадиган «Ҳосил байрами», «Қовун сайли», «Гул сайли» ва бошқа халқ байрамлари унутиб қўйилди. «Наврўз» байрами эса аввал таъқиқланди, сўнг сунъий тарзда «Навбахор» байрамига айлантирилди.

Ўйламай, халқ билан маслаҳатлашмасдан қилинган бундай ноҳўя ҳаракатлар халқнинг дилини қаттиқ огритди. Ана шундай бир пайтда Республика раҳбарлигига келган И. А. Каримов кишиларнинг маънавий бойишига, миллий маданиятларнинг бир-бири билан яқинлашуви ва ўзаро ривожланишига ёрдам берадиган халқ анъаналари ва байрамларини тиклашга катта эътибор берди.

Бу ўринда халқимизнинг азалий қадрияти, сеvimли байрами ҳисобланмиш «Наврўз» байрамини халқимизга қайтиб берилиши мамлакат тарихида катта воқеа бўлди. Маълумки, Ўзбекистонда Президент ташаббуси билан «Наврўз» байрамини умумхалқ шодиёнасига айлантириш борасида бир қатор тadbирлар кўрилди. 1991 йилдан бошлаб мамлакатда Президент Фармонида кўра, 21 март — Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

Дарҳақиқат авлодларимиз Наврўзни жуда муқаддас билганлар, уни гоят қадрлаганлар. Шунинг учун ҳам бу шодиёна кунларда инсон дилини огритиш жуда қаттиқ гуноҳ ҳисобланган. Бир-бирларини муборак айём билан қутлаб, яхши тилаклар изҳор этганлар. Гина кудуратлар унутилган, адоват ўрнига эзгулик туйғулари жўш урган. Ана шу эл ардоқлаган, авлоддан-авлодга ўтиб келган азалий анъана яна ҳаётдан мустаҳкам жой ола бошлади.

Наврўзни халқнинг сеvimли байрамига айланиб кетиши маълум. Ушбу шодиёна — Наврўз кунларида қадимда, ҳатто, урушлар ҳам тўхтатилган, эл-юрт осойишта ҳаёт кечирган. Наврўз гўзаллик ва яхшилик, меҳр-оқибат, мурувват байрами сифатида қадрланган. Бу қадимий байрамни халқимиз ниҳоятда орзиқиб кутишининг яна бир боиси шундаки, Наврўз ризқ-рўзимиз бўлмиш деҳқон йилининг бошланиши ҳамдир.

Ўзбекистоннинг ҳамма жойларида ҳар йили халқ «Наврўз» тантаналарини ҳар қачонгидан кўра ҳам шоду хуррамлик билан

кутиб оладилар. Пахтакорлару чорвадор, боғбону соҳибкорлар, саноат, транспорт ходимлари, қурувчилар ва зиёлилар Наврўз кайфияти билан астойдил меҳнат қиладилар. Қадимий халқ байрами — Наврўзнинг тикланишини республикамизнинг бутун аҳолиси мамнуният билан маъқуллаб, кўтаринки руҳда кутиб олди ва ҳозир ҳам ардоқли байрам сифатида нишонламоқда.

Наврўзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, яхши кўшничиликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари тикланишнинг қудратли омили бўлмоқда. Наврўз халқ байрамининг инсоний ва байналмилал моҳияти ҳам ана шундадир»¹³ — дейилади Ўзбекистон Президентининг «Наврўз халқ байрамини ўтказиш якунлари тўғрисида»ги Фармонида.

Ҳар бир жамоа, муассасада нишонланадиган бундай байрамлар, кишиларда халқимизнинг қадимий анъаналарига ҳурмат, меҳнатга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди. Бундан ташқари маънавий ҳаётдаги яна бир талай, аниқроғи диний байрамлар, ҳайит кунларининг республикада умумхалқ байрами сифатида нишонланиши учун кенг йўл очилгани ҳам маънавий покланишнинг муҳим кўринишидир. Сир эмас, шўро тузуми шароитида «дин афюндир» деган коммунистик шиор ҳукм суриб келди. Шу даражага борилдики, диндорнинг маънавий ҳуқуқи чекланди. Бундай бир томонламалик ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнгги тарихий ўзгаришлар бундай қарашлар асоссиз эканлигини кўрсатди. Шу йиллар мобайнида бутун мусулмон олами Ўзбекистонда виждон эркинлиги, диний ибодат учун кенг имконият очилганини тан олдилар.

Европалик алломалардан бири «Нур — Шарқандир», деган экан. Буни ҳар хил талқин этиш мумкин. Биров уни куёшнинг Шарқдан чиқишига йўйса, бошқа биров мажозий маънода эзгуликлар, оламнинг янгиланиши, ҳаёт тараққиёти Шарқдан, деб тушунади.

Бизнинг тасаввуримизча, ҳар икки ҳолатда ҳам Нур — Шарқандир.

Шарқдан таралган илм-маърифат дунёни мунаввар этгани, инсоният тарихида, одамзот тақдирида буюк ўзгаришларга сабаб бўлгани сир эмас. Шарқнинг ажралмас қисми бўлмиш гўзал диёримиз халқлари ҳаётида, уларнинг онг ва тафаккури шаклланишида дунёвий илмлар қаторида ислом динининг алоҳида ўрни бор. Бу илоҳий таълимот оламни англаш, дунёвий тафаккур, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни идрок этиш борасида беқиёс аҳамиятга эга. Бутун жаҳон аҳли диққатини тортган бой ва ранг-баранг маданий-маънавий меросимиз икки қудратли тўлқин — дунёвий илмлар ва диний-фалсафий тафак-

курнинг ўзаро уйғунлашиб, ягона, баркамол қадрият пешвосининг маънавий қиёфаси, сиёсатдаги адолат мезони, сўз ва фикр эркинлиги каби мураккаб ижтимоий масалалар хусусида ҳам бениҳоя ҳаётий тажриба ва сабоқлар беради. Шу боис ҳам бу ўлмас қадриятлар бугунги янги давлатчилигимиз қурилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Агар биз босиб ўтилган истиқлол йўлимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, озодликнинг илк онларидан бошлабоқ динга муносабат, давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди. Конституцияга кўра, Ўзбекистон дунёвий давлат, бинобарин, мамлакатимизда дин давлатдан ажратилган. Аммо республикамиз раҳбарияти бу масалага оқилона ёндашиб, дин давлатдан ажратилган бўлса-да, жамиятдан ажратилмаганини, хусусан, Ўзбекистон сингари қадимий ва барқарор диний анъаналарга эга мамлакатда бу борада гоят назокат ва эҳтиёткорлик билан иш юритиш лозимлигини ўз вақтида тўғри англаб етди.

Президент Каримовнинг давлат арбоби сифатидаги яна бир хусусияти шундаки, у воқеалар моҳиятини жуда чуқур билади, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини олдиндан пайқаб, энг муҳими, одамлар руҳиятини, уларнинг қувонч ва ташвишлари, мақсад ва интилишларини ўз вақтида англай олади ва ҳолис баҳо беради.

Шунинг учун ҳам бугун кўп миллатли мамлакатимизда ҳеч қайси дин вакилларининг диний нафсониятларини камситмаган ҳолда, айни вақтда диний ҳиссиётларни авж ҳам олдирмасдан, оғир-вазмин, узоқни кўзланган сиёсат амалга оширилмоқда.

Бу сиёсат моҳияти илк марта Президентнинг қўйидаги фикрларидан аниқ-равшан белгилаб берилган эди:

«Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Бу дунёнинг ўткинчи эканлини таъкидлаб, одам боласини ҳушёр бўлишга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.

Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз, диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади. Айни замонда биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтирмоқчимиз: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият таллашиб юришлар худога ҳам ёқмайди. Ислон дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир деб таллашиб юришлар бизга тўғри келмайди.

Ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин, кимнинг фазилати қанча, кимнинг гуноҳи қанча эканини Яратганинг ўзи ажрим қилиб беради».

Қачонки киши ўзлигини англамаса, ўз виждони билан юзма-юз турмаса, иймон ва эътиқод олдида ҳисоб бермаса, қўшниси, маҳалласи, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини ҳис этмаса, бундай одам инсонлик шарафига муносиб бўлмайди.

Президент Каримов сиёсий вазият ниҳоятда қалтис ва нозик бир пайтда юқорида эслатилганидек оташин нутқ ва маърузалари билан одамларнинг нозик туйғуларига таъсир этди, уларни узоқ йиллик қарахтлик ва гафлатдан уйғотди. фикрлашга, ўз тақдири ва фарзандлари истиқболи ҳақида қайғуришга даъват этди. Бу билан у, биринчидан, мамлакат аҳолисини руҳий-маънавий покланишига имкон яратди. Иккинчидан, мамлакатдаги тинчлик, осойишталик ва барқарорликка ўзига хос замин яратди.

Кремлнинг асабий жазаваларига қарамай, юртимиз ҳали советлар исканжасида турган оғир кунларда Президентимиз халқ хоҳиш-иродасига қулоқ тутиб, унутилмас бир тарихий ҳужжатга имзо чекди. Бу Фармон юрдошларимиз руҳиятида улкан ижобий ўзгариш ясади. Бу Фармон мазлум халқнинг кўксига ҳалемай шамол тегажагидан бир нишона бўлди. Фармонда, жумладан, шундай дейилган эди:

Мавзуга доир материаллар

«Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида

1. ...Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг Урта Осиё регионида истиқомат қилувчи 500 кишидан иборат бир гуруҳ мусулмонларни 1990 йилнинг 19 июнидан бошлаб 10 июлигача ҳаж қилувчилар сифатида Саудия Арабистонига юбориш тўғрисидаги илтимосига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси ҳаж қилувчиларни келишилган маршрут бўйича Жидда шаҳрига /Саудия Арабистони/ олиб бориб қўйиш ва олиб келишни ташкил этсин. Ана шу мақсадлар учун Ил-86 ва Ил-62 самолётлари ажратилиб, уларни доимий истиқомат жойларига етказиб қўйишни ҳам таъминласин.

3. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги рухсатномалар ва қайд этиш бўлими, Ўзбекистон Ташқи ишлар министрлиги Ўзбекистон Республикаси божхонаси СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР бўйича диний ишлар кенгаши билан биргаликда тегишли йўл ҳужжатларининг жадал расмийлаштирилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳаж қилувчиларга зарур дори-дармонлар ажратиб, ҳаж жойларида бўлиш даврида уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси билан биргаликда ёдгорлик буюмлари, эсдалик совгалари харид этишда ҳаж қилувчиларга кўмаклашсин.

6. Тошкент шаҳар ижроия комитети мусулмонлар диний бошқармасининг талабномасига кўра ҳаж қилувчилар жўнаб кетиши олдидан ва Саудия Арабистонидан қайтганидан кейин уларнинг Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналарда жойлаштирилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Совет Социалистик
Республикаси Президенти**

И.Каримов

Тошкент шаҳри
1990 йил 2 июнь.

Албатта, биз сўз юритаётган давр 1989—1991 йиллардаги ижтимоий-сиёсий муҳит нуқтаи назаридан қараганда, республикамиз раҳбарининг бундай қатъий ҳатти-ҳаракатлари Марказдаги «катта оғаларимиз»га асло маъқул тушмас эди. Шунинг учун улар Тожикистон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон ва бошқа бир қатор иттифоқдош республикаларда турли йўллар билан уюштирилган қонли фожеаларнинг Ўзбекистонда ҳам ташкил этиш учун маккорона ва қабиҳ режалар туздилар, бор имкониятлари билан бу манфур ниятларни амалга оширишга уриндилар. Бунинг учун улар ўзлари вужудга келтирган оғир ижтимоий вазиятдан, миллий ҳис-туйғулардан, ўз орамиздан чиққан айрим мунофиқ кимсалардан фойдаланмоқчи бўлдилар.

Президент Ислом Каримов ва унинг бошчилигидаги ҳукумат ана шундай мураккаб ва оғир шароитда ўз халқининг дардига қулоқ солиш, унинг муаммоларини зудлик билан ҳал қилиш орқалигина мамлакатни танглик ва бўҳрондан олиб чиқиш мумкинлигини англаб етди ва бу мушкул вазифани адо этишга қатъият ва шижоат билан киришди.

Мамлакатда Ислом дини омилидан унумли фойдаланиш, унинг бой маънавий ва маданий қадрият сифатидаги имкониятларини кенгайтириш чоралари кўрилди:

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф а р м о н и**

**Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси
хузурида дин ишлари бўйича комитет
ташкил қилиш тўғрисида**

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосланиб, фуқароларнинг дин эркинлиги ва диний эҳтиёжларини ҳурмат қилиб, шунингдек диний ташкилотлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва узвий ҳамкорликни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича комитет ташкил қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, комитет ўз фаолиятини «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа тегишли қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда олиб боради.

3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича комитет зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш юклансин:

давлат органларининг республика ҳудудида жойлашган диний ташкилотлар билан баҳамжихат ҳаракати ва ҳамкорлигини ўрнатиш;

- диний масалаларни ҳал қилишда вилоятлар, шаҳарлар ва районларнинг ҳокимлари билан биргаликда ягона сиёсатни ўтказиш;

қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган республикадаги диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида ифода этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонга асосланиб бир ҳафта муддат ичида диний ишлар бўйича комитет тўғрисидаги тегишли қарорни қабул қилсин ва унинг низомини тасдиқласин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов

*Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 март.*

Мусулмон ҳаётидаги қутлуғ саналар — Қурбон ва Рамазон ҳайитлари кунларини бундан буён доимий суръатда байрам қилиш ва уларни дам олиш кунлари деб эълон қилиниши ҳам айнан халқимиз кўнглидаги иш бўлди.

1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

**Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон
қилиш тўғрисида**

Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам — Рўза ҳайитининг биринчи кунини дам олиш кунини деб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов

*Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 март.*

Эл-улус ўзининг янги етакчиси амалга ошираётган халқ-парвар сиёсатни қўллаб-қувватлай бошлади.

Бу борада ислом оламининг забардаст алломалари — ватандошларимиз имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замашарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги ва Хожа Аҳрори Валийнинг 600 йиллиги, Имом ал-Бухорий таваллудинда ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги, кенг кўлама нишонланиши юртимизда иймон, дину диёнат қайтадан юксалаётганига ёрқин далил бўлди. Бу азиз ва мукаррам зотларнинг бебаҳо асарлари қайта чоп этилди, номлари абадийлаштирилди.

Жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид ва мадрасалар қуриш, эскиларини тиклаш-таъмирлаш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилди.

Айни чоқда бу борада бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Равшанки, аввало қисмларда қайд қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси барча фуқаролар учун виждон эркинлигини кафолатлайди. Ҳар ким хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди деб ёзилган. Бироқ кейинги йилларда бу талаблар ҳамма жойда ҳам бирдай бажарилмаган ҳоллар юз берди. Кўни-кўшнилари, қариндош-уруғлар, оила аъзолари атрофдагиларга ва ўз яқинларига тазйиқ кўрсатиб, масжидга боришга, диний расм-русумларни бажаришга мажбур қилаётган мисоллар учрай бошлади.

Бундай ҳаракатларнинг ташаббускорлари «ваҳҳобийчилик» деб аталмиш диний оқим вакиллари эди. Бундай оқимга мансуб кишилар кўпинча ўзларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари билан жамиятдаги ишларнинг аҳволига таъсир кўрсатишга интилдилар. Ўз моҳиятига кўра «ваҳҳобийчилик» ислом ақидапарастлигининг ошқора ифодаси бўлиб, унда диний фанатизм ва экстремизмнинг барча унсурлари мавжуддир. Бундай унсурлар эса турли диний эътиқоддаги фуқаролар ўртасидаги ва умуман жамиятдаги муносабатларни кескинлаштиришга қаратилгандир.

Мамлакатимизда «ваҳҳобийчилар» ўз гаразли мақсадларини кўзлаб ҳокимиятнинг қонуний фаолият кўрсатаётган органлари ва мансабдор шахсларга зуғум ўтказган, сал бўлмаса давлатга қарши яширин фаолиятни ташкил этишга уринган ҳоллар ҳам маълум бўлиб қолди. Албатта, улар ўз жинойий хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб бердилар.

Шу муносабат билан жамиятимизда ҳар бир кишининг виждон эркинлигини ва динга эътиқод қилиш ҳуқуқини таъмин-

лаш, динга муносабатидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг тенглигини таъминлаш ишида ҳанузгача баъзи бир камчиликлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Олий Мажлиси XI /апрель 1998/ сессияда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилди.

Бу қонун замон талабларига мос бўлиб, фуқароларнинг динга монеликсиз эътиқод қилиш, диний урф-одатларни ижро этиш ҳуқуқини кафолатлайди, динга муносабатларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлайди, диний ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солиб туради, салбий ҳолатларга мустаҳкам тўсиқ яратиш имконини бера бошлади.

Мустақиллик шарофати билан «Ислому нури» ҳафтаномаси дунёга келди, кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошланди. Жумладан, имом Бухорийнинг тўрт жилдан иборат, имом Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп этилди. Қуръони Карим саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди. Бу муқаддас китоб юртимизда илк бор Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва уч марта, жами 300 минг нусхада босмадан чиқарилди. Бундан ташқари, ҳадис ва шайрий илмларга доир кўпгина асарлар она тилимизга ўгирилди ва минг-минглаб нусхаларда чоп этилди.

Айни пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида камида биттадан диний Мадраса, Тошкент шаҳрида эса Тошкент Ислому Университети, Халқаро Ислому тадқиқотлар маркази, Имом Бухорий номидаги Ислому маъҳади, Эшон Бобоҳон номидаги аёллар мадрасаси, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳрида ислому таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида Халқаро ислому тадқиқот маркази ташкил этилди. Мазкур марказнинг асосий вазифаси диёримиз мусулмонларига миллий кадриятларимизни ва ҳақиқий ислому таълимотини етказиш, мавжуд исломий осори-атиқалар тарихини ўрганиш, нодир қўлёзма асарларни тадқиқ этиш, улар билан кенг жамоатчиликни таништириш, дарслик ва қўлланмалар, луғатлар тайёрлаш ва нашр қилишдан иборатдир. Мамлакат телевидениеси орқали берилаётган «Маърифатнома» кўрсатуви халқнинг маънавиятини юксалтиришда, диний маърифатини ўстиришда катта аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари эркинлик ва имкониятларга эга бўлмоқдалар. Улар бевосита ҳукумат ёрдамида ҳар йили муқад-

дас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришдилар. Ҳозиргача 17 мингдан зиёд ҳамюртларимиз ана шу муқаддас қадимжоларни тавоф қилиб қайтиш шарафига ноил бўлдилар. Биргина 1996 йилнинг ўзида 3 минг 700 га яқин мусулмонлар Маккаи мунаввара ва Мадинаи мукаррамага сафар қилдилар.

Президент Ислом Каримов 1992 йили Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз ас-Сауд таклифига биноан ушбу мамлакатда бўлди. Подшоҳ олий мартабали меҳмонни катта обрў ва иззат-икром билан кутиб олди ҳамда кисво — муборак Каъба узра ёпилган ёпинчиқни ҳадя этди. Албатта, бу қутлуг ҳадя диёримиз мусулмонларининг ислом тараққиётига қўшган оламшумул ҳиссалари, айтилиши вақтда Президентимизнинг юртимизда исломий арконларни тиклаш борасида амалга ошираётган улкан хизматлари учун ўзига хос бир эҳтиром рамзи эди. Бундай табаррук совға жуда камдан-кам одамларгагина насиб этади. Ўз навбатида давлатимиз раҳбари бу муқаддас каъбапўшни мамлакатимиздагина эмас, балки, бутун мусулмон дунёсида машҳур қадимжоз-зиёраттоҳ ҳисобланувчи Муҳаммад Исмоил Бухорийнинг Самарқанд вилоятидаги масжид-мақбарасига тортиқ қилди. Бунинг теран тарихий-рамзий маъноси бор.

Президент Ислом Каримовнинг маънавий ва руҳий покланиш, юксак инсоний баркамоллик соҳасида амалга ошираётган ишларнинг миқёси фақат шулар билан чекланмайди. У мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат аҳолиси маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ислом дини равнақиға қанчалик кенг йўл очиб берган бўлса, советлар тузуми даврида юртимизнинг хорижий ислом мамлакатлари билан бутунлай узилиб қолган алоқаларини бутунлай янгитдан ташкил этди. Бу алоқалар ўзаро иқтисодий ва маданий муносабатларни чуқурлаштириш асосида минтақавий барқарорликни таъминлаш, дини ва дили бир-бирига яқин бўлган халқлар ўртасида манфаатли ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ислом Каримовнинг Туркия, Эрон, Малайзия, Индонезия, Покистон, Миср сингари мамлакатларда бўлиши Ўзбекистон мусулмонлари ҳаётида ўчмас из қолдирди. Албатта, булар бугунги кун ўлчови билан қараганда, табиий бир жараёнға ўхшайди. Бирок, ҳар бир ҳодисани ўз вақтида баҳолаш, у рўй берган ё амалга оширилган вазият ва шароитни чуқур таҳлил этсак, мазкур сафарларнинг нақадар катта тарихий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий воқеа бўлганини англаш мумкин.

Мамлакат раҳбарининг диний масалаларға муносабатининг инсонпарварлик мазмуни шундаки, у динни юксак маданият ва маънавий қуроли беқийс ахлоқ мактаби сифатида баҳолайди:

«Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар

доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Уни оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват, ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган.

Дин халқ маънавиятининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак».

Кўп миллатли мамлакатда динга муносабатнинг ўзига-хос томонлари бор. Аҳолининг турли табақаларини умумий мақсадларни амалга оширишга сафарбар этиш, диний маҳдудлик ва ақидапарастликни авж олдирмаслик, жамият аъзолари ўртасида ягона замин, ягона макон тақдирига жавобгарлик ҳиссини кучайтириш каби вазифалар сиёсий арбобдан гоят масъулият ва мулоҳаза билан иш юритишни талаб қилади. Жумладан, миллатлараро муносабатларни барқарор сақлаш ва ривожлантиришда дин омили муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православлар, баптистлар, яҳудийлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, баҳоичилар, кришнаитлар, буддистлар, пятидесятниклар, Иегова худоси шоҳидлари, янги ҳавворийлар, христиан—нресвиторианлар сингари бир қанча дин ва мазҳаблар мавжуд. Улардан ҳар бирининг ўзига хос мафкуриси, тартиб-қоидалари, муайян диний қавмнинг ҳаёт тарзи ва дунёқараши, талаб ва эҳтиёжлари мавжуд. Ана шундай хилма-хилликдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида:

«Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга», деган қоида киритилган /31-модда/. Бу Ўзбекистон ҳукумати ва унинг бошлиғи олиб бораётган сиёсий йўлнинг қонуний асосидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг Свято-Успенский кафедрал собори қошида диний-маъмурий марказ ташкил этиш ва 1996 йил ноябрь ойида Епархиянинг 125 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги мурожаатини қўллаб-қувватлади ва бу ҳақда алоҳида қарор қабул қилди. Қарорда Тошкент шаҳридаги Свято-Успенский собори ҳудудини кенгайтириш учун икки гектар ер ажратиш, бюджет маблағи ҳисобига уни ободонлаштириш кўзда тутилган.

130 га яқин миллат ва элат истиқомат қилаётган, аҳолисининг руҳий ва маънавий эҳтиёжлари ранг-баранг бўлган Ўзбекистондайд мамлакатда тили, миллати, ирқи, дини, ижтимоий мавқеидан қатъий назар, инсонни улуглаш давлат сиёсатининг бош йўналишидир. Жорий йилнинг 6 ноябрь куни Термизда

ўтказилган «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини ЮНЕСКО ижроия кўмитасининг махсус қарорига биноан халқаро миқёсда кенг нишонланиши миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналар тикланишининг энг олий чўққиси деб айтишимиз мумкин.

Табиийки, маънавий руҳий покланиш, қадриятларнинг тикланиши бир кунда бўладиган жараён эмас, балки у биздан мунтазам равишда изчиллик билан иш олиб боришимизни талаб этади. «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги, «Бурҳониддин ал-Маргиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чиқарган қарорлари фикримизнинг яққол исботидир. (Қаранг: «Қишлоқ ҳаёти», 1999 йил, 14 декабрь; «Халқ сўзи» 2000 йил 20 январь)

Шундай қилиб истиқлол йилларида мамлакатда юксак маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол Ватанни шакллантириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бу эса Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган маданий-маърифий сиёсатнинг олижаноб моҳиятидан далолат беради.

5-§. ЯНГИ ЖАМИЯТ ҚУРИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ

Маълумки таълим мамлакат ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётининг муҳим тармоғидир. Таълим асослари Ўзбекистонда унинг Конституцияси ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун билан кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги қарорига асосан «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амалга кирди.

Таълим соҳасидаги мазкур дастурул амалда Республикада таълимнинг жамиятни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожлантиришининг устивор соҳаси эканлиги эътироф этилгани ҳолда таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими ва бошқаруви тартиби, таълим-тарбия ходимларининг ҳақ-ҳуқуқлари, вазифалари, масъулиятлари, мақсадлари белгилаб берилди.

Халқ таълими ходимлари ҳаётида муҳим аҳамиятга молик ушбу Қонун халқ таълими соҳасини барча йўналишларда такомиллаштириш, ривожлантириш ишларига катта йўл очди.

Олий ўқув юрлари мамлакат таълим тизимида етакчи бўғиндир. Чунки олий мактаб Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамловчи миллий бойликнинг ўсишига имкон яратувчи, кучли, қатъиятли мутахассислар шу бўғинда тайёрланади.

Олий таълим университетлари, институтлари ва бошқа таълимга дахлдор муассасаларда амалга оширилади.

Маълумки, шўролар ҳукумати даврида ҳукмрон тузум ўзининг жаҳонда энг инсоний, энг одил ва энг демократик, энг саводхон жамият барпо этгани билан мақтаниб, бутун жаҳонга жар солар эди. «Дунёдаги энг ўқимишли мамлакат». «олий маълумотли мутахассислар сонига кўра жаҳондаги биринчи давлат» деган сохта таърифлар расмий ва мақтанчоқ мафкура орқали кенг ташвиқ қилинарди.

Сиртдан қараганда, ҳақиқатан ҳам манзара шундай эди. Собиқ СССРда юзлаб университет ва институтлар, олий ва ўрта махсус билим юртлари минглаб илмий-тадқиқот муассасалари фаолият кўрсатарди. Лекин улар, сон ва миқдор жиҳатидан кўп бўлгани билан жаҳоний андозалар даражасида эмас эди. Бунинг асосий сабабларидан бири коммунистик жамиятда ҳамма нарса, жумладан илм-фан, мактаб-маориф тизимининг ҳам ўша ёлгон ва ўлик ғояларга қурбон қилинганида эди. Совет Иттифоқини таназулга олиб келган сабаблардан бири ҳам шунда экани шубҳасиз.

Шунинг учун Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари сингари таълим соҳасини ҳам тубдан ислоҳ қилиш вазифаси жамият олдида кўндаланг бўлди. Чунки шўро ҳукумати миллий кадрлар тайёрлаш масаласида рижорона сиёсат олиб борарди. Энг нуфузли, жаҳон мезонларига жавоб берадиган мутахассислар етиштирадиган ўқув муассасалари аксарият Марказда — Россияда жойлашган бўлиб, иттифоқдош республикалар, хусусан Ўрта Осиё минтақасидан бу даргоҳларга санокли вакилларгина қабул қилинар, бундай имконият чегараланган эди. Ва натижада миллий республикаларда ноёб ихтисосга эга мутахассислар етишмайди, деган муаммо сунъий равишда вужудга келтирилиб, бу юртларга минг-минглаб «ўз одамлари» жўнатилар эди.

Шу боис истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ халқ таълими тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилди. Бир қатор ўқув юртларининг мақоми, дастурлари ва таълим услублари бутунлай ўзгартирилди. Энг замонавий, шу пайтгача бўлмаган энг зарур ихтисосликлар бўйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан, Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти, Навоий тоғ-кончилик институти каби ўнлаб янги ўқув муассасалари ташкил этилди.

Айни пайтда халқ таълими тизимини ҳам тубдан ислоҳ қилиш бошланди. Илгор мамлакатларнинг тажрибалари асосида ва чет давлатлар билан ҳамкорликда кўплаб лицей ва гимназиялар очилди. Мажозий қилиб айтганда, Ўзбекистонда лицейдан тортиб академиягача бўлган замонавий, янги таълим тизими вужудга келтирилди.

Вилоятларда ҳам янгидан-янги ўқув юртлири очилди. Президент И.Каримовнинг 1992 йил 28 февраль Фармони билан 8 вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди. Бу республика ҳукуматининг изчил маданий-маърифий сиёсатининг яна бир далили бўлди. Бундай янгиланишдан кўзда тутилган мақсад профессор А.Азизхўжаевнинг изоҳ беришича **биринчидан**, вилоятларда олий университет таълимини ташкил этиш, бу жойларда илмий-маърифий ишларни ривожлантиришга, энг олис ва чекка шаҳарларни маданий-маърифий марказга айлантиришга асос бўлди. Илмий ва маърифий ишлар халқ ҳаётига тобора чуқурроқ кириб бора бошлади. Бу мамлакат аҳолиси онги ва дунёқарашини кенгайтиришда катта аҳамият касб этди. Бевосита меҳнат жараёни билан боглиқ одамлар энди илмий янгилликлардан доимо ва ўз вақтида хабардор бўлиб бордилар. Янгидан-янги илмий-техникавий ишланмалар, ихтиролар яратилган жойида тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этилиш имконлари вуҷудга келди.

Иккинчидан, Ўзбекистон тарихий-жўгрофий жиҳатдан хилма-хил шароит ва иқлимга эга бўлган мамлакат. Бунинг устига, турли ҳудуд халқлари умумий тарихга эга бўлгани билан руҳияти, яшаш тарзи, воқеликка муносабати, уни идрок этиш жиҳатидан озми-кўпми фарқланади. Бу ҳол бир вилоятнинг ўзида ҳам турли кўринишларда кўзга ташланади. Ана шундай мамлакатда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас эди.

Хусусан, қадимий Хоразм машҳур математиклари, астрономлари, тарихчилари ва давлат арбоблари билан, Фарғона водийси эса дунё тан олган шоиру адиблари билан машҳурдир. Узоқ давом этган мустамлакачилик, ҳаддан ташқари марказлаштириш натижасида марказдан узоқда яшайдиган аҳолининг илмий-маданий савияси анча орқала қолди. Бу мамлакат ишлаб чиқаришига, иқтисод ва умуман тараққиётига кучли салбий таъсир кўрсатди.

Ана шу салбий оқибатларни зудлик билан бартараф этиш учун ҳам жойларда универсал таълим тизимини жорий этиш ҳаёт тақозосига айланди.

Учинчидан, вилоят университетларининг ташкил этилиши ҳаёт билан илмнинг, назария билан амалиётнинг яқинлашувига катта ёрдам берди.

Ҳозирги кунда илму фан соҳасида ҳам рақобат муҳити ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Бусиз эса тараққиёт бўлмайди. Илм-фандаги рақобат янги-янги фикр ва ғояларга туртки беради, киши дунёқарашини кенгайтиради. Қайси университет ўз ихтиролари, илмий хулоса ва ишланмалари билан ном чиқарса, ўша университетнинг шуфур ва оқибори оша борали

Тўртинчидан, вилоятларнинг келажак тараққиёти ана шу

ҳудудлардаги олий таълим марказлари билан бевосита боғлиқ. Вилоятларда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун янги соҳаларни эгаллаш, янги ихтисосликларни ташкил этиш, зарур кадрларни шу жойларда тайёрлаш имконияти туғилди.

Олдиндан марказда ўқиган кадрларни вилоятга юбориш масаласи анча-мунча муаммо эди. Вилоятларда университетлар ташкил этилиши билан бу муаммонинг ҳам ечими топилди.

Бешинчидан, вилоятлардаги университетлар воситасида дунёнинг энг илгор, машҳур ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари пайдо бўлди. Бу эса ўз навбатида дунё тажрибасини ҳаётга тезроқ олиб кириш, фан ва техникани янги ўзанга буриш, шу асосда мамлакат тараққиётини жадаллаштириш имконини берди.

Мамлакат шаҳарларида олий универсал таълимни жорий этишда ривожланган давлатлар тажрибасига суяниб иш тутилди. Жумладан, Америка Қўшма Штатларининг Кембриж шаҳридаги Гарвард, Стенфорд, Пристон, Буюк Британиянинг Оксфорд, Лид, Франциянинг Страсбург, Лион, Дижон, Гренобль шаҳарлари номи билан аталувчи университетлари бу мамлакатларнинг пойтахтларида эмас, турли вилоятларида жойлашган бўлишига қарамасдан, ўзининг юксак малакали кадрлар тайёрлаш ва илмий салоҳиятлари билан жаҳонда ном қозонган.

Германияда эса, олий университет таълимининг ўзига хос тажрибаси бор.

Бу ўлкадаги энг қадимий университет Хайдельберг шаҳрида 1386 йили ташкил этилган. XV асрга келиб, мамлакатда университетлар беқиёс даражада ривожланди. Ўша пайтда ташкил этилган олий таълим масканлари Лейпциг, Росток, Грайфсвальд, Фрайбург, Тюбинген ва бошқа шаҳарларда ҳозиргача фаолият кўрсатиб келмоқда.

Уларда ўқиш-ўқитиш ишлари илмий тадқиқот билан чамбарчас боғланган ҳолда олиб борилади. Мамлакат тараққиётининг катта-катта муаммолари ана шу даргоҳларда ўз илмий ечимини топади.

Немислар ишлаб чиқаришни механизациялаш, кам меҳнат сарф қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун бор имкониятларини ишга соладилар. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, саноатни олий малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Германиянинг турли заминларида техника университетларини янада кўпайтириш дастури ишлаб чиқилган. Шу боисдан мамлакат тараққиёти тобора тезлашмоқда.

Халқи маърифатли, жаҳон илм-фани ва маданиятидан хабардор мамлакатнинг равнақига равнақ қўшилаверди. Шу боис кейинги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти жойларда илм-фанни, биринчи галда, универсал олий таълимни ривожлантириш учун барча чора-тадбирларни кўра бошлади. Бу мақсадларга

катта миқдорда маблағ ажратилди. Хорижий мамлакатлар билан илмий-техникавий таълим соҳасида ҳамкорлик тобора чуқурлашиб борди. Шубҳасиз, бу тадбирлар мазкур тизимда кескин бурилиш ясаш, келажакда мамлакатни юксак малакали билимдон мутахассислар билан таъминлаш имконини берди.

Албатта, биргина олий ва ўрта махсус ўқув юртлари сонини ошириш, уларда янги мутахассисликлар очиш билан малакали мутахассислар тайёрлаб бўлмайди. Бунинг учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларига талабалар қабули янги тартибинини жорий қилиш талаб қилинади. Шу мақсадда жаҳоннинг илгор университетлари тажрибаларини қўллашга киришилди. Масалан, кейинги йилларда АҚШ, Туркия, Ҳиндистон, Олмония ва бошқа мамлакатлардаги олий билимгоҳлар иши ўрганилди. Натижада олий ўқув юртларига талабалар қабул қилишнинг бутунлай янги тизими вужудга келди. Шу мақсадда республикада давлат комиссияси тузилиб, олий ўқув юртларига қабул қилишда тест синовини ўтказишга қарор қилинди.

Бундан ташқари икки погонали ўқиш тизимига ўтилгани ҳам олий таълимни ҳозирги замон шароитида янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирдир. Масалан, бакалаврлик даражасини олиш учун 4 йил, магистрлик даражасини олиш учун 6 йил ўқиш талаб қилинади.

Ўзбекистон шароитида шундай янги тизим учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида Низом ва Дастурлар ишлаб чиқиш учун 1993 йилда 4 та комиссия тузилди.

Шу билан бир қаторда, кейинги йилларда жумҳурият олий ўқув юртларида ўқитишнинг янги усуллари қўллашда маълум тажрибалар тўпланди. Масалан, Тошкент алоқа ва электроника институтида 3 семестрлик ўқитиш шакли жорий этилди. Ҳар бир семестр 2—3 имтиҳон ва 3—4 синов билан яқунланади. Ўқув жараёнига шу вақтгача амалда бўлмаган ўқитиш ва назорат усуллари модель ва билимни рейтинг бўйича баҳолаш тартиби тадбиқ қилинди. Тажиба шуни кўрсатдики, у бир неча афзалликларга эга. Хусусан, дарс соатлари қийинчиликларсиз семестрга бўлинади, ўқитувчилар услубий, илмий ишлар билан шуғулланиш, малака ошириш учун қўшимча вақтга эга бўладилар, талабалар учун эса бир йилда уч маротаба таътилга чиқишларига имкон яратилди. Бу тажиба туфайли институт бир мунча муваффақиятларга эришди. Хусусан, бошланғич курслар талабаларининг олий таълим шарт-шароитларига кўникишлари яхшиланди. Ўзлаштириш ҳам осон, ҳам сифат жиҳатидан ўсди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ёшларга ҳозирги замон энг илгор билимларини бериш, уларни давр талабига мос мутахассис қилиб тарбиялашда изчил ишлар олиб борила бошланди. Мустақиллик йилларида иқтидорли талабаларни хо-

рижда ўқитиш ишлари йўлга қўйилди. Республиканинг халқаро алоқалари кенгайтиши натижасида ўқувчиларга ҳукуматлараро битимлар бўйича хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлирида билим олиш имконияти яратилди.

Ҳар йили республикада умумий таълим мактабларининг тест синовларидан ўтган 50 дан зиёд ўқувчиси АКСЕЛС йўли билан АҚШга ўқишга юбориладиган бўлди.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлашда талабаларнинг хорижда ўтадиган стажировкаларига ва қўшма корхоналар, фирмалар, аудиторлик компанияларида ишлаб чиқариш практикасидан ўтишларига катта аҳамият берилмоқда. Шу кунларда мамлакатимиздан 700 нафар талаба хорижий мамлакат ўқув юртлирида иқтисодий ихтисослар бўйича ўқишмоқда. Бир неча минг талаба 3 ойдан бир йилгача хорижий ўқув юртлирида таълим олмоқда.

Мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчиликнинг хусусий шакллари ишлаб чиқаришини кенгайтириш шароитида **ўрта ҳунар таълимини** янада такомиллаштиришни ҳам талаб қила бошлади. Бу муаммо, айниқса, қишлоқ жойларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Қишлоқда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, қишлоқ ёшларини фаол тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун 1995 йилдан бошлаб қишлоқ ерларида жойлашган ҳунар-техника билим юртлири ва ўрта махсус ўқув юртлири фаолиятини тубдан қайта ислоҳ қилиш амалга оширилди.

Ҳар бир вилоят ва туманларда тадбиркорлик ўқув юртлири, касб лицейлари, бизнес мактаблар кичик ва ўрта бизнес, фермерлик хўжаликлари, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари учун колледжлар очилди.

Шу кунларда 160 та ана шундай ҳунар лицейлари бизнес-мактаблари ва 41 та колледжлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 112,3 минг йигит-қиз ўқимокда. Умуман мамлакатда халқ хўжалиги талаблари учун 466 ҳунар-техника билим юрти кадр тайёрлаб бера бошлади.

Яна шуни айтиш лозимки истиқдол йилларида Ўзбекистонда **умумий ўрта таълим** сифатини оширишга ҳам катта эътибор берилди.

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билимлар олишини, меҳнат таълими, бошланғич касбкор кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек, ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

Умумий таълим «Таълим тўғрисида»ги Давлат Қонунининг 9-бандига мувофиқ уч босқичдан иборат:

— бошланғич таълим (I—IV синфлар);

- таянч таълим (V—IX синфлар);
- ўрта таълим (X—XI—XII синфлар).

Таълим ҳақидаги давлат сиёсатининг асосий моҳияти таянч таълимнинг (тўққиз йиллик) мажбурийлигидир.

Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август куни бўлиб ўтган IX сессиясида «Таълим тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Унга биноан таълимнинг янги тизими жорий этилди. Жумладан унинг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 12-моддасида умумий ўрта таълимнинг қуйидаги босқичлари кўрсатилган:

- бошланғич таълим (I—IV синфлар);
- умумий ўрта таълим (I—IX синфлар).

Худди шу сессияда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳам қабул қилинди.

1993 йил 1 январига республикада умумий таълим мактабларининг сони 8963 тага етди.

Янги ўқув дастурлари ва дасрликларини ишлаб чиқиш таълим сифатини оширишда ягона мезон бўлди. Мамлакатда принцип жиҳатдан янги ўрта ўқув юртлари — гимназиялар, яъни, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар тармоғи тез ривожланди. Масалан, 1991 йилдаги 799 мактаб ўрнига 1995 йилда айрим фанлар чуқур ўрганиладиган мактаблар сони 3120 тага етди.

Бу ўқув юртларида ўқувчиларнинг сони 1995 йилнинг охирига келиб 205,7 минг кишига кўпайди. Таълим муассасаларининг ўқув режалари, таълим шакллари ва усулларини ишлаб чиқишда эркинликка эга бўлганликлари принцип жиҳатдан янгиликдир.

Ўқувчилар билимини синашда анъанавий усуллар билан бирга тест синовларидан ўтказиш тизими кенгроқ қўллана бошланди.

Минтақавий ва Республика миқёсида мактаб олимпиадалари мунтазам ўтказилмоқда.

«Олий ўқув юртлари ҳудудида ташкил этилган коллеждларнинг янги тизими қисқа муддатларда юқори малакали ўрта бўгин мутахассисларини айти вақтда шу йўналишдаги олий ўқув юртларига кириш учун абитуриентлар тайёрлаш имкони-ни бера бошлади.

Мактабгача тарбия Ўзбекистон халқ таълими тизимида биринчи босқичдир.

Бу босқичда хилма-хил тоифадаги, турлича муассасаларни кўриш мумкин. Яъни болалар яслилари, болалар боғчалари, ясли боғчалар, соғломлаштириш боғчалари, ақлий, жисмоний жиҳатдан ногирон болалар боғчалари, хонадон боғчалари, мавсумий боғчалар ва ҳақозолар шу тизимга киради.

Ўзбекистон Республикасида ҳозир 9467 мактабгача тарбия ва таълим муассасалари мавжуд бўлиб, 1,3 миллион кичкинтойларни ўз бағрига олган. Уларнинг тарбияси билан 100 мингдан ортиқроқ педагог ходимлар шуғулланмоқдалар.

Бу боғча ва яслилар қуйидаги муассасалар тасарруфидадир:

Мактабгача тарбия муассасаси қарашли бўлган ташкилот	Муассаса сони	Ундаги болалар сони
Халқ таълими вазирлиги тасарруфида	3484	596715
Бошқа вазирлик ва ташкилотлар тасарруфида	5983	703285

Республикада мактабгача тарбия муассасаларига тортиш лозим бўлган болаларнинг умумий сонига нисбатан 30,7 фоизи ясли, боғчаларга қатнайдилар¹⁴.

Кейинги йилларда мактабгача тарбия, ўрта, ўрта махсус ва олий таълимнинг ишлаб чиқилган концепциялари асосида таълимнинг барча даражалари учун ўқув дастурларининг эскилари қайта кўриб чиқилиб, янгилари ишлаб чиқилмоқда.

1995 йилда мактабгача тарбия, болалар муассасалари ва оилалар учун 17 номдаги ўқув-методик қўлланмалар, республика ҳудудида истиқомат қилувчи халқларнинг 7 тилида 58 номдаги янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва умумий таълим мактаблари дастурлари ишлаб чиқилди ва нашрга тайёрланди. Уларнинг 51 таси эълон қилинди ва ўқув юртларида фойдаланиш учун қабул қилинди.

1996 йил 1 январдаги маълумотларга кўра мамлакатимизда 58 олий, 250 дан зиёд ўрта махсус ўқув юртлари, 9 мингдан кўпроқ мактаб, лицей ва гимназия фаолият кўрсатмоқда.

«Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида» (05.01.98 й.), «Узлуксиз таълим тизими учун давлат стандартларини ишлаб чиқариш ва жорий этиш тўғрисида» (05.01.98 й.), «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» (24.02.98 й.), «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида» (04.05.98 й.), «Ўзбекистон республикаси-

да ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» (13.05.98 й.), «Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Божхона коллежини ташкил этиш тўғрисида» (13.07.98 й.), «Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитасининг Солиқ коллежини ташкил этиш тўғрисида» (14.07.99 й.), 1999—2005 йилларда академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида» (23.09.98 й.), «Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» (16.08.99 й.) каби республикада таълим, айниқса умумий ўрта таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган Вазирлар Маъжамасининг қарорлари қабул қилинди.

1999 йил якунига келиб, профессор-педагоглар таркиби 1111 нафар бўлган 30 та академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 7281 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Шунингдек, профессор-педагоглар таркиби 4584 нафарни ташкил қилган 120 та касб-хунар коллежлари ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларда 30454 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Президентимиз мазкур ўқув юртлирининг истиқболи ҳақида тўхталиб жумладан шундай деган эдилар: «Жорий йилда ва 2000 йилда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари замонавий талабларга жавоб берадиган янги турдаги ўқув юртлири билан таъминланиши учун 180 та янги касб-хунар коллежи ва 15 та академик лицейни куриб фойдаланишга топшириш лозим. 2005 йилга қадар биз республикамизда 1611 та касб-хунар коллежи ва 181 та академик лицейдан иборат бўлган ўрта махсус ва касб-хунар ўқув юртлирининг замонавий тармоқларини бунёд этишимиз керак. Бу тўққизинчи синфларни битирувчиларни ўрта махсус, касб-хунар таълими мактабларига тўла қамраб олишни таъминлайди». (7-ж., 397 с.)

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги шароитда таълим жараёнининг турли босқичларига мансуб билим масканлари ўртасидаги узвий боғлиқликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш долзарб вазифалардан биридир.

1998-1999-ўқув йилида касб-хунар мактаблари ва академик лицейлар шаклидаги халқ таълими тизими янги йўналишга асос солинди. Бу 1997 йил август ойида мамлакат Олий Мажлиси сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ҳаётга тадбиқ этилаётганидан далолат беради.

Маълумки, ривожланган фани бўлмаган давлат ривожланган ва кучли давлат бўла олмайди. Айни ана шу нуқтаи назар ҳозирги мураккаб ўтиш даврида олимлар зиммасига улкан масъулият юкламоқда.

Давлатнинг илмий салоҳиятини сақлабгина қолмай, балки уни илочи борича ўстириш, мавжуд йирик муаммоларни ечишга қайта мослаштириш, шунингдек янги самарадор техникаларни яратиш ва амалда тадбиқ этиш масаласи ғоят долзарблик касб

эта бошлади. Мустақиллик олимларга ҳам, фанга ҳам янги имтиёзлар яратиб берди. Жумладан, академик фан ўз тизими ва шаклини ўзи белгилай бошлади. Ўзбекистон Фанлар академиясининг 50 йиллик тарихида биринчи бор академиянинг ҳақиқий аъзоси, юртбошимиз И. Каримов ташаббуси билан фундаментал илмий-тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш академия жамғармаси тузилди.

1997 йил 1 январдаги маълумотлар бўйича Фанлар академиясида 8 та бўлим бўлиб, 135 академик, 156 Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзолари фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистонда Олий Аттестация Комиссияси (ОАК) нинг ташкил қилиниши ҳам шубҳасиз республикада фаннинг ривожланишини таъминлашга қаратилган тadbирлардан биридир.

Ўзбекистоннинг XXI асрга кириб боришида республикада фаннинг ўрни ва роли янада орта боради.

6-§. МАДАНИЙ ҲАЁТ.

Мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида бўлганидек маданий ҳаётда ҳам тубдан ўзгаришлар юз берди. Шаклан ҳам, мазмунан ҳам миллий маданиятнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди.

Бу аввало театр санъати ривожланишида яққол сезила бошланди, янги-янги театр даргоҳлари куриб ишга туширилди. 1991 йилда Фарғонада ва 1993 йилда Хивада давлат кўғирчоқ театрлари иш бошлади, 1994 йилда Қашқадарё ва Наманган вилояти театрлари қошида кўғирчоқ гуруҳлари очилди. Андижонда жамоатчилик асосида ишлаб келаётган ёшлар театри давлат тасарруфига олиниб, у 1994 йилда Аббос Бакиров номидаги Андижон ёшлар ва болалар театрига айлантирилди.

1993 йил августда Тошкент шаҳрида иш бошлаган ҳашаматли «Туркистон» саройи нафақат маҳаллий театр ва томоша гуруҳларининг чиқишларига, балки, узоқ ва яқин мамлакатлардан ташриф буюрадиган саҳна гуруҳлари ва атоқли артистларнинг чиқишларига ҳам мўлжалланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Туркистон» саройи очилиши маросимида нутқ сўзлаб «Бутун янги ўзбек давлатининг барпо этар эканмиз, биз тарихдан, аجدодлар меросидан, уларнинг руҳи номидан, Туркистон халқларининг қадриятларида, маънавий меросидан, санъатидан баҳраманд бўлишимиз табиийдир.

Ушбу саройда халқимизнинг, шунингдек, жаҳон халқларининг, Марказий Осиё халқларининг анъанавий анжуманларини, санъат байрамларини ўтказишни ният қилганмиз. Бу қошона, нишооло, миллатлар, эл-элатларнинг дўстлик, бирдамлик қалъасига айланади.

Бундай обидалар каттаю кичикда Ватандан фахрланиш туйғусини шакллантиради, бундай саройлар Ватаи шаъни ва шуҳрати учун курашувчи, истиқлолни ҳамма нарсадан муқаддас билдирган соғлом авлодни тарбия этувчи масканга айланади»,¹⁵ — деди.

Юқоридаги мисоллар истиқлол йилларида маданият муассасалари моддий базасини мустақкамлашга республика раҳбарияти катта эътибор берганлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгач ўзбек театрлари ва санъаткорларининг дунё сахнасига чиқиши учун янада кенг йўл очилди. Навоий номидаги катта опера ва балет театри, А. Ҳидоятов номидаги драма театри, «Илҳом» театр студияси, Рус ёш томошабинлар театри шу жиҳатдан ибратли ишлар қилдилар. Навоий номидаги театр балет труппасининг Малайзия ва Таиландга, А. Ҳидоятов номидаги театрининг Англия, Шотландия ва Германияга, Рус болалар театрининг Қоҳирага сафарлари шулар жумласидандир.

Шу йилларда ўзбек театрлари сахнасида янги замонавий мавзудаги асарлар намойиш этила бошланди. Жумладан, 1992 йилнинг ўзидагина Аббор Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри ижодий жамоаси машҳур италиян комедиянависи Карло Гашиннинг «Маликаи Турандот» спектаклини, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри жамоаси эса «Шум боланинг саргузаштлари» ва комедия жанрида яратилган «Менинг оппоқ кабутарларим» спектаклларини, шунингдек, Юнус Ражабий номидаги Жиззах мусиқали драма театри А.Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони асосида яратилган асарларни сахнага қўйдилар. Бу спектакллар томошабинлар томонидан юқори баҳоланди.¹⁶

Узоқ йиллардан буён таъқиқлаб келинган Амир Темур мавзусига эътибор кучайганлиги ҳам истиқлолни буюк неъмат. Қашқадрё вилоят мусиқали драма ва комедия театридан сўнг республикамизда иккинчи бўлиб. Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида жаҳонгир ҳаёти ҳақидаги драма сахнага қўйилди.

Миллий истиқлолнинг икки йиллиги арафасида пойтахтимизнинг қатор театрларида янги сахна асарларининг кўриклари бўлиб ўтди. А.Ҳидоятов номидаги ўзбек Давлат драма театрида жаҳон бадий ҳазинасининг ўлмас дурдоналаридан бири Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарининг 1000 йиллигига бағишлаб мазкур асар асосида «Фаридун» номли икки қисмли фожа сахналаштирилди. Шунингдек, Абдулҳамид Чўлпон қаламига мансуб, бадий жиҳатдан яхшилик, чин муҳаббат, инсофдиён улуғлики, фисқу-фасод ҳамда тажовузкорлик кескин қораланган «Ёрқиной» пьесаси ҳам яна сахна юзини кўрди. А.Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театрининг ижо-

дий жамоаси мазкур томошани ўз муҳлисларига тақдим этадилар. 1993 йилнинг август ойида Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театри жамоаси драматург Эркин Самандарнинг «Жалолиддин Мангуберди» тарихий драматини ҳам сахнага қўйди.

Марказий Осиё халқлари театрларининг ўзаро ижодий ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Мазкур соҳа жамоаларининг, 1992 йилнинг 26 мартидан то 4 апрелгача «Наврўз-92» халқаро анжумани ўтказилди.

Анжуманда Тожикистоннинг «Ахорун» театри «Йўқолган Юсуф хонадонга қайтади», Туркменистон Давлат ёшлар тажриба театри «Дали Думбул», Лоҳутий номидаги Тожикистон Академик драма театри «Асрга татигулик кун», А.Ҳидоятлов номидаги ўзбек Давлат драма театри «Искандар», Қирғизистон Академик драма театри «Айкул манас» («Ажойиб манас»), Ю.Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театри «Тошкентга саёҳат» танлов спектаклларини намойиш этидилар.

4 апрель куни «Наврўз-92» халқаро театр байрамининг ғолиблари эълон қилинди. Олий мукофот (Гран-При) — Туркменистон Давлат ёшлар театрининг «Далли Думбул» спектаклига, Халқаро Театр уюшмалари конфедерациясининг махсус мукофоти — Ю.Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг «Тошкентга саёҳат» комедиясига берилди.

Юксак режиссёрлик маҳорати учун «Асрга татигулик кун» спектакли режиссёри Озарбайжон Мамбетов (Қозоғистон), миллий қадриятларни тиклаш йўлидаги катта хизматлари учун Қирғизистонлик санъаткорларнинг «Буюк қалби манас» спектаклига, режиссурадаги янги услуб ва шакл изланишлари учун Абдор Ҳидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театрининг «Искандар» спектакли режиссёри Баҳодир Йўллошев Халқаро Театр уюшмалари конфедерациясининг махсус мукофоти берилди.

1993 йил, июль-август ойларида Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишлаб Навоий вилоятида туманлараро дўстлик фестиваллари бўлиб ўтди.

Бу байрам фестивалларида халқларимиз ўртасидаги дўстлик, меҳр-оқибат, миллий анъаналар ва қадриятларимизга хурмат тараннум этилди.

Бизда байрамлар маълум саналар атрофида, саналарни нишонлашдан иборат бўлибгина қолмайди. У айна тафаккур тарзимизни ўзгартирадиган, мустақиллик ва Ватанга бўлган туйғуларимизни жонлантирадиган қудратли омилга айланди. Биз айна ана шу байрамлар ва юбилейлар орқали, биринчидан, келажакка бўлган муносабатимизни, тараққиёт йўлимизни белгилаб оламиз. Иккинчидан, айна ана шу байрамларга тайёргарлик жара-

ёнларидан миллий санъатимиз ва маданиятимиз янги қиёфа касб этмоқда. Жумладан, турли бир-бирига ўхшамаган, алоҳида-алоҳида кўшиқлар ва томошалардан ташкил топган яхлит композицион асар дунёга келмоқда. Энди биз ҳар бир байрам тантаналарини яхлит, изчил, тўқис асар сифатида қабул қиладиган бўлдик. Учинчидан, миллий мусиқа, кўшиқчилик ва хореография яхлитлашган янги жанр пайдо бўлди.

1997 йилнинг октябр ойида эса Тошкентда «Театр: Шарқ ва Ғарб» халқаро фестивали ўтказилди. Фестивалда дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган театр санъаткорлари билан бирга Марказий Осиё давлатлари ҳамда республика театрлари ҳам ўз асарларини маҳорат билан намойиш этдилар. Ушбу фестивалда Гонконг шаҳрининг «Резолю» театри жамоасининг «Осмонўпар бинодаги икки одобли хизматкор» спектакли, Германиянинг Дортмунд опера ва балет театри жамоасининг «Дониторн хонимнинг эсдан оғиши» операси, Туркменистон Республикаси А. Кулаҳмедов номидаги театр жамоасининг «Пайгамбарлар ноласи» каби спектакллари томошабинлар олқишига сазовор бўлдилар.

Айни пайтда ўзбек миллий театр санъати ривожланиши ва такомиллашиши жараёнини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги (1998 йил, 26 март) Фармониға мувофиқ Ўзбекистонда асрлар оша яшаб келаётган томоша санъати анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотларда театр арбобларининг фаол иштирокини таъминлаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи бадий баркамол сахна асарлари яратиш, махсус таълим тизимини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш, юқори малакали кадрларға бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш мақсадида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошида эса Театр ижодкорлари уюшмаси ташкил этилди. Бу миллий ўзлигини англаш, миллий тафаккур ва миллий истиқлол мафқурасининг бетимсол кудратидир.

Табиатан нозиктаъб, санъатсевар ва санъат аҳлиға талабчан ўзбек халқининг мусиқаси кенг кўламли маънавият кўзгусидир. Асрлар оша авлоддан-авлодға устоз-шогирдлик тизими йўли билан ривожланиб келганлиги туфайли мусиқа мероси қатламлари — меҳнат ва маросим куйи, кўшиқларидан тортиб мураккаб дoston, ашула, катта ашула ва мақом йўллари даврма-даврсараланиб келган. Шу боис, ҳозирги давргача етиб келган дeрли барча асарлар шаклан ва мазмундан катта-кичиклигига қарамай бадий мукамаллиги билан ажралиб туради.

Театр санъати соҳасидаги ижодий жараён айни янгиланаётган ҳаётимизнинг эҳтиёжларига тўла мос келади. «Чимилдиқ», «Пири коинот», «Соҳибқирон», «Кундузсиз кечалар» пьесалари, Ўзбекистон ёшлар театрида Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари асосида қўйилган саҳна асари бугунги театр санъатимизнинг ютуғи деса бўлади.

Мустақиллик йилларида мусиқа санъатида туб бурилиш, аслига қайтиш, анъанавий оҳанглар равнақи даври бўлди. Бунинг учун энг аввало, халққа яқинлашиш, эл орасида юриш, энг ноёб халқ истеъдодларини излаб топиш зарур эди. Ана шунинг учун 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, халқ ижоди ва маданий-маърифий ишлар жумҳурият маркази мусиқа санъати соҳалари бўйича бир қанча кўрик — танловлар ўтказди. Жумладан, шу йили март ойида Тошкент шаҳрида танбур, сато, кўшна, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган жумҳурият кўрик-танлови, апрель ойида Тошкент вилоятида ҳаваскор кўғирчоқ театрлари жамоаларининг кўрик-танлови, шунингдек, апрель ойида машҳур санаъткорлар Жўраҳон Султонов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Комилжон Отаниёзов, Фаҳриддин Содиқов ва Жанақ Шомуротовлар асарлари ижрочиларининг «Боқий овозлар» деб номланган кўрик танловлари ўтказилди. Шунингдек, Хоразм вилоятида май ойида фольклор жамоаларининг, Аския, қизиқчи ва масҳарабозларнинг июнь ойида Қўқон шаҳрида ўтказилган IX-анъанавий ва лапар, ялла ижрочиларининг август ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган II анъанавий кўрик танлови миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шу билан бирга бир неча ўнлаб истеъдодларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Ўзбек халқ чолғулари ва баян созанда-ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган навбатдаги олтинчи жумҳурият кўрик танлови илгаригиларидан фарқли ўлароқ уч босқичда ўтказилади. Учинчи босқичда танлов ғолиблари «Баҳор» концерт залида Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбекистон Давлат академик халқ чолғулари оркестри ҳамда Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиштириш Давлат компанияси қошидаги Дони Зокиров номидаги Ўзбек халқ чолғулари оркестри жўрлигида махсус танлов дастурини ижро этадилар. Танловда барча вилоятларидан 46 нафар ижрочилар иштирок этишди.

1992 йил 2 март куни Тошкент шаҳрида Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида халқ артисти, Давлат мукофотларининг соҳиби, машҳур раққоса ва балетмейстер Мукаррама Турғунбоеваннинг 80 йиллиги ва мустақил Ўзбекистоннинг яқинлашиб келаётган анъанавий «Наврўз» байрамлари олдидан «Чаман» ўзбек болалар фольклор-этнография — рақс ансамблининг ҳисобот концерти ва рақслар байрами ўтказил-

ди. Унда ўзбек, тожик, афгон халқларининг қатор мафтункор рақслари, куй ва фольклор кўшиқлари ижро этилди.

Республика Маданият ишлари вазирлиги Халқлар Дўстлиги саройида 1993 йил 14 апрелда вазирлик тасарруфидаги санъат ва маданият олий ва ўрта махсус ўқув юрғларининг талаба-ўқувчилари, ҳамда, ўқитувчилари иштирокида «Истиклол жиллолари» йигма концертини намойиш этди. Концерт дастурида халқ куй ва кўшиқлари, дилрабо рақслар, ўзбек ва хорижий мамлакатлар бастакорларининг асарлари ва бадиий кўргазмалар ҳам намойиш этилди.

Истиклол даври Ўзбек миллий мусиқа санъатининг ривожланишида гоёт сермазмун давр бўлди.

Дарҳақиқат, мустақиллик мусиқачи-санъаткорлар ҳаётида алоҳида давр бўлди. Бир қатор бастакорлар, жумладан Мустафо Бафоев, Алишер Икромов, Анвар Назаровлар ижодини янги даври бошланди. Биргина мисол: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М. Бафоев ўзбек миллий мусиқаси тарихида услуб жиҳатидан ҳам, гоёвий жиҳатдан ҳам бутунлай янги бўлган «Ҳажнома» яратиб, улкан ижодий муваффақиятга эришди. Айни пайтда бу сермаҳсул ва улкан истеъдод соҳиби бир неча ўнлаб кўшиқлар, турли-туман асарлар битди. Айниқса, Амир Темур юбилейига бағишланган мусиқалари ва кўшиқлари ўзбек миллий-анъанавий йўли билан жаҳон мусиқа санъати илгор тажрибаларининг бетимсол, уйғунлашган намунаси бўлди. Оркестр оҳангларининг бу миллий шакли эндигина яратилди.

1995 йил декабридан «Ўзбекистон—Ватаним маним» мавзuidaги кўшиқлар кўрик-танлови эълон қилингандан сўнг юзлаб янги, мустақиллик даври кўшиқлари яратилди. Бу кўрик-танлов мамлакатимизнинг ҳамма жойларида кўтаринкилик билан ўтказилди.

1996 йил март ойида пойтахтнинг «Баҳор» концерт залида «Ўзбекистон—Ватаним маним» деб аталган кўшиқ танловининг биринчи босқичи бўлди. У Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли муассасалар ўртасида ўтказилди. Кўрик жуда қизиқarli бўлиб, унда болалар боғчалари тарбияланувчиларидан тортиб мамлакатдаги бир қанча педагогика институтлари талабаларигача иштирок этишди. Кўрик қатнашчиларининг она Ватан гўзаллиги, унинг истиқлолини мадҳ этган кўшиқлари таниқли бастакорлар, шоирлар ва Халқ таълими вазирлигининг етакчи мутахассисларидан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланди.

Умуман кўрик-танловнинг биринчи босқичида 54 мингдан зиёд санъаткор қатнашди. 10 мингдан ортиқ кўшиқ ижро этилди.

1996 йил 24 август куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида кўшиқлар кўрик танловининг якуний босқичи бўлди. Озол Ватанимиз ва мустақиллигимизни тараннум этувчи энг сара

қўшиқлар мамлакат бош ҳайъати ҳукмига ҳавола этилди. Танловда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўпгина миллат вакиллари фаол қатнашди. Рус, қозоқ, туркман, уйғур, қирғиз, корейс тилларида ҳам жонажон Ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқлар янгради.

Уч кун давом этган кўрик-танловнинг яқунловчи босқичида ҳакамлар ҳайъати ва санъат мухлислари эътиборига 60 дан ортиқ қўшиқ тавсия этилди.

1996 йилнинг 26 августда кўрик-танлов голиблари аниқланди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, биринчи ўрин берилмади. Иккинчи ўринларга Мудофаа вазирлигидан Асатилло Холиқов «Ўзбекистон аскарлари», қорақалпоғистонлик Роза Кутеева «Мустақиллик гуллари», Тошкент вилоятидан Бахтиёр Умаров «Она юртим» кўшиқлари учун сазовор бўлдилар. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан Саломат Иброҳимова «Ўзбекистон—Ватаним маним», рус миллий маданият марказидан Павел Борисов «Мен сени севаман, Ўзбекистон», Самарқанд вилоятидан Сафия Сафтарова «Ватан ягонадир» кўшиғи учун учинчи ўринни олди.¹⁷

Бу кўрик-танлов 1996 йил 28 августда Мустақиллик байрамининг 5 йиллиги арафасида Тошкентда Халқлар Дўстлиги саройида яқунланди. Унда вилоятлар, вазирликлар, муассасалар бўйича танлов голиблари ўзларининг дилрабо қўшиқлари билан иштирок этдилар. Танлов якунига бағишланган катта концертда, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, парламент ва ҳукумат аъзолари, Тошкентдаги дипломатик корпус ходимлари, мамлакат жамоатчилиги вакиллари иштирок этдилар.

Умуман, «Ўзбекистон—Ватаним маним» мавзуидаги кўрик-танловининг ўтказилиши Мустақилликни, Ватанини англаш, уни улуғлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди, мамлакат ва халқимиз ҳаётида қўшиқ байрамини одат тусига кириши учун замин яратди. Шунинг учун ҳам 1996 йил 27 август кuni «Ўзбекистон—Ватаним маним» қўшиқ байрам ҳақида» махсус Фармон қабул қилинди.¹⁸ Унда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ кўрик-танловининг халқимиз маданий-маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлгани, минглаб фуқаролар томонидан зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қўллаб-қувватланганлиги»¹⁹ қайд қилинди.

Фармонда келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбига муқаддас Ватан туйғусини, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бунинг учун керак бўлса жон фидо қилишга ундовчи юксак бадий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларнинг яратилишига кенг имконият яратиш мақсадида:

Ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси, «Ўзбекистон—Ватаним маним» кўшиқ байрами куни деб эълон қилинсин, — деб кўрсатилди.

Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ва «Ўзбек рақс» бирлашмаси ташкил этилди. Уларда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш масалалари кўзда тутилди.

Жумладан, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси юзасидан қабул қилинган Фармонда шундай дейилади:

1. «Туркистон» саройи ва «Баҳор» комплекслари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг ижодий концерт ташкилотлари негизда «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ҳудудий бўлимларига эга бўлган мустақил ижодий-ишлаб чиқариш комплекси ҳисобланиб, у мулкчилик шаклларида ва қайси идорага қарашли эканлигидан қатъий назар филармония, эстрада, рақс, фольклор ва бошқа ижодий жамоаларни бирлаштиради.

«Ўзбекнаво» бирлашмасининг фаолиятига бадиий-услубий раҳбарликни Ўзбекистон Республикасининг Маданият ишлари вазирлиги амалга оширади.

3. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқларининг миллий мумтоз ва замонавий мусиқа ҳамда рақс санъатининг энг яхши ютуқларини ривожлантириш, асраш ва тарғиб қилиш;

иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг истиқболли режаларини, мақсадли комплекс, маданий, илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

хорижий фирмалар билан ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқаларнинг, маданий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш;

гастроль-концерт фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ижодий жамоалар ва алоҳида ижрочилар томонидан аҳолига маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш»...

1998 йили мамлакатимизда биринчи марта симфоник мусиқа фестивали ўтказилди. Ўзбекистон республикаси бастакорлар уюшмаси билан ўтказилган мазкур фестивалда дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларидан ижрочилар иштирок этишди. Улар Ўзбекистонда жаҳон мусиқа санъати классик намуналарининг энг олий даражада ижро этилганлигига ва ушбу соҳа жаҳон классик анъаналари билан ўзбек миллий мусиқа санъати-

нинг уйғунлашган янги мактаби яратилганлигига гувоҳ бўлишди. Мутал Бурҳонов, Икром Акбаров, Сайфи Жалил, Собир Бобоев, Борис Гиенко, Рустам Абдуллаев, Мустафо Бафоев сингари бастакорларининг ижодига юксак баҳо бердилар.

Бугун миллий-анъанавий кўшиқчилигимиз билан миллий эстрада санъати ҳам тобора ривожланмоқда. Ўлмас Саиджонов, Муножот Йўлчиева, Насиба Сатторова, Исмоил ва Исроил Ваҳобовлар билан бир қаторда Юлдуз Усмонова, Фаррух Зокиров ва уларни юзлаб касбдошлари ўзбек кўшиқчилиқ санъатини дунёга олиб чиқмоқдалар. Шавкат Мирзаев, Бахтиёр Алиев, Абдуҳошим Исмоилов, Анор Назар, Дилором Омонуллаевалар яратган мусиқавий асарлар айна ана шу икки йўналишнинг тараққиётига катта таъсир кўрсатмоқда.

Анъанавий «Шарқ тароналари» фестивали беш қитъа санъат аҳлининг диққатини ўзига тортди. Дунёда тинчлик ва эзгуликни, барқарорлик ва ўзаро бир-бирини тушунишни кўшиқ орқали, санъат орқали амалга ошириш мумкинлиги кўрсатди.

Миллий рақс санъати анъаналарини авайлаб-асраш, уларни ривожлантириш, мамлакатимиз турли ҳудудларининг ўзига хос рақс мактаблари намуналарини тўплаш, шу асосда бой ўзбек рақс санъатини тарғиб этиш мақсадида «Олтин мерос» халқаро жамгармаси қошида Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмухамедова раҳбарлигида «Муножот» миллий мумтоз рақс ансамбли ташкил этилди. Қисқа фурсатда бу ансамбль санъат ихлосмандларининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди.

Кино санъати усталари ҳам мустабиллик ва мустақиллик даврларининг моҳиятини бадиият воситаси билан очиб бериш йўлида тинмай изланиб, халқимизга ўзларининг янги-янги асарларини тақдим этмоқдалар. Ўзбек киноси қарийб 85 йиллик тарихга эга бўлса-да, чин маънодаги миллий ўзбек киноси фақат мустақиллик йилларидагина шакллана бошлади. Сўнгги йилларда яратилган «Ўткан кунлар», «Отамдан қолган далалар», «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», «Кичкина табиб», «Воиз» каби бадиий фильмлар тамошабинларга манзур бўлди.

Мустақиллик солномасини яратиш ҳужжатли кино арбоблари олдида турган энг муҳим вазифалардан эканлиги табиий. Бунини чуқур англаган киночиларимиз бир қатор ҳужжатли фильмларни яратдилар. Улар орасида, айниқса, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асари асосида ишланган кўп қисмли ҳужжатли фильм нафақат халқимиз, балки хорижлик томошабинлар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Англия, Германия, Бельгия, Дания каби бир қатор чет мамлакатларда бу фильмнинг тақдими бўлиб ўтганлиги фикримизнинг исботидир.

Мустақиллик ўзбек бадиий адабиёти ривожига, адабиётшунослик фани тараққиётида ҳам янги босқични бошлаб берди. Энди адабиётта «Социалистик реализм методи» қонуниятлари,

коммунистик партиявийлик, синфийлик сингари принциплар нуқтаи назаридан қарашларга барҳам берилди. Янги илмий ва бадиий меъёрларга ўтиш бошланди. Мумтоз адабиётга муносабатда диний адабиёт, феодал-клерикал адабиёт, сарой адабиёти дейилган тушунча ва бир миллат адабиётининг реакцион ва прогрессив деб иккига бўлиб ўрганишдек методологик хато назарияларга чек қўйилди. Бадиий асар қимматини, ёзувчи дунёқарашини мафкура нуқтаи назаридан баҳолашдек шўровий ва сиёсий доктриналардан воз кечишди. Бадиий асарни баҳолашнинг бош мезонлари бадиийлик, умуминсоний маънавий-руҳий қадрият, миллий истиқлол идеалларига дахлдорлик бўлиб қолди.

Асарлари зарарли, ўзлари миллатчи деб ноҳақ баҳоланган Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Тавалло, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Мунавварқори сингари миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди ҳолисона ўрганила бошланди. Асарлари чоп этилди, сахна юзини кўрди.

Жадидчилик ҳаракатининг асл моҳиятини, адабий, маданий, сиёсий ҳаётдаги ўрнини рўй-рост кўрсатиш бошланди. Шўро даврида тузумни, коммунистик партияни кўкларга кўтарган, шу йўналишдаги гоёларни улуглаган асарларни танқидий баҳолашга ўтилди. Бир вақтлар диний ва сарой адабиёти вакили деб ноҳақ қораланган Аҳмад Яссавий, Боқиргоний, Ғаззолий, Ҳожа Аҳрор, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳусайн Бойқаро, Феруз сингари буюк шоир ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа қайтарилди. Зарарли фалсафа, коммунистик мафкурага ёт назария деб қаралган тасаввуф шеърини чуқур ўрганила бошлади.

Алишер Навоийнинг юксак инсоний гоёларни диний манбалар асосида ёритувчи «Муножот», «Арбаъин», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳокимлар ҳақида») каби асарлари нашрдан чиқди. Мустақиллик шарофати боис мўътабар Қуръон ва ҳадислар чоп этилди. Истеъдодли олим Ҳамидулла Кароматовнинг «Қуръон ва ўзбек адабиёти» номли китоби нашр этилди. Айтиш мумкинки, бундай асарларнинг халқимиз қўлига етиб бориши бутунлай янги, соғлом, соф миллий гоёлари-мизнинг, мақсад ва интилишларимизнинг сифат даражасини белгилайди. Мазкур тадқиқот ва унга ўхшаган бошқа асарлар миллий истиқлол мафкурасининг тантанасини кўрсатади.

Амир Темур билан алоқадор орзуларнинг юзага чиқиши мустақилликнинг улкан тантанасидир. Бу йўналишда А. Ҳайитматовнинг «Амир Темур ва ўзбек адабиёти» асари чоп этилди. Б.Валихўжаевнинг Ҳожа Аҳрор ва унинг муҳити билан боғлиқ бир қанча тадқиқотлари яратилди. Атоқли олим Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур», Т. Маликнинг «Шайтанат» романлари, Э. Вохилов. О. Матчон. О. Ҳожиева. Х. Султонов, А. Суюн, Й. Эшбек, Х. Дўстмуҳаммад, Ш. Салимова сингари шоир ва адиб-

ларни бадий баркамол, гоъвий етук асарлари туфайли ўзбек миллий истиқлол адабиёти шаклланди. Хусусан, А. Ориповнинг «Соҳибқирон», М. Жалилнинг «Соҳибқирон Темур» драмалари дунёга келди, булар янги давр адабиётининг нодир намуналари бўлиши билан бирга, янги ҳаёт, янги турмуш тарзи ва истиқболга янги қарашнинг шаклланаётганидан, миллион-миллион халқимизни истиқлолдек буюк неъматдан баҳраманд этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Давлат ва халқ олдидаги гоъят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ҳамда миллий истиқлол гоъяларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий нишон «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

Воҳидов Эркин — Ўзбекистон халқ шоири

Исматова Мавлюда — Ўзбекистон республикаси халқ ўқитувчиси, Юнусобод тумани 273-урта мактаб директори, Тошкент шаҳри

Раҳматова Мартия Аҳмедовна — «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти 1-йигирув-тўқув фабрикасининг йигирувчиси, Бухоро вилояти

Саид Аҳмад (Хусанхўжаев Саид Аҳмад) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Умаров Улуғбек Юнусович — Фаргона автомобиль йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармасининг автоскрепер ҳайдовчиси, Фаргона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. Каримов

Тошкент шаҳри,
1999 йил 25 август.

Мустақиллик даври ўзбек адабиётшунослиги олдидаги муҳим вазифаларни ҳал этишда, турли йўналишларда Беғали Қосимов, Озод Шарафиддинов, Наим Каримов, Эрик Каримов, Аҳмад Алиев, Иброҳим Ҳаққулов, Илҳом Ғаниев, Шерали Турдиев, Ҳамидулла Болтабоев, Раҳим Воҳид, Баҳодир Каримов сингари мутахассислар «Чўлпоннинг бадий олами», «Ясавий ким эди?», «Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари» каби тўпламларни чоп этишди. Файбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Ботир Валихўжаевларнинг қатор китоблари, И.Ҳаққуловнинг «Тасаввуф ва шеърият», Н.Каримовнинг

«Чўлпон», Б.Қосимовнинг «Маслакдошлар» (Бехбудий, Ажзий, Фитрат), И.Ганиевнинг «Фитратшунослик» ва О.Шарафиддиновнинг «Чўлпонни англаш» каби мақола ва талқиқотлари миллий истиқлолнинг меваларидир.

Мустақиллик даври адабиёти айни жамият янгиланаётган, ҳаёт янгича мазмун касб этаётган бир пайтда озод сўз, фикр ва озод инсон тақдири билан боғлиқ бўлган мураккаб ҳодисани қамраб олди. Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида Президент девонига келаётган хатларнинг аксариятида фуқаролар ўз фикр-мулоҳазаларини шеър орқали ифодалаяптилар. Албатта, бу адабиётнинг ҳақиқий мазмунини белгиламайди. Бироқ, мустақиллик, фуқаро ва адабиёт муштарак бўлаётганидан, одамлар адабиётга яқинлашаётганидан далолат беради.

Бадиий публицистика давримизнинг энг ҳозиржавоб жанрларидан бирига айланди. Янгиланаётган ҳаёт жараёнлари, ислохотларнинг ривожланиш босқичлари ва улар орқали янгиланаётган инсон, янгиланаётган жамият қадриятлари мумкин қадар кенгроқ қамраб олинди ва ўз вақтида муносабат билдирадиган жанр сифатида публицистика ўзининг имкониятларини кўрсата билди.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ шоирлари Муҳаммад Юсуф, Ҳабиб Садъулла ижодлари айни мустақиллик даврининг мазмуни орқали ўзининг янги имкониятларини кўрсатди. Омон Мухторнинг «Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам» ва «Тепаликдаги хароба» романларидан иборат «Тўрт томон қибла» номли трилогияси, Барот Бойқобуловнинг қарийиб уч минг йиллик тарихимизни мустақиллик эволюцияси орқали ифодаланган «Ўзбекнома» шеърый романи бугунги кун адабиётининг мевасидир.

Мавзуга доир энг муҳим материаллар

Президент И.Каримов нутқлари

Эхтиром

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унутилмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.

Биз яшаб турган шу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улуғ бобокалонимиз Амир Темуր ҳайкалини очиш маросимига йиғилдик.

Бугун Шарқда тенги йуқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди.

Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқи-

миз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди.

Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора буюк билан учирилди, унутишга маҳқум этилди. Мақсад, халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий гурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳаммаша юрагида, қалб турида сақлади.

Мухаммад Тарагай Баҳодир ўгли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довюрак, гурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-поқ бўлиб етишди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксаликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрғазган чексиз меҳр-муруввати, айниқса, ибратлидир.

Кўҳна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.

Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зурлик, зуравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улуг бобокалонимиз ҳайкалида теран рамз бор — гўёки жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга чўзиб жаҳон халқларига омонлик соғинмоқда, «Куч—адолатдадир!» демоқда.

Донишманд аждодимизнинг мазкур сўзларини мана шу муҳташам ёдгорлик пойига зарҳал ҳарфлар билан битар эканмиз, замонлар тажрибасидан ўтган бу бебаҳо хикматнинг қалбларимизда доимо акс садо бериб туришини орзу қиламиз.

Азиз юртдошларим!

Бугун — ўзбек халқи тарихида улуг кун. Ўзбекистон мустақиллигига, муборак истиқлолимизга икки йил тўлди.

Ҳаммангизни — кексаю ёшни, бугун Ўзбекистон аҳлини шу буюк сана билан чин қалбдан, ҳар бирингизни алоҳида бағримга босиб қўтламоққа ижозат бергайсиз!

Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соғиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган аждодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Аждодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлайлик.

Истиқлол муборак, азиз ватандошлар! Озодлигимиз абадий бўлсин!

Муҳтарам дўстлар!

Икки йиллик истиқлол даврида жонажон диёримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бағишламоқда.

Буюк айём арафасида Темур бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир.

Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-этиқод, миллий гурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуг бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва гурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танги, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

Барчамизга шу йўлда Аллоҳ мададкор бўлгай!

*Тошкент шаҳрида соҳибқирон
Амир Темур ҳайкалининг
очилишига бағишланган
тантанана сўзланган нутқ,
1993 йил 31 август*

Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин

Муҳтарам Федерико Майор жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудини 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталигини ўтказишга эътибори ва мадади учун ЮНЕСКО раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдиришга руҳсат этгайсизлар.

XIV асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда — Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўриниб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий гузаллик шаҳрида бошланаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бугун очилаётган ва Амир Темур ҳамда темурийлар даврининг улугвор маданий ютуқларига асосланган кўргазма ўтмиш даврлардаги бебаҳо ёдгорликлар, Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқ ижодиёти намуналари билан танитиш учун ажойиб имкониятдир.

Тарихда «**Турани**», «**Туркистон**» ва «**Мовароуннаҳр**» номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистон ҳудудида минглаб йил-

лар давомида юсак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.

Ўзбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан буюн турли қарвон йўллари, дунёнинг турли томонларидан келадиган савдо-сотик, инсоний алоқалар йўллари ва албатта — халқаро алоқалар: иқтисодий алмашув, хунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қон томири бўлган Буюк ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

Қадимги **Сўғд, Хоразм, Бактрия, Кушон, Парфия, Эфталитлар** подшоликлари жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва меъморларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешигидир.

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан фахрланади.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хева, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари **Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Бобур** асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки булиб қолди.

Хонимлар ва жаноблар!

Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайди.

Утган йиллар ёш республика учун янги давлатчиликнинг қарор топиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётининг шаклланиши йиллари бўлди.

Энг муҳими — бу маънавият манбаларига, миллий илдизларимизга қайтиш, тарихий хотирани, маданият ва маънавиятни қайта тиклаш йиллари бўлди.

Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа Гарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди.

Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик урнатилиб, унга **«Европанинг халоскорига»** деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди.

Маърифатли **Мовароуннаҳр руҳи**, теурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнида ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кумаклашганини англаб фахрланамиз.

«Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир», деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, оғоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона журофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қан-

дай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий муроасага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.

Буюк стратегик, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислохотчиси, савдо-сотик, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган **Амир Тему́р «Қонунлар ва урф-одатларга асосланган» давлатни барпо этди.**

ЮНЕСКО қароргоҳидаги ушбу кўргазма Амир Тему́рнинг **«Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!»** деган машҳур сўзларини яққол тасдиқламоқда.

Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг кўшган улушини Ўзбекистон юксак даражада қадрлайди.

Бу Ўзбекистон учун, айниқса, қимматлидир. Ўзбекистонда, маълумки, машҳур совет даврида кўплаб маданият ёдгорликлари бузиб юборилган, ер билан яқсон қилинган эди.

Шу сабабли биз амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрлаймиз.

Қуриқхона мажмуаларидаги таъмирлаш ишларида, мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини барпо этишда катта ёрдам кўрсатилмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКОдаги кўргазма ҳаммангиз учун Ўзбекистонга, Амир Тему́р Ватанига боришга ўзига хос таклифномадир.

Ишончим комилки, меъморчилик ёдгорликлари, қадимги кулёзмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улугворлиги ва бадий шаклларнинг пухталиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлик билан завқ бағишлайди.

Улар ақл-идрокни юксакликка кўтаради ва ҳозирги инсон Фарбдами ёки Шарқдами — қаерда яшамасин, унинг қалбига етиб боради.

Кўз олдингизда очилган кўргазма маънавий ва маданий қадриятлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган, ҳамжиҳатликка эришишда ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойлик эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Тему́р замонасида яққол намоён бўлган бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бугун бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилаверсин.

Қадим-қадим замонларда вужудга келган Буюк ипак йўли яшайверсин, қайта тикланиб, Шарқ билан Фарб ҳамжиҳатлигига, тинч ва бунёдкорлик алоқаларига хизмат қилаверсин.

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Франциянинг таниқли олими, профессор Ли́сьен Керэн Амир Тему́р ҳаёти ва феолиятини, тему́рийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар давомида

самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлилиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти — «Шўхрат» медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*ЮНЕСКО қароргоҳидаги
«Темурийлар даврида илм-фан,
маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши»
курғазмасининг очилиш
маросимида сўзланган нутқ,
1996 йил 24 апрель,
Париж*

Халқимиз бор экан, Амир Темури номи барҳаётдир

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли оқсоқоллар, мухтарам уламолар!

Бугунги муборак жума тонгида Аллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз — ҳазрати Амир Темури руҳини шод қилиб, у зот таваллудининг табаррук 600 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас ислом динимиз буюрган бир фарзани — ўтган аждодларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуг Амир Темури номи билан аталувчи гузал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган мухташам кошонанинг очилиши маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми Қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — кўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қўтлуг айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилакларимиз тангримиз даргоҳида қабул бўлғусидир.

Чунки улуг боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак, юртимизга файз, қўт-барака ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлғай, иншооллоҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврў қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуг зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул мухтарам инсон соҳибқирон Амир Темури ҳазратларидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темури шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳ ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб со-

ҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини ҳаёл кўзгусидан ўтказиб, **буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.**

Умрининг мазмунини **«Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат»** деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуг фарзандидир.

Муҳтарам жамоат!

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!

Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз, гурур-ифтихоримиздир.

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Азиз дустлар!

Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кутарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва Соҳибқирон қурган бепоян салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.

У беназир зотнинг усмирлик йиллари мўғул истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт тарихий номини ҳам йўқотиб, мустамлака улқасига — Чигатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон қилинган, сўғориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноксиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини қуритган эди.

Бу каби чексиз адолатсизликдан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз айниқса чуқур ҳис этамиз. Чунки орадан олти аср ўтиб, худди шундай қургуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истиқлолчиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминидан илк бор истиқлол байрогини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.

Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланди.

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Жаннатмакон бобомиз қадим Шошга алоҳида эътибор билан қараган. Шу заминда ўтган Шайх Зайниддин бобо, Замиғота сингари кўлаб мўътабар эстларнинг макбараларини обод қилиб уларнинг руҳларини шод этган.

Олти юз йилдан сунг биз — Амир Темурнинг бугунги ворислари соҳибқироннинг табаррук номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва шарафли ишга қул уриб, шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида бобокалонимизга ҳайкал ўрнатдик.

Бугун зур шодиёна билан очилаётган темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.

Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гузал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбиҳ ёки муболага эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг утмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

Кимки, Ўзбек номини, ўзбек миллатини куч-қудратини, адолат-парварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига кўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг номимиздан, эл-юртимиз номидан шу олий иморатни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Амир Темурнинг башарият олдидаги улмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсида кенг нишонланаётган ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир.

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот насиб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томиримизда Амир Темур шижоати жўш ураётганини уйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси — Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Соҳибқирон бобомизнинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик гоялари билан табиий ва гузал бир равишда уйғунлашиб кетган. У ҳатто умрининг сунгги онларида ҳам зурриёдларига қарата **«Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз»** деб васият қилган.

Чуқурроқ уйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун — буюк соҳибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган.

Ҳамиша эл гамини, юрт гамини уйлаб яшаган соҳибқирон ёвлар остида топталган улкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинлар, азиз дўстлар, барчамиз якдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг: **«Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин»** деган доно ўғитлари доимий шиоримиз бўлсин!

Муҳтарам жамоат!

Бугунги маросим ҳам ҳадемай тарих мулки бўлиб қолади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, аммо Худонинг марҳамати билан, адолат билан тикланган улуғ аждодларимизнинг табарруқ номлари абадий яшайди.

Шу боис менинг иймоним комилки:

Соҳибқирон даҳоси йўлчи юлдуз каби чарақлаб, бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлайди!

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!

Илоҳим, ҳазрати Амир Темур эъзозлаган гоёлар — шижоат ва мардлик, адолат ва қатъият ҳар биримизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда тангримизнинг ўзи мададкор бўлсин!

Темурийлар тарихи Давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1996 йил 18 октябрь

Азалий буюклик маскани

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли самарқандлик биродарлар!

Аввало, бугунги файзли ва тарихий бир кунда шаҳри азим Самарқандга, барча вилоят аҳлига беқиёс ҳурматимни, фарзандлик меҳримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Аждодларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этиш халқимизнинг азалий удумидир. Бу муқаддас анъана авлодларни эзгуликка, ўтганлар олдидаги ворислик бурчини адо этишга чорлайди.

Бугун сиз билан ана шундай қутлуг дақиқаларда учрашиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, иймон-эътиқодли фахрийларимизга, Самарқанд аҳлига, улуғ бобокалонимиз Амир Темур арвоҳини шод этиш учун йигилган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довругини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.

Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугунги саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг ана шу оламшумул шухратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига беқиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурдир.

XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли ҳаробаликка юз тутган калъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Уша замонда юртимизга келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик

беришича, Самарқанд шундай ҳувиллаб ётардики, аввалги аҳолисининг чорак қисми қолган, меъморий обидалар вайронага айланган, ариқлар кумилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди.

Соҳибқирон бобомиз ана шундай мураккаб бир даврда тахт тепасига келди.

У Самарқанднинг гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этди.

Бобокалонимиз Самарқандни жаҳондаги энг катта ва қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз касб этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган эди. Бу эзгу ният Самарқанд кифёсида ўз ифодасини топди.

Ҳазрати Темур бутун дунёдан ва ўз юртимиздан моҳир меъморларни, қўли гул хунурмандларни ўз пойтахтини барпо этишга жалб қилди, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди. Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ижодларига илҳом бағишлаб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий муъжизаларни бунёд қилдирди.

Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонупар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди.

Бугун биз Амир Темур бобомиз буюк бунёдкорлик режаларини ноёб обидаларда бекамукуст мужассам этиб, Самарқандни ер юзининг муъжизасига айлантирган Бадриддин ибн Шамсиддин уста Али Насафий, Олим Насафий, Мавлоно Убайдуллоҳ, Пирмуҳаммад Боғишамолий, Мавлоно Жунайс сингари юзлаб-минглаб меъмору муҳандис аждодларимизни, хунарманд усталаримизни ҳам эслаб, уларнинг санъатига тасаннолар айтмиз.

Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шаҳри азим Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди.

Бу олий унвон шунчаки айтилган чиройли гап эмас. Темурийлар салтанатининг маркази, темурийлар қудратининг тимсоли бўлмиш бу табаррук маскан оламнинг етти иқлимида маълуму машҳур бўлди.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиз-азиз авлиёларнинг хоки пойларини зиёрат қилишни ўзлари учун улуг шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илмталаб, маърифатталаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуг дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намоядаларининг изланишлари соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир. Буларнинг барчаси Самарқанднинг шухратига шухрат қўшяпти, десак, асло муболага бўлмайди.

Самарқанд нафақат муқаддас обидалари ва бетакрор тарихий муъжизалари, балки замонавий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги — бағри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машҳур.

Азиз биродарлар!

Бугун Амир Темур туйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, теуурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, кудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустахкамлаш демакдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Самарқанд — азалий буюк ва даҳолик кудрати мужассам бўлган, Аллоҳ назари тушган маскан. Унинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига кўшган катта ҳиссаси, сиз муҳтарам шаҳар аҳлининг кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаб келаётганингиз ва мустақил Ўзбекистон шон-шавкати оширишдаги гоят катта хизматларингиз учун Самарқанд шахри «Амир Темур ордени билан тақдирланган эди.

Бугун мен учун шарафли вазифани адо этиш — қадрдон ва азиз шахримиз байроғига ана шу ордени қадаб қўйиш насиб этди.

Бу қувончли воқеа Амир Темур бобомизнинг муборак таваллуд кунларини нишонлаш пайтида, у зотнинг муҳташам ҳайкали файз бағишлаб турган шу гўзал майдонда содир бўлмоқда. Бу албатта, теран маъно ва мазмунга эга.

Қадрли Самарқанд аҳли!

Ана шу олий мукофот билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этаман!

Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси Самарқанд осмонида юлдуз каби нур сочаверсин!

Миллатимизнинг фахру ифтихори булмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам, она Ўзбекистонимиз ҳам дунё тургунча турсин!

Буюк Амир Темур ва азиз аждодларимизнинг руҳи поклари бизни қўллаб-қувватласин, юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизга фаровонлик ва бахту саодат ато этсин!

*Самарқанд шаҳрида
Амир Темур ҳайкалининг очилиш
маросимида сузланган
нутқ, 1996 йил 18 октябрь*

Соҳибқирон камолга етган юрт

Ассалому-алайкум азиз ватандошлар!

Муҳтарам дустлар!

Бугун Темурбоб бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танги, ҳалол ва шижоатли, орияти баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб, авва-

ламбор гузал Шахрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шахрисабз замини гоят қутлуг маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Голиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донгини таратган зот, шубҳасиз, соҳибқирон Амир Тему́р бобомиздир.

Ҳазрати Амир Тему́рнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуг аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром курсатишни уларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

Амир Тему́рдай улуг зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон дёирини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу муътабар юртдан бошланган.

Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Тему́р ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзандларининг ҳам хоки поклари билан муқаррам бўлган. Буюк бобомизнинг тунгич ўгли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйқуда ётибди.

Ҳазрати Тему́р ўз олдига улугвор мақсадларни кўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадам-жоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

Ҳурматли биродарлар!

Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуг зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари булади. Бугун Шарқ оламида «Илму адаб куббаси» дея эътироф этилган Шахрисабз ҳазрат Амир Тему́р учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз соҳибқирон бобомизнинг қутлуг тўйини ўтказаётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз.

Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртининг фарзандлари, Тему́рбекнинг набиралари ўз қалбларида улуг бобосига хос гузал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Тему́рдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, гурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шахрисабзда бевосита соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлан-тирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам «илмий тадқиқотлар» ниқоби остида талон-торож этилди, топталди.

Лекин халқимиз улуг аждодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамиша юрагида сақлади.

Қадрли Шаҳрисабз аҳли!

Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва муътабар ёдгорлигидир. Бу улуг бино ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлганини яхши биласиз. Соҳибқироннинг улугвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор.

Жаннатмакон Амир Темур бобомиз бу қошона пештоқиға шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларга маълум: **«Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин».**

Бу кўна дунёда жахонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул булган. У муборак зот айтганларки: **«Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт кўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим».**

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: **«Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етказмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».**

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

Муҳтарам дўстлар!

Карами улуг Аллоҳ халқимизга, Ватанимизга шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизга Амир Темурдек буюк соҳибқиронни берибди. Бунинг учун яратганга ҳар қанча шуқурона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолғусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, **кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келахакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.**

Бугунги қутлуг кунда Амир Темур бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур ҳилпираётган мустақиллигимиз байроги остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуг шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб, Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланган эди.

Бугунги шу юксак мукофотни сизларга топширишдан ниҳоятда хурсандман.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Буюк соҳибқироннинг муътабар номи билан аталувчи орден сизларга муборак бўлсин!

Бу олий нишон улуғ бобомизни вояга етказган муътабар бешикка тумор бўлсин!

Илоё, ҳаммамизни соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!

Шаҳрисабз шаҳрида

Амир Темур ҳайкаlining

очилиш маросимида сўзланган

нутқ, 1996 йил 18 октябрь

Адолат ва қудрат тимсоли

Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуд тўйи мамлакатимизда зур шоду хуррамлик билан давом этмоқда. 1996 йил 18 октябрь куни Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида улуғ бобомизнинг муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Бундан уч йил муқаддам гузал Тошкент марказида ҳазрати Темурнинг улугвор суворий ҳайкали ўрнатилган эди.

Эндиликда бир-бири билан узвий боғлиқ уч муаззам бадийий обида шавкатли аждодимизнинг адолат ва қудрат рамзи бўлган беназир сиймосини яхлит ҳолда тасаввур этиш имконини беради.

Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тантаналар чоғида Соҳибқирон тимсолини мужассам этган ҳайкаллар маросимга йирилган жамоат, узоқ-яқин мамлакатлардан келган меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳаяжонига сабаб бўлди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири Президент Ислоҳ Каримовдан Амир Темур образининг мазкур бадийий талқинлари ҳақидаги таассуротларини сўради. Юртбошимиз мухбирнинг саволига кўтаринки кайфият билан жавоб бериб, жумладан бундай деди:

— Аввало, бу ҳайкалларга Амир Темурнинг салобатли ва улугвор қиёфаси муносиб тарзда яратилган, деб айтсак, муболага бўлмайди. Шахсан мен Соҳибқирон бобомизнинг сиймосига боқар эканман, вужудимни ички бир ҳаяжон чулғайди. Диққат билан қарасангиз, ҳазрати Темурнинг нуроний, шижоатли қиёфасида у зотнинг бу дунёга келиб қилган ишларидан, кезган йўлларидан, суронли ўтган умридан, тузган беқиёс давлатидан мамнунлик ифодасини ўқиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, Самарқанддаги ёдгорликда Амир Темур буюк салтанат тахтида султонлар султонига мос виқор ва салобат билан ўтирибди. Соҳибқироннинг қадди-қомати ҳам, савлати, чеҳраси ҳам унинг тоза наслнасабидан, тангри ёрлақанган улуғ зот эканидан далолат беради.

Амир Темур ҳайкалларида эътиборга молик яна бир маъно ўз ифодасини топган. Соҳибқироннинг шафқат ва айни пайтда қатъият билан боқувчи нигоҳи унинг бепоён салтанатини қамраб олгандек, бу улкан ҳудуддаги барча халқлар ва элатларнинг аҳвол-руҳиясидан огоҳ бўлиб тургандек таассурот қолдиради. Гуёки бобокалонимиз: **«Мен бор эканман, ме-**

нинг руҳим барҳаёт экан, эл-улусда омонлик ва фаровонлик мудом барқарор бўлгай, менким Амир Темур — тинчлик ва осойишталик кәфилиман», деб тургандек.

Менинг назаримда, Соҳибқироннинг бу ҳайкаллари нафақат бадиий, балки катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга. Амир Темур бобомизнинг бемисл шижоат, азму қарор ва ўқтамлик фазилатлари намойн булган қиёфаси ёшларимизни, келажак авлодимизни буюк марраларга, эзгу, савобли ишларга руҳлантириши ва сафарбар этишига ишонаман.

Бу гўзал ва улугвор обидаларни зиёрат қилганда гўёки Соҳибқироннинг дил садоси юракларимизда акс-садо бераётгандек туюлади. «Авлодларим, унутманг: бизнинг номимизни топташга уринганлар, бизнинг миллатимизни, халқимизни камситмоқчи булганлар бугун завол топдилар, аксинча, кимки, бизнинг шаъну шавкатимизни, ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларимизни ёд этган бўлса, уларга Аллоҳнинг марҳамати ва зафарлар ёр бўлди ва ҳамиша ёр бўлгусидир. Зеро, бизнинг йўлимиз — адолат ва озодлик йўлидир, диёнат ва ҳақиқат — бизнинг дастуриимиздир».

Бу сўзлар, ҳар биримизни Соҳибқиронга муносиб зурриёдлар бўлишга даъват этади.

Чиндан ҳам, Амир Темурнинг юртимизда мағрур қад ростлаб турган улугвор ҳайкаллари, халқимизнинг асрий орзулари, пок ва муқаддас ниятлари ушалганидан, дуои фотиҳалари ижобат бўлганидан яна бир далолат беради.

1996 йил, 18 октябрь

Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз

Хонимлар ва жаноблар!

Конференциянинг муҳтарам иштирокчилари!

Азиз дўстлар!

Барчангизни ўзбек заминида қутлашга ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналардаги иштирокингиз учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Халқимиз номидан Темур ва темурийлар даврига юксак эҳтиром кўрсатётган барча давлат ва жамоат арбобларига, олимларга, санъат ва маданият намояндаларига, хориждаги юртдошларимизга самимий миннатдорчилик билдираимиз.

Қадрли конференция қатнашчилари!

Мен бугун Амир Темур даври ва бу буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида баъзи фикрларимни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Аввалам бор шуни таъкидлашимиз керакки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келадди ва ул зотларнинг фазилат — хусусиятларини намойн қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам Амир Темур шахси ва фаолияти ҳақида гапирар



К. ИМБИ ОДИЛИЙ — ИЛОН РАЙИТИ КАГАНИ



Аҳмад Ал-Фарғоний мажмуаси лойиҳаси
муҳокама этилмоқда.



Янги лойиҳалар, қурилишлар...



Тошкентдаги Хотира майдони мўқаддас қадимжо.



Кутубна баҳор келса.




Сумрак сайи.




Наврӯз — орзулар, умидлар, севинчлар мавриди.



Кариайи ханоси, доира ситоси, тораклар кирои .
.Ахунд бешқўлоли .
.Абдул ҲАМЗОҚ, 14



Кўҳта Бухорода улкан шодиёна. Шаҳарнинг 2500 йилли



риҳни тикланиш янги саҳифаси бўлди.



Аждодлар руҳи мададкор бўлсин. Самарқанддаги
Амир Темур ҳайкали



Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида. Соҳибқирон ҳайкали.



Термиз. А.шомишга қўйилган эслоҳ. www.ziyouz.com kutubxonasi





Куба. Улуғ адилома ал-Фарғонийга қўйилган ёдгорлик.



Муқддас шажара. Устоз ва шогирт. Ота ва фарзат ноёб мактаб воридлари.



Зардулик қадимги анъана, миллий қиёфа,
маънавий қураш



Уламолар билан мутоқоф



Бувоқ муҳаллиси Имом ал-Бухорини ёд оқитиқ мажмуи

эканмиз, дастлаб шу даврдаги, шу асрдаги тарихий вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам қуйганда эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бош-бошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарама-қаршилиги авжга чиққанди. Бу ҳам камдек асосий қудрати тарихий Мўғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зуғум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу муддат қарамлик жафосини ҳар томонлама чекиб келган оддий фуқаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун ниҳоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараққиётга булган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

Иккинчи хулоса аслида биринчи фикрнинг мантикий давомидир. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон замининда тасодифан пайдо булган десак, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тусатдан пайдо булмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор.

Ал-Хоразмий, Улугбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб-юзлаб даҳоларимиз ҳам тусатдан, яйдоқ бир жойда пайдо булгани йўқ. Улар мана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо булган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиклантириш керак. Тупроқни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнггина дарахт экиш керак.

Яъни, мен бу билан демоқчиманки, бу замин — қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озикланган, маданий қатламга эга булган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб айтаман: юртимизга Амир Темур бош булган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бум-бўш, ҳуввиллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий аънаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман теурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки беҳосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк аънана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

Учинчи мулоҳаза ҳам билдирган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қушган ҳиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меросини, уларнинг табарруқ номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрғанишига замин ва шароит тўғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европаликлар кейинчалик «Алгебра» деб атаган фанга асос солган буюк ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг;

Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлик,

яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб, илмий асослаб берган қомусий билим соҳибни Абу Райҳон Берунийнинг;

«Тиб қонунлари» номли машҳур асарининг ўзидек латин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан Европа тиббиёт институтларида қўлланма сифатида ўқитиладиган улуг аждодимиз Ибн Сино каби қўллаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонида қайтадан ва чуқурроқ таънишган, деб айтсак, менимча муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида тайёр бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзга ҳаётбахш маънавий озуқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртининг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тўртинчи фикр. Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуг давлатчилик, улуг миллатчилик гояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ Совет иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан бир ёқлама баҳо берилди. Бу гоя ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган 250 миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва гайри илмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бешинчи фикр. Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуг аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда — АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар — яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз биламиз. Айтинглар, азиз дўстлар, бундан ҳам ортиқроқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустахлак зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишга бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бугун дунёнинг қарийб 50 мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги мўътабар санага бевосита ҳомийлик қилаётгани ҳам, бизнинг фикримизча, гоят адолатли бир иш бўлди.

Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар соли Сербия тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқини ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб сизларга ва сизлар орқали Амир Темурга иззат-икром кўрсатган барча инсонларга, сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улуғ аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман.

Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узоқ ва яқин қўшни давлатларнинг вакиллариغا ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, сизларнинг китобларингизни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак.

Ишончим комилки, сизлар ва сизлардан олдин ўтган темуршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати бугун биз учун энг катта бойлиқдир.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак?

Буюк аждодимизнинг қайси фазилатлари биз учун азият?

Биринчидан, Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтаи назарга қаршиман. Агар бу давлат фақатгина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узоқ давр туюлмади.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган, десак, адолатдан бўлади.

Унинг «**Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим**», деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Иккинчидан, Амир Темур бундан 600 йил аввалоқ ҳеч қандай давлатнинг қўшилари билан узаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда, **ҳамкорликсиз** истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англа-

ган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: **«Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни сизнинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро дунё савдо ахли ила обод бўлажак».**

Қаранг, қандай оддий ва аниқ фикр: **дунё савдо ахли ила обод бўлажак!** Демак, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий-савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош гоя бўлиб хизмат қилган.

XXI аср бўсагасида сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий-савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир:

...Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб интизом ўрнатдим».

Учинчидан, Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам бекиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қальалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саногии йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибихоним жоме масжиди, Гури Амир ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳи Зиндадаги меъморий муъжизалар, Боги Чинор, Боги Дилқушо, Боги Беҳишт, Боги Баланд сингари ўнлаб гузал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг буюк тимсолларидир.

Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур **«Ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».**

Тарих бу кўҳна дунёда утган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг «**Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт кўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим**», деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида Соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Кобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, сўғориш иншоотларини қурдирган.

Шу маънода мен буюк бобомиздан қолган ҳар бир тарихий ёдгорликни, у қаерда жойлашган бўлмасин, халқларни бир-бирига боғлаб турувчи беқиёс восита, деб биламан.

Бир уйлаб курайлик. Аҳмад Яссавий мақбараси қурилганига олти аср бўлди. Шу вақт ичида бу маскан дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб-миллионлаб зиёратчиларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмоқда.

«**Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг**», деганда Амир Темур, энг аввало, ўз халқига келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янгилишмаган бўламиз.

Тўртинчидан, ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган Соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин, Амир Темур энг аввало ўша ерлик олиму фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қураар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморчилик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат Соҳибқироннинг авлодлари — айниқса, Мирзо Улугбекка утгани — шубҳасиз. Мирзо Улугбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У Улугбекдаги ноёб истеъдодни бошдан оқ пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Бешинчидан, Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп уйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган.

Тарихда ҳукмдорлар кўп утган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат гамида ёнган, унинг истиқболи ва истиқлоли йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир.

Унинг инсоний фазилатларига бир ёрқин мисол: 1404 йилда Бибиҳоним жомеъ масжиди қурилишини ниҳоясига етказаетганида унинг умридан бир йил қолган эди, холос.

Кексайиб қолган бир одамга, ўзи аввал барпо этган ўнлаб ва юзлаб иншоотлар ёнига яна бир бинони қўшиш шарт эдими? Унинг шону шуҳрати шусиз ҳам етарли эди-ку?

Бу мисол ҳам Амир Темурнинг доимо узоқ келажакни, авлодлари иқболни ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улугвор режалар ва гоёлар уни асло тарк этмаганидан далолат беради.

Олтинчидан, Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, иймон керак, ишонч керак. У ўз «Тузуқлари»да шундай дейди: **«ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим»**.

Амир Темурнинг Куръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, иймонунини диёнати қанчалар пок ва мукамал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тарбиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра, бу — мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, **давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак**. Бу гоё бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди.

Шу билан бирга халқ дунё қараши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда мутаносиб тус олди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур Соҳибқирон ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган:

Мен шундан таскин топаманки, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб турунлар, қатъиятли ва мардонавор бўлинлар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингиздаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинлар...

Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осудалик Турон заминда узоқ вақт сақланади.

Агарда узаро низолаарга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. **Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди»**.

Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврнинг нафаси сезилиб тургандек. Улуг бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бирликка чорламоқда. Узаро низо адоватлардан холи бўлинлар, деб, инсоф, шафқат ва ҳалолликка ундамоқда.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Сизларда шундай бир савол туғилиши мумкин: нима учун бугун Ўзбе-

кистонда Амир Темур сиймосига бундай юксак эҳтиром, иззат-икром кўрсатилмоқда?

Албатта, бунинг сабаблари бор.

Агарки дарахтнинг илдизи қанчалар чуқур бўлса, у шунчалик баланд, бақувват, осмонўпар бўлади. Ёки замонавий тил билан айтадиган бўлсак, бино қанчалик баланд бўлса, унинг пойдеворини ҳам шунчалик чуқур ва мустаҳкам қуриш керак.

Биз бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Ўйлайманки, бизнинг бу борадаги принципларимиз — беш тамойилимиз ҳақида бу залда утирган кўпчиликнинг хабари бор. Бинобарин, уларни такрорлаб утиришнинг зарурати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман:

— **биринчидан**, биз ўз миллатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб;

— **иккинчидан**, тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умум-башарий ақидаларга таяниб, мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмақчимиз.

Хулоса шуки, бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуг сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, фан ва ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳам-оҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга кўл келаётган экан, бизнинг бу меросни урганмасдан, таърифламасдан, тар-гибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бутун Ўзбекистон халқига, қолаверса, бутун жаҳон аҳлига қарата: «Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, гуруримиз!», деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўламан.

Хонимлар ва жаноблар!

Замонамизнинг кўпгина долзарб муаммолари инсониятнинг ўтмишдаги тажрибасини чуқурроқ тушунишни тақозо этади. Худди шу нарсани бугунги конференциямизнинг муҳим вазифа ва мақсадларидан бири деб билмоқ керак.

Ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрли тарихи ҳам ана шундай тажриба манбаидир.

Ишончим комилки, сизнинг маъруза ва ахборотларингиз, конференция давомида бўлажак баҳс ва мунозаралар Амир Темур ва темурийлар даври сабоқларини чуқурроқ англаб етишга, бугунги кун олдимизга қўяётган долзарб саволларга жавоб излашга салмоқли ҳисса қўшади.

Конференция ишига муваффақият, барчангизга саломатлик ва бахту саодат тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Амир Темур таваллудининг
660 йиллигига бағишланган
халқаро илмий конференциядаги
маъруза, 1996 йил 24 октябрь.*

Бухоро шахрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ.

Ассалому алайкум, мухтарам ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Узоқ-яқиндан ташриф буюрган қадрли меҳмонлар!

Бугун Ўзбекистон ҳаётида буюк бир сана — шону шавкати етти оламин тутган, қадимий ва ҳамиша навқирон Бухорои шарифнинг 2500 йиллик қутлуг тўйини нишонламоқдамиз.

Мана шу тарихий воқеа билан сиз — бугунги тантана иштирокчиларини, Бухоро аҳлини, сиз орқали бутун халқимизни муборакбод этишга руҳсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантаналарда қатнашаётган БМТ, ЮНЕСКО вакилларига, хорижий давлатлар элчилари ва вакилларига сизнинг номингиздан чуқур ҳурмат ва эҳтиромимизни билдирмоқчиман.

Бухоро улкамизнинг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётга улкан ҳисса қўшиб келётган, шарифлик номига сазовор бўлган муқаддас жойларидан биридир.

Бухоро «**қуббатул ислом**», яъни «**ислом динининг гўмбази**» ва буюк уламолар сўзи билан айтганда, «**қуввати дини ислом**» деб тан олиниси ҳам Бухоронинг жаҳонда, бугунги Шарқ минтақасида мусулмон дунёсининг мўътабар марказларидан бири бўлишидан эътирофдир.

Бухоро тарихига назар ташлар эканмиз, миллатимизнинг йигирма беш асрлик йўлини кўрамиз.

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йулидан дарак беради.

Х асрнинг машҳур тарихчиси, асли бухоролик **Абу Бакр Муҳаммад Наршахий** нақл қилишича, Бухорога туркий қабилалар асос солган бўлиб, бу ерда «**сув ва дарахтлар, ов қилинадиган жониворлар кўп бўлганидан кишиларга хуш келиб, шу ерга жойлашганлар**». Наршахий шуни ҳам таъкидлайдики, энг қадимги миллий қаҳрамонларимиздан бўлмиш Алп Эртўнга (Афросиёб) ҳам айнан Бухорода дафн этилган.

Бу табаррук тупроққа милоддан олдинги VI асрда эронлик **Кайхусрав**, милоддан аввалги IV асрда юнонистонлик **Искандар Зулқарнайн**, милодий VII асрда араблар, XIII асрда **Чингизхон**, XIX асрда эса рус истилочиларининг таховузлари не-не қулфатлар келтирмади.

Бу азим шаҳар, **Кармана, Бойкент, Вобкент, Шофиркон, Ромитан, Ғиждувон** каби қадимги кентларни ўз барига олган Бухоро воҳасида яшаган эрксевар аждодларимиз ҳар қандай истибдод ва зулмга қарамай, эл-юрт озодлиги йўлида муттасил қаҳрамонона курашиб келдилар.

Ёвуз босқинчиларга ва истилочиларга қарши озодлик байрогини кўтарган **Широк, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Томир хотун (Тўмарис), малика Қабаж хотун** каби аждодларимиз жасорати авлодлар учун ватанпарварлик ва шижоат тимсолидир.

Утган икки ярим минг йил давомида ўзбек давлатчилигини бошқарган қадимий хоразмшоҳлар, кушонлар, эфталитлар, ашиналийлар, сомонийлар, қорахонийлар, ануштегинийлар, теурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар сулолалари тарихимизда, хусусан, Бухоро азимда ўзига яраша ном ва из қолдирдилар.

Бухоро, айниқса, теурийлар замонида гуллаб-яшнади. Жаҳон майдонида энг мўтабар шаҳарлардан бири даражасига кўтарилган Бухоро ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар маркази сифатида ном чиқарди, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд фаолияти айнан шу йилларда кечди.

1417 йили Бухорода Мирзо Улугбек қурдирган мадраса дарвозасига «Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарз фарзидир» деган сузлар ўйиб ёзилганида жудда катта маъно муҳасам. Худди шунингдек, 1433 йили Улугбек томонидан Гиждувонда барпо этилган мадраса не-не авлодларга илму маърифат зиёсини тарқатган.

Бугун ҳам замин узра савлат кўтариб турган меъморчилик обидалари, масжиду мадрасалар, савдо ва ҳунармандлар тимлари, шифохоналар ва хонақоҳлар, ҳовузлар, майдонлар Бухоро бошдан кечирган буюк тарихнинг гувоҳларидир.

Бухоро нафақат юртимиз, балки бутун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган. Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Кулол, Бобои Самосий, Фагнавий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев ва бошқа шу каби буюк зотлар етишиб чиққан, таҳсил олган бу макон бундан буён ҳам илму фан, маърифат ва ижод бешиги бўлиб қолаверади.

Халқимиз буюк аждодларимиз мўтабар номларини, умуминсоний маънавиятга ва умуман башарият ривожига катта ҳисса қўшган, гўзал Бухорони безаб, унга бетакрор нафосат, шакл ва салобат бахш этиб турган иморату иншоотларни, масжиду мақбараларни, мадрасаларни, ислом динининг, Шарқ фалсафасининг ўчмас қадриятларини бугунги авлодларга мерос қилиб қолдирган буюк аждодлар номини абадул-абад сақлайди.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Бу йил Бухоро ва Хива шаҳарлари 2500 йиллик муборак саналарининг Парижда кенг нишонланиши, халқаро анжуман ва кўргазмалар ўтказилиши, бугунги байрам тантаналарида кўплаб хорижлик азиз меҳмонларимиз — олимлар, файласуфлар, тарихчилар ва дин пешволарининг иштирок этиши ўлкамизнинг илмий, меъморий ва маданий меросига халқаро жамоатчиликнинг тобора ошиб бораётган катта қизиқишидан далолат беради.

Тарихини билмаганнинг келажаги йўқ, дейдилар. Бухоронинг бугунги кўтлуг айёми, энг аввало, ўтмишга эҳтиром ва буюк аждодларимиз хотирасига ҳурматимиз намойишидир.

Элим деб, юртим деб, келажагини ўйлаб заҳмат чеккан, Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатимиз равнақи учун умрини бағишлаган, ўзидан обод шаҳару воҳалар, бетакрор гўзал ёдгорликлар қолдирган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, уларни қадрлаш, руҳи покларини шод қилиш, эзгу ишларини давом эттириш биз учун, бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Бухоронинг 2500 йиллиги шу юртда яшаётган ҳар бир фуқарони, жумладан, ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлашга, уни куз қорачигидек авайлаб-асрашга, юрак-юрақдан ифтихор қилишга ўргатади. Ўзимизнинг бой ўтмиш меросимиздан мадад ва ибрат олишга имкон беради. Одамлар қалбида эзгулик туйғуларини уйғотиб, бугунги авлод кимларнинг авлоди, кимларнинг зоти ва ворислари эканини англашга ундайди.

Бу тантаналар биз бугун мустақилликка эришган ягона бир халқ сифатида буюк келажак сари интилаётганимиз шунчаки орзу-ҳавас бўлмай, балки халқимизнинг тарихий салоҳияти, асрлар давомидаги давлатчилиги, маданияти ва қудратидан келиб чиқиб қўйилган аниқ мақсад эканини тасдиқлайди.

Бу масаланинг яна бир томони борки, уни айтиб ўтмасдан бўлмайди деб ўйлайман. Биз бугун истиқлол йўлида, озод ва обод Ватанимизни қуриш йўлида дадил қадам қўяётган дамларда, бизнинг шу интилишларимизни қўролмайдиган, йўлимизни тўсиб олмоқчи бўлган ёвуз кучлар тарихимизни чалғитиб қўрсатишга, ёлгон гапларни кўтарнишга, шу саховатли ерда яшаётган миллат ва элатлар орасига адоват уруғини сепишга ҳара кат қилаётганларнинг туғри баҳосини бермоғимиз даркор. Шунинг учун ҳам тарихий ҳақиқатни билиш, уни муҳрлаш, ёш авлодга ҳолисона етказиш чуқур маънога эга.

Бу шундай ҳақиқатким, баъзи ашаддий миллатчилик йўлига ўтиб олган, ўзгаларни қўролмайдиган, ҳасад билан яшайдиганларнинг кучини қирқади, бошқаларнинг тинчлигини бузиш ниятида осойишта тараққиёт йўлига гов бўладиганларнинг томирини қирқади. Фарзандларимизнинг кўзини ҳақиқатга очиб беради. Ҳақиқий тарих «**Куч — адолатда**» ҳикматининг нақадар туғрилигини исботлайди.

Халқимиз ўтмишининг ажралмас қисми бўлмиш Бухоро тарихи шукҳули ва муборак кунлар билан бир қаторда жуда оғир ва мусибатли дамларга гувоҳ бўлди. Кўплаб босқинларни бошдан кечирди, неча марта вайрон этилди, ўт ичида қолди. Бу муқаддас тупроқда беғуноҳ қонлар тукилди, муҳташам обида, минора ва азиз-авлиёларнинг қабрлари оёқости қилинди. Аммо бухороликлар ўз она шаҳарларини мардонавор ғимоя этдилар ва неча қайта қўрдилар, тикладилар.

Сўнги мустамлака замонида Бухорога бўлган муносабат ҳаммамизга маълум. Инкилоб баҳонасида бу шарофатли шаҳар обидалари яна бир бор вайрона этилди, унинг асл фарзандлари қатагон қилинди. Халқ ва унинг моддий-маънавий меросига қўрсатилган бундай муносабат собиқ шўролар тузумининг қанчалик гайриинсоний ва адолатсиз эканлигини кўрсатади.

Муҳтарам жамоа!

Ҳар бир халқ ўз юртига ҳақиқий эга бўлганда унинг тарихи ва салоҳияти буй-бастини, унинг гузаллигини дунё кўз ўнгида тўла-тўқис намойён эта олади. Бугун бу қадим шаҳар тўйи дунё миқёсида кенг нишонланаётган экан, бу ҳам Истиқлолимиз шарофатидир.

Истиқлол кўҳна Бухоро ҳаётига янги бир нафас олиб келди. Бухоро вилояти ва шаҳрида бугунги кунда замонавий sanoat, кишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва санъат янги юксалиш йўлига кирди. Бухоро юртининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгармоқда, янги шукҳу топмоқда.

Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонасининг ишга тушгани дунё аҳли тарафидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Шаҳар ва вилоятда жуда катта қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда.

Бухоро деҳқонлари ва миришкорлари ўз саховатли меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Бухоронинг тенгсиз зардушӣ либослари, олтинга тенг пилласи, қорақўл терилари жаҳон бозорида муносиб баҳосини олмоқда.

Шарқ меъморчилиги санъатининг ноёб намуналари бўлган барча қадимий обидалар мустақиллик шарофати билан яна асл шаклига қайтмоқда.

Бухоронинг ва бухороликларнинг яна бир катта ютуғи шундаки, бугун бу табаррук заминда турли миллату динга мансуб кишилар — тожиклар, туркманлар, руслар, яҳудийлар, қozoқлар, корейслар, арманлар ва бошқа ўнлаб миллат вакиллари ўзбеклар билан бирга қўлни-қўлга бериб, дўстона, аҳил, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшамоқдалар.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мард ва танти, гурури баланд, илмпарвар ва меҳнатсевар Бухоро аҳлига халқимиз номидан, шахсан ўз номидан миннатдорлик изҳор этишни ва уларга чуқур таъзим қилишни ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Азиз ватандошлар!

Замонлар утар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўқки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар.

Ватанимизни озод ва обод қилиш учун курашда қурбон бўлганларни, мустақиллик иморати пойдеворига биринчи ғишт қўйган ота-боболарини сира унутмайдилар.

Янги ўсиб келаётган авлодларимиз ўз тарихини, юртини, азиз-авлиёларини, осори атиқаларини бошига кўтариб, шу тариқа миллий тўйғу, миллий гурур, миллий ифтихор ҳиссиётини кўкка кўтариб, умумшабарий қадриятлар хазинасига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар.

Азиз дўстларим, ватандошларим!

Сизларни яна бир қарра Бухорои шарифнинг қўтлуг тўйи билан чин кўнгилдан табриклайман!

Барчамизга аждодларимизга муносиб, яна минг йилларга давомдор буюк ишлар қилиш бахти насиб этсин!

Яратганнинг ўзи бизнинг барча эзғу ишларимизда мададкор бўлсин!

1997 йил 19 октябрь

Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ.

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз ватандошлар, муҳтарам Хоразм ва Хива аҳли!

Қадрли меҳмонлар!

Шу кунларда юртимизда жуда катта тўйлар ва тантаналар давом этмоқда. Кеча Зарафшон воҳасида кўҳна Бухоромизнинг муборак ёшини нишонлаган бўлсак, мана бугун халқимиз, миллатимизнинг яна бир фаҳри

ва гурури бўлмиш, бутун оламга машхур гузал Хивамизнинг 2500 йиллик тўйини шоду хуррамлик билан байрам қилмоқдамиз.

Сизларнинг барчангизни, авваломбор сиз — азиз Хоразм аҳлини ва бутун Ўзбекистон халқини, узоқ-яқиндан келган қадрли меҳмонларни ана шу шонли сана муносабати билан чин қалбдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсизлар!

Имкониятдан фойдаланиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО вакилларига, хорижий давлатлар элчилари ва вакилларига, ахборот воситалари вакилларига ўзимнинг алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир. Бундан икки минг йил аввал яшаган римлик тарихчи **Помпей Трог** туркий халқларнинг энг қадимги аждодлари ҳақида шундай деб ёзган: **«Бақтирияликлар, сўғдлар ва хоразмликлар келиб чиқишининг қадимийлиги бўйича мисрликлар билан бемалол беллаша олади. Улар меҳнатда ҳам, жангу жадалда, ҳам ўзларини аямайдилар. Жисмонан ҳаддан ташқари кучлидилар. Ўзларига тегишли бирор нарсани қўлдан чиқаришни истамайдилар. Фақат ғалабага интиладилар».**

Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айна Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир.

Азиз юртдошларим!

Бугун миллий озодлик учун курашимиз тарихидан сўз кетар экан, биринчилар қаторида буюк Хоразм ўғлонларидан Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби миллий қаҳрамонларимизнинг номларини зикр этамиз.

Нажмиддин Кубро Ватанимизни Чингизхон босқинидан озод қилиш учун жанг қилиб, қўлида озодлик байроғини маҳкам тутиб жон таслим этгани тарихий манбалардан маълум.

Хоразмшоҳлар сулоласининг энг машхур вакили Жалолиддин ҳам ун бир йил давомида муғулларнинг гарбий улкаларга бостириб киришларига тўсиқ бўлиб турди. Ганим олдида бош эгмади, тиз чўкмади, Ватан дёя ҳалок бўлди.

Хоразм ва Хива тарихи халқимизнинг ёвуз, илм-фан, санъат, маданият ва маънавият соҳаларидаги юксалиш босқичларини ўзида мужассам этади.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» ҳам айнан Хоразмда яратилгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бугун болаларимиз мактабларда ва олий ўқув юртларида ўрганадиган алгебра, алгоритм каби кашфиётларга асос солган Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий бу гузал воҳа номини дунёга машхур этган.

Атлантика уммони ортида Америка қитъаси борлигини Христофор Ко-

лумбдан 500 йил олдин башорат этиб, ҳаттоки унинг харитасини чизиб қолдирган буюк аждодимиз Абу Райҳон Беруний мана шу муқаддас заминда тугилган.

Маккаи мукаррама амири ибн Ваҳҳос XII асрда яшаб ўтган яна бир буюк ватандошимиз — араб тилининг мукаммал граматикасини яратган инсонни улуглаб: **«Дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замашҳар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта келиши мумкин бўлган буюк Маҳмуд аз-Замашҳарийдек алломани дунёга келтирди»**, деб тасанно айтган эди.

Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк Академиялардан бўлмиш — **Маъмун Академияси** Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта. Уйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, кўп улуг иш бўлур эди.

Хоразм ва Хива заминида яшаган **Паҳлавон Маҳмуд, Султон Вайс, Носириддин Рабғузӣ, Сулаймон Боқирғоний, Баҳоуддин Валад ва унинг буюк фарзанди Жалолиддин Румий, Абулқосим Али Хоразмий, Исмоил Журжоний, Сирождиддин Саккокий, Мунис, Оғаҳий, Баёний, Сафо Муғанний, Чокар, Шерозий, Ҳожихон, Бола бахши** каби ўнлаб ва юзлаб алломалар, шоирлар ва санъаткорлар номини биз — бугунги авлод вакиллари чексиз эҳтиром билан тилга оламиз ва бошимизга кутарамиз.

Биз бугун Хиванинг 2500 йиллик тарихига назар солар эканмиз, тарихнинг энг суронли даврларида ҳам аждодларимиз озодликка, маърифатга, яратувчиликка интилиб яшаганларига гувоҳ бўламиз. Бугун салобат билан кўкка буй чўзиб турган тарихий ёдгорликлар, нодир обидалар ва осори атиқалар шундан далолатдир.

Зеро, қадим замонларда Шарқ ва Ғарбни туташтирувчи Буюк Ипак йули мана шу макондан ўтган. Бу йул нафақат савдо кўприги вазифасини бажарган, балки узоқ асрлар давомида турли миллат ва мазҳабларга мансуб кишиларни ўзаро яқинлаштирган, турли халқларнинг илму фанини, маданиятларини ўзаро бойитган.

Ҳар қандай миллат ҳам Хивадаё масканни яратган ва асрлар мобайнида эъозлаб сақлагани учун гурурланишга ҳақлидир. Чунки Хива юртимизни зийнати бўлиб қолмай, умумбашарий цивилизация учун ҳам хизмат қилган, бундан буён ҳам хизмат қилади. Ичанқалъа ва Дишанқалъа мажмуи, хусусан, Шергозихон, Муҳаммад Раҳимхон, Исфандиёрхон мадрасалари халқимизнинг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган юксак салоҳияти, нафис маҳоратига, миллий маданиятимизга қўйилган бебаҳо ёдгорликдир.

Азиз ватандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага диққатингизни қаратишни истардим. Мустамлакачилик йилларида халқимизнинг сиёсий тарихи ҳар томонлама ерга уриб келинди, таъқиб остига олинди. Бутун жаҳонга номи кетган алломаларни ва мутафаккирларни саводсиз, жохил, илму маърифат душмани деб таҳқир этишга уриндилар.

Барчамизга яхши маълум: Хиванинг мадрасаларида илм фан чўққила-

рини забт этган, мана шу зиё ва билим масканларида таълим олган олим-мутафаккирлар, дин пешволари нафақат Ўзбекистон ва Урта Осиё тарихида, дунёнинг узоқ-узоқ юртларида ҳам ўз муътабар номларини, ўчмас изларини қолдиргандир. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди деб ўйлайман.

Минг бора шукроналар бўлсинким, адолат яна қарор топди. Буюк аждодларимизнинг номлари яна тикланди.

Ватанимиз тарихида сийёсий ҳиҷатдан қудратли, иқтисодий фаровон салтанатлар бўлганига ва уларда илм, маданият-маърифат кенг ривож топганига бугун ҳеч ким шак келтиролмайди.

Шу маънода, хоразмшоҳлардан Отсиё, Текиш, Эл Арслон, Султон Муҳаммад, Хива хонларидан Абулғозий Баҳодирхон, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) ва бошқаларнинг фозил инсонлар, маърифатли ва етук сиймолар бўлганларини эслаб ўтишимиз жоиздир.

Муҳтарам дўстлар!

Бугунги тантаналар — қадимий Хиванинг 2500 йиллик тўйини нишонлашимиз маънавий ислохотларимизнинг узвий бир қисмидир.

Хиванинг тўйи ёш авлод қалбида узлигини англаш, бебаҳо мисосимизга ворислик, халқ яратувчилик даҳосига ҳурмат, бунёдкорлик ишларига рағбат тўйгуларини ўйотишига ишонаман. Хиванинг тўйи халқимизнинг ўз ўтмишига, миллий қадриятларга самимий иззат-эҳтиромини янада кучайтирмоғи муқаррар.

Биз бугун ҳар бир интилиш — ташаббусимизда, олдинга қўйилган ҳар бир қадамимизда аждодларимизнинг уйғоқ ва мадакор руҳини сезиб турибмиз.

Шу нуқтаи назардан, Хиванинг тўйи фақатгина тарихимизнинг бебаҳо саҳифаларини тиклаш, маданиятимизни бойитиш йўлида хизмат қилиб қолмай, балки бевосита олий мақсадимиз — келажаги буюк давлатимиз пойдеворини шакллантириб, ўзимизнинг миллий анъаналаримизга суянган дастурлар асосида тараққий топган демократик давлатлар қаторида жаҳон ҳамжамиятига кириб боришига хизмат қилажак.

Мен шуни алоҳида гурур ва мамнуният билан айтаманки, асрий ва бетакрор обидалар, минг йиллик анъаналар билан бир қаторда, Хоразмнинг яна бир улуг ва улкан бойлиги бор. Бу бойлик — шу муқаддас заминда яшаб келаётган оқ кўнғил, бағрикенг, меҳмондўст, лафзи ҳалол инсонлардир. Хоразмни Хоразм қилиб, унинг шухратига шухрат қўшиб, доверуғини дунёга таратаётган шу элнинг ақл-заковати, омилкорлиги, билим ва тажрибаси, сабот-матонатидир.

Қадимдан деҳқончилик маданияти гуркираб ривожлантирган Хоразмнинг миришкор деҳқонлари салоҳияти тўғрисида алоҳида тўхташни истардим.

Ўзингиз ўйланг, милоддан аввалги VIII—VII асрлардаёқ узунлиги 60—70 километр, эни 35—40 метр бўлган каналлардан иборат мураккаб ва улкан сунъий сугориш тизимларини яратиб, деҳқончилик қилган кўҳна Хоразм аҳли заковати ва матонатига қойил қолмай бўладими!

Қуш олиса қаноти куядиган Қорақум саҳроси билан йил ўн икки ой мардона ўчишиб, ҳар бир томчи сувни гавҳардек авайлаб мўл ҳосил етиштириш ҳар қандай деҳқоннинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунга фақатги-

на деҳқончилик илмининг пири бўлиб кетган хоразмлик миришкорларгина қодир.

Агар мендан ҳақиқий қахрамонлик намунаси нима деб сўрашса, хоразмлик оддий деҳқоннинг ҳар кунлик меҳнати қахрамонликдир, деб жавоб берган бўлардим.

Мана, бу йил ҳам Хоразм аҳли пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани мамлакатимизда биринчи бўлиб адо этди. Бу галаба ҳақиқатан ҳам Ватанимиз нишони бўлмиш гузал Хиванинг 2500 йиллик тўйига муносиб тўхфа бўлди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, сиз — азиз Хоразм деҳқонларини, барча Хоразм аҳлини мана шу тўёна билан яна бир карра муборақбод этишга рухсат бергайсиз.

Буюк аждодлар хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтиром хоразмликлар табиатининг ўзига хос жиҳатидир. Воҳа аҳли мустақиллик йилларида яна бир эзгу ва савоб иш билан мамлакатга намуна бўлди: вилоятда халқимизнинг атоқли намояндалари шарафига 20 дан зиёд боғлар бунёд этилди. Навоий боғи, Қодирий боғи каби жозибадор гушалар ижод ва яратувчилик туйғусига ошно бўлган ҳар бир инсонни бағрига чорламоқда.

Иқтисодийётнинг бошқа соҳаларида ҳам хоразмликлар шахдам қадамлар қуймоқда. Мамлакатимиздаги энг йирик қанд заводи қурилиши жадал сурьатлар билан олиб борилмоқда, қанча-қанча янги корхоналар ишга тушмоқда. Урганч аэропорти қайта таъмирланди. Урганчдан то Хивага қадар 34 километрли троллейбус йўли ишга тушди.

Хива шаҳри таъмирланиб, янги чирой ва сайқал касб этди. Бу хайрли ишлари учун Хоразмнинг саховатли қурувчи ва меъморларига, барча меҳнаткашларига самимий ташаккур билдириб, уларга сихат-саломатлик, эзгу ишларида омад тиламоқчиман.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Биз, Ўзбекистон аҳли, шуни яхши англаймизки, дунёдаги барча халқларнинг келажаги башарият ўзининг бутун тарихи давомида яратган буюк умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, авайлаб асраш ва янада ривожлантиришга боғлиқдир.

Янги минг йилликка қадам қўяр экан, улуғ маданий ва маънавий аъёналарнинг вориси бўлмиш бизнинг халқимиз ўз истиқболини дунё ҳамжамиятига кириш, бутун сайёраимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган ҳолда кўради.

Бугун ўтказилаётган тантаналар ҳам, бу тантаналарда жаҳоннинг турли минтақаларидан келган буюк олимлар, тарихчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари арбоблари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО раҳбариятидан ваколатли меҳмонлар қатнашаётгани ҳам бунинг яққол далолати ва исботи деб биламан.

Хивадаги мангуликка дахлдор обидалар ўзбек халқининг насл-насаби қадимий ва мўътабар эканлигини дунёга кўз-кўз қилиб турибди. Биз бундан гурурланиш билан бир қаторда, зиммамизда чуқур маънавий масъулият юқини ҳам ҳис этмоғимиз даркор.

Бу масъулият — отамерос юртимизни жон-дилдан севиш, асраб-авай-

лаш, келажак авлодларга янада гузал, янада обод қиёфада етказиш бурчидир.

Шундай муқаддас ва мўътабар диёрда тугилишнинг ўзи катта бахт.

Комил ишонч билан айта оламани, бизнинг озодлигимиз, ҳурриятимиз қудрати билан бутун мамлакатимиз, жумладан, Хоразм воҳаси ҳам ҳадемай ўз тараққиётининг янги ва юксак даврига қиради.

Бу табаррук заминдан етишиб чиқадиган юзлаб хоразмийлар, берунийлар, замаҳшарийлар ўзларининг тенгсиз салоҳияти билан жумлаи жаҳонни ҳайратга солади. Ўзларига қанот берган Хоразм диёри шон-шўҳратига муносиб ҳиссаларини кўшадилар.

Бизнинг бугунги бунёдкорлик ишларимиз, ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошираётган ислохотларимиз, буюк тарихимиз, беқиёс маънавий меросимиз ана шу ишончга мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Азиз ватандошларим, дўстларим!

Хиванинг қутлуғ тўйи билан ҳар бирингизни яна бир қарра чин дилдан қутлаб, барчангизга энг эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Она Ўзбекистонимиз, муқаддас Хоразм замини гуллаб яшнасин, файзу баракага тўлсин!

Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар — миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш гузал Хивамиз дунё тургунча турсин!

Халқимизнинг, миллатимизнинг шон-шўҳрати янада зиёда бўлсин!

Бахт, омад — ёримиз, Аллоҳ — мададкоримиз бўлсин!

1997 йил 20 октябрь

Буюк алломага юксак эҳтиром

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим.

Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган муборак ва мунаввар кундир.

Бугун улуг аждодимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқаддас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир.

Ўйлайманки, бу ерда йигилган жамоат, ал-Бухорийнинг мўътабар хокини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган мўъмин-мусулмонлар, том маънода бахтиёрдирлар.

Азиз дўстлар!

Бу каби тантаналарни ўтказишдан кўзланган ният ва мақсадларимиз ҳақида, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари тўғрисида икки оғиз сўз айтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб — улуг инсоний фазилат, юксак ислоний қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир.

Савобли ишларни қилган одамга, унинг зулу юртига албатта Оллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас қуръоний оятда таъкидланганидек, «Яхшилиқнинг мукофоти фақат яхшилиқдир». Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг узи бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради.

Азиз юртдошларим!

Биз муҳим саволга жавоб излаб кўрайлик: Оллоҳ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради?

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзиде санокли. Биз чексиз шўкроналик билан айтаемизки, она Ватанимиз Оллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас дийрлар.

Юртнинг муқаддаслиги нима билан белгиланади?

Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади.

Қадрли дўстлар!

Нима учун биз келажагимизнинг ёруғ ва фаровон бўлишига қатъий ишонамиз?

Халқимизни, айниқса ўсиб келаётган навқирон авлодимизни нега айнан шу эътиқод асосида тарбия этмоқдамиз?

Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолганда, мислсиз машаққатлар ҳолдан тойдирганда ҳам биз куч-қудратни қаердан оламиз?

Энг аввало Оллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз.

Мана шундай вазиятларда бизга метин ирода, сабот-матонат, гайрат ва жасорат бахш этадиган буюк ва чексиз яна бир манба бор.

Бу манба — улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир.

Бу манба — ал-Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаёт-бахш қудратидир.

Бу манба — уларнинг бизга ҳамиша мададкор бўладиган ўлмас руҳи покларидир.

Ана шу ҳақиқат, ана шу эътиқод ватандошларимиз, азиз фарзандларимиз юрагига, онгу шуурига, тафаккурига тобора теран сингиб бормоқда.

Биз комил ишонч билан, Ўзбекистоннинг истиқлоли боқий, истиқболи буюк, дер эканмиз мана шундай мустаҳкам асоларга таянамиз.

Мўхтарам жамоат!

Қадрли меҳмонлар!

Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожи-

али, энг огир даврларида ҳам, мустабид тузум чангалида булган пайтимизда ҳам, бизнинг динимиздан айиришга, унга хиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан қайтмаган. Бошига қилич келганда ҳам ота-боболарининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содиқ қолган.

Биз, шиорий эзгулик бўлган дунёдаги аҳли ислом қатори, динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз. Ва бу йулдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил гаразлик ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қилдиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас кучқудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман.

Азиз биродарларим!

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: «Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!» дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуг бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади.

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи — энг ишончли ҳадислар тўплами — «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ислом динида Куръони Каримдан кейин эъвозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улугидир.

Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Яратганимизга шукурлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуг аждодларимиз эл-юрти бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда.

Муҳтарам биродарларим!

Биз эски тузум, эски мафкура тузумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуг инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик.

Шулар қаторида озодлигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биз Имом ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаън-шавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мўмин-мусулмонларга руҳий-маънавий куч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик.

Оллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлган шу қутлуг кундан мен бу муаззам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгу-

лик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадиёт ҳақида уйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонаман.

Кейинги йилларда юртимизда қад ростлаётган муҳташам иморат ва иншоотларни бунёд қилишда миллий анъаналаримизга, меъморчилик санъатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос услуб ва нақшу зийнатларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз кўркига кўрк қўшадиган бундай бетакорор ва кўркам бинолар ҳар бир юртошимизни мамнун этишга, юрагида гурур уйғотиши табиийдир.

Истиқлол даврида мана шундай лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда бош бўлиб турганимдан, шу олижаноб ишларга ҳисса қўшиш насиб этганидан кўпчилик қатори мен ҳам бениҳоя мамнунман. Айниқса, ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, унинг шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман.

Бу Оллоҳ таоло олдида, аجدодлар руҳи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди.

Бу қутлуг масканни бунёд этган усталаримизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга арзийди. Бу улўғвор мажмуа Самарқанду Бухоро, Хиваю Тошкент, Андижону Наманган, Шаҳрисабзу Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан, мамлакатимизнинг турли вилоятидан келган фидойи инсонлар меҳнати-нинг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, унинг бунёдкори бутун Ўзбекистондир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу зиёратгоҳни обод қилишда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, моҳир меъморларимизга, шу улуг обидага гишт қўйган, нақшу жило билан унга сайқал берган ҳар бир ватандошимизга, улуг бобомизга эҳтиром билдириб, узоқ-яқиндан юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларга халқим номидан чексиз миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам жамоат!

Маълумки, Ислом динининг бош гоёси — бу «Ло илоҳа иллаллоҳу, Муҳаммадун расулиллоҳ» калимасидир. Мана шу иймон калимасини рўйи заминдаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий беқиёс жасорат кўрсатди. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, имшооллоҳ.

Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳи поклари шод бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин!

Ул муборак зотнинг пойида дуоғўй бўлиб турганларнинг, бутун халқимизнинг, жамики аҳли исломнинг хайрли ва савобли ишларида Роббимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

*Самарқанд
1998 йил, 23 октябрь.*

Қадрли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Бугун юртимизнинг қадимий ва сўлим гўшалардан бири Фарғонада муборак байрам. Кеча биз табаррук Самарқанд заминида ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган улуг ватандошимиз, ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом ал-Бухорийнинг таваллуд гўйини ўтказиб, гоят савобли ишни адо этдик.

Бугун эса халқимизнинг яна бир буюк ўғлони, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусий олим Аҳмад ал-Фаргонийнинг хотирасини ёд этиб турибмиз. Ушбу тарихий воқеалар бутун дунё илму маърифат, маънавият аҳлининг диққат марказида бўлиб, эл-юртимиз обрў-эътиборини жаҳонга тараннум этмоқда.

Азиз юртдошлар!

Кишилик тараққиётига ўзининг учмас улушини кўшиб, мамлакатимиз шўхратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрлаган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуг сиймоларни етиштирган миллат ҳар қанча гурурланса арзийди.

Ўзбек диёрида парвариш топган минглаб алломаю адиблар, олиму мутафаккирлар қаторидан ўрин олган Бурҳониддин Марғиноний, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим каби фозиллар дунёга келган Фарғона водийси ушбу ақидани яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, бу маскан ҳам кўҳна тарихимизда, давлатчилик, илму маърифат, маданият, меъморчилик аънаналаримиз тараққиётида беназир ўринга эга.

Азиз дўстлар!

Бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз зарур. Ўзбек заминида асрлар давомида фан ва маданиятнинг турли соҳаларида буюк истеъодларнинг парвариш топгани бежиз эмас, албатта.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўзидан юз бермайди.

Бунинг учун аввало асрий аънаналар, тегишли шарт-шароит тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафкураси ва қонуниятлари жўш уриши лозим.

Бунинг учун энг аввало мана шу қадимий ва бетакрор юртга Оллоҳнинг назари ва эътибори тушиши керак.

Азиз дўстлар, биродарларим!

Аҳмад ал-Фаргоний таваллудининг 1200 йиллиги миллатимиз учун катта сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга. Биз бу санани давлатчилигимиз ва илму маданиятимиз тарихини, мустабид тузум йилларида ноҳақ унутилган буюк аҳдодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми деб биламиз.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз кўлами ва қудратининг исботидир.

Аҳмад ал-Фарғоний кишилик тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва ёрқин намоёндаларидан бири, ўз замонаси фундаментал фани асосчиларидан эди.

Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Фарғоналик бу фозил зотнинг «Астрономия асослари» номи шоҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ латин ва иврит тилларига таржима этилган эди.

Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта-қайта чоп қилингани унинг нақадар юксак аҳамиятга эгаллигини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани буйича узига хос қомус вазифасини утаган. Дунёнинг энг нуфузли дорилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг Ернинг шарсимон шаклга эгаллиги борасидаги қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб, Ер меридианининг бир даражаси миқдори ҳақидаги ал-Фарғоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим, деган дастхат қолдирган.

Бу эътироф бобокалонимиз, янада кенгроқ айтсам, миллатимиз илмий салоҳиятига берилган муносиб баҳодир.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожидagi нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи ер кўрасидагина эмас, самода ҳам абадий шўхрат топди. Ун олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан икитаси икки буюк ватандошимиз — Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улугбек номи билан аталади.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун озод юртимизда Аҳмад ал-Фарғоний каби зотлар ёқиб кетган илм маъшалаи янгитдан порлай бошлади. Биз усиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илгор билимларга эга бўлган ҳолда улуг бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сийсатининг устивор йўналиши, деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимизда ягона таълим-тарбия тизими махсус Миллий дастур асосида тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Минглаб фарзандларимиз юксак тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олаётгани, буюк аждодларимизнинг издошлари сифатида ақл-заковат, илмга чанқоқлик, тиришқоқлик намуналарини кўрсатаётгани жамиятимизни эртанги кўни янада ёруғ бўлишидан дарак беради.

Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган тантаналар ўзлигимизни, кадр-қимматимизни, миллатимизнинг дунёда тутган ўрнини англаш йўлида яна бир

муҳим воситадир. Айниқса, бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан халқаро миқёсида кенг нишонланиши Аҳмад ал-Фарғоний илмий меросини урганиш борасидаги янги-янги тадқиқотларга асос бўлади, деб ишонаман.

Қадим Қубо тупроғида бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуи, Аҳмад ал-Фарғонийнинг қаршингизда қад кўтариб турган бу улугвор ҳайкали ватандошларимизнинг улуг бобокалонимизга ҳурмат-эҳтироми ҳамда эзгу мақсадларимиз рамзи бўлиб қолиши табиийдир.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб буюк аجدодимиз хотирасини абдийлаштириш, кўҳна Қубо шухратини тиклаш, Фарғона шаҳрини водий тароватига хос равишда обод этишда сидқидилдан меҳнат қилиб, бор маҳоратларини ишга солган қурувчиларга, меъморларга самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Азиз юртдошлар!

Бугун Аҳмад ал-Фарғоний бобомизнинг тўйини нишонлар эканмиз, у қолдирган мероснинг оламшумул аҳамияти ҳақида сўзлар эканмиз, биз Фарғона заминига, Қуба тупроғига, шу ерда ўтган одамларнинг руҳи олдида ва бугун яшайтган авлодлар қаршисида таъзим қиламиз.

Бу зотнинг шу ерда тугилгани, тарбия топиб вояга етгани бу юртни барчамиз учун янада азиз ва муқаррам қилади.

Бу зот қаерда яшаган бўлмасин, хоҳ Бағдодда, хоҳ Дамашқда, хоҳ Қоҳирада уз илмий кашфийтлари билан шухрат топган бўлмасин, ишонманки, у ҳамиша тугилган юртини соғиниб яшаган. Она-Ватанининг муҳаббати ва соғинчини бир умр қалбида сақлаб юрган. Бу туйғу нафақат улуг инсонларга, балки иймонли, диёнатли ҳар бир одамга хос хусусиятидир.

Муҳтарам ватандошларим!

Йиллар ўтади, асрлар ўтади, янги авлод дунёга келади, лекин бу зотнинг номи, буюк мероси халқимиз учун шон-шараф рамзи бўлиб абадул-абад сақланиб қолади.

Яна бир бор барчангизни бугунги қутлуг тантана билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Оллоҳ таолодан ҳаммангизга омонлик-фаровонлик, эзгу ва хайрли ишларингизда мадад тилайман. Улуг бобомиз руҳи хонадонингизни нурафшон, қалбингизни мунаввар этсин.

Фарғона — Қуба 1998 йил, 24 октябрь.

Хотира чироғи ўчмайди

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари!

Бугун улкамизда илк бор Хотира ва Қадрлаш куни нишонланмоқда.

Мен барчангизни — жафокаш, меҳнаткаш, кўпни кўрган, катта-кичик жангларда мардлик ва жасорат кўрсатган халқимизни мана шу қутлуг сана билан чин қалбимдан табриклайман.

Биз нима учун 9 май байрамини Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилдик.

Ижозатингиз билан шу тўғрида яна икки огиз айтиб ўтсам.

Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чирогини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

Қадрлаш дегани — бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмақ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-ўқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

Хотира ва Қадрлаш кўни деган тушунча гоят теран маънога эга. Бу фақат фашизм балосига қарши жангу жадалларда қатнашган, она-юрт ҳимояси учун умрини бахш этган кишиларни шарафлаш дегани эмас.

Бу муборак кунда, халқимизнинг асрлар давомида орзу-ният қилиб, интилиб келгани — ҳуррият ва озодлик йўлида ҳаётини қурбон қилиб шаҳид кетган Тумарис, Широқ, Спитамен, Жалолоддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Намоз ботир каби халқ қахрамонларини, Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари миллатимиз фидойиларини эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одабийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана урнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Бу ҳаётнинг гўзал ва нурафшон, юртимизнинг озод ва обод бўлишида шу муқаддас заминда яшаётган қўли қадоқ, нияти пок миллион-миллион юртдошларимизнинг беқиёс ҳиссаси бор. Бугунги Хотира ва Қадрлаш кунинда мен кўпчилик қаторида ана шу камтар ва камсуқум, оддий, заҳматкаш инсонларни бағримга олиб, барчасига таъзим қиламан.

Мўхтарам дўстлар, юртдошларим!

Бугун пойтахтимиз марказида бунёд этилган муаззам Хотира майдони очилмоқда. Бу ҳам мустақиллик тафаккурининг яна бир бор намоён бўлиши, халқимизнинг табиатига ёт бўлган эски қолип ва сохта гоьлардан воз кечганимизнинг яна бир тасдиғидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда назардан қараганда «номаълум аскар» деган тушунча нимани англатар эди?

Ўзингиз ўйланг, инсон она юрти, халқининг бахт-саодати учун омонсиз жангларда жонини фидо этсаю унинг номи номаълум бўлса!

Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби унинг онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр армон бўлиб яшайди-ку! Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми?!

Биз учун урушларда қурбон булган юз минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум ва ҳеч қачон унутилмагай, иншоолло!

Шунинг учун биз уларнинг номларини мана шу майдондаги муҳташам Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрлаб қўйдик.

Токи бу муқаддас зиёратгоҳга қадам қўйган ҳар бир инсон, нафақат халқимиз, балки бутун дунё аҳли аждодаларимизга, фидойи жангчиларимизга булган буюк эҳтиромимизни кўрсин, уларнинг хотираси қаршисида таъзим бажо этсин.

Азиз биродарлар!

Мана шу майдон марказида уруш ва айрилиқлардан беҳад қайғу-жафо чеккан, фарзандлари доғида қадди дол булган Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган.

Бу ҳайкал узоқ тарихи давомида не-не бало-қазоларни, жабру зулмларни, қиргин-қатагонларни бошидан кечирган, айна пайтда ўз эркинлиги, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари учун тинимсиз курашган она-Ватанимизнинг ёрқин тимсолидир.

Инсон боласини Она ёруғ дунёга келтиради, оқ ювиб оқ тарайди. Уни бегараз меҳри билан улгайтиради. Инсон қалбида неки олижаноб туйғулар ва одамийлик хусусиятлари мавжуд бўлса, барчаси она меҳридан, она тарбиясидандир.

Ватанга муҳаббат туйғуси она сути, она алласи билан қон-қонимизга сингади, онгимизга киради.

Шу боис Она — Ватан, Ватан — Она, демакдир. Биз меҳр ва муҳаббатни, садоқат ва фидойиликни мунис оналаримиздан, бебаҳо Ватанимиздан оламиз. Ва бизнинг ҳам жамики эзгу ниятларимиз, хайрли ишларимиз Она-Ватанга аталгандир.

Мотамсаро онанинг маҳзун қиёфаси ҳар биримизни ҳушёрликка чорлайди. Уруш ва қиргинларга йўл қўймасликка, бугунги ёруғ ва дориломон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Биз муқаддас Она ҳайкали пойига битган «Сен доимо қалбимдасан, жигарим» сўзлари миллатимизнинг, халқимизнинг қурбон булган фарзандларига чексиз эҳтиромини англатиб, қалбларимизда доимо акс садо бериб туради.

Мангу олов теграсига зикр этилган «эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахту саодати учун ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси ҳамisha барҳаётдир», деган сўзлар эса узоқ ва яқин тарихимизда бугунги озодлик ва мустақиллигимиз учун курашиб жон фидо этганлар хотираси юракларимизда абадий яшашини англатади.

Азиз ватандошлар!

Биз мустақиллик йилларида ўзлигимизни англаш, тарихий-миллий қадриятларимизни тиклаш борасида нимаики иш қилаётган бўлсак, уларнинг барчасини ягона мақсад—кўпмиллатли халқимизни бирлаштириш учун қилмоқдамиз.

Ишончим комилки, Хотира ва қадрлаш куни халқимизни янада бирлиштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу муаззам обидани бунёд этишда

сидқидилдан меҳнат қилган қурувчи ва усталарга, меъмуру муҳандисларга уз номидан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат этгайсизлар.

Шундай хайрли ва олижаноб ишга ҳиссам қўшилганидан мен ҳам гоят бахтиёрман.

Азиз юртдошларим!

Барчангизни бугунги улуг айём билан яна бир бор табриклайман.

Ҳаммангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, фарзандларимиз бахтини кўриш насиб этсин.

*Хотира ва Қадрлаш кунига
бағишланган тантанали
маросимдаги сўз,
1999 йил 9 май*

Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ

Ассалому алайкум, азиз, ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни қадимий ва муқаддас Хоразм заминида туриб, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан муборакбод этаман.

Ватанимизнинг кўпминг йиллик тарихи эл-юртимизни босқинчи, ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, миллатимизнинг эркинлиги ва орномусини асраш йўлидаги буюк воқеаларни, бу курашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида ўзининг ёрқин хотирасида сақлаб келмоқда.

Жалолиддин Мангуберди — она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонидир.

Жалолиддин Мангуберди — бор-йўги уттиз икки йиллик қисқа ҳаёти давомида элу юрт учун, халқ озодлиги учун сўнмас хизмат қилишга улгурган улуг аждодимиздир.

Азиз дўстлар!

Жалолиддин Мангубердининг беқиёс жасоратини англаш учун, аввало, шу даврларнинг машаққатли ва бешафқат саҳифаларини узимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Шу пайтгача ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси эл бас келолмаган, Хитой ва бепоеён Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Қора денгиз бўйларигача бўлган ўлкаларни забт этган, йўлида учраган шахар-қишлоқларни ёндирган, даҳшати ўзидан олдин етиб, не-не шоҳу шаҳаншоҳларни, амиру султонлар, саркардалар юрагига ваҳима солган Чингизхон лашкарининг Хоразм устига бало-қазодай ёпирилиб келаётганини кўз олдингизга келтиринг.

Бир томондан, бой-бадавлат, иккинчи томондан, пароканда бўлиб

Ўтган юртимизнинг ўша пайтдаги аҳволини ҳам бир ўзингизга тасаввур қилиб кўринг.

Чингизхон шундай бир машъум куч эдики, дунёдаги манаман деган қанча зотлар унинг қаршисида тиз чўкиб, қуллуқ қилиб яшашга тайёр эди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ атрофидаги кўплаб беклар ҳам ёв қўлига таслим бўлишни афзал кўрганларида, Жалолиддин бу фикрга қарши чиқиб, ўзининг беқиёс жасорати ва қатъиятини намоян этди. Шу пайтгача мағлубиятга учрамаган мўгул лашкарига қарши ўн бир йил муттасил жанг қилди. Ва ганимларга шундай қақшатқич зарбалар бердики, ҳатто Чингизхондай маккор ва бешафқат, дунёнинг ярмини забт этган фотиҳ ҳам ўнга тан беришга мажбур бўлди.

Айтинглар, азиз дўстлар, ана шундай қалтис вазиятда ўзи каби фидойи, ботир инсонларни жипслаштириб, Хоразм заминини топташга шай турган ёвуз душманга қарши чиқиш учун одамда қандай журъат, қандай юрак, қандай ирода, қанчалар бақувват имон-этиқод бўлиши керак?

Айтинглар, бунинг учун инсонда Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат, фидойилик, озодликка интилиш туйғуси нечоғлик бўлиши керак?

Қани, айтинглар, дўстларим, қадрдонларим, олдиндан ўзини қурбон бўлишини билатуриб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истиқболи учун, зиммасига шундай оғир қисматни олган зотларни тарихда кўп учратиш мумкинми?

Аминман, бундай шижоатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган, вояга етказган халқ ҳар қанча ҳурмат-эҳтиромга, ҳар қанча тасанноларга муносибдир.

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли дўстлар!

Султон Жалолиддин Мангуберди ўз элининг бахту саодати учун ҳаёт-мамонт жангларида жон фидо этди. Лекин дунёда ҳеч қандай хайрли иш беиз кетмайди. Миллат руҳи, одамзоднинг озодлик сари интилиши абадийдир.

Орадан бир аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темур Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Она юртимизни босқинчилардан халос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди.

Муҳтарам жамоат!

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йулини таҳлил қиладиган, ўша тарихий воқеаларга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабоқ хулосаларга чақиришга ундайди.

Биринчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамиша бўлади.

Бу — ҳаёт. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч ким инкор этмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан,

ўзининг тугилиб усган, ота-боболаринг ҳоқи ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йулда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шуки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, имонсиз, ўзининг манфаатини ҳаммо нарсадан устин кўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларни ҳам сотадиган, ўзини устирган, вояга етказган Ватанига қўл кутарадиган қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бундай кучлар, разил шахсларнинг кибру ҳавоси, манфур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараққиётга қандай хавф-хатар эканини бугунги ҳаётимизда куриб турибмиз.

Такроран айтаман, бу нафақат кечаги тарихимиз, балки бугунги ҳаётимиз билан ҳамоҳанг аччиқ сабоқдир.

Яна бир сабоқ шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайғурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб кўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради. Бу — ҳақиқат.

Жалолиддин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёрқин тимсоли ва ибратли намояндасидир.

Султон Жалолиддиннинг бизга қолдирган **яна бир даъвати шуки,** у барчамизни она юртимизнинг беғубор осмонимизни ва осуда ҳаётини қадрлашга, усиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлайди.

Қадрли ватандошлар!

Тарихи қарийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса кўшган улуг зотлар ватани, «Авесто»дек ўлмас асар яратилган табаррук тупроқ — Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳур.

Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чарақлаб туради.

Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру гуруридир. **У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга таъавуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир.**

Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдиди бошимизни мағрур тутиб яшамоғимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Азиз юртдошларим!

Азиз қадрдонларим!

Шу ҳаяжонли, унитилмас лаҳзаларда дунёга Мангуберди қаби қаҳрамон ўғлонларни берган Хоразм элига, бугун халқимизга таъзим қиламан.

Биз бугун юртимизда Жалолиддин Мангуберди хотирасини ҳурматлаб, муаззам ёдгорлик мажмуини бунёд этдик. Кўриб турганингиздек, бу

улуғвор ҳайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зур ирода, беқиёс матонат соҳиби бўлган буюк инсоннинг сўнмас шижоати мужассам топган.

Бу гўзал ёдгорлик обидасини барпо этишдек хайрли ишга ҳисса қўшган муҳандис ва меъморларга, моҳир усталарга, қурувчи ва боғбонларга чин қалбимдан самимий ташаккурлар билдиришга рухсат бергайсизлар.

Бизнинг буюк аждодларимизга кўрсатаётган ҳурмат-эҳтиромимиздан, озод ва обод Ватан, фаровон жамият қуриш борасидаги эзгу ишларимиздан, жамики азиз боболаримиз қатори, Жалолоддин Мангубердининг ҳам руҳи поки шод бўлгай, иншоолло.

Ишончим комилки, уларнинг улмас руҳи билан чароғон хонадонларимизда бугун вояга етаётган минглаб жалолоддинлар юртимизга меҳру садоқат билан хизмат қилиб, уни дунёга тараннум этади.

Ишончим, комилки, Мангубердининг беқиёс жасорати юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачигидек асраб келаётган довиюрак аскарларимиз, эл-юрт посбонлари, жасур углонларимиз сиймосида давом этаверади.

Ишончим комилки, дунёга буюк фарзандларни берган, киндик қони томган заминни, аждодларининг муқаддас мазорларини жонидан ҳам ортиқ кўрадиган, ўз ватанига бутун борлигини бахш этишга ҳамиша тайёр турадиган, қадоқ қўллари билан тупроқдан олтин ундираётган бундай халқнинг обрў-эътибори ва ҳурмати ошаверади.

Муҳтарам юртдошлар!

Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!

Ана шундай баҳодирларни камолга етказган Она халқимиз мангу яшасин!

Азиз дўстлар!

Бугун Хоразм заминида қўшалок байрам. Вилоят деҳқонлари, бутун Хоразм аҳли лафзи ҳалоллигини яна бир бор исботлаб, ўз зиммасига олган мажбуриятларини, Ватанимиз учун «оқ олтин» бўлмиш пахта тайёрлаш режаларини шараф билан бажарди. Мана шу улкан галаба билан сиз азизларни, сиз орқали бутун Хоразм аҳлини чин қалбимдан табриклашга рухсат бергайсизлар.

*1999 йил, 5-ноябрь,
Урганч шаҳри*

**«Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали
маросимда сўзланган нутқ**

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Кечагина биз халқимиз озодлиги йўлида жон фидо этган миллий қаҳраонимиз Жалолоддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонладик.

Бугун эса аждодларимиз бадий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги — «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги байрамида сиз азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан гоят мамнунман.

Ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий баҳодирини, севган паҳлавонини бор. Алпомиш номи ҳам бизнинг шууримизга мунис оналаримиз айтган аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, фахру гурури бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган.

«Алпомиш» — ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танги халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз авлодлардан авлодларга утказиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир.

Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб яшади. Ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келди.

«Алпомиш» достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўргонини кўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ургатади.

Муҳтарам биродарлар!

«Алпомиш» достони — бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Лекин нима учун биз унинг тўйини айнан Термиз шаҳрида, Сурхон воҳасида утказаяпмиз?

Негаки, Сурхон воҳаси, аввало, «Алпомиш» достони туғилган қутлуг маскан. Алпомиш мана шу бепоян яйловларда, баланд тоғ дараларида гумбурлатиб от чопган, шу юртнинг зилол кўлларида сув ичган, шу маг-рур элга муносиб паҳлавон бўлиб етишган.

Шунинг учун ҳам Барчиной душманларга қарата гурур билан: «Менинг ёрим билсанг Бойсун султони», деб айтади.

Сурхон ҳаҳон цивилизациясининг қадимий бешиклари — милоддан аввалги Кушон ва Бақтрия давлатларига замин бўлгани билан оламга машҳур, Воҳадаги Далварзинтепа, Холчаён, Тиллатепа, Зараутсой, Тешиктош, Фаёзтепа сингари кўҳна маконлар, у ерларда топилган археологик ашёлар кўпмиг йиллик тарихимизнинг ноёб ёдгорликларидир.

Бу тупроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи билан йугрилган. Имом Ат-Термизий, авлиё Ҳаким ота каби улуг зотларнинг ўлмас руҳи, ҳаётбахш ўғитлари баркамол авлодларни вояга етказди. Шубҳа йўқки, «Алпомиш»дек буюк обидалар, Алпомиш»дек мард паҳлавонлар айнан мана шундай муҳитда дунёга келади.

«Алпомиш» тўйининг Термиз шаҳрида утаётганида мен яна бир рамзий маъно кўраман.

Қачонки улкамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршисида метиндек қўрган бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустаҳкам қалъа бўлиб турибди.

Мана шу чегара ҳудудларида куксини қалқон қилиб табиатан оғир-вазмин, аммо Ватан бошига синов тушса, жон фидо этишга ҳам тайёр ориятли халқ яшайди.

Бу довиюрак ва ўктам халқнинг — Сурхон аҳлининг юрагида Алпомиш каби паҳлавонлардан мерос қолган шижоат яшайди.

Бу юрда дунёнинг кураш майдонларида кураги ерга тегмасдан зафар қозониб, ўзбек номини бутун оламга тараннум этаётган юзлаб полвонлар яшайди.

Ишончим комилки, бундай қудрат соҳиби бўлган халқни ҳеч қандай ёвуз куч енголмайди.

Ҳурматли меҳмонлар, азиз ватандошлар!

Бугун биз сизлар билан «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллик тўйини нишонляпмиз. Лекин бу дostonда тасвирланган воқеалар юртимизнинг неча-неча минг йиллик шонли тарихидан дарак беради.

Асардаги кичик бир далилга мурожаат қилайлик. Халқимизнинг қадимий тасавурларига кура, ўқ-ёй — ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшда ўн тўрт ботмон биричдан — бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб, «алп» деган унвонга эга бўлади. Алп дегани — ҳокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу дoston куп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Аслида, халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса «Алпомиш» ана шу дostonнинг шохбайтидир. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамoт синовларидан омон чиқиб ўзлигини йўқотмаган халқимизнинг багрикенглик, матонат, олижаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Муҳтарам юрдошлар!

Бугунги муборак айёмда биз «Алпомиш»дек сўз дурдонасини яратган, уни асрлар оша авлодларга етказиб келган ижодкор халқимиз даҳоси олдида бош эгамиз.

Бугун биз минг йиллар давомида бу дostonни куйлаб, гавҳардай асраб-авайлаб, бойитиб келган, номлари бизга номаълум бўлган юзлаб халқ бахшиларининг истеъдоди қаршисида таъзим қиламиз.

Агар иложи бўлса, мен ана шу инсонларнинг номларини маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзган бўлув эдим.

Муҳтарам жамоат!

Бахши-шоирлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо «Бахшили эл — яхшили эл» деб улулганган.

Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла кампир, Жоссоқ шоир ва Амин бахши, Шерна бахши ва Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йулдош ва Пулкан шоир, Ислom шоир ва Абдулла шоир, Саидмурод паноҳ ва Бекмурод Жўрабой угли, Берди бахши ва Раҳматулла Юсуф угли, Қодир шоир ва Шоберди бахши каби дostonчиларининг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноёб қобилияти, юксак маҳорати туфайли «Алпомиш» бор салобати ва нафосати билан яшаб келмоқда.

Бугун биз бу ўлмас асарни ёзиб олиш, нашр этиш, илмий ўрганиш, таржима ва тарғиб қилиш ишига улкан ҳисса қўшган Ҳoди Зариф, Ҳамид Олимжон, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов каби заҳматкаш инсонларни, кўплаб хорижий олимларни ҳам миннатдорлик билан эслаймиз.

Муҳтарам Ватандошлар.

Йиллар, асрлар ўтади, она Ўзбекистонимизда янги-янги авлодлар вояга етади.

Ишонаман, ҳар бир авлод мана шу қахрамонлик дostonини асраб-авайлаб келгуси авлодларга еткази.

Ишонаман, халқимиз бугунги шодиенадан руҳланиб, кадр-қимматини янада чуқурроқ англайди, ўзининг беқиёс жасоратини, букилмас иродасини, мустаҳкам иймон-этиқодини намоён этиб, ёруғ келажак сари қатъият билан бораверади.

Ишонаман, ҳар қайси қишлоқ, ҳар қайси шаҳар, ҳар бир хонадонда янги-янги алпомишлар дунёга келади, ватанга садоқатли, жасур ва енгилмас инсонлар бўлиб улғаяди.

Сурхон воҳасининг бетакрор табиати, Боботог, Бойсун, Вахшивор сингари баланд тоғлар, Олтинсой, Сангардак, Сайроб, Хонжизза каби гўзал гўшаларини бир бор кўрган одам беихтиёр қолади.

Бу заминда яшаб, фидокорона меҳнати билан унинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшаётган инсонларга, айниқса, ёш ўғил-қизларимизга менинг ҳавасим келади.

Ҳар қандай инсон бу юраги очик, мард ва танти, ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом одамлар билан чин кўнгилдан яқин бўлишни истайди.

Шу унутилмас, ҳаяжонли дамларда Алпомишдек баҳодирларни камолга етказган она халқимга яна бир бор таъзим қиламан.

Юртимиз осмони доим мусаффо, халқимиз ҳамisha омон бўлсин!

1999 йил, 6-ноябрь.

Термиз шаҳри

7-§. ЁШЛАРНИ ВАТАННИ СЕВИШ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ — КЕЛАЖАГИ БУЮК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Таълим ва тарбиянинг бош вазифаларидан бири жамиятдаги барча тоифа кишиларни, хусусан Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 70 фоизини ташкил қилувчи ёшларни Она-Ватанга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашдир. Бу ўз навбатида замонавий билимлар орқали ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришни тақозо қилади.

«Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади...

«Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди», — деб уқтирган эди юртбошимиз. Бу борадаги фикрини давом эттириб «Ҳар қандай қалъа ичидан олинади. Демак, биз ичкари-ни мустаҳкам қилишимиз керак. Бунинг учун ёшлар қалбига юртга садоқат, катталарга ҳурмат, тарихга меҳр, келажакка умид туйғулари уруғини сочишимиз лозим, — деб таъкидлайди.

Бундай долзарб вазифанинг кун тартибига қўйилиши бежиз эмас эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам ёшлар дунёқарашада эскича тафаккур, жаҳон тараққиётидан орқада қолган билимлар, ўз қийматини йўқотган қарашлар сақланиб қолмоқда эди. Масалан, яқин-яқинларгача олий таълим-

нинг вазифаси муайян миқдорда илмий техникавий билимларга эга бўлган, онгига мафкуравий йўл-йўриқларни сингдирган мутахассисларни тайёрлашдан иборат қилиб қўйилган эди.

Сир эмас, КПСС тарихи, илмий коммунизм, диалектик ва тарихий материализм, сиёсий иқтисод, тарих, ҳуқуқ, адабиёт ва бошқа фанлар мафкуравий жиҳатдан жуда ҳам жиловлаб қўйилган бўлиб, улар ёшларда юзаки, маддоҳлик йўналишида фикрлашга ўргатар эди.

Табиийки, бундай ҳол ёшларда янги замонга муносиб баркамол маънавиятни шакллантиришни тақозо қиларди. Бу борада республикада кўрилган чора-тадбирларнинг асосий йўналиши таълимни гуманитарлаштириш бўлди. Бу борада мамлакатда 1991 йил 17 сентябрда эълон қилинган мамлакат Президентининг «Республика давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини, ҳамда, халқ таълими системасини партиядан холи этиш тўғрисида»ги Фармони муҳим қадам бўлди. Ушбу Фармонда: «Белгилаб қўйилсинки, республика давлат аппарати идораларида ва халқ таълими системасида сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг ташкилий тузилмалари ташкил этилишига бундан буён йўл қўйилмайди»²⁰,— деб алоҳида таъкидланди. Фармоннинг ана шундай талабидан келиб чиқадиган ҳулоса шунда эдики, маориф ва халқ таълимини жаҳон амалиётига яқинлаштириш маъносида уни якка ҳукмрон партия гоёлари йўлини асослашга хизмат қилувчи мафкура таъсиридан холи қилиш эди. Дарҳақиқат, республикада аввалги коммунистик партия мафкураси учун назарий, илмий билимлар манбаи ҳисобланмиш ижтимоий фанларнинг олий таълим тизимидаги роли ва ўрнига янгича муносабат вужудга келди. Масалан, Ўзбекистон республикасининг «Таълим ҳақида»ги Қонунини амалга ошириш учун республика Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги «Олий таълим ислоҳоти» Дастурини ишлаб чиқди. Ушбу Дастурнинг муҳим қондаси олий таълимни гуманитарлаштиришдан иборат эди. Жумладан, ушбу Дастурда «гуманитар таълим бериш ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг ажралмас қисмидир ва у ўзбек халқининг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, умуминсоний кадриятларга содиқлик, фуқаролик ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш, ўзбек халқи миллий руҳининг асоси бўлмиш инсонпарварликни тарбиялашга асосланади»²¹ — деб алоҳида қайд қилинди.

Таълимни гуманитарлаштириш, уни партиявий мафкурадан холи қилиш борасидаги муҳим қондалардан бири юрт тарихини ўрганишга катта эътибор берилиши бўлди.

Бу борадаги муҳим амалий қадам шунда эдики, олий ўқув юртларида собиқ КПСС тарихи кафедралари ўрнида Ўзбекистон халқлари тарихи кафедралари ташкил этилди. Мактабларда Ўзбекистон тарихи аввалги йилларга нисбатан 3 баробар чуқур-

роқ ўқитила бошланди. Демак, юрт тарихини ўрганиш кенг қамров ола бошлади, у ўзининг амалий самарасини бера бошлади.

Тарихий билимлар ёшларни кўп нарсага онгли равишда қарашга ундади. Уларнинг ҳар бири қалбида Ватанга меҳр туйғуларини, бугунги кун қадрига етиш ҳиссини шакллантира бошлади. Масалан, Наманган Давлат Университети биология факультетининг иккинчи курс талабаларига «Ҳозирги ёшларнинг масъулияти нимадан иборат?» деб берилган саволга кўпчилик талабалар «Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун етук мутахассис бўлиб етишиши масъулияти»,— деб жавоб бердилар. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ёшларда Ватанга меҳр ҳиссини тарбиялашда, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда Ўзбекистон Мадҳияси ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)ни халқ таълими тизимида ўрганиш ҳам, шу мавзуларга бағишлаб махсус мураббийлик соатларининг ўтказилиши ҳам катта аҳамиятга эга бўла бошлади. Шу билан бирга «мустақиллик кунлари»нинг байрам қилиниши аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Совети ўн биринчи сессиясида Мустақиллик кунига тайёргарлик кўриш ҳақида қарор қабул қилинган эди.

1992 йил 22 августда «Ўзбекистон ўқув юртларида ҳар йили 1 сентябрда «Мустақиллик кунини» ўтказиш тўғрисида» Президент Фармони эълон қилинди. Унда давлатимиз тарихида янги саҳифа очган Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилиниши муносабати билан ва унинг ёшларни маънавий камол топтиришда жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, ўқув юртлари жамоаларининг истақларини ҳисобга олиб:

1. Ҳар йили 1 сентябрда барча мактабларда, ҳунар техника билим юртларида, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида «Мустақиллик кунини» мавзунда махсус машғулотлар, дарслар, маърузалар, тантанали йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиш:

2. Қарамоғида ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар, ҳокимликлар:

— турли шакллардаги, ижодий изланиш ва байрам вазияти руҳидаги машғулотлар ва тadbирларни ўтказишга оид зарур ташкилий чораларни кўрсинлар:

Республика ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлардан ўқувчилар ва талабаларни кенг хабардор қилинишини таъминласинлар, унинг эркин ва юксак ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбияласинлар:

— ўқув юртларида мустақиллик кунинини байрам қилишда ёшларнинг ижодий қобилиятларини очишга кўмаклашуви ҳамда бир хиллик ва расмиятчиликни истисно этувчи танловлар,

ижодий беллашувлар, оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказсинлар;

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ўқув юртларида Мустақиллик кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида республика оқсоқоллари, депутатлар, фан, маданият ва санъат арбобларини, ижодий ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарларини қатнашишга кенг жалб қилишлари.»²² каби муҳим вазифалар белгиландики, бу фармоннинг жойларда бажарилиши халқимизга мустақиллик тушунчасини етказишда уларни истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу борада Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ибратли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, 1992 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон аҳолиси томонидан биринчи марта мамлакат мустақиллигининг бир йиллигини кенг байрам қилиниши айтиш мумкинки, халқни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш ва унга эътиқод туйғуларини кучайтиришда муҳим қадам бўлди. Шу йилнинг 30 августида Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Унда Президент И.Каримов табрик нутқи сўзлаб бутун аҳолини миллий байрам билан қизғин табриклади. Тантаналар мамлакатнинг барча вилоят, шаҳар, район ва қишлоқларида, ташкилот, муассаса, корхона, жамоаларда ва маҳалаларда бўлиб ўтди. Бутун халқ Ўзбекистоннинг келажаги қўлга киритилган мустақиллик туфайли амалга оширилишини чуқур ҳис қила бошлади. Бир сўз билан айтганда, дастлаб истиқлол эълон қилинган кунларда кишилардаги саросималик ўрнини, энди мустақилликка ишонч ва эътиқод эгаллай бошлади.

Президент Фармони асосида Ўзбекистондаги барча ўқув юртларида 1 сентябрда «Мустақиллик кунини» кенг нишонланди. Масалан, Тошкент Давлат Техника Университетида шу кунини тантанали митингдан сўнг биринчи дарслар «Мустақиллик дарслари» сифатида ўтказилди. Бунда профессор-ўқитувчилар, фажрийлар, халқ депутатлари қўлга киритилган мустақилликнинг аҳамияти ва афзалликлари ҳақида талабаларга кенг тушунтириш бердилар.

Тошкент Давлат Университети, Тошкент Аграр Университети, Наманган, Андижон, Фарғона Давлат Университетлари, Низомий номи Тошкент педагогика институтларида ҳам шундай дарслар ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган бундай тадбирлар фақат Олий ўқув юртларидагина эмас, балки барча ўрта махсус ўқув юртлари ва умумий таълим мактабларида ҳам катта тайёргарликлар билан мунтазам равишда ўтказилиб турибди.

«Олтин мерос», «Амир Темур», «Улуғбек», «Шаҳидлар хотираси», «Ўзбекмузей» каби бир қатор жамғармалар, Тарихчилар, Маърифатпарварлар, Файласуфлар миллий жамиятлари миллий-маданий меросимизни ўрганиш, анъаналаримизни сақлаш ва ривожлантириш, алломаларимиз, фидойи аждодларимиз хотирасини эъозлаш, уларнинг асарларини ёш авлодга таништириш йўлида баракали фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

«Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси тарихимиз ва бугунимиз мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш, мустақиллик берган буюк неъматларни кўргазмали воситалар билан тарғиб этиш, миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онгига сингдириш ишида алоҳида натижаларга эришмоқда.

Халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида «Маънавият ва маърифат» республика кенгаши ва унинг таркибидаги жамоатчилик маркази ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ёш истеъодлар ўз ижодлари билан ўзбек санъатини дунёга намойиш этмоқдалар. Яқинда тошкентлик лицей ўқувчиси, ёш рассом Ойбек Исломов ўз асарлари билан Ҳиндистондаги Бутунжаҳон болалар санъати кўмитаси ўтказган «Шанкар» кўргазмасида иштирок этиб, Жавоҳарлаъл Неру номидаги олтин медал билан тақдирланди.

Саккиз ёшли тошкентлик ўқувчи қизимиз Диёра Ҳасанова «Болалар санъати — 2000» халқаро фестивалининг энг ёш қатнашчиси бўлишига қарамасдан, бу фестивалнинг Америка Қўшма Штатларида ўтказилган финал босқичида ўзининг юксак рассомлик истеъодини намоён қила олди. 50 га яқин мамлакат болалари расмлари орасидан у ишлаган «Ер шарида фестивалга борамиз» номи расмнинг халқаро фестивал эмблемаси сифатида танлаб олинishi ва унга Бош совриннинг берилиши ҳам фарзандларимизнинг қанчалик юксак иқтидор эгаси эканлигини кўрсатиб турибди.

Ёш истеъодларни излаб-топиш ва тарбиялаш, профессионал рассомларнинг бошини қовуштириш, уларнинг самарали ижод қилишлари учун қулай шароит яратиш, миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъатимизнинг ноёб анъаналарини бойитиш, дунёга танитиш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Бадий Академияси уч йилдан буён жиддий фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизда истеъодли рассомларнинг кўплаб кўргазмаларини ташкил этди. Ўзбек рассомчилик мактабининг бугунги ривожини дунёга кўрсатиш мақсадида Япония, Франция, Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Германия каби кўплаб мамлакатларда ўзбек рассомларининг кўргазмаларини ўтказди.

Бадий Академиянинг аъзолари томонидан катта маҳорат билан ишланган Соҳибқирон Амир Темур, Фарғоний, Жалолиддин Мангуберди, Алпомиш ҳайкаллари каби ҳайкалтарош-

лик санъатининг гўзал намуналари халқимиз миллий гурури ва ифтихорини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Туркистон миниатюра мактабининг асосчиси, буюк мусавир Камолиддин Беҳзоднинг бу йил нишонланадиган 545 йиллигига қизгин тайёргарлик олиб борилмоқда. Камолиддин Беҳзод мемориал боғини барпо этиш ишлари бошлаб юборилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш долзарб бўлиб қолаётган бир пайтда ёшлар билан якка тартибда ишни йўлга қўйиш, уларда ахлоқийлик фазилатларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Чунки азалдан одоблилик, ахлоқ инсон учун энг зарур зийнатлардан ҳисобланган. Одамзотни юксакларга кўтарадиган ҳам, унинг кадр-қимматини оширадиган ҳам ана шу ахлоқий баркамолликдир. Шу ўринда қадимги Рим файласуфларидан Эпикратнинг «барча кашфиётлар ичида гўзали яхши тарбия олган инсондир» деган ўғитини ҳаммиша ёдда тутиш ўринлидир. Ёшларда ана шундай фазилатларни тарбиялашда жойларда, мактаб ва ўқув юртларида олиб бориладиган ишга эътибор бердилар. Мактабгача тарбия муассасаларида, бошқа ўқув юртларида, меҳнат жамоаларида ва турар-жойларда махсус «Одобнома» соатлари жорий этилди. Бундан ташқари мамлакат телевиденияси ва радиоси орқали, жумҳурият газеталари саҳифаларида эса махсус «Одобнома» кўрсатув ва эшиттиришлар бериладиган, саҳифалар чиқадиган бўлди. Бу иш меҳнат ва педагогика жамоалари, ҳамда, ота-оналар кенгашларининг амалий ҳамкорлиги асосида ҳам ташкил этиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 13 июнда ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг Комплекс Дастурини қабул қилди. Унда республикада ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, ҳамда Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун шарт-шароитлар яратиш масалалари кўзда тутилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижодкор ёшларининг «Истеъдод» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон ижодкорлар жамғармаси, маданият жамғармаси ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Улар аҳоли турли табақаси интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни ўз вақтида рағбатлантириб туриш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоялаш борасида қатор тadbирларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фан-техника, санъат ва маданиятни янада ривожлантириш мақсадида қатор қарорлар қабул қилди. Айниқса, мамлакат истиқболи ва миллат келажагини таъминлаш, ҳар томонлама етуқ ёшларни тарбиялаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида 1993 йилда Улугбек номидаги Ўзбекистон Ёшлар жамғармаси таш-

кил этилди. Жамгарманинг асосий мақсади ёшларнинг интеллектуал имкониятларини янада кенгайтириш, салоҳиятли ёшлар кучини бирлаштириш, уларни асраб-авайлаш, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришга бўлган интилишларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат. Жамгарма ўз фаолияти давомида «Истеъдодларни излаймиз», «Чет элларда илм оламиз», «Чет тилларини ўрганамиз», «Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаймиз», «Телекўрсатувлар илмий тараққиёт кўмакчиси», «Ёш ишбилармонларни қўллаб-қувватлаймиз» дастурлари асосида иш олиб борди.

Ўзбекистон ҳукумати аҳоли ақлий имкониятларини кенгайтириш ва маънавий етуқлигини таъминлаш асосида мустақилликнинг соф инсонпарварлик мазмунини чуқурлаштириш ҳамда унинг жамиятнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилишига катта умид боғлаган. Шу боис амалга оширилган тадбирларга танқидий назар билан қарайди. Бой берилган имкониятлар йўл-йўлакай ўрганиб, тузатиб борилади. Ижодий ва илмий кучларга кўмаклашувчи қатор жамоат ташкилотлари фаолиятига ана шу нуқтан назардан баҳо берилди. Натижада унинг куч ва имкониятларини бирлаштириш мақсадида 1996 йил 17 апрелда ёш ижодкорларга, олимларга ва тадқиқотчиларга кўмаклашувчи, умуман ёшлар муаммолари билан шугулланувчи «Камолот» жамгармаси таъсис этилди. «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамгармаси ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатлари ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг давомчилари бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилади²³.

Истеъдодли ёшларни саралаш, танлаш ва уларга ёрдам бериб, хорижий мамлакатларда ўқиб, дунёвий тажрибаларни, жаҳон тараққиётини ўрганишлари мақсадида 1997 йил 7 январда «Умид» жамгармаси тузилди.

Албатта, ёшларни янгиланаётган демократик, инсонпарвар жамиятга муносиб қилиб тарбиялаш ўз навбатида улар ижтимоий кафолатини ҳам таъминлашни тақозо қилади. Бу борада Ўзбекистон истиқлолга эришгандан сўнг республикада ёшларнинг ижтимоий кафолати учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсат ишлаб чиқиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 20 ноябрда бўлиб ўтган сессиясида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Бу қонунда ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади белгиланиб «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устивор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижтимоий иқтисодий жамият манфаат-

лари йўлида имкон борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шароитлар яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатдир»²⁴, — дейилади. Шунингдек ушбу ҳужжатда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган ташкилий тадбирлар ҳам кўзда тутилди. Қонун эса 1992 йил 1 январдан кучга кирди. Корхона, муассаса ва ташкилотлар бу борада аниқ амалий тадбирлар белгиладилар. Республикада қонуннинг бажарилишига катта эътибор берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республика Президенти биргина 1992–1993 йилларда ёшлар ижтимоий кафолатини таъминлаш ва улар истеъдодини камол топтириш мақсадида 14 та Фармон қабул қилди. Уларда ўқувчи-ёшлар ва талабаларнинг моддий аҳволини яхшилашдан тортиб, ёшлар истеъдодини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантиришгача бўлган тадбирлар кўзда тутилди. Масалан, Президентнинг 1993 йил 5 февралда қабул қилган «Ўзбекистонда ўқувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонида «ўқувчиларнинг истеъдодларини намоён қилиш ва ижтимоий қобилиятларини ривожлантиришга, уларда мустақил Ўзбекистон фуқаросининг юксак маънавий фазилатларини шакллантиришга муҳим аҳамият бериб, охириги йил ўқиётган талабалар ва аспирантлар — бутун ўқинш давридаги аълочилар ҳамда тадқиқотчилик фаолиятини муваффақиятли амалга ошираётганлар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари таъсис этилсин»²⁵, — дейилади.

Бугунги кунда кўплаб талаба ва аспирантлар ана шундай мукофотга сазовор бўлмоқдалар. Ёшлар ижтимоий кафолатига доир жойларда маълум тажрибалар тўпланди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 йил январь ойида Ёшлар сиёсати бўйича Қонун қабул қилди. Вилоят ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1992 йил 4 декабрдаги 568 сонли Қарори асосида вилоятларда ва туманларда ёшлар ишлари бўйича ҳокимлар раислигида Кенгашлар тузилди. Ҳокимликлар томонидан давлатнинг ёшлар сиёсатини рўёбга чиқаришда бир қатор ишларни амалга оширдилар. Масалан, Тошкент вилоятида ёшлар сиёсатига оид Дастур қабул қилинди. Ёш ижодкорларнинг уй-жой шароитини яхшилаш учун ҳокимлик 82 хонали уйни ёш ижодкорларга фойдаланишга берди.

Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм, Қашқадарё, Наманган, Бухоро вилоятларида ҳам ёш ижодкорларга уй-жой берилди.

Жисмоний тарбия ва спорт

Жисмоний тарбия кишилик жамияти тарихининг барча босқичларида халқ маданиятининг таркибий ва муҳим қисми бўлиб келган. Хусусан, унга Ўзбекистон ҳудудида яшаётган халқлар маънавий ва жисмоний баркамоллик мезони сифатида қарашган. Жисмоний тарбия ва ҳарбий санъат 14-15 асрларда ҳам анча ривож топган. Амир Темур олиб борган сиёсат жамиятнинг ҳамма соҳаларида бўлгани каби жисмоний тарбиянинг моҳиятини юқори босқичга кўтарган. Темурийлар даврида ҳарбийларни жисмоний тарбиялашга алоҳида эътибор берилган. Кураш, камондан отиш, от спорти ўйинлари бўйича кўпгина мусобақалар ўтказилган.

Ўзбекистон қадимдан миллий ўйинларга бой. Айниқса, «Арғумчоқ», «Бекинмачоқ», «Қиличбозлик», «Оқ теракми-кўк терак», «Ололмайди-ё, шугинани-ё», «Тортишмачоқ», «Чиллик» ва ҳақозолар кенг тарқалган.

Лекин, Ўзбекистонда мустамлакачилик даврида жисмоний тарбия катта йўқотишларга учради. Куч, тезкорлик, чиниқиш билан бирга маънавиятни етукликка, ахлоқ ва одобни камолга етказишга эътибор сусайди. Бу маҳаллий аҳолининг жисмоний тарбиядан узоқлашишига олиб келди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида 1992 йили 14 январда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғриси»да Қонун қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамаси эса Ўзбекистонда оммавий ва профессионал футболни янада ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, футболчиларнинг янги авлодини тайёрлаш ва тарбиялаш, Ватанимиз футболнинг халқаро нуфузини ошириш мақсадида 1993 йили 18 мартда «Ўзбекистон Республикаси футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида, 1996 йил 17 январда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» махсус Қарор қабул қилди.

Мамлакатда «Соглом авлод» Давлат дастури ишлаб чиқилди ва кенг қўламда амалга оширила бошланди. Ушбу дастурга мувофиқ, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги миллий маънавиятни тиклашга катта эътибор берилди. Миллий ўйин ва спорт турлари бўйича ҳар йили мусобақалар ўтказиш одат тусига кирди.

Мустақиллик шарофати билан миллий спорт турларининг қайта тикланишига ва уларнинг спорт тури сифатида халқаро миқёсда эътироф этилишига кенг имкониятлар яратилди. 1992 йилдаёқ Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларида миллий кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Кейинчалик Миллий ку-

рашнинг унутилаёзган назарий жиҳатлари қайта тикланиб, унинг асосий қоидалари мукамал ишлаб чиқилди ва халқаро экспертлар томонидан тан олинди. Шундай қилиб миллий курашимиз халқаро спорт турларидан бирига айланди. 1999 йил 1—2 май кунлари Тошкентда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан келган спортчилари иштирокида Биринчи жаҳон чемпионати ўтказилди. Ўзбекистонлик курашчилар ушбу чемпионатнинг 3 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза, ҳаммаси бўлиб 10 та медалини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Айниқса 73 кг гача бўлган вазнда Ақобир Курбоновнинг (Бухоро ш.), 90 кг гача бўлган вазнда Камол Муродовнинг (Бухоро ш.) ва мутлақ вазн тоифасида Тоштемир Муҳаммадиевнинг (Термиз ш.) кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони бўлганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Юртбошимизнинг махсус фармони билан Халқаро «Кураш» Ассоциацияси тузилганлиги, Ислам Каримовнинг ушбу Ассоциациянинг фахрий Президенти этиб сайланганлиги миллий спорт турларига соғлом авлодни тарбияловчи асосий омиллардан бири сифатида давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилётганлигининг ёрқин намунасидир.

1992 йилдан Термиз ва Шаҳрисабз шаҳрида миллий кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказила бошланди. 1994 йилда Тошкентда Теннис саройи қурилиб, унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини» учун теннис бўйича катта халқаро мусобақа ўтказилмоқда. 1992-1996 йилларда Ўзбекистон Республикаси терма жамоалари спорт турлари бўйича бир қанча жаҳон ва Осиё чемпионатларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Жумладан, 1994 йили Ўзбекистон Республикаси спортчилари биринчи марта Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган 12-Осиё ўйинларида иштирок этдилар ва улкан муваффақиятларга эришдилар. Улар 42 медални, жумладан 10 олтин, 12 кумуш, 20 бронза медалини қўлга киритдилар. Ўзбекистон футбол терма командаси Осиё ўйинлари чемпиони бўлди. 1994 йилги қишки Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик Л.Черязова олтин медалга сазовор бўлди. Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Халқ ўйинлари» II Республика Олимпиадаси 1996 йил 10-11 майда бўлиб ўтди.

1996 йил Ўзбекистон спорти тарихида алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон бокс федерацияси спорт бўйича йўриқчиси Артур Григорян ўз вази бўйича Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб катта ютуқларга эришди. У мутлақ чемпион «Олтин камарини» қўлга киритди. Унинг спорт соҳасида ютуқлари мамлакат Президенти томонидан юксак баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ф а р м о н и

А.Р.Григорян ва В.Н. Шиини мукофотлаш тўғрисида

Республикада жисмоний тарбия ва спортини ривожлантиришдаги хизматлари, тинчлик ва барқарорлик сақланишига, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ҳамда Германияда ўтказилган профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионатида катта ютуқларга эришганликлари учун мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Григорян Артур Раммикович — Ўзбекистон бокс федерацияси спорт бўйича йуриқчиси

«Дўстлик» ордени билан

Шин Владимир Николаевич — Ўзбекистон бокс федерацияси раиси уринбосари

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 сентябрь

Умуман, Мамлакатда Ўзбекистон спорти шарафини ҳимоя қилаётганлар муносиб тақдирлана бошлади. Масалан, 1998 йил мустақиллик байрам арафасида бир гуруҳ спортчиларимизни «Ўзбекистон ифтихори» Фахрий унвони билан мукофотланганликлари фикримиз далилидир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда аҳоли билан жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишини амалга оширадиган 15085 бирламчи ташкилотлар — жисмоний тарбия жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 9501 таси умумтаълим мактабларида, 710 таси коллеж ва лицейларда, 62 олий ўқув юртларида, 4812 таси меҳнат жамоаларида, 12092 таси қишлоқ жойларида ишламоқда.

Республикада спорт-соғломлаштириш клублари сони тобора ўсиб бораёпти. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 500 дан ортиқни ташкил этади.

Республикада юқори малакали спортчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган 536 болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, 5 олимпия ўринбосарлари билим юртлари, 8 республика олий спорт маҳорати мактаблари фаолият кўрсатаёпти.

Ҳозирги пайтда республикада 6 млн. 420 минг киши жисмоний тарбия билан шуғулланади, улардан 5,5 млн. киши умумтаълим мактабларида, 390 минг киши коллежлар, лицейлар ва ўрта махсус ўқув юртларида, 82 минг киши олий ўқув юртларида, 500 минг киши меҳнат жамоаларида шуғулланади.

Жисмоний тарбия билан шуғулланувчилар сон

Худудлар	Жами	Мақтаб-ларда	Коллеж ва лицей-ларда	Ўрта махсус ўқув юртла-рида	Олий ўқув юрт-ларида	Меҳнат жамоа-ларида	Қиш-лоқ-да	Жами сондан аёллар
Қорақалпо-гистон	434915	369493	20118	13570	5379	25598	346712	178675
Андижон	560130	484129	17218	13573	5719	37600	428201	247021
Бухоро	392666	322920	15226	8181	4036	42303	315823	205117
Жиззах	248881	224265	9693	6741	3376	4660	193771	118145
Қашқадарё	574562	532230	17044	10644	2435	11521	526251	278708
Навобий	203881	180241	8838	3539	3027	8236	155808	93608
Наманган	541663	443319	17439	11508	4642	64415	433708	240006
Самарқанд	726086	643304	22814	13307	5978	40683	606028	327466
Сурхондарё	483516	432784	15962	9353	2620	22699	456092	211522
Сирдарё	189103	150797	5592	5897	1793	23822	128667	79549
Тошкент	558654	490320	13917	11452	3381	38801	431682	205066
Фарғона	655487	576252	21650	17304	8254	31194	495397	318985
Хоразм	344742	317041	17511	6474	3716	7553	299310	146578
Тошкент ш.	505737	341798	27661	27417	27722	15307		191592
Жами	6420023	5508893	230683	158960	82078	374392	4817450	2663363

Ўзбекистонда бугунги кунда 1,5 млндан ортиқ киши, шу жумладан болалар-ўсмирлар спорт мактабларида 270 минг киши 70 дан зиёд спорт тури билан шуғулланапти.

Республикада жисмоний тарбия ва спортнинг моддий бази-си муттасил мустаҳкамланиб борди. Республикада 233 стадион, 5040 спорт зали, 135 сузиш ҳавзаси, 32 865 спорт майдончаси, 4841 футбол майдони, 1883 отиш тури, 13139 волейбол, 7196 баскетбол майдончаси, 168 теннис корти, «Ёшлик» спорт аре-наси, «Пахтакор» марказий стадиони, «Юнусобод» ва «ЖАР» спорт саройлари, Теннис саройи ва бошқалар спортчилар их-тиёрида. Ўзбекистон спорти тарихида миллий олимпия Кўми-тасининг ташкил топиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1993 йилнинг сентябрида Халқаро Олимпия Кўмитасининг 101-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия Кўмитаси тўла-тўқис тан олинди. Кўмита халқаро спорт ва олимпия ҳаракатининг ривожланишига ёрдам бермоқда. У Ўзбе-кистонда олимпия гоьларини тарғиб қилиш, Олимпия ўйинла-рида республика вакиллари иштирокини таъминлаш, жаҳон спортчилари билан дўстона алоқалар ўрнатиш ва ривожланти-ришдек шарафли вазифа билан шуғулланмоқда. Миллий Олимпия Кўмитасининг 127 аъзоси, 11 фаҳрий аъзоси бор.

1996 йил январда Халқаро Олимпия Кўмитасининг қарори-га мувофиқ, жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматлари ва олимпия гоьларига садоқати учун Ўзбекистон Республикаси

Президенти И.А.Каримов Олимпия Олтин ордени билан мукофотланди.

Тошкентда 1996 йил 14 августда Олимпия музейи ташкил этилди. Уни Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти Х.А. Самаранч мамлакатимиз Президенти И.Каримов билан бирга тантанали равишда очиб берди. Х.А.Самаранчнинг Ўзбекистон спортини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳуку- матимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ф а р м о н и

**Хуан Антонио Самаранчни «Буюк хизматлари учун»
ордени билан мукофотлаш тўғрисида**

Олимпия ҳаракатини ривожлантириш, давлатлараро ҳамкорликни, тинч- лик, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги хиз- матлари ҳамда Ўзбекистон спортини қўллаб-қувватлаётгани ва унинг халқ- аро майдонда ўз ўрнини эгаллашига қўшган улкан ҳиссаси учун Халқаро Олимпия Қўмитасининг Президенти Хуан Антонио Самаранч «Буюк хиз- матлари учун» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 29 август.

**Мустақиллик йилларида халқаро майдонда йирик ғалабаларга
эришган Ўзбекистоннинг энг машҳур спортчилари**

- | | |
|----------------------------|--|
| 1. Артур Григорян | — профессионал бокс бўйича 11 карра Жаҳон чемпиони |
| 2. Лина Черязова | — фристайл бўйича Олимпия ўйинлари, Жаҳон чемпиони, Жаҳон кубоги голиби |
| 3. Маҳамматқодир Абдуллаев | — бокс бўйича Жаҳон, Осиё чем- пиони, Жаҳон кубоги ва Осиё ўйинлари голиби |
| 4. Арман Багдасаров | — дзюдо бўйича Олимпия ўйинла- рининг кумуш медали соврин- дори. 2-карра Осиё чемпиони |
| 5. Ўткирбек Хайдаров | — бокс бўйича Жаҳон чемпиони |
| 6. Шуҳрат Ходжаев | — самбо бўйича 2 карра Жаҳон чемпиони |
| 7. Карим Тўлаганов | — бокс бўйича Олимпия ўйинла- рининг бронза медали соврин- дори |
| 8. Татьяна Малинина | — муз устида нафис учиш бўйича |

- Жаҳон Кубоги ғолиби, Осиё ўйинлари чемпиони
9. Ирода Тўлаганова — теннис бўйича Уимблдон турнири, АҚШ Очiq чемпионати ғолиби, Осиё чемпиони
10. Камол Муродов — кураш бўйича Жаҳон чемпиони
11. Ақобир Қурбонov — кураш бўйича Жаҳон чемпиони, самбо бўйича Осиё чемпиони, Жаҳон Кубоги ғолиби
12. Тоштемир Муҳаммадиев — кураш бўйича Жаҳон чемпиони
13. Эркинбой Қутибоев — муай-тай бўйича 3 карра Жаҳон чемпиони
14. Олмос Юсупов — кикбоксинг бўйича 3 карра Жаҳон чемпиони
15. Отабек Қосимов — каратэ бўйича ёшлар ўртасида 3 карра Жаҳон чемпиони
16. Фатма Галиуллина — велоспорт бўйича Жаҳон чемпиони
17. Дилшод Ёрбеков — бокс бўйича Жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори, Осиё чемпиони
18. Тўлқинбой Турғунов — бокс бўйича Жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори, Осиё чемпиони
19. Фарход Тўраев — дзюдо бўйича Жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори
20. Рамиль Исломов — эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш ва бронза медаллари совриндори, Жаҳон Кубоги ғолиби, Осиё чемпиони
21. Дамир Захардинов — эркин кураш бўйича Жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори
22. Адҳам Очилов — эркин кураш бўйича Жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори, Осиё чемпиони
23. Руслан Хинчагов — эркин кураш бўйича Жаҳон чемпионатининг 2 карра бронза медали совриндори, 2 карра Осиё чемпиони
24. Элдor Нурухонов — таэквандо бўйича Жаҳон чемпиони
25. Дмитрий Ним — таэквандо бўйича Жаҳон чемпиони
26. Владислав Нам — таэквандо бўйича Жаҳон чемпиони
27. Руслан Чагаев — бокс бўйича Осиё ўйинлари ва Осий чемпиони

28. Рустам Қосимжонов — шахмат бўйича Осиё чемпиони, ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори
29. Наримон Отаев — бокс бўйича Жаҳон кубоги ғолиби, Осиё чемпиони
30. Рамил Ғаниев — енгил атлетика бўйича Осиё ўйинлари ва Осиё чемпиони, Осиё рекордчиси
31. Олег Веретельников — енгил атлетика бўйича Осиё ўйинлари ва Осиё чемпиони, Осиё рекордчиси
32. Хикматулла Аҳмедов — бокс бўйича Жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори
33. Азамат Қаландаров — каратэ бўйича Жаҳон кубоги ғолиби, Осиё чемпионати совриндори
34. Григорий Пуляев — юнон-рум кураши бўйича Жаҳон кубоги ғолиби
35. Лазизбек Зокиров — бокс бўйича Жаҳон кубоги ғолиби
36. Темур Туляков — бокс бўйича Яхши Ният ўйинлари ғолиби
37. Умиджон Аҳмедов — армрестлинг бўйича 2 карра жаҳон чемпиони
38. Маркиэль Фозилов — шашка бўйича Жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори
39. Николай Мишанский — шашка бўйича Жаҳон чемпионатининг бронза медали совриндори
40. Миржалол Қосимов — футбол бўйича ёшлар ўртасида Жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби
41. Оксана Чусовитина — спорт гимнастикаси бўйича Олимпия ўйинлари чемпиони
42. Сергей Михайлов — бокс бўйича Осиё ўйинлари ва Осиё чемпиони
43. Иван Киреев — байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Осиё ўйинларининг 3 карра ғолиби
44. Шухрат Аҳмедов — ўқ отиш бўйича Жаҳон кубоги совриндори, Осиё ўйинлари чемпиони

Энг йирик халқаро мусобақаларда медалларга сазовор бўлган Ўзбекистон спортчилари сони

Кўрсаткичлар	1990	1991	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	Жами	
медаллар												
1. Олимпия уйинлари медаллари билан тақдирланган спортчилар сони			3 2 1 МДХ тарки- бида		1		1 1				4 3 2	
жами	-	-	6	-	-	-	2	-	-	-	9	
2. Жаҳон, Осиё чемпионатлари, Осиё уйинлари медаллари билан тақдирланган спортчилар сони	5 7 4 16	7 3 8 18	10 11 10 31	13 14 11 38	22 17 28 67	12 14 9 35	15 10 19 44	23 19 19 61	31 28 33 92	42 28 26 96		180 151 167 498
жами	1	2	1	1	3	5	5	3	5	14	40	
3. Жаҳон Кубоги голлиблари сони												
4. Бошқа йирик халқаро мусобақаларда голлиб ва совринли ўринларни эгаллаган спортчилар сони	25 34 20 79	28 31 25 84	43 58 40 141	49 47 57 153	51 61 77 153	78 72 89 239	62 70 88 220	57 72 105 234	54 68 64 186	61 69 111 241		507 582 676 1766
жами	96	104	179	192	260	279	271	298	283	349	2311	
ХАММАСИ БЎЛИБ												

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Инсон ва сиёсат» журнали, 1991, 11-сон, 19-бет.
2. Уша жойда.
3. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992, 3 июль.
4. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, 15-бет.
5. Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. Т., «Ўзбекистон», 1992.
6. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1996, 16 апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жорий архиви. V сессия материаллари, 1996.
8. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. Т., «Ўзбекистон», 1992, 13-бет.
9. Каримов И. А. Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, ЎзССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида ЎзКПнинг ўрни ва мавқеи ҳақида. ЎзКП МКнинг сиёсий марузаси, 1990, 4 июнь, «Ўзбекистон», 70-бет.
10. «Халқ сўзи» газетаси, 1993, 3 июль.
11. Каримов И. А. Ўзбекистон сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқлолининг асосий тамойиллари. Т., «Ўзбекистон», 48—49-бетлар.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони нашри. Хабарнома, 2 (22)-сон, 1996, 33-бет.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг вedomостлари, 1990, 30 сентябрь, 25—27-сонлар (1174), 9-бет.
14. Йўлдошев Ж. Ўзбекистон Республикаси таълим тараққиёти йўлида. Т., «Ўқитувчи», 1994, 14-бет.
15. ЎзР Президенти девони нашри. Хабарнома, 2-сон, 1993 йил.
16. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1992, 17, 21, 24 январь.
17. «Халқ сўзи» газетаси, 1996, 27 август.
18. ЎзР Президенти девони нашри. Хабарнома, 3-сон (23), 1996, 128-бет.
19. Уша жойда.
20. «Халқ сўзи» газетаси, 1991, 18 сентябрь.
21. «Олий таълим муаммолари» журнали, 1993, 1-сон, 7-бет.
22. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992, 29 август.
23. ЎзР Президенти девони нашри. Хабарнома, 2-сон (22), 1996, 35-бет.
24. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида қонун. «Ўзбекистон овози» газетаси, 1992, 28 январь.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992—1993 йилларда қабул қилган Фармонлари.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши

1-§. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТГА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ, УНИНГ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Жаҳон амалиётидан маълумки ҳар бир мустақил давлат, айниқса мустақил тараққиёт йўлига кирган мамлакатлар, ҳеч қачон ўз қобигига ўралиб ривожланмаган. Аксинча, мустақил ривожланиш йўлини танлаши биланоқ жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш орқали ўз тақдирини белгилаган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақил давлат мақомига эга бўлиши биланоқ жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлини тутди. Бу борада мамлакатда олиб борилган амалий ишларни тасаввур қилишдан олдин ХХI аср арафасидаги ижтимоий-сиёсий жараён ва халқаро вазиятга қисқагина назар ташлаш лозим.

Маълумки, илгари жаҳонда икки қарама-қарши система — СССР ва АҚШ етакчи бўлган бир-бирига гоъвий жиҳатдан қарама-қарши икки тизим, икки блок мавжуд эди. Дунёнинг хавфсизлик тизими ҳам худди шу икки блокнинг ўзаро муҳолифлик мувозанатига асосланган эди.

1991 йилда Совет Иттифоқи тарқалиб кетгач, янги — ғоят мураккаб ва қалтис бир давр юзага келди. Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат эди.

Биринчидан, давлатлараро муносабатлар тизимидаги мувозанат бузилди. Жаҳонда сиёсий-иқтисодий бўлиниш рўй берди. Кучлар маркази илгари икки жойда бўлса, эндиликда ўз тақдирини ўзи белгилаш орқали ички имкониятларни ишга солиш, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиш зарурати туғилди.

Иккинчидан, жаҳонда мулкий тенгсизлик кучайди. Яъни sanoati ривожланган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги тафовут ва зиддиятлар кучая бошлади.

Бу ҳолат жаҳон ресурсларини тақсимлашда яққол кўринади. Яъни, табиат ресурслари аслида ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланади. Лекин sanoati юксак ривожланган мамлакатлар бу бойликларни назорат қилишни ўз қўлларига олишга интила бошладилар.

Учинчидан, дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яша-

шига бевосита хавф-хатар мавжуд бўлиб қолди. Яъни ялпи ядро уруши хавфи анча, камайган бўлса ҳам, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар таҳдиди ҳамон таҳликали ҳолатда сақланиб қолмоқда эди.

Тўртинчидан, жаҳон миқёсидаги умумий тараққиёт одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникациялар юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва унинг одамзод ҳаётига таъсири сезилди. Давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашишга интилишни кучайтирган, айни вақтда миллий хусусиятлар, анъаналар ва маънавий меросни сақлаб қолиш орқали мустақил сиёсий тамойилларни ишлаб чиқиш зарур бўлди.

Турли давлатлараро ва ҳукуматга дахли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг аҳамияти ошиб, дунё янги тизимга ўтиши даврида уларнинг фаолиятини қайта қуриш ва ислоҳ этиш эҳтиёжи тугилди.

Бу ўз навбатида нега шундай қилиш керак, деган ҳақли саволни тугдиради. Бунинг жавоби оддий: кўпчилик халқаро ташкилотларнинг фаолиятлари асосан давлатларнинг ўзаро муросасини таъминлашга қаратилган эди, холос.

Бугунги аҳвол халқаро ташкилотлардан энг йирик муаммоларга аҳамият беришни, жараёнлар ичига кириб боришни, таъсир доирасини кенгайтиришни, ҳеч бўлмаганда, ҳаммага баробар одилона ва холисона муносабатда бўлишни талаб этади.

Бешинчидан, ривожланишнинг ҳозирги босқичида ҳар қандай мамлакатнинг нуфузи, аввало, унинг энг янги технологияларни қабул қилиш ва фойдаланиш қобилиятига қараб белгиланадиган бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилинса, Ўзбекистондаги ўтиш даври бошқа ёш мустақил мамлакатларга нисбатан самаралироқ бўлди. Натижада Ўзбекистон жаҳон иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнларига тезроқ кириб борди ва ўз салоҳиятини аниқ-равшан кўрсата олди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун асосий шарт-шароитлар бу — унинг жуғрофий-сиёсий жиҳатдан қулай минтақада эканлигидир.

Маълумки, Ўзбекистон жуғрофий-сиёсий жиҳатдан анча мураккаб ва шу билан бирга қулай аҳволда. Яъни у Марказий Осиё минтақасининг транспорт, бой ҳамда мустақил энергетика омиллари марказида жойлашган.

Иккинчидан, Ўзбекистон аҳоли сони, илмий-техникавий ва бошқа имкониятлари жиҳатидан минтақадаги қўшнилардан маълум даражада устун туради.

Учинчи тарафдан, Ўзбекистон қулай табиий-иқлим шароитига эга. Бизда қадимий деҳқончилик маданияти ва бой минерал-хомашё ресурслари бор. Республика озиқ-овқат билан ўзи-

ни-ўзи таъминлашга, техника экинларининг энг қимматли турларини, жумладан пахта толаси етиштириш ва экспорт қилишга имконияти катта. Шунингдек, жаҳон бозорига юқори сифатли, экологик жиҳатдан соф, рақобатга бардошли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ҳамда уларни қайта ишланган ҳолда етказиб беришга қодир.

Тўртинчидан, давлатимиз нафақат ўзини-ўзи таъминлайдиган, балки четга чиқаришга нефть, нефть маҳсулотлари, газ ва умуман, иқтисодийнинг асоси бўлмиш муҳим тармоқларга эга. Ўзбекистонда саноатнинг энг замонавий тармоқлари, дейлик, микрорадиоэлектроника каби мураккаб соҳани ривожлантириш имкони бор.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг инсоният цивилизациясида салмоқли ўрни бор. Юртимиз маънавий меросга бой. У олдиндан нафақат минтақада, балки дунёда ҳам турли маънавий ва сиёсий жараёнларга кучли таъсир ўтказиб келган.

Шу жиҳатларни ҳисобга олсак, Ўзбекистон ўзининг барча кўрсаткичлари бўйича жаҳондаги маданий, илмий технология ва иқтисодий юксакликка эришиб, бемалол Марказий Осиёда интеграция марказига айланиши мумкин.

Албатта, бу йўлда қатор қийинчиликлар ҳам мавжуд. Булар қуйидагилар:

Биринчидан, агар жуғрофий-стратегик тарафдан олиб қарасак, Марказий Осиёда коммуникациялар номақбул ривож топгани ва унинг тармоқлари анча бузилганлигини кўрамиз.

Иккинчидан, Марказий Осиёда сув ресурслари чекланган ва Орол денгизи билан боғлиқ экологик фалокат таъсири сезилади.

Учинчидан, минтақада хавфсизлик тизими алоҳида эътиборни тақозо этади. Бу ерда атрофдаги кучли давлатлар ва сиёсий кучлар марказларининг бир-бирига мос келмайдиган таъсир этиш истаклари борлигини ҳам ҳисобга олмасдан бўлмайди.

Тўртинчидан, мусулмон дунёсидаги баъзи мамлакатларнинг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари ҳам айтиб бизнинг хотиржам бўлишимизга йўл бермайди.

Қолаверса, атрофимизда турли этник, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муаммолар ичида қолган «учинчи дунё» давлатлари ҳам мавжуд. Жумладан беқарорлик ва хавф-хатарнинг бугунги кундаги ўчоғи — Афғонистон билан Тожикистон давлатлари ҳам шу минтақада.

Баён этилган бу муаммоларни кучайтириб ва маълум даражада кўп ишларни ижобий ҳал қилишга тўсиқ бўлиб турган яна бир масала бор. Шўро тизимидан қолган мерос — бу шу минтақада Туркистон аталмиш ягона заминда яшаётган миллат ва элатларни сунъий равишда бўлиб ташлаш ва шундан фойдаланиб, ўз сиёсатини ўтказиш, уларга ҳукмронлик қилиш асоратлари ҳали-бери йўқолмаган.

XXI аср бўсағасида дунё ижтимоий-сиёсий жараёнлари тубдан ўзгарди, инсон ва инсоният, одам ва олам тақдирига дахлдорлик ҳисси тобора кучайди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги ҳар қандай зўравонликлар, тазйиқлар ва ғоявий хуружларни ақл-идрок ва очикдан-очик муносабатлар орқали ҳал этиш сари дадил қадам қўйилган давр бўлди. Ўзбекистон ёш мустақил давлат сифатида ўз мақеи ва нуфузини мустаҳкамлаш билан бирга дунё аҳлини жаҳон сиёсатини ислоҳ қилишга даъват этган давлатларидан бири бўлиб майдонга чиқди.

Географик-сиёсий ўрни жиҳатдан Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашганлиги айни ана шу минтақада барқарорликни таъминлаш, ўзаро ҳамкорлик ва биродарликни чуқурлаштириш учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилди. Мустақилликнинг қисқа даврида у ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қудратини тўла-тўкис кўрсата олди. Айни ана шу минтақа тақдирини ҳал қилишга қодир бўлган кучли давлат сифатида ўзини намоён этди.

Биргина бу эмас: Ўзбекистон Осиё ва Европа қитъалари ўртасида муносабатларни мувофиқлаштирувчи, сиёсий иқлимни мўътадиллаштирувчи Фарбу Шарқ ўртасидаги азалий рақобатни ақл-идрок, донолик, тафаккурга асосланган мунозаралар ва музокаралар орқали уйғунлаштиришга даъват этган ягона давлат бўлиб майдонга чиқди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон муаммолари билан бирга Россия ва умуман Европа мамлакатлари муносабатларини маълум бир ўзанга солишга даъват қилаётган, уни ўзининг амалий фаолияти билан яхшилик сари бураётган давлатдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов дунё муаммоларини ҳал қилишнинг энг инсонпарвар, энг адолатпарвар тамойилларини ўртага ташлар экан, у минтақавий можаролар ва қўшни мамлакатларни ўзаро келишмовчилик муаммоларидан тортиб бутун ер шари ва инсоният тақдирига дахлдор бўлган жуда улкан масалаларни ўртага ташламоқда. Бу айниқса, халқаро терроризм ва нарқобизнес, диний ақидапарастлик ва экстремизм билан боғлиқ бўлган муаммолардир. Айни ана шу муаммолар бугун дунё аҳли ҳаётига таҳдид солаётган энг оғир фожиа эканлигини, у билан муроса қилиб бўлмаслигини, бу иллатларни барбод қилишда жуда катта қатъият, сиёсий ирода ва ички қудрат кераклигини Ўзбекистон ўз тимсолида кўрсатди.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобида ва Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг биринчи қақриқ XIV сессиясида қилган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузасида худди ана шу муаммоларни кескин қилиб қўйди. Халқаро тер-

роризм ва наркобизнеснинг ўзаро узвийлиги, бир-бирига боғлиқлиги, унинг тарқалишига баъзан диний ниқоблардан фойдаланилаётганлиги, натижада диний ақидапарастлик ва экстремизмнинг ривожланиб бораётганлиги илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган. Ўзбекистон раҳбарининг ана шу ҳар икки асари давлатимизнинг янги юз йиллик ва янги минг йилликдаги сиёсий стратегиясини белгилайди. Мазкур китобнинг дунёнинг бир неча ўнлаб мамлакатларида таржима қилиб босилганлиги, жаҳон сиёсатдонлари ва давлат арбобларининг бу китобда қўтарилган масалаларга берган юсак баҳолари, жаҳон жамоатчилигининг катта қизиқиш билан унга қараётганлиги фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги ютуқлардан муҳими, унинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олгандир.

1991 йил 31 августда Олий Кенгаш VI сессиясида қабул қилинган «Мустақиллик ҳақидаги Баёнот»да Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги йўли аниқ қилиб белгиланган эди. Жумладан унда: «Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг мақсадлари мустақкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол-яроғлардан холи қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиққа йўл қўймасликдан иборат»¹ — деб қайд қилинди.

Орадан маълум муддат ўтгандан сўнг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясида бу йўл яна бир бор таъкидланиб давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий қоидалари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди. «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тинчлиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин», — дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида.

Мамлакат ташқи сиёсатига доир бундай қоидалар Президент И.А.Каримовнинг нутқ, мақола ва рисоаларида янада ойдинлаштирилди. У ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва

тараққиёт йўли» номли асариди: «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва гоят муҳим воситасидир»² — деб алоҳида уқтирди.

Ҳукуматимиз ўзининг ташқи сиёсатида мана шу кўрсатмаларга амал қилиб келди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасида тутган йўли давлатимиз бирон бир буюк давлат таъсир доирасига тушиб қолмаслиги, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик мафқуравий қарашлардан қатъий назар ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик тамойилини рўёбга чиқариш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари ва мезонларига асосланади.

1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи бор халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Бу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин олишида катта аҳамиятга эга бўлди. Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақариш, Тожикистон ва Афғонистон можаролари, нарқобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди.

Ўзбекистон Президентининг асосли мулоҳазалари бу нуфузли ташкилот томонидан инобатга олиниб, 1993 йил февраль ойида Тошкентда БМТ ваколатхонаси таъсис этилиб, иш бошлади. Холид Малик БМТнинг Ўзбекистондаги вакили қилиб юборилди.

Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республикада БМТнинг тараққиёт Дастури, Саноат тараққиёти Дастури, қочоқлар иши бўйича вакиллари Олий Комиссари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиш жамғармаси, Наркотикларни назорат қилиш бўйича Дастур, Болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон 1992 йил февраль ойида дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта тадбирларни амалга ошираётган нуфузли халқаро ташкилот — Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига (ЕХХТ) аъзо бўлиб кирди. И.Каримовнинг 1992 йил 9—10 июлда бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг мажлиси-

да иштирок этиши, нутқ сўзлаши ва унинг 10 июлда бўлган мажлисига раислик қилиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига муваффақиятли кириб бораётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тинчликсевар сиёсат ўтказиши учун кенг имкониятлар вужудга келди. 1993 йил сентябрда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-сессиясида Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг иштироки ва унда қилган маърузаси Ўзбекистонни жаҳонга кўҳна ва навқирон давлат сифатида танитди.

Ўзбекистон жаҳондаги 105 мамлакатни бирлаштирувчи қўшилмаслик ҳаракатига қабул қилинди. Бўлғуси жаҳон Парламентининг тимсоли бўлмиш Парламентлараро Иттифоққа кирди.

Мамлакатимиз Парламентлараро Иттифоқнинг 93- ва 94-конференцияларида ҳамда ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган сессиясида мунтазам қатнашмоқда. Олий Мажлис Раиси ЕХХТ Парламент Ассамблеясининг Вице-президенти этиб сайланди. Ана шу ва бошқа халқаро анжуманларда Ўзбекистон вакиллари маъруза ва ахборотлар билан чиқдилар, қатор таклифларни ўртага ташладилар. Шу тариқа республика Парламенти аъзоларининг овози халқаро майдонда баралла янграмоқда. Давлатимизнинг обрў-эътибори мустаҳкамланиб, халқаро миқёсда тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

Мустақилликнинг илк давларидаёқ Олий Мажлис Раиси Э.Х.Халиловнинг Австрия, Германия, Испания, Швейцария, Бельгия, Болгария, Покистон, Туркия, Жанубий Корея ва бошқа бир қанча мамлакатларнинг давлат бошлиқлари, парламент ва ваколатхоналар бошлиқлари билан учрашувлари бўлиб ўтди. Олий Мажлисида ўн учта парламент делегацияси, шу жумладан ГФР, Япония, Қувайт, Литва, Латвия, Покистон, Болгария ва Туркия мамлакатларининг парламент делегациялари, Швейцария, Хитой, ГФР ва Литванинг расмий ҳукумат делегациялари, турли халқаро ташкилотларнинг ўн уч нафар вакили, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчилари ва элчихоналари ҳамда ваколатхоналари ходимларидан 28 киши, шу жумладан, Франция, ГФР, Жанубий Корея, АҚШ, Россия, Покистон, Туркия, Буюк Британия, Швеция, Ҳиндистон намояндлари қабул қилинди. Ўз навбатида Ўзбекистон парламенти аъзоларининг делегациялари бир қанча давлатларда, шу жумладан, АҚШ, ГФР, Туркия каби мамлакатларда бўлишди.

Ўзбекистон Республикаси бир қатор ихтисослашган нуфузли халқаро иқтисодий, илмий-техника ва маданий ташкилотлар — Жаҳон иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон Банки, Халқаро валюта жамғармаси, Европада тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро почта иттифоқи, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро Олимпия Кўми-

таси, Осиё ва Тинч океан ҳавзаси бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссия, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Божхоналар ҳамкорлиги Кенгаши, БМТнинг таълим, фан ва маданият бўйича Қўмитаси (ЮНЕСКО) ва бошқа ташкилотлар аъзосидир.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида кўплаб халқаро Конвенцияларга ва БМТ, ЕХХТ, ХМТ кабиларнинг протоколларига қўшилди. Шу йиллар мобайнида Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида аввало жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлар билан ўзаро муносабатларини ривожлантиришга катта аҳамият берди. АҚШ, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Туркия ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатлар билан ўрнатилган алоқалар ўз натижаларини бера бошлади. Туркия билан абадий дўстлик шартномаси Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги ўзига хос янгиликдир.

1995 йил 15—16 сентябрда Тошкентда Марказий Осиё Хавфсизлик ва Ҳамкорлик масалаларига бағишланган семинар Кенгаши бўлди. Бу Кенгашда иштирок этиш учун 31 мамлакат, 6 Халқаро Ташкилотлар вакиллари қатнашдилар. Минтақа хавфсизлиги ва можароларнинг олдини олиш масалалари кўриб чиқилди.

1995 йил, октябрда нишонланган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги ва унинг юбилей сессияси Ўзбекистоннинг халқаро сиёсат борасидаги янгидан-янги имкониятларини кўрсатишга шароит яратди. Президент И.Каримовнинг ана шу мўътабар минбардан туриб сўзлаган ниҳоятда қисқа ва лўнда нутқи жаҳон ҳамжамиятининг тамойилга айланган қарашларини ўзгартиришга, халқаро ташкилотлар фаолиятини янги-ча шакл ва мазмун билан бойитишга ўзига хос таъсир кўрсатди. Жумладан, у мамлакатлараро, минтақалараро ва қитъалараро муносабатларни чуқурлаштириш, ҳар бир минтақада вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришидан олдиндан огоҳ бўлиш, уларни ўз вақтида ўрганиш ва зарур хулосаларга келиш, шу асосда умумбашарий муаммоларни чигаллаштирмасдан ҳал этиш масалаларини кўтарди.

Мавзуга доир материал

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноби олийларига*

Муҳтарам Президент жаноблари!

Сиз билан вице-президент А. Гор ўртасида гоёат фойдали суҳбат бўлиб ўтгани менга маълум. Сизнинг Кушма Штатлар билан яқин алоқада мустақил, ишончли ва равнақ топувчи мамлакатни барпо этиш учун фаол ишлашга тайёр эканингиз бизда катта таассурот қолдирди. Вазир У. Перри

ҳам шу йил апрель ойида Ўзбекистонга сафаридан кейин менга худди шундай зур таассурот олганини айтган эди. Унинг фикрича, мудофаани анча фойдали тижорат фаолиятига — конверсиялашга интилаётган Ўзбекистон корхоналари билан биргаликдаги ҳамкорлик аниқ бир йўл—ислохотларни амалга ошириш ва алоқаларимизни чуқурлаштириш борасидаги Сизнинг куч-гайратларингизни қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Мен савдо вазири уринбосари Перри Картер, чет элларда хусусий сармоялар буйича корпорациянинг (ОПИК) вице-президенти Дениэл Риордан ҳамда Мудофаа вазирлигининг бош маслаҳатчиси Жефри Мур раҳбарлигидаги мудофаа саноатини конверсиялаш буйича делегацияни Америка савдо-саноат доираларининг юқори мартабали 16 вакили билан бирга ана шу мақсадларга эришишда ёрдам бериш учун юборяпман. АҚШ ҳукуматининг учта Маҳкамаси қатнашаётгани тўсиқларни бартараф этишда, амалий ҳамкорликни ривожлантиришда ва конверсиянинг муваффақиятли утишида бирга ишлаш борасидаги мажбуриятимиз жиддийлигини тасдиқлайди. Сизнинг мададингиз ва иштирокингиз мана шу куч-гайратларда ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мазкур делегацияда Америка бизнесининг иштироки тўғрисида бир неча оғиз сўз айтишга ижозат бергайсиз. Ўзбекистоннинг ишончли шерик сифатидаги обрўси, унинг табиий ресурсларга бойлиги ва юқори малакали ишчи кучини етказиб бера олиши Америкадаги энг яхши компаниялар раҳбарларининг эътиборини мана шу сафарда қатнашишга жалб этди. Сафар мудофаа саноатини конверсиялаш буйича лойиҳаларни муҳокама этиш учун Сизнинг расмий вакилларингиз ва корхоналарнинг раҳбарлари билан учрашиш ҳамда Ўзбекистоннинг имкониятларини илк манбадан биллиб олиш ажойиб имконини яратади.

Умид қиламанки, бу учрашувлар мамлакатларимизнинг иқтисодий фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшади, халқларимиз ўртасидаги савдо алоқаларини чуқурлаштиради ва ўртамиздаги муносабатларни тараққий эттиради.

Самимият билан,

*Билл Клинтон,
АҚШ Президенти.*

«Халқ сўзи» 8 декабрь, 1995 йил.

Нотиқнинг асосли ва аҳамияти жиҳатидан долзарб нутқни замин ва замон тақдирига, оламу одамлар ташвишига дахлдор бўлган ҳар бир сиёсий арбоб, ҳар бир давлат раҳбари ва айниқса, халқаро ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, уларни ҳушёрликка чақириш, оламга сергакроқ ва тийракроқ қараш зарурлигига диққатни қаратади.

Дарҳақиқат, XXI аср ҳар бир давлат раҳбарининг фақат ўз мамлақати ва халқи доирасида ўйлаши каби ҳодисаларни унчалик ҳам хуш кўрмайди. Янги юз йиллик ўз табиати ва эҳтиёжига кўра энди тор «маҳаллий» доиралардан кенг дунёвий майдонга чиқишни, мамлакатнинг кундалик ташвишларига ўрала-

шиб қолмасдан, олам минбарларидан туриб дунё кенгликлари-га назар ташлашни ва шу асосда умумбашарий муаммолар ҳамда халқаро масалаларни ҳал этишнинг умуминсоний ва Ер куррасининг истиқболига дахлдор бўлган кенг миқёсли фикрлаш тарзини тақозо этади. Буларнинг бари янги дунёнинг ва янги юз йилликнинг жаҳон сиёсатига олиб кираётган ғоят инсонпарвар, ҳаётий ва эзуликка таянган, дунё сиёсатининг янги маданият даражасини белгилайдиган омиллардир.

Президент Ислом Каримов дунёвий жараёнларни доимий равишда кузатади. Улис истиқболга катта умид ва ишонч билан қарайди. Айни пайтда юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини, уларнинг келиб чиқиш манбаларини анча олдиндан кузатади ва уларнинг натижаларини, салбий ё ижобий хулосаларини кўплардан олдинроқ илғайди, олдинроқ қарорга келади. Буларнинг бари унинг кенг қамровли тафаккур эгаси эканлигини, воқеаларга донишмандлик билан ёндашишини яққолроқ кўрсатади.

Ўзбекистон раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида кўтарган долзарб масалалари бутун жаҳон сиёсатдонлари ва улкан давлат арбобларини жиддийроқ ўйлашга, масалалар моҳиятини анча чуқурроқ англашга, янги аср остонасида туриб, юз йилликлар ортини ёрқинроқ ва равшанроқ кўришга даъват этаётгани бежиз эмас. Президент И.Каримов бу улкан минбардан туриб, биринчидан, давлат арбоблари ва сиёсатдонлар диққатини миллий хавфсизлик масаласини ҳозирги замон талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назардан қайтадан кўриб чиқишга қаратди. Чунки ҳозиргача Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлган беш давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига кирган 187 давлат ташвишларини, уларнинг муаммолари ва тақдирини ҳал этишга қодир эмаслигини, кенг дунёнинг бир-бирига ўхшамаган, бир-бирини такрорламайдиган ва ҳатто бир-бирига зид муаммоларининг барчасини қамраб олишга кучи етмаслигини, бу кенг миқёсли ишга қодир эмаслигини кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолари доирасини, уларнинг фаолият майдонини кенгайтириш ва мазмунини чуқурлаштириш зарур эканлигига ҳамжамият аъзоларининг эътиборини қаратмоқда. Ана шу кенгаш аъзолигига Япония ва Германия мамлакатларини ҳам кўшиш зарурлигини айтди ва уларнинг номзодини кўрсатди.

Ҳақли савол туғилади. «Нима учун айнан шу икки мамлакат аъзо бўлиши керак?» Президент И.Каримов буни аниқ далиллар билан асослаб берди. Жумладан, Япония фан-техника тараққиёти, жаҳон сиёсатида тутган ўрни, дунё ривожланишидаги мавқеи, ишлаб чиқариш имкониятлари ва меҳнат ресурслари жиҳатидан аллақачон XXI асрга қадам қўйгани ва ана

шундай илғор давлат дунё муаммоларини ҳал этишга сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қодир эканлигини кўрсатиб берди.

Германия эса, икки қарама-қарши дунё — Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси бирлашганидан сўнг бу мамлакат ижтимоий-сиёсий муҳитида туб сифат ўзгариши юз берганида жаҳон сиёсатида ҳам янги-ча, ёқимли «об-ҳаво» иқлимини яратгани билан алоҳида қадрланади. Бу мамлакатдаги мавжуд юксак ишлаб чиқариш маданиятидан тортиб, улкан халқнинг улкан анъаналари, жаҳон тараққиётида тутган ўрни, тобора ошиб бораётган халқаро обрў-эътибори, дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларининг такомиллашиб боришида кўшаётган ҳиссасигача бўлган имкониятларидан келиб чиқиб баҳоланса, у айтилиши мумкин Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлиши керак эканлиги кўзга яққолроқ ташланади.

Президент И.Каримов кўтарган иккинчи масала Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби ваколатларини кенгайтириш, унинг жаҳон мамлакатлари тараққиётига кўшадиган ҳиссасидан келиб чиқиб, ўз мақомини кучайтириш масаласидир. Бош қотибга кўпроқ имконият берилса унинг дунёвий муаммоларга кўпроқ аралашиб, самарали ишлашига шароит яратилади. Масалаларни ҳал этишда халқаро ташкилотлар мавқеини кучайтириш мамлакатлар ўртасида пайдо бўладиган айрим келишмовчиликларга Бош қотиб таъсирини кучайтириш, уларни умуминсоний ва умумжаҳон манфаатлари томонга буриб юборишдаги ролини оширади. Оила бошлиғи қанчалик катта имкониятга эга бўлса, моддий ва маънавий жиҳатдан мустақкам бўлса, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан ваколатлари кенг бўлса оилада барқарорлик, тинчлик, фаровонлик таъминланиши шубҳасиз. Ягона замин, ягона макон ҳаммамиз учун нажо майдони. Унинг қайсидир бурчагида тутун бурқсиши ёки қон тўкилиши бошқа бирон бир бурчагида тинчликни кафолатлай олмаслигини чуқуроқ англаган ва ҳаммадан олдинроқ сезган Президент И.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибига — улкан дунёвий оила бошлиғига ана шундай кенг имконият бериш масаласини кўнданг қўйди.

Учинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти беш миллиарддан ортиқ аҳолининг бутун ташвишини назоратга олиши анча мураккаб иш. Бу осонлик билан кўчмайди. Бунинг учун қатор мамлакатлараро ва минтақалараро фаолият кўрсатётган халқаро ташкилотлар мақомини бир оз ўзгартириб, уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасига киритиш зарур. Ана шунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумий фаолият майдони янада кенгайди, у шуғулланадиган масалалар

конкретлашади. Жойларда унга бўйсунувчи халқаро ташкилотларнинг минтақавий муаммолар ва мамлакатлараро муносабатларда юз бераётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имконияти туғилади. БМТнинг турли минтақалардаги, жумладан, Марказий Осиёдаги ваколатхоналари имкониятларини кенгайтириш уларнинг мақомини ошириш зарурати ҳақида гапирар экан, Президент И.Каримов «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қаерда? Америкада, Нью-Йоркда жойлашган. Ўзбекистон қаерда? Марказий Осиёда! Шунинг учун бу ердаги ташкилотнинг таркиби, албатта кенгроқ бўлиши керак. Унга ҳали кўпроқ ҳуқуқ бериш ва иқтисодий нуқтаи-назардан имкониятларини кенгайтириш керак»¹ — дейди, Ўзбекистон телевидениеси мухбири саволларига жавоб бера туриб.

Айни пайтда турли минтақаларда, турли доираларда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар анча-мунча. Жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, араб давлатларида Ислом Ташкилоти, Жанубий-Шарқий Осиёда Тинч океани минтақаси давлатларининг Кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Яна бир қанча иқтисодий, ижтимоий, экологик ва ҳуқуқий доирада иш олиб бораётган халқаро ташкилотлар мавжудки, ана шуларнинг ҳаммасини бирлаштириб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасига киритиш, халқаро ташкилотлар ягона тизимини вужудга келтириш XXI аср тақдирини белгилайдиган муҳим омил эканлигини кўрсатиб берди.

Мавзуга доир материал

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Абдуганиевич Каримов
жаноби олийларига*

Мухтарам Президент жаноблари!

Минтақангизда тинчлик ва хавфсизлик ҳамда уни иқтисодий ривожлантириш муаммолари, шунингдек, бу соҳаларда ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистоннинг тутган ўрни хусусида фикрлашувимизни давом эттириш учун БМТ тараққиёт дастури маъмури Густав Снетнинг мамлакатингизга ташрифидан фойдаланиб, Сизга куйидагиларни баён қилмоқчиман.

Аввало, Сизга шу йилнинг бошида Копенгагенда бўлиб ўтган ижтимоий тараққиёт масалалари бўйича олий даражадаги учрашувда қатнашганингиз учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганининг эллик йиллиги байрами муносабати билан октябрь ойида Нью-Йоркда Сиз билан бўладиган учрашувни сабрсизлик билан кутаман.

Сизнинг Марказий Осиё хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича доимий

семинар ташкил этишга доир ташаббусингизни минтақадаги тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган муҳим ва ижобий ҳисса деб биламан. Семинар тобора ривожланиб, минтақада можароларнинг олдини оладиган сиёсий чораларнинг таъсирчан доирасини барпо этишда ёрдам берган ва шу тариқа, БМТнинг бу соҳадаги сазой-ҳаракатларига кўшимча куч-қувват бағишлаган бўлур эди.

Мен Ўзбекистон ва унинг қўшнилари — Қозоғистон ҳамда Қирғизистоннинг шу мамлакатларнинг ҳарбий ходимларидан иборат бўлган ва БМТнинг тинчликсевар операцияларини қўллаб-қувватлаш мақсадларига хизмат қиладиган қўшма органини тузиш гоёсини табриклайман. Бу орган бош котиб тасарруфидаги воситалар захирасини яна бир қимматли восита билан тўлдирган бўлур эди.

Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятнинг беқарорлиги ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Мен бу мамлакатлардаги можароларни тинч ҳал этиш йўлларини излашда Ўзбекистоннинг мустаҳкам ҳамкорлигини жуда қадрлайман. Шунингдек, мен Сиз ҳамда бошқа мамлакатлар ҳукуматлари Тожикистонга бераётган эзгулик ёрдамини юқори баҳолайман.

Президент жаноблари, бу хавfli можароларни сиёсий воситалар орқали ҳал этишда Ўзбекистон ҳукуматининг халқаро ташкилотлар билан узоқ ҳамкорлик қилишига ишончим комил.

Пировардида Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар дастури муҳимлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Жаноб Снетнинг ташрифи бу дастурни амалга оширишда, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг бошқа соҳаларида БМТ ташкилотларининг Сизнинг ҳукуматингиз билан ҳамкорлик қилишга қатъий ният қилганини тасдиқлайди.

Президент жаноблари, Сизга бўлган камоли эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Самимий истаклар ила,

1995 йил 26 июль.

Бутрос Фолий,
БМТ Бош котиби.

«Халқ сўзи» 16 август, 1995 йил.

Албатта, Ўзбекистон раҳбарининг БМТ фаолиятини яна ҳам жонлаштириш, унинг ер юзиде тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни кучайтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини оширишга қаратилган амалий таклифлари ҳам-жамиятга аъзо бўлган давлатларнинг вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотди. Чунки, кейинги пайтда БМТ тизимида ислохотлар ўтказиш лозимлиги ҳақида кўп гап-сўз бўлаяпти-ю, аммо бирор бир мақбул таклиф, режани ҳеч ким кўтариб чиқмаган эди. Шу боисдан ҳам жаҳоннинг кўп минтақаларида юз бераётган қуролли тўқнашувларни тугатишда БМТнинг роли сезилмаяпти. Айниқса, Европанинг марказидаги, Босния — Герцоговинадаги қонли фожиаларнинг узоқ давом этиши БМТнинг нуфу-

зини анча тушириб юборди. Ана шу нуқтаи назардан олганда И.Каримовнинг таклифлари катта аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати халқаро жа- раёнда маълум салмоққа эга бўлиб, нуфузи тобора ортиб борди. Айниқса, 1996 йилда бу борада катта муваффақиятларга эри- шилди. 21—22 июнь кунлари Италия Республикасининг Фло- ренция шаҳридаги «Фортецца де бассо» қалъасида Европа Ит- тифоқига (ЕИ) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқла- рининг навбатдаги учрашуви — Саммит бўлиб ўтди.

Унда мазкур Иттифоқ билан Ўзбекистон ўртасида шерик- лик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу айтиш мум- кинки республика сиёсий ҳаётида тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирокида имзоланган бу битим нафа- қат гарбий Европа мамлакатлари билан республикамиз ўртаси- даги алоқалар равнақининг муҳим ҳуқуқий асоси, балки, Ўзбе- кистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий, ижти- мой ўзгаришларнинг тан олинishi ва ёш мустақил давлат мустақиллигининг халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қув- ватланишидир.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ташқи сиёсатимиз- нинг устивор йўналишлари бўлмиш дунё сиёсати ва иқтисоди- ётига интеграцияланиш учун муҳим пойдевор яратилаётгани- дан далолат беради.

Ислом Каримов эришилган битимни Ўзбекистон ва Евро- па Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда «янги турмуш нуқта- си» деб баҳолади.

Ўзбекистон ўз тараққиётида, шунингдек, ташқи сиёсий ало- қаларида Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорликка катта эътибор берди. Мустақиллик йилларида икки мамлакат ўртаси- даги сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳалардаги ҳамкорлик алоқа- лари ўзининг ривожланиш босқичига чиққан. Бу борада 1992 йилда Тошкент ва Вашингтонда элчихоналар очилиши, 1995 йилнинг апрель ойида АҚШ мудофаа вазири Уильям Перрининг юртимизга сафари, шундан сўнг Ўзбекистон Мудофаа вазири- нинг АҚШдаги учрашувларини ва ўтган йилнинг август ойидаги мамлакатимиз Куролли Кучларининг алоҳида взводи Америка томони ҳамкорлигида Луизиана штатида жойлашган Форт-Полк ҳарбий истеҳкомида ўтказган НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳам- корлик» дастури доирасидаги ҳарбий ўқув машғулотларини, шу- нингдек, 1995 йилнинг октябрь ойида мамлакатимиз Президенти билан АҚШ вице-президенти Альберт Горр ўртасида Оқ уйда бўлиб ўтган учрашувларни алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Ўзбекистонда 1996 йил бошларигача америкалик сармоя- дорлар иштирокида 200 та ўзбек-америка қўшма корхоналари ташкил топди ва фаолият кўрсатди. Булар орасида Навоий ви-

лояти Зарафшон водийсидаги Мурунтовлда АҚШнинг Ньюмонт Майнинг Корпорацияси билан ҳамкорликда тоғ жинсларидан олтин ва кумуш ажратиб олувчи қўшма корхонаси бор. Американинг 28 та компания, фирма ва банки Тошкентда ўз ваколатхоналарини очган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1996 йил 23—28 июнь кунлари Америка Қўшма Штатларига расмий ташриф билан борди. 25 июнь куни И.Каримов АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди. Бу учрашув икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ривожиди, мустақил мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти интеграциялашуви йўлида ва, айтиш мумкинки, минтақа тараққиётида улкан имкониятлар кашф этди.

Мавзуга доир материал

Клинтон АҚШ ва Ўзбекистон алоқалари хусусида

26 июнь куни Оқ уйда Президент Ислом Каримов билан бўлган учрашувимиз икки томонлама мустаҳкам муносабатларнинг ривожланишига янгича куч берди ва мен Америка халқи номидан Президент Ислом Каримовга ва Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни билдираман.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, демократик тараққиёт ва гуллаб яшнашидан тўғридан-тўғри ва моддий манфаатдордир. Биз Ўзбекистонни Ўрта Осиёдаги етакчи давлат деб биламиз, чунки у — бозор муносабатлари тараққиёти ва ҳамкорликнинг минтақада ҳаракатлантирувчи омили бўлишга қодир имкониятга эга мамлакат. Шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни Евроосиёдаги сиёсатимизнинг энг муҳим қисми сифатида кўзда тутамиз.

Икки томон ҳам турли масалаларда ҳамкорлигимиздан келиб чиқадиган ютуқларни юқори баҳолайди. Биз Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ҳурматга сазовор бўлган очиқ жамият қуриш йўлида яқинда кўйган ижобий қадамларини маъқуллаймиз. Демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ҳаракатлар барқарорлик ва иқтисодий фаровонликни таъминлайди. Бу ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Биз бундан кейин ҳам мана шу жараёни қўллаб-қувватлаш истагидамиз.

Биз хавфсизлик соҳасида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама, масалан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида алоқаларимиз ривожланиб бораётганидан хурсандмиз. Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Қирғизистон билан биргаликда Ўрта Осиё тинчлик батальонини тузишда иштирок этиши сизнинг мамлакатингизга нисбатан бу ерда ишонч-эътиборни оширди. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорлик тарафдори эканлигидан далолат беради, деб ҳисоблаймиз ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг келгуси машқларида Ўзбекистон билан яқин алоқаларни давом эттиришга интиламиз.

Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги минтақавий масалалар бўйича яқин ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Мамлакатингиз раҳбариятининг Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлашни кўзда тутган амалий ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз ва Афғонистонда бошланган фуқаролар уруши мазкур таклифи илгари суриш билан боғлиқ бизнинг ҳаракатларимизга қандай таъсир этиши мумкинлиги хусусида Хавфсизлик Кенгашининг бошқа аъзолари билан ўтказажак маслаҳатлашувларимиз натижаларидан сизларни хабардор этиб тураемиз. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишларимиз доирасида Ўзбекистон билан янада яқинроқ маслаҳатлашувлар ўтказиш тарафдоримиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 51-сессияси олдидан биз барча масалаларда Ўзбекистон билан бундан ҳам қалин алоқаларни йўлга қўйишга ҳаракат қилаемиз.

Мен, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида барқарор савдо ва инвестиция алоқаларининг муҳимлигини таъкидламоқчиман. Америка Қўшма Штатлари Умумжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга интилаётган Ўзбекистон билан узаро мустаҳкам ҳамкорликни давом эттиришга тайёр. Биз бугунги Америка сармояларининг муваффақиятини, шу жумладан, энергетика ва тоғ-кон саноатидаги муваффақиятларни ҳар икки томонлама муносабатларимиз ривожининг ёрқин намойиши деб ҳисоблаймиз ва инвестиция шарт-шароитлари янада яхшиланишига катта иштиёқ билдираемиз.

«Тошкент ҳақиқати», 1996 йил 30 июнь

Аниқроғи, мазкур сафар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги, сиёсий, иқтисодий ва инсонпарвар алоқаларни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. «Айниқса, Ислом Каримовнинг Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашувини алоҳида таъкидламоқ лозим», — дейди АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Стенли Эскудеро.

Мазкур учрашув икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бораётганининг далилидир. Президентлар сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик соҳаларида ҳамкорликнинг ҳал қилувчи масалаларини, шунингдек, Марказий Осиёдаги вазиятга доир бир қатор масалаларни муҳокама қилдилар. Унда Билл Клинтон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг етакчи ўринда турганлигини эътироф этиб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятида эканлигини алоҳида таъкидлади.

**Америка Қўшма Штатлари Президенти
Билл Уильям Ж. Клинтон жаноби олийларига**

Жаноб Президент!

Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номидан Сизни, барча Америка халқини тарихий Мустақиллик куни билан табриклаш имкониятидан бахтиёрман.

Биз Америка Қўшма Штатларининг буюк ютуқларга эга бўлган мамлакат сифатида ёш мустақил давлатларга демократик анъаналар ва бозор иқтисодиётини ривожлантиришда бераётган техникавий ва инсонпарварлик ёрдамини юксак баҳолаймиз.

Ўзбекистон — жаҳон цивилизациясининг қадимий марказларидан бири — уз маънавий қайта тикланишида чинакам озодлик ва демократик қадриятларига интилоқда. Истиқлолга эришган республикамиз ҳуқуқий ва дунёвий жамият қуриш, очиқ иқтисодиётни шакллантириш йулидан бормоқда. Бунда биз бошқа мамлакатлар тажрибасига, жумладан, АҚШ давлат тараққиётига катта эътибор билан қарамоқдамиз. Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари каби терроризм ва экстремизмнинг ҳар қандай шакллари кескин қораламоқда, халқаро келишмовчиликларнинг тинч-тоғув йул билан ҳал қилинишини қўллаб-қувватламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳукумати халқаро мезонлар асосида мамлакатларимиз ўртасида дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш муддаосида эканини таъкидлашни истардим. Биз халқларимиз бир-бири билан яхшироқ танишиши, кенг қўламда билим, тажриба ва юқори даражадаги расмий делегациялар билан доимий тарзда алмашиб туриши тарафдоримиз.

Америка халқига тараққиёт ва равнақ тилаб энг яхши истакларимни йўллашдан ниҳоятда мамнунман.

*Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти*

1997 йил 5 февраль куни Президент И. Каримов АҚШ давлат котибини қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, жумладан, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Улкан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий техник, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган жаҳоннинг етакчи давлати Америка Қўшма Штатлари билан узоқ муддатли ва кенг қўламда муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон учун ташқи сиёсатнинг устувор стратегик йўналишидир.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг АҚШ билан ташқи савдо муносабатлари ортиб бормоқда. Масалан, 1998 йилда Ўзбекистондан АҚШга 63.6 млн. долларлик маҳсулот чиқарилган бўлса, шу давр мобайнида АҚШдан 242.9 млн. долларлик маҳсулот импорт қилиб олинди.

Ўзбекистон Европадаги ривожланган мамлакатлар билан алоқалар ўрнатилшига жиддий эътибор берди. Хусусан, Президент И. Каримовнинг 1994—1996 йиллардаги ГФР, Франция, Буюк Британияга ташрифлари туфайли Европага йул очилди. Бу мамлакатлар билан иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар кенгайди.

1999 йил май ойида Болгария Президенти Петр Стоянов расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Шу куни шаҳар ташқарисидаги Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Илом Каримов билан Болгария Президенти Петр Стояновнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда халқаро ҳаётдаги долзарб воқеалар, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президентларнинг ўзаро мулоқоти охирига етгач, икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокараларда асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига қаратилди. Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаат кўради, — деди Ўзбекистон Президенти Илом Каримов. — Жаноб Петр Стояновнинг Болгария раҳбари сифатида Марказий Осиё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонга расмий ташриф билан келгани ҳам бежиз эмас. Шу ўринда бир гапни айтиш керак — Ўзбекистон Болгария учун ҳамшиша очiqдир.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапирганда, аввало, коммуникация ва транзит масаласига тўхталиш керак бўлади. Бу борада асосий дастур ТРАСЕКА лойиҳаси ҳисобланади. Шарқ ва Ғарбни бир-бирига бирлаштирадиган мазкур транспорт йўлагини тўла қувватда ишга тушириш учун у ўтадиган мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш зарур бўлади. Негаки мазкур йўлак бу йўналишдаги барча давлатларга бир хил фойда келтиради. Хусусан, нафақат Болгария, балки Европа бозорига чиқишимиз учун ҳам Болгариянинг Варна шаҳри портларидан фойдаланишимиз мумкин. Болгария эса Ўзбекистон орқали нафақат Марказий Осиё балки бутун Осиё бозорига чиқиши мумкин. Айни мавзуда гап кетганда шуни айтиш керакки, бугунги кунда Грузиянинг Поти порти билан Болгариянинг Варна порти ўртасидаги алоқа йўлга қўйилгани ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишдаги муҳим ишлардан бири бўлди.

Ўзаро ҳамкорликдан кўзлаган мақсадимиз битта — хорижий сармоянинг мамлакатимизга оқиб келиши учун қулай шароит яратиш, — деди Болгария Президенти икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида ўз фикрларини баён қилар экан — шунинг учун ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш керак. Шунда бизга Шарққа, Ўзбекистон учун эса Ғарбга чиқиш осон кечади. Қолаверса, яратилажак транспорт йўлаги туфайли мамлакатимизга кириб келадиган сармоя ҳам кўпаяди.

Музокараларда Болгария томони Марказий Осиёда биринчи бўлиб Тошкентда ўз элчихонасини очажagini маълум қилди. Шунингдек, яқин келажакда Софияда Ўзбекистон элчихо-

насини ҳам очиш режалаштирилаётгани айтилди. Яна бир гапни айтиб ўтиш керакки, музокаралар чоғида ўзбекистонлик болаларни Қора денгиз соҳилидаги дам олиш масканларига жўнатиш борасида муайян келишувга эришилгани ҳам муҳим иш бўлди.

Мулоқот чоғида шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги маданий алоқаларни, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам сўз борди.

Музокаралар ниҳоясида икки томонлама қўшма ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида белгиланган ҳудудлар ҳамда улардан ташқарида ўзаро ҳаво алоқасини йўлга қўйиш тўғрисида ҳамда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида имзоланган дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома ратификациялангани ҳақида ёрликлар алмашиш тўғрисидаги протоколга ҳам имзо чекилди.

Ўзбекистон кейинги йилларда Болтиқ бўйи республикалари билан ҳам дўстона ҳамкорликни сақлаб қолиш ва уни янги шароитда янада ривожлантиришга ҳаракат қилди.

1995 йил 6 июнь кунни Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Латвия Республикасига борди. Шу кунни Латвия Президенти Гунтас Улманис билан Ислом Каримов ўртасида мулоқот бўлиб ҳар икки давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома чунончи, транспорт, ҳаво алоқалари, сайёҳлик ва илмий-техник алоқалар юзасидан битимлар тузилди.

7 июнь кунни у Рига биржаси биносидан Латвия ишбилармонлари билан учрашди. Сўнг Латвия сеймига ташриф буюриб, унинг раиси Анатолий Горбунов билан мулоқотда бўлиб парламентларо муносабатларни янада яхшилаш юзасидан келишиб олинди.

1995 йил 7—8 июнь кунлари Ислом Каримов расмий ташриф билан Литва Республикасида бўлди. Вильнюсдаги Президент саройида Ислом Каримов ва Аньгирдис Бразаускас ўртасида музокаралар бўлди. Икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Қўшма Декларация, таълим, фан ва техника, сайёҳлик, маданият соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланди.⁴

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг географияси кенгайиб борди.

Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Араб мамлакатлари билан давлатларо муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришга интилиш ҳам Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси давлат делегацияси расмий

ташриф билан Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Мисрда бўлди ва улар билан давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартномалар, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик битимлари тузди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1999 йил 14—17-сентябрь кунлари расмий ташриф билан Исроилда бўлди. Хўш, ташрифдан муддао нима эди? Аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик сарҳадларини янада кенгайтириш ва бунинг учун зарур ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш. Исроил давлатининг бугунги иқтисодий тараққиёти, ақлий салоҳияти, юксак технологияси, илмий-техникавий ютуқлари ҳақиқатан ҳам катта эътиборга молик. Шу боис ҳам Исроил билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш бизга фойдалидир.

Ҳамкорлигимизнинг асосий — иқтисодиёт билан боғлиқ масалалар ҳақида тўхталишдан олдин бир гапни айтиб ўтиш лозим: Ислом Каримовнинг Исроил давлатига ташрифи мамлакат сиёсий доиралари томонидан ҳам, кенг жамоатчилик тарафидан ҳам қизғин кутиб олинди. Исроил Президенти Эзер Вейцманнинг қароргоҳида бўлиб ўтган давлатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросимида мамлакат Бош вазири Бенямин Нетаняху ҳам иштирок этгани бунинг далилларидан биридир. Чунки, одатда бундай маросимларда Бош вазир иштирок этмасди.

Ташрифнинг иккинчи кунда икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида асосий эътибор ҳам шу ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш масаласига қаратилди. Музокаралар якунида ушбу мақсадга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Президент Ислом Каримов ҳамда Бош Вазир Бенямин Нетаняху мамлакатларимиз ҳукуматлари ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик, даромад ва капиталга солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш, шунингдек, ўзаро савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимларга имзо чекди. Қолаверса, икки давлат ўртасида атроф муҳитни муҳофаза қилишда ҳамкорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш, ўзаро техник ҳамкорлик, солиқ ҳамда солиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Исроилнинг ташқи савдо суғурта корпорацияси «ИФТРИК» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Буларни бирма-бир изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улар қандай аҳамиятга эга эканини ҳужжатларнинг номларидан ҳам англаб олиш қийин эмас. Энг муҳими, шундай кенг қамровли ҳужжатлар имзоланганининг ўзиёқ ташрифнинг самарали бўлганини айтиб турибди.

Музокаралар сўнггида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мам-

лакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Исроил иқтисодиётида бир-бирини тўлдирувчи омиллар талайгина эканини таъкидлади. Яъни, табиий ресурсларимиздан унумли фойдаланиш учун бизга замонавий технология керак. Хусусан, Исроилнинг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, деҳқончилик, уруғчилик, озиқ-овқат ва паррандачилик каби йўналишларда катта фойда келтирадиган минитехнологиясига бизда эҳтиёж бор. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистон, қолаверса Марказий Осиё бозорида Исроилнинг фаол иштирок этиши учун шароит яратади. Телекоммуникация ва фармацевтика соҳалари ҳам ўзаро ҳамкорлигимизда асосий йўналишлардан саналади.

Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликда Ўзбекистоннинг қизиқишлари нималарда кўринади? Биламизки, Исроил қишлоқ хўжалиги тараққий этган мамлакат. Сув танқис, бошдан оёғи тош ва бийдай даладан иборат заминда пахтачилик, уруғчилик, чорвачилик, деҳқончилик бўйича қўлга киритаётган ютуқлар кишини мулоҳазага чорлайди. Мамлакатда 5,6 миллион аҳоли истиқомат қилади. Унинг меҳнатга яроқли қисми эса 40-42 фоизни ташкил этиб, шундан атиги уч фоизгина қишлоқ хўжалиги билан банд. Ана шу уч фоиз одам бутун мамлакатни қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан таъминлабгина қолмасдан ўз маҳсулотини четга экспорт ҳам қилади. Ўз-ўзидан аёнки, ҳаммасининг сири технологияда, мавжуд имкониятдан оқилона фойдалана билишда.

Ташриф чоғида Ислом Каримов Исроилдаги «Зераим Гедера» номли илмий ишлаб чиқариш ва янги навлар яратиш мажмуи билан танишди. Мутахассисларнинг фикрича, «Зераим Гедера» пахта навлари билан ҳосилдорликда катта кўрсаткичларга эришиш мумкин. Тажриба участкасидаги гўзапоя нақд одам бўйи келади. Битта тупда 19—20 тагача кўсак бор. Ҳар бир кўсакдаги пахтанинг огирлиги 8 граммгача тош босади. Ваҳоланки, бизда битта кўсакдаги пахтанинг огирлиги икки баробар кам — 4 граммни ташкил этади. Томчилаб сугориш борасида ҳам «Зераим Гедера» технологияси бизга қўл келиши мумкин. Масалан, бу ерда бир гектар далани сугориш учун 3—5 минг метр куб сув сарфланади. Бизда эса шунча майдонга 11 минг куб метр сув кетади. Исроилнинг ютуқлари эътиборга молик. Бу ерда гектаридан 70 центнергача ҳосил кўтарилса, бизда бу кўрсаткич ўртача 26—27 центнерни ташкил қилади. Бу кўрсаткичларни таққослаётганимизнинг боиси бор. Еримиз Исроил ерларидан унумдорроқ, бақувватроқ. Демак, биз улардан ҳам кўпроқ ҳосил олишимиз мумкин. Халқимизнинг ақлий салоҳияти, иқтидори ва қобилияти ҳам ўзгалардан ортиқ бўлса ортиқ, лекин зинҳор кам эмас. Дунёда ерни ўзбек деҳқоничалик севадиган, ардоқлайдиган одамни топиш ҳам амри маҳол. Фақат қишлоқ хўжалигига замонавий технологияни киритиш зарур. Шу маъно-

да, Исроилдаги бу каби фирмалар билан ҳамкорлик биз учун айти мудао. Бу битта пахтачилик мисолида кўрганимиз, ҳолбуки, Исроилда чорвачилик, паррандачилик каби соҳаларда ҳам шундай имкониятлар мавжуд.

Мамлакатимиз раҳбари шу ернинг ўзидаёқ Ўзбекистон «Зераим Федер» билан иккита лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр эканини маълум қилди: бири пахтачилик технологиясининг тўла комплекси, иккинчиси — турли шaroитда чигитни синаб кўриш билан боғлиқ. Пахтачилик технологиясининг тўла комплекси дегани навин танлашдан тортиб то пахтани йиғиштириб олганга қадар қилинадиган ишларни англатади. Иккинчи лойиҳа ўз-ўзидан тушунарли. Ислоҳ Каримов ирригация ва томчилатиб сугориш, чорвачилик, уруғчилик, паррандачилик каби соҳалар бўйича ташкил этилган кичик кўргазмани томоша қилди. Давлатимиз раҳбари Исроил минитехнологияларини Ўзбекистонда қўллаш, ўзаро ҳамкорлик учун зарур омилар ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди:

— Бу технологияларни бизда қўллаш учун нималар керак? Аввало, биз Исроилга ташрифимиз чоғида бунинг учун зарур ҳуқуқий замин яратдик. Кафолат керак ва биз бу кафолатни бера оламиз. Ўзаро ишонч керак. Ўйлайманки, ўзаро ишончимиз илгаридан мустаҳкам, у бугун янгича шакл касб этапти. Исроил қўлга киритаётган натижаларга биз ҳам эришмоғимиз керак.

Ўзбекистон Исроил билан самолётсозлик соҳасида ҳам икки томонлама манфаатли ҳамкорлик қилиши мумкин. Ўзбекистон жаҳоннинг йирик самолётсозлик компаниялари бўлмиш «Бонинг», «Европа Эйрбас Индастриз» билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ўз навбатида Исроил самолётсозлик заводи — «Исроил эйркрафт индастриз ЛТД» корпорацияси ҳам жаҳонда ўз нуфузига эга. Унда фуқаро авиацияси учун ҳамда ҳарбий соҳалар бўйича самолётлар, уларнинг эҳтиёж қисмлари ишлаб чиқарилади. Қолаверса, заводнинг электроника соҳасидаги фаолияти ҳам эътиборга молик. Уни 1998 йилги савдоси 2 миллиард АҚШ доллари миқдоридан баҳоланаётир. Бу ҳазилакам кўрсаткич эмас.

Туркия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Ўзбекистонга расмий сафари пайтида имзоланган ҳужжатлар эса давлатлараро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

1992 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Покистон, Эрон ва Туркия томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларига аъзо бўлиб кирди.

1992 йил 10 майда Ашхободда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон, Эрон, Туркия, Покистон давлат ва ҳукумат раҳбарлари «Транс-Осиё» темир йўлини вужудга келтириш мақса-

дида Тажан-Серахс-Машҳад темир йўли қурилиши ҳақидаги битимни, божхона хизматини ташкил қилиш, шу соҳа учун мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳақидаги ҳужжатларни имзоладилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1999 йил 10—11 май кунлари ЭКО — Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бешинчи учрашувида қатнашиш учун Алмати шаҳрига ташриф буюрди.

Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилотини 1977 йили Покистон ва Туркия давлатлари биргаликда ташкил этган эди. 1992 йили Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Афғонистоннинг қўшилиши билан мазкур ташкилотнинг ҳудудий қамрови кенгайди, унга аъзо бўлган давлатларнинг иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиши учун қулай имкониятлар яратилди.

Шу ўринда айтиш лозимки, Президент Ислом Каримов доимо ЭКО — иқтисодий ташкилот эканлиги, бинобарин, унинг фаолиятини сиёсийлаштириш ва мафқуралаштиришга йўл қўйиб бўлмастлигини қатъият билан таъкидлаб келади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ЭКО фаолиятида қатнашишдан кўзда тутилган мақсадлар ҳақида ҳам тўхталди. Биринчидан, бу ташкилот ишида иштирок этиш бизга қўшни давлат билан ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун зарур. Бу ўз навбатида мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Иккинчи мақсад эса, минтақадаги гуманитар муаммоларни биргаликда ҳал этиш, тарихий замини бир бўлган халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборатдир. Учинчидан, энг муҳим вазифа — бу мавжуд табиий салоҳиятимизни дунёга олиб чиқиш учун коммуникация тармоқларини вужудга келтиришдан иборатдир. Чунки бу муаммони ҳал этмай туриб, 300 миллион аҳоли яшайдиган улкан ҳудудда иқтисодий тараққиётга эришиш қийин.

Сўнг саммит қатнашчилари — Афғонистон, Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркия, Туркменистон давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, шунингдек, ЭКО Бош котиби ҳамда бир неча нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллариининг нутқ ва маърузалари тингланди.

Нотиқлар ЭКО доирасидаги ҳамкорлик бераётган илк самралар ҳақида тўхталиб, минтақа мамлакатларининг иқтисодий, маданият, коммуникация соҳаларида биргаликда амалга оширажак лойиҳалари тараққиётимизни тезлаштириш, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Ташкилот фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш йўллариини муҳокама қилдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ҳар қандай халқаро ташкилот-

нинг, жумладан, ЭКО ва унинг ижроия қўмиталарининг фаолияти ҳам баҳолашда амалий ишлар асосий мезон бўлиши лозимлигига саммит қатнашчиларининг эътиборини қаратди. Халқларимизга қуруқ ваъдалар, баланпарвоз шиор ва ташаббуслар эмас, балки амалий, аниқ ишлар керак. Ҳеч ким бундай юксак минбарлардан сиёсий обрў орттириш, бошқаларга ўз қарашларини тиқиштириш мақсадида фойдаланмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Саммит қатнашчилари минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, ЭКОнинг келгуси фаолиятини такомиллаштириш йўллари белгиланган Алмати Декларациясини тасдиқладилар. Шунингдек, аъзо мамлакатлар ўртасида юк ташиш борасидаги тўсиқларни бартараф этишга, контрабандага қарши бирга-лиқда курашишга қаратилган ҳукуматлараро ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

1999 йил 15 март куни Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Тошкентга келди. Шу куни Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволига доир қатор масалаларни кўриб чиқдилар. Томонларни қизиқтирган халқаро аҳамиятга молик муаммолар хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди. Президентларнинг яккама-якка суҳбатига террорчилик, уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга келишиб олинди.

Шундан сўнг Президентлар иштирокида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар бўйича икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон-Туркия муносабатларига тўхталар экан, бу борада Ўзбекистон устувор деб қарайдиган соҳалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1992 йилда 75 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 275 миллионга етди. Самарқандда очилиш маросими ўтказилиши мўлжалланаётган «Сам-Кочавто» қўшма корхонаси иқтисодий ҳамкорлик юқори поғонада эканини яна бир тасдиқлайди. Умуман, Туркия Ўзбекистонга энг кўп сармоя киритган мамлакат ҳисобланади. Лекин шундай бўлса-да, кўпроқ эътибор қаратадиган айрим жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг фаолияти сўнгги пайтларда сусайди. Музокараларда бундай масалаларни ҳал этиш юзасида ҳам фикр алмашилди.

Музокараларда транспорт коммуникацияси масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ислом Каримов Ўзбекистон Туркия-

нинг эркин иқтисодий зоналарида жойлашган Истанбул, Трабзон, Адана, Мерсин каби шаҳарларидаги портлардан, омборлардан фойдаланиш тарафдори эканини ва бу масала бўйича музокаралар бошлашга тайёрлигини билдирди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон учун янада кенг имкониятлар очишни алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, музокараларда илм-фан, маданият, таълим соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Шарқ ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари — Хитой, Жанубий Корея, Индонезия, Япония, Малайзия билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйди. Чунончи, Жанубий Кореянинг оламга машҳур ДЭУ корпорацияси билан ҳамкорликда Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Корея қўшма автомобиль заводи қуришга келишилгани оламшумул аҳамиятга эга бўлди. 1996 йилнинг 19 июлида ушбу заводнинг ишга тушиши бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 мамлакат қаторига олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1999 йил 6 апрель куни «Дўрмон» қароргоҳида Япониянинг «Кейзай Доюкай» корпоратив раҳбарлар уюшмаси президенти Коичи Минагучи раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Ўзбекистон Президенти Япония билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор беради. 1995 йилдан буён Япониянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган сармояси бир миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми эса 1998 йилда 117 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Бу 1997 йилдагига нисбатан 27 фоиз кўп.

Ўзбекистон-Япония иқтисодий ҳамкорлиги улкан лойиҳаларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, Кўкдумалоқ ва Шўртандаги нефт-газ саноати иншоотларини шулар жумласига қўшиш мумкин. Япониянинг Ўзбекистонга имтиёзли кредитлар бераётгани ҳам диққатга сазовор. Айни пайтда Япониянинг ўнлаб фирма ва компаниялари Ўзбекистонда ана шундай турдаги кредитлар бўйича ишламоқда.

Учрашувда япониялик меҳмонларга хусусийлаштириш, коммуникация ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш таклифи илгари сурилди. Хусусан, мамлакатимизга ташрифи чоғида Япония делегацияси аъзоларига хусусийлаштирилаётган йирик корхоналар рўйхати тақдим қилинди. Президентимиз қурилиши бошлаб юборилган Андижон-Ўш-Қашқар темир йўли ва шу йўналишдаги автомобиль йўли ҳақида ҳам сўзлаб, Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш доирасида амалга оширилаётган бу

лойиҳа Ўзбекистонни Хитой портлари орқали Япония билан боғлашни таъкидлади.

Ўзбекистон БМТ минбаридан туриб, биринчи бор ушбу ташкилотнинг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолигига Японияни доимий аъзо сифатида қабул қилиш ташаббусини илгари сурган давлатдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон-Япония иқтисодий муносабатларининг ривожланишида «Кейзай Доюкай» муҳим ўрин тутади. Масалан, мамлакатдаги энг йирик компания ва корпорацияларнинг раҳбар ходимларидан ташкил топган бу уюшма ташаббуси билан Ўзбекистон Япония ҳукумати имтиёзли кредитлар ажратишни кўзда тутадиган давлатлар сирасига киритилган. Уюшманинг ўзига хослиги ва мамлакатдаги бошқа ишбилармонлар ташкилотларидан фарқи шуки, унинг аъзолари гарчи йирик фирма ва компаниялар раҳбари бўлишига қарамай, оддий таҳлилчи-иқтисодчи сифатида ишлайди. Улар фақат иқтисодига қараб қабул қилинади. Ҳозирги кунда Япония корпоратив раҳбарлар уюшмаси таркибида 1600 га яқин аъзо бор. Яна бир жиҳати шуки, уюшма ҳеч қандай сиёсий масалага аралашмайди. Унинг аъзолари йирик ишбилармонларнинг сиёсий майдонидаги ўрнини яхши англаса-да, фақат иқтисодий таҳлил ва тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда ҳукумат вакилларига таклиф ва тавсиялар бериш билан чекланади.

Учрашувда Президент Ислом Каримов мамлакатимизда чет эллик ишбилармонлар учун яратилган қулай шарт-шароит, Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати, хориждаги молиявий муассасалар билан ҳамкорлиги борасида сўзлади.

«Кейзай Доюкай» делегацияси раҳбари 1997 йилда Ўзбекистонни зиёрат этганидан сўнг, бу ерда улкан ўзгаришлар амалга оширилганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодий инқирозни бошдан кечираётган бўлишига қарамай, Ўзбекистон иқтисодий ютуқларга эришаётгани амалга ошираётган ислохотларингизга ишончимизни янада оширади, деди меҳмон.

Япония делегацияси таркибида ушбу мамлакатнинг собиқ давлат иқтисодий режалаштириш вазири, айни пайтда парламент аъзоси Таро Асо ҳам бор. Президентимиз билан учрашувда у Япония ҳукуматининг янги имтиёзли кредитлари ҳақида маълум қилди. Унинг таъкидлашича, мамлакатимиз вилоятларида телекоммуникация соҳасини замонавийлаштириш учун 12,7 миллиард, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза учун 670 миллион иен миқдорига кредит ажратилди. Айни пайтда Ўзбекистонда Япония марказини очиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония корпоратив раҳбарлар уюшмаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бошқа кўплаб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Эътироф этмоқ керакки, сўнгги беш йил давомида мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг энг асосий тамойилларига БМТ уставига содиқлигини мустаҳкамлади.

Ҳозирда халқаро ҳамжамият мустақил Ўзбекистон дипломатиясининг дастлабки қадамлари, Марказий Осиёдаги мавқеи, минтақа хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни алоҳида эканини тан олаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг маънавий йўналиши, инсонпарварлик, ошкоралик, қадр-қиммат ўз имкониятларига таяниш ва инсониятнинг ягона оиласида ўз тараққиёт йўлига эга бўлишдир. Шу боис ҳам ўтган беш йил давомида мамлакатимиз 120дан ортиқ давлатлар билан расмий дипломатик муносабатлар ўрнатган, Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очди, 19 хорижий давлат элчиси Ўзбекистонда ўриндошлик йўли билан ишлаб турибди. Булар шубҳасиз, Ўзбекистон ўтган беш йил ичида жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга муваффақ бўлганлигидан далолатдир.

Мавзуга доир материал

Маданият ва барқарор ривожланиш БМТнинг доимий мувофиқлаштирувчиси жаноб Холид Маликнинг 1996 йил Бухорода бўлиб ўтган «Буюк Ипак Йўлини, Маданий Сайёҳликни қайта тиклаш ва Ўзбекистонда Қадимги Меросни Тиклаш» бўйича Халқаро Конференцияда сўзлаган нутқидан кўчирма.

«Маданият Инсоний тараққиёт концепциясидаги узак жиҳатлардан биридир. Инсоний тараққиёт одамлар учун етишиш осон булган танлашни, биринчи навбатда даромадларга дахлдор бўлган танлашни, шунингдек, одамлар яшаётган атроф муҳитни танлашни, уларнинг бир қисми булган маданиятга ўз хиссаларини қўшиш ва унда иштирок этиш имкониятини кенгайтириш жараёнидан иборатдир. Ўз навбатида танлаш имкониятларини кенгайтириш инсоний қобилиятларни ва одамларда мавжуд бўлган ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш имкониятларини кенгайтиришни талаб этади.

Агар маданият деганда биз турмуш тарзини тушунсак ва ривожлантириш учун унинг БМТ даги инсоний қобилиятларини ривожлантириш деган таърифини қабул қилсак, ана шу икки тушунча ўртасидаги муҳим алоқа маданият инсоний имкониятларини қанчалик кенгайтириши мумкинлигида намоён бўлиши мумкин.

Одамлар ва маданиятлар ўртасидаги диалог ҳамда ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ўз номи билан қадрият ҳисобланади. У тўғридан-тўғри инсоний қобилиятларни яхшилайтиди. Қадриятлар ва гоёларни алмашиш, у маҳаллини ёки халқаро даражада амалга оширилишига қарамай, агар у маданиятларни ўзаро ҳурмат қилишга асосланган бўлса, ижтимоий уйғунлик ва тараққиётга олиб келиши мумкин.

Жамиятда уйғун бўлиб яшаш учун тегишли якка тартибдаги ва жамоа куникмаларига эга бўлиш керак, улар тарбияланиши ва ривожлантирилиши керак.

Одамларнинг бир-бирлари билан ўзаро ҳамжиҳатлиги, турли нуқтаи назарларни ҳурмат қилиши ва ҳамкорлик қилиш масалалари шундай номоддий активлар ҳисобланадики, улар жамиятнинг яхлитлигини сақлаш ва ривожлантириш учун зарур бўлган боғловчи воситанинг бир қисмини ташкил этади. Одамларнинг табиатга ва атроф муҳитга қандай муносабатда бўлишларини белгиловчи маданият ҳам ана шундай боғловчи восита ҳисобланади.

Кейинги икки асрда кенг минтақавий ва халқаро ҳамжамиятлардан ажралиб яшаётган жойда вужудга келган Марказий Осиёнинг Янги давлатлари учун маданият ва маданий ўз-ўзини ифодалаши инсоний қобилиятларини кучайтириш учун қудратли восита ҳисобланади, булар эса ўз навбатида жамият интеграциясига ҳамда тинч ҳолда ўз гоёсини ифодалаши, бунёдкорлик ва барқарорлик ривожланиш учун қулай шароитлар яратишга таъсир курсатади. Маданиятини тинч ҳолда ифодалаш одамларни бирлаштиради ва миллий ҳамда минтақавий ҳамжамиятларда бирлаштирувчи, мазмунли алоқаларни вужудга келтиради.

Маданий эркинликлар, хилма-хиллик ва бунёдкорлик

ЮНЕСКОнинг уставига маъноли ва тўғри ёзилганидек, жаҳон одамларнинг ақлида мужассамдир. Маданият кайфиятни белгилайди, агар у тўғри йўналтирилса, бошқа миллатларга ҳурматга ва бошқа маданий эркинликларга ҳурматга ўз ҳиссасини қўшади. 100 дан ортиқ миллат истиқомат қиладиган мамлакатда маданий хилма-хиллик мавжуд бўлиб, у ўзгаришларни амалга ошириш учун қудратли куч бўлиши мумкин. Бу шундай кучларки, улар жамиятни узоқ муддатга илгор ва жўшқин қилиши мумкин.

Буюк Ипак йўли Шарқу Фарбни боғлаб турган, сиёсий-иқтисодий, маданий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган улкан воқелиқдир. Унинг тарихий аҳамиятини ҳисобга олиб биринчи марта Брюссел учрашувида Европа ва Осиёни бир-бирига боғлайдиган «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт йўлаги — ТРАСЕКАни барпо этиш масаласи кўриб чиқилди ва шу бўйича Декларация қабул қилинди. Айтиш мумкинки, айна шу учрашув Буюк Ипак йўлини тиклаш борасидаги дастлабки амалий қадам бўлди. Дарвоқе, тарихда Машриқдан Мағрибга, Мағрибдан Машриққа ўтган йўллар кўп бўлган. Улар муайян сабабларга кўра турлича номланган. Жумладан, «Лазурит йўли», кейинроқ «Шоҳ йўли», «Буюк Ипак йўли»... Бугун эса — ТРАСЕКА деб аталмоқда.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов 1998 йил 8 сентябрь куни Озарбайжон пойтахтида иш бошлаган Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган Халқаро конференцияда иштирок этди. ТРАСЕКА дастури бўйича амалга оширилаётган ишларга нафақат унга иштирокчи мамлакатлар, балки жаҳондаги бошқа дав-

латлар ҳам катта қизиқиш билан қарамоқда. Мазкур анжуманда жаҳоннинг 32 мамлақати ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки каби ўндан ошиқ нуфузли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди.

1996 йил Сарахсда Марказий Осиё билан Эрон темир йўл тармоқларининг туташтирилгани ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда дастлабки катта ишлардан бири бўлган эди. Худди ўша, 1996 йил 13 май куни Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия, Туркменистон ўртасида ўзаро эркин транзит тўғрисидаги шартнома имзоланди. Буёғи Япониядан то Адриатика денгизига қадар чўзилган ушбу қадим қарвон йўлининг муҳим бўлагидан фойдаланишни бошлаган республикаларнинг сарф-харажати камаяди.

Биргина Ўзбекистон учун мазкур шартнома кучга кирганидан сўнг пахта ташишга кетадиган харажатнинг 12 миллион доллари иқтисод қилинади. Чунки ТРАСЕКА шимолий йўналишга нисбатан 2 минг километр қисқадир. Қолаверса, минтақа иқлими ундан йил-ўн икки ой тўхтовсиз фойдаланиш имконини беради. Яна бир мисол: Ўзбекистон ўз пахтасини, Қозғонистон ва Россия орқали Украина портларига етказиш учун тоннасига 100 доллардан зиёд маблаг сарфлайди. ТРАСЕКА орқали ташилганда эса ушбу кўрсаткич 55 долларни ташкил этади, холос.

ТРАСЕКА лойиҳасининг амалга ошиши Ўзбекистонни Европа ва Осиё транспорт тармоқларига туташтирибгина қолмасдан, унинг экспорт имкониятларини оширади, лойиҳада иштирок этувчи мамлакатлар билан савдо алоқаларини янада кенгайтиради. 1996 йил Транскавказ йўлаги бўйича Ўзбекистонга келтирилган ва олиб чиқиб кетилган маҳсулот ҳажми салкам 140 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1997 йил бу кўрсаткич 285 минг тоннага етди.

Ўзбекистон бугун ТРАСЕКА дастури бўйича амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этиш билан чекланиб қолмай, транспорт коммуникацияси имкониятларини кенгайтириш борасида бошқа лойиҳаларни ҳам амалга ошираётир. Ўзбекистон қўшни Қирғизистон ҳамда Хитой билан Тошкент-Андижон-Уш-Иркештом йўлини қуриш ва таъмирлаш бўйича яқиндан ҳамкорлик қилаётир. Буюк Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланмиш бу йўналиш Европа мамлакатларини Осиё давлатлари билан боғлайди.

Конференцияда иштирок этган давлатлар раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ТРАСЕКА йўлагини ривожлантириш, транспорт инфратузилмаларини янада такомиллаштириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ТРАСЕКА доирасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мус-

тахқамлаш борасида ўз нуқтаи назарларини баён қилдилар. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг таклифлари конференция иштирокчилари томонидан қизгин кутиб олинди.

Ислон Каримов ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш, умуман, қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш зарурати айрим кишиларнинг хоҳишидан эмас, балки вақт, шароит, дунёвий тараққиёт талаблари натижасида пайдо бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Қадим замонлардаёқ ҳаётнинг ўзи одамларни ўзаро ҳамкорлик учун қисқа ва қулай йўлларни қидиришга мажбур қилган, деди Ислон Каримов. Бунга фақатгина савдо-сотиқ эҳтиёжи эмас, балки мустақкам иқтисодий, маданий ва маънавий алоқаларни ўрнатиш зарурияти ҳам сабаб бўлган.

Айрим кучлар ТРАСЕКА доирасидаги ҳамкорликка сиёсий тус беришга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг мақсадлари аниқ: ўзларича гўёки дунёнинг янгидан бўлиниши ва шунга ўхшаш «ўйин»ларни ўйлаб толиб, мамлакатлар, халқлар ўртасига нифоқ солиш, тараққиётга тўсиқ бўлиш. Мамлакатимиз раҳбари масаланинг шу жиҳатига эътибор қаратиб, бундай ҳаракатларга мутлақо барҳам бериш кераклигини айтди. Шунингдек, Ислон Каримов Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, мазкур йўналишда жойлашган мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириш, қолаверса, миллатлараро ҳамда давлатлараро муаммоларни ечишда катта самара беражagini таъкидлади.

Ҳозирга қадар жаҳоннинг 50 та мамлакати ТРАСЕКА йўлаги орқали ўз юкларини манзилларига етказмоқда. Мазкур лойиҳага қўшилишни истовчи мамлакатлар сони ҳам тобора ошиб бораёпти. ТРАСЕКА дастурини амалга оширишда Европадаги сиёсий, иқтисодий ва молиявий ташкилотлар яқиндан ёрдам кўрсатапти. Хўш, буларнинг ҳаммаси нимадан далолат беради? Мазкур йўлакдан Шарқ ҳам, Ғарб ҳам бирдай манфаат топади. Марказий Осиё ва Кавказ учун жаҳон бозорига кенг йўл очилади. Европа мамлакатлари учун эса ўз маҳсулотларини Кавказ ва Марказий Осиё бозорларига киритиш, мазкур минтақаларда ўзларининг молиявий иштирокини кучайтириш имконияти туғилади.

Боку конференциясида ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳукуматлараро комиссияни ташкил этиш, унинг доимий котибиятини таъсис қилиш ва бош қароргоҳини Бокуда жойлаштириш бўйича ўртага ташланган таклиф иштирокчилар томонидан маъқулланди. ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда уни маблағ билан таъминлаш масаласи ҳам иштирокчилар томонидан атрофлича кўриб чиқилди ва ТРАСЕКА банки ташкил этиш таклифи бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Анжуман ниҳоясида Европа-Кавказ-Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги кўп томонлама Битим имзоланди. Мазкур ҳужжат халқаро юк ва йўловчи ташишни ривожлантириш ва бошқариш, транспорт соҳасидаги ҳуқуқий мезонларни ўзаро мувофиқлаштиришни кўзда тутди. Шунингдек, анжуманда Боку Декларацияси ҳамда Буюк Ипак йўлини тиклашга бағишланган халқаро конференция бўйича якуний Коммюнике қабул қилинди.

1998 йил 6 ноябрь куни Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг Амир Темур залида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди.

155-сессия 19 октябрь куни Парижда очилган эди. Унинг асосий мавзуси «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 50 йиллиги, эсламоқ бурчи ва ҳушёрлик зарурияти — қулликдан инсон кадр-қимматининг тикланиши сари», деб белгиланган эди. Сессияда ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан қабул қилинган ЮНЕСКО фаолият дастурларининг бажарилишига оид ҳисобот маърузаси ва турли ташкилий масалалардан ташқари, дунёвий маданият равнақиға бағишланган учта ҳужжат қабул қилиниши мўлжалланган эди. Биринчи ҳужжат БМТ учун мўлжалланган дунёвий маданият ҳақидаги жамланма маъруза, иккинчиси — «Дунёвий маданият йўлида» деб номланган соҳалараро лойиҳанинг баҳоланиши ҳақида эди ва улар Париждаги йиғилишда қабул қилинди.

Учинчи ҳужжат эса Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган «Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг аъзо мамлакатларидаги фаолияти» деб номланган қарор лойиҳаси бўлди.

Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан Ижроия Кенгаш қарорлари рўйхатига киритилган бу ҳужжат лойиҳаси 155-сессиянинг Тошкентда ўтадиган якуний йиғилишида қабул қилиниши мўлжалланган эди.

Сессиянинг якуний йиғилишини ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки очди. Раис сессия кун тартибига Ўзбекистон томонидан киритилган ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, унинг дунёвий маданият шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлиб қолишини таъкидлади. Шунингдек, ҳужжат муҳокамасини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи кўпчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинганини қайд этди.

Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади.

ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор сессиянинг якуний йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклифини билдиргани учун Президент Ислоҳ Каримовга анжуман қатнашчилари ва ташкилот номидан миннатдорчилик изҳор қилди.

«Мен, — деб таъкидлади ўз сўзида Ф. Майор, — Ўзбекис-

тон халқи бошидан кечираётган бугунги мураккаб ўтиш даврида фан ва маданият, маънавий раўнақига қўшаётган улкан хизматларингиз учун Сизга миннатдорчилик билдираман. Чунки Сиз маънавийни тиклашдагина эмас, уни ёш авлодга сингдиришда ҳам катта хизмат қилмоқдасиз».

Ф. Майор ЮНЕСКО фаолияти ҳақида гапириб, унинг тинчликни сақлашда фан, таълим ва маданиятни асос қилиб олгани Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсат билан ҳамоҳанг эканига эътибор қаратди. Президент Ислон Каримовнинг «Биз келажакнинг пойдеворини қўймоқдамиз», деган сўзларини эслади ва бунга мисол қилиб Ўзбекистонда таълим, фан ва маънавий соҳасида эришилган ютуқларни келтирди. Ўзбекистон тажрибаси дунёвий маданият шаклланишида муҳим бўғинлардан бири бўлишини қайд этди.

ЮНЕСКО бош директори ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медалига сазовор бўлгани билан Ислон Каримовни қутлади ва олтин медални Ўзбекистон Президентига топширди.

ЮНЕСКОнинг Ватанимизда ўтказилган нуфузли халқаро анжумани ҳам шу асосий мақсад йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Зотан, иккинчи ҳаҳон уруши оловининг тафти ҳали босилмаган олис 1945 йилнинг 16 ноябрида тузилган ЮНЕСКО ташкилоти ўшандан буён она сайёрамизда тинчликни сақлаш йўлида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу йўлда ЮНЕСКОнинг асосий қуроли таълим, фан ва маданият соҳасида инсоният ақл-заковати эришган ютуқларни дунё бўйлаб ёйишдан иборат бўлди.

Табийки, таълим, фан ва маданият ташкилоти бўлган ЮНЕСКО сессияси иштирокчиларининг аксарияти олимлардир. Улар Президент Ислон Каримов китобларини ўқиб, уни шу маҳалгача фақат назарий сифатида билганларини, энди Ўзбекистон билан танишиб, бу ерда ўтказилаётган ислохотлар ва уларнинг илк натижаларидан бохабар бўлиб, Ўзбекистон Президенти фақат назарий эмас, балки изчил амалиётчи ҳам эканлигини эътироф қиладилар.

Сессия иштирокчиларидан бири «Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовни келгуси минг йилликнинг кишисидир, дея ишонч билан таъкидлайман», деди.

Барча маърузаларда Ўзбекистон қадимий маданият бешикларидан биригина эмас, айни чоғда халқларнинг тинч-тотув яшаши, маънавий меросга муносабат нуқтаи назаридан бугунги замон давлатларининг кўпига ўрнак бўларли жамият ҳам экани қайд этилди.

2-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИНГ ОШИБ БОРИШИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги мамлакатлар билан ўзаро тенг манфаатли алоқаларни мустақамлаш бўлди. Чунки шўро тузуми шароитида ҳукм сурган бошқарувнинг марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик усули, мустабидлик сиёсати собиқ иттифоқ таркибига кирган мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан бир-бирига шундай боғлаб қўйган эдики, натижада улар ўзаро қарамлик домига тушиб қолган эдилар. Шунинг учун собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан ёш мустақил давлатлар буни чуқур ҳис қилар ва мавжуд қийинчиликлар ҳамда иқтисодий инқироздан чиқишнинг, мустабид сиёсат асоратидан қутулишнинг бирдан-бир йўли бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилиш эди. Ана шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги гоёсини қўллаб-қувватлади.

1991 йил 21 декабрда Озарбайжон, Арманистон, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Украина давлатлари бошлиқлари Алматида учрашиб Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига асос солидилар. Шу тариқа XX асрнинг муҳим воқеаларидан бири содир бўлди — МДҲ ихтиёрий иқтисодий уюшма юзага келди. Шундан буён МДҲнинг бир неча йиғилишлари ўтказилди, кўп ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг бари узоқ йиллар бир давлат бўлиб келган мамлакатлараро иқтисодий, маданий, ҳарбий ва бошқа алоқаларни янги шароитларда — мустақил давлатлараро муносабатлар тарзида давом эттиришга қаратилди.

Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг қудратли, катта салоҳият ва улкан ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлмиш Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг диққат марказида бўлди. Шунинг учун ҳам Президент И. Каримов «**Россия Федерацияси билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Ва биз бу мақсадимизга эришиш учун бор кучимиз ва имкониятларимизни аямаймиз**», — деган эди.

1992 йил 25 майда Тошкентда МДҲга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бўлган учрашув катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасида коллектив хавфсизлик тизимини барпо этиш ташаббуси билан чиқди ва ана шу муҳим масалага доир шартнома имзоланди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлиб кирган мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий ҳамда маданий муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон таш-

қи сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада 1992 йил 30 майда Россия Президенти Б.Н.Ельцин таклифига биноан Ўзбекистон расмий делегациясининг Москвага қилган ташрифи, Россия пойтахтидаги тантанали қабул маросими, музокаралар, учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар — ўзаро ҳурмат ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш сиёсатининг тимсоли бўлди. Бу кечагина мустамлака, тайёр ва беминнат хомашё базаси бўлган мамлакат билан бугунги муносабатнинг нақадар ўзгачалиги, жиддий сиёсий ҳодиса эканлигини кўрсатади. Шу кунни Президентлар Б. Ельцин ва И. Каримовлар икки мамлакат ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Ушбу учрашув якуни ҳақида мулоҳаза юритар экан, Ислом Каримов «**энг қувончли жиҳати шуки, бу муҳим воқеани ҳам рус, ҳам ўзбек халқи катта хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олди.**

Ўзбекистон — Россия ўртасидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар истиқлолининг кейинги йилларида ҳам давом этади», — деди.

1995 йил 27—28 июнь кунлари Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси Виктор Черномирдиннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири, кейинчалик Россия Ҳукумати Раиси бўлиб ишлаган Евгений Примаковнинг республикамизга кетма-кет ташрифлари, 1998 йил 11-12 октябрь кунлари Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлиши ёки 1999 йил 10—11 декабрь кунлари Россия Ҳукумати раиси, ҳозир Россия Федератив Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга расмий ташрифи Россиянинг Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли шерик сифатида ҳамкорлик қилишга қаратилган сиёсат олиб бораётганлигидан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Украина ва Белорус республикалари билан ҳам ҳамкорлик ва дўстона муносабатлар ўрнатишга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки, бу ҳар икки давлат ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий имкониятлари, тарихий тажриба ва замонавий тараққиёт омиллари билан МДҲ доирасидаги давлатлар ўртасида катта нуфузга эга.

1994 йил 10 ноябрда Киев шаҳрида Ўзбекистон республикаси билан Украина ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида Декларация қабул қилинди. Унга кўра Ўзбекистон республикаси билан Украина ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик саноат (шу жумладан самолётсозлик, энгил саноат) энергетика, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги, минерал хомашё қазиб олиш ва уни қайта ишлаш, фан ва техниканинг устивор йўналишларида, шунингдек, туризм ва экология соҳаларини ўз ичига олади. Уша кунни Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик

тўғрисида битим имзоланди. Унга кўра ҳар икки томон бир-бирини маданияти билан танишиш учун имкон яратиб беради, Ўзбекистон ва Украина халқларининг кўп асрлик ва маданий алоқаларига таяниб, улар ўртасидаги маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантиришга кўмаклашадилар, деб таъкидланди. Айни чоғда, Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасида даромадлар ва мулкларга икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида ҳам битим имзоланди⁵

Ўзбекистон-Украина муносабатлари янада ривожлана борди. 1995 йил, 20 июнда Украина Президенти Леонид Кучма давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. Дўрмон Қароргоҳида бўлган учрашувда Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари Халқлар Дўстлиги саройида давом эттирилди. Бу ерда Ўзбек-Украин ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларация қабул қилинди. Унда «Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўз муносабатларини узоқ муддатли умумий манфаатдорликка эга дўст давлатлар тарзида ривожлантиришни мўлжаллайди», деб ёзиб қўйилди. Шунингдек, музокаралар давомида Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисида шартнома имзоланди. Ушбу шартноманинг 1-моддасида «томонлар иқтисодий ислохотларни ўтказиш жараёнида ҳаракатларни мувофиқлаштирадилар, Ўзбекистон Республикаси ва Украинанинг ҳамма шаклдаги мулкчилик ҳўжалик субъектлари, вилоятлари ҳамда минтақавий тузилмалари ўртасида ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларнинг сақланиб қолиши ва ривожланишига кўмаклашадилар»,⁶ деб аниқ айтилди.

21 июнь куни ҳар икки давлат муносабатларини янада яхшилашга қаратилган ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг Леонид Кучма Самарқандга ташриф буюрди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўрди. Регистон майдонида Леонид Кучма ўзбекистонлик бир гуруҳ иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига «Украина озод этилганлигининг 50 йиллиги медали» ва эсдалик совгаларини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1996 йил 27 май куни расмий ташриф билан Озарбайжонга келди. Президент Саройида И. Каримов ва Озарбайжон Президенти Ҳ. Алиев ўртасида яккама-якка мулоқот бўлди, сўнг кенгайтирилган таркибда музокаралар бошланди. Музокаралар сўнггида икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома, икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, солиқ, божхона, ҳаво йўллари, автомобил ва

темир йўллар алоқалари, юк ташиш ва бошқалар ҳақида 20 га яқин ҳужжат имзоланди. И. Каримов Боку Давлат Университетига ташриф буюрди. Бу ерда у талабалар билан учрашди. Ўзбекистон Давлат раҳбарига иқтисодиёт, фан, маорифни ривожлантиришдаги хизматлари учун Боку Университети доктори деган фахрий унвон берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов шу йили 28 май куни расмий ташриф билан Грузияга келди. Ислом Каримов ва Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе ўртасидаги музокараларда ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар, минтақавий ва халқаро вазият, МДХ доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Сўнг Президентлар иштирокида кенгайтирилган музокаралар бўлди ва унда Транс-Кавказ йўлининг Грузиядан ўтадиган қисмини жадал барпо этиш, унинг кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш бош мавзу бўлди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон билан Грузия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларация қабул қилинди, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, савдо алоқаларига доир 15 га яқин ҳужжат имзоланди.

1999 йил 8 март куни Грузия Республикаси Президенти Эдуард Шеварднадзе амалий ташриф билан мамлакатимизга келди. 9 март куни Дўрмон қароргоҳида икки мамлакат давлат раҳбарларининг яккама-якка учрашуви бўлди. Унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорлик кўламлигини кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик, жаҳонда юз бераётган долзарб воқеалар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Грузия Республикаси Президентларининг яккама-якка учрашуви давом этаётган бир пайтда қароргоҳнинг мажлислар залида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Савдо-иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамда икки мамлакат тadbиркорлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди. Икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми йил сайин ортиб бораётгани сингари бугунги кунда ҳар томонлама ўзаро ишончга асосланган алоқалар ҳам тобора ривож топиб, стратегик аҳамият касб этаётгани музокараларда алоҳида таъкидланди. Меҳмонлар Ўзбекистон улкан иқтисодий имкониятлар мамлакати эканини қайд этишди. Икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга хизмат қиладиган аниқ амалий таклифлар ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Музокаралар ниҳоясига етгач, амалий учрашувга оид Про-

токол имзоланди. Хужжатга Ислом Каримов ва Эдуард Шевард-надзе имзо чекдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлди. Матбуот анжуманида икки мамлакатнинг ТРАСЕКА дастури доирасидаги иштирок хусусидаги саволга жавоб берар экан, мамлакатимиз раҳбари Транскавказ коридори Ўзбекистон учун улкан аҳамиятга мелик, таъбир жоиз бўлса, стратегик аҳамият касб этадиган масала эканини таъкидлади. Буюк Ипак йўлини тиклаш, ТРАСЕКА доирасида бугун амалга оширилаётган ишлар нафақат савдо-иқтисодий, балки катта сиёсий аҳамият ҳам касб этади, деди Ислом Каримов. Биргина ўтган йили Грузиянинг Потти порти орқали қарийб 725 минг тонна юкнинг мамлакатимизга ташиб келтирилганининг ўзиёқ унинг беқиёс аҳамиятга эга эканидан далолатдир. Зеро, Европа Иттифоқи таркибидаги деярли барча давлатлар мазкур лойиҳада бажонидил иштирок этиш истагини билдираётгани ҳам бежиз эмас.

1995 йил 25—26 май кунлари Ислом Каримов МДХга аъзо давлат бошлиқлари билан навбатдаги учрашувда қатнашиш учун Минскка келди. 26 май кунни МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Кенгаши бўлиб ўтди. Унда давлатлараро Валюта Қўмитасини тузиш, МДХ чегараларини мустақкамлаш, иқтисодий интеграцияни кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинди. Айни пайтда ҳукумат раҳбарлари турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир 20 дан зиёд масалаларни муҳокама қилдилар.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон ўзининг қатъий мустақил тараққиёт йўлидан бориш, ўзгаларга таҳдид қилмаслик, бошқалар суверенитетини ҳурмат қилиш билан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ўзининг муносиб ва қатъий нуқтани назарига эга бўлди. Бу қуйидагиларда намоён бўлди.

Биринчидан, Ўзбекистон аввал бошдан МДХ тарафдори бўлиб чиқди. Чунки собиқ Иттифоқ давридаги республикалараро анъанавий муносабатлар янги вазиятга мос равишда давом эттирилиши керак эди.

Иккинчидан, бундай ҳамдўстлик мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни янада мустақкамлаб, бу давлатларнинг сиёсий мустақиллигига даҳл қилмаслиги лозим. МДХга аъзо барча давлатлар ўтиш даврининг қарийб бир хил мураккаблиklarини бошдан кечирди. Шунинг учун иқтисодий бўҳронларни бартараф этиш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида йиллар мобайнида бир-бирига ўзаро чамбарчас боғлиқ ишлаб чиқариш ва хўжалик муносабатларини янада яхшилаш зарур эди. МДХ Низомининг қабул қилиниши муносабати билан унга аъзо давлатлар раҳбарларининг Баёнотида ҳам шу нарса кўзда тутилган. 1993 йил сентябрда имзоланган МДХ давлатлари ўрта-

сидаги «Иқтисодий Иттифоқ» ҳақидаги шартнома ҳам ана шу мақсадларни назарда тутди. Бу меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда Ўзбекистон алоҳида ўринга эга бўлди.

Учинчидан, Ўзбекистон МДХга аъзо давлатлар билан ўзаро икки тараф учун ҳам фойдали ҳамкорлик қилишга ҳамиша тайёр ва ўз ташқи сиёсатида шунга интилиб келяпти. МДХга аъзо кўп мамлакатлар билан ана шундай ҳамкорликда иш олиб бориляпти.

Ўзбекистон МДХдаги барча мамлакатларнинг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги интилишларини қўллаб-қувватламоқда ва бу собиқ иттифоқдош республикалар ўртасидаги ҳар тарафлама ҳамкорликни янада кучайтиради, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон барча мустақил давлатлар ҳудудий бутунлигини ва уларнинг чегаралари дахлсизлигини тан олади. Ички ҳудудий жанжалларга аралашмайди ва буларга ўша мамлакатларнинг ички ишлари, деб қарайди. Бундан ташқари, у МДХга аъзо икки давлат ўртасидаги муносабатлардан четга чиқадиган масалаларни МДХ миқёсида кўриб чиқиш тарафдори. Ўзбекистоннинг яна бир нуқтаи назари шундан иборатки, МДХ ичида ҳеч бир давлатнинг қўли баланд келишига йўл қўймаслик керак. Бу Ўзбекистон ҳукумати, унинг раҳбариятининг қатъий йўли, Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродаси.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг вужудга келиши табиий ва айни чоғда тарихий ҳодиса. У янги мустақил давлатлар суверенитетини сақлаган ҳолда ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, собиқ иттифоқ даврида бир-бирига чирмашиб кетган, ўргимчак инидек чувалашган ишлаб чиқариш тизимини сақлаган ҳолда тенг ҳуқуқли ҳамкорлар сифатида жаҳон бозори меъёрлари ва қонун-қоидалари бўйича ҳисоб-китоб қилишни тақозо этади. Бу дунё тан олган ҳақиқатга таянган мезон бўлиб қолмоғи керак.

Бироқ, айрим мамлакатлар аллақандай нуфуз ва ортиқча имтиёزلарга эришишни орзу қилиб қолишди. Тенг ҳуқуқли мустақил давлатлар ҳамкорлиги тамойилларидан чекиниш, ўзларига кўпроқ ва кенгроқ имконият яратиш, аниқроғи, катта оғачилик сингари яқин ўтмишдаги нуфузларни йўлга қўйишга интилишлар бўлди. Буларга эришишнинг турли-туман йўллари излашди. Жумладан, мустақилликнинг эндигина иккинчи йили нишонланаётган пайтдаёқ Россиянинг айрим сиёсатдонлари икки фуқаролик муаммосини кўтариб чиқдилар. Эмишки, собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан мамлакатларда рус миллатига мансуб аҳоли яшаётган экан, уларга ўз мамлақати қаторида Россия фуқаролиги ҳам берилиши зарур эмиш. Ваҳоланки, жаҳон давлатчилиги тарихи, халқаро инсон ҳуқуқлари тажрибаси бундай ҳодисани кўрмаган. Бу бевосита маълум бир давлат мустақиллигини менсимаслик, унинг

Конституциясини тан олмаслик, қолаверса, ички ишларига аралаштиш ҳамда миллатлараро низоларни келтириб чиқаришдан бошқа нарса эмас.

Бахтга қарши Марказий Осиёдаги айрим мамлакатлар мавжуд иқтисодий танглик ва юз бераётган қийинчиликларни осонлик билан ҳал этиш мақсадида икки фуқаролик сингари бетайин сиёсатни очикдан-очик қўллаб-қувватладилар. Жумладан, Қирғизистон ва Қозоғистон шу йўл билан мамлакатдаги иқтисодий тангликни бартираф этмоқчи бўлдилар. Мазкур сиёсат оқибатлари нақадар оғир ва аянчлигини аниқ ҳис қилган Ислоҳ Каримов бундай гоё асоссиз ва бир ҳовуч сиёсий лўттибозларнинг найранглари эканлигини айтиб, «Агар фуқаролик миллий тамойилга қараб белгиланса, иссонга миллатига қараб турли хил ҳуқуқий мақом берилса, бу охир-оқибатда жамият барқарорлигининг бузилишига олиб келади. Икки давлат фуқаролигига мансублик ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир»², — деб масаланинг ҳам сиёсий-ҳуқуқий, ҳам маънавий-руҳий жиҳатларини лўнда қилиб очиб берди. У Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллиги муносабати билан 1993 йил 6 декабрда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессиясида сўзлаган нутқларида ҳам ўз муносабатини аниқ-равшан билдирди. Жумладан, у «Икки давлат фуқароси қайси Ватанга, қайси замин, қайси тупроққа ўз меҳрини, садоқатини, ватанпарварлигини изҳор этиши керак? Агар вазият талаб қилса, қайси мамлакатга жонини ҳам фидо этмоққа тайёр бўлиши керак? Энг яхшиси — Ўзбекистонда яшайётган фуқаролар ўзларининг наслу насаби, ирқи, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқли бўлиши керак»³, — деди Ислоҳ Каримов.

Бу Ўзбекистоннинг қатъий сиёсатидан, ҳамдўстлик доирасидаги қатъий фаолиятдан далолат беради. Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ тенг ҳуқуқли ҳамкорлик йўлини тутди ва бу йўлда қатъий турди.

Вақт ўтгани сари турли хилдаги интеграция тарафдорлари ҳам пайдо бўлишди, интеграция «ўйинлари» авж олди. Баъзи давлатлар Евроосиё иттифоқини тузиш ташаббуси билан чиқишди. Бу иттифоқда ягона бозор, ягона пул бирлиги, ягона тил, уларнинг ҳуқуқий эҳтиёжларини ҳимоя қиладиган ягона конституция ва иттифоққа аъзо мамлакатларнинг ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириб турувчи ижро органи — Вазирлар Кенгаши жорий этилишини ўртага ташлашди. Бу собиқ СССРнинг айнан янги шаклда дунёга келишининг ўзи эди. Ана шундай сиёсий найранглар ва турли-туман шовқин-сурон пайтида ҳам Ўзбекистоннинг қатъий сўзи, қатъий иродаси намён бўлиб турди.

1996 йил 15 март куни Россия Давлат Думаси коммунистлар ташаббуси билан 1991 йил 8 декабр куни Россия, Украина ва Белорусь давлатларнинг Беловежская Пушлада СССРни тарқатиш ва унинг ўрнида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил этиш тўғрисидаги баёнотини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарор қабул қилиниши биланоқ худди шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис раҳбарияти, кўмиталарнинг раислари, депутатлар фракциялари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари иштирок этдилар. Мажлисида Россия Федерацияси Давлат Думасининг собиқ СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорига кескин муносабат билдирилди. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қ а р о р и

Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартдаги Қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши қарор қилади:

Россия Федерацияси Давлат Думасининг 1996 йил 15 мартда қабул қилган собиқ СССРни қайта тиклашга қаратилган қарори муҳокамага лойиқ эмас, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатни ва фуқаролар жамиятини барпо этиш ҳамда мустақамлашдан иборат уз йулини, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йулини қатъий танлаб олди.

Ўзбекистон Республикаси МДҲ ташкил этилганлиги қонуний ёки ноқонунийлиги юзасидан ҳам, шунингдек, Евроосиё иттифоқи шаклидами, федерация ёки конфедерация шаклидами, гуёки Белоруссия, Қозоғистон ва Россия имзоламоқчи бўлган ҳужжат қандай тарзда бўлишидан қатъий назар, собиқ Иттифоқни қайта тиклаш масаласи буйича мунозарани ҳатто очмоқчи ҳам эмас. Давлатлар устида турувчи ҳар қандай тузилмалар ташкил этишни назарда тутадиган интеграция жараёни Ўзбекистон учун мақбул бўла олмайди.

Олий Мажлис Кенгаши яна бир бор таъкидлайдики, Ўзбекистон танлаб олган йул 1991 йил, 29 декабрда ўтказилган референдумдаги халқнинг уз хоҳиш-иродасини эркин билдириши асосида қабул қилинган йул бўлиб, бу референдумда сайловчиларнинг 98,2 фоизи «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?» деган матнни ёқлаб, овоз бердилар.

Айни пайтда шуни баён қиламизки, 1991 йил 17 март куни собиқ СССР ҳудудида ўтказилган референдумда Ўзбекистон Республикасида халқ

иккинчи бюллетень бўйича ҳам овоз берди. Бу бюллетендаги матн Иттифоқ референдумига қўйилган масаланинг мазмунини амалда йўққа чиқаради. Россия Федерацияси Давлат Думаси эса 1996 йил 15 мартдаги қарорини айна ана шу референдум натижаларига асослашга уринади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги СССР расман барбод бўлишидан анча олдин, 1991 йил 31 августда эълон қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. Халилов.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 15 март

Россия Давлат Думасининг мазкур қарори мамлакатимиз аҳолисининг кескин норозилигига сабаб бўлди. Қарор қабул қилинган куннинг эртаси — 16 март куни мамлакатимиз Президенти И. Каримов Хоразм вилояти халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессиясида қатнашиш учун борган эди. Ана шу сессия минбаридан туриб у Россия Давлат Думасининг қарорига, у ердаги коммунистларнинг шовинистик сиёсатига кескин баҳо берди ва жумладан шундай леда «Сизларнинг ихтиёрингиз ўзингизда, лекин Ўзбекистоннинг йўли олдиндан маълум. Ўзбекистон халқи ўз қўлига кишан урдириб, алдаб-сулдаб, онгини бузиб, эски охурга қайтадан ипсиз боғлаб қўйилишига ҳеч қачон ва ҳеч қандай йўл билан розилик бермайди.

... Бизнинг йўлимиз аниқ ва равшан. Истиқлол, мустақиллик йўлида, озодлик, эркинлик йўлидан изчил бориш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқимиз учун фаровон ҳаёт қуриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш».

Президент И. Каримовнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти сессиясида сўзлаган нутқи бутун мамлакат халқи томонидан қизғин кутиб олинди. Энди мустақиллик моҳиятини, унинг кенг имкониятларини чуқур англаган халқ орқага қайтмаслигини, ўз шаъни, миллий гурури, фуқаролик туйғуси ҳар қандай сохта иттифоқлар ортида яширинган, ясама интеграция ўйинлари билан ниқобланган сиёсатга берилмаслигини аниқ-равшан билдира бошлади. Икки кун ичида фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига 3.000 мингга яқин фуқаро номидан 500 дан ортиқ хат ва шошилинчномалар келди. Уларда асосан Ўзбекистон ҳукуматининг мустақиллик сиёсати қўллаб-қувватланди.

Мавзуга доир факт

Хурматли Ислом Каримов!

Мустақиллик эълон қилингандан буён Сиз бошлиқ республика ҳукумати олиб бораётган иқтисодий-сиёсий ислохотлар биз деҳқонлар учун ҳам ишимизда туб бурилиш ясади. Ерга ҳақиқий эгаллик ҳисси янада мустаҳкамланди, олинадиган ҳосилимиздан манфаатдорлик ортди. Куни кеча халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизни ҳам биз зур қизиқиш билан тингладик. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, экин майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқонларга ишлаш учун шарт-шароит яратиш, гамхўрликни кучайтириш ҳақида айтган қимматли фикрларингиз бекиёс аҳамиятга эгадир. Бугун комил ишоч билан айтишим мумкинки, Сизнинг деҳқон тўқ бўлса, республика бадавлат бўлади, — деб айтган сузларингиз ўз исботини топиб бормоқда. Фурсатдан фойдаланиб, Сизга сўхат-саломатлик, куч-қувват тилаймиз. Мустақиллик асрлар давомида орзу қилиниб қўлга киритилган энг буюк бойлигимиз. Уни янада мустаҳкамлаш учун ҳисса қўшишни ҳар бир фуқаро ватанпарварлик бурчи деб билиши керак. Биз бободеҳқонлар ёр билан тиллашамиз, мана шу тупроқ ҳаммамиз учун муқаддас ватандир. Уни гуллаб-яшнатиш, келажақ авлодлар учун озод ва обод диёрга айлантириш учун бор кучимизни сарф қилаверамиз.

*Муминахон ҲОТАМОВА,
Қува туманидаги Раҳматов номи
жамоа хўжалиги
пахтачилик бригадаси бошлиғи*

Муҳтарам Ислом Каримов!

Шу йил 19 март куни А. Қодирий номи Жиззах Давлат педагогика институти жамоасининг СССРни тиклаш тўғрисидаги Россия Давлат Думасининг қарорига қарши норозилик митинги бўлиб ўтди.

Митинг қатнашчилари бу қарорнинг ноқонуний эканини таъкидлаб, Сизнинг Хоразм вилояти сессиясида билдирган барча асосли фикрларингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар.

Институтимиз профессор-ўқитувчилари, талабалари Сиз олиб бораётган оқилона, халқпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлаш билан бирга асрлар бўйи орзу қилинган ва ҳақиқатга айланган мустақиллигимизни доимо ҳимоя қилишга, Ватанимизнинг куч-қудратини янада оширишга, сидқидилдан ўқиш ва меҳнат қилишга Сизни ишонтирадилар.

*Б.М.МАМАЖОНОВ,
институт ректори
К. И. ИСАЕВ,
институт касаба уюшмаси раиси
Ш. ПУЛАТОВ,
институт ёшлар уюшмаси раиси*

Сизнинг халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқингизни диққат-эътибор билан тингладик ва унда кутарилган масалалар ҳамда қоида-хулосаларни мақуллаймиз.

Маърузадаги ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича қўйилган талаблар бизнинг меҳнат жамоамизга ҳам тааллуқлидир. Республика энергетика базасини мустаҳкамлаш ва вилоятимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишига бераётган ёрдамнингиз ва эътиборингиздан миннатдормиз.

Россия Давлат Думасининг собиқ СССРни тиклаш бўйича қабул қилган қарорини ҳуқуқий асосга эга эмас ва бу қарорнинг мустақил давлатимизга ҳеч қандай дахли йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Тарих гилдирагини орқага қайтариб бўлмайди. Ўзбекистон ўз Президенти раҳбарлигида ўз тараққиёт йўлини танлаб олган ва шу йўлдан оғишмай илдам боришига ишончимиз комил.

*Шароф МАҲМУДОВ,
Бухоро нефтезаводқурилиш трести
3-қурилиш-монтаж бошқармасининг
иш юритувчиси*

Россия Давлат Думасининг СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги қарори Ўзбекистонда ана шундай кескин халқ норози-лигига сабаб бўлди. Давлат сиёсати билан халқ орзу-умиди нақадар муштарак эканлигини, мамлакат тақдири бевосита ҳар бир фуқаро тақдири билан боғланиб кетганлигини, мустақиллик эса ана шу икки ноёб қадрият бирлигининг асоси эканлигини ёрқин намоён этди. Президент И. Каримов Хоразм вилоятидан қайтиши биланоқ Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Елцинга Расмий хат билан мурожаат қилди ва ўзининг қатъий позициясини билдирди.

Россия Федерацияси президенти Борис Николаевич Елцин жаноби олийларига

Мухтарам Борис Николаевич!

Ўзбекистон халқи Россия Федерацияси Давлат Думаси 1996 йил 15 март куни Беловеж битимларини бекор қилиш ҳақида коммунистлар ташаббуси билан қабул қилган қарорни ташвиш билан кутиб олди.

Аслини олганда, бу қарор собиқ СССРни, коммунистик мафқурани қайта тиклашга, тоталитар тузум ҳамда 1991 йилда Россия халқи томонидан ҳам, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа барча халқлар, жумладан, Ўзбекистон халқи томонидан ҳам яқдиллик билан рад этилган эски ақидаларга қайтишга даъват этишдан бошқа нарса эмас. МДҲ муқобили йўқ ҳамжамият бўлиб, унда Россияга ҳақли равишда етакчи ўрин ажратилганига бизнинг ишончимиз комил.

Ўзбекистон қатъий равишда мустақиллик йўлини, барча давлатлар, биринчи галда Россия билан, асрлар давомида дўстлик ва қардошлик ришталари билан ўзаро боғланган Россия халқи билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш йўлини танлаб олган.

Биз Россия 1991 йилда танлаган йўл — янгиланиш, демократик ислохотлар, суверен демократик мустақил давлат қуриш йўли, бу йил фаровонлик, улкан табиий, моддий, маънавий ва ақл-зако салоҳиятига эга бўлган халқнинг ҳаётини тўқис қилиш йўли эканига қатъий аминмиз.

Муҳтарам Борис Николаевич!

Сиз, Россиянинг Президенти ва барча демократик кучлар, Россия жамиятини янгилаш тарафдорлари қўллаб-қувватловчи тан олинган етакчиси сифатида Россияни эски, умрини яшаб бўлган тузумга қайтаришга интилаётган турли сиёсий доираларга муносиб зарба берасиз, Россия ислохотлар йўлидан дадил боравереди ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллайди, деб қатъий ишонамиз.

*Эҳтиром билан Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
1996 йил 18 март.*

Ана шулардан кўриниб турибдики, мустақил тараққиёт Ўзбекистон ҳукуматининг ҳам ва ана шу мамлакат фуқароларининг ҳам қатъий йўли, стратегик мақсади ва олис истиқбол билан боғлиқ бўлган ҳодисага айланган. Ўзбекистон ҳукуматининг ўзи танлаган йўлига собитлиги, сиёсатдаги изчиллиги, воқеа ва ҳодисаларни ҳолисона баҳолаш ва унга тўғри баҳо бериш фазилати унинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги нуфузини белгилайди. Зотан, у баъзи бир мамлакатларга ўхшаб шамолнинг оқимига қараб йўл тутмайди. Муаммоларга дуч келинганда саросимага тушмайди, ҳар хил ифвогарона ғоялар ва сиёсий ўйинларга ўз вақтида муносабат билдиради. Зарур келганда унга чек қўя олади.

Бундай ҳодиса, айниқса Россияда президент сайловларга тайёргарлик кўрилаётган пайтда яққол кўзга ташланди. Коммунистларнинг алаҳсирашларига ва «даҳолик» васвасаларига кескин муносабат билдирди. Россияда демократик кучларнинг мустақамланишига, у ерда демократия ва инсон ҳуқуқлари тобора чуқурлашиб боришига, иқтисодий ислохотларнинг самарали бўлишига умид билдирди. Россия демократларини қўллаб-қувватлади.

Тожикистондаги воқеалар, тожик-афғон муносабатлари, Тожикистон ва Россия ўртасидаги алоқалар, уларнинг мантиси, сиёсий ечими, истиқболдаги мақсад ва ниҳоят тинч-тотув яшаш тарзини йўлга қўйиш борасида сарфланган куч-ғайрат, билдирилган ҳолисона фикрлар Ўзбекистон обрў-эътиборини яна бир бор оширди. Айни пайтда мамлакатимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида сиёсий жиҳатдан етук, иқтисодий жи-

ҳатдан тараққий топаётган, ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланган, маънавий жиҳатдан баркамоллашган давлат сифатида кўзга ташланмоқда.

3-§. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҚАРДОШЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИ

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон билан ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустақамлашга қаратилди. Бу, бешта давлатлар тарихи, маданияти, тили ва дилининг бирлигидан, томирларининг буташиб кетганлигидан келиб чиқувчи жиддий сиёсат иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўли эди. Шуни алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов кейинги беш йиллар мобайнида бу минтақадаги давлатлар, халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиб уни мустақамлаш ва ривожлантириш тадбирларини қадам-бақадам амалга ошириб келмоқда.

Маълумки, бир неча минг йилликлар мобайнида жонжонига, қони-қонига пайванд бўлиб кетган Марказий Осиё — қадимий Турон халқлари собиқ СССР даврида турли миллатларга ажратиб ташланди. Қозоғдагина суверен, аслида эса Марказга қарам совет республикалари барпо этилди. Бу сохта сиёсат туфайли анъаналари, турмуш тарзлари, руҳий ва маънавий қадриятлари бир бўлган халқлар ўзбегу қозоққа, тожигу қирғиз, туркманга бўлиб юборилди.

Албатта, мазкур халқлар ўтган 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида миллат сифатида шаклланди. Уларнинг ўз тили, маданияти бор. Энди уларни бутунлай бирлаштириб юбориш миллий қадриятларини топташ билан баробар. Бироқ, масаланин бошқа томони ҳам бор. Яъни, ягона Туркистон заминида собиқ СССР тарқалгач вужудга келган мустақил давлатлар ўз тарихий келиб чиқишлари, халқларининг бой ўтмиши, маънавий ва руҳий эҳтиёжлари нуқтан назаридан ўзаро яқинлашишга ҳаётий зарурат сезишлари табиий ҳолдир.

Марказий Осиё халқлари руҳияти асрлар мобайнида бири-бирига туташиб, маънавий, диний ва ахлоқий муносабатлари уйғунлашиб кетган, яшаш тарзлари ва урф-одатлари муштарак бўлиб, ягона, улкан ва жонли вужудга айланган эди. Шунинг натижасида қондошу жондошлик, бир бутунлик анъаналари таркиб топган. Кишилиқ тарихида бундай маънавий, руҳий ва фикрий яқинлик бу диёрда ҳамиша ҳамма нарсдан устун келган. Шунинг учун ҳам Мавлоно Рудакий: «*Дунёнинг шодлиги йиғилса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун*», деб бежиз

айтмаган. Мустақиллик шароитида миллат, миллатлараро муносабатлар, миллий маданият, яқин қардош халқларнинг маданий мероси, этник муаммолари, жуғрофий ва иқтисодий бирлиги ҳақидаги тасаввурлар ўзгарди. Янги тарихий шароитларда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар Марказий Осиё мамлакатлари халқларининг келиб чиқиши, уларнинг тарихи ўзига хос турмуш тарзлари ва яқин қўшничилик муносабатларига ҳар қачонгидан бошқачароқ қарашни ҳаёт тақазо эта бошлади. Зеро, этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган, тарихан бир муҳитда яшаб, ўтмиш маданияти бир заминда вужудга келган, бироқ, айна пайтда мустақил давлат бўлиб яшаётган мамлакатлар ўз тарихий илдиэларини қидириб топишини, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини қайтадан тиклашини ҳаётнинг ўзи зарурат деб ҳисобламоқда.

1993 йилнинг январида Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги бу учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Беш давлат Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон раҳбарлари ҳамдўстлик ҳақидаги битимга имзо чекишди. Буни минтақа халқлари зўр мамнуният билан қарши олдилар ва қўллаб-қувватладилар.

Шу тариқа жаҳон сиёсий сўзлигида «Марказий Осиё» деган янги атама пайдо бўлди. Албатта, бу ҳодисага турли тоифа ва қарашдаги сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар турлича баҳо бердилар. Айримлари ҳатто, минтақадаги мамлакатлар бирлашиб, ягона давлат бўлармиш, дейишгача бордилар. Минтақа раҳбари ким бўлади? Қайси тил давлат тили бўлади, кўпмиллатли минтақа миллий маданиятлари муаммолари қай йўсинда ҳал этилади, қабилдаги саволлар туюлди. Президент Ислом Каримов Марказий Осиё Ҳамдўстлигини вужудга келтириш ташаббускори сифатида унинг мақсад ва моҳиятини аниқравшан кўрсатиб берди. Яъни, Мустақил Давлатлар суверенитети дахлсиздир. Ҳамдўстликка аъзо бўлган мамлакатлар халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла амал қилган ҳолда давлат тизимига, бошқарув усулига ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, ҳар бир давлат Конституциясини ҳурмат қилиш ва тан олиш, фақат иқтисодий ва маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш, ягона бозор, мол айирбошлаш имкониятларини кенгайтириш, божхона ва чегаралардаги сунъий тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўриб чиқилди. Орадан кўп ўтмай ана шу ҳамдўстликка амалий пойдевор қўйилди. 1995 йилнинг январь ойида Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев Тошкентга келди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатларга имзо чекилди. Тез орада бу битимга Қирғизистон ҳам қўшилди. Натижада уч мамлакат ўрта-

сида ягона бозорни вужудга келтириш, маҳсулот айирбошлаш имконияти яратилди.

Марказий Осиё Ҳамдўстлиги нафақат бугунги ўтиш даври маҳсули, балки жўғрофий, тарихий-этник ва ижтимоий-иқтисодий эҳтиёждир. Чунончи, бу мамлакатлар жуғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин ва зич жойлашган. Сув, электр энергетикаси ва бошқа табиий омиллар ҳам уларни боғлаб туради. Қарийб 50 миллионли аҳоли тарихан ягона ўтмишга, ягона тақдирга, бир-бирига уйғунлашиб кетган дунёқараш ва анъаналарга эга. Уларнинг ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий ҳамдўстликдан ҳам баланд турадиган қадимий қадриятлари бор. Минг йилликлар мобайнида шаклланган маънавий, маданий, ахлоқий, диний ва лисоний муштараклик ҳам мавжуд.

Дунёвий муаммолар, инсоният тақдирига дахлдор масалалар ечимини топишда мамлакатлар ва халқлар, миллий манфаатлари ҳамда эҳтиёжларидан қатъий назар, биргаликда ўзаро ҳамкорлик йўлларини излайдилар. Бироқ ҳеч қандай ҳамкорлик, турмуш тарзлари, урф-одатлари, руҳиятлари уйғунлашиб кетган яқин қўшни халқларнинг дўстлигига тенг келолмайди. Чунки бу ерда ажлодлар руҳи келажак авлодлар боғлиқлиги, бир бутун замин — Она Ватан яхлитлиги каби муқаддас туйғу доимо барқарордир. Президент Каримов Марказий Осиё халқлари бирлигини мустақкамлашнинг минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш сиёсатининг инсонпарварлик мазмуни ана шунда, деб билди.

Айни пайтда Марказий Осиё минтақасида жойлашган давлатларда ўзига хос табиий ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд. Собиқ СССР даврида қазиб олинган кўмирнинг қарийб 20 фоизи, газнинг 18 фоизи, олтиннинг 33 фоизи, ўсимлик ёғининг 26 фоизи, пахтаинг 92 фоизи ана шу минтақа ҳисобига тўғри келарди. Шу масаланинг ўзиданоқ бой, деҳқончилиги тараққий топган, маъдан хазиналари беҳисоб бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш қанчалик самарали эканлиги кўзга яққол ташланади.

Бироқ, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг самарали ишлаши учун тўсиқ бўлаётганлар ҳам оз эмас. Булар, биринчидан, етмиш йиллик яқин ўтмишда шаклланган, сохта миллатпарварлик ҳиссиёти, аҳоли бир қисми тушунчаси ва дунёқарашининг маълум даражада чекланганлиги, минтақавий ҳамкорлик мазмун-моҳиятини тўла ва чуқур тушуна олмаётганлиги бўлса, иккинчидан, мамлакатларимизнинг ўзаро яқинлашувидан таҳликага тушаётган кучларнинг мавжудлигидир. Бу йўлдаги ютуқ ва камчиликларни, мавжуд зиддиятларни ўз вақтида англаган Каримов масалага реал қарайди ва ҳолис баҳолайди.

1993 йилнинг июль ойида Қозғистон ва Ўзбекистон ўртасида 1994—2000 йилларда иқтисодий интеграцияни чуқурлаш-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида битим имзоланди. 1994 йилнинг январида ягона иқтисодий ҳудудни барпо қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу шартномага 1994 йил апрель ойида Қирғизистон Республикаси қўшилди. Уч давлат ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириб турувчи Ижроия қўмита тузилди, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки таъсис этилди. Ана шу органларнинг иши натижасида Бишкекда Республикалар Бош вазирлари Кенгаши қарори имзоланди. Унда томонлар 2000 йилга қадар республикаларни иқтисодий жиҳатдан бир-бирига яқинлаштиришнинг йўналишлари белгиланди.

1994 йил 8 июлда Ислон Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувида иштирок этиш учун Алматыга борди. Қозоғистон Президенти қароргоҳида уч мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Сўнг делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокаралар ниҳоясида Президентлар Ислон Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев биргаликда баёнот ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон халқларига Мурожаатнома қабул қилдилар. Шунингдек, аҳоли миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ҳамда уччала мамлакат ўртасида Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди. Ҳукумат раҳбарлари эса давлатлар ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт соҳасидаги ҳукуматлараро битим ва шартномаларни, шунингдек ахборот билан таъминлаш соҳасидаги битимларни имзоладилар.

МДХ давлатларининг бошлиқларига мурожаатнома

Кейинги вақтларда МДХ мамлакатларидаги иқтисодий ислохотларга, уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига беҳуда зиён етказилмади. Иқтисодиётни бирлаштириш соҳасида куч-гайрат сарфлаш, МДХ доирасидаги ўзаро алоқаларни мувофиқлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни барпо этиш соҳасида амалий ишлар қилиш ўрнига, айрим давлатларнинг минтақавий айирмачилиги, яққаланиши тобора авж олиб бормоқда. Улар қўшни давлатларнинг иқтисодий манфаатларига зиён етказиб бўлса ҳам танглиқдан мустақил равишда чиқиб олишга интилмоқдалар. Не машаққатлар билан эришилган аҳдлашувлар бирёқлама ҳаракатлар билан тез-тез бузилмоқда. Жумладан, давлатлараро банк тузиш тўғрисида бир қанча парламентлар томонидан тасдиқланган шартномага уринсиз равишда ҳалақит берилмоқда ва оқибатда бу шартнома бажарилмай турибди. Биргаликдаги хавфсизликка оид шартнома, молия-кредит сиёсатининг келишиб олинган қоидалари писанд қилинмаяпти.

Мана шуларнинг ҳаммаси МДХ давлатларининг турли-туман соҳаларидаги баҳамжиҳат ҳаракат майдонини бузиб, уларга бевосита иқтисодий зарар етказмоқда, бунинг устига одамларнинг ҳафсаласини пир қилмоқда, ҳокимиятга ишончсизлик туғдирмоқда, ижтимоий кескинликни хатарли равишда кучайтирмоқда.

Биз воқеаларнинг шу тарзда ривожланиб боришидан ташвишланиб, сизларга ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг йигилишини ҳеч кечиктирмай ўтказишни, унда куйидаги масалаларни муҳокама этишни таклиф қиламиз:

1. Мувофиқлаштирувчи - маслаҳат комитети тегишли шартнома лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиққанини эътиборга олиб, иқтисодий иттифоқни ва унинг мувофиқлаштирувчи ташкилотларини тузишга оид қарор қандай амалга оширилаётгани ҳақида;

2. Давлатлараро банк тўғрисидаги битимни, энг аввало МДХнинг тўлов иттифоқини яратиш асосида давлатлараро куп томонлама ҳисоб-китобларни дарҳол амалга киритиш ҳақида;

3. Биргаликдаги хавфсизликка оид шартномани амалда рўёбга чиқариш ва МДХнинг стратегик кучлари тўғрисидаги битимларнинг бажарилиши ҳақида.

Давлат бошлиқларининг учрашувини август ойининг бошларида Москва шаҳрида ёки бошқа шаҳарда ўтказиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Қозоғистон Республикасининг
Президенти**

Нурсултон Назарбоев.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ислом Каримов.

(Ўзбекистон овози. 1993 йил, 30 июл.)

Шу йилларда ижтимоий ҳаётнинг кўпгина соҳалари, хусусан, илм-фан, маданият соҳасида Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатлари янада кенгайганлигини алоҳида ўқдириш лозим. Хусусан, 1996 йилгача илм-фан ва технологияларнинг 16 та устивор йўналиши бўйича 107 та қўшма лойиҳа тайёрланди.

1994 йили Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси Кунлари ўтказилди ва унда Ўзбекистон-Қозоғистон Марказини ташкил қилиш хусусида келишиб олинди. Тенглик асосида ахборот ва таҳририят материаллари алмашадиган бўлди. Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам Ўзбекистон Қозоғистон муносабатлари янада кенгай борди. Хусусан, маданий алоқалар анъанавий тус олди.

Чўқон Валихонов, Абай, Жамбул, Муҳтор Авезов, Собит Муқонов, Анвар Олимжонов, Ўлжас Сулейменов ва бошқа қозоқ ижодкорларининг асарлари Ўзбек ва Қорақалпоқ тилига таржима қилинди. Айни чоғда Ойбек, Фафур Фулом, Миртемир асарлари қозоқ тилида оммавий нусхаларда нашр қилиниб, китобхонларга етказилди.

Ҳозирда Қозоғистонда бир миллион ўзбек, Ўзбекистонда эса бир миллиондан ошиқ қозоқ истиқомат қилаётганлиги учун ҳам маданий алоқаларга катта эътибор берилди. Ўзбекистонда 605 та Қозоқ мактаби бўлиб, унда 15 минг бола ўқийди. Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Нукус ва Навоий педагогика институтларда қозоқ тилида ўқиш олиб бориладиган бўлимлар ишлай бошлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурда қозоқ адабиёти Кенгаши, Жиззах вилоятида «Кок-тем» қозоқ театр студияси ташкил этилди¹⁰. Ўзбекистонда 1992 йилдан бошлаб Қозоқ тилида «Нурли жол» республика газетаси нашр қилина бошланди. Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Орол денгизини сақлаб қолиш, минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлида кучларни бирлаштириш, баҳамжиҳат ҳамкорликда фаолият кўрсатиш мумкинлигини тушуниб етдилар. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари 1993 йил 26 мартда Қозоғистон Республикасининг Қизил Ўрда шаҳрида, 1994 йил 11 январда Нукус шаҳрида, 1995 йил 3 мартда Туркменистон Республикасининг Тошҳовуз шаҳрида, 1995 йил 20 сентябрда яна Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммосига бағишланган учрашувлар ўтказдилар ва бу борада амалий ишлар олиб бора бошладилар.

Айниқса 1999 йил 8 апрель куни Туркменистон Президентининг саройида бўлиб ўтган Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг мажлиси ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади. Унда Жамғарма Президенти — Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримов Жамғарманинг 1997—1999 йиллардаги фаолияти ҳақида сўзлади ва келгусида жамғармани ривожлантириш бўйича ўз таклифларини баён қилди.

Мажлисда экологик фалокат минтақасидаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлик ва халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Минтақамиз мамлакатлари давлат раҳбарларининг Ашгабад саммити, албатта, фақат бир мавзу билан чекланиб қолгани йўқ. Саммитнинг биринчи кунидаяқ кун тартибидан Орол муаммоларидан ташқари, бошқа масалалар ҳам жой олди. Булар орасида минтақа миқёсидаги интеграция жараёнлари, давлатлараро муносабатлар ҳам кўриб чиқилди. Президентлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожига туртки берадиган, давлатларимизнинг халқаро иқтисодий муносабатлар тизимига интеграциялашувини фаоллаштирадиган минтақавий лойиҳаларини муҳокама қилди. Ушбу лойиҳалар Каспий денгизи энергетика захираларини жаҳон бозорига етказиш, электр энергияси экспортини кенгайтириш, телекоммуникация, темир йўл ва автомобиль

йўли алоқасига тааллуқлидир. Учрашувда минтақавий миқёсдаги ва давлатлараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Саммитда Ўзбекистон раҳбари — Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Президенти Ислон Каримов Жамғарманинг 1997-1999 йиллар давридаги фаолияти ҳақида сўзлаб, ўтган вақт мобайнида Орол муаммоси ижобий томонга ўзгараётганини кузатиш мумкинлигини, масалан, Оролбўйида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан улкан ишлар амалга оширилаётганлигини, оналар ва болалар соғлигини муҳофазга қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ичимлик сув билан таъминлашнинг яхши йўлга қўйилганлигини, Орол денгизи сатҳининг пасайиши тўхта-тилганлигини, халқаро ташкилотлар томонидан ҳам катта лойиҳаларни молиялаштириши қийин кечаётганлигини инобатга олиб, келгусида эса кўпроқ имкониятлар даражасидаги лойиҳаларга эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Жамғарманинг янги президенти масаласи кўриб чиқилди. Жамғарма низомига биноан, унга раҳбарлик қилиш муддати икки йилдан иборат. Ашгабад саммитида Туркменистон Президенти Сапармурод Ниёзов Жамғарма раҳбарлигини қабул қилиб олди. Саммит кун тартиби доирасида Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг низомига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, Жамғарма ва унинг қошида очилган ташкилотлар мавқеини белгилаш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Учрашув якунида Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозогистон раҳбарларининг Қўшма баёноти ҳамда Орол муаммолари бўйича учрашув якунларига доир Ашгабад Декларацияси қабул қилинди.

Марказий Осиё давлатлари қардошлик муносабатларида Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки, тожик ва ўзбек халқининг ўтмиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ҳозирги муносабатлари турли даврларда турлича мунозараларга сабаб бўлмоқда. Айрим мафкураси бузуқ игвогарлар ана шу ҳар икки миллатнинг нозик жиҳатларидан фойдаланиб, уларнинг ҳиссиёти ва шаънига тегишмоқда. Ҳар икки миллат ўртасига нифоқ солишга уринишлар бўлди. Аслини олганда минтақа халқларининг шаклланиш жараёни асосан бир замин ва бир хил тарихий шароитда вужудга келган. Улар бир хил ҳаётий, руҳий кечинмалар жараёнини бошдан кечиришган. Дунёқарашлари, онг ва тушунчалари ана шу умумий яхлитлик, умумий уйғунлик доирасида пайдо бўлган. Тилларидаги турли лаҳжалар ва шевалар уларнинг бир бутунлигини, яхлит ва умумийлигини инкор этмайди. Аксинча ўзаро яқинлигини, қардош ва қариндошлигини тасдиқлайди. Улар ўртасида ким қайси тилда гаплашаётгани билан эмас, ким қандай умумий манфаат, умумий қадрият хусусида ўйлаётгани ва унга интилаётгани билан муносабатларини баҳолашган.

Новаторлар эса тожиклар ва ўзбеклар ўртасида турли гализ фикр ва мулоҳазаларни тарқатишга ҳаракат қилаётирлар. Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Тожикистон муносабатларидаги асосий тамойил бир-бирларининг суверенитетини ҳурмат қилиш, ички ишларига аралашмаслик, айни чоқда ўзаро ҳурмат бўлди.

Шунинг учун ҳам кейинги 10 йилликларда Тожикистонда юз бераётган нотинч воқеаларга ўзбек халқи, Ўзбекистон раҳбарияти бефарқ қарашмади. Тинчлиги бузилган тожик халқига ўзбек халқи мунтазам инсонпарварлик ёрламини бериб турди. Президент Ислом Каримов бирқатор халқаро минбарларда, жумладан, БМТ, ЕХХТ ва МДХ давлат раҳбарлари билан учрашувда Тожикистонда вазиятни нормаллаштиришга, уни тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилишга қаратилган таклифларни ўртага ташлади. Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг Тошкентда доимий ишловчи семинарини чақириш, Тожикистон ва Афғонистон мажоралари, нарқобизнесга қарши курашни кучайтириш, Орол муаммосини ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича бир қатор таклифларни ўртага қўйди.

Мавзуга доир материал

Тожикистон муаммоси ечимининг беш муҳим жиҳати

Алмати шаҳрида олий маҳом учрашувидан сўнг журналистлар билан бўлиб утган учрашувда мухбирлар тожик-афғон чегарасида юзага келган танглик ва Ўзбекистон ҳамда Қозогистон раҳбарларининг бу муаммога мумосабати хусусида саволлар беришди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу саволларга жавоб бераркан, муаммонинг беш жиҳатига муфассал тўхталиб ўтди.

Биринчидан, деди у, Тожикистон билан Афғонистон чегарасида рўй бераётган зиддиятни ҳеч қачон катта куч тўплаб, зўрлик йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Зўрлик ишлатиш аҳволни баттар чигаллаштириб юбориши мумкин. Бу муаммони фақат тинч йўл билан, музокаралар воситасида ҳал этиш зарур.

Масаланинг иккинчи муҳим жиҳати шуки, деди Ислом Каримов, Тожикистон — мустақил давлат, унинг раҳбарияти мамлакатнинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган, ўз халқининг тўб манфаатларига хизмат этувчи сиёсат юргизиши табиий. Ҳозир Тожикистон раҳбарияти мамлакат бошига тушган катта фожиадан чиқиб олиш йўллари ахтаряпти. Биз қўшни давлат вакиллари, тожик халқи тезроқ ўз диёрида, тинч ва фаровон ҳаёт қуришини истайми. Тожикистон раҳбариятининг ўз юртида тезроқ тинчлик ва тотувлик ўрнатиш йўлидаги мустақил саъй-ҳаракатларини қўллаган ҳолда, баъзи бир масалаларда тавсия тарзида ўз мулоҳазаларимизни билдирсак, улар тўғри қабул этилади, деб умид қиламиз. Шу нуқтаи назардан қара-

сак, муаммони, яна таъкидлаб айтаман, асло зўрлик йўли билан ечилмайдиган муаммони ҳал этишда Тожикистон тарафи биринчи навбатда Афғонистон раҳбарияти билан, агар керак бўлса, Покистон, Эрон ва шу минтақадаги бошқа кўшни давлатлар билан музокара йўлига ўтса, вазиятни қай тарзда ва қанчалик тез барқарор этиш йўллари ҳақида ўзаро фикр алмашса, аини муддао бўлур эди.

Муаммони ҳал этишга ёрдам берувчи учинчи жиҳат хусусида гапирар экан, Президент Ислом Каримов шундай деди: Тожикистон раҳбарияти ўз юрти келажагини ўйлайдиган, мамлакатда демократик жамият қуриш йўлини танлаган соғлом кучлар билан тезроқ мулоқотга ўтгани маъқул бўларди.

Бугунги кунда собиқ СССР ҳудудида қад ростлаётган мустақил давлат ўз Конституциясини, — жамиятнинг, давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқаяпти ва демократик меъёрларга мослаяпти. Чунончи, демократик сайлов тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан қонунлар тайёрлаш ҳамда шу қонунларни ҳаётга тadbик қилиш бугунги замон талабига жавоб берадиган иш бўлур эди. Агар шу нуқтаи назардан ёндошсак, Тожикистондаги ижтимоий тангликни бартараф этишнинг **тўртинчи** жиҳатига келамиз. Бунинг моҳияти шуки, Тожикистондаги вазиятни барқарор этиш учун кун сайин ўзгариб бораётган замон талабларига жавоб бера оладиган қонунлар ишлаб чиқишни тезлаштириш зарур. Янги жамият қуриш ва янги демократик сайлов ўтказиш йўлида турли сиёсий кучларнинг бошини қовуштириш, жамоатчиликни ана шу олижаноб мақсадларга жалб этиш, бизнинг фикримизча, гоят маъқул иш бўлур эди.

Албатта, бизлар тожик-афғон чегарасига икки давлат ўртасидаги чегара деб эмас, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг чегараси сифатида қараймиз, деди Ўзбекистон Президенти. Муаммо ечимининг **бешинчи** жиҳати шундаки, ялпи Хавфсизлик шартномасига имзо чеккан мамлакатлар чегарани мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак. Лекин ҳар бир давлат, энг аввало, ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий ва ҳам дипломатик кучларига таяниб, муаммони ҳал этишга ҳаракат қилгани маъқул.

Президент Ислом Каримов Тожикистон халқи ва раҳбарияти вужудга келган муаммоларни босиқлик ва ақл-заковат билан, тинчлик ва адолат йўли билан ҳал этишга қодир, деб ишонч билдирди.

«Ўзбекистон овози», 1993, 30-июль

1992 йил 8 октябрда Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов Раҳбарлигидаги шу мамлакат делегацияси расмий амалий ташриф билан Тошкентга келди. Халқлар Дўстлиги саройида ҳар икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Сўнг расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибда музокаралари бўлди.

Ислом Каримов Тожикистондаги вазият хусусида сўзлар экан, мамлакат мустақиллиги ва равнақи учун курашувчи барча

сиёсий кучларнинг 1994 йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловида тенг иштирокини таъминлаш ва халқнинг барча қатламлари бу долзарб масалага ўз муносабатини ҳолис билдиришига имконият яратиш ноҳоятда муҳимлигини таъкидлади. Имомали Раҳмонов қардош Ўзбекистоннинг тожик халқига инсонпарварлик ёрдамидан Президент Ислам Каримовнинг минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасидаги ташаббусларини юксак баҳолади. Бу йилги ҳосилни нес-нобуд қилмай териб олиш ва келгуси иш ҳосили учун замин яратиш ҳамда қишнинг талофатсиз ўтиши учун газ ва ёқилғи етказиб бериш ҳақидаги илтимоси қондирилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорчилик изҳор этади.

1991—1996 йилларда Ўзбекистон ва Туркменистон муносабатларида ҳам ўзаро қардошлиқ, дўстлик, биродарлик, иқтисодий, маънавий соҳаларда ҳамкорлик тамойили амал қилинди.

Қардош халқлар ва қўшни мамлакатлар умумий хонадонини ташкил этиш, ягона замин, ягона маконни қарор топтириш, белгилашнинг маънавий пойдевори — бу олис ўтмиш муштарақлигини, шу асосда шаклланган урф-одатлар, анъаналар ва турмуш тарзини чуқур ўрганишдир.

Президент И. Каримов томонидан 1995 йил 5 майда Олий Мажлис II сессиясида «Туркистон—умумий уйимиз» шиорини илгари сурилиши, унинг мазмуни, кўзланган мақсад ва минтақавий барқарорликни таъминлашдир.

Марказий Осиё ҳамдўстлиги мамлакатлари жаҳоннинг бошқа иттифоқдош ва минтақавий ҳамкорлик мамлакатларидан фарқли ўлароқ маънавий ва маданий ҳамкорликка кўпроқ асосланади. Чунки бу ҳудудда асрлар мобайнида маънавият, ахлоқ, таълим-тарбия ва маданият уйғун ҳолда турмуш тарзига айланган. Ахлоқ ҳар қандай шароитда ҳам инсонийлик ва инсоний баркамолликнинг бош принциплари сифатида тан олинган. Қолган барча ҳаракатлар ва мезонлар, жумладан, иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, бозор муносабатлари, савдо-сотиқ, мол айирбошлаш ҳам қадимдан юксак ахлоқ ва одобга таянган маданий муносабатларнинг бир қисми ҳисобланган. Бу минг йиллар мобайнида шаклланиб, жаҳон цивилизациясига катта таъсир кўрсатган улуг алломалар ҳаёти ва ижодида, уларнинг инсоният тарихида бурилиш ясаган асарларида ҳам ўзига хос тарзда ифодасини топган. Шу боис Шарқ алломалари дунёвий фанларнинг қайси соҳасида ижод қилишмасин, ахлоқ категориясига қаттиқ суянишган, унга катта эътибор билан қараб, қомусий хулосалари билан бойитиб боришган.

Юқорида айтилганидек қадимий Туронда ахлоққа катта эътибор билан қарашган. Юксак инсоний фазилат, инсонни миллатидан қатъий назар барча мавжудотларнинг сарвари сифатида қадрлаш, маънавий камолот ва етуклик, адолат, инсоф,

диёнат ва имон каби хусусиятлар тирикликнинг бош мазмуни сифатида тушунилган.

Халқларимиз дунёқараши, мақсад ва интилишларини ифода этган халқ оғзаки ижоди намуналари ана шу замин аҳлининг бутун руҳиятини қамраб олган. Жумладан, ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ халқларида «Алпомиш», Туркменистон, Озарбайжон ва Ўзбекистонда «Гўрўгли» дostonларининг, қирғизларда «Манас» халқ эпосининг вужудга келиши, уларда қарийб бир хил — эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик курашида тўғрилиқ ва адолатнинг тантанаси, донишмандлик, ақлидрок, хушхулқ ва хушфёъллик асосий ғоя қилиб олинганлиги ана шу халқлар қарашларининг уйғунлигидан далолат беради. Ёзма адабиётда эса Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридagi сингари фалсафий-ахлоқий гоаялар, форсийларда Умар Хайём, Фирдавсий, Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, ўзбекларда Беруний, Абу Али ибн Сино, Хоразмий, Алишер Навоий, қозоқларда Абай, туркманларда Махтумқулиларнинг буюк асарлари вужудга келди ва дунё маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Айниқса мазкур халқлар маънавий ўтмиши, тарихий-этник жиҳатлари тарихан бирдир.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини вужудга келтириш, уларнинг суверенитетини ҳурмат қилган ҳолда, қадимдан ҳамкору ҳамфикр бўлиб келган халқларни яқинлаштириш ва шу асосда ўтиш даври мураккаблиklarини енгиш энг ҳаётий, энг ишончли ва энг самарали усулдир. Бу айни пайтда юқорида тилга олинган улуғ аждодларимиз қарашларига ва минтақа халқлари мақсадларига тўла мос келади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бундай ҳодисани ўз вақтида чуқур баҳолади ва долзарб масала қилиб кўтарди. Марказий Осиёда ҳудудий жойлашиши жиҳатидан ҳам, ер ости ва ер усти бойликларига эгаллиги, ҳуллас иқтисодий кўлам ва маданий даражаси жиҳатидан ҳам Ўзбекистон Марказий Осиёда алоҳида мавқега эга.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ташқи сиёсий йўли аниқ. Бу йўл минтақада яхлит иқтисодий ҳудудни вужудга келтириш ва ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг 1995 йил 23 февлардаги I сессиясида Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни белгилаб шундай деган эди:

«Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик миллий хавфсизликнинг асосий шартларидан биридир. Халқларимиз тарихи, маданияти анъаналари, диний эътиқодининг муштараклиги мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг муҳим пойдевори ҳисобланади.

Бизнинг мақсадларимиз бир, тақдиримиз бир. Бизда миллий муносабатларда кескинликлар йўқ, ҳал қилиб бўлмайдиган

воқеалар ҳам йўқ»¹¹. Ўз фикрини давом эттириб Президент И. Каримов — «...биргаликда яшашимиз керак. Янада очикроқ айтганда, агар Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ёки Қозғистондан ҳам ташаббус чиқадиган бўлса, мен уларни қўллаб-қувватлашга тайёрман. Мен Марказий Осиё давлатлари орасида интеграция барпо қилишнинг энг оғир ва энг ожиз томони бу ҳалқлар орасига совуқлик солувчи, уларни бир-биридан узоқлаштирувчи сунъий тўсиқлар эканини тушунаман» — дейди «Озодлик» радиостанцияси мухбири А. Дубнов билан суҳбатда.

Кўриниб турибдики, Президент Каримовнинг ташвишлари олис истиқбол ташвишлари, дунё, унинг келажаги, олам ва одам дарди билан боғланиб кетган. Бу боғланиш бевосита Ўзбекистон ҳукумати сиёсатининг мазмун-моҳиятини, қўлами ва қамровини белгилайди.

Марказий Осиё хонадони — қадимий хонадон. У ўз шонли тарихига, буюк анъаналарига, дунёвий маданиятига эга бўлган улкан ва файзли оила. Ана шу минтақада мавжуд бўлган тарихий анъаналарни давом эттириш, уларни янги тарихий шароитларда бойитиб бориш, келгуси авлодга ҳар томонлама етук, баркамол жамиятни мерос қолдириш ҳаммамизнинг бурчимиз. Шу маънода Президентимизнинг «Ёш авлодга биз озод ва обод Ватани мерос қолдиримоғимиз керакки, улар боболарининг улуг ниятлари ва ишларини давом эттирсинлар. Чунки ёшларнинг маънавий уйғоқлиги гафлатдан асровчи асосий омиллардан биридир», — деган сўзлари бугун ўзбек халқи кўнглидаги фикрлар десак муболаға бўлмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., «Ўзбекистон», 1992, 8-бет.
2. Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 9-бет.
3. «Халқ сўзи» газетаси, 1995, 3 ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони нашри. Хабарнома, 2-сон, 1995, 91—93-бетлар.
5. ЎзР Президенти девони нашри. Хабарнома, 16-сон, 1995, 96—98-бетлар.
6. ЎзР Президенти девони нашри. Хабарнома, 2-сон, 1995, 83—85-бетлар.
7. ЎзР Президенти девони нашри. Хабарнома, 16-сон, 1995, 119-бет.
8. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1994, 188-бет.
9. Ўша жойда, 223—224-бетлар.
10. ЎзР Президенти девони нашри. Хабарнома, 2-сон, 1995, 12-бет.
11. «Халқ сўзи» газетаси, 1995, 24 февраль.

Дунёда фақат икки ҳоким бор — қилич ва ақл-идрок; охир-оқибатда ҳар доим ақл-идрок қилич устидан ғалаба қозонади, деган эди машҳур арбоблардан бири. Дарҳақиқат, ҳар қандай ёвуз куч ақл-заковат, тафаккур ва илм олдида ожиздир. Заковатнинг қудрати унинг бунёдкорлигида, энг оғир пайтда ҳам яхшилик ва эзгулик йўлини — ғалаба йўлини топа билишида. Заковат ва тафаккур таянчи эса маърифат ва маънавият ҳисобланади. Тарихни билиш, аждодларнинг ишини ана шу икки буюк қадриятнинг сарчашмасидир. Узлигини англаган, узоқ ўтмишини билган киши олис истиқболни ҳам равшанроқ кўради, аниқроқ идрок этади. Демакки, ҳаётда ўз ўрнини топа билади. Ҳеч қачон қадр қимматини йўқотмайди. Демак, тарих тафаккур ва фикрга даъват этувчи илоҳий қудрат! Демак, бу маърифатли инсон ва маърифий жамиятнинг **биринчи** фазилати. Ўтмиши буюк халқ келажаги ҳам буюк бўлишига ишонади.

Иккинчи фазилати шундан иборатки, маърифатли халқ изланувчан ва бунёдкор бўлади. Ҳар қандай қийинчиликлардан чўчимайди, куч-қувват, катта ирода соҳиби бўлади. Тўсиқларни енгиб чиқади. Энг оғир ва зиддиятли пайтларда ҳам истиқболни аниқ кўра олади. Унга етишмоқ йўлларини топа билади.

Учинчидан, маърифатли, юксак маънавиятли халқ миллий бирлик, миллий яхлитлик намунасини кўрсатади. Жамият қарама-қаршиликларини, турли кучларни енга олади. Миллат яхлитлиги орқали манфаатлар яхлитлигига эришади. Бундай халқни енгиб ўтадиган куч бўлмайди.

Мустақилликнинг ўтган даври — тарих учун бир лаҳза, бамисоли бепоеён осмон кенгликларидеда чакнаган чакин кабидир. Бироқ истиқлолнинг мураккаб, долғаларга тўла, зиддиятли бир пайтида халқимиз бой маънавиятини, мислсиз иқтидорини, беқиёс иродасини яққол намоён қилди. Айни ана шу муддатда мамлакатимизда амалга оширилган ишлар салмоғи ва кўлами билан бир неча ўн йилликларга тенг келади.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, иқтисодий барқарорликка эришиш, собиқ иттифоқ бир-бирига улаб ташлаган моддий занжирлар узилгач, уларнинг ўрнини қоплайдиган янги имкониятларни излаб топиш лозим эди. Энг мушкул пайтларда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш билан бирга жаҳон ҳамжамиятига йўл қидириш, дунёни ўрганиш, ўз имкониятларини олам аҳлига кўрсатиш сингари тажрибамизда кўрилмаган, машаққатли вазифаларни

ҳам уддалаш керак эди. Маълумки, мустақил тараққиёт ўз қобиғига ўралиб яшаш эмас. аксинча, жаҳон андозаларига мос қадам ташлаш, дунёдаги ривожланган, обрўли мамлакатлар билан тенг-ма-тенг туриб гаплашиш, ўз мавқеи ва нуфузини топа билиш каби оғир масалалар ечимини ҳам тақозо этар эди.

Ҳукуматимиз ана шундай бир вазиятда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик йўлини танлади ва бу борада собитқадамлик билан фаолият кўрсатмоқда. Натижада қисқа фурсатда хорижда Ўзбекистон ҳақида, ўзбек халқи тўғрисида тўла тасаввур шаклланди. Юртбошимизнинг беқийс иқтисодий, маънавий, ақлий ва жисмоний имкониятлари тан олина бошланди. Чет элдаги ҳамкорлар бу мамлакат билан ўзаро манфаатли муносабатларини йўлга қўйиш мумкин ва зарурлигини тушуниб етдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилган ишларни собиқ иттифоқ таркибидан ажралиб чиққан ёш мустақил мамлакатларда амалга оширилаётган ишлар билан қиёслаганда унинг миқёси ва кўлами яна ҳам ёрқинроқ кўзга ташланади. Бошқача қилиб айтганда халқимиз бош ислохотчи — давлатимиз раҳбарлигида энг тўғри йўлни танлай олганига ва унда собитқадамлик ҳамда келажакка қатъий ишонч билан бораётганини кўрсатади.

Ўзбекистон аҳли бу йўлдаги говларни, турли-туман қийинчиликларни, табиий ва сунъий тўсиқлар, қарама-қаршиликларни катта сабот ва ирода кучи билан енгмоқда. Бу халқимизнинг маънавий қудратидан, унинг руҳий жиҳатдан мустаҳкам эканидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар хусусида гапирар эканмиз, жаҳоннинг ҳозирги энг ривожланган мамлакатлари бошидан кечирган ўтиш даврига назар ташласак, қўлга киритган ютуқларимиз нақадар улғувор эканига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидан бири Америка Кўшма Штатлари ўз Конституциясини мустақилликка эришгандан сўнг 17 йил ўтгач қабул қилган. Унинг ривожланиш йўлига чиқиб олиши учун эса оз эмас-кўп эмас, қарийб икки аср вақт керак бўлди. Ўзбекистон эса бир йил ичида Конституция лойиҳасини тайёрлаб, уни умумхалқ муҳокамасига тавсия этди. Уч ой мобайнида 130 дан ортиқ миллат вакилларидан иборат фуқаролар мамлакатнинг Асосий қонунини муҳокама қилдилар. Янги таклиф ва мулоҳазалар билан бойитдилар. Конституция лойиҳаси ривожланган демократик давлатлар мутахассислари кўригидан ўтказилди. Шундан сўнг, мустақилликнинг ҳаммаси бўлиб, 15 ойи ичида — 1992 йил 8 декабрда мамлакатнинг Асосий қонуни қабул қилинди. Конституция бизнинг давлат қурилиши тамойилларимизни белгилаб, мустақил тараққиёт йўлимизни қонун билан мустаҳкамлаб берди. Ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлади. Ана шу биргина қиёс-

нинг ўзи бугун Ўзбекистон қандай имкониятларга эга эканлигидан далолат беради.

Албатта, XVIII аср одамлари билан XX аср одамлари дунё-қарашида, давлатчилик тизими ва бошқарув шаклларида фарқ бор. Бироқ, ўтиш даврининг ўзига хос, табиий равишда юз берадиган камчиликлари ва муаммоларини бошқача талқин қилаётган айрим бадбин кимсалар масаланинг шу томонига ҳам аҳамият берсалар ёмон бўлмас эди.

Масаланинг яна бир жиҳати бор. Ўз мустақиллигининг 40, 50 йиллик саналарини нишонлаётган Осиё ва Африка давлатлари ҳамон ривожланиш йўлларини аниқ-равшан танлаб олганларича йўқ. Уларда жамият тараққиётининг аниқ концепциялари ва тамойиллари мавжуд эмас. Ҳамон ишлаб чиқаришда беқарорлик, иқтисодий ҳаётда парокандалик юз бермоқда. Умуман олганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор муносабатларига ўтиш, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, мустақил тараққиётни бир маромда таъминлашнинг эволюцион жараёни ҳозирги замон давлатчилиги ва бошқаруви тажрибасига «Ўзбек модели» сифатида кирмоқда ва уни янги мазмун билан бойитмоқда.

Биз бугун турли хилдаги интеграция баҳонасида олдинги зўравонлик ва текинхўрлик тузумини соғинаётганлар аҳволини, руҳиятини яхши тушунамиз. Евроосиё хонадонини бунёд этиш ташаббускорларининг иддаолари ҳаммамизга аён. Иккифуқаролик муаммоларини кўтарган, ягона Қуролли Кучлар, ягона Конституция, ягона пул бирлиги, ягона давлат тили, мустақил мамлакатлар ишлаб чиқаришини мувофиқлаштириб турувчи ягона ижро ҳокимиятини барпо этиш тарафдорларининг ўкинч ва изтироб тўла кечинмаларини чуқур англаймиз. Этигининг қонини Ҳинд океани қирғоғида ювмоқчи бўлган империяпараст ва сафсатабоз «даҳо»ларнинг иситмаси ошган киши каби алаҳсирашлари бежиз эмас. Ўз мамлакати ва халқи истиқболини аниқ кўра олмайдиган, ўз тақдирини ўзи яратишга қодир бўлмаган, боқимандалик ва текинхўрликка ўрганган киши мустақил тараққиёт пайтида талвасага тушаётган бўлса, не ажаб?!

Буюк бобомиз Соҳибқирон Амир Темур «**Куч-қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг**», деган эдилар. Дарҳақиқат, мамлакатни обод қилган, юртини файзиёб этган, Ватанини улуғлаган миллат маънавий жиҳатдан баркамол, одил ва ориф халқ бўлади. Бундай халқ ўз тарихини шону шавкатга буркайди.

Мустақилликнинг қийин ва машаққатли даврида келажакка қатъий ишонч билан қараган халққина бундай кенг миқёсда вазифаларни амалга ошириши мумкин. Ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларини энгиб, ҳар куни кутилмаган муаммолар пайдо бўлиб турган бир пайтда майда юмушлар ва кундалик ташвишлар гирдобида қолиб кетмай, истиқбол йўлини танла-

ган халқнинг келажаги буюк бўлиши табиий. Бундай миллат дунё халқлари билан тенгма-тенг мулоқот қила олади, жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллайди. Бундай халқни асло енгиб бўлмайди! Зотан, маърифат, маданият, маънавият нури билан йўғрилган ватанпарварлик ҳисси, Ватан туйғуси ҳар қандай кучдан ғолиб келгувчи илоҳий қудратдир.

Кириш	2
--------------------	---

I - б о б. Мустақил Ўзбекистон Давлатининг ташкил топиши

§ 1. Мустақиллик — ўзбек халқининг азалий орзу-интилиши.....	7
§ 2. Ўзбекистон давлат суверенитетининг эълон қилиниши.....	17
§ 3. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг умумхалқ томонидан маъқулланиши.....	36
§ 4. Ислон Каримов Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти.....	41
§ 5. Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли.....	47
§ 6. Ўзбекистон мустақиллиги ҳуқуқий асосининг яратилиши. Янги Конституциянинг қабул қилиниши.....	57
Ҳуқуқий давлат изланишлари.....	57
Конституция сабоғи.....	67

II-б о б. Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотлар

§ 1. Ўзбекистонда Олий давлат вакиллик органи — қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг шаклланиши.....	76
§ 2. Миллий давлат тизимининг барпо қилиниши, бошқарувда янги усулларнинг қарор топиши.....	93
§ 3. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида туб ўзгаришлар ясалиши.....	107
§ 4. Ўз-ўзини бошқариш органларининг янада ривожлантирилиши.....	112
§ 5. Кадрлар сиёсатида янгича йўл тутилиши.....	119

III-б о б. Мустақил Ўзбекистон таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси

§ 1. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Қорақалпоғистон давлатчилигининг тараққиёти.....	132
§ 2. Иқтисодий тараққиёт	137
§ 3. Ижтимоий соҳанинг ривожланиши.....	144
§ 4. Халқ таълими, фан ва маданият.....	146

IV-б о б. Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши

§ 1. Демократияни янада чуқурлаштириш. Кўппартиявийлик.....	150
---	-----

§ 2.	Сохта демократларнинг экстремистик йўл билан ҳокимият учун кураши, уларнинг халқ томонидан бадном қилиниши.....	165
§ 3.	VI Сессия. Демократиянинг янги даври.....	181
§ 4.	Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатининг яратилиши.....	190
§ 5.	Суд ҳокимияти ислоҳотлари.....	201
§ 6.	Жамиятни демократлаштиришда оммавий ахборот воситалари ролининг ортиб бориши.....	211

V-6 о б. Сўёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши

§ 1.	Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш — давлат сиёсатининг бош йўналиши.....	223
§ 2.	Миллатлараро тотувликни таъминлаш чораларининг амалга оширилиши.....	239
§ 3.	Миллий хавфсизликни таъминлаш.....	245
	Ўзбекистон: Миллий хавфсизлик — олам бутунлиги.....	245
	Курулли Кучлар — Хавфсизлик таянчи.....	280

VI-6 о б. Иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос тамойиллари

§ 1.	Макроиқтисодийни барқарорлаштиришга эришиш.....	298
§ 2.	Пул-кредит сиёсатининг ишлаб чиқилиши. Миллий валюта қадрининг ошиши.....	319
§ 3.	Хусусийлаштиришнинг амалга оширилиши. Мулкдорлар синфининг шакллантирилиши.....	329
§ 4.	Ўзбекистоннинг замонавий автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторига қўшилиши.....	343
§ 5.	Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида қишлоқнинг ўрни ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари.....	353

VII-6 о б. Ўзбекистонда маънавий-руҳий поканиш. Миллий қадриятларнинг тикланиши

§ 1.	Миллий истиқлол мафқураси.....	366
§ 2.	Маънавий инқироздан чиқиш.....	377
§ 3.	Миллий истиқлол ва Амир Темур омили.....	387
§ 4.	Миллий урф-одатлар, қадриятлар ва аъёналарнинг тикланиши.....	403
§ 5.	Янги жамият қуришда таълим ва тарбия.....	414
§ 6.	Маданий ҳаёт.....	423
§ 7.	Ёшларни Ватанни севиш руҳида тарбиялаш — келажаги буюк жамият қуришнинг муҳим шарты.....	479

VIII-боб. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши

§ 1. Мустақил Ўзбекистоннинг БМТга қабул қилиниши, унинг тарихий аҳамияти.....	496
§ 2. Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ўрни ва мавқеининг ошиб бориши.....	528
§ 3. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан қардошлик муносабатларининг янада ривожланиши.....	540
Хулоса	552

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ

Учинчи китоб

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 2000

Муҳаррир *Ш. Р. Эргашева*
Бадний муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Компьютерда саҳифаловчи *М. Атхамова*
Мусаҳҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Н. Мухамедиева*

Теришга берилди 24.03.2000. Босишга рухсат этилди 19.06.2000. Бичими 60x90^{1/16},
Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 34,5. Нашриёт ҳисоб
табоғи 37,0. Адади 10.000 нусха. Буюртма № 446. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41**